


**«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОШ ТАҲРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ – 2006**



АДҲАМ ДАМИН



сайланма



I
жилд



РОМАН
ВА ҚИССАЛАР



«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОШ ТАХРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ – 2006

Ю 32736
281

Дамин, Адхам

Сайланма. Роман ва қиссалар. — Т.: «Шарқ», 2006. — 336 б.

Ушбу «Сайланма»нинг 1-жилди ёзувчининг 55 ёшида китобсеварларга қилган тухфасидир. Тўпламга муаллифнинг бир романи ва беш қиссаси киритилган.

Роман кўнглида ЭРК ва ЮРТ мустақиллиги орауси бўлган, бироқ бу кунларга етиб кела олмаган оталаримиз ҲАЁТИ ҳақида.

Қиссалар ёшларнинг катта ҳаёт бўёғасидаги турли воқеалардан, азалий дил дарди муҳаббатда сўзлайди.

«Сайланма» кенг китобхонлар оммаси учун мўлжаллаган.

ББК. 84 (59)

20.04

А 670

Alisher Navoiy
nomidagi
O'zbekiston MK

© «Шарқ» маърифёт-матбаа акциядорлик
компанияси Бош таҳририяти, 2006

*Отам Муҳаммадамин
Ҳамдамбек ўғли ва бобом
Ҳамдамбек Юсуфбек
ўғлининг порлоқ хотира-
ларига эҳтиром ила
бағишлайман.*

ҲАЁТ ВА ЎЛИМ

РОМАН



І БОБ

Тонг сахар ташқарида машина овози эшитилгандек бўлди. Акмал кеча Тошкентдан чарчаб келган бўлса-да, барибир уйқусида сергак эди. Аста туриб ховлига чиқди. Болохона остида турадиган сутранг «Москвич» жойида йўқ. Укаси Толибу ундан бошқа ҳеч ким машина минмайди бу уйда. Азонлаб қаёққа кетди экан? Кечкурун ҳаммалари жам бўлиб ош еб ўтиришганда индамаганди. Секин бориб укаси яшайдиган тапқи ховлига кўз ташлади: чироғи ўчиқ, болалари уйқуда. Катта ховлига қайтаркан бувисига¹ кўзи тушди.

— Буви, нима гап? Мошин кўринмайди? Толиб қаёққа кетди? — деди у ховликиб.

— Тинчлик. Яхши ётиб турдингми, болам? — бувиси ўзини хотиржам туттишга уринди. — Даданг билан докторга кетганди.

— Нимага?!

— Тезда қайтамиз дейишди. Пича мазаси қочди-ёв, овхолам. Биласан-ку дадангни, ичимдантон. Қайтишса, ўзинг гаплашарсан. Хавотирланмай кириб ухла, хали вақт эрта.

Акмалнинг уйга киргиси келмади. Фира-ширада ховлидаги валишлардан ой нурида ҳосил бўлган олақўланкаларга, юлдузлари бирин-сирин милт-милт қилиб ўча бошлаган баҳор осмонига бепарво қараб ўйчан кезиб юрди. Бошқа маҳалда бу гўзалликлардан кўнгли чексиз яйраб, ажабтовур маънолар кашф этарди. Ҳозир эса хаёли «Дадамга нима бўлди экан? Бувим ниманидир мендан яширди» деган ўйлар билан банд эди. У ўз саволларига бирор жўялироқ жавоб топа олмади. Охири уйга паршон кирди-да, беихтиёр чироқни ёқди ва бешиқда пишиллаганча ухлаб ётган олти ойлик кизчасига термулиб ўзини-ўзи чалғитишга уринди. «Барно! Барнохон! Ҳадемай катта қиз бўлиб «дада, дада» деб тили чиқади. Ёки

¹ Ойи маъносида. Фарҳоманинг баъзи туманларида буви — ойи, ана — буви маъносида ишлатилади.



онасига тортиб, кўконликларга ўхшаб олдин «ая, ая» дермикан... Кейин у ҳам дадасидек кизчасининг кўлидан етаклаб, кишлок гузаригаги ёлғиз дўконга олиб боради. Барно «уни олиб беринг, буни олиб беринг», дея хархаша қилади, худди ўзининг болалик пайтидагидек. Ўзи ҳам ғирт илунақа эди. Мана, шаҳарга борганига қанча йиллар бўляпти-ю кишлоқда кечган болалигини, болалик хотираларини ҳозиргидек кўп эслайди. Дадам хўп ажойиб-да, уни кўп яхши кўрарди, қаерга борса эринмай ортидан «дум» қилиб эргаштириб юрарди. Барнодек у ҳам тўнғич фарзанд эди-да. Энди эса, Барно каттасига тўнғич набира. Эҳ, каттасига нима бўлди экан?!» У охиста эгилиб кизчасининг юзларини силади, сўнг меҳри жўшиб лўппи юзларидан беозор ўпди.

Хотини бир кўзгалиб уйкусираганча пичирлади:

— Ҳа, тинчликми?.. Кўйинг, уйғонади. Ўзи вингишиб-нингшиб янгитта ухлади. Чироқни ҳам ёқвоганингизни.

— Тинчлик. Негадир уйкум қочди.

— Боя машина овози келгандек бўлдимми?

— Дадам билан Толиб бир жойга кетишибди.

— Ҳа... Унда ухланг, ҳадемай тонг отади.

• • •

Бу пайтда укаси билан дадаси туман маркази — Бағдоддаги шифохонанинг жарроҳлик бўлимига етиб келган эди.

— Яна келдингизми, домла! Сахарлаб-а?! Сўфи азон айтмасдан бурун. Тагин ўша дардми? Ичкандирсиз-да? — деди кирғизқовоқ Наби доктор иккилчи каватдаги «жарроҳлик бўлими» эшиги туйнугани хушламайгина очаркан уйкуга тўймаган кўзларини ҳамқишлоғи Самин домлага ёқимсиз тикди.

Домла ўғлининг ёнида бу гапларни эшитганидан ҳижолат тортиб бошини қуйи солди. Кейин сўник қангда:

— Тезроқ, Набижон, туни билан мижжа қоққаним йўқ, — деди-ю тишини-тишига босганча оёқларини жуфтлади, қўлларини мушт қилиб қонуғининг устига босди.

— Киринг! — Наби доктор истамайгина эшик очиб йўл бошлади. Сўнг тиббий муолажа ҳонасида шприц билан қовуқ тепасидан сийдикни тортиб оларкан, норози гудурлади:



— Нима бало, жонингизда касдингиз борми, домла? Неча марта айтдим — ичманг деб. Туппа-тузук тушунган одамсиз, ахир! Худо кўрсатмасин, бу туришда сийдик танангизга тарқаб кетса... Ёки яшаш жонингизга тегдими?

«Тегди» деб юбораёзди домла сал бўлмаса. Лекин ўзини босди. Дардини аритаётган одамга терс гапириш яхшимас. Нима бўлганда ҳам Набижон — доктор. Аммо негадир бу гал Наби жаррохнинг қўли оғир кимирлаётгандек, ипчи ҳам кийин кечаётгандек туюлди — оғрик жонидан ўтиб, кўз олди қоронғилашди. Хатто у ишни тутатгандан кейин ҳам ўзида оз бўлса ҳам енгиллик сезмади...

Кетишларида Наби доктор масалани узил-кесил қўйди:

— Домла, операция қилдирмасангиз бўлмайди. «Простата» беши катталашиб кетган. Бу ёнига ҳазили йўқ. Олиб ташлаш керак! Бўлмаса, у яна шишиб, сийдик йўлини тўсаверади. Айниқса, ичганда хуружи кучайиши ўзингизга ҳам маълум. Кўнмасангиз оқибати ёмон.

Домла бу кескин гапдан аввалига бошига мушт тушгандек қарахт бўлиб қолди. Хаял ўтгач, ўзига келди-да:

— Набижон, тўғрисики айт: Сулаймон домла ҳам шу касалини сенга операция қилдириб ўлганмиди? — деди унинг юзига тик қараб.

— Энди у кишини қўйинг! — Наби докторнинг ранги қув оқариб, жаҳли чиқди. — У киши саксондан ошганди. Бошқа дардлари ҳам бор эди.

— Балки операция қилдирмаганда узокрок яшармиди? — деди-да, домла эшик томон юрди. Негадир бу гал домланинг эсига раҳмат айтиш ҳам келмади. Бу эса Наби докторга оғир ботди. Тагин Сулаймон домлага писандаси-чи... Қилган яхшиликларига раҳмати шу бўлдики!

— Домла, — орқадан Наби докторнинг зардали овози келди. Домла эшик туткичидан унлаганча ўғрилиб қаради. — Агар-да яна ароғ ичиб шу ахволда келсангиз қарамайман, билиб қўйинг! Бу ерда сиздан бошқа ҳам мингта танишимиз бор. Сиз бўлсангиз кунда-шундасиз, ичмаган кунингиз йўқ, уялмайсиз ҳам. На кишининг айтганини қилмайсиз. Бу қанақаси ахир?!

— Ўчир овозингми! — домла охири чидаёлмади. — Насихатингни бошқаларга қил! Мен сени ўзимизники деб...

— Ман ҳам сизга ачинганимдан, ўқитган домлам



бўлганингиз учун, ҳамкишлоғим бўлганингиз учун айт-
япман...

— Келмайман! — Самин домланинг кўзларидан наф-
рат ўти чакнаб, кўлини зарб билан силтади. — Сени
ҳам, банисангни ҳам елкаминг чуқури кўрсин! Ўлсам
ҳам келмайман!!!

Домланинг вазоҳатини кўриб Наби доктор хушёр
тортди, бироқ бирор нарса деб дафъатан жавоб қилолма-
ди. Шифохона энгиги тараклаб ёпилди. Шунда Наби
доктор кўлида тиг ушлаганида эмас, балки тилига эрк
бериб катта хатога йўл қўйганини пайкади... Лекин фиш
колиддан кўчганди. Айтилган сўз — отилган ўқ!

II Б О Б

Самин домла касалхонадан кайтгач, Наби докторнинг
очиқдан-очиқ айтган гапларидан аввалига дили каттик
ранжиган бўлса-да, барибир кўнглининг бир четида
унинг ҳақлигига ҳам иймон келтирди. Ахир шу зорман-
да ичкилик қачон, кимга бахту омад келтирибдики, унга
яхшилик келтирса. Ҳамма қора ишлар асли шундан бош-
ланади-ку. Мана, оқибати — уни ҳам бемаъни «чол ка-
сали»га гирифтор этди. Аслида-ку олтамишдан оғиб на-
фақага чиққан, «тирикчилик — тиррикчилик» деб ҳамон
мактабда ўралашиб болаларга ваъз ўқиб юрган одамга
сира-сира бу ярашмаган иш. Бу ёғи болалар ҳам улғайиб
қолди. Қолаверса, эл-юрт, маҳалла-қўй олдида ҳам уят.
У қишлоқдагина эмас, бутун бошли туманда ўз обрўсига
эга муаллим. Бирок, бир томондан у турмушнинг не-не
азоб-уқубатлари-ю, кийинчиликларини тотмаган, не-не
кирғинбарот ва қатағон даврларни кўрмаган. Қанчадан-
қанча тенгкурлари бу кўргиликларга дош беролмай эрта
хазон бўлишди, кўплари эса немис урушида ўлиб кетиш-
ди. Қолган-кутганигина кўрсатганга шукур қилиб, мусу-
чаи безаволдек умргузаронлик қилмоқда. Омадмикан
ёки худога хуш келиб қолган жойи бормикан, у барига
мардона туриб омон-эсон шу ергача етиб келди, эгилма-
ди, букилмади, синмади, сотилмади. Аммо ўша алғов-
далғов кунларнинг мудхиш асорати юрагининг тубида
бир умр муҳрланиб, қора доғ бўлиб қолди. Эслаганда
юраги қон, дили хуфтон бўлади, борлигини зулмат
чулғайди. Шундай пайтларда ўқувчиларига бу манфур
замона ҳақида ич-ичидан илғаган бор ҳақиқатни оқиз-
май-томизмай айтиб солгиси келади. Лекин айтолмайди.



Мана шу — биргина «айтолмагани»дан дили баттар куяди, бутун вужуди қоврилади, виждони эзилади. Аслида-ку бу дунёда дарди йўқнинг ўзи йўқ. Аммо дилда борини тилингга чиқаролмай, ҳақиқатни айтолмай дардингни ичингга юта-юта зимдан қийналиб юришдан овири бўлмаса керак. «Айтсанг — уйинг куяди, айтмасанг — дилинг...» Қурмагур мана шу ароқдан «қитак»ни ичганда ўтмишни ҳам, айтолмаган дардларингни ҳам бир оз унутгандек бўласан. Гоҳида эса бунинг акси бўлади, улфатинг ўзингга хуш келиб қолса, унга ишониб юрагингнинг туб-тубидаги дардларни, армонларни тўкиб соласан. Ўтмишни бузиб кўрсатаётган «кўзбўямачилар»ни бўралаб сўкасан, даврга, замонага дарғалик қилаётганларнинг тутган йўлидан ошқора нолийсан... Лекин сенинг бундай ҳақ гапларингни жон қулоғи билан тинглайдиган мард қани? Тинглайди-ю, чурк этмайди, ёлғондакам бош кимирлатиб маъқуллаган бўлади-ю, бир оғиз гап қўпмайди. Кейин тезроқ сенинг ёпингдан жилиб қолиш тараддудига тушади. Ахир юрак ютиб айтилган дангал гапларни эшитишга ҳам юрак керак, юраги бор эркак керак. Давр эса қўлларнинг юрагини аллақачон захарлаб бўлган: тили ботир одамнинг олдида узок ўтиришга ҳам бардоши етмайди.

Домла буларни яхши билади. Лекин нима қилсин, ўтмиш ўзининг қаро қилмишини қилиб кетган — замона зўрники, томоша — кўрники бўлгач... ўтмиш, ҳаёт, умр, вақт — оқар сув, қайтиб келмайди. Қоплони йўқ ўрмонда чиябўри ҳукмрон. Чиябўри — айёр, чиябўри — хийлакор, чиябўри — қўрқок. Шунинг учун унинг сиёсати ҳамма нарсадан устун. Гоҳида бир оғиз гап бошингга не балоларни ёғдирмайди, икки одамни дўст деб бирга ўтирсанг, қулфу дилингни очсанг, албатта, уларнинг биттаси чакимчи, хуфия агент, коммунист — тузумни ёмон деганларнинг танобини бирпасда тортиб қўйишга устасифаранг бўлиб чиқади. Бирок ундайлар ўзларини сира сездирмайди. Сотқинларнинг юмуши ҳамиша пинҳон. Шундан-да, кимга ишонишни билмайсан. Олтимиш йил буларни — тузумнинг алдов-салдов широрларини, гапларини, ўзбекнинг қўл-оёғинигина эмас, ҳатто оғзини ҳам боғлаб ташлаганларини кўрган одам, кўрганларини ичига юта-юта дарддан юраги тошга айланган одам нима қилсин, аламинин, қасдини нимадан олсин!.. Ёлғиз ичкиликкина дардини бир оз енгиллатади. Шундай бўлгач...

Домла Наби докторга айтирини айтиб, ундан ҳам эшитадиганини эшитиб келган кундан сўнг бир ҳафта юкоридаги аччиқ ўйлар гирдобида ичкиликдан ўзини тийиб юрди. Лекин май ойи келди-ю байрамларга кун туғди. Совет тузумининг нимаси кўп — ўзини-ўзи улуғловчи календар вароғида қон ранг — қизил билан белгиланган байрамлари кўп эди. 1-Май — Бутун дунё меҳнаткашларининг Халқаро бирдамлик куни арафасида мактабда бўлган ўтиришда яна даврадагиларнинг ширин сўзларига таслим бўлди — ичиб юборди. Барибир майиб эътикод, ўрганган кўнгил ҳаёлдаги ҳақиқатдан, ҳаётдаги аччиқ қисматдан устун келди. Касали биров хуруж қилди-ю ўтиб кетди. Кейинги байрамлар — 5 май радио кун, 7 май матбуот куни ҳам оз-оздан ичишга тўғри келди. Орадан икки кун ўтгач, 9 май Буюк ғалаба куни эди. Унинг ҳам немис-фашист босқинчилари устидан қозонилган ғалабада муносиб улуши бор, ичмай бўладими? Болохонага жой қилиб, хизматдон тенгдошларини уйга чорлади. Байрам байрамдек ўтди. Чиройли сўзлар айтилди, ғалаба учун, ғалабага ҳисса қўшганлари учун, ҳалок бўлганлар учун ва ўзларидек Совет Ватанини химоя қилиб тирик қолганлар учун пиёла тўла ароқлар бирин-бирин бўшатилди. Тунда дарди қайтарилди. Азобига инсон зоти чидаб бўлмасди. Аммо домла бир илож қилиб тонггача чидади. Бироқ бу сафар ўғли Толибжонни безовта қилишга ҳам ботинмади. Ўзидан, иродаси сустлик қилиб ичганидан уялди. Ахир ўғли Наби доктор айтган барча гапларни эшитган. Сўнг, тоқайгача уни ҳам ўзининг бедаво дардига шерик қилиб етаклаб юради.

Азон туриб кийинди, бир сумкага енгил-елпи уст-бошларини солиб, зарур ҳужжатларини олиб йўлга отланди.

— Ҳа, қаёққа? — хотини саволига жавоб ололмай ортидан кўчагача эргашиб чиқди. Ниҳоят у хотини томон ўгирилиб шундай деди:

— Агар бугун келмасам, мени кутманглар. Фарғонага — вилоят банисасига бораман, олиб қолишса, ўша ерда қоламан.

— Вой, ўлмасам! Намунча, дабдурустдан? Ҳеч бўлмаса, Толибнингизни уйғотай, районгача кузатиб кўяр.

— Керакмас! Безовта қилма! Балки райондан қайтарман.

Меҳринисо опа эри бунчалик тез йўлга отланганини ҳам, унинг не қарорга келганини ҳам дарҳол англади.



Ахир эрининг дарди унга аси. Шунинг учун сўнгги вақтларда «дардга енгил-елпи қарамай, охиригача яхшилаб даволанинг» дея ҳар куни эси кетарди. Эри булса, докторхонадан дарди ариб қайтгач, яна ҳеч нарса кўрмагандек ишга — уйлари ёнидаги мактабга чиқиб кетар, докторларнинг ўғити-ю, унинг ёлворишларига қарамай гоҳида тагин ишдан сўнг ичиб маст ҳолда қайтарди. Бундай кунлари, албатта, касали кўзиб, тун азобга айланарди. Лекин ўғли Акмал Тошкентдан қайтган куни сахармардонда шифохонага борди-ю, кўнгли синиқ қайтди: аввалгидек очилиб-сочилив гаплашмади. Бир кун бу ҳақда сўрагани «Мен Наби докторни одам деб, ўзимнинг ўқувчим деб, ўзимизнинг қораларахтнинг одами деб юрувдим, адашган эканман», деди-ю бошқа бу тўғрида чурк этмади. Демак, Набижон тушмагур нимадир деган... Мана энди шунинг аламига Бағдод докторлари қолиб, Фарғонага кетармиш... Зора, худо инсоф бериб райондан қайтса. Узокнинг иши кийин, олтмин-етмиш чакирим йул юриб ҳар куни ҳолидан ким хабар олади? Дардчил одамнинг кўнгли яримта бўлади, икки кўзи эшикда бўлади, ортидан одам келмаса дили оғрийди. Докторхонанинг овқати ҳам ҳаммага маълум: оч қолдирмайди-ю, еб-ичиб барака топмайсан. Лекин эрининг шу — бир сўзлиги, қайсарлиги чатоқ-да. Айтганидан қолмайди. Биров юз гапирсин, минг гапирсин, барибир ўзиникини ўрал дейди. Ха, майли, ишқилиб, дардига ҳудовандикарим тезроқ шифо берсин-да. Болаларининг бахтига боши омон бўлсин...

Эрталаб чой ичиб ўтираркан, Толиб сўради:

— Буви, дадам қани? Ё мактабга кириб кетдимми?
— Йўқ, — деди Меҳринисо опа. — Сахар туриб, докторга — Фарғонага кетяпман, қайтмасам — қоламан, деб бир сумкага кийимлари-ю чойнак-пиёласини солиб чиқиб кетди.

— Нега мени уйғотмадингиз?
— Даданг унамади.
— Аксига олиб бугун ишхонамга текширувчилар келмоқчи эди. Шифохонада ётиб тузалиб олинг, десам кўнмаётганди. Энди бирдан... Лекин Фарғонага бориб нима қиларкан?!

— Таъвишланма, кутайлик-чи. Балки райондан қайтарман ҳам деди. Ажабмас, ҳар галгидек дарди ариб райондан қайтса. Айтмоқчи, охирги борганларингда Наби аканг нима деганди? Ўшандан буён шанги паст.



— Дардингиз оғир эмас, лекин операция қилиш керак, бундай юраверманг, агар яна ичиб шу аҳволда келсангиз ёрдам бермаймиз, деганди. Кейин яқинда мени кўриб тагин «дадангни бир илож қилиб кўндиргин» деб тайинлаганди... Бу гапларни акамга айтгандим. У Наби доктор билан ҳам, дадам билан ҳам ўзим гаплашман деганди...

III БОБ

Домлани вилоят шифохонасининг урология бўлимида ўртабўй, тўладан келган, ўзбекчани териб-териб гапирадиган ўттиз икки ёшлардаги бўлим бошлиғи тожик йигит Хайрулло қарши олди. Аҳволни кўриб ортиқча савол-жавобсиз туман шифохонасидагидек биринчи ёрдамни кўрсатди, касаллик тарихи ҳақида сўраб-суриштирди, йўлланмасиз келганига шама қилиб ўтди. Сўнг:

— Болалардан нечта? — деб сўради.

— Ўнта.

— Ўх-хў! Қахрамон отаман денг. Бой экансиз.

— Тўрт ўғил, қолгани қизлар, — домла ғурурланиб жавоб қилди.

— Ўғилларингиз катта бўп қолгандир?

— Иккитаси уйланган. Каттаси Тошкентда — олим бўлмоқчи. Кейингиси ўзимизнинг Бағдодда — суғурта идорасида бошлиқ. Кичиклари мактабда.

— Яхши, — деди Хайрулло. Кейин дабдурустан сўради: — Операция қилсак қаршимасмисиз?

— Бошқа иложи йўқми? — Самин домланинг пешонасида ажинлар кўринди.

— Йўқ. Вакт ўтган.

— Унда... майли, — деди домла овози қалтираб. Шунда баданидан совуқ бир нарса ўрмалаб ўтгандек бўлди.

— Олиб қоламиз. Аслида йўлланмасиз мумкин эмасу... Келаси ҳафтага операцияга тайёрлаймиз. Унгача ўғилларингиз билан ҳам бир маслахатлашиб оларсиз. Кап-катта йигитлар экан — тушунишар!

• • •

Домлани тўрт кишилик палатага жойлаштиришди. Кираверишдаги эпикка яқин қаравотгина бўли экан. Тўрдаги икки ўринда айни унингдек «чол касали»га чалинган марғилонлик муаллим ва Фарғона шахридан кек-



са бир чол ётар, иккиси ҳам яқинда операциядан чиққан, қорнидан ердаги шишачаларга осилтириб шланг улаб кўйилганди. Рўпарадаги каравотда ётган корачадан келган йигит касалга ҳам ўхшамасди.

Домла ҳамхоналари билан наридан-бери сўрашиди-ю, кечаси билан қийнаган дард азобиданми ёки йўл қокиб қўйганиданми суҳбатга рўйиҳуш бермай дарров ўринга чўзилди ва кўзаларини юмди. Лекин уйқу эмас, хаёл олиб қочди уни шу топда.

Доктор ёш экан, қўли ҳам енгил чиқар. Аммо негадир локайдрок... гап сўрайди-ю, аммо жавобингга бефарқ — бир туки ўзгармай эшитади. Жарроҳ-да, кассобдек қондан сесканмайдиган киши бировнинг гапидан эти ўзгарсинми?.. Болалари хақида сўради-ю оиласи хақида индамади. Операцияга ҳам ўзидан бошқаларнинг розилиги билан иши бўлмади. Тўғри, болаларини сўради, лекин нега ўнта болангиздан бири ёнингизда келмади, демади. Хўш, деганда-чи?.. Бу дунёда бориб-бориб ҳар ким ўзидан ортмай қоларкан, дермиди? Қизлар бировнинг хасми, ҳаммаси ўзидан тинчиган, шунисига ҳам шукур. Тўнғич ўғли — Акмал Тошкентда, университетда ўқиди, кейин олим бўламан деб ўша ерда қолди. Мана, яқин ўн йилдан буён илмий-текишириш институтида олимлик даъвосида сарсон-саргардон. Бирок шунча йилдан буён на унинг олимлигининг учини кўринади, на қишлоққа қайтади, уйга ҳам, оилага ҳам бир тийинлик нафи йўқ. Бундан уч йил олдин аранг уйланди. Олдиниға «ўламан обло, ишим қолиб кетади» деб қўнмай охири зўрға унади: ўзидек Қўқондан Тошкентга ўқишга борган талаба қизни топибди. Ёши ҳам ўзидан нақд тўққиз ёш кичик. Келини бу йил ўқини битираётган эди. Орада набираси Барноҳон туғилиб қолди-ю, шундан бери она-бола қишлоқда, шу сабаб ўғли ҳам қишлоққа анчайин серкелди. Илгарилари ҳарбийга кетган солдатдек олтин ойда ёки йилда бир келарди. Энди келганда ҳатто Дашқишлоқдаги мазорга — қаттасининг қабрининг зиёратига ҳам борапти. Ишқилиб, унинг қўнглига ҳам худо қишлоғига, она юртига, авлод-ажлодига бўлган меҳр-муҳаббатни кўпроқ солсин-да!

Лекин сўнгги пайтларда ота-болага ўхшаб сира очилиб-сочилиб гаплашишмаган. Ўғли ҳам ўзидан баттар қайсар, айт деса, байт дейди. Мактабни битириб, Тошкентга ўқини бораман деди. У рўйиҳушлик бермади. Ўзи кетиб, ўзи университетнинг химфагига кириб келди. Би-



тиргач, Тошкентда қоламан, деди. Бу гапни эшитиб, фияонн фалакка чиқди, ўғлини уйдан қувиб солди. У шу кетганича роса бир йил қорасини кўрсатмади. Хотини ўғлингизнинг ҳолидан хабар олинг, деб худонинг зорини қилди, лекин у айтганида туриб олди — даракламади. Уйланиш борасида ҳам юрагини қон қилган: роппа-роса университетни битирганига саккиз йил бўлганда, ёши ўттиздан ошганда уйланди. Фарғонада бунақаси бўлмаган. Шунақа ўғилдан қайси отанинг кўнгли илйиди? Ахир барча оталар каби унда ҳам орзу хавас бор эди, ўғлим маълумот олса, уланса, бола-чақали бўлса, сўнг ёнимга кириб, рўзгорнинг корига яраса деганди. Бу бўлса...

Ҳозир ҳам уйга меҳмондек келади-ю кетади. Бир тийиннинг қорасини кўрсатмайди. Тўғри, шаҳарда топгани қоридан ортмас. Шундай бўлгач, нега кишлоққа қайтиб қўя қолмайди? Олим бўламан, деб ҳамон чучварани ҳам санаб юрибди-я. Олимлик — қорни тўқ, усти бут, орқасида тирговичи бор одамнинг иши. Э, болакайей... у йўқ-бу йўқ ўзиниям, умриниям, мениям хароб қияпти-да...

Ҳа, майли, барчасини Парвардигорнинг ўзига солдим. Бу дунёда нима ишлар бўлса, унинг амри, унинг иродаси билан бўлади. Бир кун келиб инсофга кириб қолар.

Лекин минг қилса ҳам яқинда келганида унинг Толиб билан тунда касалхонага борганини билиб, Наби доктор билан гаплалшибди-ку. Ўша куни уйда ёлғиз ўзи минг хаёл билан каравотда оёғини осилтириб ўтирганча телевизор кўраётганди, олдида келиб айтган гаплари ҳамон қулоғи остида. Барибир, ўкиган, шаҳар кўрган бола-да.

— Дада ҳаммасини эплтдим, — деганди ўғли бошиқлик билан. — Ўзингиз тушунган одамсиз. Бунақа қилиб, азоб чекиб юрманг. Ахир дардни яширсанг — истимаси ошқор қилади, дейишади-ку.

Ўғлининг овози салмоқли, жуда узоқдан келаётгандек, бирданига у ўн-ўн беш ёшга улғайиб қолгандек туюлганди ўшанда. Аммо негадир унинг гапларига бир оғиз жавоб қилмади. Фақат «нима қил дейсан» дегандек унга зимдан қараб турди.

— Тошкентда жарроҳ танишим бор. Сизни бирга олиб кетаман. Ўшанга кўрсатаман, ўзим даволатаман. Бунақа арзимас касалларнинг нечтасини эплтганман,

хатто кари чоллар операция қилдириб, сал кунда тузалиб кетишади.

— Қўй, ўғлим, нима бўлса пешонамдан. Сенинг ўзинг мусофирчиликда бировнинг хонадонида сиғинди бўлиб ижарада турсангу, камига мен ҳам у ерга бориб олсам. Сичқон сиғмас инига, балвир боғлар думига, дейишмайдими?

— Бўлмаса, мен олдин бориб ўша врач оғайним билан гаплашиб кўрай.

У индамади: гаплаш ҳам демади, бораман ҳам. Аммо ўғлининг бир келганда «бировникида сиғинди бўлиб туриш ҳам жонга тегиб кетди, агар хўп десангиз шаҳардан бирорта арзонгаров уй-жой ёки кооператив квартира олсам» деган гапларини эслади. «Йўқ, менинг сенга берадиган ортиқча бир тийиним йўқ» деб ўшқириб берганди ўшанда. Шундай гапларни айтган одам энди ўзи бировларникида яшаётган ўғлининг квартирасига бориб олсинми?..

IV БОБ

Битта палакда неча хил қовун битади деганлари ҳаққол рост экан.

Ўғли Толиб акасига караганда анчайин кўнгилчан чиқди. Мактабни битиргач ҳам акасидек узокни орзуламди. Ўқишга Фарғонага борасан деганди, бир офиз гапини кайтармай, кўнди. Омади чопиб ўша йили Фарғонада очилган қишлоқ хўжалик институтига кириб кетди. Битириб, ўзларининг колхозига иқтисодчи бўлиб қайтди. Лекин у ҳам бошида ўзидек бировга бош эгишни билмаслардан эди. Кўнглида борини шартта-шартта айтарди. Колхоз раҳбарлари эса бунақаларни унчалик хушламайди. Чунки хўжаликда ҳадеб тўғри гап билан иш юритиб, ойлик билан эса қозон қайнатиб бўлмайди. Толибга ўхшаганлар эса институтда олган ҳаёлий ҳақиқати билан бусиз ҳам аранг юриб турган хўжалик ишларининг белига тепиши мумкин.

Сал ўтмай ҳар ишда ўз фойдасини биладиган Бадал раис ҳам, унинг муовини Бегмат писмиқ ҳам Толибжоннинг аслида қўйниларидаги илон эканлигини сезиб қолишди. Айниқса, хўжалик парткоми — коммунистик фирка кўмитасининг котиби, бўлгани ўнинчи синф маълумоти бор, буving устига умрида совет мактабидан бошқа ерда тарбия кўрмаган Бегмат писмиқ ёш кадрлар-

дан, олий маълумоти борлардан доим ҳадиксираб юрарди. Аслида иккиси ҳам Самин домланинг ўқувчилари эди, устозларига ҳурмат юзасидан унинг биргина ўғлини қанотлари остига олишса ҳақлари кетмасди. Лекин Толибжон тушмагур ҳам тиниб-тинчимаганлардан бўлиб чиқди. Хўжалик иқтисодидаги бечакки сарф-харажатларни икки-уч мажлисда дангал гапириб, уларнинг ҳафсаласини пир қилди. Шундан кейин районда бирор иш жойи бўлаб, район катталари хўжаликлардан ёш, иқтидорли, ўсадиган кадрлар борми, деб сўраб қолишса, улар бир овоздан Толибжонни кўрсатадиган бўлишди. Аммо ўзлари бу жойларга, албатта, фирма аъзоси бўлган ёшлар олиншини яхши билишар, Бегмат парткомнинг иш столи ғалабонида эса Толибжоннинг коммунистик фирма аъзолигига ўтиши учун берган аризаси-ю, уч кишининг тавсияномаси анчадан буён навбат кутиб ётарди. Фирма аъзолигига номзодликка ўрин бўлганда эса каттароқ амалдорлардан илтимос тушиб қолар ва ўз амалининг қули бўлган бу одамлар иссиқ жойларининг совушидан кўркиб, улар чизган чизикдан чикмасди. Бунинг учун бир ҳисобда уларни айблаб ҳам бўлмасди, чунки бу ҳол — мустабид тузумнинг бир-бирига чирмашиб кетган бошқарув усулларида биргина намуна эди, ҳолос. Унинг биронта ҳаром тукини юлсанг, аъзойи балани қакшар эди.

Бу орада иқтисодчи сифатида сир очишларини бас қилсин деб, Толибжоннинг ёшлигини, ташкилотчилигини мақтай-мақтай хўжалик комсомол ёшлари ташкилоти котибиятига муовинлик лавозимига ўтказиб қўйишди. Янги ишда ҳам фидокорона ишлаб ўзингизни кўрсатсангиз тез орада фирма аъзоси ҳам бўласиз, дейишиб ваъда ҳам беришди. Хуллас, яна бир йилдан сўнг, ариза берганига роппа-роса уч йил тўлганда ноилож уни коммунистик фирма аъзолигига номзодликка ўтказишди. Шундан сал кейин собиқ комсомол котиби ўз соҳаси бўйича бошқа ишга ўтиб кетди. Бу ўринга барча Толибжонни муносиб деб ўйлаганди. Бироқ раису партком собиқ котиб ўрнига Толибжон қолиб, бу ерда ишлаб кетган аввалги раиснинг ўғлини келтириб қўйишди. Институтни битириб эндигина хўжаликнинг трактор паркида муҳандисга ёрдамчи бўлиб ишлаётган Тиркаш фирма аъзоси бўлиш нари турсин, ҳатто комсомолга ҳам аъзо эмас экан. У на мактабда, на институтда, на ундан кейин бу ҳақда ўйламаган экан. Отаси қўшни хўжаликда раис,



20.04

А 640

Alisher Navoiy
nomidagi
O'zbekiston Mh

амакиси вилоятда кишлоқ хўжалиғи соҳасида катта амалдор. Бундай одамларнинг фарзандлари албатта кўтарилиши керак. Кўтарилиш эса комсомолдан, фиркага аъзо бўлишдан бошланади. Тиркашвой янги ишга ўтишидан бир кун олдин комсомолга аъзо бўлди, эртасига фирма аъзоси номзодлиғига ўтди, хар ишни ўйлаб, ўз фойдаларини кўзлаб қиладиган фиркачилар ҳеч иккиланмай Тиркашвойга бир-биридан чиройли тавсиялар ҳам ёзиб беришди.

Бу ноҳақликдан сўнг, Толибжон хўжалик раҳбарлари кимнинг ноғорасига ўйнашини, коммунист номини олган Бадал раис ҳам, Бегмат писмик ҳам аслида майда лаганбардор, бугунги амалидан, ўз курсисидан нарини кўра олмайдиган қўрқоқ ва олчоқ одамлар эканини чуқур хис этди. Хай аттанг, шу пайтгача фирма аъзоларини осмондаги ой деб юрган экан-а. Толибжоннинг ишидан кўнгли совиди. Нима бўлди-ю, шу орада район фирма кўмитасидан яна бир бор ёш кадрлар сўралди, шунда уни рўпара қилишди. Район фирма кўмитасининг қабулига борди-ю, у ердан райкомнинг кишлоқ хўжалик бўлимига йўриқчи бўлиб чиқди. Жонини аямай куну тун ишлагани учунми, бир йилдан сўнг ҳақиқий фирма аъзоллиғига ҳам қабул қилинди. Хар ҳолда Бадал раис, Бегмат парткомлардек фикрламаса-да, коммунистчасига фидокорона меҳнат қилишни ўрганиб олди: ҳеч қачон амали ўзингдан катта одамнинг гапини қайтариш, муҳокама қилиш керак эмас, ҳатто у жинни бўлса ҳам, бемаъни гапларни айтса ҳам. Чунки унинг хар бир гапи — буйрук, вожиб. Шунинг учун уларни муҳокама қилиб ўтиргандан кўра, сен ҳам амали ўзингдан кичикларга бақир, ҳисобот талаб қил, буюр. Бу жуда олдий — коммунистчасига ишланг усули эди. Агар мана шунақа — амалига қараб муомала қилмасанг, атрофиндагилар сени эзиб, йўқ қилиб юборади. Бу ерда ақл эмас, сиёсат, хийла, лаганбардорлик, раҳбарларнинг кўнглини тинчитадиган гаплар, ахборотлар, ҳисоботлар, мақтовлар, ваъдалар иш беради. Бу каби ёлғон гаплар ва ваъдалар эса оғизлардан қоғозларга, қоғозлардан турли-туман ҳисоботларга кўчади. Сўнг улар ҳақида биринчи раҳбар афкор омма олдида оғиз кўпиртириб гапиреди. Одамлар эса амалдорларнинг гапини икки қилишга ўрганишмаган: ёт деса ётади, тур деса туради. Ахир ким ҳам амалдор билан олишиб обрў топибди. Гапирсин, оғиз қийшиқ бўлса ҳам бойнинг ўғли гапирсин, деб эскилар бекорга айтиш-



маган-ку! У ҳам бу каби айтилмаган, ёзилмаган қонул-қондаларга тез ўрганиб, аввалги Толибжондан — ҳақиқий коммунист Толибжонга айланди. Ахир бир фирқанинг аъзоси бир хил бўлиши, бир хил фикр юри-тиши керак-да. Институтдаги ҳақиқат хусусидаги тасав-вурлари ҳам ёлғон қасамдек унутилиб кетди. Бора-бора ўзлари яратган ёлғон ҳаёт — ҳақиқий ҳаёт, халқ, заҳмат-каш халқ ҳаёти парда ортидаги ҳаётга айланаркан. Пар-дани кўтариб, у ҳаётни кўришга, назар солишга эса фирқачининг бўш вақти йўқ. Бўлганда ҳам бўш вақтни бундай бемаъни томошага эмас, арзирли бошқа бирон нарсага сарфлаш керак эмасми, ахир?!

Самин домла ўғлида пайдо бўлган бу итбаткорлик ва етов, вақти келганда ҳокимлик қилиш руҳини кейинроқ тушуниб қолди. Лекин энди кеч бўлганди, Толиб ҳам, унинг Толибжони ҳам коммунистлар эккан дарахтнинг бир шохига айланиб бўлганди. Энди у ҳам одамларни ав-вало одам бўлгани учун эмас, биринчи галда ана шу одам-ни амали учун ҳурмат қиларди. Жойи келганда бош-қалардан ҳам ўзига нисбатан шундай аъзоини кутарди.

Бу гапларни афсус билан эслар экан, Самин домла яна хотираларга берилди. Хўжалик марказидаги мактаб-да сал кам ўн беш йил жисмоний тарбиядан дарс берган-дан кейин ўз қишлоғидаги саккиз йиллик мактабга ди-ректор бўлиб келди. Уруш йилларида ҳарбийда бўлиб, тартиб-интизомга ўрганиб кетган одам эмасми, қаерда бўлса ҳам энг аввал барчадан ишни, еган нонини ҳалол-лаб сийиши талаб қиларди. Конспект ёзмай келган ўқитувчини дарсга қўймасди. Унинг бундай кат-тикқўллигидан ўқитувчилар зир титрарди. Шунданми, бир гал уларнинг уч-тўрттаси йиғилиб, унинг устидан райкомнинг биринчи котибига шикоят ёзишибди. У вақтлар имзосиз хатни ҳам обдан текшириш одат эди. Ахир тепага ўрнашиб олиб, одамларни биз бошқаряпмиз, ҳаммадан ақлли ҳам биз дегувчиларга иш ҳам керак-ку! Ахир қуйи табақала канчалик нотинчлик бўлса, уларга насиҳат ўқиб, тўғри йўлни кўрсатиб, жазолаб, рағбат-лантириб... хуллас, қўйинг-чи, бошқариш осон эди-да.

Тафтишчилар «юмалок хат»даги бирорта фикрни тўғри деб топишмади. Фақат ортиқча асаббузарлик бўлди, ҳалос. Улар кетгач, эртаси куни РайОНО муди-ри кўнғироқ қилиб, уни шахсан биринчи котибнинг ўзи — Назир Фуломович йўқлаётганини айтиб, мактабга машина юборди.



У кириб борган кенг, ёруғ, узун стуллар қуршовидаги катта стол тўридаги креслода савлат тўкиб Назир Фуломович ўтирарди. Шундоқкина боши тепасидаги деворда коммунистларнинг раҳнамоси — тарих бузғунчиси Лениннинг сурати. Гўё Назир Фуломовичнинг ўйлаб-ўйламай айтадиган ҳар гапига мадад бераётгандек бир қўлини кўтариб олдинга имо қилиб турар, эгнидаги костюмига чамбарак қилиб қонранг қизил лента тақилган, дераза ёнига эса қийирхон қилиб Қизил Байроқ осилган.

Домла бу ҳашаматлардан иймангандек, бир йўқсиллар дохийси Лениннинг суратига, бир ўзимизнинг ўзбеклардан чиққан унинг муриди — райком секретари Назир Фуломовичга қараб, аста бориб салом берди. Назир Фуломович ўтирган кўйи бош иргиб алик олди. Кейин бир қўли билан ўтиришга ишора қилиб стул кўрсатди. У ўтиргандан сўнг синчков тикилиб ясама босиқлик билан сўради:

— Домла, устингиздан шикоят тушибди.

Дабдурустдан айтилган бу гап гўё унинг устидан совуқ сув куйгандек бўлди. Хаёлидан минг турли нохушликлар ўтди. Лекин домла тезда ўзини ўнглаб жавоб қилди:

— Ҳа, имзосиз хат. Тухмат!

— Хабарим бор, домла! Қизишманг! Сиз сира кўнгилни бузмай ишлайверинг! Мактаб — табаррук жой. Бундай жойларда сизга ўхшаш принципал, бир сўзли, ҳақиқатгўй одамлар ишлаши керак. Биз эса бундай одамларни ҳамиша қадрлаймиз.

— Раҳмат! — деди домла котибнинг гапни айлантириб турганини сезса-да, унинг далдасидан кўнгли кўтарилиб. Лекин кўнглидан «Фақат раҳмат эшитиш учун мени бу ерга чақирмагандир-ку» деган ўй ўтди. Ахир баъзан одамлар ойлаб навбатда туриб котибнинг олдига киролмай дарди ичида кетишади-ку. Демак, бекорга йўқламаган.

— Домла, биламан, катта бир мактабни бошқаряпсиз, ёш авлодга коммунистик руҳда таълим-тарбия беришдек муқаддас ишимизнинг бошида турибсиз. Ишингиз ҳам оғир, ҳам шарафли. Бунинг учун Сизга тахсан ўз номидан, Ленин партияси ва қудратли Советлар Ватани номидан ташаккур! Лекин кизик, шу пайтгача партия сафига ўтмабсиз — коммунист эмас экансиз?

— Шундай. Аммо коммунист бўлмасам-да, сира виждонимга хилоф иш қилмаганман.



-- Виждонни кўя турайлик! Сизга маслаҳатим шу: тезроқ партияга, бизнинг сафимизга ўтиб олинг! Агар гапим маъкул келган бўлса, hozирок ариза қолдириб кетинг, эртагаёқ бюрода кўриб чиқиб, номзодликка ўтказамиз. Тавсияларни ўйламанг: биз сизни биламиз. Ана, РайОНО мудир беради, бир оғиз сўзимиз. Қолган иккитасини ҳам ўзимиз тошамиз. Шундай қилсангиз, ўзингизга ҳам, бизга ҳам яхши бўлади. Ортиқча гап-сўзлар камаяди. Биз ўз маслақдошларимизни ҳар қандай шароитда ҳам химоя қила оламиз. Улар — ўша ёзувчилар, мана шуларни ҳам, яъни раҳбар бўла туриб коммунист эмаслигингизни ҳам ёзишибди. Биласизми, районимиздаги мавжуд элликта мактаб директоридан сиздан бошқа фиркага аъзо бўлмагани йўқ экан. Ахир биласиз, кемага тушганнынг жони бир, дейишади. Кейин «Султон — суягини хўрламас» деган гаплар ҳам бор. Тўғриси, коммунистик тарбия ўчоғидаги раҳбарнинг коммунист бўлгани яхши. Чунки масъулият ҳам, жавобгарлик ҳам ошади. Қолаверса, бу юқорининг — Москванинг талаби, сиёсий масала... Сиёсат билан эса ҳазиллашиб бўлмайди. Буни биласиз!

Назир Ғуломовичнинг гапини аввалига индамай эшитиб ўтирган Самин домланинг тўсатдан миясига нимадир келиб урилгандек бўлди. У даст ўрнидан турди.

-- Мени кечирасизу, Назир Ғуломович, фирка аъзоси бўлмасам ҳам боя айтганимдек, сира виждонимга хилоф иш қилмаганман, ҳалол ишлаб юрибман. Қолаверса, фиркага кириш-қирмаслик ҳар кимнинг ўз иши. Ўтиқодли, иймони бут одамнинг фирка аъзоси бўлмаса ҳам виждони тоза бўлади. Уруш йиллари етти йил чегарада хизмат қилиб, не-не машаққатларни чекканда ҳам партияга қирмаганман. Энди ёшим элликдан ошганда шу амални деб партияга қираманми? Мен партия аъзоси бўлмасам ҳам ўз номини ҳалоллаб еяман. Бироқ эл кўзига партия бўлиб олиб халқ мулкини ўғирлаб, ҳаромдан ҳалолни ажратмаётганларнинг ҳам кўпини кўряпмиз. Оғизда эса ҳамиша халқ дарди, Ватан туйғуси. Аммо виждони пуч уларнинг.

— Ие, ие, мен сизни лекция ўқишга, насиҳат сўқишга чақирмовдим, домла. Қизик одам экансиз. Мен бовдан келсам, сиз тоғдан келасиз-а. Мен сизни тушунган, ўқимишли одам деб ўйласам... Қирмайман, денг?

— Қирмайман!



— Хм-хм, — котиб бош чайқаб кўйди. — Кизиккан одам экансиз. Сиесий оиг ҳам сал чатоқ... Майли, бора-веринг!

Оғир ўйлар билан чиққанди котиб олдида ўшанда. Шундан кейин маориф мудирни унга хушламай кўйди, ўтирса ўпоқ, турса сўпоқ дейдиган бўлди. Очик-ойдин «ишни топшираверинг» ҳам демайди, ишидан камчилик ҳам тополмайди. Орадан олти ойлар ўтганда Тошкентдан ҳамма соҳани текширишга катта бир тафтишчилар гуруҳи келди. Текширув ниҳоясига етар-етмас Назир Фуломович инфарктдан вафот этди. Айтишларича, ишида хатоликлар кўп экан — асаблари дош беролмабди. Янги котиб кўпгина амалдорлар катори мудирни ҳам янгилади. Шундан кейингина Самин домланинг кулоғи тинчиди. Фирка аъзоси эмаслигини ҳам ҳеч ким бошқа эсламай кўйди. Аслида катта Марказдан бошлаб фиркачи коммунистларнинг обрўсига путур ета бошлаган эди...

Ўғли Толибжон эса мана шу — у ҳеч қачон аъзо бўлмаган, ҳатто амал курсисига таҳдид солишганда ҳам ўтмаган коммунистлик фирканинг аъзоси.

Энди билса, бу фирканинг кишибилмас пинхоний қонунлари кўп экан! ҳеч қачон ўз ҳамтовоқларини хор қилишмайди, ҳамиша ҳамма ерда қўллаб-қувватлашади. Бу ўринда фиркачининг кимлиги уларни қизиқтирмайди. Билганлари улар ҳамфикр, ҳаммаслак, эл-юртни бошқаришга қодир, сўзамол, эпчил одамлар. Борди-ю, хато қилиб қўйганда ҳам фирка дафтарчалари уларни жазодан саклаб қолади. Айби топилиб бўшатилишига тўғри келиб қолса, бу ердан узокрокка — каттарок лавозимга ҳам кўтариб юборишаверади...

Толибжон ҳам улар билан бир сафда уч-тўрт йил ишлади-ю фикрлари уларникига мослашди-қолди. Шунинг учун район Давлат суғурта идорасининг бошлиғи ўрни бўшаганда уни шу ўринга таклиф қилишди. Ҳатто ўйлашга ҳам фурсат беришди. Ўғли келиб, унга маслаҳат солди. «Ўзинг биласан, лекин райкомда ишлаб турли йиғинларда бўлар-бўлмас ваъз ўқиб юргандан кўра, кичикми-каттами бир ташкилотни бошқарганинг яхши, халққа, одамларга яқин бўласан», деганди. Акмалга ҳам унинг бу гаплари маъқул келганди.

Янги ишда Толибжоннинг бемаъни югур-югурлардан анчайин кулоғи тинчиди. Ўзига мустақил. Аввалгидек, дам олиш кунлари ҳам қўлтиғига бир папка қоғозларни кўтариб ишхонага чопавермайди. Ишнинг вақтида бажа-



риб, режаларини уддалаб юрибди. Рангига ҳам кизиллик югуриб қолди. Тагида хизмат машинаси ҳам бор. Гоҳида онланинг оғир-енгиллиги ҳам бакор келиб туради. Яхшиямки, Толибжон вақтида отни қамчилаб қолган экан. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, коммунистларнинг фиркаси инқирозга учраб, районнинг танҳо хўжалари — райкомлару райисполкомлар ҳам гумдон бўлди. Лекин Толибжон ҳам райондаги катта-кичик амал курсисидаги одамлар қилган ишни қилди: ҳеч нарсани ўйлаб-нетиб ўтирмай янги партия — халқ демократик партиясига кириб олди. Акмал бир келганда буни эшитиб унинг олдида укаси билан айтишиб қолган эди.

— Янги фиркага кириб олибсанми? Табриклайман! — деди у заҳархандалик билан.

— Ҳа, кирдим. Ҳамма шундай қиляпти.

— Оббў! Ҳамма эмиш... Нима, сенинг ўз қалланг йўқми? Коммунистлар ҳаммадан ақлли, ҳаммадан соф, ҳалол, гўерисўз, ватанпарвар деб юрардиларинг-ку! Ёки энди унақа бўлмай қолдиларингми?

— Ака, а энди ўзинг ҳам замонни кўриб турибсан-ку.

— Замонга нима қишти? Энг аввал одамнинг ўзида озгина мантиқ бўлиши керак. Агар коммунистларининг барчаси ёмон бўлса-ю, сен яхши бўлсанг, чиқишингга ҳожат йўқ эди, оқимга қараб товланиб-тусланмаслигинг керак эди. Ахир одам деганнинг эътиқоди битта бўладими? Тўғриси, сенларнинг баринг бир нарсадан — амалингдаги қўрқасан. Бошлигинг қайси фирқада бўлса, сенлар ҳам бир юмалаб ўшанга ўтасан. Борди-ю, районни бошқараётганлар ўғрилар партиясининг аъзолари бўлса, сен ҳам шартта шунга ўтиб кетаверасан. Ҳа, айнан сенга ўхшаган коммунистларда асосий нарса — қатъият, принцип аввалбошдаёқ йўқ эди. Ҳамма нарсадан ўз манфаатларининг, амал курсиларининг ўйлар эдиларинг. Шунинг учун улар аввало ўз партияларини, кейин ўзлари буюк атаган «Советлар Мамлакатини» ҳалокат ёқасига келтириб қўйдилар. Лекин уларнинг маъна шу мантиқсиз ишларидан хурсанд бўлиш керак. Бунинг натижасида Ўзбекистон мустақил ва озод юртга айланса, ажаб эрмас!...

Шунда Толибжон акасига қарши ҳеч қандай эътироз билдирилмади...

Ўғли Акмалнинг дадил айтган гаплари унинг юраги замиридаги мудроқ гурур туйғуларини қайтадан қўзғатиб юборди, эркинликнинг муқаддас ва сеҳрли эш-



кини деярли хиссиётдан маҳрум бўлаёзган вужудига жон баришлагандек бўлди. Ҳа-да, советлар тузуми кўпларни «совет», «кизил» қилиб улгурганди, хайриятки ҳаммани эмас! Кўнглидаги каби ўзлигича фикрлаш орзулари унинг дилида бўлса, мана, худо насиб этиб бир ўғлининг тилига чиқмоқда. Иншооллох, кўрмаган бу қутлуғ кунларни фарзандларим кўрсин! Балки, омон бўлсам ўзим ҳам кўрарман. Қани энди бу кунлар тезроқ келса... Акмал! Уни кўп куйдиргани билан юраги тоза, қалби бутун бола, ўзига мустақил, биронга етов эмас. Пойтахт таълимини олган-да. Шунисига ҳам шукур!

Бирок шундай бўлса-да, Толиб уйланишда ҳам акаси-дек уни кўп куйдирмаганди. У ўқишни битириб келган йилиёқ ҳамқасби Файбуллажон билан куда-анда бўлишга келишиб қўйди. Ва бир куни окшом чоғи ўғлига шу гапни айтди.

— Акам-чи, — деди анвалига Толибжон йиғлагудек бўлиб.

— У ҳозир уйланмас экан. Агар сен ҳам гапимни иккита қилсанг...

Толибжон гапини иккита қилмади. Акаси келиб «уйланавер» дегач, тўй ҳам бўлиб ўтди. Келинни ҳам тўй куни илк бор кўрди.

Хуллас, бир қориндан икки хил одам, икки хил дунёқарашдаги болалар ҳам туғилар экан-да. Буни ким ўйлабди, ахир.

Толибжоннинг бир айби — бир оз сустлиги бор. Дарди хуруж қилганда неча марта шифохонага олиб келди, олиб кетди. Лекин бирор марта очиқ-ойдин «дада, дардингиз нима дард ўзи» демади, бирор марта, «докторлар билан ўзим гаплашиб кўрай-чи», демади. Акмал эса тасодифан дардидан хабар топди-ю, Тошкентга олиб кетаманга тушди. Наби доктор билан ҳам гаплашибди. Аслида Толибжонга индамай Фарғонага жўнаворгани ҳам шундан.

Кичик ўғиллари Шавкат билан Баҳодир эса ҳали ёш: бири еттинчида, иккинчиси учинчида ўқийди. Лекин, унга бир нима бўлгудек бўлса, ўшаларга қийин бўлади-да. Етимлик ёмон, етимлик... Акалари уларга қандай қарайди, худо билади... Сағирнинг кўнглига қараб бошини силашни ҳар ким ҳам урдамайди. Хатто ўз туғилганлари ҳам. Ҳар не бўлганда ҳам отанинг ўрни бошқа, отадан кейин қолган фарзанднинг тақдири бошқа...

Келганига ҳафта бўлай деяпти-ю, кншлокдан дарак йўқ. Аввалига ортидан бироя келишини истамаганди, бирок эртага операция... Наби доктордек Хайрулло ҳам операцияни енгил ўтади деяпти. Аммо Сулаймон домла... ҳар эслаганида юраги ортга тортиб, эти увишиб кетади. Доктори — Наби эди. Операциядан сўнг бинойидек эди, ҳатто ўлиmidан бир кун бурун кўргани борганда ичак солинган сийдик шишасини кўтарганча унинг олдига ўзи юриб чиққанди. Сира-сира ўладиган одамга ўхшамасди. Кулиб-кулиб гаплашганди у билан. «Сен ҳам ҳеч чўчима, Самин, бу касал шунақа расво касал эканки, бировга айтгани уяласан. Аслида кексаликда илашган бу ярамас дарддан сийдик йўлини тўсувчи безни олдирибгина қутулар экансан. Мана, олиб ҳам ташлашди. Худо хохласа, ҳадемай отдай бўлиб кетаман, шекилли. Сен ҳам дадил бўл: олдириб ташла!».

Шундай гапларни айтган одам эртасига... Аломат одам эди, раҳматлик, Сулаймон домла. Инқилобдан кейин Бағдоддан чиққан биринчи муаллимлардан эди. Илк совет мактабини ҳам бу депарада улар ташкил этишган. Райондаги қолган барча мактаблар ҳам Ултармадаги мана шу мактаб қарамоғида бўлиб, кейин-кейин кенгайиб, ажралиб мустақил бўлган.

Ҳамхонаси — у тенги, олтмиш ёшлардаги марғилонлик кишининг операция бўлганига ҳам ўн кундан ошибдики, хануз ўрнидан туролмайди. Биров билан гаплашгани ҳам ҳуши йўқ. Уззукун шифтга тикилгани тикилган. Гоҳо пичирлаб кимларнидир сўкиб қўяди. Фақат хотини овқат олиб келганда ундан бир-икки қошиқ сган бўлади-да, хотинига қараб бошини сарак-сарак қилганча унсиз йиғлайди. Лекин очик-ойдин бир гап айтмайди.

Буни кўриб Самин домланинг кайфияти янада ёмонлашади.

Ҳонадаги қотма, қорача киши эса автобус шофёри экан. Унинг касали — геморрой — бавосил, касалидан уялиш ўрнига касалини гапиравериb ҳаммани кулдиргани-кулдирган.

— Ғалати касал экан ўзи бу «босил» дегани. Эскиларнинг айтишларича, бобосида бўлса, набирасига ҳам тортаркан. Хуллас, авлод қувадиган дард экан, оти ҳам шундан чиққан экан, занғар, — деб гап бошлади бир гал Ҳаким шофёр. — Аввалига бировга айтолмай, дардимни



ичимга ютиб кўп хижолат бўлиб юрдим. Ҳатто хотинга айтгани уяламан. Хожатга борсам ҳар гал кон чиқади. Айниқса, каттиқ овқат ёки ичкилик ичсам авж олади. Секин ҳамкасбларимга маслаҳат солдим. Улар суюқ овқатларни ичиб, ичкиликдан ўзингизни тортсангиз ўтиб кетади, дейишди. Аслида бу дард — шофёрларнинг, столда узок ўтириб ишловчиларнинг касали экан. Лекин улар айтгандек на режим килолдим, на пархез. Шофёрда режим бўладими? Ичкиликка эса ўрганиб қолган эканмиз, нафс қурғур жойига қарамайди, йўқ бўлса қидириб топади. Охири бўлмади — поликлиникага чиқдим. Уялиб-уялиб докторга — қурмағур ҳам аёл киши денг — дардимни айтдим. «Ечининг» деса, шоша-пиша кўйлагимни ечибману юздай гердайиб тураверибман. Доктор опа мийиғида кулганча «шимни» дегандай пастга имлади... Кейин ўгирилиб деди... Хуллас, мана, ётибмиз — доктор Хайруллога асир тушиб, унинг айтганини қилиб, агар яна бир ҳафтадан кейин ҳам ўзгарини бўлмаса, бизни ҳам операция қиларкан, бўртиб чиққан ортиқчасини кесиб ташларкан. Нима ҳам дердик, бошга тушганини кўз кўради-да, энди, — шофёр ўз гапидан ўзи нашта қилиб кулди.

Марғилонлик каравотни ёғирлатиб похуш тўлғаниб қўйди. Фарғоналик чол эса бу бемаъний гапларга бепарво. Домла шофёрнинг гапларидан кулмади, аммо ичкилик ҳақида айтганларидан таъсирланди. Ичкиликдан ўзини тия олмаслиги ўзига ўхшаркан...

... 1942 йили ҳали ўн саккизга кирар-кирмас ҳарбийга чакирилди. Тақдирнинг унга раҳми келдими — фронтга эмас, балки Эрон билан Туркменистон орасидаги чегара қисмига тушиб қолди. Отлик аскар — «ковалерист» бўлиб хизмат қилди у ерда. Кишининг қаҳратон совуғи-ю тиззадан келадиган корида ҳам, ёзининг эллик даражали жазирамасида ҳам Ватан чегарасини ҳушёр туриб қўриқлашарди. Неча марта қаҳратон қишда совуқ ўрмонларда адашиб қолишган. Бир гал бўронда тепаликдан қор кўчиб тўрт аскар оти билан сал кам бир кеча кўчки тагида қолиб кетишган. Одамзоднинг жони каттиқ бўлар экан. Уларни қутқариб олишганда отлар-ку муз қотиб бўлганди. Ўзларини госпиталда зўрға одам қилишди. Айниқса, икки шериги роса қийналганди... Ўшанда ҳамширалар музлаб қолган баданларини яланғочлаб аввалига роса қор билан ишқалашди, кейин спирт билан артишди, сўнг «ма, ол, ич» деб бир стакан спиртни



зўрлаб ичказиб юборишди. Барибир ўламан, деб ўйлаганди у. Айниқса, бир кундан кейин бир шериклари каттиқ совуқ олишдан ўзига келмай вафот этгач... Художўй эди бечора. Намоз ҳам ўқирди. Шунинг учун берилган спиртни ҳам рад қилганди. Лекин ўшанда у ҳам сира ўлиб кетишдан чўчимаганди...

Уруш тугади. Лекин 1945 йилда чегарада хизмат қилганларга урушда қатнашмаган, дея 1949 йилгача уйларига кетишга рухсат йўқ, деган қарор чиқди. Улар аял-гидек хизматни давом эттиришаверди.

Кейинчалик совуқ урган оёқлари аҳён-аҳён зир қақшаб оғрий бошлади. Бу оғриқ киш кунлари бот-бот қўзирди. Енбош ётиб олиб ўғли Акмални оёғининг устига чиқариб эздирарди ва ўғлига:

— Аслида мен ўлиб кетган одам эдим, бу ёқдаги умрим сизларга совға, — деб қўярди зиркираб оғриётган оёқларидан зорланиб. Касби жисмоний тарбия муаллими эмасми, болаларга қўшилиб ўзи ҳам тинмай машқ қиларди, ҳар бир машқни олдин ўзи бажариб болаларга кўрсатиб берарди. Шунинг учунми, оёқ оғриғи ҳам ҳеч маҳал уни каттиқ ушлаб қолмасди. Лекин ичкилик ўлгурга шу — армияда ўрганганича ташлай олмади. Ичганда ўша жаҳаннам азобида ўтган етти йиллик хизмат машаққатларини ҳам сал унутарди.

Хизмат машаққатлари...

Дўстининг «қаҳрамонлиғи»...

Алпхобод зилзиласи...

Ойисининг ўлими... ҳар эсга тушганда қоракни эзади...

Ўтмишни унутиш ва дардини бир оз бўлса-да енгиллатиш учун ҳар замонда ичиб туради. Лекин сира муккасидан кетган эмас, иш пайтида ичмаган, бўлар-бўлмас одамларга қўшилиб, худа-беҳудага улфатчилик қилмаган. Гоҳида ишдан, ишдаги машмашалардан, сиёсатнинг ўтқир тегги мактабга, мактаб ҳаётига, таълим-тарбия савиясига салбий таъсир қилаётганидан қораги сиқилиб уйга келганда овқатдан олдин озгина ичиб кўнгиш чигилини ёзарди. Шунда ҳам ҳеч қачон хотинининг олдида, болаларининг олдида пишани дастурхонга қўйиб ичмаган. Овқатдан олдин гўё бир нарсани эсдан чиқариб қўйган одамдек лип этиб ичкари уйга кириб кетарди-да, хуш кайфиятда чиқарди. Бунинг хотини ҳам, болалари ҳам сезар, аммо сезишганини билдиришмасди. Мана, энди ичилган ичкиликнинг таъсири ёшн олтиминдан ошганда



билинди. Ичкилик дегани танада уз асоратини қолдирмай кетмаскан. Бўлмаса шу пайтгача оёғи оғриб қолган кунларидан бошқа пайтларда у ўзини ҳаминча йигитлардек бардам, бақувват сезарди. Уч йил олдин — олтмиш ёшини нишонлаганда бутун бир районнинг маорифига алоқадор казо-казолардан тортиб фирка раҳбарларигача уни табриклагани келганда ҳам ўзини бардам тутганди. Нафақага чиқса, ҳаммадан кўп нафақа олинини билса ҳам, мактабни, ўзи ўрганиб қолган болаларни ташлаб кетолмаслигини ич-ичидан ҳис қилганди. Мана, шундан кейин ҳам уч йил ишлади. Энди эса балло-офатдек қайдандир келган касаллик уни шу кўйга солиб ўтирибди. Шу ёшга кириб ҳеч тўшакка миҳланиб касал бўлганини эслолмайди, гоҳо тумов-пучқоқ бўлганда эса, хотинига аччиқ хўрдами, маставами қилдириб иссиқ-иссиқ ичар, сўнг қалин кўрпага ўранганча кора терга ботиб ётар ва бир-икки кунда яна отдай бўлиб кетаверарди. Қиш кунлари эса сандалга ўрик ёки тут дарахтининг чўғидан қўр қилиб оёғини тоблаб ётарди-да, ҳеч нима кўрмагандек оёққа туриб кетаверарди.

Э, дариг, қарилик — фазилат эмас экан...

• • •

Тушдан кейин хонага Хайрулло кириб келди. Бир стулни Самин домланинг қаравоти ёнига қўйиб ўтириди:

— Домлажон, ахвол қалай? — деб сўради.

— Дуруст, — деб жавоб қилди домла йўлига.

— Бугун кечки овқатни емайсиз. Оқшом ҳам, эрталаб ҳам ҳамширалар клизма қилишади. Эртага операция. Дарддан биратўла халос бўласиз. — Шундай дея Хайрулло қўлидаги қоғозни домлага кўрсатиб ишора қилди: — Мана бу ерига қўл қўйиб юборинг, оддий расмиятчилик, операцияга розилигингиз тўғрисида.

Домла айтилган жойга қўл қўйди. Кейин бирдан нимагадир кўнгли ўқсиб, бўшашиб тушди. Одатда оғир операцияларда шундай қилинарди. Ушанда ҳам касалдан эмас, унинг яқинларидан, хотинидан, ўғил-қизларидан, ака-укаларидан розилик олинарди. Бу ерда эса... Эртага операция-ю уни ҳеч ким йўқлаб келмади: на ўғил-қизлари, на укаси Иброҳим, на Собир. Иброҳим-ку ўзи оқибатсизроқ одам, фақат шод-хуррам кунларингда, тўй-тўйчиқларда эслайдиган тоифалардан. Собир эса колхозда бригадир. Ҳозир май ойи — далада ишлар



кизиган палла, келолмайди. Хали унинг бу ерда ётганини ҳам эшитмаган бўлса керак. Лекин ўзининг уйидагилар-чи?.. Уйидан ким ҳам келарди, Толибдан бошқа. Хотини бир умр ўзича бир қадам босиб кишлоқдан нари чиқмаган аёл. Ўнта бола туғиб, энг узоқ борган жойи беш чакирим наридаги район туғуруқхонаси-ю, ўғилларининг чипрон тўйи олдидан у билан етаклашиб боргани — Қўқоннинг чайқов бозори. Ёлғиз бу ерларни топиб ҳам келолмайди. Ўғли Акмал эса Тошкентда, унинг бу ерда не кўйда ётганидан батамом беҳабар. Толибжон ишимга душанбадан тафтишчилар келади теганди. Тафтишчилар... Уларнинг қанақалигини яхши билади. Директорлигида роса уларнинг совунига кир ювган. Агар мактабда Макаренко бўлиб барча ишни жой-жойига қўйсангу уларни ёғлиқ ош, арок-коньяк билан кутиб олмасанг, қилдан қийиқ топишаверади. Ўйлай-ўйлай у охири буни тушуниб етди. Бу ҳам живилдони қарнай текширувчиларнинг айби эмас, даврнинг, тузумнинг қусури. Юқоридан келган текширувчиларда ягона бир фикри мутлақ бўлади: беайб — парвардигор, кидирилса, ҳар кимдан, ҳар жойдан истаганча айб топилади, инсонку оддий бир хом сут эмган банд-я, истасанг авлиёсининг пенюнасига ҳам истаганча гуноҳ тамғасини ёпиштириш мумкин. Кимники юқоридагилар бирор лавозимга лозим топишдими, у бу ишда улар истаганча ишлайди, ёқмай қолса, истаган куни ундан камчилик топиш мумкин. Айб топиш эса улар учун чўт эмас...

У буларни кейинроқ, кеч тушуниб етди. Ҳақиқат, ҳалоллик, садоқат, инсоф ва диёнат, виждон билан ишлаш — лаганбардорлик, амалпарастлик, хиёнат, тухмат, бўхтон олдида арзимас бир гап экан. Толибжон эса хали бу гапларни тушунмайди. Ё тушунармикан? Ахир у ҳам ана ўшаларнинг фиркасида-ку. Тушунади! Тушунгани учун ўшаларнинг кўнглига қараб, отасининг ортидан ҳам келолмай юрибди-да. Афсус. Толибжон-у Толибжон-а... У не-не одамларни кўрмади: фирқаман деб, тагидаги амал курсисидан ажраб қолишдан чўчиб, отасининг жанозасига келмаганларни, падари бузрукворини сўнгги йўлга — қабристонга кузатиб боришдан қўрққан мусулмонларни ҳам кўрди. Яна шу ҳолига бошига дўппи, беллига белбоғ боғлаб эр кишиман, деб юришибди-я, улар. Э, бу ишларини юзига солсанг, айбни даврга, аллакимларга обориб такашади. Эр йигит бўлсанг отангининг тобутини елкангда кўтариб бориб мусулмон одатича ўз



қўлинг билан қабрга қўй-да! Беш кунлик дунёда беш пуллик амал ўлсин-а, амал ўлсин!

Э-ха, олтмиш уч ёш — Пайғамбар ёши. Одам истасамас қариликни бўйнига олиши керак экан, ок-қорани ажратишга аллақачон вақт етган экан, энди бу ёғига у дунё тараддусидан ўзгасига не хожат. Хечдан кўра кеч. Лекин у ҳам олатўполон замонанинг қурбони бўлди. На кўнглида, на сўзида, на амалда ҳеч қачон худони инкор қилиб даҳрийлик қилмаган бўлса-да, бу ножоиз ишларга бировни рағбат қилмаган бўлса-да, бошқалардек маънитга бориб намоз ҳам ўқий олмади, мусулмончилик шартларини бажара олмади. Хатто рўза тутмади... мактабларда бу ишларга қарши не-не сиёсатлар юргизилмади, ахир. Шунда ҳам динсиз, иймонсиз даҳрийга айланмаганига шукур. Ишқилиб парвардигорнинг ўзи кечирсин-да! Аммо-лекин, пайшанба ва якшанба кунлари қоп қораймай чирок екиб, ўтиб кетган ота-боболарининг арвоҳини эслаб, уларнинг хотирасига қуръон ўқишни сира қанда қилмади. Агар сал ҳаёли фаромуш бўлса, хотини эсга соларди. Ишқилиб, не гумроҳлик қилган бўлса, Худонинг ўзи кечирсин! Болаларининг кўнглига дину иймон эътиқодлари эртароқ кирсин!

Агар шу ердан эсон-омон тузалиб чиқсам, қолган беш кунлик умрим борми-йўқми узил-кесил нафақага чиқиб, болаларимнинг дуои жонини қилиб уйда ўтираман. Иншооллоҳ рўза тутиб, насиб этса беш вақт намозни ҳам ўқийман. Ичкиликнинг оти ўчсин — сира оғизга олмаганим бўлсин!

Кечки овқат олдида Хаким шофёр гап очиб қолди:

— Бу хирург деганлари жаллоднинг ўзи. Тагин шу туришларига одамнинг қўлига қарашади. Аслида уларни одамларнинг ўзлари ўргатиб қўйишган. Ўғилларингиз келганда Хайрулло билан бир гаплашингиз. Жуда бўлмаса, ўзингиз кириб бир нарса денг. Ёшингизда бўлмаса менда пул бор. Пича узатсангиз, тузукроқ қарашади.

— Пул-ку бор-а... — деди домла маҳзун. Сўнг пешонаси тиришиб чуқур ўйга толди. Ўғиллари-ку келмади, хўп, келганда ҳам уларга нима дейди? Кириб докторга пора бер дейдими? Ўзи қирай деса... Бир умр бу ишни қилмаган, ўзи ҳам бировдан тама қилмаган... Йўқ, ўлганда ҳам бу иш билан унинг олдига қиролмайди, айтолмайди, беролмайди. Бу ишлардан ҳазар қилади у.



Аммо Ҳаким шофер тўғри айтяпти... Лекин қандай қилиб пулни докторга беради. Ўқимишли, тарбия кўрган одам кўринади Ҳайрулло! Шундай бўлгач, унга пора бериш уни ҳақорат қилиш билан тенг-ку! Кейин бир умр болаларга ҳалол бўлинглар, ёмон йўлдан юрманглар деган одам учун бу ишни қилиш ўлимдан оғир, уят, иснод-ку! Агар журъат этиб бу ишни қилса-ю, ўғли тенги Ҳайрулло пулни олмай юзига отиб юборса, нима деган одам бўлади? Унда ўн дардига юз дард қўшилмайдимми? Уят — ўлимдан қаттиқ. Ҳеч қачон бировнинг олдида тубан кетиб обрўсини тўкмаган, бундан кейин ҳам тўкмайди. Порахўрлар бўлишини кўп эшитган, лекин кўзи билан кўриб, қўли билан тутмаган. Э, бўлганича бўлар, тақдирида бориши кўради-да. Бундан буёғига ҳам эшитгани — эшитган, кўргани кўрган бўлиб қолаверсин...

— Лекин киролмайман! — деди ҳамон ундаги бир гап эшитиш умидида оёзига тикилиб турган Ҳаким шофёрга қараб.

VI БОБ

Эртасига соат ўнларда Ҳайрулло ёнида бир ҳамшира билан палатага кирди-да, Самин домлага юзланди:

— Қани, домла, юринг, навбат сизники.

Домла секин ўрнидан турди, вақт ўтсин дебми у ёқ-бу ёғини тузатган бўлди. Нимагадир шу пайтгача бунчалик даҳшатли бўлиб кўринмаган операциядан юрагини ваҳима босиб, баданидан совуқ тер чикди, қалтирок тутиб, жойига қайта ўтириб қолди.

— Юринг, домла! Кўркманг! Арзимас операция-ю, — унинг ахволини кўриб ширинсўз ҳамшира қиз қўлини узатди. У хиёл дадиллашиб, ҳамширага эргашиди. Кўрққанини билдирмаслик учунми, жаррохлик хонасига кираверишда ҳамширанинг айтганларига индамай итоат этиб, кийимларини очди. Сўнг жаррохлик столига ётқизганларида ҳам, устига оқ чойшаб тапилаб Ҳайрулло доктор ёнидаги оқ халатли икки-уч ёрдамчилари билан нималарнидир пичирлашганда ҳам, олдин оёқларини, кейин қўлларини икки ёнга кериб боғлаб қўйганда ҳам ўзини зўрма-зўраки дадил кўрсатишга уринди. Шундан кейин наркоз беришди...

Бир маҳал терга ботиб кўзини очганда кун пешинга оққан, у ўз ўрнида чалқа тушиб ётар, жаррох тиги теккан қорин атрофи қаттиқ оғирди. Рўпарасидаги столда



эса кимдир ўтирибди. Дастлаб унинг кимлигини пайкамади. У кўзларини очганини сезди чамаси, ўтирган кимса овоз берди:

— Дада, дада, тузукмисиз?!

Домлага аввал бу овоз узоқдан келаётгандек туюлди. Овоз кимникилигини ҳам дарҳол илғай олмади. Катта ўғлимикан? Йўқ, у — Тошкентда-ку! Аҳволидан беҳабар. Ия, Толибжон-ку! Келибди-да. Хайрият-ей...

— Толибжон, сенмисан, болам? — деди у, лаблари кимирагани билан овози чиқмади. Иситма баланд, толиққанидан гапиришга ҳам мажоли етмаётганди. Буни сезган домла «Келибсан-да, йўлингга кўп кўз тутдим», дегандек кўзалари билан ўғлига имо килди.

— Тафтишчилар бугун эрталаб кетишди. Уларни кузатдим у ёққа чопдим, — деди Толибжон гўё шунча кундан буён хабар ололмагани учун узр сўрагандек.

— Сув, — деди домла ўзидаги бор кучини тўплаб. — Юрагим куйиб кетяпти.

Шу пайт ҳамшира кириб келди.

— Уйғондиларми?

— Ҳа, сув сўраяпти дадам.

— Ҳозир мумкин эмас. Баданда наркоз таъсири бор хали. Манави хўл докани пешанасига босинг, иссиғи хали ҳам баланд. Бечора дадангиз кўп кон йўқотди. Сув ўрнига манави тоза докани намлаб оғзига бир-икки томчи томизинг.

Дадасининг пешанасига докани уч-тўрт хўллаб босди. Чанқоқ лабларига сув томизди. Кечроқ эса ҳамшира бир стакан узум шарбати, ярим стакан сут берди. Дадаси уларни ичиб ухлаб қолди. Шундагина у дадасининг қорни ёнидан чиқиб турган ва бир учи қаравот остидаги тувак жўмрагига тушириб қўйилган узун шлангга синчиклаб қаради. Палатадаги икки эркакнинг қорнига ҳам шунга ўхшаш шланглар уланган. Биттаси эса шлангнинг учи тикилган шишани бир қўлида кўтарганча хона ичида бемалол юрибди, ҳатто ташқарига чиқиб келяпти.

Операциядан сўнг домлага дарди аригандек бўлди. Кеч бўлса-да, ўз оёғи билан юриб келиб бу ишларга розилик берди. Аммо операция анча чўзилибди-да. Сурункали шамоллаш ва яллиғланиш оқибатида простата беиз жуда катталлашиб, чигаллашиб аввалига сийдик йўллари-ни, бора-бора ҳатто йўғон ичакни ҳам исканжага олганди. Айниқса, ичкиликдан бу ҳол авж олиб кетган.

Толибжон дадасининг касалига арзимас дард деб



караб юрди. Нозик дарддан истихола қилибми, на дадасига, на докторларга бир нарсa демади. Унинг назарида бу касал ҳам барча дардлардек ўткинчи бўлиб туюлди. Ҳозир ҳам дадаси тўшакда иситмадан ёниб, гоҳо алаҳсираб, гоҳо кимларнидир сўкиб ётаркан, буни ҳам доктор айтгандек, одатдаги нарқоз кучининг асабларга таъсири деб ўйлади. Дадасининг кексайиб қолганини, операцияда кўп қон йўқотганидан ҳозирда баданининг фақат жарроҳ тифи теккан жойларигина эмас, аъзойи бадани бирдек азоб чекаётганини, иситма алангасида ўт-оташ бўлиб ёнаётганини, хуллас, ҳаёт ва ўлим ўртасида тинимсиз кураш кетаётганини тасаввур ҳам қилолмади. Танаси бошқа — дард билмас, деб балки шунга айтсалар керак-да.

Бир ҳафта тафтишчилар билан бўлиб, Толибжон уларнинг кўнглини оламан деб югуриб-елиб, роса чарчаганди. Аслида ишхонасида қўрқадиган қинғир иши йўқ эди, барча ишни рисоладагидек бажариб келмоқдайдн, лекин «меҳмон — отадек улуғ» деган гап бор. Кейин юқоридан келганларнинг одати маълум: муомаланг ёқмас, иш у ёқда қолиб, қилдан қийиқ топаверади. Ҳисоб-китоби бор жойдан эса арзир-арзимас қоғозлардан ҳам айб топиш осон. Бир ҳафтагача отасининг олдига ҳам келолмаганининг асосий сабаби шу эди. Кейин уйдан ўз оёғи билан чиқиб кетган одамни бунчалик тез операция қилиб юборишлари кимнинг ҳаёлига келибди.

Кечга томон Хайрулло доктор палатага навбатчи ҳамшира билан кириб келди-да, тайинлади:

— Ҳушёр бўлинг! Биринчи тун оғир ўтади. Кўп ҳам қўзғалавермасин. Уйқусираб шлангни чиқариб юбориши мумкин. Агар бир гап бўлса, дарҳол навбатчи врачни чакиринг, — деди-да, сўнг Толибжонга караб кўпиб қўйди: — Сиз ҳам бохабар бўлиб туринг, хўпми?

Тун. Толиб не вақтгача дадаси рўпарасидаги стулда унга термулиб ўтирди. Ҳамшира ҳам тез-тез хабар олиб турди. Домланинг иситмаси ҳам пича тушди. Гох-гоҳ ўзича алаҳсираб гапиришини демаса, анчайин тинчиб қолди. Буни кўриб тасалли топган Толиб секин йўлакка чиқди-да, уйқу элтиб келаётгани учун шартта уч-тўрт стулни бирлаштирди ва озгина чўзилиб мизғиб олмоқчи бўлди. Аммо стулга боши тегди-ю донг қотиб ухлаб қолди.

Ярим кечаси докторларнинг югур-юғуридан чўчиб уйғонди. Навбатчи доктор дадасини кўчма каравотга ётқизганча иккита ҳамшира кўмагида жарроҳлик хонаси-



га олиб кириб кетаётган эди. Хиёл ўтмай Хайрулло ҳам етиб келди-ю, йўл-йўлакай халатини кийганча тўғри жаррохлик хонасига ўтиб кетди.

Бир соатлардан кейин у ердан терлаб-пишиб чиққан Хайрулло навбатчи хамшира кизга ўпиқира кетди:

— Ярамас! Қачон сенларга ақл киради, а? Ўласанларми, қарасанглар? Операциядан чиққан беморга эътибор шуми? Тайинлагандим-ку минг марта. Ебсанлар одамни!

— Ўғли бор деб... — хамшира миждовланиб жавоб килди

Ухлаб қолгани учун хамширадан кўра ўзини кўпроқ айбдордек сезаётган Толибжон эса нима гаплигини тушуна олмай гаранг эди.

Хамширанинг жавобидан Хайруллонинг чапараста жаҳли чиқди:

— Ўғли бор эмиш. Шуям гап бўлди-ю! Эсингдами, ўтган йили ҳам сенинг навбатчилигингда бир бемор биринчи тунда шлангни суғуриб ташлаганди. Кейин сийдик баданга тарқалиб, ҳамма жойи заҳарланиб... Оқибатидан ҳам хабаринг бор... Асли ўшанда ковушингни тўғрилаб қўйиш керак эди. Ёш, тузалар дебман. Адашган эканман! Мана, сенинг касрингта баданидан наркознинг кучи кетмай яна наркоз бердик. Ўзи операцияда кўп қон йўқотганди. Жароҳатни очиб, сийдикни тозалаш операциядан ҳам оғирлигини биласан-ку, ландавур! Организми кўтара оладими-йўқми, энди буни ёлғиз худо билади. Сийдик билан инфекция тушган организм... Тамом!

Толиб кўрқиб кетди. Бир кеча минг кеча эмасди. Ухламасдан чидаса бўларди-ку...

Дадасини қайта палатага олиб киришганда у беҳуш эди. Ранги докадек оқариб кетганди. Кечгача ҳам кўзини очмади. Докторлар тез-тез кириб хабар олиб турди. Хамшира киз эса кириб икки-уч марта укол килиб чикиб кетди.

Домла роппа-роса бир кечадан сўнг кўзини очди-ю корин атрофидаги оғриқ кучайиб бутун баданига тарқалганини сизди. Кейин рўпарасида ўтирган ўғлига ҳам парво қилмай:

— Доктор... чакиринглар, — деди.

Хамшира ғиз этиб Хайруллони чакириб келди.

— Менга нима бўлди, ўзи? — Самин домла ковокларини базўр кўтариб Хайруллога илтижоли тикилди.

— Ўтган тунда шлангни суғуриб ташлабсиз. Сийдик



эса организмга таркаб кетибди. Жароҳатни қайта очиб тозалашга тўғри келди.

Домла секин кўзларини юмиб олди. Тунда кўрган тушими ёки хаёлидан ўтганлариними эслашга уринди. Босинкирашми, алаҳспрашми, тушидами, ўнгидами ўғлини чақиргандек, ниманидир қидиргандек бўлди. Лекин овриқдан жони ачиб уйқу аралаш жароҳати томон беихтиёр қўлини юборганини ҳам элас-элас эслайди. Кейин жон аччиғида ниманидир қаттиқ тортгани ҳам. Нахотки, у — ўша корнига уланган сариқ ичак бўлса... Шундан сўнг нимадир бир илик нарса баданига ўрмалаб киргандек бўлган эди... Нахотки, бу ишлар тушида эмас, ўнгида юз берган бўлса. Унда тепасида ўтирган ўғли Толибжон ва ҳамшира қиз қаерда эди?!

VII БОБ

Шу куни тунда домла ғалати туш кўрди. Сўнгги пайтларда сира бунақа эса қоладиган туш кўрмаганди.

... Эмишки, поёнсиз бир яйловда юрганмиш. Дунёдаги жамики майсалар, ўт-ўланлар, турфа гуллар бор эмиш у ерда. У минг турда очилиб-сочилиб ётган бу гўзалликларга парво қилмай ёш боладек чопкиллаб ниманидир қидириб юрганмиш. Узоқдан эса қоп-қора соқоли кўксини ёпган, қора чопон устидан атлас қийиқ бовлаган, саллали бир мўйсафид уни тинмай ўзи томон чорлармиш. У бўлса мўйсафидга етмоқчи бўлармиш-у, лекин чол ҳамон қўли билан уни имлаб чақирганча ундан тобора олислаб борармиш. Охири у югура-югура мўйсафидга яқин келиб тўхтабди. Не кўз билан кўрсинки, уни ўзига чорлаётган нуроний одам — отаси Ҳамдам бува эмиш.

— Келавер, кел, ўғлим. Намунча чўчийсан, бегонасирайсан. Бу — мен, сенинг отангман-ку. Эсингдами, отанг — Ҳамдам қассоб. Агар қассоблигим эсингда бўлмаса, Ҳамдам киморбоз ҳам дейишарди мени. Кел энди, келакол, ўғлим, жигарим Саминжон, у ёқларда шунча азоб чекканинг етар. Асли у ёлғон дунё — одамни синаш учун, азоб чекиши учун яратилган. Буни эса ҳаммамиз ҳам кечроқ биламиз. Хом сут эмган бандамиз-да, ахир! Кел, келақол, энди...

Домла кўзларини очиб ўзига келгач, булар ўнгида юз берганидек аниқ-тиник эслади. Демак, отамнинг руҳлари безовта бўлаяпти, улар мени ўз ёнига чорлаяпти. Демак,



отам мени соғинибди. Рухлар алдамайди. Демак, отамнинг рухлари менинг азобларимдан хабардор. Демак, паймона ҳам тўлган, ўлим — ҳақ ўлим яқин! Остонада ажал султони азроил ҳар лақиқада жон олишга шай турибди.

Секин кўлини олиб бориб пешанасига босди. Совук тердан бармоқлари нам бўлди. Хушламайгина тушини эсларкан, кўзлари ёшга тўлди. Ҳа, ўлим — ҳақ! Ўлим яратганининг иродаси, ундан қочиб қутулиб бўлмайди. Олтимиш уч йил мардона яшади. Пайғамбар ёши ҳар кимга ҳам насиб қилавермайди. Шунча яшаб бирояга бош этмади, бирояга ялинмади, нималарнидир илинжида бировга ялтоқланмади, товланмади-тусланмади. Энди ўлимни ҳам мардонавор бўйинга олиш керак. Лекин болаларига — кенжатойлар Шавкат ва Баходирга кийин бўлади-да... Ҳали унинг наздида гўдак улар, ҳеч нарсага ақллари етмайди. Шавкатга катта-катта ўқишларда ўқитаман деб ваъда қилганди, кенжатойи Баходирга эса мактабни битирсанг уйдаги машинани албатта, сен минасан деганди... Энди бу ваъдалар қайда қолади?!

Отаси Ҳамдам буяа бундан тўрт йил бурун — сал кам тўксон ёшида нафот этган эди. Бу замонда бу ёшга кириш ҳазилакам гапмас. Отаси тенгқурларни Николайнинг ёғини ялаган, шундан илиги тўк, узок янашади, дейишарди эскилар. У ҳам ҳеч бўлмаганда отасининг ёшини орзулаганди, орзулари хомхаёл экан. Ҳаёт машаққатлари ўз ишини қилган, вужудини, руҳиятини, бориғини чарчатган. Аммо отаси яна кўп яшарди. Ўша қишда илкис оёғи оғриб узок ётиб қолди. Унгача бирор марта касалхонада ётмаганди, бирор марта жиддий касал ҳам бўлмаганди. Оёқ шиши қайтавермагач, ноилож отасини зўрлаб касалхонага олиб боришди. Дорилар қайтага ёмон таъсир қилди. Оёқлари дўмбира бўлиб шишиб кетди. Икки ой деганда докторлар жавоб беришди. Уйга келгач, оёғини сандалдаги чўққа тоблаб анча ётди. Уйижойи бошқа бўлса ҳам гоҳи кунлари отасининг меҳмонхонасида унинг ёнида ётиб қоларди. Тўнғичи эмасми, отаси унга ўзгача бир меҳр билан қарар, лекин сира буни билдиргиси келмас, кўнглида ҳамма болаларига тенг бўлай дерди чамаси. Уч ўрил, уч қиз эди улар. Оғир замонларни кўришди. У эсини таниб-танитай оила таъвишларини отаси билан баробар торта бошлади. Ўттиз учинчи йилдаги қаҳатчилик пайтида у ўн ёшли бола эди. Ёйишга бир бурда нон толиш машаққат... Колхознинг



ўриб олинган буғдойзоридан яширинча бошоқ йиғиб келишарди. Хатто шу хосили ўриб олинган жойда бошоқ теришга жоҳил бригадир Теша чўлок қўймасди. Кулранг саман отда юрарди Теша чўлок. Хатто бир гал у бир болани буғдойзордан тўрт-бешта бошоқ олгани учун отда қувиб етиб, қамчилаб, уриб-тепиб ўлдириб қўйган. Камбағал оиланинг боласи эди бечора. Ота-онаси арз қилиб қишлоқ Шўроси-ю район катталаригача борган. Лекин қизил фирка Теша чўлокқа жин ҳам урмади. Қайтанга сал ўтмай «Колхоз мулкини кўз қорачиғидек сақлагани, социалистик Ватанга жон қўйдиргани учун» деб мукофот ҳам беришди. Ўша йиллари канчадан-канча одамлар очликка чидай олмай кирилиб кетди. Кўплари кунжара еб шишиб ўлди. Бироқ ўшанда ҳам отаси уларни бировдан кам қилмай, бировга зориқтирмай эплаб бокқан. Қассобчилик қиларди. Лекин молни ўзи сўймасди, сарроб сўйиб берарди. Аслида бу қасбнинг таомили шунақа, дерди отаси, сарроб сўяди, қассоб сотади. Ўзи хайвоннинг жонини олган одам гўшт сотиши керак эмас, дерди. Энди бу удумлар ҳам бошқача бўлиб кетди... Хуллас, ўша пайтларда ҳам уларникида кунда бўлмаса ҳам кунора қозон қайнардди. Гўштсиз бўтқа, кўча ош, ўмач ича-вериб меъдасига тегиб кетгани ҳам ҳамон ёдида. Қотирма нон, зора нон еганлари ҳамон эсида. У кунлар ҳам пешанада бор экан, кўришди, чидашди, кейин-кейин кўрмагандек ҳам бўлиб кетишди. Лекин отаси болажон, оилапарвар бўлгани билан ҳар тўқисда бир айб деганларидек, қамчилиги ҳам бор эди. Қимор ўйнардди. Қўлига пул тушди дегунча уч-тўрт улфатини йиғиб ошиқ ташлашга шунчалик берилиб кетардики, хатто уйи, болачақасини эсидан чиқарарди. Аммо камбағал бўлса-да, одамлар мард эди у вақтларда. Ўша қаҳатчиликдан бел олти йил ўтгач, отаси қишлоқдагина эмас, бутун Бағдод депарасидаги донғи чиққан барча қиморбозлардан қарздор бўлиб қолди. Улар эса ҳушига келган пайтда эгарланган чиройли отлар минган хабарчиларини уларникига жўнатишни қўймасди. «Хамдам ака, палончининг қарзини бераркансиз», «Хамдам ака, пистончига айтган мухлатингиз тугапти». Ўлмаган ойинсининг жони. Отаси не-не пул билан чиқиб кетиб икки қўлини бурнига тикиб, ютқазгани етмай, қарзга ботиб келганда ҳам бирор марта эрига тик бокмаган. Хатто бир гал... Агар шу воқеа бўлмаганда балки уйларини ташлаб Тошкент томонларга кетишмасдимиз.



...Ўйин роса авжига чиққанда отасининг пули тугаб қолибди. «Ховлимни тикдим», деб юборибди отаси. Зорманда ошқини гардкам деб ташлаганда яна чув тушибди. Ўйинга қизиқиб кўзига ҳеч нарса кўринмай қолган отаси «Хотинимни тикдим», деб юборибди. Ва шу он ўзига келиб, ёнидаги хабарчисига шипшитибди: «Бор, тезроқ, келинойингга айт, томга чиқиб ўтирсин!» Бахтга қарши бу гал ҳам отасининг қўли келмабди. Дупур-дупур от солиб уйга келган киморбозлар ойисининг томга чиқиб ўтирганини кўриб қайтиб кетишибди. Лекин ўша кунги ўйинда отаси ховлини ҳам, хотинини ҳам қайта ютиб олибди-ю, аммо яна ўйинни давом эттириб бисер қарзга ботибди. Ярим кеча тарвузи қўлтиғидан тушиб бир аҳволда уйга қайтиб келса, хотини ҳамон совукда дир-дир қақшаганча том бошида ўтирган экан. Хотинини кўриб отасининг айтган гапи шу бўпти:

— Моҳия, тушавер энди. Аммо-лекин, эртадан кўч-кўронингни йиғавер, энди бу ерларда яшаш бизга татимайди, харом энди бу ерларда яшаш. Кетамиз!

Ойисининг хўрлиги келиб, кўздан дув-дув ёш тўққанча жойидан тушиб келибди. Лекин муслима аёл эмасми, шунда ҳам эрининг кўзига тик боқмабди, қаерга деб сўрамабди ҳам, кучи кўз ёшларига етиб йиғлайверибди, йиғлайверибди. Охири эрининг бир аҳволу бир нажоҳатда тикилиб турганини кўриб, сабри чидамай сўрабди:

— Қаерга?! Қайси меҳрибонларингизнинг олдига?.. Қиморбознинг бесаранжом оиласига кимнинг ҳам кўзи учиб турибди шу замонда?!

— Гадой топмас ерларга. Пича ишлаб, пул топмасак бўлмайди. Тирикчилик ҳам оғир бўл кетди.

— Бир этак бола билан қаерга сизамиз, қаерга борамиз, юзимиз сомондек сарғайиб...

— Гап битта: эртага жўнаймиз. Кўн вайсайверма.

Ўшанда улар беш бола эдилар: икки ўғилу уч қиз.

Орият кучи эртасига бир арава юк билан йўлга тушишди.

Кейин эртакларда айтилганидек, бир ҳафта йўл юриб, йўл юришса ҳам мўл юриб Тошкент биқинидаги Қўйлиқ деган жойга келишди, бир вақтлар Қўқон томонлардан кўчиб келган одамларникидан бошпана топишди. Колхоздан ер олиб, толи экиб, бола-чақа билан ишлаб топган хосиллари ўн-ўн икки канор-қоп толи бўларди. Лекин йил бўйи меҳнат қилишиб, матаққат чекишиб то-



пилган бу шолн тўла қоллар бир кечада йўқолиб қоларкан. Кейин-кейин билишса, оталари яна қимор ўйнаб, бир кечада уларни ҳам ютқазиб қўяр экан. Бўлмаса, ўша пайтларда бир қанор-қоп шолнинг ўзи катта давлат бўлган. Бу ишлар эса ҳар йили такрорланаверарди. Бу орада Герман уруши бошланиб қолди. Ушанда отасининг ойисига айтган гаплари ҳозиргидек қулоғида:

— Юр энди, Моҳия, болаларни бошла, юртимизга — Фарғонага кетамиз. Самин ҳам катта йигит бўп қолди. Ҳарбийга чақириб қолса, ўзимиздан кетгани дуруст. Тагин бошқалар ҳар хил ўйга бормасин. Бу кетишда энди барибир барча норғул йигитлар солдатликка олинади.

Бу вақтга келиб ойисининг қўлида яна бир чакалок — олтинчи кенжа фарзанд бор эди. Шу ерда туғилгани учун Тошқанбой деб аташганди уни. Кейинчалик Фарғонага боришгач, Собир, Собиржон деб иккинчи номни беришди, ҳужжатларда ҳам шу ном ёзилди, аммо ака-опалари гоҳ-гоҳ уни олдинги номи билан чақирнишни қўйишмасди.

Тўйиб овқат емаган, сарсон-саргардон у кунларни ким унутибди? Унутиб бўлмайди. Бир йил меҳнат қилиб топган қатор-қатор қоллардаги ғаллани ҳеч кимдан, хотиндан ҳам, болалардан ҳам сўрамай қиморга берган отанинг бу зулмини ким ҳам унутади? Лекин ойисига худо сабрдан берган экан. Шунда ҳам бир оғиз эрининг дилини оғритиб сазасини қайтармаган. Қиморбозсиз, ёмон одамсиз, демаган. «Эр киши оиланинг пайғамбари» дерди ойиси. Пайғамбарларга эса шак келтириб бўлмайди. «Хотин — эрининг қули» деб қўярди яна тагин. Аммо қозон қайнатишга бир бўлак эт, қаловига бир чўп тополмай, турмушдан хўрлиги келган кунлари ҳам кўз ёшини ҳеч кимга кўрсатмай оғилга кириб бир четдаги устунга суяниб тўйиб-тўйиб йиғлаб олганлари ёлғиз унга-ю худого аён. Бир-икки бор шундай кунлари олдига кириб қолганда уни бағрига босиб айтиб-айтиб йиғлаганлари ҳамон ёдида:

— Болам, болагинам, пенюнам шунчалик шўр бўладими-я. Худованди қарим мени отангдек қиморбозга рўпара қиладими-я. Худога минг қатла шукур, қатор-қатор нор туядек уч ўғилни берди, фариштадек уч қизни берди. Лекин шу жўжабирдай норасидаларнинг ризқини демай отанг... Ҳа, майли, эси кириб қолар, унинг ҳам кўнглига бир кун худо инсофу диёнат солар. Бахтларингга омон бўлсин, умри узоқ бўлсин!



Ойиси қанчалик куйиниб сўзламасин, ҳеч қачон отасини қармаган, у ҳақида ёмон сўз айтмаган. Шунчалик ҳам сабрли, бардошли бўлиб яратилганми ўзбек аёли! Шунчалик ҳам марҳаматли, эрига садоқатли бўладими ўзбек аёли!..

Ха, ойисига кўп жабру жафо, кулфату зулм етказган отаси... У кунлар-ку энди унут бўлиб кетган-а. Йўқ, йўқ, юракка бир умр муҳрланган у кунлар сира унут бўлмайди. Ҳамма унутса ҳам унинг эсидан чиқмайди. Лекин у ҳам ойисидек ҳеч қачон отасининг ишларига сира аралашмаган. Кўнглидан не-не ўй-фикрлар кечган, отасининг қиликлари учун балодек ёмон кўриб кетган кунлари ҳам бўлган. Бирок ота — ота экан-да, қай юз билан фарзанд унга қозичилик қилсин, тергасин, насиҳат қилсин! Мусулмончиликка тўғри келмайди, гуноҳ бўлади. У ҳам, отаси ҳам мусулмон фарзандлари.

Мана, энди мана шу отаси — бу дунёда ўзи истаганча яшаб ўтган, сира ўз ишлари ва қилмишларидан нолимай ўтган одам Ҳамдам қассоб, Ҳамдам киморбоз уни — бу дунё кўргиликларидан кўнгли кемтик ўғлини ўз ёнига чорлаяпти...

VIII БОБ

Операциядан уч кун ўтгач, домла сал ўзига келиб, ҳамхоналари билан дуруст гаплашадиган бўлиб қолди. Улар у ёқ-бу ёқдан, ўтган-кетган гаплардан гапиришар, аммо ҳеч ким ўз дардидан чурқ этиб оғиз очмасди. Ўша куни Толибжон вилоятдаги катталарига учрашиб, бирор ҳафта ишга чиқолмаслигини айтиб келди. Ишхонасига ҳам кўнғирок қилиб қўйди.

Орадан ҳафта ўтдики, домланинг ўрнидан туриб юришга ҳоли келмади. Овқатни ҳам бошини хиёл кўтарганча номигагина еяр, дармонга кирасиз деб ўғли қистагани-қистаган эди. Иштаҳаси йўқлиги устига касалхонанинг оби-ёвғон қуюқ-суюқ овқатлари баттар кўнглини беҳузур қиларди. Доктор ҳам ичаклари яна аввалги ҳолатга келсин деб унга, факат пархез таомларнигина буюрган. Бу тахлит «таом»лар билан домланинг қувватга кириб кетиши амримаҳол эди. Кўнгли эса гоҳ шўртацина, аччиққина уй таомларини тусарди. Гоҳо кўпрок ичиб қўйиб, эртасига боши гаранг, лоҳас бўлиб уйғонганда ошхонадан хотинининг овоз берганларини эсларди:

— Вой, дадаси, турдингизми? Эндигина уйготай деб тургандим. Тезрок ювиниб кела колинг. Ўзингиз хуш кўрадиган аччиқкина хўрда килиб қўйдим. Катиқлаб ичиб оласиз.

У хотинининг овозиданми ёки аччиқкина суюк ош хабариданми, тезда турар, ювиниб келиб одатдагидек ўзининг катта дўғов товоғидаги овқатга қалампирни эзиб-эзиб катиқлаб, «хўр-хўр» ичиб оларди. Хотини эса уш кулимсираганча кузатиб ўтираркан, енгилгина қойиб қўярди:

— Намунча, «хўр-хўр» қиласиз аллакимларга ўхшаб, кап-катта одам, овқатни ҳам шунақа ичадилми, ярашмайди. — У эса мингинчи марта айтилган бу гапга мингинчи марта парво қилмай:

— Ўзинг ичмайсанми? — деб сўрарди.

— Йўк. Сиз ишга борасиз. Мен болалар билан чой ичаман.

Дарвоқе, кисташ бефойда: болалари-ю хотини эрталаб овқат ичмайди, ширинлик билан чойу нонга ўрганишган.

Эслаганларидан гўё иштаҳаси очилгандек бўлди, нордон, чучук нарсалар хаёлидан ўтди. Бир кўнгли ўғлини шаҳарга чиқариб, қўл овқати, сузма, қатик, бозорнинг аччиқ-чучук тузламаларидан олиб кел, демоқчи бўлди. Бирок доктор айтган пархезни ўйлаб, истакларини ичига ютди. Ха, майли, барибир минг зўр бўлгани билан кўча овқатининг таъми-туси уйдагига ўхшамас. Аммо хотини хўп ажойиб пазанда-да. Овқатни доим унинг кўнглига қараб, сўраб, айтганини қилади. Одоб-иболлиги, андишалиги-чи... ҳатто кайфияти йўқ лайтларда ҳуда-беҳудага сўкиб сўзласа ҳам чурк этмасди. Фақат айби бўлмаса-да, эрининг бекорга ранжитганидан кўнгли ўксиб аразлаганча катта уйга кириб кетарди-да, ҳеч кимга билдирмай йиғлаб-йиғлаб оларди. Овқат пишгандан кейин эса косагами, товоқками сузиб келиб, индамай дастурхонга дўжиллатиб қўйиб кетарди. Бир оғиз «олинг» ҳам демасди. Йиғидан кўзлари шундоқ қизариб кетгани кўриниб турарди. Бундай кезларда болалари ҳам «бувимни нега хафа қиласиз» дегандек унга яқин йўламасди.

— Бор, чақир, бувингни, — дерди у катта ўғлига. Бу унинг кечирим сўраши эди. Ўғли цариги уйга кириб чиқиб доим бир гапни айтарди:

— Чикмас экан.



Бу гапни эшитгач, гўё ўз гуноҳини ювгандек, секин овкатга қўл урарди.

Турмуш қуришганига нақ ўттиз беш йил бўлибди-я. Айтишга осон. Бир йигитнинг ота ёши. Йўқчиликни ҳам, тўқчиликни ҳам кўришди. Ўнта фарзандли бўлишди. Фарзандлари бир-бирини суяб улғайди. Ажиб замонлар эди, ҳар ким фарзандининг кўплиги билан фахрланарди. Давлат ҳам туғилишдан, болаларнинг кўнайишидан манфаатдор эди. Хотини ҳам кўп катори «Қаҳрамон она» бўлган. Ўнта бўлса — ўрни бошқа, дерди у ҳам. Газеталарда ёки радиода фақат чет эллардаги демография — туғишни чеклаш ҳақида гап юритиларди, холос. Эшитиб, ўқиб кулгиси қистарди. Лекин замонлар ўзгара бошлади. СССР деган бепоён миллатга Горбачёв дегани подшо бўлиб келди-ю ҳамма ёқни қайта қураман, деб мамлакатни бир чеккадан бузишга киришиб кетди. Энди топган ойлигинг оиланинг қоридан ортмайди. Янги уст-бош кийиш ҳам орзуга айланиб қолди. Эҳ-хе, у умрида бу мамлакатни бошқарган не-не давлат, бошлиқларини кўрмади: Сталин, Берия, Малинков, Малиновский, Хрущёв, Брежнев, Андропов, Черненко, Горбачёв...

Эскиси ишдан кетгач, янгиси унга қора чаплай бошлайди. Аслида қимки катта амалга ўтирса, қора чаплайдиганларнинг ўзлари оёғи олти, қўли етти бўлиб унинг хизматини қилган, оёғини ўлган. Ўлгач эса... Ёки ўлганларнинг руҳига тош отиш кофирларга одатмикан?.. Лекин бу одат секин-аста мусулмонларга ҳам «юққан» бўлса не ажаб. Айниқса, Москвага ҳеч бир мулоҳазасиз сажда қилган, коммунистлар фирқасига кириб, амал олган — қизиллар бу борада пешкадам. Ахир, қозонга яқин юрсанг қароси юқар, деб бекорга айтилмаганда. Чунки яхшими-ёмонми ўрислар ҳукмронлиги даврида Ўзбекистонни чорак аср бошқарган Рашидовни нима қилишмади-ю. Энг аввал унга ўзига яқинлари қўл қўтаришди. Ўзи қўллаб-қувватлаб одам қилган ёзувчилар хатто уни қоралаб «роман» ёзиб ташлади. Асли ўзбекининг, мусулмоннинг қонида йўқ эди-ку, тузини ёб тузлиғига тупуришдек жирканч иллат! Уят-э! Ҳайф, бунақа ёзувчига ҳам, сиёсатдонларга ҳам, фирқапурушларга ҳам...

Сиёсат деганлари ўзи ғалати ўйин экан. Тахтга ўлтирдими, ўша захоти ўтмишдошини «пуф сассик»ка чиқаради, йўқ жойлардан айб топиб, гўрига ғишт қалайди. Ҳали ўзи бир ишни қойил қилгани йўқ-у, шовқини



оламни бузади. Худога ҳам, бандасига ҳам хуш келмайдиган қиликлар...

Тўғри, ёмон раҳбарлар ҳам кўп бўлган. Масалан, Сталин давридаги нотўғри ишлар... Миллатнинг гуллари атайин кириб ташланди. Уларга аста-секин, зимдан халқ душмани дея сиёсий тамғалар босилиб, камокка олинди-лар, йўқ қилинди-лар. Ахир ўз халқини, эл-юртини ўйла-ганлар қандай қилиб халқ душмани бўлсин! Бунга биров ишонмаса-да, ҳеч ким ишончсизлик ҳам билдир-масди.

Ҳа, майли, сиёсат ўз йўлига. Одамлар давлат бош-ликлари ҳақида овзига сикқанини гапириб-гапириб ўта-вераркан. Энди куруқ гап билан ҳеч нарса ўзгармайди. Ўтган ишга салавот. Вақтида гапиришга эса ҳеч қимнинг юраги бетламаган. Юраги бетлаганларнинг эса халқуми-дан олишган. Кўпчиликка жон ширин. Одамзод азалдан шунақа худбин қилиб яратилган. Шу худбинлиги етмай, «ўлганнинг устига чикиб тепиш»лари ортикча...

Э, ҳаёл ўлсин, нималарни ўйлаяпти. Шу топда сиё-сатга бало борми. Лекин юрт тизгини шу сиёсатдонлар қўлида бўлгандан кейин ўйларкансан-да. Асли хотини, оиласи ҳақида ўйлаётганди. Хотини — тилло аёл. Лекин уни хафа қилган кунлари ҳам кўп бўлган. Аммо ҳеч узоқ гина сақламасди. Бир кун-ярим кун арааларди-да, кўз-кўзга тушди дегунча ундан аввал хотини мийиғида кулиб юборарди. Минг шайтонга чап бериб, кулмайман деса ҳам кулги ўз-ўзидан келаверарди. Кўнгилда кир йўқ эди-да. Эр-хотиннинг уриши — доқа рўмолнинг қуриши. Айб ўзида эканини билиб турса-да, дурустроқ қилиб ке-чирим сўрашни ҳам билмасди. Лекин бир марта тўнғичи Акмал чақалоқлигида росмана кечирим сўраганди. Жан-жал нималан чиққанди ўзи...

...Ўша куни нимагадир мактабдан хуноби ошиб қайт-ди. Уйга кириб кўрпачага ёнбошлади-ю, хотинига чой буюрди. Қайфияти йўқ бундай пайтларда хотини унга гапириб ҳам ўтирмасди, индамай юмушини қилаверарди. Нимагадир бу сафар ҳаёлида оламжаҳон вақт ўтдики, чойдан дарак йўқ. Ўз ёнига ўзи ковурилиб ўтиргани учунми бир дақиқа гўё бир соатдек туюлиб кетди. Ўтир-ган жойида ошхонада ивирсиб юрган хотини томон қараб бақирди:

— Чой дедим сенга, хўкиз, нима, кармисан?

— Хоз-ирр! — деди хотини, чўзиб.

Шундан кейин ҳам бир олам вақт ўтгандек бўлди



унинг назарида. Шайтонга минг хай бермасин, бу гап укмас хотинни бошлаб таъзирини бериб хумордан чикхиси келди. Аҳволини кўра-била туриб ҳам бир чойнак чойни вақтида қўймайди! Жуда ҳаддидан ошиб кетди бу — хотин! «Ҳозир» деганига канча бўлди, чойдан ларак йўк. Ҳу ярамас!

Хотини гулдор, ихчамгина чинни чойнакда чой келтириб олдига «дўк» этказиб қўйди. Ўзи шундок ҳам бўғилиб ўтирганда миннат билан дўқиллатгани нимаси?... У шартта чойнакни олди-да, девор томон улоқтирди. Оғзидан боди кириб, шоди чикди:

— Э, ўша чой-пойинг билан қўшмозор бўл-е! Ўласанми, шуни вақтида келтирсанг.

Учиб бориб деворга теккан чойнак чил-чил синди. Иссиқ чой девору гилам билан битта бўлиб сочилди. Гиламдаги бир тўп шамадан иссиқ ховур кўтарилди.

— Вой ўлай, сизни нима жин урди? — хотини бўздек бўзариб қаршисида дир-дир титраб турарди. — Сўкиб-сўзлаганингиз етмай бу қилиқингиз нимаси...

— Йўқол! Кўзимга кўринма! Ҳўкиз!

— Нима?! — хотини ҳам энди ўчакишганча овозини кўтарди.

— Йўқол деяпман. Мана сенга, бўлмаса! — у шарт ўрнидан туриб хотинининг башарасига тарсаки тортиб юборди.

— Кетаман! Уйингни ҳам, ўзингни ҳам елкамнинг чуқури кўрсин! — деди-ю хотини панжаларини бетига босганча йиғлаб чиқиб кетди.

— Кетсанг ўшанакаси бир йўла йўқолиб кет! — ортидан бақирди у. — Сўтак!

Хотини ўғлини бағрига босиб юм-юм йиғлаганча кўчага чиқиб кетганда ҳам у мик этмади. Аччиқ устида уни бесабабдан-бесабаб хафа қилганини ҳам тушуниб етмади. Бориб қайтаришга, жилла курса қўлидан чакалокни олиб қолишга-да ғурури йўл қўймади. Кейин билса, сал кам йигирма чақирим жойга отасиникига — Каримбобо қишлоғига пиёда кетворибди. Бир ҳафта кутди, келмади, иккинчи ҳафтани ҳам тишини-тишига қўйиб ўтказди. Жинни бўлиб колаёзди. Қилган ишидан пинҳон пушаймон бўлиб ич-этини еди, ўғлини соғинди. Охири этагини бир силтаб, ғурур-пурурни йиғиштириб, армиядан қайтиб келиб уйланган йили дўстлари билан Хўжанддан олиб келган «ХТЗ» велосипедига минди-да, «Каримбобо қайдасан» дея йўлга тушди.

Ховлида мол-холга караб юрган ўртабўй, зуваласи пишиқ, лекин гапи кескир кайнотаси Мирза Карвон уни кўриб қўлини ювиб тўнининг энига артганча унинг олди-га келди. Сир бой бермай сўрашди. Сўрига кўрпача тўшаб жой килди. Қайнукаси Турсунбой чой келтирди. У нима деб гап бошлашни билмас, иссиқ чойни хўпларкан чой лабини эмас, гўё вужудини куйдиргандек бўлар, кечирим сўрашни эса эплай олмасди. Шу пайт Мирза карвон дабдурустдан:

— Куёв, жуда қўлингизга эрк бериб қонсизми? — деди.

У чўғдек кизарди. Жавоб ўрнига кўзлари ер сузди.

— Мен қизимни сизга ургани, сўкиб ҳақоратлагани берганим йўқ. Хўкиз бўлса ҳам, сўтак бўлса ҳам, мана, ўзи униб ўсган ховли, бокиб оламиз. Энасининг кичик қорнига сикқан қизим шу катта ховлига сиғмай қолмайди. Шуни бир билиб қўйинг, куёв!

— Кечиринг, ота! — деди у лов-лов ёниб, тили базўр калимага келиб. Кейин кўзлари ҳамон ер чизганча кўшиб қўйди: — Обкетгани келдим.

Шу гап устига кайнонаси Назир кампир уйдан чикиб келди. Унинг ўрнидан туриб берган саломига ҳар галгидек елкасидан олиб сўрашмади ҳам. Бунинг ўрнига:

— Менинг муштумзўрга берадиган қизим йўқ, — деди. — Яна муаллиммиш бу киши! Ёки давлат сизларга хотинингни ур деб таълим берганим? Боламиз қанча ёмон бўлса ҳам ўзимизга азиз. Мен уни худодан юз илтижо билан тилаб олганман.

— Бошқа бўлмайди, буви, — деди у уятдан ерга киргудек бўлиб.

— Мен сизни куёв эмас, ўғлим дегандим!

Бу гаплар бўлиб ўтаркан, ховлида хотини кўринмаганидан янада ташвишга тушар, хижолати ортиб игна устида ўтиргандек ўзини кўярга жой тополмасди.

Шу пайт кайнотаси бош кўтариб уй томон бакирди:

— Меҳри, хо Меҳри! Бака чик!

Хотини Акмални кўтариб уйдан чиқди. Боласини бағрига босганча сўрининг олдига келиб унга карамай «Келинг!» деди. У юрак ютиб: «Келдим!» деёлмади.

— Яшайсанми, шу билан? — отасининг овози хунук эшитилди. Хотини индамади.

— Гапир, тилинг борми? — бувиси ҳам орага гап қўшди.



Хотини яна индамади. Лекин «ха» дегандек бошини куйи солди. Сўнг пичирлади: — Энди ҳақорат қилмасалар...

— Эшитдингиз-а, ўғлим, — деди қайнотаси сал юмшаб. — Уйимизнинг тўри ҳам, кўнглимизнинг кўри ҳам хамиша сизларга очик. Аммо бизникига бошка бу можа-рода келманглар. Уят! — деди-да, ҳамон ўтиришни ҳам, қайтиб кетишни ҳам билмай турган қизига юаланди: — Бор, нарсаларингни йиғиштир! — Кейин қизига қараб кўшиб кўйди: — Сен ҳам эркакнинг гапини икки қилишни ўрганма. Рўзғор қиламан деган аёл өзини тияди. Эрингни ҳурмат қил!

Хотини қўлида боласи борлигини ҳам унутгандек шахдам юриб уйга кириб кетди.

Барибир йўлда узок жим кетишолмади. Иккаласи ҳам кўзалари-кўзаларига тушгач, кулиб юборишди.

— Кечирим сўраш ҳам қийин экан, — деди у ҳамон кизариб. — Тоза изза қилдинг-ку!

— Ажаб бўпти, — хотини яйраб кулди. Бу кулги гўё унга яйловлар, тоғлар ошиб гумбурлаб келаётган мо-мокалдироқдек туюлди. Кўнглини шунча кундан буён эзаётган губорлар зумда тарқаб кетди. Шунга айтса керак-да, эр-хотиннинг уриши — дока рўмолнинг қуриши, деб.

Шу-шу хотини бошка отасиникига кетиб қолмайдиган бўлди. Қайси оилада жанжал бўлмайди, ахир. Балки унинг бемаъни мағрурлигини, бировдан кечирим сўраш қўлидан келмаслигини билгани учун шундай қилгандир, не-не дарду аламларни ичига ютгандир. Жуда кўнгли тўлиб-тошиб кетганда:

— Майли, яхшиликларимни сиз билмасангиз, худо билади. Ҳаммасини худога солдим! — дерди йиғлаб. — Ёқмай қолган бўлсам, ана, кўча тўла хотин, хоҳлаганингизга уйланиб олинг!

Мана, энди келмаяпти ҳам. Бу ерларни қандай қилиб топиб келсин? Акмал — Тошкентда, Толиб шу ерда бўлса. Бошка болалари кичкина. Хотини келганида унга айтадиган гаплари ҳам бор эди... Беҳуда озор берганлари учун энди росмана рози-ризалик сўрарди. Минг-минглаб сўрамаган, сўролмаган узрларимни қабул қил, дерди. Бу ёғига болаларингга ўзинг бош бўлиб ёлғиз қолаясан, Шавкатга, Баходирга яхши жойлардан, яхши одамларнинг фарзандларидан келин қилгин, дерди...



Унинг қўлидан еган мазали, аччиқ, суюқ ошларини эслаганини, у пиширган овқатларни, айникса паловни соғинганини айтарди. Яхши яшадик, дерди. Мен сендан розиман, сен ҳам мендан, мен гуноҳкордан рози бўлгин, дерди. Сизларни эрта ташлаб кетаётганим учун узр, у ёқда отам мени ўз ёнига чорлаяпти, дерди, курган тушини айтиб, таъбирини ҳам ўзи йўйиб қўя қоларди...

• • •

Ўшанда уйга келгач, хотинининг ота-онаси олдида юзи шувут бўлганидан хижолат чекди. Ха, бир умр далада меҳнат қилиб суяги котган бу одамларда орийат кучли, кечиримли ҳам. Айникса, қайнотаси Мирза Карвон ғалати-да. Бир куни хотинидан: «Нега отамни Мирза Карвон дейишади?» деб сўраганда камгапгина хотини талай гапларни айтиб берганди:

— Биласиз, бизнинг Каримбобо қишлоғи чўлкишлоқ. Бир вақтлар биз ҳам обод Туводок қишлоғида яшардик. Мендан кейин оиламизда туғилган болалар турмади. Шу орада янги ерларни ўзлаштириш овозаси чиқиб, одамлар кўчирма қилина бошлади. Отам эса ирим қилиб, зора янги жойда бахтимиз очилар, қулфатимиз арир, деб биринчилардан бўлиб ёзилди. Барибир ёзилмаса ҳам рўйхатда бор экан.

Кўчиб келган йилимиз қапада яшадик. Кейин кесак-девор, сўнгроқ синчли уй қуриб олдик. Янги жойнинг хавоси ёқдими, Худойимнинг раҳми келиб, у ерда туғилган укамга зиён-заҳмат етмади. Бувим момоларни чақирди, ирим-сиримини килди, укамни кўтариб етти ховлига кириб чиқди, хонадон эгаларига «шу бола турсинми, турсинми» деб бир-бир розилигини сўради, улар «турсин, турсин» дейишгач, укамга Турсунбой деб от қўйишди. Кейин учта синглим туғилди. Улар ҳам омон-эсон улғайишди.

Ўша йиллари отам эшак аравада Янгикўрғон ва Бувайда томонлардан туз ва бидонларда сув келтириб бепул улашарди. «Савоб бўлади, саяаб», деб қўярди ўз ишидан мамнун бўлганча. Ўзимиз қўл учида кун кўрсак ҳам ҳеч кимдан сариқ чақа талаб қилмасди. «Кўрсатганига шукур, еткизганига шукур», деган гаплар сира оғзидан тушмасди. Чунки чўлнинг тахир сувида кўпларда бўқоқ касали пайдо бўлганди. Отамнинг эшак аравасини кўрган катта-кичик каримбоболиклар идишини кўтариб, унинг йўлига пешвоз чиқарди. «Мирза Кар-



вон келяпти, Мирза Карвон!» Шу-шу, отам Мирза Карвон бўлиб кетди.

Одамларга қилинган беминнат яхшиликни тепада ҳудо ҳам кўриб тураркан. Ёлғиз иним ва сингилларимнинг соғ-саломат яшаб кетганлари учун чўл бўлса ҳам ота-онам Каримбобога меҳр кўйиб қолишди.

• • •

«Кўчирма!» Элга келган тўй эди. Хар бир урувдан, хар бир сулоладан оилалар олинарди. Чўлларни «обод қилиш учун», «янги ерларни очиш учун» одамларни ўз юртидан, туғилган заминидан, она қишлоғидан айириш шўроларнинг одати эди. Уларни одамларнинг бесаранжомлиги заррача қизиқтирмас, факат мўл-кўл пахта — «оқ олтин» қизиқтирарди. Четга сотилаётган пахта толаларидан чўнтакка келиб тушаётган жарақ-жарақ олтинлар марказдагиларнинг иштаҳасини баттар ҳапалак оттирарди. Эскиларда бир гап бор — бўлган яна бўлсам дейди. Ўзбек бир ёқда иссиқ уйдан чўл-биёбонларга қувғин қилинади, иккинчи ёқдан «оқ олтин карвон-карвон, тоза қилиб тераман, пахта учун боримни, жонимни ҳам бераман» ёки «пешонамни ялтиратган чўл шамоли ёр-ёр» деб ўз тақдиридан маст қўшиқ ҳам айтарди. Кечалари эса олис-олисларда милт-милт порлаётган юлдузларга, танҳо ойга қараб, киндик қони тўқилган жойларни кўмсаб, ота-онаси ётган мазорни эслаб, айри тушган ёру биродарларини, қариндош-уруғларини соғиниб пинҳон кўз ёши тўқарди, армону пушаймонларда умри ўтарди.

Асли чўл-биёбон бўлган ерларнинг «оқ олтин» илнжида кўр-кўрона ўзлаштирилишидан она табиатнинг туси ўзгариб борар, сув танқислиги юзага келаётгани билан ҳеч қимнинг иши бўлмади. Хатто ҳамма ерда якка хўжайин бўлиб олган коммунистлару уларнинг олий қароргоҳи — Марказий Қўмитасининг ҳам пинаги бузилмасди. Дарё бўйида ўтириб, бир қултум сувга зор бўлиб ўлган одамларни ҳам кўрди у. Колхоз-чи, колхоз! Колхоз юқоридагиларнинг ҳам қуроли, ҳам қароли эди. Барча ҳосилни йиғиб, қўш қўллаб давлатга тутқазиларди. Кейин ўзи етказган ҳосилдан хатто уруғлик олиш учун ҳам етти букилиб ёлборишига тўғри келарди на тўрт хисса қимматига аранг сотиб олинарди. «Хаммаси колхозга!» Бу оддийгина шир эмас, қонун эди. Азбаройи сувсиялиқдан бир парча ерингдаги бугдой арта баҳордаёқ қовжираб тугарди. Бу оила йил бўйи оч-пахор



колди деган гап эди. Аммо колхознинг гектарлари сув се-
роблигидан ботқоқ бўлиб кетарди. Кошки сув дегани
чўнтакка солиб олиб кетса бўладиган матоҳ бўлса...

Эх, у замонлар, у замонлар, кўп одамлар замонларга
мослашди ҳам. Оғир эди, оғир эди ҳаммаси...

Қайноғаси Турсунбой ҳам отасидек ориятли чиқди.
Мактабни тугатаётган йили уйларига келгандаги суҳбат
хамон ёдида.

— Почча, бир гап сўрасам майлими? — деганди у
тортинибгина.

— Сўранг-сўранг, — далда берганди у.

— Бизнинг Каримбобода қачон аҳвол ўзгараркан?

— Нимайди?

— Нуқул одамларнинг билгани меҳнат, кора меҳнат.
Бошқаси билан иши йўқ. Дам олиш, кино-театр нима,
ўйлашмайди ҳам. Радиода нимани гапиришса, газитга
нимани ёзишса чиппа-чин ишонишаверади. Қишлоқда
хатто битта кутубхона йўқ. Колхоз раиси немиснинг кат-
тасига ўхшайди — буйруғи қонун. Бажармасанг, қуинг-
ни кўрасан — отиласан, осиласан, бадарға қилинасан,
деб дандаға қилади.

— Балли! — деб юборганди беихтиёр у. — Тушунга-
нингиз учун офарин! Хаётни, турмушни ўзгартириш
учун ҳам қишлоққа сиздай фикрловчилар керак. Хўш,
мана сиз, мактабдан сўнг нима қилмоқчисиз?

— Фарғонага бориб ўқисам, адабиёт муаллими
бўлсам, кейин Каримбобога қайтсам дегандим.

— Тўғри ўйлабсиз, ука! Ўқинг, қийналсангиз ўзим
ёрдам бераман. Бироқ шунини унутманг: хаётни, турмуш-
ни ўзгартириш учун фақат муаллим бўлишнинг ўзи кам-
лик қилади. Буни кейинроқ тушуниб етарсиз.

Қизиқ: одам касал бўлиб тўшакка миҳланиб ётганда
ўтмиши бирин-сирин кино тасмасидек лип-лип кўз ўнги-
дан ўтавераркан. Собиру Иброҳимнинг келмаганидан
қанчалик кўнгли чўкиб эслаган бўлса, қайнотаси ва қай-
нисини ёдга олиб, негадир кўнгли пича таскин топди.
Замонанинг баъзи бир алғов-далғов ишларининг ҳам
энди-энди тагига етгандек бўлди. Қизиқ, гўё бошқа пайт-
да ўйлашга вақт бўлмагандек...



Иккинчи ҳафтада домла аҳволини анча ўнглангандек сезди. Ўғли қўлтиғидан олса, унга суянганча бир қўлида шланг-шишасини кўтариб, битта-битта юриб, ярасини боғлашга ҳам борадиган бўлди. Лекин барибир ичига чироқ ёкса ёришмасди. Вужудига кириб олган қандайдир ёвуз куч уни кун сайин кемириб адоёи-тамом қилаётгандек туюлаётганди.

Ҳафта охирида хотини Шавкатни етаклаб келиб қолди. Ун тўрт яшар ўғлига қараб домла хурсанд бўлиб кетди. Оббў Шавкати тушмагур-ей, шунча жойдан бувисига ақл бўлиб, ҳамроҳ бўлиб, йўл кўрсатиб келибди-да. У эса, бу камгап, «ичимдан топ» ўғлини ҳали гўдак санаб юрибди. Йўл топадиган йигит бўп қопти-я. Демак, ундан қайғурмаса ҳам бўлади, ўзини-ўзи эплаб кетади. Ахир йўл топган бола ақл топади, ақл топган бола эса ҳаётда адашмайди...

Хотини серғўшт қовурма қилиб келибди, устида қичкина аччиқ жувармак қалампир. Бежиримгина қилиб ўралган қоғозда мурч. Унинг аччиққа ўчлигини биллади-да. Тови қочиб қолган қовурмани Толибжон иситиб келай деса ҳам кўнмай маза қилиб еб олди.

Ёнбошлаганча овқатни еярган ўзига мунгли тикилиб ўтирган хотинидан оила тинчлигини, ўғли Баходирни, қизларини сўради. Хатто мол-қўйлар ҳам қолмади. Мактабни ҳам эслади. Хотини барча гапига бир-бир жавоб бериб бўлгач, у ўғилларига қараб «боринглар, ташқарини бир айланиб келинглар», деди. Ёлғиз қолишгач, орага узок сукунат чўқди. Аввалига нима деб гап бошлашни билмай қийналди. Охири ўзини қўлга олди.

— Тунов кун имон туш кўриб уйғониб кетдим, — деди. — Отамни кўрибман. Ҳадеб мени ўзи томон чорлапти. Шундан буён ўзимга келолмайман...

— Бе-е, яхши ният қилинг! Арвоҳлар умидвор бўлгандир-да! Тузалиб чиқсангиз бирорта қўй сўйиб, худойи қилиб юборармиз. Тушга нималар кирмайди, ахир. Ҳали бу кунларни кўрмагандай бўп кетасиз.

— Ишпооллоҳ, айтганинг келсин!

— Худо хоҳласа, келади. Ҳали худодан умидим қўп. Шавкатжону Баходирингизнинг тўйларида ҳам ўзингиз бош-қош бўласиз. Келинлару қудаларни ҳам, худо хоҳласа, ўзингиз танлайсиз.



Хотинининг гапидан кўнгли тўлиқиб, кўзларига ёш келди.

— Агар менга бир нарса бўлса... Чида! Барча оғирлик сенга тушади, энди. Шунчасига чидаб келдинг. Бу ёғига ҳам бардам бўл!

Хотининг кўзлари ҳам жикқа ёшга тўлди.

— Унақа деманг. Фаришталар яхши гапга ҳам, ёмон гапга ҳам «омин» дейди. Хали кўп яшайсиз.

— Отам бекорга тушимга кирмаган, кейин Сулаймон домлаши биласан, ўладиган одам эмасди. Дардимиз — бир! Операциядан кейин тагин жароҳатимни очилди. Ўзимдан ўтаётганини ўзим биламан, — Самин домла шундай деди-да, бўсағада турган Шавкатни ёнига имлади. Унинг бошини силаб, пешонасидан ўпди: — Бошинг тошдан бўлсин, болам. Омон бўл, — деди ва секин қўшиб кўйди: — Бор энди, Шавкатжон, ўғлим, бувингда яна икки оғиз гапим бор.

— Ичим чирияпти, — деди холи қолишгач пичирлаб. — Куним битгани аниқ. Рози бўлгин, сенга ҳам кўп зулм қилдим. Кечиргин! Кейин... имкон топиб, бирор кун олдимга Баҳодирни юбор. Бирортаси билан бирга келар. Кўриб қолай кенжатойимни. Ҳаммадан ҳам унга кийин бўлди. Ўн ёш! Гўдак хали у. Бу Толиқинг ҳам, Акмалинг ҳам хали нонни «нанна» деб юрибди.

Меҳриниса опа шундагина эрининг дарди оғирлигини тушунди. Ахир ўттиз беш йиллик умр йўлдошини у тушунмай, ким тушунсин! Ҳар бир киприк қоқиши ҳам ёд бўлиб кетган унга. Дарди шунчалик бедавоми? Бўлмаса эри бу гапларни айтмасди. Ишқилиб худо у куннинг юзини тескари қилсин. Нахотки, эри ўз оёғи билан юриб келиб, ўзини докторлар тивига тутиб берса? Энди ҳаётга ҳам ўзича бепарво қўл силтаб, уларни ора йўлда ташлаб кетаверса... У бор овози билан ҳайқириб дод солгиси келди, аммо ўзини тутди. Пичирлаб деди:

— Мен сиздан мингдан-минг розиман, дадаси.

— Ана энди кул, — деди Самин домла хотинига. Лекин ўзининг кўзлари жикқа ёш эди. Бунинг сездирмай дея девор томон ўгирилиб олди. Хотини намчил кўзларини артаркан, худди ўша — яраш кулгисини қилиб жилмайди.

— Дадаси...

Самин домла бурилиб хотинига қаради ва намгин жилмайди. Аста унинг қалқиб кетган оёғин қўлларини қўлига олди.



— Бардам бўл! — деди яна гап қотиб. — Ёмон яшмадик-а? Тўғрими? Бор энди. Лекин тайёргарликни кўриб қўявер. Болаларинг ҳали ҳам — ҳеч нарсани билишмайди, укаларим бўлса ўзи билан ўзи. — Кейин чуқур нафас олди-да, давом этди. — Анча тузукман. Ярани боғлатишга ҳам ўзим бораяман. Толибжон ишимдан бир хабар олиб келай деб безовта бўлиб юрибди. Сизлар билан бирга кета қолсин. Шунча жойдан ёлғиз кетманглар. Райондан Тошкентга — акасига кўнғироқ қилсин. Акмал ҳам бирров келиб кетар.

Меҳриниса она сувга тушган пондек бўшашиб бемажол хонадан чикди. Аммо эрининг аҳволини ўғилларига сездирмади. Шу топда у эридан бурунроқ ўзи тирик мурдага айланган эди гўё... Ҳозиргина эри билан ўртасида бўлиб ўтган гапларга ҳеч ишонгиси келмас, худодан унга фақат умр тиларди. Ахир бу кенг дунёда ёлғиз тул хотин бўлиб қолиш қанчалик оғир. Айниқса бировнинг эшигига совчи бўлиб борганида, «Кўёв бўлмишнинг отаси борми?» десалар нима деб жавоб қилади? Ишқилиб, худо бошига бу кўрғиликларни солмасин. Эрига худо шифо берсин!

Х Б О Б

Бувисига қўшилиб кетган Толибжондан тўрт кунгача дарак бўлмади. Бу кунларда домла укалари Иброҳим ва Собирни кўп эслади.

Иброҳим сингиллари Атика билан Бумайрамдан кейинги тўртинчи фарзанд. Ўзидан ўн ёш кичик. Уни елкасида кўтариб катта қилган. Жонидан яхши кўрарди уни. У ҳам ўзидек гапни эгмай-букмай, шартта-шартта одамнинг юзига айтадиган, тўғрисиўз, бўйдор, кўркем йигит. 1933 йилда одамлар буғдойнинг бир бошовига зор бўлган қаҳатчилик йилида туғилган Иброҳим. Сталин вафот этган йили уйланганди. Уйланиши ҳам қизик бўлганди... Отаси Ҳамдам кассоб тўрт йил бурун — 1949 йилда оналари казо қилгач, орадан бир йил ўтар-ўтмай, «сағирларим қаровсиз қолмасин» деб она уруғидан — Самарканд кишлоғилик Сурмансо деган қариндош аёлга қуба ўқитиб уйланди. Қаватида Санталатой деган ўн тўрт-ўн беш ёшлардаги қизалоғи билан келди у аёл. Оталари минг тайинлагани билан олти боланинг бирови ҳам уни она демади. Ҳаммалари гўё тил бириктириб олгандек «Сурма эна» дейишарди.



Хозиргидек эсида, худди ўша — Сталин вафот этган йили отаси билан Сурма ана келишиб Иброҳимга Санта-латни никоҳлаб беришди. Тўйдан бир йил ўтар-ўтмас Иброҳим ҳарбийга чақирилди. Уч йил хизматда бўлди.

Укасининг бахти бор экан — тўғри Москвага тушди. Шундоқ улуғ Советлар мамлакатининг пойтахтида, Кремл ёнидаги ҳарбий қисмда хизмат қилиш ҳар ким учун шараф эди у пайтлар. Ундан хат билан бирга Қизил Майдонда, Кремл курантлари ва йўқсилларнинг буюк даҳоси Ленин мавзолейи ёнида тушган қатор-қатор расмлар ҳам тез-тез келиб турарди. Лекин бир йил ўтгач, бирдан на хат, на бир хабар бўлди. Уч ой улар роҳа саросимада юришди. Ёзган мактублари ҳам жавобсиз эди. Ниҳоят бир кун хат келди. У Иброҳимдан эмас, унинг кўконлик хизматдоши Назиржондан экан. *«Аввало ҳам-маларингга кўндан-кўп дуойи салом! Мен Иброҳимжоннинг аҳволини маълум қилиб ёзяпман. У москвалик бир яҳудий аёл билан топишиб қолган эди. Хизматдан бўшади дегунча уникига югуради. Аёл шунчалик унинг эс-ҳушини ўғирлаб қўйибдики, Иброҳимнинг на овқат ейишида ҳаловати бор, на ётиш туришида. Кўндан-кўн озиб, кўндек бўп кетяпти. Яқинда касалхонага тушиб қолди. Жухуд аёл бўлса, ҳар кун унинг қошига келади.*

Бир кун мени ҳам уникига меҳмонга олиб борган эди. Аёл унинг расмини уй тўрига илиб, атрофига қатор-қатор игналарни санчиб қўйибди. Бу жухудларнинг қандай илми гойиби экан, билмадим. Ё биздаги иситча-совутманинг бир туричikan?..

Имкон топсаларинг бир хабар олиб кетинглар!

Салом билан кўқонлик Назиржон!»

...март, 1955 йил. Москва.

Жигар экан. Кўпга маслаҳат солиб ўтирмади. Ҳамма гапни отасига оқизмай-томизмай айтди. Сўнг:

— Ўзим бориб келаман, — деди. Шу куниёк мактабга бориб, директор Сулаймон домладан икки ҳафтага рухсат сўради. Хотини рўзғорга қачон бир ситир олиб берасиз, болаларга сут-қатиқ керак ахир, деб ғингший-нергач, ойлигидан тежаб-тежаб тугиб қўйган икки юз сўмни олди. Йўлкирага деб отаси ҳам нича харж берди. Бозорга тушиб, туршак, анор, майиз, ёнғоқ, хуллас, Қўқон бозоридаги бор мевалардан сотиб олди-да, лингча қопга солиб, уни орқалаганча поездга чикди. Йўл бўлсин, деб сўраганларга «Укамнинг олдида Москвага! Укам ўша ерда хизмат қилади!» деб гердайиб ҳам қўйди.



Аммо Московга етгунча йўл-йўлакай «шайтон йўлдан урган ука»ни ўйлайвериб эси кетди.

Қозоқнинг бепосн чўлларидаги қайсидир бир бекатда купега лўли хотин бош суқиб қолди. «Бахтингдан очайми, тахтингдан очайми», дея ҳаммага бир-бир фол очиб чиқди. Охирида унга кўзи тушиб сайраб кетди:

— Тахтингдан очайми, йигит, бахтингдан. Кўзларинг дилингни ошқор этиб турибди, юрагинг хўп тоза йигит экансан, чирғим. Лекигин, бу чашмадек тоза юрагинг ҳозир нимадандир жуда безовта. Бирор яқинингни кўп ўйлаяпсан, чоғи. Ха, ҳа, ўйла, туғишгани бахтсиэликдан туғишган қутқаради. Бошингга қулфат тушганда бегона эмас, туғишганинг малҳам бўлади. Сен жуда савоб ишга бел боғлаб, йўлга тушибсан. Ана, хай-хай, тағин айтай, кўнглинг безовталиги кўзларингдан аён... Энди ўзингга келсак, бахтингга келсак, ўнта болага ота бўласан, ҳали катта-катта амалларга миңасан. Ҳа-да, юрагинг тоза йигитсан! Лекин билиб қўй: кўнгил тозалиги билан иш битмайди, ён-верингда сени кўролмайдиган душманларинг хира панишдек ўралашиб юради. Ана шулардан эҳтиёт бўл! Хўп, энди йигит, омин Оллоҳу акбар! Ҳамиша бахтинг қулиб, омадинг чоңсин, болам! Дўстга зор, душманга хор бўлмагин!

Ҳаммаси тўғри чиқапти-я, ўша гапларнинг. Лўлилар ҳам бало бўлар экан...

Етиб борганда Иброҳим касалхонадан чиққан, аммо дам олиш кунин баҳона яна ўша хотинниқига кетиб қолган экан. Назиржон униқига бошлаб борди. Иброҳим ҳарбий кийимлар ўрнига оқ кўйлак, қора костюм-шим кийиб олибди. Қучоклашиб кўришдилар. Укаси, Назиржон айтгандек, чўпдек озиб кетибди, камгап, ўнта гапнинг биринга ҳам хушламайгина жавоб қилади. Бундан унинг жаҳли чиқиб кетди. Секин балқонга етаклаб чиқди.

— Мақсадинг нима? — деди унга ўшқириб.

— Шу аёлга уйланаман.

— Ғайридинга-я! Ахир уйда хотиннинг бор-ку!

— Бўлса бўлар, — Иброҳим бепарво жавоб қилди. — Москвада қоламан. Ўқийман, катта одам бўламан.

— Мана сенга, эсиласт! — у укасининг қулок-чаккаси аралаш шапалок тортиб юборди.

Балқон эшиги олдида уларни кузатиб турган аёл югуриб келиб, унинг хиннейидан олиб бўға бошладди.

— Я тебс покажу, басмач! Сейчас милицию позову!



— Лена, Лена, ненадо! Это мой брат! — деди шапалоқ зарбидан кизариб кетган унг юзини силаганча Иброҳим. Кейин унга — акасига тик қаради-да: — Севиш айбми? — дея кўзлари намланди. У жавоб бермади, беролмади, беролмасди ҳам. Ахир дунё дунё бўлиб хали ҳеч ким бу саволнинг ажримини чиқармаган. Энди у каердан ҳам чиқара қолсин! Бировларга осон тутгани билан ўз бошига тушганда ҳар кимнинг ҳам тили лол-ку бу савол олдида, бу қадим жумбоқ олдида.

Жаҳли чиқиб турган бўлса ҳам Ленаги тушмагур чиройлиқкина, кўхлиқкина экан. Малла сочлари, катта-катта мовий кўзлари ўзига ярашган, оппоқ, бежирим юзларидан муҳаббат шуъласи ёрилиб турган бир аёл эди. Ёши эса Иброҳим қатори.

Ўзига қайта тарсаки тушишиданми ёки акасининг ва-жохатиданми чўчиб, Иброҳим устидаги кийимларини апил-тапил ечиб ҳарбийча эгни-бошини кийди. Эшиқдан чиқиларкан, ўзига қараб кўзларига жовдираб турган Лена билан дадил хайрлашди:

— Не обижайтесь, мы ещё увидимся.

Ҳарбий қисмга келишгач, укасининг «командир»ларига ўзбекона соғға-саломлардан улашди, сўнг укасига икки кунга руҳсат олди. Кейин ўзи жойлашган «Россия» меҳмонхонасига олиб келиб уни меҳмон қилди, бирга шаҳар айланишди. Ора-чора мавриди келганда насихатни ҳам аямади, уришди, ялинди, ёлворди. Яқинда ўғил кўрганини айтди.

— Ёшлиқ ўткинчи, укам! Йингит бошига не-не синовлар тушмайди. Ўқийман десанг, ўзимизнинг Ўзбекистонда ҳам институтлар сон мингта. Кўнгил, ишқ-муҳаббат кўчасидан эса қимлар ўтмаган?! Лекин аввал ўзингга қара, ўзбеклигингни, ўзбеклигимизни унутма! Ўғлингга отам от қўйди: Хайдарали деб. Узоқдаги Иброҳимжонимнинг энди суянчиси бор, деб ҳар кун кўтариб эркалайди, мана, расмини ҳам олиб келганман, қуйиб қўйгандек ўзингга ўхшайди — дўмбоқкина, сочлари қалин, қоп-қора, кўзлари қўйқўз.

Иброҳим барча гапларни бепарво эшитди, ўғлининг расмига қараб туриб ҳам миқ этмади, аммо кўзларида бир учқун — пинҳоний бир учқун йилт этиб ўтди... Балки мана шу учқун кейинчалик унинг вужудида алангага айланган ва уни ўз оиласига, юртига қайтишига сабабчи бўлгандир...



Хуллас, укасига кўлидан келганча насихатни қилди. Отаси унинг қилиқларини эшитиб, дарғазаб бўлганини ҳам рўйирост сўзлади. Охири укасидан «У аёл билан бошқа ўралашмайман, хизматни тугатиб уйга қайтиб бораман», деган ваъдани олди. Қисмга борганда командирга ҳам бор гапни айтиб, укасидан огоҳ бўлиб туришини ўтиниб сўради. Лекин мухаббат савдоси бошга тушган, бели қувватга, билаги кучга тўлган ўн саккиз-ўн тўккиз яшар йигитнинг гапига ишониб бўлармиди?.. Шундай бўлса-да, у ишониб, ёлғиз худодан укасининг кўнглига инсоф, диёнат, меҳр-шафкат тилаб, ич-этини еб, шинхона ўртаниб у ердан қайтганди.

Хайтовур унинг ўз вақтида боргани қор қилдими ёки илтижоларини худойим инобатга олиб укасининг қалбига инсоф-диёнатни қайта солдими, ҳар қалай у хизматни тугатиб, кириб келди. Аввалига иккита гапига битта ўрисча сўз қўшиб ҳар кимларга кулги бўлиб юрди. Гоҳ-гоҳ ака-укалари, опа-сингиллари йиғилишиб қолганда аллақачон ошқор бўлган сирийни оила даврасида ҳазилтепа қилиб айтиб қолишса, Иброҳим қизишиб кетар, хотини эса секингина ўрнидан туриб чикиб кетарди.

— Генералнинг кизи эди у, — дерди у хотини чикиб кетгач. — Рост, акам борматганда қолардим Москвада, кўзимга ҳеч нарса кўринмай қолганди. Аммо қурмағур чиройли, ақлли, эсли, маданиятли аёл эди. Қолганимда Москвада ўқиб, Ўзбекистонга министр бўлиб қайтардим!

Иброҳим бир қизишиб кетса, ҳеч кимдан тап тортмай, қилган ишидан ҳам уялмай, яна узок гапирарди.

— Ака, ўзингиз айтинг. Чиройлимиди? Москва ҳам ажойиб шаҳар-да, а, ака. Кўргансиз-ку, ахир. Булар шу ўчоққа тезак қалайдиган Ирғолидан бошқа қайди кўрибди? Тагин менинг устимдан калака қилишгани ортиқча.

— Ҳа, чиройли эди, жодугар-алвастинг! — дерди у жўрттага укасининг жиғига тегиб. — Сенинг эс-хушингни ўғирлаб, тентак қилган-да.

— Москва-чи, Москва? Зўр шаҳар-а, ака, айтинг! — акасининг гапларига парво қилмай, ҳамон ўзиникини маъқулларди Иброҳим.

— Менга ўзимизнинг қишлоқ — Ирғоли зўр! — дерди у яна атайин укасини узиб олиш учун. — Тезагининг хиди ҳам бошқача. Ўша Москванингда ҳам йўқ бунақаси.

— Ака! — Иброҳимнинг энди росмана жаҳли чиқарди. — Сиз ҳам калака қиласиз-а. Сизнинг ҳурматингизни қилиб қайтганман-а, сиз бўлсангиз...



— Иброҳим, болаларинг ҳам бордир-ов, — Атика опаси ҳам ора-чора гап қотарди укасининг қитиқ патига тегиб. — Хсч бу ёғидан гапирмайсан-да, а, ука?

Шундан кейингина у ўзига келар ва индамай қоларди.

Бу ишларнинг бир учидан хабардор Санталатхон чой келтираркан, ҳамманинг бирдан оғзига талқон солиб олганини кўриб, чойнакни дастурхонга дўқиллатиб қўяркан:

— Бунга ўлганда ақл киради, — дея эрига ёвқараш қилиб, ортга қайтарди.

— Аммо жаҳлимга тегаверсаларинг, бир кунмас-бир кун шартта бошимни олиб ўшакка кетвораман, коласанлар дийдиёнгни айтиб, — портлаб кетарди охири Иброҳим ва ўрнидан шитоб турарди.

— Кетишингни отам эшитса, ўлдиради, — дерди Атика опаси тагин. — Энди бориб бўпсан!

— Акам ҳам энди сен тентакни деб ортингдан ўрис юртига бормади, — дерди Бумайрам опаси.

Иброҳим уйдагиларнинг хазилдан бошланиб зил билан тугайдиган бу хангомаларидан росмана ранжиб, барчасига қўл силтарди-да, тўғри кишлоқ этагидаги кенг далаларга, атрофи дарахтзору, бутазорга бурканган Хўжаарик бўйига йўл оларди. Кун бўйи уйда корасини кўрсатмай, ўша ёқларда қолиб кетарди. Ҳарбийдан келган йиллари кишда ҳам Хўжаарик сувида чўмилганларини эсларди. Айни мана шу ерда унинг ўзи билан хамиша бирга юрадиган муқаддас хотиралари-ю, эркин хаёлларига биров ҳалакит бермасди. У эса айни шуни истарди. Бундай пайтларда унга кишининг совуғи-ю, ёзининг жазирамаси, беаёв Қўқон шамоли ҳам чикора эди.

Унинг ўзи бундай маҳалларда укасининг ортидан неча марта борган, у эса гапларига бир оғиз маънили жавоб қилмаган ва унинг кийин-кистовларига ҳам бепарво бўлиб, уйга ҳам бирга қайтмаганди.

Шунинг учун туғишганлари ҳам унга ҳадеб бу тахлит хазиллар қилавермасди...

* * *

Ҳозирда ёши элликдан ошиб кетган бўлса-да, Иброҳим Москов хотираларини ҳамон ёниб-куйиб эслайди. Гоҳо уйланиб бола-чақали бўлган ўғилларининг олдида ҳам уялмай ўша гапларни гапираверади, телевизорда Москвани кўрганда кўзлари кинидан чикқудек тикилиб,



чурқ этмай томоша қилади. Тошкент кўрсатувларидан кўра кўпроқ Москваникини ёктиради.

Лекин шундай укаси уни нечук эсламаяпти? Нечук кўргани келмаяпти? Шифохонага тушганига нақ ўн беш кун, операция бўлганига ҳафтадан ошди-ку! Наҳотки бир кориндан талашиб тушган жигари шунчалик окибат-сиз, тошбағир бўлса? Ахир у Московдан Назиржоннинг хатини олгач, унинг тақдирини ўйлайвериб жинни бўлаётганди, оёғи куйган товукдек ўзини қўйгани жой тополмай қолганди-ку! Хотинининг, маъсум фарзандларининг кўзларини жовдиратиб, икки йиллаб тишнинг қавагида йиғиб юрган пулларини ўйлаб-етиб ўтирмай унинг олдига бориш учун сарфлаганди-ку. У вақтларда икки юз сўм дегани катта пул эди. Пулни ҳам қўяверайлик. Ахир меҳр-окибат-чи? Наҳотки, Иброҳим шунақа одам бўлса? Танаси бошқа — дард билмас, деганлари шумикан ё? Бир ота-онадан бўлганлар ҳам бора-бора бегоналашиб кетаркан-да. Ҳа, ҳозир оила бокиш қийин. Демак, турмуш ташвишлари секин-аста одамдаги меҳрни, окибатни, муҳаббатни ютиб юбораркан-да. «Кўздан нари — кўнгилдан нари» деб бекорга айтишмас экан-да. Демак, улар, уч ака-ука ҳам бир-бирларидан аллақачонлардан буён ўз ташвишлари билан бўлиб бегоналашиб кетишган экан-да. Айниқса, мусофирликда билинаркан бу нарсаси.

* * *

Собир-чи? Ҳаммалари эркалаб катта қилган кенжа-тойлари — Тошканбой! Нега келмаяпти? Бир умр колхозда ишлаб, қўл кучи, пенюна тери билан нон топиб катта бўлди. Аммо нима иш қилса ундан маслаҳат сўраб қиларди. Эсида, олтмишинчи йилларда колхозга қўшни Қўғали қишлоқлик Умар ака раис бўлиб қолди. Чапани одам эди. Отаси ўша пайтларда Зодиёндаги дала-шийпон ёнида қассобчилик қилар эди. Бозор йўли эмасми, ўтган-кетган таниш-билишлар шийпонда тўхтаб, отаси билан гурунглашиб чойхўрлик қилишарди. Айниқса, ёшлигида ошиқ ўйнаб катта бўлган, энди эса эси кириб қолган тенгқурлари кўп киришар, гўшти ҳам фақат отасидан олишарди. Шунда баъзилари «Ҳамдамбой, бир қўл ошиқ ташлаб қўямизми?» деб ўтган кунларни эслатиб тегишиб ҳам қўярди. «Ташламаган ҳам номард», — дерди отаси дангал. Кейин ҳозир ўйнамаса-да, лекин доим ёнида олиб юрадиган ошиқни шартта чўнтагидан чиқарарди. «Хай-хай, Ҳамдамбой, ўзингни бос, сенга тенг келиб



бўладими? Оббо сен-ей, хали ҳам эсинг кирмабди-да, девонавой-ей!» дейшиб, мирикиб кулишарди улар.

Бир кун чавқарини йўрғалатиб Умар ранс келиб қолди. Қўркам, мағрур киши эди у. Отда ўтиришини ҳам қойил қиларди. Доим урушда қийган кителда, хром этикда юрарди. Отаси югуриб бориб, отнинг жиловидан тутди. Ранс отдан тушиб сўрашди.

— Кел, Умарали, қани, ичкарига, — дея отаси отни кўчадаги толга боғлаб қайтди.

Ранс суҳбат орасида сўраб қолди:

— Қассоб бува, ўбилларнинг нечтасидан қутулдингиз?

— Кенжа Собирни уйланганига ҳам икки йил бўлди. Ундан ҳам набира кўрдим, оти — Валишер!

— Набирангиз росмана Шер бўлсин! — дели ранс ният қилиб, сўнг: — Анови отангизнинг ери — Юсуф буванинг ери бор-ку, ўша бўлакни беш-олтита томорқа сўраганларга бермоқчимиз. Қарасам, сизда ҳам уч ўғил бор, қатор-қатор неваралар... Бир ховлида қисилиб қолибсизларми деб эшитдим. Колхозда аризангиз йўқ экан. Шунинг учун кечроқ идорага ўтиб, менинг номимга ариза ташлаб қўйинг. Бир хўжалик жой берай.

— Барака топ-ей, Умарали. Яхши одамнинг боласи-сан-да. Отанг ҳам кўп улуғ одам эди. Очиғи, бир умр колхозчингга кетмон кўтариб чиқмаганим учун тилим қисик эди. Лекин кўнгилдаги гапни айтдинг. Бир ховлида уч-тўрт оила... билинаркан...

— Ундай деманг. Мана, Саминингиз колхозчиларнинг болаларини ўқитяпти. Иброҳим ҳам колхозга иллашиб қолар. Собиржонингиз далага чиқяпти-ку! Шуни ўзи катта гап.

Эртасига ўша, отасининг отаси — катталарининг еридан ўн уч сотих ер ажратиб беришди. Йўқчилик, уч ака-ука ҳам ғиптдан уй тиклашди. Янги уйга ким кўчиши кераклиги ҳақидаги оилавий йиғинда Иброҳим шаддодлик қилиб қолди:

— Ким борса бораверсин, аммо мен бормаيمان. Истаса, ана, акам, бўлмаса, Собир чиксин!

У отасининг ховлиси ёнидаги эллагинчи йиллари бир амаллаб қарз-қавола қилиб уй кўтариб олган тўрт сотихли торғина ховлида яшарди. Узумзори, кичик боғи ҳам бор эди. У-ку, кўчиб кетишга, кенгроқ жойга чиқишга ич-ичидан жон деб юрса ҳам хар гал хотини: «Кўз очиб кўрган, қийналиб-сиқталиб қурган уйимиз», деб унама-



ётган эди. Ундан садо чиқавермагач, Собир шартта Иброхимга караб:

— Агар сен чикмасанг, мен чикаман, — деди.

Унинг хотини Юрсун ой эса оламини бошига кўтариб роса жанжал қилди:

— Нега энди биз чиқарканмиз? Ана, катта акаларингиз чиқсин, сиз — кенжатойсиз.

— Учир, овозингни! — Собир шахт билан ўрнидан туриб кетди. — Эркакларнинг ишига аралашма.

Отаси «борган жойингда униб ўсгин, у ерларни обод қил, ўғлим, асли ота жойимиз у ер. Отамнинг руҳи шод бўлади», деб унга ок фотиҳа берди.

Ҳа, Собир шунақа чўрткесар. Мана шунга ҳам сал кам ўттиз йил бўлибди. Укаси ҳам элликни қоралаб қолди. Лекин пул сабил ғалати нарсаси экан. Тили, суяғи бўлмаса ҳам гоҳида ака-ука орасига совуқчилик солиб қўяркан...

...Бунга ҳам беш йил бўлди. Мактабда эди, олдига ўғли Акмал келиб қолди. Ҳол-аҳвол сўрашгач:

— Дада, бир маслаҳат билан келгандим, — деди.

— Хўш, нима экан, юр-чи, — дея у ўғлини ўз хонасига бошлади.

— Уй олсам дегандим. Жонга тегиб кетди, ётоқхоналарда яшаш. Ишхонадан уй бериш — ўлим билан тенг.

— Унда қандай оласан?

— Кооператив орқали. Академиянинг «Билим» кооперативида рўйхат қилишяпти. Дастлабки бадали тўланса бўлди, уй беришади, қолгани кейин тўланаверади.

— Қанча экан ўша бадали?

— Икки хонали уйга — икки минг етти юз сўм.

— Менда шунча пул йўқ-ку!

— Бошқа бунақа имкон бўлмайди.

— Ҳмм... Сен уйга боравер-чи... Маслаҳатлашармиз.

Уйга боргунча ҳам узок ўйлади. Бир кўнгли бу гап-уқмас ўғлини келган жойига — Тошкентига қувиб солай ҳам деди. Қачон ақл қирар экан-а унга. Институтни битирганига неча йил бўлаяпти-ю, уйланишни ҳаёлига келтирмайди. Унинг дастидан кўринганга сўроқ беравериб чарчади. На уятни билади у. Энди эса шаҳардан уй олмоқчи. Уй олгач, соясини кўрсатармикан?... Лекин минг қилса ҳам ўғил-ўғилда. Инжиклиги, бир сўзлиги ўзига тортган, қиламан деган ишни қилмай қўймайди. Агар у пулни топиб бермаса, ўзи топади. Кейин бир умр доман-



гир бўлиб юради. Шундоқ ҳам оралари совигап. Яхшиям боя шайтоннинг гапига кприб қаттиқ гапириб юбормади. Атайин отам деб орқа қилиб келибди. Ахир у бир томони кичик бўлса-да, барибир амалдор — мактаб директори деган номи бор. Оладиган маошига қаноат қилмай рухсат этилган саккиз соатлик дарсни ҳам беради. Ахир катта оиланинг ташвиши ҳам катта бўларкан. Маоши 270 сўм — мактабдаги энг катта ойлик. Бошқалар 100—150, икки навбат ичлаган муаллимлар 200 сўм олади. Емай-ичмай йиғса, нақд бир йилда ўғли сўраган пул бўларкан. Айтишга осон бунча пулни йиғиш. Ахир ўғлининг ўзи Тошкандай жойда ишлаб 100—120 сўм маош олади. Тағин уч минг сўм оғзининг бир четидан чиқади-я. Гўё Олимбойвачча... Хўш, ўзида йўқ пулни қаердан топсин, қарз олсанг, бериши бор. Истаган куни қисталанг қилиб тепангда туриб олиши ёмон. Хаммадан ҳам у — қарздан қўрқади. Тик бошингни эгиб, аллакимлардан пул сўраш... Яна ким учун — гапукмас шу ўғил учун... Ўғли-ку олади-кетади, ёнғоқ эса унинг бошида қақилади...

Шундай карама-қарши ўйлар билан ҳовлига кадам қўяр экан, барибир ичида инсофга келди. Начора, бош ўғил Акмал. Ташида минг сўкмасин, минг ёмон кўрмасин, унга меҳри баланд. Ҳалди сиғибдики, пул сўраяпти... Йигитнинг сазасини ўлдириб бўлмайди. Топиб беради! Биз кўпчиликмиз, у эса мусофир шаҳрида ёлғиз. Гулдек йигит ёши аллақандай ётоқхоналарда ўтаяпти. Бир жўжага ҳам дон керак, ҳам сув керак деганларидек, йигит кишига ҳам энг аввало бошпана керак. Модомки, шаҳарла қолдими, бунга энди йўқ дейиш керак эмас, уни ҳам тушуниш керак. Ҳалеб аччиқ қилиб юрган билан кимга фойда, кимга зиён. Майли, унга ҳам бир кун ақл кириб қолар.

Уйдан аранг беш юз сўм чиқди. Кейин Акмални етаклаб Иброҳимникига кирди. Унинг бир тийин ҳам ортиқча пули йўқ экан. Сўнг ноилож Собирникига боришди.

— Акмалга пул зарур экан, ука, — деди укасидан пул сўраётганидан ўнғайсизланиб. — Уйдан беш юз чиқди, холос.

— Нима қилар экан пулни? — деди Собир акасига қараб, гўё бу ерда Акмал йўқдек.

— Уй олмоқчи.

— Пул бору, лекин...

— Сен лекин-пекинингни куй, ука. Акмал ҳам мана йигирма бешдан ошди. Ишляпти. Берсанг, менга эмас, ўз жиянингга берасан. Айтган вақтингда ўзи келтириб беради.

— Бир йил ичида қайтараман, — деди Акмал амаки-сига тик қараб.

Собир бир ярим минг сўм пул олиб чиқди. Пулни санаб беришида негадир хотини Юрсуной ҳам унинг ёнида турди. Бу унга ноқулай кўринса-да, индамади, ўғли учун захрини ичига ютди.

Орадан бир эмас, икки йил ўтди. Ўғли пулни қайтармади. Бунинг ўрнига кишлокка кам келиш бўлиб кетди. Ҳар замонда келганда албатта ўша кун ишларининг ўғилларидан бири чопар бўлиб уйга келарди. Бир гал ҳам шундай бўлди. Собирнинг иккинчи ўғли Мухтор сўроқлаб келганда Акмал уйда йўқ эди.

— Хў-чи, хў-чи, — дея тутила-тутила гап бошлади Мухтор. — Акмал акамнинг пули бўлса бераркан. Отам юборди.

Унинг чапақай жаҳли чиқиб кетди. Акмал-ку — одам эмас. Билади, ҳалиям у пулни қайтаришга қодир эмас. Шунақа куйдирги бола чиқиб қолди у. Бу ердаги ташвишларни кўйиб ўзининг Тошкентда юргани етмай, тагин укасининг олдига юзини шувут қилди. У ичкариги уйга кириб кетди-да, шифонердан ҳозиргина олиб келган ойлиги билан таътил пулини чиқариб, Мухторга узатди.

— Ма, отангга элтиб бер — олти юз сўм. Бувамнинг ўзи берди дегин. Аммо қолганини Акмал акамдан олсин. Энди меникига элчи жўнатишни бас қилсин! Уқдингми?

— Ха, — Мухтор пулни олди-ю югурганича ховлидан чиқиб кетди.

Пул жигардан бўлади, деганлари рост экан. Шундан кейин укаси одам жўнатишни бас қилган бўлса-да, кўча-кўйда кўринганда совуқ сўрашиб юрди. Жигардан бўлган пул ака-укадек жигарларни бегоналади. Бир кун Собир яна йўлда ҳар галгидек совуқ сўрашиб ўтиб кетаётганди, чакириб уни тўхтатди.

— Э, бола, — деди велосипедидан тулиб унга тияганича. — Умрингда пул кўрмаганмисан?

— Ака, ахир ўзингиз ўйланг, бир йил эмас, уч йил ўтди. Орада бегона бор — хотиним...

— Э, хотининг гапига кирмай ўл! Акмал эса бегона-



мас сенга. Намунча қийин-кистовга оласан? Унинг ҳам қулига қарға чичиб қолар.

Собир индамади. Бирок орадан уч ой ўтиб ўзи кириб келди.

— Ака, уэр, хафа бўлманг, Мухторни уйлантираётганимдан хабарингиз бор. Эртага бозордан келин томонга семизроқ бир қўчқор олмоқчи эдим. Сал пулдан сиқилиб турибман.

Унинг тағин жаҳли қўзиди. Лекин бу гал дардини ичига ютди. Бири — ўғли, бири — иниси. Қайси бармоғини тишласа ҳам оғрийди. Шундоқ ҳам шу пул ўлгурни деб Собир билан анча-мунча нари-берига бориб қолди.

— Юр, — деди у укасини бостирма томон бошлаб. — Ана, қўрада бир қўчқор турибди, ёкса олавер.

Укаси аввалига буни хазил деб ўйлаб анграйиб тураверди.

— Бор, Тешавой акангни айтиб чик, даллол, бозорни билади. Пулини пичиб берсин, — деди у.

Қўчқор уч юз сўмга баҳоланди. Собир уни етаклаб кетаркан юраги бир тутам бўлиб, укасидан росмана кўнгли қолди. Ният қилиб, қўйни Акмалнинг тўйига мўлжаллаб юрганди-я. Нахотки, акага уканинг оқибати шу бўлса... Диёнат қолмабди ўзи бу дунёда...

Кейинроқ Акмал келди. Уй олибди, оғзи қулоғида. Ундан бахтиёр одам йўқдек. Пича пул ҳам топиб келибди.

— Мана, дада, беш юз сўм, — дея ўғли унга пулни узатди.

— Қаердан олдинг? — деди у босиқ оҳангда пулни олишни ҳам, олмасликни ҳам билмай. Аммо ич-ичидан бир хурсанд бўлди.

— Уйни нотўғри баҳолашган экан. Уч юз сўмдан қайтиб беришди. Қолган икки юзни... — Акмал жимиб қолди.

— Ўғирладингми? — ўғлини жим туришидан жаҳли чиқиб кетди, унинг.

— Ҳордиқ кунлари мардикорга чиқдим, — Акмал чўғдек кизариб ерга қаради.

— Меҳнатнинг айби йўқ, — деди у, сўнг ўғли узатган пулни олди, санаб ҳам кўрди. Кейин пулни дастурхоннинг бир четига қўйди-да, уйга кириб юз сўм олиб чиқиб, бояги пулларга қўшди, юзи ёришиб Акмалга қаради.



— Ма, бу пулларни олиб бор-да, ўзинг, ўз қўлинг билан амакингга бериб кел. Собирнинг турқини кўришга тоқатим йўқ. Қолганини бериб қўйганман, — деди.

Акмал пулни бериб келди. Оқилом дастурхон атрофида ўғли билан ораларида ҳеч гап ўтмагандек у ёқ-бу ёқдан мириқиб суҳбатлашиб ўтиришди. Якин орада сира бунақа дилдан ёзилиб гаплашмагандилар.

— Эртага кайтаман, дада. Манави икки юз сўмни олиб қўйинг, рўзворга ишлатарсиз. Ҳозирча менга керакмас, — деди ўғли суҳбат сўнггида.

— Керакмас, олавер, — деди у ўғлини қўлини итариб. — Лекин билиб қўй: ўнта бола бир отани боқолмайди. Аммо бизни ўйлаганинг учун раҳмат! Бу пулга янги уйингга бизнинг номдан ул-бул оларсан. Узоқ жой — биз боролмасак...

Яхшиям олмаган акан. Уйни йўқлаб бориш насиб қилмади. Аслида кўнглида бор эди. Энди насиб қилдим-йўқми, худо билади. Лекин шу ишларни деб укаси Собир билан ораларидан ола мушук ўтиб қолгани яхши бўлмади-да. У-ку ўғли уй олгач, унинг хурсандчилигини кўриб, орадаги гина-кудуратларни унутиб юборди. Лекин Собир унутдимикан? Ёки... Нахотки, уни қай аҳволда ётганини эшитмаган... Эшитмаган бўлиши мумкин эмас... Унда нега бир кўриниб кетай демайди?! Аслида Собир беғубор йигит, лекин хотинининг тили узун. Уларникига пул учун элчи жўнатиш ҳам шу хотинидан чиққан... У эса бекорга укасидан ўпкалаб юрибди.

Рост, бокиб турган суксурдек кўчкорни индамай етаклаб кетганда ундан астойдил хафа бўлганди. Ҳатто Мухторнинг тўйи куни Собир болаларидан қайта-қайта айтириб юборса ҳам бормади. Ўзи келди, «мазам йўқ» дея бахона қилди. Эртасига эса Собир ичиб олиб келибди. Ичса кўнгли бўшаб кетадиган одати бор эди.

— Нега бормадингиз, ака? — дея роса ер муштлаб йиғлади у. — Отам ўлган бўлса, тўйим бошида ҳам ота, ҳам ака бўлиб турадиган сиз бор эдингиз-ку. Менинг уйимнинг чаёни бормиди? Акажон, нимага бормадингиз? Сўраганларга жавоб қилолмай нақ ерга кирдим. Мендан бирор айб ўтган бўлса, кечиринг...

— Мазам йўқ эди, — дея зўрға укасини овутибди ўшанда. Мана, энди ўзи укасининг йўлига интизор, бир кўришга, бир овутишига зор. Ундан эса дом-дарак йўқ...

XI БОБ

Толиб тўртинчи куни қайтиб келди. Ҳамон каравотда шифтга қараб ҳаёлчан ётган дадасининг ранги янада синикиб, ёноклари туртиб чиққан, кўзлари ичига чуқур ботган. Одам шунчалик ҳам тез ўзгариб кетадими? Секин ёнига ўтириб гап бошлади, қариқдош-уруғлар саломини етказди, қишлоқдаги янгиликлардан гапирди. Дадаси бепарво эшитди. У гапдан тўхтагач:

— Амакиларинг қай гўрларда юрибди экан? — деди.

— Собир акам чўлда экан. Пахталарини сел уриб, қайта чигит экишяпти экан. Икки ҳафтада бир уйга келаркан. Иброҳимингизни кўрмадим. Неча марта уйларига кирдим, йўқ, бир гал бозорга, кейин қайларгадир чикиб кетган экан.

— Ўзинг намунча ҳаялладинг?

— Райондаги бир-икки ташкилотда ёнғин чиқиб, ишимиз кўпайиб кетди. Уларга ўзим аралашмасам бўлмайди, сугуртанинг ишини биласиз-ку! Кейин яқинда бўлган жала билан дўл колхозларнинг пахтасига зиён етказибди. Раислар идрамииз остонасида ётиб олди. Ўртада шартнома бор. Шуларни тинчитиб келдим, — деди Толиб узр сўрагандай. Кейин қўшиб қўйди: — Давлатнинг ишини биласиз-ку, дада.

— Биламан, — домла чуқур ух тортди. — Давлатни сенинг кўнглинг билан, аҳволинг билан, оиланг билан неча пуллик иши бор, — деди-да, сўнг секин кўзларини юмиб, ўйга толди. «Давлатнинг иши деб, ишдан бошқасини ўйламай, гулдай умр ўтиб кетди-ю. Мана энди, эрта-индин ризқ-насибаси тугаб ўлиб кетса, ўша давлат менга ҳайкал кўярмиди? Қирқ тўрт йил муаллимлик қилди. Физрук бўлиб, болаларга қўшилиб қанча чопди. Бошланғичларни ўқитиб, уларга билим, ақл бераман деб ўзи эсидан айрилаёзди. Директор бўлиб, амалнинг маза-сини ҳам татиб кўрди. Амал курсисини қанчалик нозиклигини ҳам, қанчалик омонатлигини ҳам билди. Толиб-жон бўлса, шу амалининг гирувида не-не чиғириқлардан ўтмаяпти. Ҳали ёш-да, бу бевафо дунёда, бевафо амалу иш ташвишларини деб жонни жабборга бериб юришларнинг беҳудалигини кейин биласан! Наҳотки, шуларнинг бари — эр кишининг югур-югури фақат бола-чақани боқити учун бўлса?.. Ёки фидойиликми? Сендан фидойилик талаб қилганларнинг пичоғи мой устида-ку, чунки уларнинг сеникидан каттарок амали бор. Яна сен-



даги фидойилик камлик қилаётганидек ҳар икки гапнинг бирида «Ватан», «халқ» сўзларини тинмай такрорлашди. Сен ҳам шу сўзларни айтиб, меҳнат frontiда жонингни қурбон қилишини керак! Бошқача ўйлашга ҳам, яшашга ҳам қўйишмайди. Эҳ-хе, Толибжон, Толибжон, чучварани хом санаб юрибсан, ҳали сен ҳам вақти-соати келиб буларни билиб оларсан. Аммо унда жуда кеч бўлади. Ҳозир эса айтган билан тушунмайсан. Чунки ишинг учун маош оласан, у билан оилангни боқасан. Очирин, ёнимга кириб, оиланинг ташвиш-ғамини ейдиган ҳам сенку. Лоп этиб ўлиб кетсам ҳам оиланинг барча ташвиши сенинг бўйинингда қолади. Аканг бўлса...»

— Акангга қўнғироқ қилдингми?

— Ҳа. Шу ҳафта ярим йиллик ҳисоботлари экан. Ўтқизиб, кейин бораман деди.

— Келармикан... Унга ишониб ҳам бўлмайди...

Толибжон жавоб бермади. У ҳам дадасидек ўйларди акаси ҳақида. Унинг олимлиги ўздан бошқа кимга керак? Бундан кўра, келиб катта оиланинг аравасини тортишса бўлмасмиди? Ўттиздан ошпаптики, олимлик ораусида Тошкентда юрибди. Келганда ҳам наф йўқ — бир тийин олиб келмайди. Қайтанга уйдан ташмалайди.

* * *

Акмал ишхонадан ўн кунга ўз ҳисобидан таътил олди. Аввалига Тошкентдан тўғри Фарғонага учмоқчи бўлди. Сўнг олдин уйга ўтай-чи, деган ўйда Қўконга чипта олди.

Тушга яқин уйга келди-ю, дадасининг соғлиғини суриштирди. Тузук дейишди уйдагилар. Қизи Барно олти ойликдан ошибди. Ўзини тутиб ўтирадиган, эмаклайдиган бўлиб қолибди. Бетлари лўппигина, кўзлари аясинингидек шахло.

— Уйга кўчиб бордим, — деди хотинига хурсанд бўлиб. — Икки хонали, поли паркет, балконлари кенггина. Марказий универмагдан кредитга телевизор билан совутгич ҳам келтириб қўйдим.

Хотини ҳам суюнди. Кўзлари порлаб, унга қаради.

— Энди бизни олиб кетасизми? Қишлоғингизда печкага ўтин қалайвериб киш ичи адабимизни едик. Кошки бу уй ўлгур хадеганда исиса, кечкурун қирк даража қилсанг ҳам эрталабгача музхонага айланади.

— Кетамиз! Дадам тузалсин.

— Телевизор қанака? Ранглими?



— Э, унисига йўл бўлсин! «Рекорд-345» — оқ-қора. Кейинроқ ранглисини ҳам оламиз. Шундан ҳам энди бир йилгача ойликнинг 20 фоизи магазинга ўтади. Ўзи бу ки-чик илмий ходим ўлгурга юз эллик сўм маош берса. Эн-ди солиғу киридитга ушлаб қолса... билмадим, 100 сўм билан қандок яшаймиз. Бу ёқдан уй — кооператив, пу-лини ҳар кварталда тўлаб бориш керак.

— Тўлармиз. Менам ишга қайтаман.

— Тайёрланинглар, дадамини олдиға бирға борамиз. Барнони ҳам кўрсин, боя йўлда Набини учратгандим, машинасига ёғ куйгани кетди.

— Баҳодирни ҳам обортин, — деди бувиси улар, ма-шинаға ўтиришгач. — Даданг сўраганди.

* * *

Акмал аввал ўзи кириб дадаси билан кўришди. Дада-сининг ахволи шунчалик оғирлигини билмаганди. Дар-дини «арзимас лард» деб ўйлабди. Дадасининг нури ке-тиб, ич-ичига ботган кўзларини, томирлари бўртиб қон-суякка айланган қўлларини кўриб юраги эзилди.

— Дада, неварангиз Барнохон ҳам келган сизни кўришға, келинингиз ҳам, Баҳодир ҳам, — деди пича суҳбатдан сўнг.

— Қани улар?! — дадаси палатаға аланглаб кўз югуртирди.

— Ҳозир чақираман.

Акмал Барнони кўтарганча хотини ва укасини бош-лаб кирди. Дадаси ётган жойида келини билан оғзаки сўрашди. Ўғлининг қўлидаги неварасини эркалаган бўлди.

— Бобосини кўрай депти-да, а. Вой, она қизим. Ум-ринг узок бўлсин! — деди-ю, аммо негадир неварасини қўлиға олмади. Бундан ўғли билан келинининг кўнглиға бошқа ўй келмасин дея изох берди: — Ҳали тузалиб чиқай, ўзим она қизимни тўйиб-тўйиб бағримға босиб кўтараман. Ҳозир эса ҳамма ёғимдан доктор дорисининг хиди анкиб ётибди.

Кейин Баҳодирни ўзига чорлаб имлади-да, узок бағриға босиб турди, сўнг пешонасидан ўпди, бошини си-лади.

— Менинг гапларим эсингдами, ўғлим. Хатто хўроз сўйишни ҳам ўргатгандим-а, сенга.

Баҳодир бурро-бурро сайрай кетди:



— У куни бувимлар товук шўрва олиб келишди-ю, ўшанда уйдаги хўрозни ҳам ўзим сўйдим. Аммо рога пирлади-да, калласини узиб ташласам ҳам тоза сакради...

Самин домла мийиғида кулиб қўйди. Ҳаммадан ҳам мана шу кенжатойига қийин бўлади энди. Аввалдан билгандек турмушда аскотадиган барча юмушни, ўзидаги бор хунарни ўзи бажара туриб, унга ўргатди. Хунарга меҳри ошсин деди. Хатто акалари товук сўйишни билмайди, кондан сесканишади. У товук сўйганда қараб туриша олмайди, Баҳодирга эса қараб туришинигина эмас, уни тумшугидан ушлаб икки оёғини жуфтлаб босиб туриб, кекирдагига пичоқ тортиб покиза қилиб сўйишни ҳам ўргатган. Хатто қўйларга шада қилишу, юнгини киркишни, ўрик қуритиш сирлари-ю, терини олишгача, тешаю кетмонга соп ясашдан тортиб велосипед камерасини ямашгача — барча-барчасини айтиб туриб, кўрсатиб туриб ўргатганди. Ишқилиб, катта бўлиб тирикчилик бошига тушганда туртинмасин, деди. Ахир йигит кишининг бахти ҳам шунда-да. Балки энди у акаларига ўхшаб катта шаҳарларда ўқий олмас. Бирорта хунарнинг бошини тутар. Хунари бор ҳеч қачон кам бўлмаган. Ана, уста Хошим, уй солади, кишлоқда унга иши тушмаган одам йўқ. Топволди—сувоқчи. Унга ўхшаган домлаларнинг бир йиллик ойлигини у бир ойда топади. Мирзаумар — уйларга нақш солади. Унинг шу хунарини деб хатто бошқа юртлардан талабгорлар келиб олиб кетади. Мурод — машина тузатади. Машинанинг рулидан бошқасини билмаганлар эса сон мингта. Айт-байтини чуқилаб қўйиб ҳам раҳмат этишади, ҳам айтганини олади. Ҳа, Баҳодир энди у ёк-бу ёқни орзуламай бувисининг ёнида бўлгани дуруст. Ахир ундан кейин хотинининг ёнида таскин бериб турадиган бир ҳамроҳ ҳам керак-ку!

Ҳамма хайрлашиб секин ташқарига чиқиб кетди. Самин домла ҳамон Баҳодирни қўйиб юбормас эди.

— Бошинг тошдан бўлсин, болам. Бахтли бўл! Акаларингнинг гапига кириб юр. Хар ишда уларни маслаҳатчи бил, — деганча кенжатойининг юз-кўзларидан тўйиб-тўйиб ўпди. Сўнг:

— Бор энди, хайр! Мени кечир! Мени унутма! — деди. Домланинг кўзлари жикка ёш эди. Баҳодир буни кўриб ўзини қайта дадасининг қучонига ташлади.

— Қачон уйга борасиз? — деди у ҳам йиғидан ўзини тийёлмай.



— Бораман, бораман. Бор энди, сени кутиб қолишди.

Шу куни Акмал Толибжоннинг ўрнига шифохонада қолди. Бундан дадаси хурсанд бўлди. Шундай бўлса-да:

— Ишинг нима бўлади? — деб сўради.

— Жавоб олиб келганман.

— Раҳмат, ўғлим! Умрингдан барака топ! Ўзи сенга айтадиган гапларим ҳам кўп эди...

Тушки уйқудан кўзини очган домла секин Акмални ёнига чорлаб, неча кундан буён нимагадир Толибжонга айтолмаган гапларини айтди.

— Ўғлим, бир жойда михланиб ётавериб орқаларим оқ ем бўлиб кетди. Кел, қўлтиғимга кир, — деди секин икки тирсаги билан ўзини кўтариб ўтиришга уринаркан. — Аста душга обор, бир ювиниб олмасам бўлмайди. Сочиқни овол, жилла курса, намлаб артарсан.

Акмал дадасининг қўлтиғига кириб, охишта етаклаб душга олиб борди. Шиша шланкани бир стулга қўйиб, ўзини бир стулга ўтказиб бошини, юз-кўзларини, оёқ-қўлларини обдан совунлаб ювди, орқаларини ҳўл латта билан авайлабгина ишқалади. Билдики, дадаси сувни соғинган. Ахир қанчалик покиза юрарди, ҳафтада ҳаммомни канда қилмасди. 1964 йилда янги уйга кўчиб чиққанларидан сўнг мўъжазгина мўрча ҳам қуриб олганди. Ўшанда дадасининг бу ишини кўриб бувиси уришиб берганди:

— Нима қияпсиз ўзи, кишлоқда ҳеч ким қилмаган бидъатни қилиб...

— Э, сени қара-ю, бунинг нимаси бидъат. Токайгача қолхознинг ёлғиз ҳаммомига чопамиз. Битсин, кейин кўрасан, икки дона ўтин ёксанг, шунақанги исийдики.

— Ҳа, энди бир камингиз шу қолувди.

— Ўзи сенга нима ёқади?

— Э, сизга гап уқтириб бўладими? — деганча бувиси қўл силтаб нари кетганди.

Лекин мўрчамисан мўрча бўлган эди. Чоққина хона. Ўртада катта темир бочка, олди ўчок, устида қозон, биқинидан узун қувур чиққан. Сал ўт ёкилса, хом риштан тикланган пасткамгина мўрча бирпасда исийди. Қозондаги сув буғланиб, хонани тўлдиради. Оқшомлари деразага чироқ ёки фонар ёкиб қўйилади. Хуллас, қолхозникидан қолишмайди. Маҳаллада ҳеч кимникида бунақаси йўқ эди. Шунинг учун гоҳида қўни-қўшнилар ҳам бир кўтарим ўтин олиб чиқиб, чўмилиб олишарди. Дадаси узок йиллар ҳарбийда бўлгани учунми, тозалик-



ни жуда кадрлар, бошқалардан ҳам шуни талаб қиларди. Мана, шу ётишда ҳам сувни соғинибди. Дорилар таъсирида баданига ўрнашиб қолган ҳиддан истихола қияпти. Боя Барнони қўлига олмагани ҳам асли шундан эди.

Шуларни ўйлаганча Акмал дадасига обдан ёрдамлашди. Сочикни илик сувда ҳўллаб, матрасга ишқаланиб ётавериб оқ ем бўлиб кетган елкаларини, кофурғаларини эринмай, ирганмай қайта-қайта артиб чиқди. Қайчи топиб келиб сочларини тўғрилади, оёқ-қўлларининг тирноқларини олди, ҳамшира берган янги ич кийимларни кийдирди. Сўнг халатига ўраб, суяб-суяб жойига олиб келиб ётқизди, устини иссиқ ўраб қўйди.

— Мана, дада, худди онадан қайта туғилгандек бўлдингиз, — дея отасининг қўнглини кўтарди. — Энди бир ухлаб, дам олинг!

— Илоё, умрингдан барака топ, — деди Самин домла ўғлини дуо қилиб.

Хуллас, оқшомга бориб домла ўзини одатдагидан тегик тутди. Акмал келиб, ювиниб, покланиб олганидан қўнгли анчайин равшан тортди. Одамнинг ховурини одам олар экан. Одам дардини ҳам ҳадди сиққанига айта олар экан...

ХИ Б О Б

Акмал ҳамшира қиз Мавжуда берган ёстиғу одеялни олиб дадаси ётган хона рўпарасида — коридордаги тахта ўриндикка ёнбошлади. Аммо нимагадир дадаси ётган хона ёнидаги палатада соат ўн бирдан ошса-да, чирок ўчмас, у ердан йигитларнинг хингир-хингир овози баралла эшитилиб турар эди. Шифохонада бевақт хиринглашаётганлар кимлар бўлди экан? Унинг жахли чиқиб уйқуси кочди. Охири туриб ҳамширанинг олдига борди.

Мавжуда асли қўқонлик бўлиб, ўтган йили тиббиёт билим юртини тугатиб, йўлланма билан ишга келибди. Хафтада уйларига қатнаш экан. Уларнинг Қўқонга яқин туришини билиб «ўзимизнинг қорадарахтнинг одамлари экансизлар», деб дадасига ачиниб боя ҳам анча гапирганди.

— Э, уларми, — деди Мавжуда афти буришиб. — Бўлим бошлиғининг эркатой ҳамқишлоқлари, Қизилқиядан. Фарғонада ўқишади. Ҳозир талабаларни қатқалокка олиб кетган. Булар эса атайин шу ерга ётиб олишган, гўё «даволанишяпти». Касал қаёқда, бирорта-

сининг ҳам берган доримизни ичганини кўрмадим. Сал қаттиқ гапирсанг, бошлиққа чақишади. Тагин шу туришларига икки кишилик палатани эгаллаб олишган. Уларга бу ер гўё санатория — истаганини қилишади.

Қайтиб келганда ҳам йигитларнинг ҳингир-хингири тугамаганди. У шартта эшикни очиб хонага кирди. Чоғроқ хонадаги икки ўринда йигирма ёшлардаги икки йигит ўтирар, ўртадаги столда ярим ичилган бир шиша коньягу газаклар...

— Ухлайсанларми, йўқми? — деди у ўзини тутолмай, ҳе йўқ-бе йўқ.

— Сизга нима? — деди улардан бири бошини даст кўтариб.

— Ўчирларинг чироқни. Кейин бу ер ойшахолангнинг уймас, тунн билан хиринглаб афанди айтишади-ган.

Акмалнинг вазоҳатини кўриб йигитлар бошқа гап қайтаришмади. Аста стол устини йиғиштириб, бир оздан сўнг чироқни ҳам ўчиришди. Барибир ярим кечагача Акмалнинг уйкуси келмади. Бу ер қаер ўзи? Шифохонами? Чойхонами? Дадаси ётган палатада тўрт киши — тўрт оғир бемор интраб ётибди, вақти келса бирининг чуқурроқ нафас олгани иккинчисига малол келади. Икки кишилик махсус хонада эса касалининг тайини йўқ йигитчалар айшу ишратда. Демак, бўлим бошлиғи ҳам яхши одамга ўхшамайди, бўлмаса, шунақа ишларга йўл қўярмиди? Дадасини операция қилгани учунми, уни дуруст одамга ўхшатган эди. Юзлари қил-қизил, ёш бўлса ҳам салобатлигина, келишган, кўркем йигиту, аммо кўзлари ўйнаган. Толиб айтганидек, дадасининг операциясини ҳеч ким билан маслаҳатлашмай қилгани-чи. У бор эди, бувиси бор эди, Толиб бор эди, колаверса, яхшими-ёмопми амакилари бор эди. Мана энди, дадаси бир аҳволда ётибди. Нега энди, шу аҳволдаги одамни анавиларнинг ўрнига — тинчроқ жойга ўтказмайди? Марғилонлик киши ҳам келганидан буён бир оғиз гапирмай дам ҳуш, дам беҳуш дард чекиб ётибди экан. Қолганлари ҳам хавас қилгулик аҳволдамас...

Эрталаб ташқарида юрганди, кечаги улфат йигитларнинг деразадан тап-тап ташлаб кўчага чиқиб кетаётганига кўзи тушди. Иккови ҳам ўз кийимларини кийиб олибди. Мавжуданинг гапларини эсларкан, негадир бўлим бошлиғи Хайрулло докторга — хали у билан бирор мар-

та очикрок мулоқотда бўлмаган бўлса-да, хусумати ошди. Дадасининг шу аҳволга тушишига ҳам тўғ у айбдордек кўринди. Ахир операциядан кейинги кечада жон аччиғида дадаси корнидаги плангги тортиб юборган бўлса, бу иш учун аввало шифокорлар жавобгар эмасми?..

Хонага кирганда ҳамон бемажол осмонга қараб чалқанча ётган дадасининг кайфияти дуруст кўринди. Бу — кечаги кундан розилик аломати эди. У секин бориб сўради:

— Дада, бир шаҳарга тушиб чиқайми?

— Нима қиласан?

— Бозордан сизга нон-пон, юмшоқрок шашлик-пашлик олиб келаман.

Домла шифохонанинг шилдир-шилдир овқатларидан ичи чикмаётганини, бу ҳақда бир-икки Толибжонга айтмоқчи бўлиб, айтолмаганини эслади.

— Майли, борақол! — деди.

Акмал нон устини тўлатиб жигар кабоб, нўхат, хатто аччиқ-чучук келтирибди. Шерикларини минг қистаса ҳам номигагина бир-икки олишди, холос. Марғилонлик бўлса, хатто кўзини очиб қарамади ҳам. Домла овқатни ҳузур қилиб еб олди. Ортидан аччиқ кўк чойни ичиб, бир хумордан чиқди. Сўнг кўзи илиниб, бир оз мизғиди. Бир вақт хонадаги тўс-тўполондан уйғониб кетди. Доктору ҳамшираларнинг бири кириб-бири чиқиб марғилонлик ҳамхоналарининг бошида айланиб қолишди, кетма-кет укол қилишди, томирига осма укол улашди. У эса иситма ичида алахсирар, нима деяётганини ҳам ўзи билмай у ён-бу ёнига ўзини ташлаб, тинмай тўлғанарди. Бошида ўтирган аёлининг эса ранги докадек оқариб кетганди. Охири уни «реанимация» хонасига олиб чиқиб кетишди. Бир суткага бормай бечоранинг жони узилди. Хотинининг уввос солиб йиғлашидан шифохона ларзага келди. Самин домланинг ҳам юраги тўлиб кетди. Келган куни бу одам билан бир кўнгина мириқиб таплаганди. У ҳам ўзидек муаллим экан. Сал кам қирқ йил ишлаб, шу йили нафақага чиқибди. Жўжабирдай саккизта боласи бор экан. Бечора... Нафақага чиқиб бир йил ҳам ҳузур кўрмабди. Касали ҳам уникидака... Операция... уч ҳафталик азоб-уқубатдаги беморлик ҳаёти... ва ўлим. Нахотки, ҳаёт шунчалик шафқатсиз-а. Ўзи сўнгги пайтларда муаллимлар олтишига етиб-етмай, нафақага чиқиб-чиқмай ўлиб кетишяпти. Нечтасини кўрди у. Айниқса, мана шу — ҳамма арзимас операция дейишгани



бир безни олдириб ташлаб ҳам... Сулаймон домла, энди марғилонлик ҳамкасби...

Эртасига Самин домладаги кечаги хуш кайфиятдан асар ҳам қолмади. Лекин сир бой бергиси келмади. Тушлик пайти Акмалга қараб «ошхонага кечагидек суяб-суяб элт, бугун ҳам бир ўтириб овқатланай», деди. Лекин Акмал унинг қўлтиғига кириб коридорга олиб чиққан жойида оёғи қалтираб, ранги бирдан сутдек оқариб кетди.

— Қайтдик, ўғлим, — деди охиста пичирлаб. — Тан-да мажол йўқ. Ярамайман.

— Хали қувватта кириб, бу кунларни кўрмагандек бўлиб кетасиз, дада.

— Кошки! Кечаги марғилонликни операциядан бурун кўрганлар сира ўладиган одам эмасди, дейишяпти. Такдирнинг ўйинини кара... Чархпалак! Чархи-фалак...

— Такдир экан, — деди Акмал дадасини тинчлантириш учун.

— Такдир... Такдиринг ҳам бориб-бориб бировларнинг қўлида бўп коларкан, ўғлим.

Тушдан кейин Акмал тўғри Хайрулло докторнинг хонасига кириб борди. Доктор оқ халат кийган чиройлик-кина бир аёл билан чой устида ширин суҳбат қуриб ўтирарди.

— Доктор, сизда ишим бор эди, — деди эшикдан киришга кириб, чикиб кетишини ҳам билмай.

— Кўряпсиз-ку, бандман. Кутиб туринг! — деди Хайрулло ковоғини уйиб.

Акмал ташқарига чикиб, роса ярим соат кутди. Ичкаридан эса эркак ва аёлнинг шодон суҳбати-ю қувноқ кулгилари баралла эшитилиб турарди. Охири эшик очилиб, аёл бир-бир қадам ташлаб чикиб кетди. Унга кўзи тушиб бир кош чимириб қўйди. Хонадан «киринг» деган овоз эшитилди. У кириб бориб докторнинг рўпарасидаги стулга у таклиф қилмаса ҳам ўтириб олди. Бундан Хайруллонинг янада энсаси қотди.

— Хўш, нима гап? — деди у тезроқ мақсадга ўт дегандек.

— Мен Ҳамдамовнинг ўғлиман.

— Эшитдим. Тошкентдагисими? Кела солиб, кеча бизнинг касалларга дўқ қилибсиз.

Акмалнинг қони қайнаб кетди.

— Касалмиш, касалми ўша талабалар. Отдек-ку! Нега уларни бу ерда сақлайсиз? Яна икки кишилик махсус



хонада. Қанақа арзанда улар? Справка учун етишибди, ишдан қочиб. Бу ёқда оғир касаллар тўрт кишилик хонада бир ахволда ётса-ю...

— Ия, сиз бу ерга нима учун келгансиз ўзи? — Хайрулло ўрнидан сапчиб туриб кетди. — Қозичилик қилишганим ё отангизга қарашганим?

— Унисига ҳам, бунисига ҳам, — деб юборди Акмал ҳам беихтиёр ўрнидан туриб.

— О-о, Тошкентдан юборишган денг.

— Нега дадамнинг ахволини кўра-била туриб ўша ерга ўтказмайсиз? Ёки марғилонлик муаллимни қўймадингиз? Ахир оғир касалга холироқ жой керакмасми?

— О, юристмасмисиз, ишкилиб?

— Бўлса бордир.

— Огайни, — Хайрулло секин жойига ўтирди. — Биз сизга ҳисоб бермаймиз, бизнинг ҳам ўз ҳисоб берадиганларимиз бор. Билмасангиз билиб қўйинг. Агар жуда баъзи нарсаларни билгингиз келса, айта қолай: марғилонлик муаллимнинг тақдири олдиндан маълум эди, операция қутқариш учун охириги чора эди, лекин фойдаси бўлмади...

Акмал бу гапни эшитиб дол қолди. Демак, ҳаммаси докторларга олдиндан маълум экан-да. У эса не мақсад, не ўйда бу ерга кириб нималарни сўзлаб ўтирибди-я. Доктор яхшими-ёмонми минг қилса ҳам отасига қараяпти, операция қилган ҳам шу. У бўлса, раҳмат айтиш ўрнига... Қизиққонлиги ҳам қуриб кетсин!

— Кечиринг! — деди Акмал ерга қараб.

— Ўтиринг! — Хайрулло ҳам бир оз юмшади.

— Дадамини ўзингиз операция қилганмисиз?

— Ха. Нима эди? Ўзи рози бўлди. Мана тилхати. — Хайрулло бир варақ қоғозни унинг олдига тапшлади. Акмал дадасининг хатини таниди.

— Узр! Қизишиб кетдим. Раҳмат сизга! Дадам тезроқ тузалиб кетса...

— Бизнинг ҳам умидимиз шу. Лекин қаричилик, қувватга киришга қийналяпти.

— Илтимос, яхшироқ қаранглар. Яхшилигингиз ерда қолиб кетмас.

— Бу бошқа гап. Йигит киши мана шундай очиқ-дангал бўлиши керак. Сиз бўлсангиз осмондан келасиз. Қараяпмиз, қўлимиздан келганча. Мана, сиздек жонкуяр ўғли бор экан, ёмон бўлмайди. Ахир касални даволаш бурчимиз-ку. Гиппократ қасамини ичганмиз-а.



Акмал чиқиб кетар экан, Хайрулло уни тўхтатди:

— Бир минутга. Ҳозироқ ҳамшираларга айтаман, отангизни қўшни икки кишилик палатага ўтказишади. Ёнидаги жойда сиз тураверинг, ҳозирча одам қўймаймиз.

— Талабалар-чи?!

— Эрталаб кетишди, — деди доктор унга зимдан тикилиб. — Тузалиб кетишди. Фақат энди бу ҳақда унутинг. Хўпми? Қани энди, бир қўлни ташланг-чи, ота ўғил.

Акмал истамайгина унга қўл узатди.

Янги хонага ўтишгач, дадасининг эғнидаги кийимларини яқинда алмаштирганига қарамай, қўярда-қўймай тагин алмаштиришди, унга тутилмаган яп-янги халат беришди. Докторнинг ҳам, ҳамшираларнинг ҳам муомаласи анчайин юмшаб қолди. Дадаси ҳам марғилонлик шерикларининг вафоти эсига тушган кезлардан бошқа пайтларда ўзини бардам кўрсатишга уринар, яхши-яхши гаплардан, хотиралардан сўзлар, лекин бир оғиз ҳам ўз ахволидан полимай қўйди. Операциядан чиққан дастлабки кулларидагидек бировларнинг келган-кетгани билан ҳам энди ўнчалик ишга йўқ эди. Бу орада анчагина қариндошлари, ўғил-кизлари, куёвлари келиб кетди. Домла энди ҳамма билан бирдек очилиб-сочилиб гаплашарди. Бундан Акмал хурсанд — дадасининг тузалиб кетишига, тез орада қувватга киришига ҳаммадан кўпроқ ишонар, докторларга билдирмай олиб келган овкатларни зўрлаб едирар, дармонга кирасиз деб тасалли берарди. Худога минг қатла шукурки, кўринишидан дадаси ҳам анчайин дармонга кириб қолгандек эди, унинг назарида.

Икки ҳафтадан сўнг кўнглини тўқ тутиб, Тошкентга қайтиб кетди. Ишдан ўз ҳисобига олган таътил тугаганди.

Аммо кўнглида бир армон бор эди. Негадир дадаси у келган кунга кейинроқ айтаман деган гапларини айтмади. Майли, тузалгач, уйга борганда бамайлихотир гаплашар. Эх-хе, дадаси билан ораларида қанча-қанча «оламушук»лар ўтмаган, айтса, бутун бир китоб бўлади. Лекин бу гал айтмоқчи бўлган гапи бошқа нарса бўлса керак. Қизик, нега айтақолмадийкин?.. Сўрашга эса унинг юраги дов бермади. Кўнглил шипасини ногоҳ дарз қилишдан кўрқди...

ХІІІ БОБ

Акмал кетгач, унинг кўнглидан кечганлари домланинг ҳам дилидан ўтди. Операциядан кейин не-не азобда ётган, ўлимни муқаррар бўйнига олиб қўйган кунлари айнан шу катта ўғлини роса кўмсади, ораларида бўлиб ўтган нохуш гапларни ҳам эслади. Ха, бандалик экан, ота-бола ўртасида не гаплар ўтмади. Гап-ку гап-а, мана, ёна-ёна умр шамчироғи ҳам тугаркан. Шунинг учун майда-чуйда гапларни олабайроқ қилиб кўтариб юрмай ўз вақтида елкадан ошириб ташлаган маъқул экан. Хаёт шамчироғи сўнаётган, Азроил жонингга кўз тикиб турган бир вақтда ўз жигарларинг билан орадаги гина-кудуратни эслашдан оғир нарса бўлмас экан. Аслида гина сақлаш мусулмончиликка тўғри келмайди. Лекин хом сут эмган бандасининг иши шу. Бирок у ўзидаги бу андишаларни бир ховуч шашқол тошларидек улоктириб ташлаб, ўғлига бўлган чин меҳрини рўйирост айтолмади, нимадир халакит берди. Кўнгил тубида пинҳон ётган истаклар ҳадеганда тилга кўчавермас экан. Во дариғ, энди бу гапларни, ошкор қилолмаган дардларини, меҳру муҳаббатини қора тупроққа олиб кетадими? Билиб турибди, энди қайта дийдорлашув насиб этиши гумон... Э, вох! Ахир барча оталардек у ҳам тўнғичини ўзгача меҳр билан суярди. Ахир ундаги бу дунёда барча эр кишиларда бўладиган илк оталик меҳри ҳам мана шу ўғли Акмал билан дунёга келган эмасмиди? Лекин ўзи оғир, алғовдалғов замонларда қийналиб ўсгани учунми ёки у замонлар яна қайта бўй кўрсатиб қолса, ўғлим ҳам ҳамиша барча қийинчиликларга тайёр турсин дедими, хайтовур унга қаттиққўл бўлди, шундай қилсам ўғлим пишади, етилади, ўз мақсади йўлида ҳеч бир тўсикка парво қилмай курашади, мустақил яшашга ўрганади, деди. Гоҳида бу қаттиққўллиги тошмеҳрликкача бориб етганини ўзи сезмай қолди. Натижада бора-бора ўғлининг бир феъллиги айтганидан ҳам ошиб кетди. Баъзан ота-бола бирпасда терс бўлиб қолишарди. Акмал ўзига етганча ўжар бўлиб улғайди. Ёшлигида кўчада болалар билан ўйнаб юриб уришиб қолса ҳам ҳеч кимда ҳаққини қолдирмагувчи эди. Хатто бирор ўйинда фирромлик қилса, ўзидан катта болалар билан ҳам тап тортмай ёкалашиб кетаверарди. Гоҳо қаттак сб, оғзи-бурни қонаб-қўқариб уйга қайтарди. У сўраса, Акмал албатта ўзининг ҳақлигини пеш қиларди. У бўлса, баъзи ота-оналарга ўхшаб

сўраб-суриштириб ўтирмас, ҳеч қачон нега урдинг деб бировнинг боласини қойимас, аксинча, барча айбни Акмалнинг ўзига тўнкарди.

— Айб ўзингда — аҳмоқсан. Нега ёмон бола билан ўйнайсан?!

Хатто шунақа пайтлари бир-икки марта Акмалнинг кулоқ чаккаси аралаш шапалоқ тортиб юборгани ҳам эсида. Шундан кейин калтак еб келса, сира отасига кўз ёшини кўрсатмайдиган бўлган. Кўча ҳаёти эса бир зайлда давом этарди...

Нега у шундай қилди? Бошқалардек ўз жигарига ачинмасмиди? Ёки ўғлим ўзини-ўзи ҳимоя қила оладиган бўлсин, бировнинг устидан зорланишни ўрганмасин деганмиди? Ёки ҳимояга ожизларгина муҳтож бўлади, деган ақидага бўйсундимикан, ёки...

Билмади, билолмади...

Хуллас, ўғли бориб-бориб ўзи орзу қилгандан ҳам мустақил чиқиб қолди. «Айт» деса «байт» дейди. Мактабни битириб, ҳайт деди-ю, унинг кўнмаганига ҳам қарамай Тошкентга ўқишга жўнаворди. Ўзи университетга кириб келди. Университетни битиргач шаҳарни ихтиёр қилди. Тўғри, шаҳарда қолишдан олдин йўлигагина ундан маслаҳат сўраган бўлди. Ҳа, ҳа, йўлигагина. У: «Борма, кўриб турибсан рўзгоримиз катта, мактабга кел, ёнимда ишла», демокчи эди. Ўғлининг одатини билгани учун айтмади, шаштини қайтаргиси келмади. Йигит кишининг гапини ерда қолгани — ўлгани, деб ўйлади. Айтгани билан энди фойдаси ҳам йўқ эди. Бир сўзли, қайсар эмасми, барибир ўз айтганидан қолмади. Лекин нима бўлганда ҳам шаҳар кўриб янглишмабди. Ёнига кириб, оиланинг оғирини енгил қилмаган бўлса-да, мана, шифохонага келиб дарров ўзини билдирди-ку, кўнглини кўтарди, душга олиб кириб ювинтириб-тарантирди, хатто бозорга чиқиб, кўнгли тусаган нарсаларни келтирди. Доктор билан ҳам гаплашди, чамаси, икки кишилиқ хонага ўтказиб қўйишди. Шу келиб, докторлар ҳам, ҳамширалар ҳам мулоҳим бўлиб қолишди.

Аммо шунча кун ёнида бўлгани билан унга кўнглидаги гапларини — баъзи насиҳату васиятларини юрак ютиб айтолмади. Афсус! Орадаги қандайдир кўринмас тўсиқ ҳалақит берди. Нима эди у? Ўтган умр давомидаги ота-бола ўз дардлари, ҳаёт ташвишлари билан бўлиб, орадаги масофа узоклашганидек меҳрлари ҳам сусайганмиди? Ёки йиллар раҳна солган бегонасирашмиди бу?



Билмади, билолмади...

Тўғри, ўғли отасига эш бўлиб кетолмади. Лекин бир отани ўн ўғил бока олмайди деганларидек, бир унинг эш бўлгани кайга борарди? Ўзини-ўзи эплаб, институтни би-тириб, бир касбнинг бошини тутишга азму қарор қилганининг ўзи бир давлат эмасми? Бирок у ўғлининг бу уринишларига ҳамдард, ҳамфикр бўлолмади. Тўғри, ҳар келганда кўлини қурук қўймади: бу ёқда ҳам ошиб-то-шиб ётмагани учун қурби етганча пул бериб турди. Бундан гоҳо ўғли ичида хафа бўларди. Баъзан ўкинганини билдирмай дерди-ю, барибир ёшлигига борарди. Бир гал Акмал у тошган кизларга уйланмайман деб рад қилганда у ҳам ўғлидан хафа бўлди. Аламига унинг кўлига ари-маган пул тутган эди, Акмал шартта: «Олинг, пулингиз ҳам керакмас», — деб орқасига карамай жўнаб кетганди. Шунақа тезоблиги бор эди. Токи отанинг кўзи тирик экан, фарзанд ундан умидвор бўлавераркан. Отанинг кўнгли билан кўпда иш тутмас экан. Ҳа, майли, ўғли йи-рокни орзулабди, орзусига етсин. Ишқилиб, боши омон бўлсин, ҳеч нимадан камлик кўрмасин! Мана, зуриёди экан аҳволини эшитиб узоқдан бўлса ҳам келди-ку. Шу-да ўғил боланинг ёмон кунингга, оғирингга бақор келга-ни. Аммо унга айтолмаган гаплари бир умрлик армон бўлиб қолмаса гўрга эди... Унинг юрагини зим-замбил-дай эзиб, таг-томиригача чирмовиқдай чирмаб келаётган дардларни ҳам ўғли сезмади. Бир ҳисобдан сезмагани ҳам дуруст. Ўзининг ўзга шаҳарда минг ўй-у, минг хаёл билан қийналиб юрганлари ҳам етар... Вақти соати кел-ганда барини сезиб, уқиб, билиб олар. У, Акмалидан ҳам, қолганларидан ҳам мингдан-минг рози!

ХІV БОБ

Домланинг аҳволи баттар оғирлашди. Ўғлига зўрма-зўраки ўзидаги бор куч-қувватни тўплаб ҳақиқий аҳво-лини билдирмай юрганиданими, ишқилиб нима бўлгани ўзига ҳам қоронғи-ю, энди ҳатто ёстикдан бош кўтариш-га ҳам мадори етмай қолди. Овқат вақтида Толибжон қўш ёстик қўйиб бошини кўтаради. Шунда ҳам иштахаси йўқ, бир-икки қошиқ томоридан аранг ўтади, холос. Шундай кунларнинг бирида ҳамкасблари Холмат билан Машраб домлалар келганини айтиб қолишди. Иккиси ҳам институтни тугатиб, мактабга ишга келганда кўп



йўл-йўрик кўрсатарди уларга. Шогирдлари эди улар. Мактабнинг юкори синфларида ўзи ўқитган уларни.

Домлани чарчатиб қўясизлар, деб докторлар битта-битта киришга рухсат беришди. Холмат хонага ҳарсиллаганича кириб келди. Самин домла ҳамма нарсаса кундан-кун бефарк бўлиб бораётган нигоҳларини унга маҳзун қадади.

— Яхшиямисиз, устоз? — Холмат юраги пора-пора бўлиб устозига тикилди. — Сизга нима бўлди ўзи, Самин ака?!

Домла бўйни кадар ёпилган одеял остидан қоқсуяк қўлларини чиқариб Холматга чўзди. Холмат нима бўлганини ҳамон тузукроқ англамай, қўш-қўллаб устозининг қўлларини олиб сўрашди. Қўл эмас, гўё узун-узун суяклар кафтига ботди. У Самин домланинг ич-ичига ботган кўзларига, туртиб чикқан яноқларига, килтирик бўйнию, ўйноқлаган суякларига қараб ғалати бўлиб кетди, тили базўр калимага айланди.

— Мен... сира бунчалик деб ўйламагандим. Ахир тупла-тузук юргандингиз-ку, устоз.

— Шунака бўп қолди, Холмат! Мени қўй, мактаблардан гапир, тинчми? Нима гаплар?

Домла унинг қизарган юзларига синчков каради, нафасидан келаётган ароқ ҳидини ҳам аниқ пайқади.

— Нима, ичиб олганмисан?

— Э, устоз, мени кечиринг! Биласизми, иккита енгил машинада ўн киши бўлиб тушдан бурун келгандик. Машраб ҳам бор. Йўл-йўлакай иккимиздан бир фикр чикди, устозга «сюрприз» қилайлик, депмиз. Йўлда Риштоннинг бозоридан ошнинг харажатиға қўшиб бўйни узундан ҳам олгандик. Аввал паркдаги самоварда қўй ёғи, қўй гўштиға бошлаб девзирадан қулинг ўргилсин паловни қиламиз, кейин ғиз этиб бориб устозни олиб келамиз, дедик. Ҳозиргина ошни дамладигу Машраб иккимиз машинада сизнинг олдингизга учиб келдик. Келсак, докторлар аввалиға қўймади. Кейин зўрға биттамызга рухсат беришди.

Самин домланинг чехраси ёришди. Холматнинг шошиб-пишиб айтган гаплари унга қандайдир ҳузур бағишладди. Хаёлан улар билан бирга чойхонада мириқиб ош егандай бўлди. Гўё бу еган ошнинг кучи унга қувват бахш этиб, оёкка туриб кетаётгандек сезди ўзини.

— Раҳмат, шунчалик эслаганларинг учун!

— Ия, нима деясиз, устоз! Ҳар куни минг марта эс-

лаймиз, лекин биз сира бунақа ётиб қолгандирсиз, деб ўйламагандик. Толибжондан ҳам неча марта сўрадим, ҳар гал яхши дейди. Келин бувим ҳам «дуруст, яқинда кўриб келдим», деди. Шунинг учун кўнглимиз тинч, ана келиб қоласиз, мана келиб қоласиз деб юрибмиз. Синфингиздаги қолган дарсларни ҳам ўзим ўтдим. Йил якунини ҳам ўзингиз қўйган баҳолар бўйича чиқардим.

— Э, яша. Сенлардек шогирдларим бор экан, ўлиб кетишдан ҳам қўрқмайман.

— Ия, Самин ака, унақа деманг! Ҳали кўп яшайсиз. Тузалиб чиқсангиз, яна даврамизда ўзингиз бош бўп юрасиз.

— Ҳаммаси учун раҳмат, Холмат! Умуман, ёмон ишламадик, а? Ёмон яшамадик ҳам... — домла маънос гапира бошлади. — Биз алғов-далғов даврда яшадик, сенлар эса ёш авлод учун ҳали кўп ишлар қиласанлар. Лекин яна сенларга айтган гапларимни такрорлайман: бировнинг олдида бошим қуйи, тилим қиска бўлмасин десанг, ҳалол ишла, бировнинг ҳақини ема, ёлғон гапирма. Шунда хамиша юзинг ёруғ бўлади. Шунда ўлиб кетишдан ҳам қўрқмас экансан. Фақат амалга ошмай қолган ишлару бола-чақанинг ташвишидан ўзга армони қолмасан юракда.

Устозининг гапларидан Холмат домланинг кўнгли тўлиб кетди. Кўзларидан дув ёш тўкилди.

— Ака, кечиринг, мен худобехабар ахмоқни, олдингизга шу ахволда келганим учун...

— Э, қўйсанг-чи, — домла базўр кулимсиради, — ёш болага ўхшайсан-а. Эслаб, келганларинг учун раҳмат! Шунинг ўзи бир давлат! Энди эшит — сенга бир илтимосим бор эди.

— Нимаиди? — Холмат чўнтагидан рўмолча олиб кўз ёшларини артди.

— Иложини қилиб, янги ўқув йилидан менинг синфимни ўзинг ўқит. Ҳаммаси бўладиган болалар. Ҳозир кўплар найрангбоз бўлиб кетган, номигагина дарс ўтади. Ҳатто «конспект» ёзишга эринишади. Улар ўқитган болалардан нимани ҳам кутиш мумкин? Ҳали сен билан биз ўқитган болалардан «мана мен» деган ўзбекнинг олимлари, шоирлари, ёзувчилари, дунё кезар ишбилармонлари чиқса, ажабмас. Ўшанда улар сену мени бошланғич синфда ўқитган эди, деб ёдга олишса, шунинг ўзи кифоя.



Шундай деди-да, домла кўзларини катта-катта очиб, шогирдига тикилди ва пича тин олди, сўнг одатича «тушундингми?» деб кўшиб қўйди. Холмат устозига бош силтаб «ҳа» ишорасини қилди.

III Пу пайт хонага ҳамшира қиз кириб келди.

— Бўлақолинг, беморни чарчатиб қўясиз.

Холмат ҳозир бир нарсадан айрилиб қоладигандек, ёш бола мисол Самин домланинг қўлларига ёпишди.

— Келганлар кимлар эди? — деди домла. — Эргаш ҳам бормиди?

— Келмоқчи эди, райОНО чакириб қолди.

— Ҳаммасига салом айт! Раҳмат, дегин.

— Хайр, устоз! Тезроқ шифо тодинг!

Холмат энгашиб Самин домланинг юзларидан чўлп-чўлп ўпди-ю, шахдам туриб ортига карамай палатадан чиқиб кета бошлади. Эшик олдига етгач, ҳамшира қизга ялинди.

— Машраб дўстим ҳам бир минутга кирсин.

— Доктор уришади! — ҳамшира кескин жавоб қилди.

— Кирсин, қизим! — деди Самин домла ҳам розилик билдириб. — Узоқдан келишган. У ҳам шогирдим.

— Майли, фақат бир минутга!

Машраб билан ҳам бир дақиқага бўлса-да, ҳол-аҳвол сўрашиб, дийдорлашиб олди. Унинг ҳам сал-пал қайфи бор экан, сўйлоқ тишларини кўрсатиб, «ўзимнинг акам», дея атрофида парвона бўлиб эси кетди. «Чойхонага борсангиз яхши бўларди», деб ўзича қистаб ҳам қўйди. Кейин ақли равшан тортдим, барчасини бирдан тушунгандек сергакланди, хиёл бўшашиб, хомун бош эгиб чиқиб кетди...

Шогирдларини кўриб домланинг кўнгли тоғдек кўтарилди. Одам тафтини одам олади, леганлари шу-да. Иккаласи ҳам ёшлиқдан жуда шўх, бир-биридан ўтадиган ўйинкароқ болалар эди.

... Олтиминчи йиллар бошида у колхоздаги ўн икки кишлоқ ичида ёлғиз Чувананчидаги 22-ўрта мактабда уларга физкультурадан дарс берарди. Шўх бўлса-да, иккиси ҳам аълога ўқир эди. Айниқса, волейболни зўр ўйнашарди. Туман олимпиадаларида мактаб шарафини ҳимоя қилишарди. Ҳатто ўн биринчини битираётган йили (у вақтларда ўқиш 11 йиллик эди), туман терма жамоаси таркибида вилоят биринчилигида қатнашиб биринчи ўринни олишган. Иккиси ҳам доим унга сиздек муал-

лим бўламиз дейишарди. Жони бирдек пуқул бирга юришарди. Машрабнинг отаси кишлоқ магазинини очар, ўғлини дўкондор бўлишини жуда-жуда истарди.

— Бу Машраб жиннига бир оз насихат қилиб қўй, Самин, — деганди бир куни уни катта кўчада тўхтатиб. — Доим ўқитувчи бўламан, дейди. Дўкон туганмас хазина — баракаси бор, ҳам элни боқади, ҳам сени, десаам ҳеч тушунмайди. Доим сени рўкач қилади, қаранг — Самин домлани, кишлоқнинг энг билимдон, зиёли одами, ҳамманнинг хаваси келади, ҳамма унга маслаҳат солади, дейди. Бир илож қилиб, уни йўлга солиб бергин!

У Мадумар дўкончининг гапидан кулганча:

— Мадумар ака, боланинг кўнглига қаранг, — дея бошқа ҳеч гап айтмай велосипедига миниб жўнаб қолганди. Биладики, Мадумар акада гапини маъқулламаган одамни бўралаб сўқиш одати бор. Лекин уни сўқишга ҳам улгурмай қолди. Аммо барибир кейинги икки ўғлини савдо техникумида ўқитди. Райондаги базада нилашади. Икковининг ҳам тагида шахсий «Жигули». Бечора ёлғиз Машрабгина — домла, тўтидек сайраб оила боқади. Ҳамон пиёда. Балки ўшанда Мадумар буваннинг гапига кирмай хато қилганмикан?.. Ҳозир Машрабнинг ҳам тагида машинаси бўлармиди...

Холмат эса отасининг жонажон улфати Мустафокул буваннинг ўртанчаси. Мустафокул бува қачон қарамасин, уни кўрса тўхтатиб, албатта, дуо қиларди: «Ха, умрингдан барака топ, ўғлим. Илм олмоқнинг савоби улур. Бизку отангиз Ҳамдам ака билан ўқий олмадик, оми одамлармиз. Лекин сизларга раҳмат! Мени ҳам мана шу шўхшадлод Холматимни сал эгиб беринг, ўйинқарок бўлиб кетмасин. Биргина орзуим — у ҳам сизга ўхшаб қўлтиғига тўртта китобни қистириб олиб, мактабга бориб болаларнинг саводини чиқарса. Шу кунни кўриб ўлсам, дунёда армоним қолмасди. Ха, барака топинг! Илоё, сизни ҳар ишда худонинг ўзи қўлласин!» Мактабни битиришгач, бу эгизакмисол Холмат билан Машрабни етаклаб Фарғонага — муаллимлар тайёрлайдиган олийгоҳга ўзи олиб борганди. У вақтлар кишлоқ болаларининг шаҳарга ўқишга кириши ҳамманинг обрўси эди. Бахтларин бор акан, иккиси ҳам ўқишга кирди. Ҳаш-паш дегунча беш йил ҳам ўтиб кетди. Улар битираётган йили у кўшни кишлоқдаги 23-саккиз йиллик мактабга директор бўлиб келганди. Районга ўзи бориб, иккаласини ҳам ўзи сўраб, мактабига ишга олиб келди. Ўзи ҳам физкульту-



рачилик килиб юрса-да, аслида бошланғич синф муаллими эди. Раҳбар бўлишига қарамай дарс ҳам берарди. Иккисини ёнига олиб иш ўргатди, одам қилди. Хуллас, улар ҳам меҳнатдан қочмай мактабнинг энг олди ўқитувчиларига айланди. Шунинг учун дарс соатларини ҳам уларга сўраганларича берарди. Ишига қараб, маошлари ҳам бошқалардан юқори бўларди.

Мана, шогирдлари уни — устозларини эслаб, йўқлаб келишибди. Ортингда фарзандларинг катори сени йўқлайдиган шундай шогирдларнинг борлиги қанчалик бахт. Муаллимга бундан ортиқ яна нима керак? Нима бўлганда ҳам ўша эллитинчи-олтминшинчи йиллари ўзи ўқитган болаларнинг бари — кўрса, устоз деб бўй эгиб сўрашади. Холбуки, у оддий бир физрук эди, холос. Лекин талабчан эди. Сал кам йиғирма йил шу ишни қилган бўлса, ҳар гал ўтиладиган дарс машинини аввало ўзи кўрсатиб берарди. Машк кўрсатишга ярамаган физруkning бу соҳада ишлашга ҳаққи йўқ. Бу — унинг «олтин қондаси» эди. Нимжон, машкларни бажара олмайдиган болалар билан дарсдан кейин қўшимча машғулот ўтказарди. Бунинг учун унга ҳеч ким бир тийин ҳақ тўламагди. Ҳозиргилар бўлса, баъзан қирқ беш минутни ҳаром-хариш қилиб ўтади. Бир соатлик дарсига ҳам аввал пулдан келади. Ё алҳазар, дейсан киши... Дарноқс, Эргаш нимага келмади? У — ҳам шогирди, ҳам ўқувчиси эди-ку! Бир томондан қариндош, амакиваччаси Теша Абсалининг ўғли. Лекин бу боланинг қонида азалдан одамгарчиликдан кўра шуҳратпарастлик, лаганбардорлик ғурури устун эди. Агар ҳозир унинг ўрнида райОНО мудир итганидами, дархол машинасида учиб келиб, танда қўйган бўларди, кунни мухтарам беморнинг бир оғиз сўзига махтал бўлиб, шифохона эшиги тагида ўтказарди. Чунки у ҳозир ўша 23-мактабнинг директори. Бу амалга ҳам уни ўзи тавсия этганди. Ха, майли, ҳар ким қилса ўзига...

ХV БОБ

Кунларнинг ўтиши билан домланинг ҳеч иши бўлмай қўйди. Вужудида пинҳон кезаётган ўлим шарпасининг тантанасини у кўпроқ сезмоқда эди. Бир бошга бир ўлим, туғилмоқ бор экан, ўлмоқ ҳақ. Модомики шундай экан, ўлимдан чўчимоққа не ҳожат? Энди апави деразадан кўриниб турган ям-яшил дарахтлари мовий осмонга



суқ билан қарашдан ҳам наф йўқ. Бу кўз тўймас олам гўзалликларига умидсиз тикилгандан кўра кўзларни чирт юмиб хаёл сурган афзал. Аввало, шунча йил умр берган Оллоҳга шукур, билиб-билмай қилган гуноҳларини ўзи кечирсин... Шундай боши-кетги йўқ хаёллар олиб қочиб, кўнгли ғашланганда беихтиёр бармоғининг тирноғини тислаб-тишлаб узиб олар ва бир четга туфлар, шу билан жажхлидан тушгандай бўларди. Ғалати даврда яшашди-да, улар. Хаммани йўқсил қилиб, йўқсиллар давлатини тузган йўқсилбошчилар одамларни айёр қилиб, ойда бир бериладиган маошига қарам қилиб қўйди. Барча нарсани инкор қилган бу тузум бош раҳнамоси — коммунист деган дахрийлар ўзларидек бутун бошли дахрийлар авлодини, авлодинигина эмас, сулоласини яратди. Уларнинг қўпларининг тилидан давлат манфаати-ю, халқ фаровонлиги иборалари тушмас, дилида эса амал илинжи, раҳнамолик туйғуси ҳукмрон эди. Амал учун, хўжакўрсин обрў учун, отаси-ю хотинидан, ҳатто бола-чакасидан тониб юборадиган касофат одамлар эди улар. Ота-она, хотину бола-чака нима экан, ҳатто худони ҳам унутишди. Ўзлари унутганлари етмагандек, уни тилга олганларни, имон ва эътиқодга интиланларни таъқиб, қувғин қилишди. Ҳар нарсани — ҳаттоки қадимий мусулмон урф-одатларини эскиликка, қолокликка йўйиб иллат аташди. Эсида: бир вақтлар ҳатто мактабда муаллимларни «домла» деб чақириб таъкикланган эди. Синфларда «Худо борми, йўқ», «Исломга ишонасанми?», «Диннинг зарари хақида сўзланг» каби бемаъни савол-жавоблару маърузалар ўтказишди. Бундан безган баъзи ота-оналар мактабдан кўнгли совиб, болалари саккизинчини битирар-битирмас чиқариб олишарди. Ўқиб, маълумот олиб бедин бўлгандан кўра, бесавод бўлса-да, иймонли бўлишни афзал қўришди.

У ҳам мана шундай иймон ва эътиқоддан йироқлашган жамиятда туғилди, ўсди, нон-тузини еди. Лекин замонга мослашиб, Худони кам тилга олса-да, дилида ўз Худоси бор эди, унга ҳеч қачон шак келтирмади. Синф раҳбари бўлатуриб ўз синфида худосизликдан савол-жавоб ўтказмагани учун, ўзини домла деб чақирганларга хайрихоҳ бўлгани учун, диннинг зарари хақида болаларга тушунтириш бермагани учун бир галги педагоглар кенгашида «қизил директор»дан қанча-қанча дакки емаганди. Лекин рўйирост «халқ душмани»га чиқариш давлари ўтиб кетган бўлса-да, унга аини шундай тавки



лаънат тақиб қўяёзган эди. Тепада Оллоҳ бор, барчаси-
ни кўриб турибди, бемаъни савол-жавобинг нимаси,
Ўзбекистон бединлар етовида бўлса, ҳамма кофирлар
ноғорасига ўйнаши, ота-боболар ёди-ю, удумини унути-
ши керакми, деб айтолмади. Айтиб бўлмасди ҳам. Айт-
санг уйинг, уйинггина эмас, дининг куяди, бола-чақанг-
нинг шўрига шўрва тўкилади. Айтганлар кўрган... Дар-
динг бўлса, яхшиси, ичингга ютганинг афзал. Шусиз ҳам
хар икки одамнинг бири айбоқчи, хоин, сотқин бўлиб
кетганди, тўғрироғи КГБнинг чақимчиси. Иймонсиз ком-
мунистлар эса хар кунжақда урчиб ётарди. Шундок ҳам
ўзи эмас, халқ учун қайғуриб кўнглидагини билиб-бил-
май очик айтиб қўйган қанчадан-қанча мардлар «халқ
душмани» бўлиб кетмаган. Ўз йўриғига юрмаган тўғри
одамни турли йўллар, усуллар билан сазойи қилишарди.
Худо деганларни эса худонинг даргоҳига ҳаммадан ол-
дин равона этишарди. Бетовфикларга, ўзимиздан чиққан
иккиюзламачиларга эса жин ҳам урмади. Лекин «Ал
касосу мин-ал ҳақ!» Яхши кунлар ҳам келар. Рўшнолик-
ларни у кўрмаса, болалари, неваралари, чеваралари
кўрар... Ахир ўзбек ҳам бир умр бировга етов бўлиб, бир
катакда писиб ётмас-ку. Ахир конида Амир Темурдек,
Бобур Мирзодек, Улуғбек Мирзодек, Жалолиддин Ман-
губердидек боболарининг қони бор-ку...

Қани энди соғ-саломат бўлса-ю, ҳеч қачон айтмаган
бу гапларни синфида болаларнинг олдида баралла айтса.
Йўқ, энди-ку соғлиқ-саломатлик хаёлий бир туш. Ичи
ириб-чириб бораёпти, сезаяпти — докторларнинг қўли-
дан ҳам ҳеч нарса келмаяпти. Лоақал, шу ҳолда, шундай
ётган жойида ҳам бир соатгина дарс ўтганда эди, бола-
ларга дилидагини гапириб, рост нимаю ёлғон нималиги-
ни айтиб, руҳи енгил тортармиди. Энди унинг йўкотади-
ган ҳеч вақоси йўқ. Борлиғи — ёлғиз жон. У ҳам омон-
нат!

Аммо хаёлда ҳаммаси осон. Гапираман дейсан-у...
Бир ўғлидан истиҳола қилиб, юрагини ёзолмади-ку...
Эҳ, бу қандай кунларки, кўнгил таскин топиб, сўнгги
манзил томон кетолмайди...

Домла хаёлларидан қийналиб кетарди-да, уларни
ўзидан нари қувишга ҳаракат қиларди, шундай пайтлар-
да яна ёш болага айлангандек, кўнгли нозиклашар, яқин-
ларини, ёру дўстларини қўмсай бошларди. Укалари Иб-
роҳим ҳам, Собир ҳам, сингилларию ўғил-қизларининг
барчаси бир-бир келиб кетди. Лекин ўша «Ғалаба куни»

байрамда унинг болохонасида улфатчилик қилган дўстлари — Ортиқжондан ҳам, Аҳаджон қорадан ҳам хабар бўлмади-я. Ахир бу ерда ётганига ҳам қирк кундан ошаяпти. Қирк кунда янги турилган чақалоқнинг чилласи чикиб, росмана одамга айланади, кулиб одамни танийдиган бўлиб қолади. Улар эса юзингда кўзинг демай ошна-оғайнисини унутиб юборишди. Наҳотки, дўстларида окибат қолмаган?..

Ўшанда Ортиқжон ўтиришга Остонақулни ҳам олиб келайлик, деди.

У анчадан буён уйида касал ётган эди. Ортиқжоннинг гапига аввалига рўйхуш бергиси келмади. Ахир Остонақул билан оралари узилиб кетганига ҳам аламжон бўлганди. Лекин Ортиқжоннинг сазасини ўлдиргиси келмади. Ортиқжон Остонақулникига кириб, уни етаклаб чиқди. Қўлтиғидан олишиб болохонасига ҳам бир амаллаб чиқазишди. Барибир бир кўчани чангитиб, бирга ўқиган тенгдошлар-да. Қолаверса, яхши-ёмон кунларида бирга бўлишган. «Улфати чор — унда маза бор», дейишиб тўрталаси мирикиб ўтиришди. Аммо Остонақул яйраб ўтирмади, касаллигини пеш қилиб бир култур хам ичмади. Хаммасидан ёмони у билан бир оғиз чакчақлашмади. Минг қилса ҳам ўтмиш, беғубор болаликнинг қайтмас дақиқалари бор эди ўртада. У хам гўё игнанинг устида омонат ўтирган Остонақулга ортиқ илтифот қилмади. Қолган кўнгил — чиққан жон деб шунга айтсалар керак-да.

Остонақул билан бир кўчада тенкилашиб ўсинди, бир томони тенгдош, тагин девор-дармиён кўшчилар эди. Мактабда ҳам бирга ўқишди. Беш чакирим наридаги Ултармага пиёда катнашарди. Уруш бошланганда иккови хам ўн етти ёшда эди. 1942 йили харбийга ҳам бирга кетишди. Бахтны каранг, Ортиқжон учови бир жойга — Эрон—Туркменистон чегарасидаги отлик аскарлар қисмига тушиб қолишди. Хизматдан кейин хам тақдирлари бақамти кечди. Хаммалари хам 1949 йилда қишлоққа келишди-ю, ўша йили уйланишди, кейин 1950 йилдан у Остонақул билан мактабда ишлай бошлашди. У вақтларда қишлоқда зехнли эркаклар бармоқ билан санарли эди, мактабда ҳам диплом сўраб ўтирилмасди. Харбийни кўргани учунми, уларни ҳамқишлоқлари, мактаб директори Сулаймон домла ўзи ялиниб ишга олди. У физруклик қилди, Остонақул меҳнатдан дарс берди. Сўнг бирга Фарғонага боришиб, пединститутнинг бошланғич таъ-



лим услубиёти факультетига сиртдан ўқишга киришди. Мактабда энди бошланғич синф болаларини ҳам ўқита бошлашди. Шундан кейин узоқ вақт бирга меҳнат қилишди. Ўқиш ҳам ўз йўриғида кетаётган эди. Аммо сўнгги курсдаги давлат имтихонларидан Остонакул ўта олмади. Институтдан унга диплом эмас, ўқигани тўғрисида бир парча қоғоз — маълумотнома беришди. Аламзада бўлиб кишлоққа қайтди. Салдан кейин мактабга ишга келмай қўйди. Ўша оқшом уни йўқлаб чиқди.

Бўлиб ўтган ишларга гўё у сабабчидек, Остонакул уни ковоғини уйиб кутиб олди.

— Нега ишга бормадинг? — унинг биринчи гапи шу бўлди.

— Кўнгил совиди, бошқа ишламайман. — У бепарво қўл силтаб жавоб қилди.

У дўстининг юрагига қўл солмоқчи бўлди, насиҳат қилди, таскин берди, мактабга қайт, имтихонни келаси йил ёзда бориб топширасан, деди. Жавобига Остонакул қисқагина қилиб деди:

— Ортиқ сенинг насиҳатинг керак эмас. — Кейин ғазаб ичида тикка қараб: — Менинг «Гос»дан йиқилганимни ҳаммага дoston қилиб юрибсан экан, — деса бўладими!

Дўстининг бу гапидан у донг қотиб қолди. Қачон ва кимга шундай дебди! Лекин ўзини оклаб ўтирмади-да, у ҳам шартта:

— Мактабда ҳамма билган ҳақиқатни кишлоқда яшириб бўлармиди? Мендан эса бекор гумонсирабсан, — деди-ю, чиқиб кетди.

Остонакул мактабга қайтмади. Қўлига пойтеша олиб, усталик қила бошлади. Баҳор — ёз ойлари Сирдарё, Тошкент томонларга бориб уй қуриб, мўмай даромадлар билан қайтиб келарди. Ўзининг ҳам, уй-жойини ҳам ўнглаб олди. Мол-ҳол қилиб, рўзғорини тебрата бошлади.

Орадан уч йил ўтгач, у қўшни кишлоқдаги мактабга директор бўлиб келди. Одам барибир ёшлиқда ўсган дўстини қўмсар экан. Унинг тақдирига бефарқ қараб туролмас экан. Орадаги гина-қудуратларни елкасидан ошириб ташлаб яна бир бор Остонақулнинг остонасини хатлаб кирди.

— Қўй бу юришларингни, мактабга қайт, дўстим, истаганингча дарс бераман. Устачилигингни таътил пайтида ҳам қилаверасан.



— Мен учун бошингни қотирма! Ўз аравамни ўзим торта оламан. Давлатингга бошқа ишламайман, -- деди у кескин.

— Нима?! Жа, Олимжон бой бун кетдингми?

— Яхшиликни билмас экан давлатинг.

— Ия, сен давлат имтиҳонларидан ўтолмаган бўлсанг, давлатнинг бунга нима дахли бор? — Самин домланинг жаҳли чикиб кетди. — Мактабда ишлаганингдан кейин талабга яраша билиминг ҳам бўлиши керак-да.

— Сенга ўхшаган ақллилар ишлайверсин ўшайтта! Ҳарбийда етти йил хизмат қилиб берганим ҳам етар давлатингга!

— Бормайсанми?

— Нимага тушунмайсан? — Остонакул унга ўқрайиб тикилди.

— Нимани тушунай?!

— Ростини айтайми? Хафа бўлмайсанми?

— Айт!

— Сен билан ҳам, болалар билан ҳам ишлашга ҳушим йўқ. Тушундингми энди.

— Ис, менинг, болаларнинг гуноҳимиз нима?

— Ақллилардан ҳам куйдим, ақлсизларга ваъз ўқишдан ҳам тўйдим.

— Одаммасакансан!

— Энди билдингми? Бошқа бу масалада эпигимни тақиллатма!

Кейин кўп ўйлади. Барибир Остонакулнинг бундай кўрс муомаласи сабабини тушуна олмади. Бора-бора кўча-кўйда учрашганда бегоналардек қурук салом бериб ўтиб кетар, у эса хайрон бўлиб қолаверарди. Ва охири бир нарсани пайкади — унинг юрагида унга, унинг муваффақиятларига ҳасад бор экан, ҳасадгўй одам эса бахил бўлади, бахилнинг эса бағри тор. Демак, баъзилар ўз болалик дўстининг ютуқларидан ҳам суйиниш ўрнига куйинар экан-да. Бўлмаса, шунча йил ҳаётнинг аччиқ-чучугини тортган тенгдоши, дўсти унга шундай муомала қилармиди? Ўша гапларни айтармиди? Юраги тоза одам бундай қилмайди.

Шундан кейин у ҳам Остонакулдан қўлини ювиб, қўлтиғига урди. Болохонадаги ўтиришлари эса уларнинг йигирма йиллар давомидаги бир даврада илк ўтиришлари эди... Мана энди, у ҳам касал. Остонакул ҳам...



Барибир яхшими-ёмонми бошинг ёстиққа етганда ёпиқликдаги бирга ўсган дил тортар дўсту биродарларни бир-бир эсларкансан... Яхшиликларни ҳам, ёмонликларни ҳам...

* * *

Лекин Ортиқжон билан Аҳаджон қорага нима бўлди? Нахотки, шунчалик беокибат улар? Майли, қорани-ку, Худо фаҳм-фаросатдан қисган, аммо Ортиқжонни нима жин урди экан? Ахир уни нақд бир ўлимдан саклаб қолганди-ку!

Уруш тутаган бўлса-да, Сталиннинг буйруғига кўра чегарачиларнинг уйларига кетишига рухсат берилмади. Бундан айниқса, Ортиқжоннинг жиғибийрони чиқиб юрарди. Солдатлик ҳаёти жон-жонидан ўтиб кетганидан кўп ёзғирарди. Чегара ҳаётининг ҳам ўзига яраша оғирликлари, ташвишлари кўп эди.

...Уша кунни тревога бўлиб қолди. Кимдир чегарани бузиб ўтибди. Қиш. Ҳаммаёқ қалин қор. Улар уч отлик ўрмон томон кетишди. Йўл-у сўқмоқларни ҳам қор босган, ҳамон қор бўралаб ёвар, изғирин кўз очгани қўймасди. Бундай пайтда ўрмонда қаёққа кетаётганингни билмайсан, киши. Аксига олиб шошилишда ҳар доим унда турадиган компос ҳам қолиб кетибди. Ахир у гуруҳ бошлиғи — ефрейтор унвони ҳам бор эди. Кечгача ҳам бирон из топа олишмади. Қоронғи тушганда қайтишаркан, зим-зиё ўрмонда адашиб қолишди. Энди тусмоллаб йўл юришдан наф йўқ эди. Отларни дарахтларга боғлашди-да, халталардаги қуруқ овқатлардан еб, тамадди қилишди. Кейин гулхан ёқиб, унинг атрофида биттадан навбатчи қолдиришиб, ҳар ким ўз бушлатига ружанак бўлиб ўранганча уйқуга кетди. Бир вақт у нимадандир безовта бўлиб, чўчиб уйғонди. Отлар боғланган жойида тинимсиз депсипишарди. Шериғи ухляпти. Лекин навбатчиликда турган Ортиқжон кўринмайди. Кўнгли қандайдир нохушликни сезди. Тиззагача қор кечиб, рўпарадаги тепаликка кўтарилди, тўрт томонга олазарак кўз солди. Қорда чуқур-чуқур ботган изларни кўрди. Сал нарида одам шарпаси кўзга чалинди. Ортиқжон автомат кўндоғини дарахтга тираб, учини чаккасига тўғрилаб турарди, фақат тепкини босиш қолганди...

— Эй, жинни, нима қилаяцсан?! — У жон-жаҳди билан ҳаллослаб бориб автоматнинг учига бор кучи билан урди. Шу орада Ортиқжон ҳам тепкини босишга улгур-



ди. Ўқлар визиллаб учди. Фақат биттасигина Ортиқжоннинг кулоғини ялаб ўтди.

У автоматни тортиб олиб, Ортиқжоннинг юзига тарсаки туширди: «Энди бир камим сен аҳмоқ учун ҳам жавоб беришим колган эдими?!» деди-ю, унинг кулоғидан оқаётган қонга ҳам қарамай ортга қайрилди.

— Ҳаммаси жонга тегиб кетди, Самин... — Ортиқжон ҳам кулоғидан оқаётган қонга парво қилмай қордек оқариб кетган юзларига кафтларини босиб хўнграб юборди. — Ҳаёт ҳам...

— Тентак! Бошқаларга осон эканми?! — У тўхтади. Сўнг ортидан етиб келган Ортиқжонга раҳми келиб, чўнтагидан дастрўмолини чиқарди-да, ёнидаги филиягадан унга спирт қуйиб, рўмолчани кулоғига босди...

Урушдан, унинг даҳшатларидан сўз очган болаларига, набираларига Ортиқжон кемтик кулоғи ҳақида қизиқ-қизиқ латифалар тўкийди. Асли умрида немисни кўрмаган бўлса-да, орасига уни ҳам қўшиб қўяди. Аммо унинг олдида бу чўпчакларини айтмайди, айтолмайди ҳам... Дунёда эса бировнинг олдида айтолмайдиган дард-ни юрагингда саклаб юришдан оғир нарса йўқ. Лекин у ҳам мардлик қилиб дўстининг бу қисмати тўғрисида ҳеч қачон ҳеч кимга оғиз очмади...

Ҳа, оғир дамлар эди у вақтлар. Яшашдан кўра ўлиб кетиш осонроқ туюларди айримларга. Лекин яшаганлар, чидаб яшаганларга офарин!

Энди эса пешонасида шу кунларнинг ёзуғи ҳам бор экан.

Шундай қийин кунларни бирга ўтказгани учун уни кўргиси келган эди-да. Эҳ, Ортиқ, Ортиқжон...

Лекин Корани Худо ақлу фаросатдан қисган бўлса-да, омаддан аямаган. Урушдан ҳам борган йилиёк кайтиб келган. Қўймичидан ўқ еб шифохонада узок ётган. Бир оёғини авайлаб ташлаши ҳам шундан. Келгач, бир оз далада ишлаган, сўнг колхозга омборчи бўлиб олган. Сал кам қирк йил шу ишда ишлади. Уч йил олдин нафақага чикди. Биринчи гуруҳ ногирони эмасми, қишлоқдаги энг кўп нафақани ҳам у олади. Хатто ойликхўрлар ҳам давлатдан шунча пул олмайди. Аммо ишлаб юрганда кўп нафи теккан. Тўй-тўйчиқларда доим хозиру нозир. Эсида, Акмалнинг тўйида бир коп гуруч, саккиз коп унни колхоздан арзон-гаровга хатлаб, насияга берганди. Ўша пайтларда тўйларда шунча ундан нон ёпиш одат эди. Толибнинг тўйида эса бир қўчқорни инъ-



ом қилганди. Лекин дўст оғайнининг кадр-қиммати фақат мол-дунё, олди-берди билан ўлчанмайди-ку. Чунки бировники — омонат. У ҳам қўйни уникидан каттароғини олиб, ўғлининг тўйида қўшган. Колхоздан олганларини хотинининг даромадидан йил охирида чегириб қолишган. Хуллас, олди-бердида бадастур. Лекин ўтган йили Қоранинг оёғи каттик оғриб, «Чимён» санаториясида ётганида уч кун ўтмай Ортиқжонни бошлаб ортидан кўргани етиб борди, ҳамхоналари билан чойхонага олиб чиқиб, девзира гуручдан ўз қўли билан ош қилиб берди. У-ку, сира-сира борганини миннат қилмайди. Миннатли ошдан, миннатсиз тош яхши. Аммо туриб-туриб одам ўзининг кадрига ачинаркан. Ахир умр қуёши ботиб бораётган бир пайтда бу нотавон кўнгил бир умрлик тенгдоши, ёр-оғайниларини қўмсаса, не илож?... Барча кўнгилочар ўтиришлар уларсиз ўтмаган, биттаси бўлмаса дарров ўрни билинарди.

Э, бекорга бу дунёни «бевафо дунё» дейишмас экан...

ХVI БОБ

Акмал одатдагидек эрта туриб ишга hozирланди. Кетар чоғида бешикда пициллаб ухлаб ётган кизи Барнонинг лўппи юзларидан чўлп-чўлп ўпди. Унинг наҳорда чой ичмаслигини билган хотини ҳар кунгидек ишдан вақтлироқ келасизми, деганича эшик овзида кузатиб қолди. Бекатга йўл оларкан, автобусларнинг эрталаблари лик бўлишини, гоҳо тўхтамай ўтиб кетишини ўйлади-ю, ишга кеч қолмасам гўрга эди, дея соатига қараб қўйди. Етти ярим. Автобус вақтида келса, Юнусободнинг 19-дахасидан Академиклар шаҳарчасига ўн-ўн беш минутлик йўл. Лекин автобус хадеганда келавермайди. Гоҳо щугина йўлга бир соат вақт кетади. Хизмат автобусига ишониб бўлмайди — юрганда юради, бўлмаса йўқ. Хуллас, у келиб тўхтаган автобусларнинг бирига ур-йиқит ичида аранг чиқиб олди. Автобусда ҳам фикри зикри ишда. Роса ўн йил сарсон қилган домласи яқинда мардлик кўрсатди. Холбуки, илмий иши бундан икки-уч йил бурун етилиб қолганди. Оз эмас, кўп эмас нақ саккизта мақоласи чиққан, шулардан учтаси Москвадаги марказий журналларда эълон қилинган, тагин иккита иши ҳам Москвада тан олиниб, бу ишга ёпиқ «Т» грифти билан муаллифлик гувоҳномаси олган эди. Бу эса ишнинг ахамиятини оширади. Хуллас, икки йил олдин номзод-

лик ишини ёклаш учун зарур бўлган учта номзодлик минуминини (имтиҳонларини) ҳам муваффақият билан топширганди. У Фарғонадан қайтиб келиб ишга чиққан куни домласи Хусниддин ака чақириб дадасининг аҳволини сўради, сўнг:

— Акмалжон, илмнинг чегараси йўқ. Мана, ишларингиз кўзга кўриниб қолди. Энди ўтириб барини бир жойга жамлаб ёзсангиз ҳам бўлаверади, унча-мунча жойига, мана, биз кафил, — деб қолди.

Домласи айни унинг дилидагини айтди. Ўзи анчадан буён бу гапларни қачон айтаркин деб оғзини пойлаб юрган эди, сўрашга истихола қиларди. Ўша кундан енг шимариб ишга тушиб кетди. Ниҳоят азалий орзуси ушаладиган кунларга ҳам етиб қолди.

— Аммо ёзиш билан бирга тажрибаларни ҳам давом этинг! Ишнинг пишқ-пухта бўлгани яхши. Биласиз, химояда соҳамизнинг мана мен деган мутахассислари иштирок этади. Тушундингизми?

— Хўп бўлади.

Ишга берилгани шунчаликки, дадаси ётган касалхонага ҳам ҳафтада аранг бир-икки кўнғирок қила олди, холос. Укаси Толибдан дадасининг аҳволи дурустлигини билгач, кўнгли сал хотиржам бўларди. Бугун ҳам ишини деб тўғри лабораторияга кириб борди. Ёзув-чизувларига ўтиришдан олдин мўрли шкаф тагидаги кеча қўйган тажрибасини давом эттиришга қарор қилди ва колба остидаги плитани ёқиб қўйди. Идишдаги аралашма кайнаб учиб кетмаслиги учун унга уланган совутгичга суя оқди, колбанинг ёнидаги шифли кичик оғизга термометрни жойлаштирди. Шундан кейингина ёзув-чизувларига ўтирди. Бирор соатлар ишладими-йўқми, домласининг хонасидан лаборантка қиз чиқди ва:

— Сизни телефонда сўрашяпти, Фарғонадан, — деди.

Укаси Толибжон овози қалтираганча шоша-пиша шу гапларни айтди:

— Ака, сенмисан? Тез етиб кел! Дадамга докторлар жавоб беришяпти. Сен тўғри, уйга келавер!

— Аҳволи қалай ўзи!

Толибжон анчагача жавоб қилмади. Сўнг:

— Дуруст, — деди бўшашиб. — Тезроқ кел! Сени кўп сўрашяпти.

— Бўлти. Бугуноқ етиб бораман.

У домласига вазиятни тушунтирди-ю, бир ҳафтага ўз



хисобидан ариза ёзиб ишхонадан чиқди. Уйга бориб хотинига йўлга чиқаётганини айтди. Қандай кетса экан? Самолётга чилта топиш гумон. Поездлар оқшом кетади ва эрталаб етиб боради. У тўғри Роҳат кўли ёнидаги бекатга келди. Ангрен оркали Қўқонга бораётган бир енгил машинага ўтирди. Миясида эса ҳар хил ўйлар чарх уради. «Дадам тинчмикан, ишқилиб? Келаётганимда дуруст эди. Ўзи ҳам яхшиман деганди. Кундан-кун қувватга кириб бораётгандек эди... Наҳотки... ахволи оғирлашган... Наҳотки, дори-дармонлару, докторларнинг муолажалари ёрдам бермаган бўлса... Наҳотки, ўша баданга тарқаб кетган захар суюқлик ўз кучини кўрсатган бўлса...»

Ё дадасининг ахволи бунчалик оғирлигини сезмаганмиди? Ёки сезиб сезмасликка олдимиди? Йўқ, одам ўзининг яқин кишиси ҳақида ёмон ҳаёлга бормас экан. Оғир бетоб бўлса ҳам тез кунда тузалиб кетадигандек туюлар экан. У ҳам дадаси ҳақида бундан бошқача ўйлаёлмасди ҳам.

Эҳ, ўзича нималар деяпти? Балки докторлар энди муолажани уйда давом эттирасизлар, деб жавоб бергандир. Дадаси уни кўргиси келиб сўраса, бу ўпкаси йўқ Толибнинг ваҳимаси қўзиб, бояги гапларни айтгандир. Ахир, дадаги у келаётганида михдай эди-ку!

Машина эшиклари рўпарасига келиб тўхтаганда ҳам у олди-қочди ҳаёллар гирдобида эди. Қамчиқ довонидан қандай ўтишди-ю, қанча вақт юришди, эсида ҳам йўқ...

Болохона остидаги дарвозадан машина товушини эшитиб бирин-сирин укалари чиқиб келишди. Улар билан сўрашганча ҳовлига ўтар экан, амакиларига, қариндошлари Эргаш акага, унинг отаси Теша каттага кўзи тушди. Улар билан ҳам кўришди. Ичкари уйдан чиқиб келган бувиси елкасидан олиб, бошини эгиб пешонасидан ўпди-да:

— Қаерларда юрибсан, болам? — деди юракни заздиган оҳангда. — Даданг сенга илҳақ! — Бувисининг кўзлари жикка ёшга тўлди.

— Қани? Қаерда?!

— Киравер, ичкари уйда.

У узун тахтаполли зални кесиб ўтиб, ўрта эшикдан ичкари уйга кириб борди. Дадаси ўзи яхши кўрган темир қаравотда, ёз бўлишига карамай устига қалин қилиб кўрпа солинганча ўринда ётарди. Қўллари кўрпа устига беҳол узатилган, кўзлари ярим юмук эди. Уйда эса дада-

сига караб турган синглисидан бошқа ҳеч ким йўқ. У аста бориб каравот рўпарасига чўккалади.

— Дада, мен келдим, — деди секин ва дадасининг кўлларини кўлига олди. Шунда ҳам у бу дармонсиз кўлларда тафт, харорат йуқлигини сезмади.

Самин домла таниш овозни эшитиб, кўзларини хиёл очди, сўнг лаблари секин пичирлади:

— Келдингми?! — Кейин яна кўзларини юмиб олди. Овози жуда паст чиқди. У панжасини зўрға ёзиб ўғлининг кўлларини кафтига олди ва охишта силагандек бўлди. — Энди ҳаммаси тамом, — деди-ю, бошқа овози чиқмади. Кўзларидан икки томчи ёш думалаб тушди.

— Дада, ҳали яхши бўлиб кетасиз, — деди Акмал ҳали ҳам ҳеч нарсани тушунмай.

«Айтганинг келсин» дегандек домла билинар-билинемас бош ирғади. Шу пайт бувиси кириб:

— Ортиқжон буванг билан Аҳаджон буванг келяпти, — деди.

Акмал ўрнидан турди. Дадасининг дўстлари киришиб салом беришди. Дадаси кўзини очди. Кейин икки дўстини кўрди-ю, индамасдан кўзини юмиб, юзини девор томонга қаратиб олди. У яқинда кирк етти кун касалхонада ётганда ҳар куни кўргиси келган болалик кадрдонларига бошқа қарашни ҳам, қўл бериб сўрашишни ҳам, уларга гапиришни ҳам, уларнинг гапларини тинглашни ҳам истамасди.

— Хў, Саминжон, биз келдик, — деди Аҳаджон қора дўриллоқ овозда. — Тузукмисан?

Унинг «дўстона» гап оханги ҳам ҳеч нарсани ўзгартира олмади. Ортиқжон билан Аҳад қора пича ўтириб изза бўлганча чиқиб кетишди...

Кейин кирган таниш-билишларнинг саломига Самин домла сал чиройи очилиб, бош кимиралиб алик олгандек бўлди.

Дадасининг аҳволини дармонсизликка йўйган Акмал ташқарига чиқиб Толибжондан сўради:

— Қачон олиб келдиларинг?

— Кеча оқшом.

— Докторлар нима дейишди? Дори, уколларни айтишдими?

— Айтишгандек бўлувди... — Толибжон ерга қаради.

— Нега шуларни ёздириб келмадинг? Укол, дори берилса қувватга кириб кетади, дадам. Касали — дармонсизлик, холос. Мен бориб келаман, машина топгин...



Акмал уйга кирди. Дадаси нимадир демокчи бўлгандек унга узок тикилди, лекин гапира олмади... У тилдан қолган эди. Акмал шунда ҳам ҳеч нарсани англамай:

— Дада, мен Фарғонага бориб докторингизга учраб келайми? Дори-дармонларингизни ёзиб беради. Шу ерда ҳам уларни олсангиз, қувватга кириб, тузалиб кетасиз, — деди.

Самин домланинг чехрасига хира табассум ёйилди, бош кимирилатиб ўғлининг ганини тасдиқлаган бўлди. Акмал дадасига гапи маъқул келганидан бошқаларнинг шунга ҳам ақли етмаганидан қувониб, ҳовлига отилди, ўкаси гаплашиб қўйган қўшни шофёр билан Фарғонага шитоб жўнади. Бу пайтда ҳовлида домлани кўргани келган талай одам тўпланган эди. Улар гап нималигини билиб турса-да, ҳеч ким Акмални иўлдан қайтармади...

Машинадан ўқдек отилиб чикиб, вилоят касалхонасининг урология бўлими эшигига етиб борган ҳам эдики, кимнингдир қўли унинг елкасидан ушлаб тўхтатди. Қараса, боя ҳовлида турган Эргаш акаси.

— Юр, қайтамиз. Ҳеч нарса керак эмас энди...

Унинг юраги «шув» этиб кетди. Нега?! Ҳеч нарса керак эмас? Ахир унга дадасининг ўзи боравер, деди-ку!

У бирданига ҳаммасини тушунди. Украганча Эргаш акасини қаттиқ қучоқлаб олди: «Демак, дадам мени кўргиси келган, ёлғиз илинжи мени кўриш бўлган, лекин менинг олдимда жон беришни истамеган!»

Эргаш домла Акмални етаклаб ўзи миниб келган кизил «жигулис»га ўтқазди. У тобора кесакдек қотиб борар, на бир гап айтар, на бир гап сўрарди. Ранги кўкариб, асабий титраб қўярди, холос. Кўзига ҳеч нарса кўринмасди. «Нахотки... Дадаси... Боя уни қўлларини қўлига олиб силаган меҳрибон дадаси йўқ энди. Нахотки, ўлим билан ҳаёт ораси шунчалик яқин. Нахотки, ҳаётдан кетар чоғида ҳам дадаси уни гафлатда қолдириб кетди? Нахотки, у боя дадасининг ўлим тўшагида ётганини билмади? Бошқалар билганмиди? Чуқур сукунат шунинг аломати эдими? Қайдан ҳам калласига Фарғона келди ўзи? Бу ерга нега келди? Дадасининг охириги гапини ҳам эшитолмай, охириги нафасини билолмай, охириги нигоҳини кўролмай қолди. Бу қандай кўргилик, ахир! Йироқдан ёнига елиб келса-ю, жон таслим қилар чоғида яна йироқлаб кетса-я!»

Ўлим кўрмаган одам ўз яқинини сираям ўлади деб ўйламас экан...



ХVII Б О Б

Паканагина, аммо абжир Ўсар ювғувчи етиб келди. Домлани одам кам турадиган пастдаги обрезади уйга олиб кириб қўйишганди. Хали бу ишларни сен кўрмагансан, қўй, дейишларига карамай Акмал Ўсар ювғувчига ўзи эргашди, дадасига майит сувини ўзи қўйиб бериб турди. Амакилари остонада қолишаверди.

Дадасини Ўсар ювғувчи билан уй ичидаги обрезади тикки қилишди. Шундагина у озиб-тўзиб эти устихонига ёпишиб кетган ва тарашадек қотган тананинг қушдай енгил бўлиб қолганини сезди. Балки танадан жон чиқиб рух қўкка учгач, одамзод шунақа енгил бўлиб қолади-ми... У майит сувини қўйиб, Ўсар ювғувчи мурдани покларкан, бу ишни у гўё оддий бир юмушдек асло сесканмай, жирканмай бажарар, ора-сира Акмалга гапириб, бу амалларни қандай бажариш кераклигини ўргатиб ҳам турарди. Нимагадир боя Фарғонада ўлим хабарини эшитгандаги ваҳима ва йиғидан сўнг унинг дийдаси тош қотгандек эди, ҳатто кўзларига ёш келмай қўйганди.

Барча удумлар адо этиб бўлингач, тобут қўтарилар экан, уйдаги аёллар дунёни бошларига қўтаргудек уввос қолишди. Оломон олдига тушган ҳассаканлар — укалари, жиянлари, амакилари — айтиб йиғлаб боришарди. Не кўргуликки, унинг ҳам юраги уларникидан-да лахталахта қон, вужудида отадан айрилишнинг, отани йўқотишнинг беҳад азоби бўлса-ю, улар каби кўзига лоақал томчи ёш келмаса, айтарга бир оғиз қалима келмаса. Кўз ёшлари ҳам, айтиладиган гаплар ҳам боқий дунёга сафар қилган дадасининг руҳи олдида ҳечдек туюларди унга. Бу ҳол худди дадасидек унинг-да тақдирида тақдорланаётгандек эди.

Барчасини унга дадасининг ўзи айтиб берганди.

* * *

— Биласан ўғлим, мен 1949 йилда ҳам ҳарбий хизматда эдим. Ўша йили Туркменистон тарихида «мудҳиш қора кун» деб ном олган Ашхобод zilзиласи юз берди. Во ажаб, тавба қилдим, ер ёрилишини эшитгандиму кўрмагандим. Ер ёрилиб, жарлик ҳосил бўлиб, бўлиниб кетди, теварак-атрофдаги уйларни очофатлик билан қарига ютиб юборди. Ер ютмаган уйлар эса ер билан яксон бўлди. Биз солдатлар вайроналарни қавлаб, ўликларни йиғиштирардик. Кўраверса, одамнинг дийдаси қотиб ке-



таркан, ўликларни қопдаги юкдек даст елкага олардик-да, бир жойга тўплардик. Хар бирини алоҳида қўмишга куч ҳам, вақт ҳам, имконият ҳам йўқ эди...

Солдатдан бошқаларга энқайиш, энқайиб ердан бирор нарса олиш тақиқланганди. Чунки барча магазинлар катори тилла магазинлар ҳам бир зумда вайронага айланиб, очик-сочик ётарди. Хар жой-хар жойда аятомат ушлаган сокчи солдатлар турарди. Кимки энқайиб қўлига нарса олса, уни шартта отишга ҳаққи бор эди. Яланг жойларда эса ошхоналар танқил қилинган, истаган одам бориб бепул овқатлана оларди.

Шу воқеалардан кейин уйдан телеграмма олдим. Энам — ойим қазо қилибди. Самолётда учиб келдим. Хайрият, етиб келибман, хали чиқаришмаган экан. Ҳамма ёқда йиғи-сиғи. Энамнинг тобутини кўтариб чиқиб кетишяпти-ю, мен эса бир четда деворга суянганимча ерга қараб мунғайиб тураверибман, кўзимга на томчи ёп келади, на йиғи. Кўрганлар оғзига келганини айтган. Ўлимни кўраверсанг, дийданг қотиб, вужудинг тош бўлиб кетаркан. Хатто юрагинг чок-чокидан сўкилиб турса-да, ўз онангининг қазосида ҳам йиғлай олмасанг, алам киларкан. Бу ҳам бир кўргулик, болам. Бу не ҳол? Хали-хануз тушунмайман...

• • •

— Йиғла, йиғлагин, ҳеч бўлмаса «отам-мо» дегин! Одамлар нима дейди ахир?! — Бу дашмозорга кетишда укаси Толибжон айтган гап эди. У жонсиз одамдек эшитди бу гапни. Лекин, барибир... Дадасининг қисмати такрорланди унда — кўнгил зор қақшаб йиғлаяпти-ю, кўзларда нам йўқ, қийин экан.

— Ҳа, лодон бола-ҳа, лодон бола-ей! — Бу гапларни Тешавой бува қабристондан қайтгач, баралла ўзига эшиттириб айтди...

Дадасидек ўзида кечган бу ҳол не ҳоллигини билолмади...

• • •

Кейин эса ҳеч ким йўқ уйга кирди-да, дераза пардаларини туширди. Отасиз қолганини, уй дадасиз хувуллаб ётганини, укалари билан шум етим бўлиб қолаётганини энди билгандек тўсатдан ўпкаси тўлди-ю, ҳўнграб юборди. Кўз ёшлари дарё бўлиб оқди. У кўз ёшларимни ҳеч ким кўрмасин, онғизимни биров эшитмасин, деб ўзи-

ни кўрпачага отди, кафтларини юзига қўйиб, бағрини ерга бериб узала тушганча тўйиб-тўйиб йиғлади, қарийб бир соатгача ҳеч ким уни юпата олмади... «Қўйинглар, унга тегманглар, — деди аммалари, — кўнглини бўшатиб олсин, енгил тортади!» Энди у айтиб-айтиб, хўрсиниб-ўқсиб йиғларди, дадасининг ёнида туролмаганидан афсус чекиб йиғларди, кўз олдида ўлаётган одамнинг ўлишига ишонмай, уни ташлаб кетганидан пушаймон қилиб йиғларди, тириклигида дадасининг қаватига кириб катта рўзғорга ёрдам беролмаганидан алам қилиб йиғларди... укаларини отасиз, невараларини бобосиз ташлаб кетгани учун йиғларди.

Менинг дадам, дадагинам!.. Қандай яхши одам эди-я!

Ило-ё, ётган жойингиз жаннатда бўлсин!

Биздан рози бўлинг, дадажон!

Домланинг ўлимидан кўп ўтмай Ўзбекистон мустақил юртга айланди. Қадим Турон заминида эзгулик ва эрк тантана қилди. Бу кунларни кўп қатори Самин домла ҳам орзикиб кутганди. Афсуски кўриш насиб этмади...

1994 — 2000 йиллар,
Тошкент

БЕГУНОХ
СЕВГИ

ҚИССА



Санобар автобусга ҳаммадан кейин чикди-да, ўртадаги бўш қолган ёлғиз ўриндикка келиб ўтирди. Сўнг сумкасини тиззасига қўйгач, ҳеч ким билан иши бўлмай ташқарига қараб олди. Унинг оқ-сарик юзи чиройли эди, лекин шахло кўзлари негадир маҳзун, бежирим лаблари қимтилган, чап юзидаги мошдек холи эса ўзига ярашikli...

Унинг хаёли кечадан буён дугонасидан олган телеграммада... «Тез етиб кел, хушхабар!» Самолётда Тошкентдан Самарқандга келгунча ҳам ўйлаб ўйининг охирига етмади. Мана ҳозир Каттақўрғонга бораркан, ҳамон хаёли паришон. «Мундоқ тушунтириброк ёзмабди ҳам Моҳира. Нима гап? Ёки боласининг дараги чикдимикан! Хушхабар депти-ку, ахир! Бу дунёда унга боласидан ортиқ хушхабар борми?! Уч ой бурун кўришганларида ҳам бу хусусда чурк этмаганди. Зора дараги чиккан бўлса...»

Ҳадемай кўхна минораларини кўз-кўз қилганча Самарқанд ортида қолди. Йўловчилар ўзи билан ўзи овора: баъзилар ёнидаги ҳамроҳини гапга солар, баъзилар қўлидаги газетани узок шитирлатиб очиб, эринчоклик билан унга кўз югуртирар эди. Санобар эса ҳамон ўйчан: ойнага қараганча жим борарди. Самарқандда — тиббиёт билим юртида кечган талабалик чоғлари эсига тушиб дарди янгиланди.

...Ўқишнинг сўнгги йили эди. Бир куни Моҳира билан почтага бориб Собир акасидан келган хатни олди. Сабри чидамай хатни йўлдаёқ ўқиди, қувончдан киприклари пирпиради, сатрлардаги оташ ёноқларига ўтиб қизарди.

— Ётоққа қайтамизми? — деди базўр севинчини босиб Моҳирага қараганча. Моҳира ҳазиллашди:

— Хатда шундай дейилган бўлса, начора, қайтамизда.

Бараварига шарақлаб кулиб юборишди. Хиёл ўтмай, мактубдаги «сир»дан Моҳира ҳам вокиф бўлди. Ахир

бир синфда ўқиб, ҳозир Самарқанддек шаҳри азимда бирга билим олаётган дугоналар орасида қандай қилиб сир бўлсин?!

— Бўлмаса, бугун чинакамига хурсандчилик қиламиз, — деди Санобар, — яъни, йигитлар таъбири билан айтганда «ювамиз!»

— Майли, — рози бўлди Моҳира, — фақат таклиф мендан. «Навоий»га кинога борамиз! Бугун янги ҳинд фильми экан.

Кинодан қайтишда Санобар камгап бўлиб қолди. Унинг бутун вужудини ширин туйғулар камраб олганди. У Моҳиранинг тўлиб-тошиб гапираётган таассуротларига ё қисқа-қисқа жавоб қилар, ё аста бош кимирлатиб қўярди, холос. Ахир қувонмай бўладими? Бугун у Собир акасидан хат олди. Кино ҳам бахт ва муҳаббат ҳақида экан...

Ётоқхонага яқинлашганларида Моҳира айтган гаплар ҳамон ҳозиргидек эсида!

— Ўртоқжон, сен қандай омадли қизсан-а, — деган эди Моҳира юрагидаги ҳавасни яширолмай, — чиройлисан, Собир акамдек йигитинг бор! Қишлоғимизнинг қанча қизлари унга шайдо эди. У эса сени танлади.

— Санобар «нима бало сен ҳам уни севиб қолганмисан?» деб ҳазиллашмоқчи бўлди-ю, лекин айтишга тили бормади.

— Нега буларни гапириб қолдинг? — деди у шодлик тўла кўзларини Моҳирага тикиб.

— Унинг хатини ўқиганингдаги қувончингни кўриб айтипман-да.

— Ҳадемай сенинг ҳам бошингга тушади.

— Қани эди, тезроқ туша қолса! — Моҳира маъюс қулиб кўйди.

Бахтиёр онларни эслаганда аввало қувонч кўзлардан билинади. Лекин ҳозирги ширин хотиралар ҳам Санобарнинг кўзларининг тубига чўккан ғамни қувишга ожизлик қилди. Қайтага қалби баттар эзилди.

II

...Улар практикага келган жой сўлим бир қишлоқ эди. Қишлоқ маркази ҳамиша шаҳардагидек гавжум. Бир ёнда кинотеатр, яна бир ёнда магазинлар, мактаб, жамоа хўжалиги ўйингоҳи. Унча катта бўлмаган пинам-

гина боғ ҳам шаҳардагидан сира қолишмайди. Сал нарида, йўлнинг чап томонида шифохона ходимлари учун қурилган бир қаватли ёиштии бинолар. Санобарларга шу уйларнинг биридан алоҳида хона ажратиб беришди. Ёнидаги хонада эса қўшни тумандан келиб ишловчи Фотима деган ҳамшира аёл тураркан.

Бу пайтда баҳор бошланиб қишлоқ жуда гўзаллашиб кетган эди. Айниқса, шаҳарда узок вақт қолиб, очик ҳавога анчайин ташна одам учун қишлоқ баҳори бамисоли жаннат. Қизлар ҳам бу ерга тезда кўникиб қолишди. Ҳафта деганда Санобар янги манзилгоҳда Собир акаси-дан хат олдию кўнгли тоғдек кўтарилди. Айниқса, муҳаббат изҳор қилинган мактубнинг ҳарорати бўлакча бўларкан... Ўтириб жавоб ёза бошлади. Собирнинг «мана ўқинингиз ҳам битай деб қолди, уйларингга совчи жўнатмоқчиман. Сиз нима дейсиз?», деган сўроғига «розиман» деб ёзиб юборди. Хатни жўнатгач, келажакнинг тотли хаёллари унинг бутун вужудини чулғаб олди...

Иккинчи ҳафтада қизларнинг йўлга тушиб қолган, бир маромда давом этаётган практика ҳаётида ўзгариш юз берди: шифохонага улар сингари бир талаба ингит ҳам практикага келди. У ўзи асли шу қишлоқлик бўлиб, Андижон тиббиёт институтининг тўртинчи курсида ўқир экан. Юзлари сип-силлиқ, келишган қадди бастли Ҳошим биринчи кунданоқ бегонасираб ўтирмай қизлар билан худди эски танишлардек апоқ-чапоқ бўлиб кетди. Эртасига ишдан кейин қизларнинг қўнимгоҳига кирди ва қизик-қизик латифалар айтиб уларни роса кулдириб ўтирди. Кўнгли очик Санобарга Ҳошимнинг хуш-чақчақлиги ёкиб қолди.

— Ҳошим Собир акамларга жудаям ўхшаб кетаркан, — деди у кетгач Моҳирага.

— Ҳа. Лекин кўзлари қалати... одамга гўё еб қўйгудек тикилади, — деди Моҳира хушламайгина.

— Унақа дема! Сен ўзи доим шунақасан. Ҳаммадан ҳадиксираб юрасан. Бунақада қариқиз бўп қолмагин таян.

— Рост-да! Нима, энди сенга ҳам кўнглимдагини айтмай тилёғламачилик қилайми?

— Бўлди-бўлди, ҳазиллашдим, — суҳбатга чек қўйди Санобар.

Эртасига Санобар шифохонада ишни тугатиб чикиб келаётган эди, орқасидан Ҳошим уни чақириб қолди.

— Биласизми, — деди Хошим, — бугун клубда яхши кино бўларкан, шуни бирга кўрсак дегандим.

Санобар кутилмаган бу таклифга нима деб жавоб қилишини билмай лол бўлиб қолди. Шартта «йўқ» демокчи эди, бироқ Хошимнинг мулоим кулимсираб туришини кўриб, уни хафа қилгиси келмади.

— Қизларга айтиб кўрай-чи, улар хўп дейилса, бўрамин.

— Санобархон, ўзингиз чиқа қолинг!

— Ия! Нега энди? — у ажабланиб Хошимга қаради.

— Шунчаки... сизни яқин олиб... Кейин сизга айтдиган гапим ҳам бор эди.

Санобарнинг расмана жаҳли чиқди, ийдасдан шартта орқасига бурилди-да, деярли чопиб ховлига кириб кетди. Ишнинг бундай чаппа кетишини кутмаган Хошим зарда билан чўнтагидан сигарет олиб тутатди-да, жўнади.

— Нима бўлди? — Моҳира дугонасининг авзойини кўриб ҳайрон қолди. Санобар унга бўлган гапни айтди.

— Вой-бўй, шунга шунчаликми? Осмон узилиб ерга тушибдими дебман-а! Намунча, ковофингдан қор ёғмаса? Бирор жойнинг камайиб қолибдими? Неча марта айтганман: кўзга яқинсан деб. Йиғит бўлганимда мен ҳам сен билан хилватда суҳбатлашишни, сендай шахло кўз, қора соч гўзал билан ёнма-ён ўтириб кино кўришни хоҳламасмидим? — дея Моҳира ҳазилга олди.

— Биров ўламан деса, бу куламан дейди-я.

— Кечир мени, — деди Моҳира ҳазил чоғи эмаслигини англаб, — ўзинг ҳам кўнглида кири йўқ қизсан-да. Кеча уни мақтагандинг. Сенинг санимий муомалаларинг-ни Хошим бошқача тушунгандир-да.

— Бошқача тушунмай қуриб кетсин!

Дугонасини астойдил хафа бўлганини кўриб, Моҳира унга яқинлашиб:

— Бир нарса айтайми? — деди.

— Айтавер.

— Буям Хошим хақида-да. Кеча менга нима дейди дегин. — Моҳира дугонасининг диққатини тамом ўзига қаратиш мақсадида атайлаб гапни чўзди. — «Дежурка»да ёлғиз ўтиргандим, Хошим кириб келди. Озгина гаплашгач, «Моҳира, сиздан бир нарса сўрамоқчийдим», деб қолди. Мен: «Тортинмай сўрайверинг!» дедим. Шунда у нима дейди дегин... Томдан

тараша тушгандек «Санобархоннинг юрадиган йитити борми?» деса бўладими. «Бор!» дедиму, жахл билан «дежурка»дан чиқиб кетдим.

Санобар бу гапдан сўнг секин ўрнидан турди-да, индамай бориб каравотга ётиб олди. Хаёлидан Собир билан кечган хушнуд кунлар ўтди. Кейин айни чоғда кимлардир гўё калбидаги гунча мухаббатини хўрлаётгандек юрагини нохушлик чулғарди. «Тезроқ ўта қолсайди шу практикаси ҳам...» Бу унинг бу ердаги ҳаётидан биринчи марта нолиши эди.

III

Фотима опаларникига бориб, у билан бирга қайтган Моҳира Санобарни ҳовлида ҳам, хонада ҳам йўқлигига хайрон бўлди. Ёлғизлик жонига тегиб, кўчагами, касалхонагами чиққандир-да. Кеча шунча қистовга олишса ҳам, улар билан боришга негадир унамади. Тоғ бағридаги Фотима опаларнинг қишлоғи зўр жой экан. Шуларни ўйлай-ўйлай йўлдан толиқиб келган Моҳира ухлаб қолди.

Ўйронганда кун кеч бўлган. Санобар ҳамон қайтмаган эди. Қаерга кетди экан? Унинг қўнгли ғашланди. Аста ўрнидан туриб, хонани йиғиштиришга киришди. Шунда Санобарнинг ёстиғи остидаги бир нарак қоғозга кўзи тушиб қолди. Юраги безовталаниб уни шошиб очди. «Моҳира, мен кетдим, бошқа келмайман». Нега кетди? Ҳамма нарсаси қолган, фақат ўзи кетибди. Умуман, кеча уни ёлғиз қолдириб кетиб яхши қилмади-да. Ё Собир акам келиб олиб кетганмикан, ё бирор зарур иш билан... унда нега «бошқа келмайман» дебди. Ёки Ҳошим ўлгур тагин бирор нарса дедимикан?.. Ҳа, ҳа, ўшани топиб, сўраш керак...

Моҳира шу ўйда кўчага чиқмоқчи бўлиб турганда хонага Фотима опа кириб келди.

— Санобар кетиб қолибди? — деди Моҳира ҳовлиқиб.

— Нега? Қаёққа? — ҳам хайрат, ҳам таажжуб билан сўради Фотима опа. Моҳира унга хатни кўрсатгач: — Ҳозир кеч бўлди, шу топда суриштирсак, элчилик — бирга ўн кўшиб, ҳар хил гап тарқалиши мумкин, арта бўлсин, бирор маслаҳатга келармиз, — деди.

Эртасига Моҳира Ҳошимни сўроқлаб на шифохона-

дан, на қишлоқдан топа олди. Шундан кейин бир кунга рухсат олиб Самарқандга жўнади.

Моҳира ҳаллослаганча ётоқхонага кириб келди-ю, қоровул чол билан саломлашишни ҳам унутиб, ҳатто, унинг «ҳа, қизим практикадан қайтдиларингми?», деган саволини ҳам эшитмай, индамай шипиллаб ўтиб кета-верди.

Хонага кирса Санобар ўз ўрнида юзини деворга ўгирганча ётибди. Ёнидаги стулда эса уларнинг ҳамхонаси, практикага шаҳарда қолган Ҳафиза ўтирибди. «Хайрият!» Санобарни кўриб салгина юраги тинчланди Моҳиранинг. Кейин уни ухляпти деб ўйлади-да, Ҳафизадан секин сўради:

— Қачон келди?

— Кеча, — жавоб берди Ҳафиза. Сўнгра бир оз тин олиб, бўлган воқеани қисқа баён қилди. — Дам олиш кунини деб қизлар билан шаҳарга тушган эдик. Тушга яқин қайтиб келсак, Санобар хонада экан. Нимадандир хафа. Нима бўлди, деб сўрасак, йиғлайди, холос... Тинчликми? — Ҳафиза ташвишли нигоҳлари билан Моҳирага тикилди.

«Уларга ҳам айтмабди, демак, бу ерда бир гап бор».

— Биттаси билан уришиб қолибди. Кетиб қолганини мен ҳам кейинроқ билдим, — деди Моҳира Ҳафизани тинчлантириш учун. Кейин:

— Бугун практика йўқми? — дея гапни бошқа ёққа бурди.

— Тушдан кейин борамиз, — деб Ҳафиза соатиغا қаради. — Ия, вақт бўл қопти. Мен бораёй. — У халати-ни газетага ўраб сумкасига солди-ю, уни кўтариб чиқиб кетди.

Моҳира Санобарнинг тепасига борди. У уйғок эди. Моҳира аста дугонасининг бошини кўтарди. Санобарнинг кўзлари йиғидан қизариб, қовоқлари шишиб кетган, афт-ангори икки кун ичида бир аҳволга тушиб қолган эди.

— Нима бўлди, Санобар?!

Дугонасининг ҳамдард овози Санобарнинг тўлиб турган кўнглини тоширди. У ўзини Моҳиранинг бағрига ташлаб, хўнграб йиғлаб юборди. Ҳозир гапириш у ёқда турсин, бошини тик тутиб туришга ҳам, дугонасининг кўзаларига тик қарашга ҳам унинг мажоли йўқ эди. Шунча қилса ҳам, Моҳира ундан тайинли бирор гап билол-

мади. Саволларига Санобар кўз ёшлари билан жавоб берарди, ҳолос. Охири ҳеч бир натижа чиқмаслигига кўзи етган. Моҳира «майли» бўлмаса ётиб, жиндай дамингни ол!» деб уни ўз ҳолига қўйишдан бошқа чора топмади.

IV

Санобар кўз ёшларининг оқишига сабаб бўлган мудҳиш воқеани элас-элас эслайди. Эслайди-ю, кўз олди қоронғилашиб кетади, ўзини бу дунёда ортикчадек сезади. Наҳотки... наҳотки, ҳаммаси тугаса... бирданига, бир беномус туфайли... Ўша кuni Моҳира шунча қистаса ҳам, у Фотима опалариникига бормади. Собир хатда вақт топсам шанба кuni олдингизга ўтарман деганди. Кун бўйи унинг йўлига кўз тикди. Келмади...

Кечки пайт кўча эшигини кимдир тақиллатди. Бориб очса, остонада ҳар кунгидан ҳам башанг кийиниб олган Ҳошим жилмайиб турарди.

— Келинг! — Санобар ёлғиз ўзи бўлгани учун уни уйга таклиф қилишга ийманди.

— Кирсам бўладими?

— Киринг, — деди ноилоҳ Санобар. Бир оз у ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтиришгач, Ҳошим гина қилди.

— Санобархон... мен бир нарсага ҳайронман. Мана, танинганимизга ҳам анча бўлди, аммо сиз негадир доим мендан ўзингизни олиб қочасиз? Ёки мендан хафамисиз?

Дарҳақиқат, Санобар кино воқеасидан кейин ундан четлаб юрар, бир кўпги «нега ундай қиламан, ёмон бола эмас-ку, ётири билан айтсам, тушунар», деб ўз қилмишидан афсусланиб қўярди, ҳозир ҳам шуни ўйлаб мулоҳимлик билан жаноб берди:

— Ҳечам сиздан хафа эмасман.

— Хайрият-ей! — Ҳошим бу гапидан дадиллашди.

Санобархон, биласизми, олдингизга бир илтимос билан келгандим. Уйда кичкинагина ўтириш қилаётгандик, ўртоқларим билан уч-тўрт кизларни ҳам таклиф этганман. Илтимос, сиз ҳам борсангиз. Атайин сизни айтгани келдим. Рост, тугилган куним...

Санобар ўйланиб қолди. «Ха» деса, нотаниш жой, нотаниш одамлар, бунинг устига кечкурун, «пўк» деса, Ҳошим яна хафа бўлиши мумкин, унинг ҳурматини қилиб келибди... У шундай иккиланиб турганда, эшик тақиллаб, хонага ўн беш-ўн олти ёшлардаги дўндиққина,

кишлокча содда кийинган, сочини иккита килиб ўриб оркасига ташлаб олган қуралай кўзали кизча тоғиб кириб келди. Уни бир кўришдаёқ Хошимнинг синглиси эканини билиш қийин эмасди — ака-сингил икки томчи сувдек бир-бирига ўхшарди. Санобар ҳам уни бир-икки кўрган эди.

— Яхшимисиз, Санобар опа! — Бир Хошимга, бир Санобарга қараб, антика-антика гапирди кизча. — Сизларни кутавериб кўзларим тўрт бўлди-ку!

Санобар қандай важ кўрсатишини билмай чайналди:

— Қуруқдан-қуруқ... тагин, ҳеч қимни танимасам...

— От билан туя олиб бормоқчимисиз? Майли, бусиз ҳам мен розиман. — Хошим жилмайди. — Фақат ўзингиз борсангиз бўлди.

— Юра қолинг, Санобар опа, қизлар ҳам кўп. Танишасизлар. Сиз тўғрингизда уларга акам гапириб берганлар, — деди синглиси ўргатиб қўйгандек, Хошимни қувватлаб.

Ўйлай-ўйлай Санобар охири боришга жазм қилди.

— Хўп, бораману, тезда қайтаман.

Ўтириш Хошимларнинг кўчадан кираверишдаги меҳмонхоналарида бўлиб, меҳмонлар айтарли кўп эмасди: тўрт йигит ва тўрт киз; хаммасининг шаҳарда ўқишлиги уларнинг кийинишлари-ю, муомалаларидан яққол кўриниб турарди. Хусусан, қизлар ўзларини бошқача тутишар, ёшлик хавосидан димоғлари баланд эди. Тўрда магнитофон кулоқни қоматга келтириб қуйлар, ўртада турли хил ичимликлар сероб, дастурхон тўқин эди.

Улар кириб келиши билан даврадагилар «гур» этиб ўринларидан турди, кимдир магнитофоннинг овозини пастлатди. Меҳмонлар Санобар билан бир-бир қўл бериб сўрашиб чикқач, уни кўярда-қўймай тўрдаги стулга ўтқазинди. Ёнига Хошим ўтирди.

— Ана энди ўтиришни давом эттираверсак бўлади... бошқа ҳеч қимни кутмаймизми, Хошим? — деди қорачадан келган, ингичка мўйловли йигит ширакайф кўзларини сузиб. Бошқалар ҳам ундан қолишмасди.

Санобар негадир ўзини тамоман бошқа бир дунёга тушиб қолгандек ҳис қилди. Даврадагиларнинг биронтаси дидига ёқмади. Унинг хаёлини бояги «ингичка мўйлов»нинг овози бўлди.

— Гап, ўртоқлар... навбат кеч қолиб келган меҳмонимиз — гўзал кизга! Кечирасиз, исмингизни хали бил-

маймиз, — деди у ва ёнидаги қўғирчоқдай безаниб олган дўндик кизга қараб давом этди, — кани «оби замзам»дан куйиб меҳмонга узатворинг-чи, Қимматхон!

Ийманиб, шундок ҳам зўрға ўтирган Санобар жуда нокулай аҳволга тушиб қолди. Қимматхон қадахга «Шампан» виносидан тўлатиб (аслида йигитлар спирт аралаштириб қўйишганди унга) Санобарга узатди.

— Йўқ, мен ичмайман, — деди Санобар лавлагидай кизариб.

— Олинг! Ҳали кечикканларга штрафи бор!

— Танишиш учун олинг ҳеч бўлмаса.

— Олинг, олинг! — Қизлар уни ўртага олди. Санобар ноилож қадахни ушлади. Ўзини таништирди. Кейин Ҳошимнинг туғилган куни билан табриклаб, икки оғиз сўз айтди. Ҳамма қарсак чалиб, уни олқишлади. Бирин-бирин қадахлар бўшатилди. Қизлар ҳам охиригача симиришди. Санобар бир ҳўплаб рюмкани қўймоқчи эди, бўлмади, «гапингизни исботланг» деб ҳаммалари бир овоздан талаб қилишди. Хуллас, томоғидан куйгандек зўрлаб, охиригача ичишга мажбур этишди. Шундан кейин яна бир марта унга мажбур қилиб ичказишди. Сўнг нима бўлганини Санобар яхши эслолмайди. Фақат элас-элас ёдида: магнитофонда янграётган қандайдир сержазава куйга монанд ҳар ким ёнида ўтирган қизни ўртага олиб чиқиб танца туша бошлади. Боши гир айланаётган Санобарни ҳам Ҳошим зўрлаб даврага судради. У зўрға оёқда турар, Ҳошим белидан маҳкам кучганича гир айлантирар, унинг «бўлди, бўлди» деганига ҳам қарамай, қўйиб юбормасди. Қулоқлари остида эса Ҳошимнинг алланималар деб валдираши эшитиларди.

— Мен... етар, кетама-ан, — деди Санобар Ҳошимни ўзидан итариб.

Худди шуни кутиб тургандек, Ҳошим «хозир» дея уни етаклади-ю, Қимматхонни бағрига босганича танца тушаётган «мўйлов»ни туртиб, қулоғига бир нималар деб пичирлади...

Ҳошим Санобарни етаклаб кўчага чиқканда атроф зим-зиё эди, муздек тунги шабада баданга хуш ёкарди. Санобар Ҳошимнинг қўлини итариб, ўзи юрмоқчи бўлди, бироқ гандираклаб кетиб, йикилиб тушай деди. Ҳошим уни ушлаб қолди. «Йўл тулрок, четрокдан юрайлик», дея уни хилватдан бошлади. Санобарнинг оёқлари ўзига бўйсунмасди. Энди Ҳошим бир йўла қўлини унинг

белидан ўтказиб, кучоқлаб олди. Санобар «қўлингизни олинг», демоқчи бўлди, аммо тили танглайига ёпишиб қолгандек гапиролмади. Кейин боши айланиб, кўз олди тиниб ҳозир ким билан кетаётгани ҳам унга барибирдек жимиб қолди. Хошим эса, бир ёқдан меъёридан анча ортиқ отилган ароқнинг кайфи, иккинчи ёқдан бағрида тўлганиб келаётган жонон киз туфайли жўш урган ёввойи хислар гирдобига ғарқ бўлган эди.

Хошим эшикни ичкаридан қулфлади. Санобар хонага кира солиб ўзини қараётга ташлади. Унинг нафас олганда енгилгина кўтарилиб тушаётган кўкракларига, ичкиликдан қизарган кўзларига, момикдай оппок бўйнига қараб, хириллаб нафас олаётган кайфи тарақ Хошим ўзини ортиқ тутиб туролмади. Ютинавериб қуруқшаб қолган лабларини қизнинг лабларига каттик босди... Эндигина оромга юмилган киз чўчиб кўзларини очди, бироқ оппок тумандан бошқа ҳеч нарсани илғай олмади, унинг мияси қарахт эди. Шундай бўлса-да, қўллари билан нимагадир, кимгадир қаршилиқ қилмоқчи бўлди... лекин... бирдан... унинг лаблари орасидан синик, узук-юлук овоз эшитилди: «Собир ака, керакмас... нима... нима қилияси-а?» Кейин... кейин эса у бошқа ҳеч гап айтмади... Хошимнинг ўз мақсади йўлидаги эркалашларига ортиқ қаршилиқ қилолмади.

Санобарнинг кўз ёшлари тўкилишининг ҳам, унинг қишлоқдан ҳеч кимга айтмай кетиб қолишининг ҳам сабаби шу эди. У дардини кимга айтишни, бу номус ўғриси устидан кимга араз қилишни билмас, фақат оёқости қилинган номуси, хўрланган муҳаббати, ушалмай қолаётган орзуларини ўйлаб оҳ чекиб йиғларди. Бу ҳақда бировга оғиз очишдан кўрқар, ҳамма айб ўзимда деб биларди... Наҳотки, шунчалик содда-гўл бўлмаса? Наҳотки, ўша мараз Хошимнинг муғамбирона муомалаларидан унинг машъум ниятини пайқай олмайдиган даражада анқов эди? Энди нима деган одам бўлди?.. Яқинда одам қўяман деб юрган Собир акасининг олдида неча пуллик кадри қолди? Ҳамма энди уни енгилтак деб ўйлайди! Қандай даҳшат! Бу кўргилик унга қаёқдан ҳам қараб турган эди?! Нима қилиш керак?.. Энди унинг учун ҳаётнинг ҳамма йўллари берк. У ярамасдан қандай ўч олади? Ўч? Хайтовур, ҳаётда шундай гаплар ҳам бор-ку? Яхшиликка яхшилик билан, ёмонликка ёмонлик билан жавоб қайтариш... Ҳа, ҳа, керакли жойлар бор: ай-

тади, ўч олади... хўш, унда нима бўлади?.. Жуда нари борса, Хошимни қаматади. Бирок бу билан жароҳати тузаладими? Барибир номи ёмонотликка чиқиб қолаверадиди-да...

У йиғидан бошқа чора тополмасди, дардини бировга айтолмасди. Ахир, бировга айтадиган, тилга оладиган гапми?! Хўш, нима дейди? «Хошимникига бориб маст бўлдим, у мени ярим тунда кузатиб келиб ёнимда қолибди» дейдими?.. Борган сайин ўзига нафрати ортарди. Нега борди ўша лаънати ўтиришга? Нега Мохира билан кета қолмади? Кейинги пушаймон ўзини та душман. У ўз-ўзига «нега, нега» деб савол берган сайин кўз ёшлари дарёдай тошиб келарди...

Кечга яқин ўрнидан турди. Мохиранинг зўрлаши билан бир пиёла чой ичди, бир бурда нон еди. Кейин хўрлигидан йиғлай-йиғлай ҳаммасини Мохирага айтиб берди. Алам ва ғазаб ҳислари Мохиранинг вужудини ҳам қамраб олди. Санобарга қўшилиб у ҳам кўз ёши тўкди. Сўнг даст ўрнидан туриб Санобарни торткилади.

— Юр, ҳозирок бориб у номардни топамиз! — деди у титраб-қакшаб. — Шармандасини чиқарамиз! Юзига кора куя сурамиз! Кўнглим сезган эди-я, унинг яхши одам эмаслигини... Юр!

— Мен нима деган одам бўламан?..

Мохира бир зум ўйланиб қолди. Санобар жикқа ёш кўзалари билан унга мўлтайиб боқаркан, илтижо қилди:

— Мохира, буни сендан бошқа ҳеч ким билмасин, илтимос!

— Нима? У жазосиз қолиб кетаверадими? Юр, ҳозир, иссиғида.

— Ўзим... у билан гаплашаман.

V

Санобар туйғулари топталган ўша кишлокка қайтиб бормади. Нима деб ҳам борсин?! Мохира ҳақиқатни билгач, дугонасининг кўнглига караб, ҳеч кимга бу ҳақда оғиз очмайман, сендан бемаслаҳат бирор ҳаракат қилмайман, деб Санобарни ишонтирди. Аммо кишлокқа келгач, виждони чидамади, эртасигаёқ Хошимни суриштирди. У аллақачон Андижонга жуфтакни ростлаб қолибди. Санобарни сўраганларга «касал бўлиб кетиб қолди», деди. Бош врачга ҳам шу гапни айтди. Сўнгра

колган кунларини бир амаллаб ўтказди-ю, коғозларини тўғрилаб, Самаркандга келди.

Ўтган кунлар ичида Санобар таниб бўлмас даражада ўзгариб кетган эди: кўзлари ич-ичига тортган, нигоҳлари сўник, анордек қизил, думалоқ, лўппи юзлари эса озиб, рангсизланиб, чўзинчоқ шаклига келиб қолганди.

Мохира келган кунни бошқа қизлар ҳам практикадан қайтишди. Имтиҳонлар бошланишига ҳали бир ҳафта бор эди. Уйи яқинлар шу куниек жўнади, қолганлар эрта билан йўлга чиқишга ҳозирланди.

— Олдинга ҳеч ким келмадими? — деб сўради Мохира иккаласи кечқурун танҳо қолгач. — Анави отинг ўчқурни... — Мохиранинг нафратдан юзлари буришди, — суриштирсам, Андижонга кетиб қолибди.

— Йўқ.

Эртасига Мохира Санобарнинг қаршилигига ҳам қарамай, унинг тўзиб кетган сочларини эпакага келтирди, кўйлаklarини дазмоллади, йиғилиб қолган кир-чирларини ювди. Тушгача шу сингари ишлар билан банд бўлди. Сўнгра чой ичиб ўтиришгач, у ётири билан гап бошлади:

— Санобар, кишлокка бориб, уйдагиларни кўрсак, бир-икки кун турсак-да, кейин уни топиб, бир...

— Қайси юз билан бораман, Мохира!

— Уйдагилар бугун практикамиз тугаганини билишди, агар бормасак, хавотир олиб эртагаёқ бу ёкка ўзлари келишади. Бормаганимизга ҳам анча бўлди. Ўқиш даврида ҳафтада борардик, роса соғинишгандир.

— Собир акам келган бўлса-чи? Унга кўрингандан кўра ўлганим яхши.

— Санобар, яна юрагимни эзма. Собир акам у номарднинг таъзирини беради. Ҳамма гапни унга очик айтишимиз...

— Йўқ, йўқ, у зинҳор билмасин, унинг таънали сўзларига эмас, таънали қаршига ҳам чидолмайман... Уша кунни ўзимни ўлдирмоқчи эдим, қўлимдан келмади. Агарда у билса, мени ўлди деявер.

— Қўй, йиғлама, Санобар. Собир акам...

— Гапирма, Мохира, мен энди унинг тирноғига ҳам арзимамайман!

— Унақа дема, — Мохира дугонаси учун шундан бошқа тасалли берувчи сўз тополмай жимжилоғининг учи билан унинг намланган кўзини артди.

Ниҳоят Санобар бир-икки кунга қишлоққа бориб келишга қўнди. Улар аввал Моҳираларникига киришди, сўнг уларникига ўтишди.

Санобарнинг ойиси Рузвон хола хол-ахвол сўрашгач, куйиниб деди:

— Намунча, бу практика деб шунчалик ўзларингни кийнамасанглар? Худди йўниб қўйган таёқдай қурук сувратларинг қолибди ўзиям.

— Ишнинг олдида ўқиш ҳалво экан, хола, — деди Моҳира. Сўнг у ёқ-бу ёқдан пича гаплашиб ўтиришгач, кетишга ижозат сўради. У кетгач Санобар ойисига боши оғриётганини баҳона қилиб, эндигина уйга кириб ётувди ҳамки, ҳовлида мактабдан қайтган, саккизинчида ўқийдиган укаси Тўлқиннинг овози эшитилди:

— Ойи, Сано опам келдими? — деди-да кейин чопганча уйга кириб келди.

Санобар ўрнидан турди ва укасини қарши олиб меҳр билан бағрига босди. Ташқаридан ойисининг овози эшитилди:

— Тўлқин, опанг йўлдан чарчаб келган, бирпас дамин олсин.

— Хўп! — дея Тўлқин Санобарнинг қулоғига шивирлади: — Бир нарса бор, берайми?

— Нима экан?

— Суюнчи берсанг, айтаман!

— Бўпти, кейин... — деди Санобар ички бир титрок билан.

— Собир акамдан хат, ойимга кўрсатайми ёки... — Тўлқин опасинининг ёшига тегмоқчи бўлди. У ҳар гал шунақа қиларди — хат унга тушиб қолса борми, Санобарни роса ялинтиради, опасидан истаган нарсасини Самарқанддан топиб келишга ваъда олгандан сўнг хатни берарди. Ҳозир опасининг бундай қилмаётганини кўриб Тўлқин хайрон бўлди. Кейин хатни қолдириб чиқиб кетди.

Яқинда Собирдан олган хатга жавоб ёзмаганди, энди сира ёзмайди ҳам, ёзолмайди ҳам. Қўлидаги хат бутун баданини бамисоли оловдек куйдирарди. У қўли қалтираганча конвертдаги ўз исмига бир он термилиб турди-да, хатни парча-парча қилиб, уй бурчагига улоқтирди. Жойига ётиб бошига ёстиқни босиб олганча пик-пик йиғлай бошлади: «Тамом, ҳаммаси тамом...»

Уй ичи қоронғилашиб борарди, тўшақда эса илондек

тўлганиб Санобар оҳ чекарди. Уйнинг қоронғи бир бурчагида чил-чил бўлган бахт ва муҳаббат ҳақидаги тотли ораулар баён этилган мактубнинг сон-саноксиз парчалари оқариб кўринарди. Наҳотки, бахтнинг бахтсизликка айланиши шунчалик тез ва осон бўлса? Наҳотки, ҳаёт шундай мусавффо қалбларни ҳам бир онда дов айлашга қодир? Наҳотки, одамлар шунчалик ёвуз? Йиртқич! Шафқатсиз! Наҳотки, ўн гулидан бир гули очилмаган киз учун севги мактубини ўқиш, бахт ва келажак ҳақида орзу қилиш ҳам оғир, ҳам уятли, ҳам пуч бир нарс бўлса?..

VI

Қишлоқда бир ҳафта қолиб кетишди. Санобар дардини пинҳон сакласа-да, ёлғиз қолди дегунча дилини гап-лик чулғаб, ўз ёрига ўзи қовурилар, яшириқча йиғлаб-йиғлаб оларди.

Йўлга отланидиган куни эрталаб отаси ойиси билан ўзаро ниманидир узок гаплашиб, бир нарсаларни қаттиқ тайинлади-да, у билан хайрлашиб ишга жўнаб кетди. Санобар укаларини мактабга кузатиб турганда Моҳиранинг сингилчаси келиб, чучук тил билан айтиб қолди:

— Санобар опа, бораркансиз, опам тайёрмиш.

— Келяпти, дегин, ҳозир етиб бораман, — Санобар қизчани жўнатиб, нарсаларини яна бир қарра кўздан ўтказа бошлади. Анчадан буён бир гапни айтолмай тараддудланиб турган ойиси уни сўрига ўтказиб гап бошлади:

— Қизим, мана ҳадемай ўқишинг ҳам тугайди. Биласан, қишлоғимизнинг одамлариниям, одатлариниям... Хуллас, ўзингдан қолар гап йўқ. Бўйинг етиб, кўзга яқин бўл қолдинг. Ўзинг кўриб, билиб, гаплашиб юрганинг ўша Собиржонникидан яқинда одам келиб, ҳеч бўлмаса бошларини бойлаб, нишона қилиб қўяйлик деб кетганди. Биз, майли, сизлар сўрайсизлару биз йўқ деймизми, лекин бирров кизимизнинг олдида ўтайлик, ахир турмуш қурадиган у, дедик. Ўзлари тагли-тахтли яхши одамлар. Ўғилларини бўлса, биздан кўра ўзинг яхшироқ биласан. Унинг ҳам бир-икки йиллик ўқиши қолибди. Шунинг учун...

Рузвон хола қизининг рози бўлишига ишончи қомил эди. Санобар эса ўзини зўрға тутиб турар, озгина турт-

кидан юраги тарс ёрилиб кетгудек бир ҳолда эди. У Собирга «хўп» деб ёзиб юборган мактубини эслаб юраги эзилар, ҳозир ойисига қандай жавоб қилишини билмасди. Бирор ножўя сўз айтиб ойисини хафа қилиб қўйишдан қўркиб, юкларга қўл чўзди. Хамон икки кўзи қизининг оғзини пойлаётган она саволини такрорлади. Индамай кетаверай деса, қиз боланинг индамаганлигини розиликка йўйишларига кўзи етган Санобар тўхтади ва бор кучини, иродасини тўнлаб жавоб берди:

— Йўқ денглар. Мен уни ёмон кўраман.

У шу гапни айтди-ю, юраги пора-пора бўлиб кетди. Онасининг ранги қув ўчиб, ёкасини ушлади.

— Вой, ўлмасам! Нималар деяпсан, қизим! Ахир... ўйлаб гапиряпсанми, болам? Нима бўлди? Ёки уришиб қолдингизларми? Ёшлиқда нималар бўлмайди, қўй, ўзингни бос, ўтиб кетади, бунақа шаддодлик қилма, ёмон бўлади...

Санобарнинг кўзлари ёшга тўлди. Қани энди шу топда муштипар онасини бир оғиз сўзи билан хурсанд қилолса? Вакт — бу оқар сув, уни ортга қайтариб бўлмайди. У учун энди бу кенг олам тор. Бегуноҳ Собир акасини алдаб ҳам, бир умр таъна-маломатлар эшитиб ҳам яшай олмайди. Собир акасига яримта бахт ҳадя этолмайди. Санобар онасининг бағридан суғурилиб чиқди-да, нарсаларини қўлга олди.

— Айтганларим рост, ойи, мени кечиринг! — деганча тошиб чиқиб кетди. Рузвон хола сўрининг бир четиде ўтириб қолди. Қизи билан хайр-хўшланимиди, йўқми, билмайди, ўзига келиб кўчага югуриб чиққанида узокдан икки қизнинг қораси базўр кўзга чалинарди.

— Майли, ишқилиб, бошлари тошдан бўлсин! — Она тагин алланималарни пичирлаганича ховлига қайтиб кирди, сўрига ўтириб хаёлга ботди. «Нега қизи ундай қилди?! Ёки Собиржон тушмагур қизини хафа қилиб қўйдимикан? Энди эрига нима дейди? Бўлғуси қудаларига-чи?... Нимагадир қизи бу гал ўзи бошқача бўлиб юрди: ҳеч чехраси очилмади, китобга ёпишганича бутун ҳафтани кўчага чиқмай ўтказди. Хойнахой бир гап ўтган. Ха, майли, янаги келганида бафуржа гаплашиб олар. Балки илгари бу тўғрида ҳеч гапиринмаганлари учун аччиғи чиққандир...»

Орадан бир ой ўтгач, Санобар гумонларининг тўғрилигига ишонч ҳосил қилди. Ўзини ёмон сезиб, уйқусидан ҳаловат қочди... Бўлар иш бўлди. Энди у тезроқ эл-юрт олдида шарманда бўлмаслик чорасини қидириши лозим. Андижонга бориши, уни топиши, ҳамма гапни очик-ойдин айтиши керак. Ё аввал Моҳира билан маслаҳат қилиб кўрсамикан? Ё докторнинг олдидан ўтсинми? Нима қилиб бўлса ҳам, олдини олмаса бўлмайди. Ўзи-ку ўзи, бутун оиласини етти қат ерга кўмиши турган гап. Одамлар: «Мана, кизини шаҳарда ўқитганнинг фойдаси-ю, орттирган мартабаси шуми», дейди. Кейин ҳамма ундан ҳазар қилади. Ўйлаган сайин унинг мияси ғовлар, нима қарорга келишни билмас, вақт эса ўтиб борар эди.

— Моҳира, — деди у бир кун сабр қосаси тўлиб. — Андижонга бораман. — Моҳира бир гал унинг «Ҳошим билан ўзим гаплашаман», деганини эслади.

— Сен у номард билан ўзим гаплашаман дейсан, — деди у, — кўнглида бўлса хол сўраб келарди-да. Қани келгани? — Моҳиранинг ғазаби авж олган алангадек қучайиб борарди. — Доим одамлар нима дейди, дейсан: агар шу юришинг бўлса, ҳар нарса бўласан. Ўшандаёқ уни топиб таъзирини бериш лозим эди.

Санобар дарҳақиқат фурсатни бой берганини тушуниб турарди. Аммо ҳозир ҳам кеч эмас. Унинг келажагини, бахтини барбод қилдими, энди азобини ҳам бирга тотсин...

У шу куниёқ жўнайдиған бўлди. Моҳира аввал бошдан бўшанглик қилгани учун дугонасини яхшилаб қойиб бермоқчи ҳам бўлди, лекин бунинг фойдасидан зарари кўпроқ бўлишини ўйлаб инламади. Фақат кузатиш чоғида шундай деди:

— Бирга борганимизда яхши бўларди. Кўнмадинг. Майли, бориб ҳамма гапни очик айт. Инсофга келса, хўп-хўп, у-бу деб сувдан курук чикмоқчи бўлса, биз ҳам андишанинг отини қўрқок қўймаймиз!

Санобар Ҳошимни институтдан тополмади, неча кундан бери дарсларга қатнашмаётган экан. Кейин ётоқхонадан суриштирди — у ердан ҳам тополмади. Ҳамётоқларининг айишича, икки-уч кундан сўнг қайтиб келаман, деб қаёққадир кетганича дом-дараксиз эмиш. Санобар бири-икки кун пойлашга аҳд қилди.

Мохиранинг кизиқконлигини ўйлаб, Санобар уни ўзи билан бирга олиб келмади. Бу ишни ортикча шов-шувсиз битирганим маъқул, деб ўйлади у. Хаётни бунчалик чигал ва мураккаб, оғир ва раҳмсиз бўлишини илгари хаёлига ҳам келтирмаганди. Ҳамма одамларга ишонч кўзи билан қарар, ҳамма нарсани ўз андозасида ўлчар эди. Яъни ҳамма нарса унинг дили каби бегубор, ораулари каби эзгу, тасаввурлари сингари ёрқин кўринарди унга. Шунинг учун у мутлақо ёт ва машъум бир туйғу — пинхоний муғамбирлик тузоғига қандай илиниб қолганини ҳам чуқурроқ англаб етолмасди.

Ниҳоят, осмондан тушдими, ердан чикдими, Хошим пайдо бўлди. Буни Санобарни ўз хонасига таклиф қилган ётоқхонада турувчи бошланғич курсда ўқийдиган киз айтди. Санобар бориб Хошимнинг хонасини тақиллатгач, кўзга таниш бўлиб қолган йигит чиқди.

— Келинг, — деди у ва «хонада» дегандек ичкарига имо қилди. Кейин «мен хозир» деди-да, оёғига илган шиппагини шалоп-шалоп қилганича каёккадир чиқиб кетди.

Санобар эшик тутқичига қўл чўзганча анча туриб қолди. Унинг бутун вужуди дағ-дағ титрарди. Юраги бетокатланиб кўзлари ўтдек ёнарди. Кечагина оловкор хисларга тўлиб-тошган қалб, бахтиёрлик напъасидан хумор шахло кўзлар бугун нафрат ва қасос ҳиссига тўла эди. Ана, эшик ортида у турибди. У — муҳаббат ва бахт ўғриси, номус ўғриси! Санобар эшикни итариб юборди. Хошим хона ўртасида стол киррасига суянганича чорасиз қотган, сўник кўзларини қаерга яширишни билмагандек олазарак, маъносиз юзи ўлик тусига кирганди. Санобарнинг қазабнок қараши уни хушига келтирди. Гўё бутун гуноҳларига шу лахза тушунгандек, икром бўлгандек кўзларини ундан олиб қочди ва... бирдан ҳушёр тортди. Ўзини қўлга олиш керак. Улфатлари айтгандек, унинг «аферист»лиги олдида бу содда қизнинг нафрати нима бўпти?... Ёлғон эмас... не-не «онаси ўпмаган» кизлар билан юрди, қанчасини алдаб кетди. Ширин-ширин сўзлар билан чиройли-чиройли ваъдалар қилиб, тузоғига илинтирарди-да, ҳўп айшини суради, кўнглига ургач, бир йўлини топиб ташлаб кетарди. Тузоққа илинтириш бора-сида қанчалик устомонлик қилса, ўзидан совитишда ҳам унча-мунча фолчига чўт бермасди. Ҳамма айбни қизга ағдариб, ўзи сутдек оппоқ бўлиб қолаверарди.

— Э, э, келинг, Санобархон, ўтиринг! — деди Ҳошим ҳамон қаҳру ғазабдан тили калимага келмай турган Санобар томон стул суриб.

— Мақсадингиз мени шарманда қилишмиди? — деди Санобар эшикни ёпгач йиғламоқдан бери бўлиб, паст, аммо жиддий овозда. Ҳошимга унинг овози қанчалик ёқимсиз эшитилмасин, барибир шукур қилди. Борди-ю, шу гапни баралла айтиб, йўлакка чикиб дод солса, оламини бошига кўтарса, тўғри уйларигами ё деканатгами борса, унда нима бўларди? Минг қилса ҳам Санобар уятчан, андишали киз. Бу ҳам бўлса, унинг омади. Фурсатни қўлдан бермай унинг шу фазилатларидан фойдаланиб қолиши, овутиши, тасалли бериши керак. Бир оз ён бериб бўлса ҳам. Кейин бир гап бўлар. Ахир у бундай вазиятга биринчи дуч келиши эмас-ку!

— Ундай деманг, Санобар, мен сизни яхши кўриб қолгандим, бунини мен сизга илгари ҳам айтганман, ҳозир ҳам шу сўзимда турибман: мен сизга уйланаман. Олдингизга ўзим бормокчи эдим, лекин ўқиш, фурсат, дегандек, яна бир томондан олдингизда уятли бўлганим учун... Кечиринг, мени.

Санобар унинг асли ўйини сезмади ҳам. Қаердан ҳам сезсин: одам оласи ичида. Ҳошим ўз ролини пухта бажарди.

— Бахтимдан айириб, бахтли қилмоқчимисиз? Мен учун ҳаммаси тугаган... — Санобар йиғлаб юборди. Эсига Собир акаси тушганди. Кўзларидан негадир аввалгидек дув-дув ёш келмас, алданган тақдирга кўз ёшлари мадад бермаслигини гўё кўзлар ҳам энди тушуниб қолгандек эди. Ахир қачон, қай бир замонда кўз ёшлари билан адолатсизликка барҳам берилибдики, энди у кўз ёшларига умид қилса...

— Айтдим-ку, Сизга уйланаман деб, ҳозирча битириш имтиҳонларини топишинг, ўқишингиз тугасин, энди олдингизга тез-тез бориб тураман.

— Бўйимда бўлиб қолди, — Санобар Мохира айтгандек масалани кўндаланг қўйишга мажбур бўлди-ю, қўллари билан юзларини беркитди.

Ҳошим эса ўз кўрпасида чаён кўрган одамдек сесканиб кетди. Бу ёни нима бўлди? Буниси тоза бошга бало бўлади, шекилли. Ҳеч қутмаганди.

— Олдириб ташланг, бўлмаса дори ичинг! — деди

Хошим сурбетлик билан оғзига келган гапни кайтармай. Санобар унга сб юборгудек бўлиб каради.

— Аб—лах!.. Мен сени одам деб юрибман-а?! — деди-да хўнграб йиғлаб юборди ва эшик томон юзланди. Хошим хатолик юз берганини англаб, мушукдек бир сакраб Санобарнинг йўлини тўсди.

— Кечиринг, беҳосдан... Сира ундок демоқчи эмасдим. Тўйни кейинроқ қиламиз. Хеч бўлмаса, сизнинг ўқинингиз тугасин, уйларингизга одам юбораман. Ишонинг...

Қаттиқ хафачиликдан кўнгли ғариб Санобарнинг шу топда рост билан ёлғонни ажратишга ҳам қурби етмасди. Чўкаётган одам хасга ёпишгандек, унга ҳам ҳозир шу Хошимдан бошқа таянч йўқдек бўлиб кўринарди. Буни жуда яхши тушунган Хошим яна бир қанча ёлғон ваъдаларни қалаштириб ташлади. Худони ўртага қўйиб қасам ичди, хуллас, Санобарни ишонтирди. Озгина чиқим қилиб, ҳатто уни Самарқандга ўзи келтириб қўйди.

Санобар ўа тақдирини Хошимга боғлаб бир умр рўшнолик кўрмаслигини биларди, аммо эл-юрт олдида шарманда бўлиш, кўпчилик «харом» деб атайдиган отаси номаълум болага она бўлиш ҳамма нарсадан дахшатли туюларди унга. Собир акаси ҳамон унинг юрагида, лекин энди у унга муносиб эмас... Майли, Собир акаси ҳеч қачон ҳеч нарса билмасин, уни бевафоликда айбласин, факат енгилтак деб ўйламаса бас. У энди ҳаётни бир ўйинчок деб билгани каби у ҳам бу ҳаётда бир ўйинчок... Қани энди лоақал Собир акаси тезроқ ўз бахтини топса-ю, буни эшитиб у шодланса... Ҳаёт, тақдир... Бунча раҳмси? Бунча мураккаб?..

VIII

Яна бир ойдан кўпроқ вақт ўтди. На Хошимдан дарак бўлди, на у ваъда қилган совчилардан. Ҳамма нарсанинг давоси бўлмиш вақт қанчалик Санобарни азоблар гирдобига тортса, шунчалик Хошимни жазодан қутулиб қолишига ёрдамлашарди. Санобарнинг кун сайин қаровсиз қолган гул каби сўлғинлашиб бораётганини хўриб, Моҳира ортиқ чидолмади. Қўйиб берса, у ичидан қуя-қуя адоий-тамом бўлади. Бир куни ҳатто Санобарга ҳам билдирмай Андижонга йўл олди. У дугонасининг тақдирини учун астойдил курашга бел боғлаганди.

— Нега алдайсиз? Қани юборган одамларингиз? — Мохира Хошимни топиб уни қисди-қафасга олди. — Нима, шарманда бўлиш кунини кутяписизми?

— Вақт зик, хатто ўшандан буён уйга ҳам боролганим йўқ, — деди Хошим тили зўрға калимага келиб.

— Биз ёш бола эмас-ку, алдагани, — Мохиранинг зардаси қайнади. — Қани Санобарга берган ваъдаларингиз? Ёки ҳаммаси қип-кизил ёлғонмиди? Биламан. Сиз шунақа ёлғонларга уста бўлиб кетганимисиз?

* — Гапларим рост... — дудукланди Хошим.

Мохира ишни пайсалга солмасликка, пуч ваъдаларга чек қўйишга жазм қилганди. Бу ёқда бола... Хошимга қўйиб берса, ҳаракат қилиш у ёқда турсин, бу тўғрида ўйлагани ҳам йўқ.

— Гап шу: ЗАГСдан ўтасизлар-да, дархол тўйни бошлайсизлар, — деди Мохира қатъий.

Хошим сергак тортди. Бир оз ўйлаб турди-да, ўзича қутулишнинг сўнгги чораси деб ўйлаган гапни айтишга қарор қилди. Бу гапни аслида Санобарга айтиб, уни ўзидан совутмоқчи эди.

— Мен уни ўзига ҳам айтганман болани олдириб ташланг деб. Бола меники эмас, мен у билан бир кеча бўлганман, холос. Агар у жуда ЗАГСдан мен билан ўтишни истаса, шартимга кўнсин!

Мохиранинг кўзлари косасидан отилиб кетай деди. Дугонасининг шаънига, қиз бола шаънига айтилган бу ҳақорат унинг суяк-суягидан ўтиб кетди.

— Ифлос... садқайи йигит кет! — деди-ю, Хошимга яқин келиб, баънарасига тарсаки тортиб юборди. — Ярамас! Сен билан керакли жойда гаплашаман! Ҳали кимга фирибгарлик қилмоқчисан ўзи?!

Хошим йўлакка Мохиранинг оркасидан эргашиб чиқди. Юзига тушган тарсаки учун у бир умр Мохирани кечирмаса ҳам, ҳозир ҳиссиёт билан эмас, ақл билан иш кўриш кераклигини англади.

— Айб менда, Мохирахон, кечиринг. Жаҳл чиқса, ақл қочади. Нима деганимни ўзим билмай қолдим. — У чакконлик билан Мохиранинг олдига ўтиб йўлини тўсди. — Мен у гапларни айтмадим, сиз эшитмадингиз. Кечиринг! Айбдорман.

— Қоч йўлимдан, мен сенинг шунчалик тубан, пасткашлигингни билганимда...

— Майли, нима десангиз денг, фақат мендан хафа

бўлманг, ўзингизни босинг. Мен ҳаммасига розиман, эшитдингизми — розиман!

Моҳира жаҳлидан тушди. Ҳозир бургага аччиқ қилиб кўрпа куйдириш хонаси эмас. Гарчи сохта бўлса ҳам, Хошимнинг йигит бошини ерга қилиб айбига иқроф бўлиши унинг юрагини бир оз юмшатди. Унга ҳам шу керак. Иккаласи хонага қайтиб киришиб столнинг икки четига ўтириб, дастанвал нималар қилиш кераклигини келиша бошлашди. Асосан Моҳира сўзлади. Хошим тез орада уйларига бориб, Санобарларникига совчи юббрани олиб келди. Агар энди шилт-пилт қиладиган бўлсангиз тўппа-тўғри деканат ё ректоратга кириб шикоят қиламан, деди Моҳира.

Хошимнинг юраги ўйнаб кетди. Ўзи жуда кўп дарс қолдириб, дарсларни ўзлаштиролмай юрганидан ўқиш қил устида турибди. Бир тўполони учун огоҳлантириш ҳам олган. Устига-устак бу сир ошкор бўлса, ўша захоти институтдан думи тугилиши аниқ. Ҳозирча ҳаммасига кўниш керак. Кейин бир гап бўлар...

IX

Хошимнинг совчилари келишидан бир кун илгари Моҳира қишлоққа жўнади. Рузвон холанинг дард халтаси тўлиб, зўрға юрган экан. Моҳирага юрагида бориши тўкиб солди.

— Қариганимизда бу қиз шунчалик куйдиради деб сира ўйламагандик, нима жин тегди билмайман унга, ўша практикаларингдан қайтишларингдан бир гап айтгандим. Шундан берига ўзини жуда «азиз» қилиб юборди. Келмайди... Ўтган куни Собиржонникидан яна одам келди, қандай жавоб қилишни билмай отаси иккимизнинг тоза бошимиз қотди. Икки томон анчадан буён бир-биримизни ишонтириб келардик! Ўртоғингга нима бўлган ўзи? Ҳеч бўлмаса, сен айтгин ростини, авваллари туппа-тузук юришибди дердинг ўзинг ҳам. Ёки Собиржон билан уришиб нетиб қолганми?..

Моҳиранинг ҳам оғзига қаттиқ ивйтиб олганини кўриб, Рузвон холанинг баттар хуноби ошди.

— Нега индамайсан сен ҳам? Ё тилларинг бирми? «Ўзи нима дейди» ҳам демайсан... Бошқаси бор эмас... Шуям гап бўлдики? — Холанинг кўзлари намланди. — Оралари яхши эди-ку! Олдинлари шундан оғиз очсам

кулиб: «Ойижон, ўқишим битсин, албатта, сиз айтганча бўлади», дерди, энди бўлса... Замонларинггайм, сенларгайм тушунолмай қолдим: бугун биттаси, эртага бошқаси, на худодан кўркади булар, на эл-юртдан андиша қилади...

— Хафа бўлманг, холажон. Ҳаммаси яхши бўлади.

— Яхши бўлади? Нима яхши бўлади? Сен ҳам бундок очикроқ гапирмайсан, юрагим сезиб турибди, бир гап бор хойнахой...

— Ҳеч гап йўқ, холажон. — Моҳира зўраки қулди. У не ўйларда хасрат чекиб ўтирган онага воқеани қай тарзда баён қилиш, эртага келадиган совчилар ҳақида қай тил билан хабар беришни билолмай гаранг эди. Айтса, холанинг бир дардига ўн дард қўшилиши тайин. Айтмаса, яна бўлмайди. Агар уларга «йўқ» дегудек бўлишса, ана унда Ҳошимга баҳона топилади-қолади.

Моҳира ўйлай-ўйлай охири гап бошлади.

— Хола, мана, ўзингиз ҳам ростини айтмайсан, деб хафа бўляпсиз, ростини айтганим бўлсин.

— Айт, айта қол, жон қизим.

— Санобар айтган гаплар тўғри!

— Нимаси тўғри?!

— Бошқа севгани бор. Собир акамни ўз акасидек ҳурмат қилади. — Моҳира ўз ёлғонидан ўзи уялиб, кўзларини четга бурди.

— Демак, рост дегин, — деди Рузвон хола сувга тушган нондай бўшашиб. — У қандай бола ўзи, Санобарнинг бошини айлантирган? Ёлғон ваъдалар билан аврагандир-да, бўлмаса қизим шундай Собиржоннинг юзига оёқ кўярмиди.

— Яхши бола. Ўзимизнинг Самарканддан, фақат райони бошқа.

Рузвон хола ўйга толди. Нимани ўйлапти: фарзандининг бахтиними ё қизининг бошини айлантирган йигитними, ёки бўлмаса Собиржоннинг одамларига нима жавоб қилишиними — билиб бўлмасди...

— Эртага уларникидан совчилар келади. Йўқ деманглар. Санобарнинг ҳам раъйи шу...

— Вой шўрим, — хола ёқасига туфлади. — Бу нимаси, тўсатдан, номаълум, танимаган, синалмаган жойдан...

— Улар бир-бирини яхши кўради. Биласиз-ку, хўп юришавергандан кейин гап-сўз ҳам кўпаяди.

Хола ух тортди. Санобари шунчалик ўзбошимча бўлиб кетдими? Наҳотки, ҳе йўқ, бе йўқ, ўзи топиб, ўзи тўйни белгилаб, тегиб кетаверса! Нима, шаҳарда ўқиса ўқи ўзадими, ўзига хон, ўзига бек бўлиб кетадими киши! Хатто туғиб, боқиб катта қилган ота-онасига бир оғиз маслаҳат солмайдими? Қандай кунга қўйяпти бу қиз! Нималар бўлаяпти ўзи? Бу икки қиз ундан бир нарсани яширишяпти... Ким билади, балки Санобарга бунчалик айб қўйиб чакки қилаётгандир. Ахир ўз бахтини ўзи топса, кўриб, билиб, синаб тегса нимаси ёмон асти? Бунинг нимасидан кўркиб ўтирибди? Бирга ўқиб юриб, юлдузи-юлдузига тўғри келиб қолгандирки... А, Собиржон-чи? Ёки у билармикан ҳаммасини, билса, нега одам юборишини бас қилмайди?..

— Хола, мен борай.

— Нима дединг, қизим? — Хаёл билан бўлиб кетган Рузвон хола унинг гапини эшитмаганди.

— Уйдагиларга тез келаман деб чикувдим.

— Майли, айтмоқчи, қачон кетасан ўқишингга?

— Индин эрталаб.

Моҳира чикиб кетаркан, хола уни тўхтатди.

— Отасига нима деб тушунтираман? Жахли чикиб, келганларни хафа қилиб юбормаса эди, — деди чехрасини ташвиш босиб.

— Ётиғи билан айтинг, хола, уйингга келганга уйдаи гапирма дейишади, ахир, кичкина бола эмаслар-ку, тушунарлар, бекорга тўполон қилмаслар. — Моҳира кичик бошини катта қилиб холага таскин берди.

У кетгач, Рузвон холани хаёллар ҳар кўчага олиб кирди. Хаёллар билан бўлиб, қандай кеч бўлганини ҳам сезмай қолди. Ухлаш олдидан эрига Моҳира айтгандай ҳамма гапни ётиғи билан гапира бошлади. Ўзи Санобар томон бўлиб, худди бўлғуси куёвини ўз кўзи билан кўргандек, уни азалдан билгандек, жуда ишонарли қилиб сўзлади. Эри жим қулоқ солиб тинглади, «ҳа» ҳам демади, «йўқ» ҳам демади. Орқасини ўгирганча ўзини ухлаётганга солиб ётаверди. Қолбуки, хотинининг оғзидан чиқаётган ҳар бир гап унинг қўнглини вайрон қилмоқда, юрагига ўқдек келиб санчилмоқда эди. Ахир унинг ҳам не-не орзулари бор эди!

Эртасига тушга яқин Моҳира кўчага чиқиб Санобарларнинг уйлари рўпарасида турган яп-янги кўк «Жигули»га кўзи тушди. Гилдираклардан кўтарилган куюкчанг ҳали босилиб улгурмаганидан машина яқинда келиб тўхтаган чоғи. Унинг ёнида икки аёл ва бир эркак турарди. Шофёр йигит машинани четрокқа чиқариб қўйди-да, кейин тушиб ҳалигиларга келиб қўшилди. «Келишибди, — кўнглидан ўтказди Моҳира. — Ўшалар! Ишқилиб, йўқ дейишмасин-да! Кеча ростини айтса бўларкан, манови келганларнинг овзидан агар бўлиб ўтган ишларни эшитса, она шўрлик не аҳволга тушади... Йўғ-е, жа шунчаликка боришмас».

Аёлларнинг бири бошига оқ рўмол ўраган, эгнида узун оқ кўйлак, оёкларида амиркони махси-кавуш. Хиёл эгилиб ҳасса таяниб юраётган, ёши бир жойга бориб қолган бу кампир Ҳошимнинг бувиси эди. Дастурхон кўтарган иккинчи аёл ўрта ёшларда бўлиб, башанг кийиниши-ю гердайиб туришидан кексаликни ҳали-бери бўйнига олмаган Ҳошимнинг ойиси эди. Шофёр ёнидаги кўркем киши Ҳошимнинг отаси эди.

Рузвон хола умрида биринчи кўриши бўлса ҳам таомил бўйича аёллар билан кучок очиб кўришди, эркакларга салом бериб «қани, юринглар», дея меҳмонларни ховлига бошлади.

У совчиларнинг келишидан кўпам хурсанд эмаслигиданми ёки уларнинг келмай қолишини чин дилидан истганиданми, жой ҳам ҳозирламаганди. Эри ҳам ишда бўламан деганича далага кетган, хатто «одам келса хабар қил», дейишга ҳам кўнгли бўлмаганди.

Рузвон хола шоша-пиша уйга жой қилиб меҳмонларни ўтқизди. Чой келтирди. Эрига одам жўнатди. Меҳмонлар бир-икки пиёладан аччиқ кўк чой ичиб сал ховурларини босиб олгач, Ҳошимнинг отаси сўраб қолди:

— Санобархоннинг оталари қаердалар?

— Ишга кетувдилар, хабар жўнатдим, ўзлари ҳам тушликка келиб қолардилару, яна сизларни маҳтал бўлмасин деб...

Меҳмонлар у ёқ-бу ёқдан гапириб ўтиришди. Лекин ҳеч ким асосий мақсад ҳақида сўз очмас, афтидан, қизнинг отасини кутишарди. Бу Рузвон хола учун ҳам айни

муддао эди. Ахир улар нима дейди-ю, у нима деб жавоб килади! Эри бўлса, бўлак гап, ҳарҳолда икки бошдан бутун фикр чиқади. Шундай бўлса ҳам, унинг икки кўзи меҳмонларнинг оғзида — ким билсин, яна... Эрини у яхши билади: тезоброқ. Агар Моҳиранинг кечаги гапларини унинг оғзидан эшитганда борми, худди дунёни остинустин қилиб юборарди. Очиғи, Моҳиранинг гапларидан юраги сезиб турибди, кизи билан у бола орасида бирор гап бор. Таъин меҳмонлар гапни тўппа-тўғри томдан тараша тушгандек шундан бошласа-я, ана унда бўлади томоша... Қизини оқ қилишдан ҳам тоймайди бу эр. Меҳмонларни ҳам беиззат қилиши турган гап. Аммо меҳмонлар ҳамон жим, у кутган нажот дарвозаси ҳадеганда очилавермасди. Қани энди, бир ҳисобда салгина учини чиқаришганда эди, эри келиши билан унга ташқаридаёқ ётиғи билан шипшитиб кўярди.

Рузвон хола гап орасида меҳмонларнинг қаердан келганликларини сўради. Уларнинг жавобини эшитгач:

— Қишлоқларингнинг номи танишдек, — деб қўйди.

— Санобархон бизнинг қишлоқда практикасини ўтказган, ўшанда эшитган бўлсангиз керак, — деди халиги ўрта ёшлардаги аёл. Гапларини чертиб-чертиб гапирганидан у яна ҳам салобатлироқ кўринарди. Рузвон хола унга қараб оғзини тўлдириб турган тилло тишларини, қулоқларида силкиниб турган тилло исирғаларни кўрди. Қарашларидан эса «мен кўп нарсаларни биламан», деган такаббурона бир фикрни англаш мумкин эди.

— Ҳа, қизимдан эшитган эканман, — деди Рузвон хола аёлнинг гапини тасдиқлаб. «Демак, қизимнинг практикадан ўзгариб келгани бежиз эмасга ўхшайди...»

Ниҳоят Ғани ака келди. Меҳмонларнинг ким, қаердан келганларини билгач, хотини ўйлаганчалик жаҳли чиқмади, анчайин хушмуомала бўлди. Ҳатто «нега қозонга уннамай, қараб ўтирибсан», деб хотинига танбех берди. Бирок меҳмонлар «ортиқча ташвишнинг хожати йўқ», дейишиб, мақсадга кўчди.

— Аввалламбор, бир кўрган билиш, икки кўрган таниш дейдилар, — деб гап бошлади Ҳошимнинг отаси Тоштемир ака. У ҳар бир сўзни тарозида ўлчагандай салмоқ билан таъсирли қилиб гапирарди. Кўринишидан содда, камтарингина бу одам хотини билан магнитнинг карама-қарши қутбларига ўхшарди. Уларни кўрган кишининг хаёлига дарҳол «булар қандай

топишган экан-а?» деган ўй келарди. Рузвон хола-нинг дилидан ҳам шундай ўй кечди.

— Аввало худо, қоланерса барчасига бизнинг ўзимиз сабабчимиз. Ҳаммамиз ҳам дунёда орзу-ҳавас кўрсак, тўй-томошалар қилсак деган орзуда фарзанд ўстирамиз. Шу фарзандлар туфайли бегоналар дўстлашади, дўстлар қариндош тутинади, бир-бири билан куда-анда бўлади. Мана, биз ҳам ўғлимиз баҳона узок йўлдан яқин кўнгилда яхши ният билан оstonаларингни хатлаб келдик. Хар ким фарзандининг бахтли бўлишини истайди... Шукурки, замона тинч, ёшлар ҳам ақлли, фаросатли бўлиб ўсяпти. Бир-бирлари билан обдан синашиб, дўстлашиб ўз йўлларини топиб кетишяпти. Биз ота-оналарнинг вазифаси уларга яхши турмуш тилаб, оқ фотиҳа бериш. Худога шукур, ўғлимиз мўмин-қобил, тушунган ёшлардан. Сизлар ҳам ёмон фарзанд ўстирмагансизлар. Ўйлаймизки, эшигингизга келиб бизлар янглишмаганмиз. Сиз нима дейсиз, ойи? — Тоштемир ака «гап навбати сизга» дегандек кампирга юзланди. Халитдан буён индамай ўтирган кампир кўзларини икки бармоғи орасида айлантириб ўйнаётган тасбеҳдан олмай сўзлай бошлади.

— Ҳозир ўғлим айтган гапларни эшитдинглар. Ёнимдаги эса келиним Тўлғаной. — Атлас қўйлақдаги аёл бир кўзғалиб қўйди. Кампир давом этди. — Ҳаммамизнинг ниятимиз бир: ўғлим айтгандек, худо лойиқ кўрган бўлса, орзу-ҳавас йўлида бу ерларга келганмиз. Шу фарзандларимнинг (у ўғли билан келини томон имо килди) ёлғизгина ўғиллари бор, исми — Ҳошимжон. Ўзи Андижонда дўхтирликка ўқийди. Бирам ақл-хушли, чиройли йигит бўлган. Яқинда унга сўз очиб, кўнглини сўрасак, Санобархонни тилга олди. Қизларингни биламиз, қишлоғимизга келиб, беп-ўл кун юрди. Жудаям ғайратли, эслик бола экан. Ҳамманинг раҳматини олди. Уйимизда ҳам бир-икки бўлганди, ўшанда таниганмиз. Ҳошимжоннинг ҳам муаллимлари худди шу пайтда қишлоғимиз шифохонасига беп-олти кунга ишга юборишган экан. Улар шу ерда танишиб юлдузи-юлдузига тўғри келиб қолибди.

Бу гаплардан жимгина ўтирган Тўлғаной лаб кимтиб қўйди. Эри унга кескин қараб қўйгач, дарҳол ялтиллаб кўрина бошлаган тилло тишларини яширди. Юзидаги табассум ўрнини зумда тунд бир жиддийлик эгаллади. Эри

бўлмаса-ю, жуда хонаси келувди-я, қизларининг барча қилмишларини ота-онасига айтиб солишга. Ҳамма айб Санобарда. Ахир ғунажин кўзини сузмаса, буқа ипини узармиди. Шу қиз туфайли унинг орзу-хаваслари барбод бўляпти. Тумандагина эмас, вилоятда савдо соҳасида ишлайдиган зўр бир таниши «қизимни берсам сизларга бераман, бўлмаса менинг ундай қизим йўқ», деб ишонтириб юрарди-я. Ўғли ҳам гапини икки қиладиган боламас. Лекин ердан чиққандек кутилмаганда бу ғавғолар чиқиб ўтирибди-я.

— Бизнинг гапимиз шу. Энди бу ёғига ўзларинг кенгашиб бир нарса дерсизлар. Агар ҳозир бирор жавоб айтсаларинг бизам кўнгилни хотиржам қилиб қайтамыз, — дея бошлаган сўзини тугатди кампир.

Меҳмонларнинг диққати Санобарнинг ота-онасида эди. Ғани ака аста бош кўтариб, хотинига иккимиз номимиздан гапираман дегандек бир қараб қўйди.

— Яхши. Ҳаммасини эшитдик. Шундан-шунга бизни қора тортиб, ҳурмат қилиб келибсизлар раҳмат. Биз ҳам қизимизнинг бахти очилиб, тенгини топиб, ўзидан тинчиб кетса деймиз. Ўзларингдан қолар гап йўқ, буни умр савдоси деб қўйибди. Ёлғиз эмасмиз, Яратганнинг ўзига шукур, яхши кунимизда ҳам, ёмон кунимизда ҳам яраб турган қариндош-уруғ бор. Мана, сизларни ҳам кўрдик, танишдик, яхши одамларга ўхшайсизлар. Гапларингизни ҳам чуқур ўйладим, ҳаммаси рост, бамаъни гаплар. Боя айтгандай, биз ота-оналар орзу-хавас деймиз. Турмуш қурадиган эса қиз билан йигит. Ўғилларингнинг фикри қатъий экан. Энди биз ҳам бир қур қизимизнинг олди-дан ўтсак... Кейин яхшими, ёмонми, уч-тўрт қариндошлар билан маслаҳат қилсак... Ҳозирча жавобимиз шу...

Боядан бери эрининг кўпол гапириб юборишидан чўчиб юрагини ховучлаб ўтирган Рузвон хола «хайрият-эй» деб қўйди ичидан сукониб. Шунчалик гапни, муомалани биларкан-у, қаёқда юрувди шу пайтгача? У эрини энди кўриб тургандек, ундан кўзини узмасди.

— Яхши гап айтдингиз, — деди Тоштемёр ака. — Кенгашли тўй тарқамас. Майли, қариндош-уруғга маслаҳат солинглар. Санобархон билан гаплашинглар. Биз бирор ҳафтадан кейин яна келамиз. Энди бизга рухсат.

Меҳмонлар қўзғалишди. Уларнинг ичида фақат Тўлғанойнинг кўнгли безовта. Бўлаётган ишлар унга сира ёқмаётган эди.

Ўша куниёқ Рузном хола Моҳирага учрашди. «Эр-тага кетсанг, бориб Санобарга айт, бир кунга бўлса ҳам вақт топиб келиб кетсин», — деб тайинлади. Икки кундан кейин Санобар ҳам келиб кетди. Унинг ранги анча синикқан, лекин ўзини бепарво туттишга ҳаракат қиларди. Она қизи билан очик-ойдин гаплашди. Собиржонни ўртага солди, бўлмади. Санобар олдинги гапида туриб олди. Совчилар келса нима жавоб қилайлик деган саволига «ўзларингиз биласизлар» деди. Бу унинг «ха» дегани эди. Хотинидан бу гапни эшитиб Ғани аканинг тепа сочи тикка бўлди, лекин бир ҳафтадан сўнг келган совчилар хурсанд бўлиб ок кийиб кетишди. Бу сафар улар орасида Тўлганой йўқ эди.

XI

Собирни билган ва унинг ҳозирги ҳолатини кўрган киши «наҳотки, бу ўша Собир бўлса?» дея хайратдан ёқа ушлаши ҳеч гап эмасди. Уни ҳеч ким сира бу аҳволда учратмаганди. У дид билан кийинар, оқиш юзларига ярашиб турадиган сарикқа мойил сочлари доим чиройли қилиб таралган бўлар, кўзлари кишига ғоят жозиба билан боқарди. Бу кўзлар, айниқса, у берилиб ашула айтган чоғларида сеҳрли порлаб, қизларнинг қалбини ғалаёнга қўйиб, бутунлай ўзига ром қилиб оларди. Улар ичида эхтиросли туйғуларини жиловлашга қурби етмай, ишқ дардига мубтало бўлгани ҳам йўқ эмасди. У қўшиқ айтганда бутун қалби куйларди. Унинг қачондан бери ашула айтишини Санобар ҳозир яхши эслай олмайди. Лекин мактабни битиришга бағишланган кечада у ёниб куйлаган. «Муножот», «Изларман» ашулалари ҳамон унинг кулоғи остида жарангларди. Собир ашула давомида бир дақиқа ҳам ундан қўз узмаганди ўшанда. Санобарни кузатиб қўяркан, шу куни Собир унга илк бор юрагини рўйирост очганди. Уч йил бўлибди шунга ҳам.

Собир Санобарга практикага кетишидан олдин айтган гапларига хатда жавоб олгач, бу ҳақда уйларига ёзиб юборганди. Имтиҳонлар яқинлашиб қолгани сабабли фурсат топиб Самарқандга ўзи келолмади. Кеча воқеани уйдан борган хат орқали эшитиб, нақ жинни бўлиб қолаёзди. Санобарнинг практикаси тугаган, ҳозир уйда бўлса керак, деган тахмин билан тунги поездда тўғри

Каттакўрғонга йўл олди. «Эрга тегяпти, эрга беришяпти!» деган ўй миясини пармадек ўяр, раппк ва ғалаб туйғуси вужудини оловдек ёндирарди.

Салом-аликни ҳам унутган Собир, «Санобар қани?!» — дея ҳовлига ўқдек отилиб кирди. Уни кўриб Рузвон хола сесканиб кетди.

— Келинг, Собиржон, тинчликми? — деди унга яқинлашиб.

— Санобар деяпман! — Собир бошқа гап айтолмасди.

— Ўқишда, келгани йўк! — Рузвон хола юрагини босиб охишта жавоб берди. «Эшитибди-да», деб ўйлади-да, Собирга ачиниб, ичида қизини койиди.

— Эрга тегаетганимиз. Ўзи биладими ҳаммасини? — Собир асабий товушда сўради. Рузвон хола воқеани қандай англашни ҳам, қандай англаштишни ҳам билмай саросимада қолди. Ё ҳамма айб қизидамикан? Афтидан, Собиржон ҳеч гапдан хабарсиз кўринади, барини яқинда билгану бу ёққа чопган. Албатта, буларга ота-онаси сабабчи деб ўйлаган...

— Ораларингда ҳеч гап ўтмаганмиди, ўғлим? — дея аста сўради Рузвон хола жавоб ўрнига.

— Йўк, анчадан буён на хат бор, на хабар. Кеча эшитдим... Нима гап ўзи? — деди Собир бир оз ўзини қўлга олгач. Сўнгра шимининг чўнтагидан рўмолчасини олиб, юз ва бўйинларидаги терни артди. Онасининг гапидан бу ишлар Санобарнинг ўз ихтиёри билан бўлаётганини сезди. — Демак... баридан хабардор!

Рузвон хола индамади. Кўнглида «хабардоргина эмас, ўзи бошлади ҳаммасини» деб турса ҳам, буни ташига чиқармади. Ахир қайси она ўз қизини айбдор қилгиси келади?

Собир йиғлагудек бўлиб ҳовлидан чиқиб кетди. У бор ҳақиқатни бевафоларча аҳдини бузаётган қизнинг ўз пазидан эшитишни истарди. У Санобарни чин дилдан севарди. Хаёлида унинг севгисига яов бўлгудек бирон куч бу оламда йўк эди. Ораларидаги муҳаббатни у қанчалик эъозласа, Санобар ҳам ундан ўн чандон кучли ардоқлашига қаттиқ ишонарди. Наҳотки, унинг ҳамма ишончлари бир зумда чипшаққа чикса! У Санобар билан кечган тотли даврларни эслаб борарди. Ораларида муҳаббатларига шубҳа соладиган бирорта сабаб тополмади. Ёки... Санобарни яхши билмасмиди у? Биларди. Висол чоғларида бахтиёрликдан

кўзларидаги юлдуздек порлашлар нахотки сохта бўлса?! Фироқ дамларида уйқусиз тунларни бошдан кечириб ёзган мактублари нахотки ёлғон! Йўқ, йўқ! Зинхор, зинхор бундай бўлиши мумкин эмас!

Собир тўғри Санобарнинг ётоғига йўл оларкан, гоҳ қўлларини мушт қилиб тугар, гоҳ аламига чидолмай ерга туфларди. Кечаси поездда ечинмасдан ётиб келгани учун кийимлари ҳамғижимланиб кетган, сочлари тўзиган эди. Воқеани эшитганидан буён дунё кўзига қоронғи. Хаёт одамларни масхара қилиш учун ўйлаб топилган шунчаки бир эрмакдай ҳамма нарсадан нафрати кўзир, назарида ҳамма уни устидан кулаётгандай туюлар эди.

У ётоқхонага шиддат билан кириб борди. Қоровул чол уни тўхтатди:

— Хой бола, бу қизлар ётоғи. Ким керак сенга?

Бегона кишининг сансираб муомала қилиши Собирга жуда қўпол туюлиб кетди. Бошқа пайтда, эҳтимол, парвойига ҳам келмасди.

— Санобар! — Жавоб берди у кўрслик билан ва бирон хужжат қидириб чўнтақларини пайпаслай бошлади.

— Бир оз илгари ҳам биттаси кириб кетувди унинг олдига, акасиман деб. Сен кими бўласан?

Собир талабалик хужжатини столга «тап» этиб ташлади-да, ичкарига кирди. Сўнгги саволига жавоб ололмаган чол «тез чиқкин!» деганича бакириб қолди.

Таниш хонага яқинлашганида эшик зарб билан очилди ва бир йигитнинг ярим гавдаси кўринди. У эшик туткичини қўйиб юбормай хонага ўгрилганича баланд овоз билан: «Гап шу! Ўша шартга кўнасан, тўй бўлади», деди-да, эшикни қарсиллатиб ёпди ва шиддат билан икки қадам юрар-юрмас Собирга тўкнашиб кетди. Лекин на у, на бу кечирим сўрайдиган ҳолда эмасди, бир-бирига ёнқараш қилганича ҳар ким ўз йўлига қараб кетди. «Бунақа акаси йўқ эди-ку!..» Хаёлидан ўтказди Собир чолнинг гапини эслаб. У зарда билан ҳозиргина ёпилган эшикни тақиллатди. Эшик ҳа деганда очиланермади. Ичкаридан хазин йиғи овози эшитилди. Бусиз ҳам Собирнинг тоқати тоқ бўлган эди, шарт эшикни очиб ичкарига кирди. Санобар овоз чиқармасликка уриниб, қаравотда юзини ёстиққа буркаганича йиғлар ва: «Ҳамма айб ўзим-да», деб ҳадеб бир гапни такрорларди, холос. Хонага биров кириб келганини сезса ҳам бошини кўтариб қарамади.

.. Санобар, нега йиғлаяпсиз! Ким у, сизни хафа қилган?

Санобарнинг вужуди титраб кетди. Кутилмаганда эшитилган таниш овоз унга шу қадар тез таъсир қилдики, бир зум у бўлиб ўтган мудҳиш воқеаларни ҳам, бир оз бурун хонадан чиқиб кетган Хошимнинг башарасини ҳам, унинг ҳақоратли гапларини ҳам унутди. Бир неча дақиқа ичида у икки хил одамга дуч келган эди. Бири унинг келажagini барбод қилиб ғурурини таҳкир этаётган, қилмишлари разил ва пияти қора, хиёнат тимсоли Хошим бўлса, иккинчиси унга қалбидаги бутун меҳрини бағишлаб, керак бўлса унинг учун жонини ҳам фидо қилишга тайёр диёнат тимсоли Собир эди.

Муҳаббат! Унинг сеҳри олдида ҳар қандай кайғу-алам ҳам бир онда чекинарган. Қани энди бу сеҳрли туйғу ҳар доим гард юқмай соф бўлса!..

Санобар бошини кўтарди, йиғидан шишган кўзларидан оқаётган ёш маржондек ялтираб турарди.

— Келдингизми, Собир ака! — деди у беихтиёр ва рўпарасида турган ростдан ҳам Собир эканлигига энди ишонганди. Юзларини кафтлари билан яширди-да, ҳўнграб яна ўзини ўринга ташлади. Бармоқлари орасидан сизиб чиқаётган кўз ёшлари тагин ёстикни намлай бошлади.

— Нима бўлди сизга, Санобар?! — Собир саволини такрорлади. Сўнг ҳозиргина бу ердан чиқиб кетган йигитни ўйлади. Ким бўлди? Нега бирров уни тўхтатиб, кимлигини сўрамади?

Санобар жавоб бериш ўрнига ёстикқа маҳкамрок ёпишиб олди. Қандай қилиб ўз Санобарини сўраётган севгисига бош кўтариб қарайди? Унга нима деб жавоб беради?.. Қайси тил-у, қайси дил билан? Салкам уч ойдан буён азоб чекиб келяпти, лекин бугунгидек оғир аҳволга сира тушмаганди. Билмайин босди тиканни... У гуноҳкор, лекин унинг қалби гуноҳкор эмасман дейди! Аммо муҳаббат айбдорни тан оладими? Қидирадими? Йўқ! Унинг ишончдан ўзига паноҳи йўқ. Ишонч йўқолдими, унинг софлиги ҳам, афсонавий қудрати ҳам йўқолади. Нега ўшанда Хошимнинг ҳам, ўзининг ҳам кўксига пичок ура қолмади! Сира юзма-юз келмасди бу — ўз Санобарини сўраётган кўзларга... Ахир ҳақиқатни қачонгача яшириш мумкин? Кўзларини бир умр ёстик билан тўсиб бўлмайди-ку! Қора булутлар қуёш юзини

абадий тўсиб қололмагани сингари ҳақиқатни ҳам узоқ вақт яшириб бўлмайди-ку!.. Майли, ростини айтиб ер бўлиб Собирнинг оёғи остида ётсин, бир умр унинг нафратига гирифтор бўлсин, лекин айб кимдалигини у ҳам билмоғи лозим! Ҳамон уни аввалгидек севади, фақат энди севгисини ҳам изҳор этолмайди... Бу севги энди унга бир умр бедаво дард бўлиб, бағрини куйдириб ўтади...

«Ғап шу! Ўша шартга кўнсанг, тўй бўлади!» Собирнинг қулоғи остидан Ҳошимнинг гапи жаранглади. Демак, совчи юборган йигит шу. Қанақа шарт экан у? Санобарни шунчалик йиғлашга мажбур қияптими, демак, яхши ғап эмас...

— У йигит нега ундай деб кетди? — сўради Собир беихтиёр муштарини тугиб.

Санобар унга яна йиғи билан жавоб қайтарди.

Нима қилиш керак? Нималар бўляпти ўзи? Ўнгими, тушими? Ҳамма нарса яққол кўриниб турган ёруғ олам нега бирдан зулматга айланди-қолди. Собир аста қаравотнинг чеккасига келиб ўтирди-да, Санобарнинг бошини қўллари орасига олиб, кўтармоқчи бўлди. Бирок у ёстиққа елимдай ёпишиб олганди.

— Нима бўлди ўзи, мундоқ гапирсангиз-чи? У йигит ким? — Собирнинг дилидаги раҳм ўрнини рашк эгаллади ва у ёстиқни қизнинг боши остидан суғуриб олди. Санобар қаддини кўтарди. Собирга орқа ўгириб, яна қўллари билан юзини беркитди.

«Айтиш керак. Энди у билган Санобар йўқлигини, унинг қалбига оташ солган шахло кўзлар аввалгидай қувончларга тўлиб боқа олмаслигини у билиши керак!» Санобар покиза муҳаббатнинг сўнгги дақиқалари билан видолашаётгандек, қўлларини тушириб Собирга юзланди-да, кўзларини унинг кўзларига тикди. «Ўша кўзлар, ўша муҳаббат ўтини ёққан кўзлар, фақат...» кўнглидан кечирди Собир. Орадан бир лаҳза ўтдики ё бир йилми — иккиси ҳам бу саволга жавоб беришдан ожиз эди шу палла.

— Мени кечиринг, Собир ака! — тилга кирди Санобар. У «муҳаббатингизни пок сақлай олмадим, мен энди сизга муносиб эмасман, менга ит теккан», демоқчи бўлди-ю айтолмади.

— Бу нима деганингиз? Тушунмадим...

Санобар кўзини ердан олмай, бошини эгиб, гуноҳкор оҳангда:

— Мен бошқани севиб қолдим, — деди. Шундай деди-ю, аччиқ хақиқатдан кўра шу пайтда ёлғон жонига оро кирганини ҳис этди. Наҳотки, шунча ғам-қайғу, азоб-уқубат, чексиз изтиробларга биргина ёлғон сўз барҳам бера олса? Дастлаб у бунга ишонгандай ҳам бўлди. Бироқ...

Собирнинг миясига қон урди. Ўрнидан сапчиб турганини ўзи ҳам сезмай қолди. Оёғи остидаги ер гир айлашиб, йиқилиб тушаётгандек сезди ўзини. Кўз олди қоронғилашиб, лаблари учди. Қаршисида турган ким ўзи — Санобарми ё иблис? Ким уни калака қилаётган? Гоҳо макр муҳаббат қиёфасида одамзот бошига не савдоларни солмайди, бу гал у менга Санобар қиёфасида йўлиқмадимикан?

Собир қўққисдан миясига келган бу фикрни бир четга улоқтирди-да:

— Нега алдаяпсиз, Санобар?.. Нима қиласиз мени ҳам, ўзингизни ҳам қийнаб? — деди.

— Мен сизга ростини айтяпман, Собир ака! — энди ўзини лоқайд тутганича жавоб берди Санобар.

Собир қаддини ростлади.

— Демак, совчиларга ҳам ўзингиз «хўп» деган экансиз-да, — деди у гинали кесатик билан. — Мен ёлғон бўлса керак деб олдингизга келгандим. Шунчаликка бордингизми? Мени ҳурмат қилмасангиз орамиздаги муҳаббат ҳурмати, қилган аҳду паймонларимиз ҳурмати икки энлик хат ёзиб юбормайсизми? Мен ҳам одамман-ку!! Нега шу вақтгача яшириб келдингиз? Яна, «одам юбора-веринг, мен рози», деб ёзиб... Ҳеч бўлмаса, уйдагиларни сарсон қилмасдим. Қаддиларини букиб чиқишмасди эшигингиздан, гап-сўз ҳам кўпаймасди. Шунчаки кўнгил очиш учун, мени бир эрмак қилиш учун, устимдан кулиш учун қўйнимни пуч ёнғоққа тўлдириб келган экансиз-да...

У Санобардан нега бундай қилаётганининг сабабини билишни истарди. Санобар унинг гапларини жим, ерга қараб эшитди, аммо на ўзини оқлаш мақсадида, на хақиқатни очиб ниятида лом-мим деди. Санобарнинг индамаётганини кўриб Собир ўзини тутиб туролмади.

— Бир кишига вафо қилмаган бошқага бахт келтирармиди! — деди-да, эшикни қарсиллатиб ёпиб чиқиб кетди.

Санобар тахтадай қотиб қолди. «Бир кишига вафо қилмаган бошқага бахт келтирармиди!» Уни «енгилтак

қиз» деб ўйлади. У фақат мана шу иснодга қолишдан қўрқарди. «Енгилтак қиз». Энди уни ҳамма шундай атайди. Бундан кўра... Санобар мудҳиш ўйини амалга ошириш учун ўрнидан турди.

— Санобар! Нима қилисан?! Жинни бўлма!! — Эшикдан кириб келган Моҳира хона ўртасида пичоқ ушлаб турган Санобарга ташланди.

— Ўзимни ҳам, Хошимнинг боласини ҳам ўлдираман. Бола ҳам, мен ҳам йўқ бўлишимиз керак, — дея телбалардек сўзларди Санобар дутонасига куч бермасликка тиришиб. Моҳира бир амаллаб унинг қўлидан пичоқни юлиб олди-да, бурчакка улоқтирди.

— Хеч бўлмаса норасида, бегуноҳ гўдакни ўйла!

XII

Собир бўлиб ўтган воқеалардан сира ўзига келолмас, нима қилишини ҳам билмасди. У бор буд-шудидан айрилиб кўчада қолган одамдай сезарди ўзини. Қаерга бормасин, ҳамма уни бир-бирига кўрсатиб устидан кулаётгандек туюларди. Кечгача Самарқанднинг баланд-паст кўчаларини кезди. Гох айланиб Регистонга келиб қолар, гох Бибиҳоним мадрасаси рўпарасида пайдо бўлар, гох бозор атрофларидан чиқарди. Бир-икки ҳамқишлоғини кўриб, сўрашди, бироқ уларга нима деди, улар унга нима деди, билмайди. Ниҳоят, кеч кириб, ҳар томондан паҳар чироклари ёнганда у тўққиз қаватли «Самарқанд» меҳмонхонасига келиб жой олди. Кун бўйи туз тотмаган бўлишига қарамай ресторанга тушди-да, буфетдан юз грамм ароқ олиб ҳеч нарсасиз ичиб олди. Кейин яна кўча кезишга тушди. Оёқлари энди унга итоат этмасди. Соат ўн бирлардан ошганда ўзини Санобарларнинг ётоқхонаси қаршисида кўрди. Санобарнинг хонасида аллақачон чироқ ўчган эди. Собирнинг бемаҳалда қизлар ётоқхонаси атрофида ивирсиб юрганини кўрган қоронғул чол тожикча-ўзбекча аралаштириб алланарсалар деди. Кеч бўлди, уйингга бориб ухла, деган бўлса керак-да.

Чолнинг ярим кечада аллаким билан айтишаётганини эшитиб, ҳали ухламаган қизлар деразалардан қизиксиниб мўралалди. Яқиндагина Санобарни тинчлантириб, уйқусига ҳалақит бермаслик учун қўшни хонада дарс қилиб ўтирган Моҳира ҳам деразадан бошини чиқариб қаради. Қайсидир хонадан тушиб тур-

ган ғира-шира чирок ёруғида Собирнинг аянчли киёфасини кўрди-ю, юрак-бағри эзилиб кетди. «Бечора Собир акам... Қанчалик севади-я... Ишқилиб унинг бу юришини Санобар кўрмасин-да. Кўрса яна бир балони бошлайди». Шуларни ўйлаб Моҳира секин ўз хоналарига ўтди. Санобар хўрсиниб-хўрсиниб ухлар, гўё муҳаббат мижаросидан толиккан вужуди сал бўлса-да ором олмоқда эди.

Моҳира чироқни ёкмасдан секин дераза одига борди. Сўнгги кунлардаги ғам-қайғуга бирдан ўзини олдириб қўйган Собир чайкала-чайкала ётоқхонадан узоқлашиб борарди. «Ичибли-да, — бир унга, бир ухлаб ётган Санобарга караб пичирлади Моҳира. — Бечора Собир акам, бечора Санобар!» Сўнг уларни шу ахволга солган Ҳошимни эслаб шунақанги нафрати кўзиди, бадани жимирлаб кетди. «Ифлос, ичи қора махлуқ!»

Эртасига Собир билим юртига келди-да, Моҳирани йўқлади.

— Санобар шу ердами? — деб сўради у.

— Йўқ, келмади, бир оз иши бор эди, — жавоб берди Моҳира. Сўнгра унга разм солди: кўзлари уйқусизликдан қизариб, қовоқлари шишинқираган, яхши овқат емаганиданми ё қаттиқ ўйлаганиданми, юзининг қони қочган.

— Моҳира, — деди Собир ички бир дард билан, — кеча Санобарнинг олдига борган эдим. У ниманидир мендан яширяпти. Сиз унинг энг яқин дугонаси, илтимос, сиз менга ростини айтсангиз.

Моҳира ўйга толди. Санобар яширибди-да! Кеча улар орасида не гаплар кечганидан Моҳиранинг хабари йўқ эди. Тўғриси, сўрай олмади. Дугонаси гаплашадиган ахволда эмас эди. Собирнинг эшикни қарсиллатиб ёпиб чиқиб кетишидан сир ошкор бўлибди-да, деб ўйлаган эди. Энди бу ёни қандок бўлди? Барибир, бир куни у ҳам ҳаммасидан воқиф бўлади-ку.

Моҳира ҳақиқатни очик айтишга қарор қилди. Бахтларига қанг солган Ҳошим эканлигини, Санобарнинг гуноҳсизлигини билиб қўйсин.

У бўлиб ўтган воқеаларни бир бошдан айта бошлади. У шунақанги куйиниб, тутакиб, эзилиб сўзлардики, гўё ҳаммаси ўз бошидан ўтгандай. Собир эса гоҳ оқарар, гоҳ қизарар, гоҳ муштини тугиб, тиззасига уриб қўяр, гоҳ норози киёфада бир ёнга ўгирилиб, ўйга толарди.

— Уни бугунок топиб, таъзирини бераман! — деди у Мохиранинг гаши тугагач, сапчиб ўрнидан туриб.

— Қизишманг, Собир ака, — деди Мохира босик охангда. — Ахир улар унаштирилган, яқинда тўйлари. Яна...

Мохира, Собир истагандек ростини сўзларди, аммо Санобарнинг хомиладорлигини айтолмади.

Собир тагин икки кун Самарқандда бўлди. Бўлиб ўтган ишларни ақл тарозисига солиб, обдан ўлчади. Охири ҳеч ким билан маслаҳатлашмасликка, ўз виждонининг, юрагининг амрига кулоқ солишга аҳд қилди. Санобарга қисқагина хат ёзиб, Мохирадан берди-ю, ўша куниёқ Тошкентга жўнади. Санобар билан қайта учрашишга унинг юраги дов бермади. Нега? Буни ўзи ҳам тушуна олмасди.

Хатнинг мазмуни қуйидагича эди.

«Санобар, мен ҳамма гапни эшитдим. Ўша номард Хошимнинг олдида бормоқчи эдим, лекин сизни ўйлардим, ахир сиз унга унаштирилгансиз-ку! Борганимдан ҳам нима наф? Ахир ҳамма гап сизга боғлиқ-ку!

Санобар, мен ҳаммасини унутишга сўз бераман. Сиз ҳам қўполлик қилганим учун мени кечиринг! Юрагимда ҳамон сизсиз, у фақат сизни деб, сизга бўлган муҳаббатни деб уряпти. Агар мендан юз ўгириб кетсангиз ҳолим нима кечишини кўз олдимга келтиролмайман. Муҳаббатнинг кўзи кўр дейдилар, лекин мен сизни кўркўрона севиб қолганим йўқ. Бу сўзларни сизга дилимдан чиқариб, ўйлаб айтяпман. Келинг, гуноҳсиз севгимизни увол қилмайлик, бехуда изтироблар билан кечган кунларни унутайлик. Уринсиз бахтсизликни пеш қилиб, келгуси бахтимизни йўқотмайлик!

Ўйларингиздагиларга айтинг, Хошимга «бўлмайди» дейишин!

Жавобини кутиб, Собир!»

Хатни ўқиб Санобар роса йиғлади. Шунчалик ҳам олижаноблик бўладими! Хошимдақалар унинг тирноғига ҳам арзимаydi... Нима қилсин энди у? Хўп десинми? Қайси юз билан хўп дейди? Собир акаси ҳеч қачон унинг юзига солмаслиги мумкин. Солмайди ҳам. Аммо одамлар эшитмайдими, таъна қилмайдими? Виждоничи? Ҳаммасига кўникиш мумкин, лекин туғилажак болачи? Ҳар куни ўтмишни эслатиб турмайдими? У бола хакида билмаган. Мохира айтмаган. Эшитса, буларни ёзмасиди... Балки... синаш учун ёзгандир?..

— Йўқ, Мохира, Собир акам олижаноблик қияпти. Лекин мен энди унга муносиб эмасман, тижанни-босдим, дардини ҳам ўзим тортайин! — деди у сўнгги қарори ҳақида Мохирага.

Мохира ҳам унга қарши бу сафар бир нарса дея олмади.

XIII

Санобар йўлланма билан Ҳафизалар томонга келиб, иш бошлаганига ҳам уч ойдан ошди. Шундан буён у ўзини ёлғиз сезади. Унинг дардини бир оз енгиллатиб, тасалли берувчи Мохира ҳам узоқда.

Ҳафиза паст бўйли, тўладан келган, кўзлари кўм-кўк ёкимтойгина қиз. Санобар у билан бирга ўкиган бўлса-да, ҳеч сирдан тутинмаган эди. Ҳафизаларнинг оиласи ҳам унча катта эмас, у ойиси билан турар, биттагина акиси эса ҳарбий хизматда экан.

Санобар узоқроқ деб атайин бу ерга йўлланма олди. Мохира ўзимиз томонга ёзиламиз деганда индамай юрганди, таксимотда: «Мени узоқроққа юборинглар», деди. Мохира уни қойиди, кейин у билан кетмоқчи бўлди, лекин афсуски бошқа ўрин қолмабди.

Санобар ўзга жойларда оз бўлса ҳам дардимни унутарман, деб ўйлаганди. Бироқ бунинг акси бўлди. Илгари тушкунликка тушиб, хафа бўлган пайтларда Мохира далда берарди. Энди эса ёлғизлик, оиласидан узоқлиги, Собирдан айрилганлари бир дард бўлса, кун сайин улғаяётган бола ва Ҳошимнинг тўйни орқага суриб юриши дард устига чипқон эди. Руҳи баттар эзила бошлади. Дунёда руҳий азобдан оғир қийноқ йўқ экан. Бу унга ҳам ўз таъсирини ўтказди, у кундан-кун куз япроғидай рангини йўқотиб борар, дардини кимга ёришини билмай ўз ёнига ўзи ковурилари. Қоринни кўйлаги ичидан катта рўмол билан қисиб боғлаб оларди-да, юзларига тушган доғларини билинтирмаслик учун уша-эликни қуюқ суртарди. Ҳафиза бўлса, Санобарнинг доим хафа юришидан боши қотар, тез-тез ундан бу ҳақида сўрарди. Охири Санобар тикдирга тан бериб, бошига тушган ўз кўргиликларини зор-зор йиғлай-йиғлай Ҳафизага айтиб берди. Хатто ҳомиладорлигини ҳам яширмади...

Кейин октябр ойининг ўрталарида эса у кўркиб кутиб юрган воқеа юз берди.

...Ўша куни якшанба эди. Шифохона ходимлари пахта теримига ёрдамга чиқадиган бўлди. Хафиза эрта турди-да, Санобар ётган хонага кириб уни уйғотди.

— Туринг, Санобархон! Чой тайёр! Ичамиз-у кетамиз. Ҳаммадан кеч бормайлик.

Санобар базўр ўрнидан турди. У ўзини ёмон ҳис қилаётган эди. Нонушта пайтида бир илож қилиб, буни сездирмади. Барибир бўлмади.

— Негадир бошим оғрияпти, тобим қочганга ўхшайди, — деди дастурхон йиғиштирилиши билан. Хафиза унга қаради.

— Иситмангиз ҳам борга ўхшайди, — деди у Санобарнинг пешонасига қўлини қўйиб. — Бугун дам олинг. Ишхонадагиларга ўзим айтаман.

— Қандоқ бўларкин... — Санобар ўнғайсизланди.

Хафизанинг ойиси гапга аралашди:

— Қизим, кўриб турибман аҳволингизни... Сизсия қолиб кетмас дала иши. Кун сайин озиб-тўзиб кетяписиз. Иложи бўлса бирор ҳафта ётиб дам олсангиз бўларди.

— Йўғ-э, хола, — Санобар жилмайишга уринди.

Санобар қолди. Унинг аҳволи тобора оғирлашиб борарди. У бор кучи, продасини тўплаб, ҳеч нарса сездирмасликка уринар ва дард ўтиб кетишини кутарди. Қўнғлидан чиқмайдиган ўша ходисани бугун рўй беришига ҳеч ишонгиси келмасди. Бировнинг ҳовлисида отасининг тайини йўқ бола туғиш... Унга жой беришиб яхшилиқ қилган Хафиза билан унинг ойисини маломатга қўядими? Санобарнинг ҳисобича, бола туғилишига ҳали икки ойча вақт бўлиб, унгача бирор иложини қиларман ёки бу ердан кетарман деб юрган эди. Хошимга аччиқ қилиб, болани олдириб ташламокчи ҳам бўлди, врачларга борди. Врачлар энди кеч дейишди, кейин биринчи болани олдириб ташлашнинг оқибати ёмон бўлади, деб бу фикрдан қайтаришди.

Тушга яқин Хафизанинг ойиси Санобардан хабар олгани кирди-ю, қўрққаниданми, хайратданми, ёка ушлаб қолди. Санобарнинг ҳомиладорлиги ҳақида кизи яқинда онасининг қулоғига шипшитиб қўйган бўлса-да, бу ҳолни бугун кутмаганиданми «ё парвардигор», деганича уч марта кўкрагига туфлади. Санобарни тўлғоқ тутиб ётарди. «Э худойим, ўзинг кечиргин», деган сўзларни тақорлаганича қўлини Санобарнинг пешонасига қўйди. Қўл тафтидан кизнинг кўзлари очилди... Иситма аралаш узук-юлук гапира бошлади.

— Мен гуноҳкорман... кечиринг... ҳаммасини, ҳаммасини кейин айтиб бераман, илтимос, ҳозир ҳеч... ҳеч нарсa сўраманг...

— Ташвиш қилманг, ҳеч нарсани ўйламанг, мен ҳозир, — дея Ҳафизанинг ойиси югурганча хонадан чиқиб кетди. Бир оздан кейин бир вақтлар доялик қилиб юрган қўшни кампирни бошлаб кирди. Санобар қора терга ботган, тинмай, ох-воҳ қилиб, фарёд чекарди. Икки аёл ёрдамида бола туғилди. Чақалоқ ўғил эди. Лекин бошқа чақалоқларга ўхшамас, хали сочлари тўлик чиқиб улгурмаган, кўзлари ҳам расмана очилмаганди.

Ҳафизанинг ойиси бир ни билан чиқиб кетганда доя кампир Санобарга:

— Қизим, бола чала туғилган, тезроқ шифохонага бормасангиз болани сақлаб қолиш кийин, — деди.

Санобар инқиллаганча жавоб қилди:

— Йўқ, йўқ, хола, илтимос... у ёкка ўлсам ҳам бормайман. Ўзи туғилмаслиги керак эди бу бола... Керак эмас... керак эмас шармандалик!.. — Санобар шу гапларни айтиб алаҳсираганча хушидан кетиб бораркан, чақалоққа бир қаради. Худди ўзиникидек боланинг чап юзида ҳам холи бор эди.

Кампир унинг авзидан боласи билан шифохонага боришга қўндира олмаслигини сизди. Аксинча, унга қолса ҳозирги асабий ҳолатда болани бир бало қилиб қўйишдан ҳам тоймайди.

— Бирор чорасини топмасак бўлмайди, — деди у пичирлаб Ҳафизанинг онаси кириб келгач, — гўдакни бу аҳволда сақлаб қолиш кийин...

— Унда нима қилармиз?

— Мен уни шифохонага олиб бораман.

— Санобарга нима дейман?

— Уни кўриб турибсиз-ку, аламидан оғзидан нималар чиқяпти. Шу топда насихат бефойда, фурсат ганимат. Ҳозирча у сўраса, «ўлик тушди», дея қоламиз...

Шу куни Санобар икки-уч марта ўзидан кетиб ўзига келди. Кечқурун Ҳафиза ойисидан воқеани эшитиб хайратдан ёқа ушлаб, донг котиб қолди.

— Чақалоқ кани? — дея сўради у ойисидан Санобар ётган уйга кираверишдаги ошхонада.

— Ўлик тушди, — ойиси кампир билан келишганларидек жаноб қилди. — Ёпиглик қозон ёпиқлигича қолсин, бирортага оғзингдан гуллаб юрмагин. Бола ҳақида эса дугонангга ўзинг ётиги билан тушунтирарсан...

Хафиза бу гапни Санобарга айтди. У уч кун ҳол-сизланиб ётди. Тўртинчи кун сал ўзини тетик хис қилди. Аммо кўнглига чирок ёкса ёришмасди. Ёлғиз қолди дегунча унсиз йиғларди. Энди бу кўз ёшлари ўзи учун ҳам эмас, ўз кадри учун ҳам эмас, балки шунча кун, шунча ғам-ташвишда туғган боланинг ҳалокатига қўйилиб келарди. Унда бола билан бирга оналик меҳри ҳам туғилганди. Бу унинг илк марта боласини қўмсаши эди.

XIV

Мохира Санобарни кўргани борди ва ноқеани эшитиб, дарғазаб бўлиб Андижонга йўл олди, бориб Ҳошимга дўқ-пўписалар қила кетди. «Ё ҳозир мен билан деканатга кириб барча қилмишларингга жавоб берасан ёки шу ой ичи тўй қиласан. Мана, ёвуз мақсадингга эришдинг. Санобар болани олдириб ташлади», деди. Ҳошим энди ҳеч қандай бахона-ю ёлғон иш бермаслигини, Мохирадан осонликча қутула олмаслигини англаб тўйни ўтказишга рози бўлди. Санобар учун тўй фақат хали ғафлатда юрган ота-онасини эл-юрт маломатларидан қутқаришнинг охириги чораси бўлиб кўринар эди. Уйдагилар тўйга аллақачон тайёргарлик кўриб қўйганди. У ўз тақдири ҳақида ўйламасликка тирншар, ўйласа юрагини ваҳм босарди.

Нихоят, тўй ҳам бўлди. Тўй Санобарга азадай туюлди, авжга чиққан ўйин-кулгилар гўё унинг эрга ҳазон бўлаётган ёшлигини, бахтини масхара қилаётгандай, келин-куёв шарафига айтилаётган баландпарвоз сўзлар эса шунчаки эрмак учун айтилаётгандай.

У ўз қисматини енгил-елпи ҳаёт кечиришга ўрганган Ҳошимга боғлаётганидан эзиларди, аммо шундан бошқа йўлни кўзлари кўра олмасди. У энг аввало ўзини айбдор санар, қилмишларим учун ҳаёт мени жазолаётгани, ҳаммасига кўникишга мажбурман деб ўйларди. Унинг ҳозирги ахволи денгизда эшпагина йўқотган қайикчи ахволига ўхшарди, ким билади энди бу қайикни тўлқинлар писта пўчоғидек ўйнай-ўйнай денгиз қаърига кўмиб юборадими ёки бирор қояга олиб бориб урадими. Ким билсин, балки омад кулиб қумлоқ сохил учрайди-ю, жон саклаб қолар?

Тўйдан бир ҳафта ўтар-ўтмас, Ҳошим Андижонга

жўнаб кетди. Куёв чакирдига айтгани уларникига келган Собирнинг амакиси ранжиганича қайтиб кетди. Санобар кенг хонадонда ўзини ёлғиз ҳис қиларди. Ҳошимнинг синглиси Самарқандга ўқишга кирган, уйга кам келарди. Қайнонаси уни суймас, фақат қайнотасигина у билан тузук муомала қиларди, холос. Бекорчилик жонига тегиб, ўзи практикасини ўтказган шифохонага ишга кириб олди. Бир оз бўлса-да, овунди. Ҳаммаси изга тушгандек эди. Фақат Ҳошимдан дарак йўқ... Ниҳоят уч ой деганда у келди. Ҳовлидан қайнотасининг ўғлига насихат қилиб айтаётган сўзлари Санобарнинг қулоғига чалинди:

— Ёш нарсани шунча узоқ ёлғизлатиб қўядими? Мундоқ хабар олиб турсанг бўлмайдими? Андижон қочиб кетмас!

— Ўқиш... дарслар... жуда кийинлашиб кетди, — Ҳошим чайналганича ўзини оқлади.

У уйга киргач, ахвол сўраш ўрнига Санобарга бир ёвқараш қилди-да, саломга алик ҳам олмай ўшқирди:

— Эрим келмаяпти деб ҳар кимга арз-дод қилиб юрибсанми? — деди ва бир оз сукут сақлаб: — Сумкамда кийимларим бор, юшиб қўй, — деганича кўчага чиқиб кетди. Шу кетганича ярим кечада маст-аласт қайтди. У уйда бир ҳафта турган бўлса, ҳар куни ахвол шу: эрталаб қаёққадир чиқиб кетади, ярим кечада маст ҳолда қайтиб келади; Санобарга мастлигидагина хотин деб қарайди, бошқа пайтда ўликмисан, тирикмисан демайди...

Орадан бир неча ой ўтди. Совуқчилик билан қурилган турмуш бахт келтирмади. Уларнинг бир-бирига муносабати кундан-кун ёмонлашиб борарди. Ҳошим эр бўлиб, Санобар хотин бўлиб сира бир-бирларини эркалатмас, ҳатто бир оғиз ширин сўз ҳам айтмас эди. Юракларида нима борлиги билан ҳам ишлари йўқ. Бунинг ўрнига баъзан бир-бири билан қаттиқ-қаттиқ айтишиб қолар, гоҳида бу айтишувлар ҳақорат қилишгача бориб етарди. Бу кўпинча Ҳошим ичиб келганда юз берарди. Гўё улар орасида кўзга кўринмас бомба бор-у, қачон бўлмасин унинг портлаши аниқ эди... Бир ёқда Ҳошим, Санобар бахтимга тўғаноқ бўлди, ойим мўлжаллаган қизларни бирортасини олганимда ҳамма нарсага эришардим деб афсус чекса, иккинчи ёқда аввалига тақдирга тан берган Санобар энди илк севгисини тез-тез эслайдиган бўлиб қолганди. Бахтини барбод қилган Ҳошимдан

барибир рўшнолик кўролмаслиги, у билан бир умр бир-га яшаб кетолмаслиги тобора равшанлашиб борарди. Хошим атайин хотинига муносабатини совитиб, унинг сабр кюсаси тўлишини пойлаб юрарди. Зеро, у маррага кун сайин яқинлашарди. Бундай тутуруқсиз ҳаёт кимнинг жонига тегмайди? Санобар ортик токат килолмади, сўнгги хатосини ҳам англади: у ўйлаган нарсанг икки дунёда ҳам бўлмас экан — кесакдан ўт чиқишни кутибди! Холбуки, Хошим унинг кетишини пойлаб юрган экан, кетди ҳам! Қабих мақсадини ундан пинҳон тутиб юрган инсон унга барибир вафо қилмайди. У энди «бошга тушгани кўз кўради», деб ўзини ҳам ўйлай олмайди-ган нотавон эмас. Чидаганча яшади. Андишанинг ҳам чеки бўлади. Кетиш керак! Шундай жойга кетсинки, ҳеч ким ўтмишни эслатмасин!

Унинг қарори қатъий эди.

Хошимнинг бир келишида Санобар унга дадил: «Сиз билан кечираётган ҳаётимга ачинаман», деган фикрни айтди.

— Ихтиёринг. Сени зўрлаб олганим йўқ, сен ўзинг шуни истаганинг; зўрлаб хотин ҳам килолмайман, чунки сен буни истамай қолибсан. Ҳозир ҳамманинг эрки ўзида, — дея жаноб килди Хошим дабдурустдан. Унинг заҳарли сўзлари Санобарнинг юрагини ўқдай тешиб ўтди. Кўнглида: «Чаён чаёнлигини қилади-да», деган ўйни ўтказди ва шоша-пиша энг керакли нарсаларини чамадонга жойлаб бу хонадонни тарк этди.

XV

Моҳира почтаълон ташлаб кетган хатни очиб тез-тез ўқий бошлади:

«Моҳира, ҳаммасини сенга ёзмоқчиман, ёзишим керак! Бўлиб ўтган воқеаларни билладиган ҳам, мени тўғри тушунадиган ҳам биргина сенсан: дардимни сендан бошқа кимга айтаман? Осмон йироқ, ер қаттиқ. Кўз ёшларим оқавериб, қуриб қолди. Хатони тузатмоқчи бўлиб, такрор хатого йўл қўйганимни англадим. Хошимнинг қандайлигини биласан. У билан қурган бир йилга яқин турмушимда (агар биз қурган турмушимизни турмуш дейиш мумкин бўлса) кўп нарсаларга ақлим етадиган бўлиб қолди. Ҳа, катталардек фикр юритадиган бўлдим, тўғрироғи, ўз виждоним ва эркимга қара-

ма-қарши ҳаёт кечириб мени чарчатди. Соддалик қилиб, ҳаммаси изга тушиб кетар деб ўйлабман, одамлар нима дейди деган андишага бориб, нотўғри ўй тутибман...

Моҳира, энди мен тақдирга тан беролмайман. Биламан, мени илк муҳаббатимнинг хотиралари энди бир умр қийнайди. Аммо ҳар қанча мушкул бўлса ҳам... Эҳ, фикримни очиб ёзмаймман... бир умр таҳқирланишга, бир умр қисматнинг қули бўлиб яшашга бардошим етмас экан. Кеч бўлса ҳам виждон азобларини озгина енгиллатишга қарор қилдим. Зора, бошқалар алдамаса, алдамаса, Хошимга ўхшаганлар ўз жазоларини тортса. Мен — ҳуқуқшунос бўлмоқчиман! Эртага Хошимникидан кетаман. Қишлоққа боради деб ўйларсан. Йўқ! «Собиржоннинг юзига оёқ қўйиб, суйиб текканидан ажраб келибди-ку!» деган таъналарга чидолмайман... Тошкентга жўнаямман, университетнинг ҳуқуқшунослик факультетига кираман. Оқ-қорани вақтида ажрата оладиган бўлсам, ажаб эмас.

Уйдагиларга ҳам хат ёзмоқчиман, лекин нима деб ёзишни, нима деб тушунтиришни билмайман. Балки эрта-индин ёзиб юборарман, балки умуман ёзмасман. Сендан илтимос, шу хатни олишинг билан ойимга етиги билан айтсанг... Мен гуноҳкор қизини яна бир бор кечирсин ва мендан сира хавотир олмасин!

Санобар!»

XVI

Автобус қўққисдан ёқимсиз овоз чикариб тўхтади. Баъзилар шофёрни тил учида қойиб қўйди. Санобар Каттақўрғонга келибмиз деган ҳаёлда атрофга кўз югуртирди, лекин ҳеч ким ўрнидан қўзғалмади. Автобустга бошида тугун қўтарган, ёнида уч-тўрт ёшлардаги болани етаклаб олган ўрта яшар аёл чиқди ва Санобарнинг ёнидаги бўш жойга келиб ўтирди. Санобар ўз ҳаёллари билан бўлиб, бу жойни қачон бўшаганини ҳам, автобус бундан олдин каерларда тўхтаганини ҳам билмайди. Бир оздан кейин аёл халидан бери ўзига атланарсаларни чуғурлаб келаётган боласини тиззасига олди. Санобарнинг кўзи бола тинг юзига тушди-ю, бирдан юраги увишгандек бўлди, ҳаёлига олис ўтмиш яна бир карра соя ташлади. Энтикиб-энтикиб нафас олганича болага тикил-

ди. Хушбичим юз, киргийнамо бурун, куралай кўзлар...
Ҳошимга ўхшайди. Холи... Ҳа-ха, ҳозиргидек эсида...
чап яноғида эди. У кўрган, бир марта бўлса ҳам кўрган,
юраги ҳам сезиб турибди, янглишиши мумкин эмас —
ахир у она-ку! Шу пайт бола Санобарга қўлларини уза-
тиб талпинди-да, «ойи» деб онасига қаради. Санобарга
бола гўё унга хитоб қилгандек, вужуди титраб кетди, бе-
ихтиёр қўлларини болага чўзди, лаблари эса эшитилар-
эшитилмас: «Уша-ўша, деганича пичирлади. У бу гапни
овоз чиқариб айтгани ё бошқа нарсаданми, ҳар қалай
ёнвериди ўтирган баъзи сергакроқ йўловчилар унга
ажабланиб қарай бошлади. Шўрлик аёл унга сўзсиз ти-
килиб қолди.

Автобус аллақандай бекатга келиб тўхтади. Шофёр
йўловчиларга пастга тушиб сув-пув ичиб олишлари мум-
кинлигини айтиб, ўзи ҳам сал наридаги кран томон
йўналди. Ҳамма бир-бирини турта-турта очиқ ҳавога шо-
шилди. Битта-яримта қарияни ҳисобга олмаганда, авто-
бусда Санобар билан боласини биров тортиб олиб қўйи-
шидан чўчигандек маҳкам бағрига босганича ўша аёл
ўтирарди. У ҳамон гаранг эди — ўзи нима гап? Санобар
ҳам ўзига келолмай титраб-қақшарди. Ниҳоят у кўзлари-
дан маржондек тизилиб тушаётган ёшларини артганча
аёлга юзланиб:

— Сиз Моҳирани танийсизми?! — деди. Аёл бир нар-
садан чўчигандек боласини қаттиқроқ кучиб олди. —
Ҳозир сиз улариникига кетяпсиз-а?

— Нима эди?

— Мен унинг дугонасиман, — Санобар икки қўли би-
лан аёлнинг биллагидан тутган қўйи илтижоли зорланиб
гапира бошлади. — Жон опа, ростини айтинг, менга ҳеч
нарсга керак эмас, фақат ростини билсам бўлгани... бо-
ла...

Аёл минг қилса ҳам аёл-да! Унинг қалбини юмшатиш
учун бир томчи кўзёши етарли. Худонинг зорини қилиб
турган жувонни кўриб, унинг ҳам жигар-бағри эзилиб
кетди. Қачон бўлмасин, шундай тўкнашув юз беришини,
у болага эга бўлган кундан билар ва ҳар дамда бундан
чўчиб юрарди. Шифохонада узок дард чекиб ётганда эса
Моҳира билан опа-сингил тутиниб қолиб, ҳамма гапни
унга айтиб берган эди.

— Хўп, ҳаммасини айтаман, фақат бола ухласин.

Автобус яна йўлга тушди. Кўп ўтмай йўл азобидан

чарчаган болани ҳам уйқу элитди. Йўловчилар ҳам энди бу икки аёлга ертиқ парво қилмай қўйдилар.

Санобар аёлнинг ҳикоясини тинглар экан, вужуди дағ-дағ титрар, аламли кўз ёшлари юзини ёмғирдек юварди. Ҳикоя сўнгида у гўё шу қиска муддат ичида бир тутам бўлиб қолган гавдасини аёлнинг бағрига ҳолсиз ташлаб:

— Ўша бахтсиз... менман! — деди.

Аёл турмуш аччиқ-чучугини хўп татиб кўрган, ай-ниқса, хотин киши учун бирдан-бир зийнат — фарзанд кўришдек бахтдан маҳрумлик унинг дилини кўп ўртаган эди. Шунинг учун у Санобарга қаттиқ гапирмади, аксинча, ўзига қийинлигини сезиб турса-да, тасалли бериб, юпатди. Санобар унинг гапларидан ўзига келди ва акли ҳушини йиғиб: «Майли, болани ола қолинг, лекин тирик етимлигини билдирмай, ўқитмай тарбия қилинг», дедимокчи бўлди, лекин айтолмади...

1974 йил, Тошкент

ЁШ ЁЗУВЧИНИНГ
ХАЁТИДАН
САҲИФАЛАР

КИССА



— Сиз касалсиз, уйга бориб ётинг!

Йигит домласининг «касалсиз» деганидан хурсанд бўлиб кетди. «Уйга бориб ётинг!» Бу сўзларни эшитганда эса боши осмонга етди. «Ана, буниси зап иш бўлди-да, hozирок кетаману уйга бориб кун бўйи ёзаман!»

Хаёлига келган ўйдан кўзлари порлади, кўнгли қувонди. Қувонган кўнгилда эса бир дунё туйғулар: ижод хақидаги, бу оламдаги жамики гўзалликлар ва ўзининг келажаги хақидаги эзгу туйғулар тагин ҳар галгидек бош кўтариб, мавжли тўлқинлар каби унинг вужудида эркалана бошлади. Қани энди ишдан тезроқ кетса-ю, бориб ёзса... Аммо ҳамиша ҳам кўнгилдаги иш бўлавермайди-да: тушгача сабр қилиш керак... Қўли ишга бормай, кўнглига аллақачон ижод васвасаси ҳокимлик қилиб олган бўлса-да, ишхонасидан кетолмай ивирсиб юрди. Чунки бугун тушдан сўнг ойлик берилади. Бу эса уни илсиз боғлаб турар, пулсиз кўчага чиқишни хаёлига ҳам келтира олмасди. Ахир бир мирисиз қаерга ҳам бороласан! Ҳатто ижарада турган жойга етиб олиш учун ҳам автобустга чиқармасликлари мумкин. Паришонхотир холда тажриба учун ҳозирлаётган қолбани ногаҳон қўлидан тушириб юборди. Илмий раҳбари — пакана, сап-сарик домла аввал унга, кейин ялтироқ линолеумли полда чил-чил бўлиб сочилиб ётган шиша синикларига ноҳуш, айни чоғда малол келгандек қаради.

— Мен сизга нима дедим? Боринг. Илм билан машғул одамнинг хаёли бир жойда бўлиши керак!

Домласининг безовта бўлганича бор эди. Йигит ҳарчанд сир бермасликка уринса-да, аҳволи тобора ёмонлашиб борар, шолвондек кизара бошлаган бурнини минут сайин «шилқ-шилқ» тортар, хиралашган кўзларида ёш милтилларди. Туманлашган тасаввурлари гоҳ денгиз каби чайқалар, гоҳ чакмоқдек ялт этиб сўнардди. Томоғини қичитиб дам-бадам хуруж қилаётган йўтал дард устига чипкон эди.

Адабиётга йигитнинг меҳри баланд эди. Унинг ёзишидан, ёзганларидан хабардор дўстлари «Талант сенга бего-

на эмас», деб мактаб қўйишарди. Бу гаплардан унинг оғзи қулоғига етарди. (Ахир бу дунёда мактов кимга ёқмабди, эндигина олийгоҳни битириб хаёл дарёсида сузиб юрган бу йиғитчага малол келса!) Табиат сахийлик қилиб унга иқтидор инъом этибдими, мамнун бўлиш керак-да, ахир! Лекин бу иқтидорнинг эртароқ юз очмай ҳамон ғунчадек лийҳон туришидан у норози эди. Асли у болаликдан китобга, эртакка ўч бўлиб ўсди. Бувисидан¹, уйларига тез-тез келиб турувчи холасидан (уни «опа» дерди) эшитган эртаклари ва ўқиган китобларидан таъсирланиб, ўзи ҳам болалик лиғоҳи билан ҳаётда нимани кўрса, нимани илғаса улардан андоза олиб, уларга ўхшаган, ўхшамаган турли-туман ажойиб ва ғаройиб воқеаларни тўқиб ташларди. Опасининг келиши унинг учун бир байрам эди. Оламнинг бор қувончи уники бўларди-қоларди. Аммо бувисининг ишлари кўп эди, опасининг ҳам куни бўйи қўли-қўлига тегмасди, фақат кечкурун бўшар, кеч бўлишини эса у зор-зор кутарди. Кейин опаси тонг отгунча китоб ўқиб берарди, уни сеҳрли эртаклар дунёсига етакларди. Ўзбек халқ эртакларининг барчаси унга ёл бўлиб кетганди. Опаси ўқиб туриб, йиғласа, у ҳам йиғлар, кулса, куларди. Гўё иккиси бир тану бир жон эди. Ўшанда унинг бор йўғи биттагина айби бўларди, опаси келган куниёқ ундан «қачон кетасиз?» деб сўраб оларди. Унинг тез кетиб қолишидан, камроқ эртак эшитишидан чўчирди. Бувиси бўлса бу гапни эшитиб: «Келган меҳмондан кетишини сўрамайди одам, уят бўлади!» — дея дашином берарди. Адабиётга меҳр қўйишига опаси ҳам сабабчи... Ёзиш орауси ҳам ўша пайтларда туғилган эди. Эҳ-ҳе, талабалигида қанча-қанча оқ қоғозларни қорайтириб ташлади. Ёзганлари ўзига қанчалик маъқул тушмасин, ўзгаларга хуш келмади, бирортаси хали бирор жойда эълон қилинмади, уни ҳатто хаваскор ёзувчи сифатида ҳам ҳеч ким танимайди, билмайди, холбуки, у ҳам барча ёзишга ишқибоз, ёзиш қўлидан келадиган — озми кўпми таланти бор йиғитлардек танилишни, уни билишларини, тан олишларини жуда-жуда истар эди. Сўнгги пайтларда берилиб ёзаркан, адабиёт йўлида жонини тикишга ҳам тайёр сезарди ўзини. Лекин ёзишга вақт кам, ёзганларини чиқариш учун елиб-югуришга фурсат ундан ҳам камроқ эди. Очиги, талабаликнинг сўнгги йилларида бир-икки хикояни қўлтиқлаб бир талай редак-

¹ Шевада, айни маъносига.

ция остоналарига юзлари нақш олмадек қизарганча хаяжонлана-хаяжонлана бош уриб ҳам кўрганди. Анчайин овора-ю сарсон бўлиб, ҳеч бир натижага эришолмай адабиёт ва редакцияларга ўрнашиб олган сўзамол мухбир мухаррирлар тўғрисидаги мурғак, беғубор тасаввурлари лат еб, ҳафсаласи пир бўлган, пировардида, ижодиётнинг бу сўқмоқлари унга ойсиз тундек қоронғилигича қолиб кетган эди. Бахтга қарши бу ойсиз тунлар тилсимини ечиш учун у редакцияда ишламайди — соҳаси бошқа. Ўтган йили университетни тугатиб, шаҳардаги илмий-текшириш институтида ишга қолган, шундан буён фан даргоҳида ўралашиб юрса-да, унга теккан «адабиёт касали» тинчгина илм қилишга қўймасди. У ўзидан олим чиқмаслигини чуқур ҳис қилар, бироқ хануз ҳардамхаёллик билан ҳаммадан кўп идиш синдирганича кимё тажрибахонасида ишларкан, уни бу ерда ушлаб турган бирдан-бир сабаб, баъзи бировларнинг оғиз кўпиртириб айтганидек, шаҳарда яшаши, ижод қилиши, улкан адабиёт оламига яқин бўлиши учун иши суянчикдек бир гап эди, холос. Яна яшаш учун керак бўлган пулни ҳам айнан шу иш жойдан олади. Барибир кимёгарлик дипломи редакцияда ишлашга ярамайди. Буларни эслаганда унинг доим хуноби ошарди. «На илож. Ҳозирча бошқа нажот йўли ҳам кўринмагач... Ўзинг пиширган ош, ўргилиб бўлса ҳам, айланиб бўлса ҳам ичасан» дея ўзини овуларди шундай кезларда сал ховиридан тушиб.

Ниҳоят у институт биносидан ташқарига ўтдек отилиб чиқди; атрофга суқланиб боқаркан, ўзини қафасдан қутулган қушдек эркин сизди; тоза ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас олди. Касаллигини ҳам батамом унутиб, қулочларини ёзиб керишди. Ҳаракатлари ўзига хуш ёқиб, дили ёриша бошлади. Сўнг аста одимларкан институт биносига, ўзи ишлайдиган хона деразаларига (улар охириги — тўртинчи қаватда эди) хушламайгина назар солди. Шунда Жек Лондоннинг «Мартен Иден» романида ўқиган ва миясига сингиб кетган, талантли кишига сассиқ кимё тажрибахонасида нича бор, деган сўзларни юзинчи, балки мингинчи бор хаёлан такрорлади. Тонгдек ёриша бошлаган кўнглига зулмат қайта қўнди. Ишхонаси кўзига балоказодек кўриниб кетди. Бадбўй тажрибахона ҳавосини эслашнинг ўзидаёқ кўнгли беҳузур бўлиб, афти буришди. Дил ғуборини ёзиш учун хаёлга эрк берди: катта-катта ёзувчиларнинг деразалари бокка туташ, ҳавоси тоза, кенг, ёруғ, хашамдор ижодхоналарини, кўзни камашти-

радиган силлиқ стол ва юмшоқ стулларни қўз олдига келтирди. Бир дақиқа ўзи ҳам елкасига чопон ташлаганича ўшандай хонада ижод қилаётгандек бўлди. Бирдан эсига нимадир тушиб сергакланди. У сира буларга эришиш учун ёзмайди, аммо... ёзиш учун булар ҳам керак-ку! Шароитинг яхши бўлса, майда-чуйда ташвишлардан холи бўлсанг, бунинг нимаси ёмон! Охишта бояги сержило ўйлар ўрнини китоблар, китоб тўла жавонлар эгаллади. У баъзи биронлардек безак учун эмас, ўқиш учун китоб йиғади. Ана буни хаёт деса бўлади, ахир унга энг кераги ҳам шу — китоблар эмасми? Китоблар ғашлигини бирмунча тарқатиб юборди. «Сенга ҳам бу кунлар яқин, сенинг ҳам бир олам китобларинг, нафакат китобларинг, китобларга бой шахсий кутубхонанг бўлади». Тасалли учун топилган бу ўйдан хиёл жилмайди. Кейин йўл-йўлаккай қўлига теккан олтмиш сўм пулнинг (аванс эди) ҳисобини килиб борди. «Йигирма сўм ўтган ой учун ижара ҳақиға, ўн сўми дўстимдан олган қарзни узишға... Ҳатто унга ҳазиллашиб ойлик олиш кунини ёзиб «тилхат» бериб қўйган, кайтармаса — уят! Беш-олти сўми янги китоблар харидига. (Аммо шу китобларнинг ҳам кундан-кун нархи ошиб кетяпти-да. Ҳа, майли бунисига ичи ачимаса ҳам бўлади, у ҳам бир кун келиб ёзувчи бўлади-ку!) Қолган пулни ойликкача эллар. Ўн беш кун нима деган гап, қўз очиб юмгунча ўтади-кетади. Аммо-лекин ўз характери ўзига аён: бу пул унга увок ҳам бўлмайди. На чора... Айтмоқчи, ёддан кўтарилай дебди: машинистка-чи? Ижара пулини кейинроқ тўлар. Лекин бу қурумсоқ кампирдан роса балоға қоладиган бўлди-да: жавраб жонға тегеди... Ҳа, майли, бошға тушганини қўз кўрар...»

У тўппа-тўғри нашриётда ишлайдиган машинистканинг олдиға йўл олди. Унга кичик-кичик ҳикояларини кўчиришға берган эди. «Иложи бўлса ижара пулиға тегмаслик керак, кампирнинг жаҳонға жар солиб бақирishi кимнинг қулоғига дори. Тўртта митти ҳикоянинг пули нари борса беш-олти сўм бўлар... Ўзиям жа ваҳмачи бўлиб кетяпти-да. Бор-э, ўн сўм бўлмайдими: тирикчиликка ажратган пулидан тўлайди-қўяди. Шунга ҳам ота гўри — қозихонами...»

Йигитнинг катта даргоҳда ишловчи машинисткаға илк бор иши тушган эди. Буни ҳикояларни унга бераётганда ҳам япириб ўтирмаган, мати кўчирувчи аёл эса унинг соддалигидан мийиғида кулганича ишларни олиб қолганди.

Йигит нашриётга етиб келди. Машинистка аёл ишлайдиган хона эшигини оҳиста чертди, сўнгра эшикни қиялатиб ичкарига бош суқди. Аёлнинг нигоҳи хуркак оҳудек кўзлари жовдираб турган йигитга тушди-ю, тунов кунги каби мулоҳим жилмайиб, уни ичкарига киришга ундади. У дадиллашиб хонага кирди. Аёл аҳвол сўраган бўлди. Кейин стол тортмасидан газета орасига солиб қўйган «букюртма»ларни кўлига олди-да, йигитга синчков бокиб узатди.

— Ёш ёзувчи экансиз, омадингизни берсин! Қулайроқ, ўкилиши равопроқ бўлсин, деб тўрт интервалда ёза қолдим. Хар холда ёшларникини кўринганда у ер-бурини тузатишади. Қаерга олиб борсангиз ҳам кийналмасдан осонгина ўкишади. Ҳикояларингиз ичида «Кўнгил»ингиз менга жуда ёқди, зўр ёзилибди. Номини ҳам топиб қўйибсиз: кўнгил деганича бор экан, кўнглимни сел қилиб юбодди. Бу ҳикоянгизни радиолари, бирор-та ёшлар журналлари берсангиз бўлади. Ростини, ҳикоянгиз менга шундай таъсир қилдики, ҳатто бир жойида йиғлаб юбораёдим. Қолганлари ҳам чаккимас...

Аёлнинг ёқимли килиб, ширин тилда гапириши йигитга мойдек ёқиб тушди. «Кўнгил» хусусидаги мактовга, «ўзим ҳам ўша ҳикояни йиғлаб туриб ёзганман», деб юборишга сал қолди. Аммо камтарлик ғурурдан устун келди — ўзини ёсди. Аёлнинг, ёш ёзувчи экансиз, деган сўзлари тоғдаги ҳайкирикдек унинг қулоғи остида узок жаранглаб турди, шу бир оғиз мактовдан оғиз қулоғига етди. Ақир бу унинг ёзганлари тўғрисида адабий муҳитдаги аёл оғиздан эшитаётган биринчи мактов, биринчи хулоса, хулоса бўлганда ҳам ижобий хулоса эди-да. (Тўғри, баъзан дўстларидан ҳам шундай сўзларни эшитганди, бироқ улар нашриётда ишлашмайди-да!) У тўғи ҳикоялари шу топда газета ёки журналда босилиб чиққандек шодланиб кетди ва бир оз тараддудга тушиб қолди. Дарҳол ҳикоялар неча бет бўлишини чамалаб, ўзича хаёлий ҳисоб-китоб қилди-да, шартта чўнтагидан ўн беш сўм чиқариб машинисткага узатди. Аёл пулни олди. Санаб кургач, негадир чиройли килиб терилган, ярим ойсифат кошлари учди, кип-қизил лаблари хиёл титради. Лекин у норозилигини сездирмаслик учун сохта жилмайди.

— Ҳикояларингиз эллик бир бет бўлди, укажон. Бизга бетига қирқ тийиндан тўлашади. Биз қаерлардаги редакция-педакцияда эмас, нашриётда ишлаймиз. Сиз

«срочний» дедингиз, мен кўлимдаги катта бир ёзувчининг иштини қолдириб, сизникини қилдим, айланай. «Срочний»ни эса эллик тийиндан қиламиз. Майлинг, сиз эллик бетига тўлай қолинг, майда гапни ёмон кўраман, танга-пангасини сур-сур қилиб утирмайлик. Хали бир-биримизга кўп ишимиз тушади. Шундаймасми, укажон?..

Ёш ёзувчининг юраги орқага тортди, юзларидан қони қочди, ранги бўздек оқарди. Нимадир демоқчи бўлди, лекин тили танглайга ёпишиб қолгандек қалимага келмади. Бақрайганча машинисткага унсиз тикилиб қолди. Келишган, ёқимтой, чаккаларидаги ғажаклари шўх силкиниб турган, шахло кўзлари кишига дадил ва ўткир бокадиган, ҳам ёш, ҳам гўзал аёл унга табассум ҳадя қилиб турарди. Йигит мафтункор чехрага шу пайтгача бефарқ қараганидан хижолат тортди. Аёлга яна узок термулиб қараб қолди. Унинг ҳикояларини оққа кўчирган, кўкларга кўтариб мақтаган, уни илк марта сира иккиланмай ёш ёзувчи деб атаган (ахир йигирма икки-йигирма уч ёшида ёш ёзувчи деб аталиш ҳазилакам гап эмасди. Гоҳо қирққа кирган, уч-тўртта китоб чиқариб қўйган ёзувчиларни ҳам ёш ёзувчи деб аташди-ку!) ҳамда унга бежирим табассум ҳадя этаётган аёл қаршисида у таслим бўлди-қолди. Қалбидаги беҳуда ташвишлар ўрнини кучли ҳаяжон қоплади. Бир зумгина олам унутилди. Кейин... кейин гап пул устида кетаётгани ҳаёлига лоп этиб тушди-ю, хушёр тортди.

— Мен... бетига ўттиз тийиндан босишади, деб эшитгандим. Тагин шунча кўпайиб кетиши...

— Вой-й, нималар деяпсиз?! Чиккани-да! Интервали ўзингизга ҳавола, равонроқ, ўқимишлироқ бўлсин дегандингиз, айтганингизни қилдим! Сизнинг ортикча бир тийинингиз менга керак эмас, опаси жонидан. — Аёлнинг камондек қошлари ёқимсиз чимирилди. Йигит довираб қолди. Ўйлашга фурсат йўқ эди. Гўзал аёлни, ўзига яхшилик қилган аёлни, уни ёш ёзувчи деб тан олган аёлни хафа қилиб қўйиш мумкин. У шоша-пиша кўлидаги пулни йигирма беш сўмга етказиб машинисткага — жаҳли чиққанда ҳам латофати сўнмаган аёлга узатди ва базўр:

— Раҳмат, опа, — дея олди, холос.

— Худо омадингизни берсин, укам! — Аёл рухланиб кетди. — Омадда гап кўп. Ҳозир ёзадиганлар сон мингта, омад эса юзтадан биттага кулиб боқади... Келиб туринг!

Йигит кўчага чиққандагина кўлёзмада ўн-ўн икки бетлик ҳикояларининг «болалаб» кетганидан норози бўлди. Ўзича, мен майда ҳарфлар билан зичлаб ёзгандирман-да, деган ўйга борди. Лекин бу ҳаёл ҳам ўзини узоқ овутишга ярамади, машинистканинг гаплари эса қулоғи остида такрорланиб, унинг жилмайишлари, хумор қарашлари сира кўз олдидан нари кетмади. Йигит у ҳақда ёмон фикрга бора олмади, бора олмасди ҳам. Кетган пулларни унуттишга ҳаракат қилди. Энг осони ҳам шу эди. Аёлнинг гўзаллиги бунга ёрдам берди. Минг қилса ҳам, у қалби нозик, гўзалликнинг қадрига етувчи шоиртабиат йигитлардан эди-да! Барибир пул ва аёлнинг муомаласи ўқтин-ўқтин ёдига тушар, шунда у аёлнинг «ёш ёзувчи экансиз», деган сўзларини эслар ва бу сўзлар унинг дардига малҳам бўларди. Келажакда тўқин-сочин яшаши, пулга ҳам зориқмаслиги, бу каби майда-чуйда ташвишлардан холи бўлгач, албатта, яхши-яхши асарлар ёзишини, ўткинчи кийинчиликларга беларво бўлиш кераклигини ўйлаб ўзини овутарди. Ҳаракат қилиш керак! Ахир ҳеч ким онасининг қорнидан ёзувчи бўлиб тушмайди-ку!..

У хикояларини қўлига қисганича, «келсанг, редакцияга бирга ёрамиз» деб юрадиган таниш акасининг олдига борди. Ўзининг бир вақтлардаги югур-югурларидан бир иш чиқара олмагач, акасининг оғзидан тушмайдиган «таниш-билишчилик» деган гапларига ҳам у ишона бошлаган эди. Акаси доим шунга ўхшаш гапларни кўп тилга оларди. Биргалашиб йўлга тушишди. Бора-боргунларича акасининг оғзи тинмади.

— Бир дўстим бор, газетта ишлайди. Илгари ҳам айтгандим сенга. Билсанг, редакция бу — улкан қозон, қайноқ ҳаёт! Одамни пиширади. Ўша дўстимнинг суяги ҳам редакцияда қотган, катта қозонда қайнай-қайнай пишиб кетган. Аслида ўзи ёзувчимас, адабиёт бўлимида ҳам ишламайди, қандайдир бошқа бўлимда, унутибман. Бунисидан ташвиш тортма, адабиёт бўлимига киришдан олдин ҳарҳолда улар курса яхши-да, кўзлари пишган, иннай-кейин, у ер-бу ерини тўғрилаб, шартта тавсия атаверишди. Кейин, адабиётчилар уларга яхши таниш.

Етаклашиб кириб боришган редакциянинг шинамгина хонасида силлиқкина қўш столга энгашган икки киши бошлари бир-бириникига тегай-тегай деб қўлларидаги учли қалам ила ярим бет газетадаги хатоларни тузатиб ўтиришарди. Акаси улар билан қуюк кўришди, сўнгра уни таништирди.

-- Укамиз, умидли ёш ёзувчилардан.

Йигит «ёш ёзувчи» иборасидан яна бир бор хаяжонга тушди. Акасининг дўстлари эса ёш ёзувчининг дарагини эшитиб, унга, у ҳозиргина тортинчоқлик билан столнинг бир четига охишта қўйган қўлёзмаларга дам-бадам қараганларича зерикарли иш вақти охирлаганидан ошқора қувониб, олдиларидаги газетага апил-тапил кўз югуртириб чиқишди-да, ишни тезда ниҳоялашгач, ҳаммалари мукка тушганларича унинг — умидли ёш ёзувчи укаларининг хикояларини ўқий бошлашди. Хонага сув қуйгандек сукунат чўкди. Йигит жони ўзига омонатдек ўтирар, ҳатто нафас олиши, юрак уриши ўзига баралла эшитилиб турарди. Ҳакамларнинг юзларидан олдиндан бирон нарсани ўқиб олиш қийин эди. Ниҳоят, кутилган дақиқалар ҳам етиб келди: хикоялар ўқиб тугатилди. Энди хулоса ва ҳукм чиқариш қолган эди. Ёш ёзувчининг вужуди кулокка айланди, акаларининг оғзини пойлади. Семиз, думалоқбош, юзлари мой суртилгандек ялтироқ, акаси шу бўлимнинг ходими деб таништирган, ўттиз ёшлардаги кўзлари қисик киши фикр билдирди.

— Умуман яхши, воқеаларни бир-бирига боғлаб ёзаркансиз. Бирок, хафа бўлмайсиз-да, очикроқ гапиравераман, хикояларингиздаги ютуқлар сизники, камчиликлар хақида бир-икки оғиз тўхталамиз... Нима десамкан... ҳалиги, топган мавзуларингиз унчалик эмас, доираси торроқ, биласизми, хикояда катта-катта мавзуларни қаламга олиш керак. Жа майдалаштириш ярамайди. Тагин фикрларингиз эскироқ, кимлардир илгарӣ айтган гапларни сиз сал бошқачароқ такрорлагансиз. Хуллас, бу қусурлардан қутулсангиз, нур устига нур бўлади. Аста-секин қутуласиз ҳам. Бошида шунақа бўлади, ўзи. Ёзаверсангиз, ёзаверсангиз қаламингиз чархланиб, бу камчиликлар ўз-ўзидан йўқолиб кетади. Сизга бир нарсани айтай: журфакни битириб янги ишга келганимда мен ҳам ёзиб турардим. Унда адабиёт бўлимида ишлардим. Газетада, ҳатто журналда бир-иккита хикоям чиққан. Кейин мана шу ахборот бўлимига ўтказишди. Шундан буён ётсам ҳам, турсам ҳам калламда ҳар хил ахборотлар ғуж-ғуж ўйнайди. Ёзиш-чизиш ўз-ўзидан қолиб кетди. Ҳозир ўша ёзганларимдан уяламан. Баъзан дўстларим кулишади: «Ким ёзиб берган эди у хикояларни», деб. Меҳнатига чидамадик, ука. Бу ижод қурғурнинг турган-битгани меҳнат, меҳнат бўлганда ҳам қора

меҳнат экан. Горький ҳам жуда топиб айтган-да — талантининг тўксон тўққиз фоизи меҳнат деб. Демокриманики, сиз меҳнатдан қочманг, ёзганларингизни қайта-қайта ишлайверинг, хикоянинг отаси ҳам, онаси ҳам меҳнат! Қанча кўп ишласангиз, шунча сайқал топади. Хуллас, сатрларингизда жон бор, қаҳрамонларингиз тирик одамлар, жумлаларингиз юракни жижиллатади, келажакда сиздан зўр ёзувчи чиқади. Мухими — ўз йўналишингизни, ўз услубингизни топиб олсангиз, бас! Буни оригиналлик дейишади. Кўпинча ёшларнинг шу томонига эътибор беришади. Оригиналликда гап кўп. Доим шунга интилинг, кам бўлмайсиз. Кейин тилингиз ҳам сал ғализроқ — русчадан сўза-сўз таржима қилинганга ўхшайди, ипланишга муҳтож.

Ходимнинг узундан-узоқ мадҳиясини йигит жон қулоғи билан тинглади. Ахир, суҳбат бопдан-оёқ у меҳр қўйган адабиёт ҳақида, у кўз нуруни тўкиб ёзган хикоялар ҳамда унинг келажаги ҳақида эди-да! Ёзадиган киши буларга бефарқ қарай оладими? Эшитганларидан ёзганлари ўзига бачкана туюла бошлади. Руҳи тушиб кетди. Бўлим мудирини унга қараб дарҳол хатони пайкаб қолди. Ходим — ходим, у аса мудир, ёши ҳам униқидан уч-тўрт ёш улур. Хатони тузатиш керак: сиз ҳам қуймасин, қабоб ҳам.

— Хикояларингиз менга маъқул. Мавзулари ҳам шу кунники, — деди у хушёр тортиб. Кейин қўлидаги қаламни айлантирганича хикоялар орасидан биттасини ажратиб олди-да, давом этди. — Мана шу «Кенжа ўғил»даги йигитнинг «ўлолмай қийналяпти», деган сўзи ёкмади. Қўпол. Хикояни дағаллаштириб турибди. — У хикоядаги ёкимсиз сўзлар устига қалам тортиб юборди. — Хафа бўлмайсиз-да, энди укажон.

Йигит устига совук сув қуйилгандек сесканиб кетди. Унингча худди ўша сўз хикояга керак эди. Хикояда шаҳарда ўқиган йигит қишлоғига қайтиб боргач, ота-онасининг дардларини ҳис этолмаслиги, самимийликдан йироқлашгани тилга олинганди. У бемор отаси билан телевизорда берилаётган кинони кўраётиб, фильмдаги оғир касал одамга кўзи тушиб, ўйламай шу гапни айтган, сўзлари отасига қанчалик ёмон таъсир қилганини пайқамаганди ҳам.

— Менимча, ўша сўз керак эди, — деди у йиғлагудек бўлиб.

— Бизники индивидуал фикр-да, — мудир ўзи ҳам



кизишиб кетганини сезиб мулойимлашди. — Бўлмаса, сал силлиқлаш керак.

— Тўғри, — акаси суҳбатга қўшилди, — ўша хикоя хақида менинг фикрим ҳам шу. Хикоя жуда очиқ, дағал, гўё чет эл киноларидагидек. Бундан қутулиш керак. Биласанми, сенда нима етишмайди — нафосат, озгина нафосат. Мана шу нафосат бўлсами, асарларинг гул бўлади — гул!

Бу гаплардан дадиллашган бўлим бошлиғи гапни олиб кетди:

— Бир хажвиянгизда «бой бойга боқар, сув сойга оқар», дебсиз. Гап ишлатишда хушёр бўлинг, ука. Ҳозир бой-камбағал деган гап йўқ, бунақа иборалар эскирган, истеъмолдан чиққан. Шароитга тўғри келмайди... Ахир социализмда яшаймиз-а!

— Ахир у гаплар персонаж тилидан, кўчма маънода ишлатилляпти-ку!

— Ёшсиз, кизикқонсиз. Бунақа сўзлардан кочганингиз маъқул, аксинча, сиздан чўчийдиган бўлиб қолишадди, — унинг эътирозига қаршилик қилди бўлим мудирини.

— Бу маслаҳатларга амал қилсангиз зиён қилмайсиз, ука! — ходим ҳам бошлиғини қувватлади.

— Бошловчи ёзувчига хушёрлик зарур. Шунда ютиб чиқасан! — деди акаси.

Йигит энди жимгина эшитарди. Ақлли акалари эса ҳамон бири олиб, бири қўйиб тинмай гапирарди. Хикояларнинг мақталмаган, айни пайтда қалам урилиб танкид қилинмаган сатри қолмади. Ниҳоят, қалам учи ўтмаслашгач, уларнинг жағи ҳам толиқди шекилли, навбат сўнгги — ҳал қилувчи сўзларга келиб тақалди. Ҳаммалари бир овоздан укалари бўлмиш ёш ёзувчи талантининг олмос каби серкирралигини, келажакда ундан зўр ёзувчи чиқишини, хикояларини таҳрир қилишда, тилни пухталаб ишлашда ҳар доимо ёрдамга шайликларини узок сўзлашди. Ўзларининг қалби пок на беғуборлигини, ҳар қандай етилиб келаётган ёш талантга бевараз ёрдамларини аямасликларини кистириб ўтишни ҳам унутинмади.

— Муҳими, каламингиз бор, қўлингиз келиб қолган, бу ёғига сира қаламни қўлдан қўйманг! — Буниси ёш ёзувчи тўғрисида айтилган умум фикри эди. Шундан сўнг қалам урилавериш сочма ўк тегиб ярадор бўлган қушдек ола-була бўлиб кетган ёш ёзувчининг асарлари қайтиб қўлига тутказилди.

— Айтганларимизга амал қилиб, камчиликлари устида қунт билан, чидам билан ишлаб, тузатиб, янгитдан машинкалатиб олиб келсангиз, биргалашиб адабиёт бўлимига кирамиз.

Гаплар яхши эди, ҳаққонийдек эди. Барчасига қўшилса бўларди, лекин нимагадир «қайта машинкалатиш» ибораси ёш ёзувчига ёкмади. На илож? Акаси ҳам, акасининг дўстлари ҳам ўзидан уч-тўрт кўйлакни ортик йиртишган, бир нарсани билмай галиришмас. Бу пайтга келиб иш вақти ҳам тугади. Ҳаммалари бир тўп бўлиб кўчага чиқишди, шунда акаси ушбу таклифни ўртага ташлади.

— Укамизнинг адабиётдек қутлуғ даргоҳ остонасига қўяётган илк қадамларини ювсак...

Худди шуни кутиб тургандек, бўлим бошлиғи ҳам тил учида турган омонат гапни айтиб кборди.

— Қани, қаерга борамиз?

— Укамиз нима деркан? — ёлғиз ходимгина йигитга хушёр қаради, сўнгра бошқалар ҳам ёш ёзувчига жонсарақ тикилди.

— Ресторанга-да! — дея дадил гап қилди, уларнинг мақтовларидан ирши аълога чиқиб олган ва ҳали-ҳозир пастга тушишга улгурмаган, редакция ходимларига энди-энди яқиндан иши тушаётган, улар ҳақида қорнинг оқлигига қандай ишонса шундайин соф тасаввурга эга бўлган ёш ёзувчи. Кўзлардаги ҳадик бир зумда қаёққадир учди-ю кетди.

— Бизнинг ука марл йигитлардан! — деди акаси хурсанд. — Кетдик!

— Ҳа, чапани йигит экан! — деди бўлим бошлиғи. — Йигитнинг гапи ўлмасин.

— Йигитнинг гапи ўлгунча ҳўкизнинг бўйни қайрилсин, денг, — дея ходим ҳам ўз навбатида баҳри-дили очилганча гап қистирди.

Ресторанда мириқиб ўтирдилар. Ҳаммалари ширакайф бўлдилар. Бирин-сирин сўз айтилиб, ёш, талантли, камтарин ёзувчи укаларининг «бук»-лиги учун қадахлар бўшатишди. Охирида биттаси кайф аралаш «ишингизни ташлаб, ўзингизни адабиётга бағишланг», деб ёш ёзувчининг юрагини қитиқлаб, кўнглига ғулғула солиб қўйди. Бу «олижаноб» маслаҳатни бошқалар ҳам бир овоздан маъқуллашди. Қарсақлар чалинди. Тағин бир қанча айтилиш лозим топилган сўзлар тиллардан учди. Бу гаплар ичкиликдан кўзлари сузилиб, уйқусираб ўтир-

ган ёш ёзувчини еттинчи осмонга чиқариб қўйди. У ерда эса гўзал маликалар, фаришталар макон қурган эди. Ёш ёзувчи осмонда, уларнинг даврасида шодон кезаркан, расмана буюк бўлгандек ўзини гоҳ Пушкин, гоҳ Жек Лондон, гоҳ Бальзак ўрнида кўрар, ўзи ишлаётган соҳа ҳам, ортда қолиб кетган талабалиги ҳам, ҳозирги илмий иши ҳам, домлалари ҳам унга ўзининг буюклиги йўлида турган ғовлар бўлиб кўринарди...

Туришди. Барчани лол қолдириб ёш ёзувчи чакқонлик қилди. Акаси ундан буни кутганди. Чунки у кишилардаги чакқонликни, зийракликни кадрлар, қолаверса, укаси бугун маош олганини ҳам биларди-да. Бу чакқонлик йигитга нақд ўттиз икки сўмга тушди. Ўзини катта ёзувчилардек сезиб официантка узатган уч сўмлик қайтим пулни ҳам олгиси келмади. Шундай обрўли одамларнинг олдида... Официантка столда қолдириб кетган уч сўмликни акаси унинг чўнтагига зўрлаб солиб қўйди.

Ёш ёзувчи квартирасига кириб келган ҳам эдики, ортидан уй эгаси бўлмиш кампирнинг хитоби янгради, сўнгра зум ўтмай қия очик эшикдан унинг боши кўринди.

— Бугун маош оламан дегандинг, болам...

Йигит бисотидаги бор чўнтақларини бирин-сирин ағдар-тўнтар қилиб чиқди. Ойликдан асар ҳам қолмаган эди. У сўнгги уч сўмликни ҳам акасини уйига элтиб, кейин уни ташлаб кетган таксичига тўлаганди.

— Кейинрок... уч-тўрт кун сабр қилинг, — деди у ғудурлаб. — Нимагадир шу топда пули йўклиги ўзига каттиқ алам қилди. Ичкиликдан кизарган кўзларини олайтирганича кампирга тик боқди. Бир чиройли йигитнинг олайган кўзларига қараб кампир қўрқиб кетди. Эсига қачонлардир телевизорда кўргани (бу Достоевскийнинг «Жиноят ва жазо» китоби асосида ишланган телефильм эди) — пулсиз йигит томонидан бир бечора кампир ҳамда унинг сингисини болта билан чошиб ўлдирилиши тушиб, ранги қув ўчганича ортга чекинди.

Кампир кетгач, йигит ўринга ўзини отди-ю, донг қотиб ухлаб қолди. Уйғонганида эса, ҳалиги енгил-елпи овқат аллақачон ҳазм бўлиб кетганини, энди қорни очқаб, ичини ит тирнаётганини ҳис қилди. Чўнтақлар эса қув-қурук. У ўрнидан турмоқчи бўлди, аммо бир томонга оғик стол устида сочилиб ётган ҳикояларига кўзи тушиб, уларга бефарқ тикилганича қараёт-да ўтириб қолди. Қўлбола жавондаги китобларга ҳам

унсиз кўз югуртирди. Сўнг улар орасидан жахон классик адабиётининг ноёб нусхаларидан бирини шартта юлқиб олди-да, ташқарига чиқиб, катта йўлнинг нариги бетига югуриб кетди. У ерда турадиган бир таниши шу китобни жуда кўп сўраганди. Китобни сотаётганидан хафа бўлди. Бирок қорин очлигида бу хафачилик кўзга кўринармиди. Таниши қувониб, китобга нархидан уч сўм ошириб берди. У уялиб турса ҳам ортинини қайтармади. Ўзи ҳам яхши китобларга кўпинча шу йўл билан эга бўлар эди-да! «Ана, бугунча қорин қайғусидан қутулдим, икки юз грамм колбаса, битта нон, бир пачка чай олсам, эртагача бемалол етиб ортади. Яна авайлаб ишлатсам, икки-уч кунга асқатадиган пулим бор, деган гап бу».

Ярим кеча. Куз охирлаб қолганидан хона совуқ. Йигит ўз ташвишлари билан бўлиб, кампирнинг қоронғи ертўласидан кўмир олиб чиқишни ҳам унутганди. Эски стол устида эса йигирма беш сўмнинг бошини еган, уни, яъни, ёш ёзувчини «буюк» қиладиган қўлёзмалар ҳамон сочилиб ётар, совуқ кўрпачада эса қунишиб бир сиқим бўлиб олган ёш ёзувчи кўзи уйқуга илиниб-илинмай алаҳсираётган одамга ўхшаб гоҳ у ёнига, гоҳ бу ёнга ағдарилганича тинмай пичирларди:

— Барибир ёзувчи бўламан. Мен талантлиман. Пушкин, Лермонтов, Жек Лондон, Бальзак... ўшалардек ёзаман. Ҳамма қойил қолсин! Ўшанда устимдан кулиб юрганлар, менга ишонмаганлар оғзини очиб қолсин!..

Совуқдан унинг эти жунжикиб, дав-даг калтирар, тишлари такиллаб, гапи тез-тез бўлиниб турарди. Хаёллар учқур бўлгани билан кўрпа муздек эди. Булар унинг тинчгина ухлашига йўл қўймасди. Устига-устак, қорни ҳам боягидан бепбаттар очқаган. Столдаги қўлёзмалар ёнида иккита охори тўкилмаган яп-янги китоб пайдо бўлган, булар хали кўчанинг нариги юзидан қайтишида рўпарасидан чиқиб қолган китоб дўконда ишловчи таниш қизнинг у учун олиб келаётган, у жон-у дилидан севган Достоевский асарлари янги нашрининг дастлабки томлари эди. У китобларни кўргач, ҳамма нарсани унутган ва қўлидаги бор пулини кизга бериб, китобларни сотиб олган, аввалдан қимматроққа келишиб қўйишгани учун ундан якки сўм қарз ҳам бўлиб қолганди. Қорин очлиги-ю, нега кўчага чиққан эса ховлига қайтгач эсига тушганди.

Хонада чирок ўчмаётганини кўрган кампир охиста деразадан мўралади. Ўринда дир-дир титраб ётган кўйи ўзича алланарсалар деб валдираётган «дарвишнамо» болани кўриб уйга кирди. Печкани ушлаб кўрди. Кўлини чаён чаккандек тортиб одди. Печка муздек эди. Йигит эса бир маромда ох чекарди. Авж олган касаллик, бош оғриғи, ичилган ароқ, очлик — хаммаси бир бўлиб, унинг тамом силласини куритган, у тинмай алахсирар, кўз олдида яшил, кўк, қизил, сарик ва яна аллақандай ранглар танга-танга бўлиб жимирлар, стол устидаги кўлёмалар, бесўнакай кўлбола жавонга хафсала билан чиройли қилиб тахлаб кўйилган калин-калин китоблар гоҳ инсон, гоҳ шайтон киефасига кириб унга гап ташлар, у бўлса куйиб-пишиб жавоб қайтарарди.

— Барибир ёзаман... Бир кун чиқаман...

Кампир йигитнинг узук-юлуқ гапларидан ҳеч вақони англаб етмади, аттаиғ, деганча елка қисиб, бошини чайқади. Сўнг «квартир бола»нинг ижара пулини сира вақтида тўламаганини, боягина ўзига хўмрайиб қараб, кайфини учуриб юборганини кўнглининг бир четига туғиб олган бўлса-да, болапақирга раҳми келди. Охиста ўридан тургазиб, кўлтиғидан олди ва суяй-суяй ўз уйига бошлади. Иссиққина печка ёнига жой солиб берди. Устига калин кўрпа ёнди. Танасига иликлик югурган йигит ҳайтовур анча ўзига келиб, жимиб қолди. Лекин гоҳ-гоҳ аянчли хўрсиниб, зарда билан нималардир деб пичирлар, унинг чала-чулпа сўзларидан кампир факатгина: «Барибир бир кун...» деганини базўр тушунарди, холос.

II

Йигит эрталаб хомуш уйронди. Аввалига кампирникида ётганига хайрон бўлди. Бирдан хаммаси ёдига тушди. Кампирнинг окшом пул сўраганини ҳам элас-элас эслади, эслади-ю, тезгина хонага кўз югуртирди: кампир кўринмасди. Унинг келиб қолишиндан, яна пулдан гап очилишиндан чўчиб шошиб ўридан турди-да, югурганча ўз хонасига чиқиб кетди. Хувиллаган торгина кулбаси кечагидан баттар музлаб ётарди. Хонага киргач, нима қиларини билмай, бироз анқайиб турди, кейин секин бориб каравотнинг бир четига ўтирди, кечаги воқеалар бир-бир хаёлидан ўтди, аммо у бўлиб ўтган ишларнинг ҳеч бирига афсусланмади. Ахир булар ҳам ўз келажаги йўлидаги бир уриниш-да. Қўлдан кетган нарсалар

хакида кайѓуриб ўтириш ақлли одамларнинг иши эмас! Бирок, вақт-чи?.. Бутун оқшом беҳуда кетди-я! Эндиги афсусдан не фойда? Оҳ чеккани билан дарди енгиллашармиди...

У ўрнидан туриб стол устидаги бетартиб китобларни, сочилиб ётган қўлёзмаларни авайлаб йиғди. Барибир ҳаёли бир жойда эмасди. Хонани салгина эпакага келтиргач, бемаъни ҳаёллардан қутулиш учун ўтган ишларга ҳам, бугунги ишга бориш тапвистига ҳам қўл силтади, аммо тезда ойдиқкача чўнтакда бир мирисиз қандай қилиб кун кўриши ёдига тушди. Эҳ, яна бировдан қара сўрайдимки? Бир ёқдан қорни оч. Пули йўқлиги ўзига аён бўлса-да, чўнтақларини обдан титкилади. Бурчак-бурчакларда унутилган оқ, саряк тангалар йиғиндиски бир сўмга яқин бўлди. Улкан хазина топиб олгандек у қувониб кетди. «Ҳа, деган туяга мадад. Булар билан амаллаб кунни ўтказарман, қолганига худо — подшо».

У деразадан ховлига олазарак қўз югуртирди. Кампир ховлида кўринмасди. Йигитга жон кирди, чакқон кийинди-да, ит қувган мушукдек ховлини кесиб ўтиб, кўчага отилди, кўча эшигининг чўзиқ ячирлаши қулоғига портлашдек эшитилди. Гўё кампир югуриб келиб ёқасидан олиб қоладигандек, атрофга ҳадиксираб қаради. Хайрият, бу яқин орада кампирдан ном-нишон йўқ эди.

Йигит торкўчадан жадаллаганча бораркан, секин-аста енгил нафас ола бошлади. Боши зиркираб оғриётганини, тумов дастидан кечагидек бурнини тинмай тортаётганини ҳам шундагина тузукроқ пайқади. Яна тасаввурда худди кампир рўпарасидан чиқиб келаётгандек ўткинчиларга синчков боқди. Ахволи ўзига ҳам кулгили, ҳам ачинарли туюлди. «Дарвишона ҳаёт, — дея кўнглидан ўтказди у, ақаси кўп ишлатадиган сўзни эслаб, ўзига-ўзи далда бераркан. — Бунақа ҳаёт кимнинг бошига тушмаган. Достоевский ҳам, Абдулла Тўқай ҳам, Жек Лондон ҳам унга ўхшаб шаҳарда уй-жойи бўлмай, бировларникида ижарага яшаб, пулга зорикиб ижод қилишган-ку! Ҳақиқатан, буюклар балки шунақа шароитларда кўпрок етишиб чиқар: ахир ҳаётнинг барча аччиқ-чучугини татиб кўришади-да. Рост, агар унда ҳам баъзи бировлардэгидек ҳамма нарса мухайё бўлганда унинг ҳам келажак ҳақидаги орзулари бошқача бўлармиди... Демак, ҳаммасига чидаш керак, энг муҳими, унинг мақсади бор: шунга интиляпти — ёзувчи бўлади. Бу йўлда барча кийин-

чиликларни енгиб ўтади. Хали шундай зўр-зўр асарлар ёзадики... Ўшанда уни барча танийди...»

Орзуларни жўш урган ёш ёзувчи бирмунча овунди. Лекин ҳозир, айни шу дақиқаларда расмана ҳаётдан олислаб ҳаёл денгизига узок сузиб бўлмасди. Ҳаёл жаннатдек гўзал, Эрам боғларидек фусункор, тагин чиройли маъшуқадек жуда кўп нарсаларни унга ваъда қилиб турарди. Ҳозирги муаммо: яшаш ташвиш, яшаш учун эса пул керак! Пул! Пул!.. Пул!.. У пули йўклигидан додлаб юборай деди. Тотли ҳаёллар бир зумда шамолда қолган патдек ҳар ёкка тўзиб кетди. Кимлардадир ёзиш учун ҳамма шароит бор, унинг бўлса, ақалли, тузукроқ стол ва стули йўқ. Кани энди уни келажагига ишонч кўзи билан қарайдиган бойвачча таниши бўлса-ю, бир-икки йил ёрдам бериб турса. Ўзининг лоақал бир хонали квартираси бўлса... ишлаб ҳам ўтирмасди. Ёзарди. Ёзганда ҳам унака-бунака олди-қочди, снгил-елли нарсаларни эмас, балки ҳамманинг овзи очилиб қоладиган, қойилмақом асарлар ёзиб ташларди. Ёзадиган мавзулар «мени ёз, мени ёз», деб қалашиб ётибди. Бир кунда кўз олдидан юз бор ўтади. Вакт эса кам. Кўплар нима ёзишини билмай, йўқ ердаги бош оғриғи нарсаларни бичиб-тўқиб, дуч келган ерда бостиришяпти, ўқисанг асабни бузишдан бонқасига ярамайди. Хўш, дунёда шундай одамлар йўқми? Бор, албатта! Тиқилиб ётибди. Баъзиларга пулнинг писта пўчоғичалик қадри йўқ: битта олтин тақинчок учун минг сўм-икки минг сўмни ўйламасдан сарф қилади, яшашини эса... Асарлари босилиб, сал ўзини тутиб олгач, икки ҳисса қилиб қайтаришга ҳам у рози эди... Бирок ўша одам кани?! Қаерда?..

Холва деган билан оғиз чучимас. Беҳуда ўйлар бош оғриғини кучайтирди, холос. У қорин тўқлаш, кейин бирорта танишидан пул топиш ниятида кўчага чиққан бўлса-да, шу топда тўғри поликлиникага боришдан бошқа иложи қолмади. У ердан касаллик варақаси ва ўзи олдиндан сезиб турган (қирқлардан ошган семиз доктор аёл бидир-бидир қилганича узок текширгач, доим «шамоллабсиз» деб, албатта энг аввал тетрациклин ҳамда норсульфазол таблеткаларидан бошланган аллақанча дориларни ёзиб берарди), бир талай дори-дармонлар қайд қилинган дори коғозига эга бўлиб қайтаркан, йўл-йўлакай охириги чақаларига овқатланди. Кейин тузукроқ бир қарорга келолмаганидан ҳеч қаерга бормай квартирасига қайтди. Хонага киргач, дили хуфтон бўлиб,

қовоғидан қор ёкканча қўлидаги врач ёзиб берган дори қовоғини бир бурчакка отиб юборди-да, кийимларини ҳам ечмай ўринга чўзилди. Ташвишларини унутиш учун кўзларини чирт юмди. Барибир уйқуси келмади. Кўзлари юмук бўлса-да, кўз олдида ғуж-ғуж тўлқинчалар пайдо бўлаверди, сўнг улар ўрнини чўнтаклар — ағдар-тўнтар қилиб ташланган бўм-бўш чўнтаклар эгаллади. Булар на ухлашга, на дунёнинг ғамларини унутишига қўярди. Пулсизлик ёмон, қарз сўраш ундан ёмон. Ўзи каби шаҳарда ишга қолган бир-икки ҳамкурсини эсга олди. Аммо улардан ҳам ёруғлик чиқиши гумон, ҳаммаси ҳам ўзларини илмга урган, ойликлари унисидан бунисига зўрға етади. Талаба ҳамқишлоқлари бору ўзи ишлаб туриб улардан қарз сўраш уят. Айтмоқчи, тоғаси-чи! Катта бир вазирликда ишлайди. Ҳар гал қишлоққа борганда бувиси: «Тез-тез тоғангларникидан хабар олиб тургин. Бирор нарсага зориқсанг, тортинмай боравер. Тоғанг — жигаринг. Тоға-жияннинг бир-бировига меҳру оқибати баланд бўлиши керак!» деб тайинлайди-ку. У эса шаҳарга келгач, ойисининг совға-саломини элтар, сўнгга яна қишлоққа бормагунча, ойиси қойий-қойий тагин минг бор тайинлаб юбормагунча, қайта у ерда қорасини кўрсатмасди. Тоғаси катта одам: ўз ташвиши ўзига етарли. Жияним деб мундоқ талабалигида унинг ўқиши билан, ҳозирда эса иши билан, ўй-орзулари билан заррача қизиқмаган. Ёзув-чизувларига хайрихоҳ эмас, қайтага, «бекорчининг эрмаги» деб панжа орасидан қарайди. Алабиётга бепарво темир одамлар унга ёкмайди. Ҳар замон борганда ҳам тоғаси олдида дарров зерикади. Шаҳарда ишга қолгани ҳам тоғасига хуш келмаган, уй томонга бориб ота-онангга ёрдам бермайсанми, деяверади. Э, жиян, сенинг юрагингда не дард бор, не орзу бор, демайди. Шуям тоға бўлди-ю?! Талабаликда тоғасидан бирор марта ёрдам сўрамаган, келиб-келиб энди сўрайдими? Хўп, ёрдам берар ҳам... Кейин шаҳарда мана шунақа қийналиб, зориқиб юришини писанда қиладди-да. Ёзув-чизувларини эрмаклаб гапириши ҳам аниқ. Бормади. Оч қоринга насиҳат ёқадими шу топда. Оч қорним — тинч қулоғим. Унда қаерга, қайси, меҳрибонининг олдига боради? Кимнинг кўзи учиб турган экан унинг йўлига? Э, кечаги ҳамқишлоғи — Амир акаси-чи! Шу пайтгача уни эсламаганини! Кеча ҳаммасини ўз кўзи билан кўрди. Уни тушунали. «Дарвишона ҳаёт!!» Ахир бу гаплар ҳам унинг севимли ибораси-ку! Ўзи ҳам бир

вақтлар — уй олмасдан бурун, бола-чақаси билан ижара-ижара сарсон-саргардон қийналиб юрган. Бу дунёда ким табиб — бошидан ўтказган табиб...

У бир қарорга келгач, Амир акасининг ишдан қайтиш вақтигача ёзиб-чилиб кунни ўтказмоқчи бўлди. Узок ўтириб ҳеч нарса ёзолмади. Алам қилди. Кейин қоғоз ва қаламни бир четга суриб, бурнини торта-торта кеча тузатишга ҳавола қилинган хикояларни қўлга олди. Редакция ходимлари айтган мулоҳазалар кўз олдидан бир-бир ўта бошлади. Уларга амал қилиб хикояларини ишларкан, тузатган ва яна тузатган сайин кўнгли негадир чигаллашар, ўз фикрларини ўзгалар фикри билан алмаштириб ифода қилаётганидан ёзганлари юзакилангандек сезилар, қўлёзмаларга ичи ачиб кетарди. Кеча ярадор бўлган қўлёзмалар гўё бугун устидан ишланган сайин чалажон ҳолга келгандек туюларди. Аммо у ўзида кечаётган бу туйғуларни тузукроқ тушуниб етолмасди. Балки бирор ерда чиқариш учун албатта шундай қилиш керақдир, деган ўйда ўзини овутар, бошқача хулоса чиқаришга уқуви келмасди.

Ниҳоят кутилган вақт бўлди. У йўлга тушди.

— Ия, ия, ўзимизнинг дарвиш-ку! Хизрни йўқласам бўларкан, ҳозиргина эслаб тургандим. — Амир акаси уни шодон қарши олди. — Янгигина ишдан қайтиб, кани энди сенга ўхшаш бир ҳамсухбат бўлса-ю, мириқиб гаплашсам, деб тургандим. Қалай, кеча зап иш бўлдимми? Антика-а, бизнинг жўралар. Баҳона-ю сабаб, дегандек танишиб олдинг. Улар шунақа: ёшлар деса вақтинчи ҳам, жонини ҳам аяшмайди. Буёғига ўталар билан ишни битказавер. Хали адабиёт бўлимига олиб киришади. Карабсанки, бир кун келиб ҳаммаёқда шов-шув гап — газетга сенинг қулинг ўргилсин хикоянг чиққан. Кейин журналлар босади. Сўнгра китобинг чиқади... Китоблар... қатор-қатор китоблар! А, лаббай, нима дейсан бунисига!.. Доврувинг оламини тутади. Хамма соянгга салом беради. Буюк бўлиб кетасан!.. Нимага қўл чўзсанг етади...

Акаси яна кўп ва узок гапирди. Ёш ёзувчи эшитиб, маъқуллаб ўтирди. Акасининг оғзидан чиқаётган ажойиб асарлар, ажойиб ёзувчилар тўғрисидаги қизиқ-қизиқ латифалар ўзининг бор сеҳри ила уни мафтун этарди. Учқур хаёллар олисларга етаклаб кетарди. Ахир адабиёт ҳақидаги суҳбатга бефарқ қараб бўладими? Вақт, раҳмсиз вақт эса гизиллаб ўтиб борар, вақт ўтган

сайин эса ёш ёзувчига сеҳрли гапларнинг таъсири сусаяр, кўпроқ бу ерга келиш сабаби уни безовта қиларди. Акасининг сўзларини бўлиб, истагини айтиш ўлимдан ҳам кийин туюларди унга. Охири андишаларни йиғштириб сўзламокка оғиз жуфтлади. Ҳали гапирмасданок юзлари лоладек қизариб кетди. (У шунақа уятчан йигит эди-да!) Шу пайт Амир акаси яна гап бошлаб қолди.

— Кеча уйга келсам дегин, ўзимиз катори бир дарвиш кутиб ўтирибди. Танирсан, самарқандлик шоир бола, исми — Йўлдош! Матбуотни тан олмайди, зангар. Аммо шеърлари чаккимас. Дуруст ёзади. Ўзиям бир йўла китоб чиқармокчи. Қачон қарасанг, «Ёш гвардия» нашриёти атрофида учратаман. Улар бир тўпلامини кўришаётган экан. Асли журфакни битирган, хали у ерда, хали бу ерда ишлайди. Бир куни ҳазиллашиб:

— Нега капалакдек бир жойда кўним топмайсиз? — дедим.

— Ҳеч ким мени тушунмайди, — дейди.

— Унда буюк экансиз-да, десам, у:

— Ха, буюкларни тушуниш учун ҳам буюк бўлиш керак, — дейди кулиб. Йўлдош билан озроқ шеърхонлик қилдик. Кетар чоғида, шу десанг, дардини очиб қолди: пича пул керак экан. Яшшавор дарвиш дедим-да, ёнимда ўттиз сўм бор эди, бериб юбордим. Кечадан буён кеннойинг ёв қарап қилади. Ойликкача ҳам хали анча бор. Аммо Йўлдош бечора қувониб кетди... Кўзларининг севинчдан порлашини кўрсайдинг... Буларни менга нега айтяпти, дерсан. Демокчиманки, бир ташвишнинг бир роҳати бор, укажон. Шоир айтгандек, ойнинг ўн беши қоронғи, ўн беши ёруғ. Дарвиш-девоналардек юриб-юриб, ҳаммамиз ҳам бир кунмас бир кун олам бўлиб қоламиз... Шу десанг...

Ёш ёзувчининг тарвузи қўлтиғидан тушиб, ёрилган пуфакдек шалвираб қолди. Пул сўраш фикридан қайтди. Ҳаммаси кундай равшан. Ёки акасининг гаплари тасодифан тўғри келиб қолдими? Ёки унинг мақсадини сезиб атайин... Барибир эмасми? Сўрамайди. Бировга қара берганини пеш қилиб, оғиз кўпиртириб дoston қиялти-ми, демак, унга ҳам пул берса, эртага оламга ёяди.

У тезгина хайрлашиб жўнаб кетди. Амир акаси унинг ортидан хайрон бўлганича елка қисиб қолаверди: «Дарвиш, фирт дарвишнинг ўзгинаси».

Йигит ноилоҳ тоғасиникига йўл олди. (Тоғаси профессорлар шаҳарчасида турарди.) Автобусда кимдир

унинг бикинига туртди. У ялт этиб қаради: бекободлик, университетда ишга қолган курсдоши Назир.

— Ҳа, дўстим, кеч кирганда йўл бўлсин? Бу, талабалар шаҳарчасига — жононлар олдигами, дейман. Ҳали-ги... илҳомланиш учун-а. — Назир жилмайиб қўл чўзди.

— Тоғамникига! — деди у қисқагина қилиб.

— Э, халиги, айтган «шеф» тоғанганикигами?

— Ҳа, — деди ёш ёзувчи бирда кайф аралаш тоғаси ҳақида унга оғиз кўпиртирганидан ҳозир хижолат чекиб. — Вактингиз бемалол бўлса бирга ўтсак, керамизу чиқамиз.

— Шоирга салом бердик, бир танга товоп бердик, экан-да. Розиман, лекин шарт бор: кейин бизни квартирага ўтсак. Бир отамлашамиз.

— Бўпти.

Тоғаси уларни хурсанл карши олди. Жиянига ўпкагина ҳам қилди.

— Нима бало, йўқ бўб кетдинг? Ўзиям бир йил бўлдим-ей, келмаганингга. Жиян деган ҳам шунақа тошмехр бўладими?

Бу гал тоғаси очилиб-сочилиб турган эканми суҳбат қилиб кетди. Ёш ёзувчи дўстига айтгандек бир минут эмас, роса бир соатдан ортиқ суҳбатлашишса ҳамки, ўз дардидан чурк этиб оғиз очолмади. Назир уни қистаб киши билмас бир-икки туртиб қўйди. Туришга рухсат олишди. Кўча эшигидан чиқаётганларида у тоғасига ёрилди:

— Э, жиян тушмагур-эй, шуни бояттан бери айтмайсанми. Мен ҳозир...

Тоғаси ортига қайтди. Айвонда турган хотинининг ёнига бориб у билан узоқ пичирлашди. Бу пичир-пичирлар ёш ёзувчига бир йилдек туюлди. Ниҳоят, тоғаси қайтиб келди.

— Жиян, кечирасан энди, — дея гап бошлади у. — Уйда пича пул бор эди, кеннойинг бозорга хашлаб қўйибди. Бир ёқдан совуқ тушиб қолди, болаларга кишлик, у-бу дегандек... Рўзгорчилик, шаҳарчилик, бошқа гал, албатга, бош устига...

Ёш ёзувчи дўстининг олдида хижолатдан ер ёрилмади-ю, ерга кириб кетмади. Кимнингдир «шаҳарлик аёллар бир тийиннинг қирк еридан тутадиган ҳасис бўлади, эрларини ҳам ўз измига солиб олади», деган гаплари ҳаёлига келди. Лекин тоғасига сир бўй бермай:

— Унчалик зарур ҳам эмасди, бир нарса олмоқчи эдим, кейинроқ оларман, — деди зўрға тили буралиб.

Қайтишди. Ёш ёзувчининг алами ошди, хўрлиги келди. Кўнглига чироқ ёкса ёримасди. Назирникига ўтиш фикридан айниди. Дўстининг бир сўзлигини билган Назир ортиқ қистамади. Хайрлашаётганларида эса:

Шуми ўша — министрликда ишлаётган тоғангиз, — деди кесатиб. — Эртага ишдан сўнг квартирангизга ўтарман. Ишхонада бир оз пулим бор эди. Хозирча манабини олиб туринг!

Ёш ёзувчи донг қотиб, ҳаракатсиз турарди. Назир унинг чўнтагига беш сўм солиб қўйди...

III

Ёш ёзувчи ҳовлига қайтиб келганда кун кеч бўлиб қолган эди. Унинг руҳи сўниқ, кўнглини ғам босганди. Дунё — азобли, ўйлар — берахм. Булардан кутулмоқ учун нажот битта: уйқу ва унутмоқ. У апил-тапил счинди-ю ўзини ўринга урди. Кўзлар юмилди, лекин уйқу ҳадеганда келавермасди... Тасаввурлар чувалаб, борлик кўзига зулмат бўлиб кўринарди. Буюклик даъволари жанубга учиб кетган қушлардек ўксик кўнглини аллақачон тарк этган, вужуди бўм-бўш уйдек хувиллаб ётарди. Гўзал келажакнинг гўзал хаёллари ҳам, қачонлардир у эришадиган куёшдек чаровон хаёлий шухрат шохсупаси ҳам шу топда қаёққадир ғойиб бўлганди. Ҳаттоки, уни бағрига сиғдирган кадрдон бошпанаси — шу пастаккина, торгина кулба ҳам, унингдек яккаш қаравоти ҳам, қўлбола китоб жавонидаги дунёнинг жамики шодлигу қайғуларини жамулжам қилиб олган жондан азиз кўрадиган китоблари ҳам, стол устидаги не-не уйқусиз тунлар (гоҳо чироқни вақтида ўчирмай, кампирдан қарғиш эшита-эшита) кўз нури, қалб қўри билан битилган — юрагининг бир парчасига айланиб қолган бир уюм қўлёмалари ҳам унга — ёш ёзувчига совуқ ва ҳеч маҳал ёруғлик баҳшида этмайдиган ортиқча ҳашамлар бўлиб туюларди. Одамларнинг бир-бирларига фидойиликлари эса афсонага ўхшарди. Ҳа, ҳа, фидойилик бир эртак, афсона, уларга ишонмоқ — қайтадан бола бўлмоқ, боладек алданмоқ. Ҳаёт эса эртак ҳам, эрмак ҳам эмас экан. Бировнинг ёрдамига кунинг қолмасин экан. Ўзингда йўқ — оламда йўқ. Қанчалик ҳақ, эскиларнинг гапи! Хўш, намунча у одамлардан меҳру муҳаббат истаб қолди. Ким

бўпти ўзи? Жуда нари борса адабиёт остонасида адашиб юрган бир ҳаёлпараст болакай-да! Бошқа ким, нимаси бор, ахир! Ха, айтмоқчи, ўзини овутадиган ширин-шакар орзулари бор-ку! Ўйлаш, орзу қилиш, болаларча ҳаёл суриш қандай яхши... Қўй буларни. Ундан кўра мундоқ тузукроқ одам бўлиш пайини кўаласа-чи? Кўзга илинадиган амални эгалласа-чи? Шундагина одамлар сенинг бу дунёда борлигингни билади. Ҳозир сарик чақага олишмайди. Нахотки одамлар шунақа?! Пул деса... ҳаммасига пул айбдор! Эҳ, лаънати шу ялтироқ қовоғни деб азалдан мағрур бошлар ҳам гоҳо хар кимларнинг олдида эгилади. Пулдорнинг ҳамиша ошиғи олчи... Барча унга ширинсухан, мулойим, дардига даво. Пулсизнинг аҳволига вой! Барча тишини оқини яшириб кулади, ачинганламо бошини сарак-сарак қилади, ичида эса бу кунингдан ўлганинг афзал, дейди. Унинг ҳам кечадан буён роса бўлари бўлди. Бу кунингдан ўл, дейдиган одам йўқ. Бир ҳисобда ҳозирги ишига меҳр қўйгани ҳам дуруст — бир кун келиб фан номзоди бўларди...

Тушқун кайфият етаклаб келган тушқун ўйларнинг ниҳояси йўқ эди. Йиғит асли ноҳақликка чидай олмасди. Лекин ҳозирги аҳволида ўйлаганларин билан ортиқ ҳисоблашмас, аламзадалик тўғри мушоҳадага йўл қўймасди. Покиза қалб, покиза туйғулар гўё уни ёлғизлатиб ташлаб кетгандек эди. Охири у кечаги ҳодисалардан афсуслана бошлади. Шунчалик ҳам енгилтаклик қиладими? Сичқон сизмас инига, галвир боғлар думига! Ойиси қўп ишлатадиган бу мақол айнан унга ўхшаган «тўйса очарини билмаганлар»га айтилган. Бало бормиди беҳуда улфатчиликка. Ундан биров ўпка-гина қилиб ётганмиди жа. Бир кун кечроқ ёзувчи бўларди-қўярди. Қўли очик, сахий султон! Худди пулни ердан хазондай супуриб олгандек иш тутди-я. Ўша — ердан супуриб оладиганларда ҳам озгина ақл бор, у каби калтабин эмас, эртасини ўйлайди. У эса... балки Амир акаси ҳам атайин қилгандир — бўлмаганга бўлишма деб. Боқлади. Кўзи мошдек очилсин деди-да! Биладики, кечани хотамтойнинг бугун чўнтаги курук... Олдини олди-да. Тоғасичи, тоғаси! Ойисининг меҳрибон акажони! Жигари! Ҳеч бўлмаганда йўқни бордай қилиб, бермаса ҳам бергандай жавоб қилса бўларди-ку. Назирнинг олдида уятдан ўлиб бўлди. Қара берсак қайтармайди, деб ўйлашди, чамаси. Юзини сомондек сарғайтириб, кимлардан пул сўраб юрибди-я. Ўзи бир кўнгли сезганди... Бирдан тоғасининг

ортига қайтиб хотини билан узундан-узоқ пичирлашгани қайта кўз ўнгига жонланди. Шунда негадир эсига қайсидир бир танишининг дастурхон устида айтган гаплари тушди. «Ўзганинг қошида бошимиз ҳам бўлмасин, бировнинг кулига қарам қилгулик қилмасин, ҳеч бир бандаи мўминдан сира кам бўлмайлик...»

У шу каби телба-тескари ўй-ташвишлар гирдобида қийпала-қийнала, оёқда югуриб-елиб юрганда анчайин унутилган дарди кучайиб, охири ухлаб қолди. Тун барибир азоб билан ўтди, алоқ-чалоқ тушлар кўрди. Бир неча бор чўчиб уйғониб кетди.

Эртасига пешинга яқин арабга ўзига келиб, ўрнидан турди. Боши тарс ёрилай дерди. Кунни бир амаллаб стол атрофида ўтказди, гоҳ ётди, гоҳ турди. Хонасида қолган-қутган қаттиқ нонларни тамадди қилди. Бирор ерга чиқишга ҳам, одамларнинг кўзига кўринишга ҳам ҳуши йўқ эди. Қарерга ҳам борсин?! Кун кечикиб, унинг хонасига ҳам қоронғилик ёпирилиб қира бошлади. Энди у узоқ ётолмади, ётолмасди ҳам... Нимадир қилиши керак! Бирдан эсига ялт этиб ўтган қуни хайрлашиш чоғида бўлим мудири айтган гаплар тушди.

— Буёғига энди, билсангиз, ака-укамиз. Мана, шундай қилиб сиз билан адабий алоқани ҳам бошлаб юбордик. Талантингиз, каламингиз бор экан, улар Сизни ҳеч қачон хор қилмайди. Ёзиш, ёза олиш жуда катта бахт, билсангиз, у ҳар кимга ҳам насиб қилавермайди — юзтадан, мингтадан биттага насиб қилади. Бизга у-бу нарсалардан ёзиб турунг, шингил хабарми, лавҳами, мақолами ёки очерк-почерк бўлса ҳам майли. Қалам ҳақи олиб турасиз. Ҳарна ёрдам-да! Танқидий нарсалар бўлса янада яхши...

Ёш ёзувчининг кўнгли ёришиб кетди. Айни муддао. Ёзиш керак. Бировга кўзингни лўқ қилиб ялингандан кўра, озгина пешона тери тўкилса, олам гулистон. Айтмоқчи, нима ёзиш керак? «Танқидий нарсалар бўлса янада яхши...» Мавзу ҳам тайёр! У чўнтагига қўл солиб Назир қолдирган беш сўмни ушлаб кўрди-да, пулниинг турганига ишонч ҳосил қилгач, олдинлари ҳам ҳар замонда бир ўйлаб қўядиган ва мудирнинг гапларидан кейин, айниқса, ҳозирги ахволила жуда-жуда асқатадиган ишни амалга оширишга қарор қилди. Аллақачонлардан буён унутилиб, китоблар орасида чанг босиб ётган қизил жилдлик гувоҳномани излай-излай топди. Чанглариини эринмай артди. Авайлаб костюмининг кўкрак чўнтагига

солди. Бу талабаликнинг дастлабки йиллари ишқибозлик билан республика ёшлар газетаси қошида очилган ёш мухбирлар мактабида ўқиб (албатта, у бу мактабга ёзувчи бўлиш ораусида қатнаганди) олган штатсиз мухбирлик гувоҳномаси эди.

Ёш ёзувчи шаҳар марказидаги ҳар доим гавжум бўладиган Х... ресторанини мўлжалга олиб йўлга чиқди. Ражасидан у ўзида йўқ мамнун эди. Бир ўк билан икки қуённи уради. Ахир ҳақиқат учун бел боғлаб йўлга чиқди, у қувонмай қим қувонсин? Ёзувчига энг кераги ҳам шу, ҳақиқат учун кураш эмасми? Ҳа, авваламбор, буни билиш керак! Худди ўша ресторан официантларининг юлғичлигини жуда кўп эшитган. Ҳамманинг оғзида шу гап. Бир неча бор ўзи ҳам бунинг гувоҳи бўлган. Роса мавриди келиб қолди-да. Ёзади. Бошлаб ёзади. Фельетон қилади. Ёзганини босишгач, роса шов-шув бўлса керак. Кейин мўмайгина қалам хақи ҳам тўлашади. Қанча тўлашаркин-а?..

Ресторанда акалари билан киргандаги каби очилиб-сочилиб ўтиролмади. Бир четда ёлғиз, шумшайиб ўтирди. Бор-йўғи бир кишилик қовурилган жўжа ва бир стакангина компот буюрди. Сўнг ёнверига кўз ташлади. Шундоққина рўпарадаги стол атрофида ўтирган бир тўп кишиларнинг қувноқ давраси эътиборини тортди. Улардан сал нарида қизлар билан мириқиб суҳбатлашаётган йигитларга хаваси келди. Эҳтирос билан қучоқлашганча ўйин тушаётганлар рашқини кўзлади. Шўх музика салоси туйғуларини қитиклади. Кўнгил қурғур бирдан, бир-наракайига яна кўп нарсаларни тусаб қолди. Бу серташвиш оламнинг сира тугамайдиган икир-чикирларини унутгиси, рўнарасидаги шодон одамлардек сигарета чекиб хумордан чиккиси, озроқ ичиб ширакайф бўлгиси, ўйнаб кулгиси, бирорта ўзини тушунадиган қизга юрагида бор дардларини тўкиб солгиси келди. Аммо...

У ништаҳа билан овқатланди. Қорни тўйғач бояги нам-ташвишлар ҳам, енгил-елли хавойи ўйлар ҳам ортга чекинди. Тағин унинг нозик-нихол қалбига ижодиётнинг чексиз ва ширин ҳаёлоти капалак мисол беозоргина қўнди. Мاستона туйғулар оғушида стакандаги компотни коньякдек узок эрмак қилиб ичди. Мафтункор музика вужудини аллаларди. Ўзи ҳақида, ёзганлари ҳақида ҳаёлга берилди. Янги-янги режалар туза бошлади. Ресторан — яхши жой, яхши фикрлар қаллага келади, деб қўйди ўзича. Бир пайт официант-

кага кўзи тушди. Ниятини эслади. Олдиниға кайфиятини бузгиси келмади. Хатто ўзича «ёзувчи бўладиган одам, нахотки шу — арзимас, майда-чуйда нарсалар тўғрисида ёзиб юраман», деган андишаға ҳам борди. Лекин бўм-бўш чўнтак, мўмайгина қалам хаки хаёли бу фикрни яшин тезлиғида миясидан улоктириб ташлашға ундади. Ҳамма нарсанинг ҳам боши бор, охири бор. Бирданиға чўққига чиқиб бўлмайди-ку! Бу ҳам керак: кўз пишади, қалами қайралади, ҳаётни ўрганади. У официанткани чақирди. Белиға оқ фартук тутган ўрта яшар аёл чўнтағидан олган дафтариға ўйчан термила-термила, нималардир деб ўзича пичир-пичир қилди-да, сўнг унга қараб:

— Тўрт сўм етмиш тийин, — деди бепарво.

— Нима?! — Ёш ёзувчи анграйиб қолди.

— Тўрт сўм етмиш тийин, — официантка овозини баландлатиб янжиганча жавоб қилди.

Йигитнинг жаҳли чиқди. Гап пул устида кетаётганидан асаблари таранглашди.

— Янглишяпсиз, қайта ҳисобланг! — деди бақирганча.

Дағал муомала аёлға малол келди. Лабини бурганича олдин йигитға, сўнгра қўлидаги қорозға ёкимсиз қаради, кейин хатонин пайқаб қолди, шекилли:

— Кечирасиз, боя шу столға бир стакан шампан виноси олиб келгандим. Ўшани сизға келтирдим деб ўйлабман, у киши ҳам ёлғиз эди, — дея ўзини оқлади. Барибир тагин ортиқча айтди. Менюға қарай-қарай овқат пулини миридан сиригача ҳисоблаб ўтирган ёш ёзувчи иши ўнгидан келганидан қувониб кетди.

— Бу найрангларинг менға маълум, — деди у ғурур билан кўкрак чўнтағиға қўл солиб гувоҳномасини чиқараркан. — Мана кўриб кўйинг, мен редакцияданман! Қани, бошлиғингиз олдиға борайлик-чи!

— Кечирасиз, — бир оз қизарган бўлди официантка. — Ким ҳам янглишмайди, дейсиз...

— Ўз фойдасиға-а, — кесатди йигит. — Қани, бошланг!

Официантка сергакланди.

— Ҳужжатингизни кўрай-чи, бориш бўлса қочмас.

— Нима, менға ишонмаяпсизми? — Йигит тутоқиб кетди.

— Агар ростдан мухбир бўлсангиз...

Ёш ёзувчи гувоҳномани узатди. Официантка у кутгандек очиб карамади ҳам, хайрон ҳам бўлмади. Олди-ю, халатининг чўнтагига солди. Кейин унга қараб ўшқирди:

— Биламан сенга ўхшаш «қизил книжкаси» борларни. Нечтаси қалбаки «книжка» билан бошни оғритади. Сен ҳам шунақаларнинг бири бўлсанг керак! Туришингдан зиғирча мухбир-пухбирга ўхшамайсан.

Йигит соддалик қилганини пайқаб қолди. Официантканинг қилиғи ҳам, гаплари ҳам унга ёкмади. «Хужжатни бировга бериб бўлмасди-ку!» бу эсига тушиб шошганча ўрнидан турди.

— Беринг!

— Олиб бўпсан! — Официантка иржайди. — Энди мен сени текшираман. Қалбаки хужжат билан...

Йигит ўйлаб ўтирмади, шитоб энгашиб официантканинг хужжат солинган чўнтагига қўл узатди-да, гувоҳномасини маҳкам чангаллаб олди. Аммо қўлини тортиб олишга улгурмади. Аёл унинг қўлига маҳкам ёпишганича бакира бошлади.

— Вой, муттахам! Вой, муттахам-эй! Ёппа-ёруғда, шунча одамнинг кўзи олдида пулга чанг солишини!

Йигит қўлини жон-жаҳди билан силтади. Барибир суғуриб ололмади. Официантка бунга жавобан илкис бош эгиб унинг — ёш ёзувчининг билагидан тишлаб олди. У жон аччиғида инграб юборди. Қўлини зарб билан тортди, хайриятки, чангалида гувоҳнома бор эди. Официантка бўлса ҳамон айюҳаннос солганча зални бошига кўтарар, халатининг чоки сўкилган чўнтагини томошата-лаб одамларга, можарога кўзи тушиб ёрдамга етиб келган ва уларни аллақачон қуршаб олган ҳамкасбларига кўз-кўз қиларди.

— Фирт безори экан! Тағин қил-қизил маст! Хамманинг олдида пул тўла чўнтакка чанг солди-я! Милиция қақирриш керак!

Кутилмаган ноҳақликдан жаҳли чиққан ва довдираб қолган ёш ёзувчи асабийлашганидан чўгдек кизариб миқ этмай турарди. Бир тўп официанткалар бўлса унга кўзларини лўқ қилганча еб юборгудек бўлиб тикилишар, бирин-сирин шерикларининг гапини маъқуллаб — маст, безори йигитни аямай сўкишарди.

— Ҳозирги ёшлар ярамас бўп кетяпти.

— Буни кўзларига қаранглар, қонталаш, совуқ. Бунақалардан яхшилик чикмайди...

— Ўзиям ўлгудек ичибди-да! Хурмачасига сиққанча ичса бўлмасмикан...

— Бундайларнинг жазоси битта: милицияга бервориш керак.

Ёш ёзувчининг жони халкумига келди. Куйиб-пишиб барини тушунтирмоқчи бўлди. Сўзларига ҳеч ким парво қилмади... У бир илож қилиб официантлар даврасидан юлкиниб чиқди-да, «Завзал»нинг хонасини кидириб топди. Тўладан келган, барваста кишига ҳаммасини — официантканинг хисобдаги қинғирлигини, ўзининг хужжат кўрсатганини ва официантка уни олиб қўйганини, кейин оппоқ билагини тишлаб олганини, тагин одамлар орасида ҳақорат қилганини сўзлади. Бақалок киши мижжа қокмай бармоғидаги олтин узукни ўйнаб ўтирганча эшитди. Ҳозирок, агар сиз чора кўрмасангиз ресторан директорига арз қиламан, деганда тилла тишларини ялтиратиб, осилиб тушган ковокларини хиёл кўтариб, мийиғида кулиб қўйди. Йигит яна редакциядан келганини ҳам қистириб ўтди. «Завзал» официанткани чақирди. У келди ва бояги гапларини тўтиқушдек такрорлади. «Мана ишонмасангиз», деб йиртиқ чўнтагини кўрсатди. Ортидан етиб келган бир тўп ҳамкасблари унинг гапларини тасдиқлашди. Йигитни тарбия кўрмаганликда, ҳатто аёллар билан хушмуомала бўлолмаганликда «рўйи-рост» айблашди. Бунақа юзсизлик фақат маст безорининг қўлидан келади, холос. Энди «завзал»нинг юзларидаги бепарволикдан асар ҳам қолмади. Пешонаси тиришди, кўзлари бакрайди.

— Яхшилиқча жўнаб қолинг, йигитча! Бу ерга маст-аласт келиб, қаердаги хужжат-пужжатларни кўрсатиб, официанткани ишдан қўйиб... — деганча ўшқира кетди «завзал» ҳам. — Керак бўлса, билиб қўйинг: ўша сизга хужжат берган газета муҳаррири дўстим бўлади. Ҳар кунни тушликни шу ерда — мен билан бирга қилади. Фамилиянгиз нима ўзи, эртага бир суриштирайлик-чи, балки муҳаррирнинг тарбиясига муҳтож бўлиб қолгандир-сиз. Агарда боплиғингизни танимаганимда-ку, ўзим билардим-а, ҳозирок милиция чакириб ўн беш суткага бериб юборардим...

— Чақирин керак!

— Бервориш керак!

— Боплаб таъзириин есин! Бошқа қилмайдиган бўлади.

Бараварига чуғурлашди официантлар.

-- Жим! — «завзал» уларни тинчлантирди. Кейин йигитга сўнгги гапни айтди. — Қани, тезда туёғингизни шиқиллатиб қолинг-чи, акс холда...

• • •

Ёш ёзувчи хопасига қайтиб келди. Унинг ўпкаси тўлиб борар, йиғлагиси, йиғлаб бир хумордан чиққиси келарди. Официантка тишлаб олган ўнг билаги зиркираб оғрирди. У кўйлагини ечиб билагига кўз ташлади. Тамға бўлиб қолган тишлар ўрнига — кип-кизил доира шаклига узок қараб турди. Сўнг чап қўли билан секин силади. Оғриқ кучайди. Унинг хўрлиги ошди... Ҳақиқатни топмокчи бўлди-я... Мана сенга ҳақиқат! Мана сенга қалам билан пул топишининг оппа-осон йўли! Мана сенга мўмай қалам ҳақи! Нак бўлмаса, ўн беш суткага тушишига сал қолди. Улар одам эмас, одамга ёпишган қаналар: ҳам пул сўради, ҳам қон... Роса ишнинг топгани, устаси фаранглар. Минг хийлани билишади-я. Бунақалар тегирмонга тушса ҳам бутун чиқади. Ўзи аҳмоқ. Аҳмоқ, бўлмаса, келиб-келиб улар билан якка ўзи олишадими? Устига-устак бундай ишларга тажрибаси бўлмаса... Официанткалар — ялмоғиз кампирлар, уни икки ямлаб бир ютиб юборай деди-я. «Завзали» эса ғирт тўнка! Улар билан қандай курашиш керак... Э, бор-э!.. У ҳаммасига беихтиёр қўл силтади. Жони оғриб кетди. Бу ўнг қўли эди. У билагини ушлаганича чуқур ух тортди.

Тун. Ёш ёзувчи алламаҳалгача ухлай олмасдан дардчил тўлғаниб ётди. Кўзи иллингач ҳам тобора кучайиб бораётган касаллик уни тинчгина ухлашига йўл қўймади. Яна алғов-далғов тушлар кўриб чиқди. Босинқиради. Кўзига ҳар балолар кўриниб, қўрқди ҳам. Факат тонгга яқин бир оз ором олди, эсда қоладиган бир туш ҳам кўрди... Гўзалликда тенги йўк машинистка аёл унинг наشرдан чиққан яп-янги, ҳали оҳори тўкилмаган китобини боши узра айлантирганича у томон югуриб келармиш... Унга ёқимли жилмайиб, кош қоқармиш... ва китобга имо қилганича: «Ана, айтмабмидим, укам. Биз бир нарсани билмасдан қаромат қилмаймиз. Чикибди-ку! Ҳали бу бопиланиши. Буёғига ҳам омадингизни берсин! Қани, суюнчини чўзаверинг!» деб унинг юзларидан чўлд-чўлд ўпармиш!... Тоғаси бўлса кучок очганча уни бағрига босармиш... Атрофидаги одамларга оғиз кўпиртириб уни мактармиш: «Билиб қўйинглар, бу йигит ёзувчи! Бизнинг жиян, қонида бизнинг қон бор!» Амир ака-

си ва унинг газетчи дўстлари узокдан қўнғирокдек жарангдор овоз билан хайкиришиб келармиш: «Юваниз, юваниз энди». Ресторандаги энг гўзал қиз унинг учун қўшиқ буюриб, ўзи уни рақсга таклиф қилармиш. Қўрқувдан ранги докадек оқариб кетган официанткани етаклаб олган «завзал» унга тик қарашга уялиб, қўзлари билан ер чизганча охиста пичирлаб кечирим сўрармиш... Кимдир унинг қўлига даста-даста гуллар тутиб табриклармиш ва чўнтагига, қўйнига пачка-пачка пул тикиб хадеб шу гапларни айтармиш:

— Сен улкан талантсан. Аслида Жек Лондонга ўхшаб қўлингга қалам олганингдан буён зўр эдинг! Лекин сени ҳам у каби тушунгунларича орадан анча вақтлар ўтди. Бунинг учун кўп кайғурма: адабиёт ўзи шунақа — катта жанг майдони, унга тушдингми, тасом — токи ёлиб чиққунингча, токи сени сенлигингни тан олгунларича тинмай олишаверасан! Мана, ниҳоят, сен енгдинг! Охиригача чидадинг! Курашдинг! Бу китобинг — ажойиб асар. Ўқиганлар қойил қолади. Талантни асраш керак, кадрлаш керак! Хозирча хамир учидан патир — мана бу пулларни ол! Улар сеники! Пешона теринг эвазига! Янада зўр-зўр асарлар ёз! Биз кутамиз! Энди сен ёш ёзувчи эмассан! Сен улкан талантсан! Бизнинг ичимиздан чиққан буюк ёзувчисан...

IV

Сахар пайти эшик аста очилиб, остопада кимнингдир қораси кўринди. Кечаси билан кийналиб чиққан ва эндигина қўзлари юмулиб оромбахш туш кўраётган ёш ёзувчининг уйқуси бўлинди. Шарпа унга яқин келиб гапира бошлади.

— Тузукмисан, болам! Оқшом кўчадан бир алпозда келдинг. Гандираклаб юришингдан мастсан дебман. Бунақа ичиб келиш одати йўқ эди-ю, деб олдинига хайрон бўлдим. Гапирсам гап уқмайсан. Пешонангни ушласам бамисоли чўғ, қўлимни куйдираман дейди. Иссиғинг баланд... Печкага ўт ёқдим. Чой дамладим. Бир хўплам ҳам ичмадинг. Махалламиздаги дўхтир болани айттиргандим, гапимни икки қилмай келди, бечора. Асаблари чарчаган, бир оз иситмаси бор, ўтиб кетади, деди. Укол қилди, анави дориларни қолдирди, — кампир стол устидаги дориларга имо қилиб давом этди: — Кунига учтадан ичсин, иссик ўраниб ётсин, деб тайинлади. Кетар

чоғида бир парча қоғозга кўзи тушиб бош чайқади-да: «Ўзи ҳам докторнинг қабулида бўлган экан, мен берган дорилар мана бу ерда ёзилибди, афтидан олиб ичмаган кўринади», деганча чиқиб кетди.

Йигит кампирни овозидан таниди. Сскин кўзларини очиб «хаммаси учун раҳмат» дегандек хиёл бош қимирлатди. Кейин негадир, «чироқни вақтида ўчирмайсан», деб ҳар кун и жанжал қиладиган кампирнинг бугунги меҳрибончилиги ҳам малол келиб, юзларини четга бурди. Кампир буни сезди, шунинг учун гапни чўзмай мақсадга ўтиб қўя қолди.

— Айтмоқчи, ҳалиги дўстинг бору тез-тез келиб турадиган, новча, сенга ўхшаш орриқкина, исми нимайди?

— Назир.

— Ҳа, ҳа, ўша ўртоғинг оқшом сени йўқлаб келганди. Анча кутди, бечора. Келавермадинг. Сўнг менга тайинлай-тайинлай пул ташлаб кетди. Мана, суяги синмаган яп-янги бешта беш сўмлик. — Кампир пуллардан кўз узмай уларни йигитга узатди.

— Столга қўяверинг! — деди йигит. Кампир унинг айтганини қилди. Орада бошқа гап қолмади. Бироқ йигит кутгандек кампир ҳамон чиқиб кетмасди.

— Айтмоқчи, кеча дўхтир бола билан кирганимизда нукул пул ва яна алланималардир деб гапирдинг.

— А, ростданми? — ёш ёзувчининг юраги шув этиб кетди. «Менга нима бўляпти, ўзи?!»

— Ҳа, ростдан! Тағин аллакимларнинг отини айтиб уришдинг, сўкиндинг ҳам... Кўзингга ҳар нарсалар кўринди чоғи?

Йигит чурқ этмади. Унга нимадир бўлганини, нимадир бўлаётганини бетакалдуфлик билан шаъма қилаётган кампирга хушламай каради. Афсус, уйларида эмас-да, бувиси унинг ахволини кўриб, жонини жабборга бериб атрофида гиргиттон бўларди-я... Бу кампир бўлса... Ўзи намунча бу ерда ўралашиб қолди? Нега гапни чўзади? У билан гаплашгиси йўқлиги шундоқ сезилиб турибди-ку! Тағин азонлаб-а... Э, кўзлари пулда-ку! Гап бу ёқда экан...

— Йигирма сўми сизга — ижара хақи, олинг, — деди ёш ёзувчи ётган жойида гижиниб стол томон ишора қиларкан. Кампир гўё шуни кутиб тургандек шоша-пиша пулга чанг солди. Қўлига олгач, орасидан истамайгина битта беш сўмликни суғуриб жойига қўйди.

Қолганини авайлаб буклаганича кафтига қисаркан кўзлари порлаб, ёлғондакам мулозамат қилишни ҳам унутмади.

— Ўзинг қийналиб қолмайсанми, болам?

— Йўқ! Ўтган куни ойлик олдим-ку!

— Эсим қурсин, қаричилик, айтувдинг-а, — деди кампир гўё кеча ораларидан ҳеч гап ўтмагандай. Кейин ўзини оқлаган бўлиб яқинда уй олиб бу ердан — ката-лакдек ховлидан кўчиб кетган ёлғиз ўғлидан зорлана бошлади: — Келади, кетади, худди бегоналардек. Ойди-гилнинг бир тийинини ҳам кўрсатмайди. Не-не умидда ўстиргандим уни. Уйланди-ю, шўнака бўлди-қолди. Хотини ажинанинг ўзи, аврай-аврай ўз измига солиб олди. Ўзингники ўзингга қовушмаса ёмон экан... Сендан пул олмай дейману бу ёғи тирикчилик. Рўзғор — ўз оти билан рўзу ёр экан, қашча бўлса ютиб юбораркан.

Кампир гапдан тўхтади. Эшик томон юраркан:

— Ҳозир бирров бозорга тушиб чиқаман. Уйга бохабар бўлиб тургин, келгач, мастава-пастава қиларман, аччиқ-аччиқ ичсанг отдай бўлиб кетасан, — деди-да, чикиб кетди.

Йигит ёлғиз қолгач, енгил нафас олди. Минг қилса ҳам қўлига пул тушганда одамгарчилиги дуруст, деб қўйди кампирнинг ортидан. Сўнг бошқа нарсаларни ўйлагиси келмай хомуш тортганча шифтга тикилиб ётди. Барибир ўйламай туролмади. Бирдан яна иссиғи ошди, айқаш-уйқаш хаёллар олиб қоча бошлади. У кўз тикиб турган шифт катта бир экранга айланди-да, у ерда бир тўп кампирларнинг башаралари намоён бўлди. Уларнинг орасида ҳозиргина бу ердан чикиб кетган кампир ҳам бор эди. Унинг ёнидаги биттаси эса жуда таниш: қарашлари совук, қошу қовоғи осилган, юзлари захар, оғзи тўла тилла тиш... Ия, у абитуриентлигида ижарада турган, «Ғалаба» боғи ёнидаги уйнинг эгаси-ку! Бозорчи кампир — савдогар. Уни дарс қилишга қўймай, нукул буюриб, у ёқдан бу ёққа кўп чоптирарди. Хатто ахлат челагини бўшатишга ҳам, ейдиган нони учун ҳам. Ўзи-ку бозордан бери келмасди. Гоҳида у, боғда дарс қилиб зериккач оқшомги томошаларга махлиё бўлибми ёки киного кирибми кун ботгач сал кечикиб қайтса, кампир аллақачон ховли эшигини ичкаридан қулфлаб олган бўларди. Чакирса, очмасди. Бераҳм эди. Охири девор ошиб тушарди. Бошқа борадиган жойи бўлмагач, нима қилсин! Кийимлари девор оқидан олабайроқ бўлиб кетарди. Эр-

талаб эса кампирнинг қарғишидан уйғонарди: саёқ, кишлоки, поездга осилиб келган келгинди, ўрига ўхшаб девор ошиб... ва яна бир балолар... Хайдайман деб ҳам баъзан зуғум қилиб қўярди. Факат хар ўн беш кунда ижара пулини олаётгандагина тишининг оқини кўрсатарди, холос. Худди ўша кампир. Уни бир боғласинми жон жойидан олиб... У гўё ўзига тикилиб турган кампирга тик қараганча у билан тап тортмай хаёлан гаплаша кетди:

«Намунча пулни яхши кўрмасангиз?»

«Ҳалиям ёўрсан, бола. Пул жигардан бўлади. Бу — ҳақ гап. Сен ҳам яхши кўрганингда, тежаб-тергаб, оркаолдинга қараб сарф қилганингда зориқини нималигини билмасдинг!»

«Ҳар кун бозорга чоласиз. Пул тўплаганингиз тўплаган. Нима қиласиз шунча пулни?»

«Сенлар берган пул ёккан чироғингни қопламайди-ю, тагин уялмасдан бировларнинг пулини ҳисобини қиласан-а, тирик жонга қанча бўлса оқ. Мана, сен ўтган кунни ойлик олиб, бугун беш панжангни бурнингга тикиб, берсанг ейман, бермасанг ўламан, деб ўтирибсан-у, тагин менга...»

«Сиз зикнасиэ! Хасиссиэ!»

«Сен нимасан? Хўш, меникидан кетгандан кейин ҳам умрингда бирор марта квартир пулини вақтида тўлаганмисан, ўзи? Сенинг ўзинг ўшанақасан!..»

«Бир кун келиб ёзувчи бўламан. Ана ўшанда...»

«Э, бола, чучварани хом санабган. Кўрганмиэ ёзувчиларни ҳам. Топганини қоғозга сарф қиладиган ғирт ахмоқ одамлар улар. Биттасини билардим: ўзи қайси бир кишлоқдан келиб шаҳарда туриб қолган, қиркка кирганда ҳам эсини танимаган. Хотини шўрлик доим эридан ёзғириб қўни-қўшнилардан қарз сўраб юрарди. Сира бирлари икки бўлмаган. Ўзим неча марта қарз берганману. Олганини вақтида бермасди ҳам. Ҳозир қаёққади қўчиб кетган. Шу-шу қулоғимиз тинчиди — қарз беришдан қутулдик. Ха, билиб қўй: улар ҳам сен ўйлаганчалик худо эмас, осмонда юрадиган».

«Сиз дунёдан беҳабарсиэ: уларни — Жек Лондонни ҳам, Бальзакни ҳам, Пушкин, Лермонтов, Достоевскийларни ҳам билмайсиэ!»

«Нима, улар эски бойларданми? Пуллари кўп бўлганми?»

«Йўқ!»

«Унда ҳавас қилса арзийдиган нимаси бор?»

«Китоблари! Номларини оламга ёйган, ўзлари ёзиб қолдирган китоблари!»

«Китоблари эмиш. Китоб жинниси экан-да, улар. Шунинг менга айтиб ўтирибсанми? Сен ҳам уларга ўхшаб салкам китоб жинниси бўлсан, болам. Сендақалар уйига ҳар куни егулик ош-нон ўрнига янги китоб қўлтиқлаб келади, қанча-қанча қоғозни беҳудага исроф қилади. Шуларга пул, вақт сарф қилишганини. Эсиз... Сен ҳам ўша қоғозларингга, китобларингга айт, мана шунақа бир кун оч қолганингда қорнингни тўйғазсин-чи... Йўқ, тўйдиролмайди... Шуюм ҳаёт бўлдимми? Туну кун езасану оламдан беҳабарсан. Анави мен қатнайдиган бозорнинг бозорқоми бору, ўшанинг иккита данғиллама уй-жойи, қўш машинаси бор: иккаласи ҳам яп-янги — бири «Волга», иккинчиси «Жигули». Катта ўғлида ҳам машина, қизи ҳали талаба-ю лекин унинг номига ҳам яқинда уч хонали уй олиб қўйган. Маҳалламиздаги универмаг директорининг хотини таққан тақинчоқларнинг ҳар бирига битта машинанинг пулини беради. Асл дуру гавҳарларни, соф олтинларни тақади. Қарасанг, кўзларинг камашади. Бу ёнимдаги қўшним бурноғи йили зап тўй қилдики, овозаси етти иқлимга етди. Ҳали-ҳали бутун Тошкан оғзининг суви кетиб гапириб юради. Сен бўлганг, қаердаги бўлмағур гаплар билан бошимни оғритасан... Қўй-е... Беҳуда кўз нури тўкиб китоб ўқийсан. Ёзувчиларни мактайсан. Биламан, улар ҳам ўша ёлғон-яшиқ нарсаларни пул учун бичиб-тўкишади-да. Ахир мушук бекорга офтобга чиқмайди-ку! Тирикчилик: бирон ёзиб кунини ўтказади, бироннинг ризқи эса бозорда.... Тирикчиликнинг уяти йўқ. Ўқимасам ҳам, худога шукурки, пул санашга аклим етади, ҳаётни сенга ўхшаш ҳаёлпарастлардан ўн чандон ортиқроқ биламан. Ҳа, ҳа, сен ҳам билиб қўй: бу оламда ҳамма нарсанинг тошу тарозиси бор. Бу — пул!»

Ҳаёлий баҳс ёш ёзувчини толиқтирди. Кайфияти янада ёмонлашди. У бирдан шу топда, айни шу топда — касал бўлиб ётганда, оч ётганда, ҳеч кимдан ёрдам сўрашга қурби бошқа етмаслигини сезган шу чоғда жуда кўп нарсаларни пайқаб қолди. Балки у кампир ҳам ўзинча тўғридир. Ахир бу дунёда ҳар кимнинг ўз фалсафаси, эътиқоди бор. Ҳамма ўзини ҳақ деб билади. У эса толиқяпти. Ёш бўлатуриб толиқяпти. Рухияти, асаблари чарчаяпти. Шаҳар ҳам жонга тегяпти. Талабалик —

ўқиш, ётоқ, ўйин-кулги, гоҳида оч, гоҳида тўқ юришлар билан бирпасда ёзиллаб ўтиб кетди. У вақтлар очликнинг ҳам, тўқликнинг ҳам, шўхликнинг ҳам ўзига яраша гапти бор эди. Энди-чи, энди? У ҳам одамлардек яшашни истайди. Мана, ўқишни битирса-да, ҳамон яшашни ўша-ўша — ит ётиш, мирза туриш. Бировларникида сизинди. Ишхонадан жой бериш эса анқонинг уруни. Ундан олдин навбатда турганлар сон мингта. Бир йилда бир кишига берса беради, бермаса шўям йўқ. Ишига ҳам хоҳиши йўқ, пулга ёлчимайди. Барига чидаса бўлади, бари ўтқинчи. Лекин адабиёт-чи?! Ёзишчи?! Ўлда-жўлда. Вақт кам. Илмий ишидан ортиниб, тўғрироғи, кимёдан ўғирлаб ижод қилади. Бунакада тўзукрок ютукқа эришиб бўлармиди? Ахир адабиёт катта жанг майдони бўлгач, бу майдон ҳам ўзига яраша курбон талаб қилади-да! Дастлабки курбон эса вақт. Илм билан шуғулланиш учун, фан номзоди бўлиш учун аввало, домласи айтгандек, кишининг хаёли бир жойда бўлиши, фикри тиниқ, бутун ақл-идроқи ўз ишига, ўз соҳасига ва унинг келажагига ишонч билан қаратилиши керак. Унинг эса хаёли сочиқ, ўзи икки ўт орасида. Аросат — ёмон. Бир кун келиб афсус чекиши мумкин. Унда кеч бўлади. Кўзни чирт юмиб, шартта бирини танласамикан... Жек Лондондаги жасорат билан, Бальзакдаги кескинлик ва Лев Толстойдаги донолик билан... Тўхта, тўхта, Толстой каби шаҳарни бир умрга тарк этиб кишлоққа кетса-чи... Нега Толстой кишлоққа кетиб қолган-а? Балки ёзишга кишлоқ яхшидир. Толстой Ясная Полянада маза қилиб ижод қилган. Ясная Поляна — ям-яшил ўлка, Толстойни буюк қилган, бир умр илҳомлантирган, ижодий куч-қувват бахшида этган юрт. У туғилган жой ҳам Ясная Полянадан кам эмас. Фарғона! Тилларда дoston гўзал водий. Ахир бу водий ҳақида гапирган киши гўзал сўзини қўшмасдан, хаяжонга тушмасдан гапира олмайди-ку! Тўрт томонида сервикор тоғлар — кўҳна Тянь-Шань, салобатли Помир-Олой. Водий бағрида эса бир-биридан латофатли ям-яшил кишлоқлар... Ана, буларнинг ҳаммаси бир бўлиб уни водийга — кўм-кўкликлар маконига, болалиги ўтган гўзал Ирғоли кишлоғига чорлаяпти. Кишлоқда барча фасл гўзал кечади. Баҳорда бир тўп болалар оёқ яланг бўлиб олишганларича тупрок кўчаларни чангитиб юришар, тўрт томонга югуриб шўхлик қилишарди, футбол ўйнашарди, майкаларига «Пахтакор», «Абдураи-

мов», «Красницкий» деб хатто уларнинг ўйиндаги рақамларигача ёзиб олишарди. Гулдан гулга кўнимсиэ учиб юрган капалакларнинг қувлаб чарчашмаганлари-чи, ойиларига эндигина барг чиқара бошлаган яллиэ, отқулок, йўнғичка териб бериб, эвазига маза қилиб кўк сомса ейишнинг гашти-чи... гулларга ўчиликлари-чи — майсалар орасидан, арпазор, буёдойзорлардан алвондек товланиб чиққан қизғалдоқларни «лола, лола» деб талашишарди. Ёмғир ёкканда кийимлари шалаббо бўлганига қарамай арик, зовурларнинг бўйларидаги ўт-ўланларни қайириб қўзикорин излашарди. Топганларида эса, қувончлари ичларига сиғмай, овозларининг борица бакиришарди. Қўрга тоблаб пиширилган қўзикоринни қаламшир тузга ботириб ейишнинг гаштига нима етсин! Ёзда бўлса қишлоқларнинг шундоққина тепасидан ўтган, тарихга ҳамюртларининг қахрамонлиги бўлиб тушган — Катта Фарғона қанали уларники эди. Чўмилишга гўё катталар тўйга бораётгандек бир-бирларини уйларида чакриб боришарди. Кун бўйи чўмилишарди. Ким кўп чўмилганини айтиб мақтанишарди ҳам. Бувилари бўлса «нима бало, уззукун совук сувдан чиқмайсанлар, қунига қўй ёвдан қайнатма шўрва ичялсанларми», деб тил учидан уларни қойишарди. Барибир гал у қулоқларидан кирса, бунисидан чикиб кетавсарди. Кузда эса уларга кун туғиб қоларди. Қишлоқнинг гуж-гуж мевазорларида, қовун-тарвуз пайкалларида роса тўйишарди. Пахта терими бошланганда эса ортикча тежаб-тергашга бувиларининг вақти ҳам бўлмасди... Қиш ҳам ажойиб эди. Қорбўрон ўйини, сирғанчиқ училар... Энг қўп эрталки ҳам шу фаслда сандал атрофида бувиларини, эналарини қуршаб олганларича бир-бирларига гал бермай жўжалардек чуғурлашиб эшитишарди. Эшитиб бўлгач эса, бир дунё савол беришарди... Ҳаммаси ажойиб! Болалик қандай яхши! Қандай яхши болалик хотиралари, болалик ўтган қишлоқ! Қандай яхши табиат қучоғида яшаш... Табиатдек беғубор, содда, жиндайгина тўпори, ёлгон мулозаматни билмайдиган қишлоқ одамлари билан бирга бўлиш. Ана, қаерда у қидириб юрган осойишта, покиза ҳаёт! У ерда истаганича ёзиш мумкин. Илҳомланиш ва ижод қилиш учун бундан ортик яна нима керак... Шунинг учун Толстой шовкин, алёв-далёв шаҳардан кетиб қолганмикан?! Агар шунинг учун кетган бўлса жуда тўғри қилган. Демак, қишлоқда япаб ҳам ёзиш мумкин. Унга ҳам энг тўғри йўл шу — Толстой йўли! «Ижодкор

марказда, шаҳарда яшаши керак», деювчилар гапирар-ришсин. Бекорчиликдан ўйлаб топилган беҳуда гаплар. Ахир уйку жой танламагандек, талант ҳам жой танла-майди-ку. Талант шаҳарда ҳам эмас, қишлоқда ҳам эмас, кишининг ўзида бўлади-ку! Қаерда ёзса ҳам одамлар хақида, одамларнинг тил учида турган гаплари, кўнгли-даги дардлари хақида ёзади-ку. Қайтага шаҳарда ҳуда-беҳудлага умр ўтказиб, адабиёт хақида кўп ўйлаб, кўп сўйлаб юргандан кўра қишлоққа боргани, ижод билан жиддийроқ шуғуллангани яхши эмасми? Ўзи туғилиб ўсган, катта бўлиб вояга етган муҳитни, ўзи яхши бил-ган қишлоқ одамларини ўрганиш, улар хақида ёзиш минг марта осон ва яхши бўлмайdimи?! Кетади, бугу-нок кетади. Нима, шаҳар қочиб кетибдим, керак бўлса тез-тез келиб туради...

Йигит ўрнидан турди. Кампир қолдирган беш сўмни чўнтагига солиб қўйди. Кетиш учун поезд билетига. Яна кечагидан қолган икки сўмга яқин пули бор. У бир қарорга келганидан кўнгли жойига тушди. Кўнгли жойи-га тушганидан салгина ўзини тетик хис қилди. Ювиниб келди. Сўнгра астойдил ишлай кетди. Тузатилиши керак бўлган хикоялар эпақага кела бошлади. Кеча тузатганла-ри бугун ёкмади. Яна тузатди, чизди, ёзди, ўчирди. Туш-гача каттиқ ишлади. Камчиликлари кўрсатилган хикоя-лар сайқал топди. Фақат саҳифаларнинг ифлосланган жойларигина кўнглини хира қилиб турарди, холос. Ту-затиб бўлгач, акалари қалам учида варақ четларига ёзган қайдларни ўчириб ташлади. Ўчиришдан олдин ҳар эҳти-молга қарши керак бўлиб қолар деган ўйда ҳаммасини эринмасдан бир дафтарга кўчириб чиқди. Кейин бир вақтлар тартибсиз ёзиб ташланган икки хикоясини чи-ройли қилиб кўчиришга ҳам улгурди. Вақтни қизганиб кўчага чиқмади, тушликка қолган-қутган каттиқ нонлар-ни тўплади-да, бир коса сувга бўктириб, талабалигидан ёдгор «меню» — «номанти»ни иштаҳа билан еди. Бир увок ҳам қўймади. Қорин тўймади, қайтага иштаҳаси очилиб кетди. Кўчага чиқиб овқатланиб келишга тўғри келди. Қорин тўйгач, фикрлари янада равшан тортди. Кийиниб, ишланган тўртта хикоя ёнига боя кўчирган ик-кала қўлёзмасини ҳам қўшиб қўлтиққа урганича редак-цияга жўнади. Акасининг дўстлари олдида боришга кўнгли чопмади. Сўраб-суриштириб учта газетанинг ада-биёт бўлимига кириб чиқди. Ҳар бирига иккитадан хикоя қолдирди. Бўлимдагиларга иймана-иймана хикоя-

ларини яхшилаб кўчиртиролмаганини, баъзилари хатто кўлёзма ҳолдалигини айтди. Улар нозу фироқсиз, «хечкиси йўқ», деганларича олиб қолишди. У ўзича не андипаларга бориб юрибди-я! Яхши муомала қилишди. Маъкул келса босамиз, ешларга эътибор бериш биринчи галдаги вазифамиз, дейишди. Балки сал кунда босишар ҳам...

Шу кун кечгача ёш ёзувчи редакция ходимларининг юмшоқ муомалаларининг таъсирида юрди. Оқшом ўз қанотини ёйиб қош қорая бошлаганда кетили тараддуди-га тушди. Китоблар билан сумкасини тўлатди. Бу йўлда ва уйда бўлганда ўқини учун олаётган бир талай китоблар эди. Китобларни деб олдинроқ солиб қўйган кийимларни ҳам олиб ташлади. Эғнидаги бир сидра кийим ҳам бориб келишга етади. Лекин шу одатини хеч ташлай олмади-да: бир кунга йўлга чикса ҳам оламжаҳон вақти бордек ўзи билан кўп китоб, қоғоз оларди. Неча марта бу одати унга ортиқча ташвиш бўлган. Барибир, тарки одат — амри маҳол экан. У хонадан чиқаётиб бу ерда қолаётган китобларига узок термилиб қолди. «Яқинда ҳаммаларингни олиб кетаман. Олдин қишлоққа бориб барини хал қилиб келай. Қишлоқда бу ердагидек чанг босиб ётмайсизлар. Тинмай ўқийман. Толстойчасига яшайман, ишлайман...»

У эшикни кулфлаб, кампирга калитни қолдираркан, уйга бориб келишини айтди. Кўчага чиққач, ўйлаб-нетиб ўтирмай такси тўхтатди. Вокзалга трамвай ёки троллейбусда ҳам ярим соатда борарди. Вақт ҳам мўл. Лекин у бугун редакция остоналарига ўз оёқлари билан дадил кириб борганидан, бир қарорга келиб уйга кетаётганидан, яқинда бутунлай кетишидан, сўнг шаҳардаги ортиқча ташвишлардан, хатто кампир ва унинг торгина кулбасидан қутулишини ўйлаб кўнгли чоғ эди. Кўнгли чоғ бўлгани учун ёнида пули камлигини ҳам унуттанди. Таксида физ этиб вокзалга етиб келди. Бу «физ» этили икки сўмнинг бошини еди. Поезд жўнашига эса хали икки соатга яқин вақт бор эди. У ақлсизлик қилганидан пушаймон бўлиб ўзини ўзи қойиди. Касаллигини, сумка тўла зилзамбил китобларни, уйга — қишлоққа кетаётганини эслаб, ўтган ишта саловат, деб қўйди.

Вокзалда одам гавжум. Айниқса, кассалар олди-га яқинлашиб бўлмасди. Ёш ёзувчи ҳам навбатга турди. Аммо навбат яқинлашган сайин унинг тапшвили ортарди. Бисотидаги пули Қўқонга бориш учун умумий вагон чиптасига етарди, холос. У эса Қўқондан кейинги бекатда тушади. Нима қилиш керак? Бир томондан касал, умумий вагонда туртиниб-суриниб, ур-йикит бўлиб кетишга заррача холи йўқ. Купели вагон орзуси хом хаёл. Хеч бўлмаганда плацкарт вагонда кетганда эди... Умумий вагоннинг тўғри-тўғри қурсин, бай-бай, унда хатто ўтиришга ҳам жой ололадими, йўқми, худо билади. Пул... Тагин ўз кароматини кўрсатапти... Эҳ, талаба бўлганда ҳам бир наъ эди. Талабалик хужжати билан купели вагонга ҳам чипта олса бўларди-я! Бирорта одамдан сўрасамикан. Зўр бўларди-да! У кўзлари жавдираганча ён-веридаги одамларга бир-бир караб чиқди, аксига олиб танишлар кўзга ташланмади. Навбат ҳам келиб қолганди.

Семиз, бўйнидаги катма-кат бакбақаси ҳар галида бир силкиниб турган чиптафуруш аёл унга савол назари билан тикилиб турарди. Йигит миясига яшин тезлигида келган фикрдан шодланиб кетди.

— Менга Андижон поездига Ленинободгача... плацкарт вагонга, битта билет, — деди оволи қалтираганича чўчиб, гўё кассир аёл сирни сезиб қолаётгандек.

— Марҳамат, олинг! — аёл чиптани узатди. Йигит пулни тўлаб чиптахонадан узоқлашди. Ленинободдан Қўқонгача яна икки соатлик йўл. У ёнига худо подшо — бир иложи топилар. Балки проводник сезмас ҳам. Ярим кечада ким билан кимнинг иши бор. Жа бўлмаса, илтимос қилади, тушунтиради ёки гап билан аврар, ахир у бўлажак ёзувчи-ку!

Йигит бетокатлик билан поездни кутаркан, вақт жуда ҳам нимиллаб ўтарди. Унинг кўнгли хижил, боши зирқираб оғрир, вужуди лоҳаслашиб, ўзини нимасинидир йўқотган одамдек хис қиларди. Буларнинг сабабини чуқурроқ ўйлаб ўтирмай осонликча чўнтакнинг қуруқлигига йўйиб қўя қоларди. Ниҳоят, поезд келди. У ўз жойига чиқди. Ёнидаги ўринларга эса бир-биридан сулув учта қиз келиб жойлашишди. Аввалига у бундан қувониб кетди: қизлар билан маза қилиб ҳангомаланиб боради; кейин ўз ахволини — пулсизлигини эслаб қолиб сувга

чўккан тошдек дами ичига тушиб кетди. Поезд жилди. У қизларга зимдан — ўғринча назар солди. Биттаси, биттаси, энг чиройлиси жуда таниш... Шундоққина қошу кўзи айтиб турибди — қаердадир кўрган... Аммо канча ўйламасин эслай олмади. Бу орада қизлар ҳам унга дам-бадам қараб қўйишарди. Ахир, ёш ёзувчи ҳам қизлар ёқтирадиган — бўйдор, келишган, ақл билан, меҳр билан боқадиган ва хамниша кулиб турадиган, кўзлари оҳанрабодек мафтункор йигит эди-да! Пинхоний карашлардан у кийналиб кетди. Гап бошлай деса... Ҳозир проводник келади, топ-тоза, олпок, қордай олпок чойшаблар келтиради. Унинг енида эса бор-йўғи ярим сўмга стар-етмас сариқ чақалар қолган, холос. Бориб проводникни огоҳлантириб қўйсамикан. Уят — ўлимдан ёмон! Ёки у келганда менга бир дона чойшаб кифоя десами-кан — пулига яраша-да! Йўқ, қизларнинг олдида бу гапни айтиш ноқулай... Яхшиси улар билан гаплашмагани маъкул...

— Тобингиз йўкми? — дея жимликни бузди бояги таниш кўринаётган киз ундан садо чиқавермагач. Йигит бошини даст кўтарди. Шахло кўзлари шўхчан, қизғиш дўппи юзлари тиниқ бояги гўзал ёнидаги икки дугонасини ҳам дол қолдириб унга қараб жавоб қутарди... Бошқа пайт бўлганда-ю, ўзи биларди-я! Оламнинг етти мўъжизасидан сўзлаб қизларнинг оғзини очиб қўярди. Танишиб ҳам оларди. Тил қисқлиги қурсин! Қасаллиги бир нав-а, ахир одам ҳар доим бирдай бўлавермайди, аммо бу — пулсизлик, қасалликдан бешбаттар экан. Ойдаи чиройли қизлар билан суҳбатлашиш ҳам кўнгилга сиғмай қолса-я.

— Ҳа, кўриб турганингиздек: бурним памидордек қизил, кўзларим ёшланиб турибди — қасалман, — деди у гапни қисқа қилиш учун совуққина.

Қизлар «гурр» этиб кулиб юборишди.

— Ҳазилкаш экансиз, — деди ҳалиги қиз.

— Жудаям, жудаям, — бир овозда тасдиқлашди дугоналари.

— Шунақа, циркда масхарабозлик қилганман!

— Вой, ростданми? Қачон?

— Бир марта маймун ролида ҳам чиққанман.

Қизлар яна хандон отиб кулишди. Кейин йигитнинг қиёфасидаги асабийликни пайкаб қолишди. Орага сув куйгандай жимлик чўқди.

— Танимадингиз-а? — деди бояги киз гина аралаш.

— Нима?! — Ёш ёзувчи кизлар таниш чикиб қолишидан чўчиб тушди.

— Қўшимиз Мурод акамларникига боргансиз-а?

— Марфилонликман деиш, — йигит аста ўзини тутиб олди. — Кўзимга иссиқ кўринаётгандингиз. — Сўнгра талабаликнинг сўнгги йили Муродларникига борганини, кўчада челақ кўтариб сувга чиққан қўшни қизни учратганини, кўзлари тўқнашганда бир-бирларига унсиз, лекин маъноли тикилиб қолганларини ва кетар қуни у Муроддан қизни сўраб-суриштирганини эслади.

— Кечирасиз, мен хаёл билан бўлиб... Анча ўзгариб кетибсиз.

— Мен сизни кўрдиму дарҳол танидим.

— Ўшанда мактабни битираётгандингиз-а? Исмнингиз ҳам эсимда, Хаёт эди.

— Вой, қаердан биласиз? — қизнинг юзларидаги кизиллик қуюқлашди.

— Биламан-да. — Йигит энди ўзини анча ўнглаб олди.

— Ўқийсизми?

— Ха, ТошМИИнинг лечфакида, иккинчи курсман. Ҳалиям ёзиб турасизми? Мурод акам бир-икки гапиргандек бўлувди.

— Оз-моз.

Ҳап кизигандан-қизиб кетди. Ёш ёзувчи энди берилиб гапирар, қизлар эса одобли ўқувчидек жимгина тинглашарди. Қайси мавзуда суҳбат кетмасин бари улар учун қизиқ эди. Бир маҳал... бир маҳал бир қучоқ оқ чойшабни қўлтиқлаб олган проводникнинг қораси кўринди. Ёш ёзувчи жимиб қолди. Проводник етиб келиб ҳаммага бир-бир чойшаб улаша бошлади.

— Менга керак эмас, — деди ёш ёзувчи бўшашиб. Қизлар бирварақайига унга ажабланиб тикилишди. Ҳар ким ўзича ҳар хил ўйга борди.

— Касалман, барибир уйқум келмайди, — деди йигит гўё қизларга изох бергандек.

— Касал бўлсангиз дам олишингиз керак, — деди қизлар чумчукдек чуғурлашиб.

— Менда аксинча бўлади.

Проводник уч кишилик оқлик қолдирди-да:

— Сиз олмасангиз тўшакни ҳам йиғиштириб қўйинг, — деди унга ғалати қараб.

Проводник кетди. Даврага ноқулай суқунат тушди.

Гап гапга ковушмай қолди. Қизлар бундан кутулиш учун жойларини апил-тапил тўғрилаб ётиб олишди. Хаёт бўлса «ростдан ухламас экан-да, ўзи ёзувчилар шу тахлит бўлса керак», деган ўйга бориб, ёш ёзувчига бир чойнак кўк чой келтириб берди. Ёш ёзувчи уялганича раҳмат айтди. Кизариб-бўзарганча Хаётга, унинг дугоналарига одоб юзасидан хайрли кеч тилади. Сўнгра айтганини устидан чиқиш мақсадида ноилж сумкасини узок титкилаб бир китоб олди-да, қайси китоблигининг фаркига ҳам бормай варақлай бошлади. Бир маҳал проводник қайтиб келди, бакириб-чакириб унинг остидаги тўшакни тортиб олиб, ёнгинасидаги купенинг учинчи қаватига йўлдан чиққан бир болага жой килиб берди. Эндигина кўзлари оромга юмилган қизлар шовқиндан безовталаниб бош кўтаришди. Жимгина китоб муталаа килиб ўтирган «ёзувчи акаларига» кўзлари тушиб, унинг уйқусизлигига яна бир карра ишонч ҳосил килиб, тагин ширин уйқуга кетишди.

Поезднинг қаттиқ силкиниши ва вагонларнинг бирига «ток кетди» бўлиб урилиб тўхташидан ҳамда проводникнинг турткисидан сумкасини болшига қўйганича тахта ўриндиқда тахтадек қотиб ухлаб қолган ёш ёзувчи чўчиб уйғонди.

— Келдингиз, Ленинобод, — деди проводник унга қараб. Ёш ёзувчи кўзларини ишқалаб деразадан ташқарига қаради. Фира-шира тонг. Вокзалда одам сийрак. Енгил шабада эсмоқда. У проводникка нимадир демокчи бўлди-ю, унинг шовқин кўтаришидан хавотирланди. Сумкасини судрагудек бўлиб бир чиройли ухлаб ётган кизларга, тўғрироғи, хотираларини жонлантирган гўзал ва шўх Хаётга қарай-қарай проводник ортидан эргашди.

— Билетингиз керакми? — сўради проводник.

— Йўқ, — дудукланди ёш ёзувчи проводник купесининг рўпарасида қоккан козиқдай сўшлайиб тураркан, — мен... мен Қўқонга бормоқчи эдим...

— Бошши оғритма, саводинг борми, ўзи, — бирданига сенлашга ўтди проводник, — билет Ленинободгача, шўтта тушасан. Чойшабга пул тўлашдан қочади-ю, яна...

— Ахир, ака... — тушунтирмоқчи бўлди ёш ёзувчи. — Мен... мен, биласизми...

— Бор, бор, ярим кечада бошши ачитма! Туш! — Проводник унга тамбур томонни кўрсатди. — Сенга ўхшаш муттаҳамларнинг кўпини кўрганман.

— Пулим йўқ эди... шунга...

— Ха-ха, пул ширин-а? Жигардан бўлади-да! Мени алдай олмайсан. Яхши биламан сендакаларни... Ялло қилиб юришга, окбилак ойимчаларга сарф қилишга, пасон кийинишга пул топилади-а? Нега давлатнинг поездига пул топилмайди? Ҳе, ўша олифта, муллавачча бўлган... Уялмай-нетмай... Сенларни давлат нега ўқитяпти, ўзи. Бировларни алдашгами?

— Мен алдаётганим йўқ.

— Гапни кўп қилма, ўт аёққа! Бу сенинг катта холангнинг поездиди эмас — текин кетгани. Ё ўтқизиб қўйган жойнинг борми, бўлса айт! — Проводник уни тамбур томон суриб чиқарди. — Ғиди-биди килаверсанг, ревизорни чақираман, бошлаб жарима олади, ана унда кўзинг мошдек очилади-қолади.

— Ака, тушунсангизчи ахир... Сизнинг ҳам узокда ўқийдиган укангиз бордир!

— Бизники сенга ўхшаб товламачи эмас. Туш, туш, кўп пачакилашавермай! — Проводник уни итариб юборди.

— Итарманг, итаришга ҳақкингиз йўқ, — ёш ёзувчининг жаҳли чиқиб кетди.

— Ха, ҳақ танишга келганда қалла ишлаб қолади-а?! Тил ҳам бийрон. Илтимос қилишда бўлса юмшоқ супурги! Ўргилдим сендақа ҳақини танигандан... — тушиб кетаётган йигитнинг ортидан бақирди проводник.

— Бақирманг! — деди ёш ёзувчи перронга тушаркан. Тушиб олгач эса проводникни бошлаб сўқди. — Ярамас, одамгарчиликни билмаган қуруқ тўнка...

Проводник ҳам ундан ошириб нимадир деди, йигит кулок ҳам солмади, эшитмади ҳам. У сумкасини кўтариб шошганча бошқа вагонга чиқиш учун чопишга шайланди. Худди шу пайт ҳозиргина ўзи тушган вагон деразасидан бошини чиқариб унга термилиб турган Ҳаётга кўзи тушиб қолди.

— Ҳа, қочок! Хайр-маъзурни ҳам насия қилиб-а! Қўқонга борадиган эдингиз-ку!

— Иш чиқиб қолди. Сизларни безовта қилмай деб...

— Ҳа, майли. Тошкентга қайтгач бизнинг ётоққа ўтинг, — деди Ҳаёт. Кейин манзилини айтди.

Поезд илкис «шарақ-шуруқ» қилди-да, қўзғолди. Улар хайрлашди. Вагонлар қора нуктага айланиб кетди. Йигит эса ҳамон бир жойда сумкасини кўтарганича мунғайиб турарди. Туриб-туриб жуда кўп нарсалар унинг аламини оширди. Булар: бемаврид келган касаллик, но-

гахон учраган ва ёкимли хотираларни қайта кўзгаган Хаёт ва унинг дугоналари билан кўнгилдагидек муомала қилолмагани, кесакдек ҳиссиёз проводникнинг қўполлиги, соддалик қилиб қаттиқ ўриндиқда чала ухлаб келгани ҳамда буларнинг бош сабаби — пулсизлиги эди.

Кейин у Хаётнинг чашмадек тиниқ, тимқора кўзларини, болаларча беғубор меҳр билан иболи боқишларини, хиёл кулимсираб шўхчан гапиришларини эслади. Ёкимли қиз, чиройли қиз. Уни илк бор учратганда ҳам ҳозиргидек истараси иссиқ қиз эди. Аммо ёшгина, нов-нихолдек нозик эди. Энди тўлишиб, бир чиройинга ўн чирой қўшилибди. Адабиётга қизиққани-чи... Унинг ёзиб юришидан ҳам хабардор экан. Унутмабди. У-чи? Эсларди, лекин ўқишни битирганидан буён Муродни кўрмагани учун уни сўраб-суриштира олмаганди... Мана, кўришди. Ҳаммаси яхши. Бироқ бу ёғиннинг ишкали чиққани ёмон бўлди-да!...

VI

Ёш ёзувчи поезд ортидан отасига эргашган боладек ғамгин бир алфозда узоқ тикилиб қолди. Дунё кўзига дўппидек тор кўриниб кетди. Шартта ҳаммасига қўл силтаб «хайё-хув» деб пиёда кетворсамикан... Бировга ялинмайди ҳам... Хаёлига келган бемаъни ўйдан кулгиси кистади, аммо у кулмасдан сумкасини кўтарганча секин вокзал биноси томон юрди. Навбатдаги поезднинг ўтишига хали анча вақт борлигини билгач, тўғри бориб, хувиллаб ётган ўриндиқларнинг бирига поезддаги каби сумкасини ёстик қилди-да, чўзилди. Ҳорғин кўзларга дарҳол тонгги уйқу кўна бошлади. Ухлаб қолса поездди ўтиб кетишидан чўчиб ҳар хил хаёллар билан ўзини чалғитишга уринди. Хаёллар сўнгги кунлардаги воқеаларни эсга солаётгани учун роҳатбахш эмасди... Кетишни ўйлади, ўзича-турли режалар тузди.

Поезд келди. Ёш ёзувчи уйқусираган ва бир-бирига елимдек ёпишиб кетаётган киприкларини ишқалаганча вокзалдан ўкдек отилиб перронга чиқди-да, шундоққина рўпарадаги вагонга яқинлашди. Ўрта яшар, барваста проводникка хаёлан минг бор пиширган режасини билдириб, ростини айтиб илтимос қилмоқчи бўлди. Аммо унинг юзларидаги тундлик битта-битта қадам босиб нари кетишига сабаб бўлди. Кейингисининг ҳам турқи совуқ

кўринди — бунақалар бировга яхшиликни ўйлаб қилади. Навбатдагисининг аланг-жалаңг ўйнаб турган кўзлари кўнглига ўтиришмади. Бирдан бу юришида тонг отмаслигига ақли етиб, ўзининг нозик кўнгиллилигидан, бадгумонлик қилаётганидан зардаси қайнади. Шу маҳалда назоратга бало борми?! Нима, бу ер қатта холасининг уйимиди, ўзи истаганча иш тутадиган? Ёки Олой бозоримиди, танлаб савдолашадиган? Мақсад кетиш бўлгач, тезроқ хал қилиш керак! Ҳозир поезд жўнайди, бу туришда тагин у дийдиёсини айтиб, чапагини чалиб қолаверади. Бу проводниклар бир-биридан ўтса ўтадики, лекин қолишмайди; буни башаралари ҳам айтиб турибди; уларга ақча-ю чиптадан бошқаси икки пул. Унда эса булар йўқ... Қўлида пул ўйнайдиган, пул муомаласида пишиб кетган одамларга курук гапни уқтириш қийин. Ялиниб-ёлворишга эса унинг тоқати қолмади. Нима, давлатнинг поездига чиқиш учун ҳам бировга ялиниши, илтимос қилиши керакми? Йўқ! Яхшиси ўйлаб қўйган режаси дуруст! Лўлининг эшагини суғору пулини ол, деганлар. Бошқа иложи йўқ.

У бояги, биринчи кўзга ташланган барваста проводникни нишонга олди. Энг устомонига ўхшайди. Қайтага муноси маъқул! У далиллик билан проводникнинг ёнига бориб, мулойим оҳангда деди:

— Ассалому алайкум, амаки! Қўқонгача олиб кетсангиз?

Проводник дархол жавоб қилмади. «Саломинг бўлмаганда етти ямлаб бир ютардим», дегандек йигитга бошдан-оёқ разм соларкан, унинг шаҳарча бежирим кийимларида, қўлидаги сумкасида нигоҳи бир дақиқа тўхтаб ўтди. Ўзича ниманидир ўйлади, қандайдир бир хулосага келди. Шундай бўлса-да, хушёрликни қўлдан бермай, юзларига жиддий тус бериб, кўпчиликка айтадиган одатдаги гапни қилди:

— Билет борми?

— Билет... билет... — йигит имтиҳон топшираётган нўноқ талабадек гапни чайнади, — оловдим.

— Ия, бу ёғи қандоқ бўларкан?! — Проводник умрида бирор марта ноҳақ иш қилмаган одамдек таажжубланиб елка қисди. Йигит унинг шаъмасини тушунди. Аммо гап бошлашга иккиланди, қийналди. Ёлғон гапириш ҳам ростгўй киши учун у ўйлаганчалик осон эмас экан. Ростини айтса-чи? Бирок... бирок яна қолиб кетиши мумкин. Бу эса яхши эмас. Таваккал...

— Хурсанд қиламан, амаки, — деди у. «Ёлғонни худо кечирсин!» Проводник ундан аниқроқ бир гап кутганди. Шунинг учун вазиятни ойдинлаштирди.

— Гапиринг, ўғил бола!

— Нимани? — деб юборди ёш ёзувчи соддалик қилиб. Проводник «шунгаям калланг ишламайди-ми», дегандек хўмрайиб қаради.

— Нимани бўларди, ўғил боланинг гапини-да!

— Биздан беш, амаки. — Йигит шошганча хатони тўғрилади.

— Гап деган бундок бўпти. Чикинг! Ўзиям жуда бамаъни, ўқимишли йигит кўринасиз.

— Раҳмат, — деди ёш ёзувчи мийиғида кулганча вагонга чиқаркан. Кўнглидан эса «Кўқонга боргач, хатто Худоёрхон бўлиб бошимни жаллод кундасига рўпара қилсангиз ҳам шу — бисотимда бори, биргина «рахмат»дан бошка ҳеч вақо ололмайсиз», деган ўйлар ўтди. Сўнг бу омонат гапни тезроқ топшириб қўйди дедими ёки поездга чиқиб олганидан хурсанд бўлиб кетдими, беихтиёр:

— Раҳмат, мартабангиз баланд бўлсин! — деди проводникка ўғрилиб.

— Э, ука, бизнинг мартаба баландлаб ким бўлардик, — эътироз билдирди проводник. — Нар и борса поездга бригадир бўламиз-да. Ким бўлсак ҳам худо бизни мана шу темир поезддан ажратмасин. Сизларга ўхшаш яхшиларнинг ҳолатини чиқариб юрсак бас! Шунини ўзи катта давлат бизга... хи-хи-хи...

Вагон купели вагон эди. Проводник юмшоқ ўриндиққа жой қилиб берди. Йигитнинг кўринишидан ўқимишли ва одоблилигига ишонганидан олдиндан пул сўрашга истиҳола қилди. Купедан чиқиб кетаркан:

— Баҳузур оёқни узатиб дам олаверинг, мулло йигит, Кўқонда ўзим уйғотаман, — деди.

Ёш ёзувчи проводникнинг меҳрибончилигидан бир оз хижолат чекди. «Раҳмат»ни каттароқ қилиб айтишни кўнглига тугиб қўйди. Кейин яхши нарсалар ҳақида ўйламоқчи бўлди. Бахтга қарши сўнгги кунлар таассуроти хира пашшадек айланишиб кўз олдидан сира нари кетмасди. Проводникни алдагани эсига тушиб ўйнайсизланди. Ахир, ёзадиган одамнинг қалби пок, юрагида ғубор бўлмаслиги керак! У бўлса... Балки ёлғончилик ҳам мана шунақа майда-чуйда, арзимас икир-чикирлар-

дан бошланар. Балки ростини айтганда ҳам проводник тушунармиди? Муомаласидан тузук одамга ўхшайди. Хатто «яхши дам олинг», деб чиқиб кетди. Ахир беш қўл баробар эмас... Йўқ, биринчи таассурот алдайди, дейишади. Ростини, пулдан сўз очгач, «хўп» деди-ку! Улар биллади, қачон, кимга қандай муомала қилишни... Чўнтагида бир тийини йўқлигини сезганида саломига алик ҳам олмасди. Бир ҳисобдан бунақалар билан ўз тилида гаплашгани дуруст. Бир марта ёлгон сўзлаб ёлгончи бўлиб қолмас. Тушаётганда ростини айтиб виждонини поклаб олади... У шуларни ўйлай-ўйлай тошдай донг қотиб ухлаб қолди. Унинг толиққан, оромга ташна асабларини вагонларнинг «тарақ-туруқ» қўшири-ю, тепловознинг чўзик қичкириғи ҳам ортиқ безовта қилмас эди...

Проводник уни уйғотиб кетди. Йигит уйқуга қонмаган кўзларини ишқалай-ишқалай ўрнидан турди. Вагон аипаларидан тушаркан рўпарасида кулимсираб турган проводникка кўзи тушиб вужуди сесканди.

— Яхши дам олдингизми, мулло йигит?

— Раҳмат, — деди ёш ёзувчи проводникнинг нигоҳидан қаерга қочишини билмай.

— Қани, энди... — проводник қўлига қаради.

— Ака... ҳаммаси учун катта раҳмат!

— Нима?!

— Пулим йўқ эди...

Проводникнинг ранги бўздек оқарди. Кўзлари косасидан чикқудек бўлиб, еб юборгудек нигоҳлар билан ёш ёзувчига тикилди.

— Савлатингни қара, туппа-тузук йигит... Пулсиз бўллармиш... Бу замонда ким пулсиз кўчага чиқади... «Катта раҳмат» эмиш. Пишириб е ўша «катта раҳмат»ингни, қорин тўярмиди унга? Мингта қуруқ раҳматдан бир танга афзал. Одамда бет бўлиш керак, ука. Уялиш керак...

— Бошқа иложим йўқ эди, кечирасиз...

— Бизда ҳам бола-чака бор. Инсоф билан-да! Қўйнимни бир қоп шалдираган пуч ёнғоққа тўлдириб...

Проводник лаби-лабига тетмай тинмай жаврарди. Ёш ёзувчининг сўзларига қулоқ ҳам солмасди. Йигит ҳозир унга жавоб қилиш алаңига ёр сепиш билан баробарлигини сезиб ортиқ индамади. Ахир, Ленинободдан Қўқонгача проводник ҳам озмунча хаёл сурмагани-да. Ниҳоят, у ботиниб проводникнинг гапини бўлди:

— Мендан қайтмаса, худодан қайтсин! Бола-чақан-
ғизни орзу-хавасини қуринг! — деди-ю, жўнаб қолди. Бу
тилаклар ҳам жаҳлдор проводникнинг кўнглини юмшат-
мади. Ингитининг ортидан оғзига келганини қайтармай
бақирди.

— Ўзи худосиз-у, худони тилга олади-я. Худодан
ҳам кўркмайди булар. Бўлмаса ёлғон гапирармиди! Мут-
тахам! Ўзи бир кўнглим чопмовди-я! Куруқ олифта.
Туркидан ит ҳурқади. Безбет! Уятсиз! Пули йўқ —
эшакка харидор...

Проводникнинг андишасиз гапларидан ёш ёзувчининг
кулгиси қистади, холос. Бировларнинг устидан кулиш
одобсизлигини билиб турса ҳам шу тонда негадир ўзини
тутолмай ҳузур қилиб, хуморидан чиқиб қолди. «Эъ-
тиқоди пул! Умрида бирор марта текинга бировнинг
ҳожатини чиқариб қўйса уч кун ухламайдиган хилидан
экан... Боплади. Алам қилсин!.. Ростини айтиб виждон
азобидан ҳам қутулиб олди».

VII

Ёш ёзувчи қишлоғига аранг етиб келди-ю, шу кунгек
касалхонага тушиб қолди. Бефарволик қилиб даволанма-
ган тумов, шамоллаш, бош оғриғи — ҳаммаси бир бўлиб
унинг силласини қуритган, беҳуда ўйлар асабларни то-
лиқтириб, қон босимини ошириб юборган эди. Икки кун-
гача унинг ҳарорати ҳам, қон босими ҳам пасаймади.
Ҳамма ваҳима ичида қолди. Докторлар ёнидан бир
қадам нари жилишмади. Айниқса, кечалари иситма ху-
ружи кучайиб кетарди, шундай пайтларда у нималардир
деб тинмай алаҳсиради. Илғаб олиш қийин, узук-юлук
гаплари орасидан гоҳо-гоҳо дона-дона қилиб у нимадир
қилмоқчилиги, қандайдир бир катта одам бўлмоқчилиги
хақида, шаҳар ва қишлоқ, яхшилик ва ёмонлик, ҳақлик
ва ноҳақлик, меҳр ва нафрат, пул ва пулсизлик ва яна
алланималар тўғрисида куйиб-ёниб гапирарди. Ресторан,
официантка, поезд, проводник, редакция, пул деган
сўзларни айтганда тўғи оғзига чўғ олгандек бир сапчиб ту-
шар ва кимлариндир боплаб сўқарди ҳам...

Икки ҳафта деганда у тузалиб чиқди. Уйга келгач,
бир оз дам олди-да, кейин қишлоқ айланди. Куз охи-
ри — хаво мусаффо эди. Баргсиз дарахтлар яна баҳор
келишини, яна бутоқларга яшилликлар қайтишини бил-
гандек шабадала мағрур тебранарди; ховлиларидан сал

наридан окиб ўтадиган Хўжаарик суви зилолдек тиник; жанубга ошиқаётган қушларнинг гала-гала бўлиб учиб ўтишлари ҳаёт ҳақида, олам ҳақида ўйлатади, кўнгилдаги орзуларни жўштириб, қалбнинг соғинч туйғуларига малҳам бўлади. Гўёки у ҳам бу ерларни кўмсаб олис-олислардан учиб келган қушлардек ҳаётга чанқоқ сезади ўзини. Қишлоқ кўзига оловдек товланиб кўринади, табиатга меҳри опади. Толстой янглишмаган: қаерда яшашни, қаерда ижод қилишни яхши билган. Ёзадиган одамнинг асли жойи — қишлоқда, табиат қучоғида! Табиат қандай гўзал-а! Бир боқилингни билан кўнгилдаги жамики ғуборлар тарқалиб, баҳри-дилинг гулдек очилиб кетади, келинчақдек оқ либосга ўранган илҳом париси оҳиста келиб сени ўз оғушига олади. Бахтиёрликдан булбулдек куйлайсан... Шаҳар эса туйғуларни, майсадек нозик туйғуларни жароҳатлайди, ўтмаслаштиради, гўзалликка, табиатга, бу оламдаги жуда кўп нарсаларга бепарво, бепарқ қарайдиган қилиб қўяди. Арзимас икир-чикирлар ҳақида оҳ-воҳ деб, панишадан фил ясаб юраверасан у ерда. Факат кўп ўқигандек, кўп билгандек бўласан ва шу — ақлли бўлганингни билиб, аҳмоқлардек яшаб ўтасан... Қишлоқ маза...

Кўтаринки ўйлар туйғуларни дарёдек тоширар, табиат дилига қувонч бахш этиб, қалбига илҳом соларди. Бу қандай яхши... Бугуноқ фурсатни қўлдан бермай, анчадан буён мўлжаллаб юрган — қишлоқни йигитнинг янглиш ўй-истаклар гирдобига тушиб, шаҳардаги илм даргоҳида ишга қолиши ва ниҳоят адашганини англаб, кўпгина андишаларни енгиб, ишини ташлаб, олим бўлмасдан (ахир, ўзидек ҳамма танишлари ҳам уни яқин-орада олим бўлади, деб ўйлардида), қишлоққа қайтиб келиши, ўзига ҳам, бошқаларга ҳам нафи кўпроқ тегадиган ишнинг бошини тутгани ҳақидаги ҳикоясини ёзиб ташлайди. Номини «Қайтиш» деб қўяди. Ўйлаганидек чиқара олса яхши ҳикоя бўлади. Ахир илм даргоҳига ўзидаги қизиқиш, талант, қобилият билан эмас, факат фан помзоди бўлиш ниятида кириб қолганлар озмунчами? Қўлларидан илм қилиш келмаслигини улар билишадими, лекин ориятни қўлдан бергилари келмай, қанча умрларини беҳуда ўтказиб юборишади. Аслида эса ўшалар ҳам бошқа соҳаларда дурустгина мутахассис бўла олишади. Шунақаларга бир дастак бўларди-да!

Кеч бўлди. У овқатни апил-тапил еди-да, ўз хонасига чиқиб одатича эндигина иш столига ўтирганди, шун-

доккина дарвозалари рўпарасига оқ «Жигули» келиб тўхтади. Ундан синфдошлари Икром дароз ва Соли пуфак тушди.

Икром шифтдай узун, Соли унинг акси — пакана, хўппасемиз эди. Уларни бирга кўрган кишининг хаёлига Гоголнинг Иван Ивановичи билан Иван Никифоровичи келмасдан иложи йўқ эди. Соли — шофёр, Икром бўлса армиядан келгандан буён дашта тектарчилик қиладиган отасига қарашиб юрар, анча уриниб яқинда кишлоқ хўжалиги институтига сиртдан кириб олганди. «Жигули» ҳам уники эди.

Деразадан уларни кўрган ёш ёзувчи ҳовлини айланиб утиб уларга пешвоз чиқди. Икромнинг қўлтиғида катта бир қора тарвуз бор эди.

— Касалхонага борувдик, кеп қопсан. Тўғри бақа келовирдик, — деди Икром уйга киргач, оғзини тўлдириб. Кейин ахвол сўраган бўлиб ҳазиллашди.

— Нима бало, шаҳарда жин-пин чалиб кеттими, ўзи?

— Бурга телкандир-ов, — деди Соли ўз гапидан ўзи нашъа килиб кулганича.

Шу кўйи суҳбат бошланиб кетди. Уйга киришди. Дастурхон ёзилиб чой ичишди. Сўнг қора тарвуз сўйилди. Шу маҳал Икром Солини туртди.

— Физ этиб чиқиб кел, шундай «багажник»ни очсанг...

Соли қўлида ароқ билан қайтди. Ёш ёзувчи бу ҳақда ўйламаганидан хижолат чекди. Ичишди. Докторларнинг ўғити ёдида бўлса-да, дўстларининг кўнгли учун у ҳам бир-икки хўплади. Ўртоқлари барибир «ўғил болага ўхшаб» ичмаганидан хафа бўлишди. Орадаги суҳбат кизиб борарди. Кўпроқ Икром билан Соли гапиришарди.

— Ўткан бозор зўр бўлди-да, зап омадим чопди, — деди Икром. — Омборда асраб қўйган қора тарвуздан элликтасини оборгандим. Донасини беш сўмдан пулладим. Қишда биласанми, ҳар бирини нақ ўн сўмданам индамай обкетовради. Хатто дориликка олишади... Ўзиям «пахан» сўзининг устидан чиқди-да. Армияга кетишимда: «Келсанг, машина обераман», деганди. Мана, икки йиллик тарвузнинг даромадига обердиям. Бу йил энди укамнинг ташвиши: мактабни битирипти.

— Унгаям машина обермоқчимиз отанг? — деди Соли Икромнинг тилини кичитиш учун.

— Э, катта, одамлар гап қиворади... Уни ўқингга жойлаш керак. Ҳозир шунақа бўп кеткан. Бусиз қийин,

мана сен шахардасан, биздан кўпроқ биласан. — Икром кайфдан кизарган кўзларини ёш ёзувчига қадади. — Ҳозир зиғирча ҳақиқат қолмади, ўзи. Ё борми, бўлса айт-чи, қани, қаерда туради ўзи ўша ҳақиқат дегани?

Ёш ёзувчи жавоб қилишдан базўр ўзини тийди. Те-зоблиги ўзига аён, Икром билан айтишиб қолса яхши-мас. Улар минг қилса ҳам меҳмон... Ахир, уйингга кел-ганга — уйдаи гапирма, дейишади.

— Ҳақиқат осмонда, — деди Соли пуфак ўзича би-лағонлик қилиб.

— Осмонда бўлса узоқда экан! — деди Икром. Ик-каласи узоқ қулишди.

Яна сафсата: пул ҳақида, пулнинг кучи ҳақида, ноҳақликнинг борлиги-ю, ҳақиқатнинг йўқлиги ҳақида сафсата; асаб бузишдан бопқасига ярамайдиган гаплар. Ёш ёзувчининг феъли айниди. Икромга нохуш қаради.

— Уканг ўз кучи билан киролмайдими?

— Э, қўйсанг-чи, — Икром унинг гапига бепарво қўл силтади, — ҳозир ҳамма нарса пул билан битади! — деди-да, олдидаги бўш пиёлага ароқ қуйди.

— Бу дейман, жа ҳалиги, ўкишинг чўзилиб кетдими?

— Битган. Ишлаяпман.

— Битириб-а? Дипломни юлмадигу. Иш қаерда?

— Бир илмий-текшириш институтида.

— Оббо сен-эй... Таниш излашданам қутулибмиз-да. — Икромнинг кўзлари чўғланди. — Институтда де-гин...

— Бизники илмий-текшириш институти.

Икром бу гапга парво ҳам қилмади.

— Ойлик қанча? — суҳбатга қўшилди Соли.

— Юз эллик.

— Бўлганими? Беш йил ўкиб-а?

— Ҳа.

— «Лева»си борми?

— Йўқ.

— Э, «лева»си йўқ иш ишми? Мана мен оддий шофёрман, самосвал минаман. Ҳечам ойликка қараб ўтирмайман. Ишдан кейин йўқ деганда бир-икки киши-нинг ҳожатини чиқараман: бир машин тошми, шағалми келтириб бераман. Қунига беш-ўн сўм чойчака тушиб ту-ради. Ёмонмас...

— Ҳунар яхши, — Солининг гапини маъқуллади Икром. — Ўқиганларни кўряпмиз: ҳаммаси куруқ...

Ёш ёзувчининг миясига зарба тушгандек кўз олди қоронғилашиб кетди. Дўстларининг суҳбати эриш туюла бошлади. Аммо суҳбат ҳамон давом этарди.

— Кеча хотиним гап қайтарганди, бошлаб урдим: нақд бўлмаса бикинидан дарча очиб қўяёздим! Тағин види-биди қилганда уч талок қўйворардим. Отам ҳам бунақа жанжалкаш хотиннинг баҳридан ўт деяпти. Худонинг берган куни уйда жанжал, нима, ичсам ўғирлик қилиб ичяпманми, ўз пулимга ичяпман. Ўғил боланинг марди ичади. Қўйсам, отам яна онаси ўпмаган кизга уйлантириб қўймоқчи, — деди Соли. Кейин Икром гап бошлади:

— Шермат занғарни биласанлар-а, у шу ўзимизнинг яқин-орада жа ишини дўндириб юрганди. Байда унинг олдига тушадигани йўқ эди. Бургутдек олғир эди. Сибирга мол обориб қўлга тушибди. Э, ландавур-эй, қўлингдан келмас экан, нима қилардинг узокни қўзалаб... Бу ерда ҳаммаси ўзимизники эди; мелисалар ҳам таниш, ҳеч ким унинг мушугини пишт демасди... Ёўрлик қиптида, болафакир...

— Қўшни қиплоқлик Зарип ака баҳорда чорвоғига қўқнори экипти. Ёзда «ўриб ташланг», деб колхоз вакили билан келган мелисани сўккан экан камаб қўйишибди.

— Аммо Малик ишни кўзини биларкан, бошлади. Беш йил институтда ўлиб-тирилиб ўқиди. Келгач, мактабда икки йил маълимчилик қилди. Қараса, бўлмади — бош оғриғи иш. Шартта ташлади. Ҳозир қиплоқ магазинини гўллатяпти. У ишлагандан буён «подприлавка» бўлсаям: «95 чой», болгартабак, хуллас, қўп танқис нарсалар узилмай қолди. Менам шу дипломни бир амаллаб оволай, ўзим биламан, қандай яшашни...

— Полончининг хотини енгилтак чикибди...

— Пистончининг қизи эрга тегмай туғиб қўйибди...

Ёш ёзувчининг вужуди қарахт бўлиб, ҳеч нарса қулоғига кирмай қолди. Аммо ҳамон дўстларининг лаби-лабига тегмас эди. Кетма-кет чекилаётган сигарета тутуни (ёш ёзувчи чекмасди), ароқнинг қўланса хиди, буруксаб чиқаётган бемаъни сўзлар унинг нафасини бўғиб ташлади. Меҳмонларни ёлғиз қолдириб ташқарига чикиб кетиш ҳам одобдан эмасди.

Нихоят тун ярмида улар қўзғалишди. Кўчага чиқишгач ҳам валақлашдан қолишмасди.

— Оғзингга сикканини айт, ўртоқ, ўша Тошкентингга, институтга кириш қанча туради, ўзи? Нима кип бўса-

ям биззи укани бу йил жойламасак бўлмайди. Сен билан биззи давримизда ўқивосин. Бу ёғидан — «қуруғидан» чўчима, — деди Икром чўнтагига шалпатлаб ураркан ёш ёзувчига қараб. — Оғзингга сиққанини айтавер!

— Эсингда бўлсин, яқинда Тошкентга бораман, — дея гап котди Соли кўзлари сузилганча. — Бир айлантирасан-да. Ҳечам бормаганман. Ҳалигидақа... бору... ойим-чалар... топасан-да, а? Бизам мундок бир одамга ўхшаб...

Хайрлашаётганда Икром гина қилди:

— Ҳалиги, ёзиб-чизиб юрардинг. Нимаиди? Шеър-миди, мақола-миди? Мундок бирорта ўқимадинг-ам... бизам жа кишлоқи бўлсагам «тупой» масмиз, тушунамиз унча-мунча.

— Боришимни эсдан чиқарма, — Икромнинг ёнига ўтираркан ғудурлади Соли. — Қандай ажойиб тун. Шундай тунда қани энди ёнингда кетворган бир жонон бўлса...

Улар кетди. Ёш ёзувчи кўча ўртасида маҳзун туриб қолди. Кеча, сутдек ойдин кеча Соли айтгандек ажойиб эди. Ой йўл четидаги терак шохлари орасидан келинчакдек қиялаб мўраларди. Юлдузлар, осмонга сочилган бодроққа ўхшаш юлдузлар тинмай жимирлашиб кўз қисишарди. Ғуборсиз, муздек хаво ёқимли эди. Тун бағрини тўлдириб турган бу гўзалликлар болаликдан гўзалликка ўч ёш ёзувчининг нозик қалбида капалакдек бир онгина меҳмон бўлиб ўтди, холос. У биринчи марта бу гўзалликларга узоқ маҳлиё бўлмасдан уй томон юрди. Дилида ҳам бор эди, кўнгил яраланган эди. Чучмал фалсафалардан кайфияти бузилганди. Ёш ёзувчи, турган гап, бу бақага ўхшаб валақлаб, бир ичса икки литрни ҳам култиллашиб ютиб юборадиган синфдошларига ўхшамасди. Буни ҳис қиларкан, унинг нозик кўнгли тобора эзиларди. Ҳар қаллада ҳар хаёл. Биров ўламан деса, биров куламан дейди. Ҳар кимнинг ўз таъбири, дари, ўз эътиқоди, мақсади бор. Кимдир пулга сивиниб яшайди, кимнингдир кўнгли мол-мулкка мойил, яна бошқасининг хаёлида машаққат, аёллар... Биров эса китобга ўч... Ҳар кимнинг ўз ҳақиқати бор. Ҳақиқати бор! Ҳақиқат... Улар эса ҳақиқатни йўқ дейишди. Нега?! Бир синфда ўқиган, бир хил ўқитувчилардан сабоқ олган синфдошлари-я... Қачон бунақа бўлиб қолишган улар?.. Шермат-чи?! Нега у енгил-елпи пул топиш йўлига кириб кетди?.. Ёки қуш уясида кўрганини қилади деганлари

ростмикан... Шермат у билан бир партада ўтирарди. Отаси магазинчи эди. Кўлидан пул тушмасди. Доим пулини кўз-кўз қилиб мақтаниб юрарди. Гоҳида отасига ёрдамлашиб «пул ишлашини» ҳам ундан яширмасди. Хайит ва байрам арафаларида болалар ҳар хил рангга бўяб пиширилган тухумларни уриштиришарди. Ўшанда ҳам Шермат ҳаммани ютиб оларди. Бир кун билиб қолишди — унинг бўялган рангдор тухуми ёғочдан экан. Демак, ўша пайтлардаёқ у... Икром-чи? Маҳаллада унинг отаси хақида «Шу Исомиддин ҳам умри бино бўлиб одамлардек бир ерда муқим ишламади-ишламадида, битта жонининг ҳузурини деб саёк юргани юрган, ҳали у ерда «договор» қилиб ер экади, ҳали бу ерда, колхозда яшаб колхозга фойдаси тегмайди, ахир дарахт ҳам бир ерда кўкаради-ку, мана оқибат: ўғиллари ҳам ўзига тортяпти...» деган гапларни кўп эшитганди. Отасининг ўғли, пултопар отанинг ўғли! Пул билан оламини сотиб олмоқчи... Яна ҳаммани ўзига ўхшатгани-чи... Соли бўлса мактабдаёқ қизларга шилкимлик қилиб хат ёзавериб ҳаммани безор қилганди. Ахлоқини деб мактабдан ҳайдалишига ҳам сал қолган, хотинини ҳам ўлдим-куйдим деб олганди. Ҳамон ўша-ўша... Қизиқ. Нега у буларни энди-энди билипти... Балки кишлоқда қолса у ҳам аста-секин... У ўз фикрларидан қўрқиб кетди. Шонганча уйга кирди ва деразаларни очиб хонани шамоллатди. Дастурхонни йиғиштиргани кирган бувиси чиқиб кетаркан:

— Сира келмай юрган ўртоқларинг келибди. Кўча-кўйда мени минг марта кўришса ҳам, «қалай юрибди ўртоғимиз» деб бир оғиз сўрашга ярамасди икковиям. Қалай, бир худо ярлақиб эсга олишибди? — деб қўйди. У индамади. Ёлғиз қолгач, қалам ушлаганча қовоғга термилиб узок ўтирди, аммо боя бирпасда боплаб ёзиб ташлайман, деб хаёл қилган ҳикоядан бир сатр ҳам битолмади. Кузнинг совуқ ва узун туни эса унга раҳми келгандек илтифотини аямас, деразадан мўралаётган ой энди очилиб-сочилиб ўз жамолини кўз-кўзлар, юлдузлар эса «кўз қисар» ўйинининг давоми билан овора. Ойдин кеча гўё эртақлардагидек гўзал, эртақлардагидек тароватли эди. Биргина илҳом париси ёш ёзувчига тутқич бермасди. Гўё илҳом париси ҳам бу кеча худди кўкдаги ою юлдузлардек дардқашу, улардек жуда-жуда йироқда эди. Бирдан ёзолмагани унга алам қилиб кетди. «Сен ҳали боласан! Ғўрсан: пишмаган хонаксан... Ёзувчилик-

ни даъво килишинг аҳмоқликдан бошқа нарса эмас. Сен ҳеч қачон ёзувчи бўлмайсан! Сен бир хаёлпарастсан, холос. Бўлганинг шу. Ёзолмаяпсан, ёзолмайсан ҳам, ёзолмайсан ҳам, ёзолмайсан ҳам...» Ёш ёзувчи қўлидаги қаламни зарда билан столга отди-да, чирокни ўчириб, ўзини ўринга ташлади. Боя деразадан мўралаб турган ой ҳам энди ундан ҳафсаласи пир бўлгандек қаёққадир кетиб қолган эди. Юлдузларгина ҳамон ишонч билан унга кўз тикиб турарди. У ҳеч нарсани кўрмаслик, сезмаслик учун кўзларини чирт юмганича бошини кўрпага буркаб олди. Бироқ унинг ҳалоскорлиги — уйқу ҳадеганда келавермасди. Ёзиш — қийин, ёзиш — шу қийин дардларининг оқ қоғозга тўкиш, ёзолмаслик — азоб, ёзолмаслик — дардларининг айтилмаслиги, дарднинг айтилмаслиги эса ҳаммасидан оғир...

Эртасига у кечаги ва умуман анчадан буён беҳуда кетган вақтларининг аламини олмоқчи бўлиб қоронғи тушмасданоқ иш бошламоқчи эди, эшикдан бувисин кйриб келди ва уни кўп куттирмай кўнглидаги гапларни айтиб-айтиб чиқиб кетди.

— Гапирсам тилим куяди, гапирмасам дилим. Фашинг келмасин, болам, мен айтмасам, ким айтади сенга. Мундоқ атрофга бок, ўз танангга кенгаш: ҳамма ўртоқларинг, сен тенгқурлар бола-чақалик, уйлик-жойлик. Олдида учта, йўғида битта бола. Сен бўлса ана-мана деб вақтни ўтказиб юрибсан. Олдин ўқишим дердинг, энди ишим дейсан. Бу дунёнинг ташвиши адоғ бўлармиди. Неча-неча яхши қиялар қўлдан чиқиб кетяпти. Оғзининг ховри, сен бир оғиз «хўп» десанг — олам гулистон. Биз айтганга қўнмасанг ёки ўзинг топмасанг. Қачонгача сўққабош юрасан? Умр кутиб турмайди, ёш ўтаверади. Даданг ҳам бу юришларингдан хафа. Ота рози — худо рози. Ахир ким бу дунёдан тоқ ўтибдики, сен тоқ ўтсанг...

Навоий илк мухаббатни деб бир умр тоқ ўтди. Пушкин ўттиз уч ёшгача бўйдоқ юрди. Тургенев ва Бальзак қариганларида уйланди. Қалам ахли ўзи шунақа бўлади, мени ҳам кўпам қисди-кафасга олавермай ўз ҳолимга қўйинглар, ҳамма нарсанинг ўз вақт-соати бор, демоқчи бўлди у. Бироқ айтилмади. Ахир бу гапларни биронга айтиб бўлармиди? Ойиси аччиқ, лекин ҳақ сўзларди. Уйланиш керак. Бироқ кимга?! Эҳ, Зумрад, Зумрад, ишқ ўтида куйдириб, қалбини доғлаб кетмаганда бу гаплар қаёқда эди...

Зумрад курсдоши эди. Оралари яхши эди. Хамма уларга «булар курсимизнинг Лайли-Мажнуни, узукнинг кўзидек бири-бирига мос», деб ҳавас билан қарашарди. Учинчи курс сўнгида ишнинг пачаваси чиқди. Бир куни Зумраднинг дугонаси унга совчи келаётганини айтди. У шошиб қолди. Ота-онаси ҳали унинг шаҳарлик кизидан хабарсиз. Олдин ўқишни битириш керак. Шу пайтда уйланишга имкон йўқ: ўзи ётоқда туради, қиз эса шаҳарлик... Буларнинг барини дўшини ерга қўйиб бир ўйлаб олиш керак эди. Зумраднинг дугонасига шуларни айтди, тушунтирди. Қиз эса индамасдан лаб бурганча қайрилиб кетди. Шундан сўнг дунё остин-устун бўлди-қолди унинг назарида. Зумрад, у меҳр қўйган қиз унга гапирмай қўйди. Аммо гапирмай қўйишдан олдин баъзи нарсаларни айтди.

— Сиз мени севмайсиз, — деди сўнги учрашувда. — Чумчуқдан кўрккан тарик экмайди.

Бошқа ҳеч нарса демади. Уни тингламади ҳам. Уйларида нима бўлаётганини ҳам айтмади. Кетиб қолди. Кейин унинг дугоналари ҳам ундан четлаб юрадиган бўлди. У дўзах азобида кийналиб, нима қилишини билмай юрган кушларнинг бирида тўсатдан тўй овозаси чиқди. Аввалига ишонмади. Ёлғон деб ўйлади. Югурди-елди, кизнинг йўлларини минг бор тўсиб ялинди, аммо у қайрилиб қарамади. Бир ой ўтар-ўтмас тўй бўлди. У етим кўзидек бўзлаб қолаверди. Қиз узок бир қариндошига тегиб кетди. Шундагина унинг кўзи мошдек очилди. Ўзига ўзи ёмон кўриниб қолди. Ланжлик, лапашанглик қилганини эслаганда юраги қон бўлиб кетарди. Дарсларга қатнамай қўйди. Ўқишига ҳам, Тошкентига ҳам қўл силтаб, узок-узокларга — ўзи биринчи курсда талаба қурилиш отряди билан борган Сибир томонларга кетвормоқчи, ўша ердаги қурилишларда ишлаб дардини унутмоқчи бўлди. «Ақлингни йиғ» деди ақлли курсдошлари. У оёғини тираб ўз гапида туриб олди. Туркистонлик дўсти Яхшибойнинг фигони ошиб кетди. Энди билса, ақлли иш қилган экан. Уни бир четга тортиб «Ўғил бола бўл!» деб аччиқ-аччиқ гапирди. У-бу деяверганди, тумшугига бошлаб бир тушириб хушини ўзига келтириб қўйди. У хафа бўлмади. Кўпчиликка, Яхшибойга таслим бўлди: кетмади. Энди бу ерда ўқий олмайман деганди, яна Яхшибой ўз «принципи»да туриб олди. Ўкиди. Ма-на, битирди ҳам... Севгисиз ўламан деганди, ўлмади, яшаяпти... Зумрад чиройли қиз эди. Ўзи шу чиройлига

ошиқ бўлишни ким чиқарган-а... Балки чиройли бўлмаганда шундай қилмасмиди. Унинг эсига бир кўни поездда келаётганда қўқонлик провондник айтган гаплар тушди. «Уйланмаган бўлсангиз, ука, сизга битта акалик маслаҳатим бор, эшитинг: аёлнинг чиройи бўялган тухум пўчовидек бир гап, агар хотин ўзимники бўлсин десангиз чиройига учманг, гўзалларга кўнгил қўйманг, унақаларнинг ошири мингта бўлади». Айнан шундай деганди. Тағин «Бўялган тухум ва подшоҳ» хақидаги латифани ҳам илова қилиб айтганди. Балки ростдан ҳам у тўғридир... Зумраддан кўра кўпроқ ўзи айбдор бўлса ҳам ўша воқеадан сўнг унинг нафакат чиройли қизлардан, умуман қиз зотидан кўнгли қолиб кетди: тўё юраги бир умр музга айланган — ҳеч кимга илимайди. Аммо Зумрадни эсласа ҳали-ҳали вужуди ёниб кетади. Тўйдан кейин ундан ўзини четга олиб юрди. Ўзганинг суюқлиси бўлган Зумрадни кўришга юраги дош беролмасди. Шунинг учун «органика» кафедрасини қўйиб «физкимё»га ўтиб кетди. Диплом темасини ҳам ўзгартирди. Барибир унутиш оғир дард экан... Лат еган хаёлот, лат еган кўнгил, лат еган муҳаббат ёмон экан. Нега ўшанда бўшанглик қилди? Йигит бўла туриб шунчалик ландавур, лапашанг, хардамхаёл эдими? Севгида чўрткесар, ўт-олов бўлиш керак экан... Ҳаммаси энди кўнгилда бир умрлик тузалмас ярага айланди. Нега ўшанда дангал уйланаман демади... У-ку, шунақа экан, лекин Зумраднинг қилмишлари-чи... хануз тушунолмади... Бир ҳисобда эса яхши бўлди. Зумраднинг эрини рестораннынг директори дейишади. Шахарликлар унга ўхшаш куёвни ёктиришмайди. Улар учун эр кишининг топармон-тутармон бўлгани афзал. Ким бўлса ҳам қўлида пул ўйнаса, пичоғида ёр. Ахир оилага ҳам энг кераги шу эмасми?... У каби хаёлпарастдан нима наф... Баъзилар-ку бири бўлмаса бошқасига ишдамай, ортиқча шов-шувсиз уйланиб кетаверади. Нега у баъзиларга ўхшай олмайди? Унинг тупроғи оғир чиқди. Гўзаллик ва муҳаббат унинг нозик қалбини бир умрга эсдан чиқмайдиган қилиб жароҳатлади. Энди минг қилса ҳам синган кўнгил шишаси бутланмас. Ҳаёт эса бир жойда тўхтаб турмайди. Севгидан омади келмади, лекин олдинда нималарга қодир эканини кўрсатиб қўядиган улкан адабиёт майдони бор... Ҳа, ҳаёт олдинда, келажак ҳам... Ҳаёт! Бирдан унинг кўзи олдида поездда учратган маргилонлик қиз — Ҳаёт келди. Кўзлари Зумрадникига ўхшайди: шаҳлолиги ҳам, тим-қоралиги ҳам. Чиройи

хам ундан кам эмас. (Яна чирой хақида ўйлайди-я, эҳ, сени кара-ю...) У ўзини ўзи койиди. Хаётни эсларкан, негадир вужуди бир сесканди, юрагида қачонлардан бўён совук ва бепарк бўлиб қолган юрагида охиста хаяжон ўйнаб ўтди, танасига илиқлик югурди, юзлари кизаргандек бўлди. Бу нима?... Нахотки... Хаёт яхши киз. Унга уйланса-чи? Бирданига-я? Нима қилти? Қизиқ... Зумрад билан шунча юриб бу ҳақда ўйламаган, ўйлаш керак бўлганда бўшанглик қилиб қўлидаги бахт қушини учириб юборганди, энди Хаётни бир-икки кўрибоқ дарҳол... томдан тараशा тушгандек... Ғалати. Ёки ҳаётнинг ўзи, инсоннинг ўзи азалдан ғалати қилиб яратилганмикин? Дангал-а... Зумрадни учратмасдан бурун қизлар хақида тасаввурлари бошқача эди. Бирорта гўзал кизни кўрса, у билан ганишишни, хиёбонларда сайр қилиб юришни, қандай қилиб унга чиройли киз эканлигани айтишни, севги хақида сўз очилини, ҳатто биринчи бўгани қай тарзда олишни ва ҳоказоларни ўйлар эди. Севги бошқача бўларкан. Зумрадни кўрди-ю, бу беҳуда гаплар тумандек ўз-ўзидан тарқаб кетди. Энди эса бирваракайига уйланишни ўйлапти. Хаёт ёқимли, истараси иссиқ киз. Балки унинг олдида борар... Аммо кўзга яқин қизларнинг ошиғи кўп бўлади. Балки йигити бордир...

— Ўчир чирокни, ярим кеча бўлди. — Дераза ортидан эшитилган дадасининг дағал овози ойнага отилган тошдек ёш ёзувчининг ширин хаёлларини чил-чил қилди. — Туни билан чирокни ёққанинг ёққан. Менинг бир тийин ортиқча пулим йўқ электрга тўлашга. Ишинг бўлса кундузи қилмайсанми. Неча марта айтганман сенга шу ёзиш-чизишларингни ташла деб. Ҳозир чиқариш учун ҳам пул керак, таниш керак. Беҳудадан-беҳудага кўз нурунгни тўкиб... Чикадиган бўлса, шу пайтгача чиқарди. Барибир Абдулла Қодирий бўлолмайсан! Тинчгина химиянгни қилсанг-чи. Сенсиз ҳам тўлиб-тошиб ётибди адабиётчилар...

Чирок ўчди. Ўчмаса бўлмасди. Орага бир оғиз сўз ҳам сизмас эди. Отаси асабийлашганди. Умуман, сўнгги пайтларда «насихат қор қилмас» ўғлини кўрса ораларидан ола мушук ўтгандек зардаси қайнайдиган бўлиб қолганди. Шунинг учун қилдан қийик ахтарарди. Ўзи ўқитувчи бўлса ҳам, анча-мунча нарсаларни ён-веридагилардан кўпроқ тушунса ҳам ўғлини тушунишни истамас эди. Ўқишни битириб ёнимга қиради, пул топади, катта рўзворнинг оғир-енгиллига бакор келади, деб юрарди

тўнвичи ҳақида. Ўғли эса ҳа йўқ, бе йўқ шаҳарни танлади. Бу ҳам етмагандек ўқишни битириб ҳам уйланмайди. Ҳозирги ёшларга нима бўлган ўзи? Тагин бекорчи ёзувчизувларига ўласанми: дард устига чипқон. Ёзувчи бўлармиш... Пушкин бўлиш замонаси аллақачон ўтиб кетган!

Ёш ёзувчи зимистон уйда ўйга ботиб ётарди. Энди ширин ҳаёллар ҳам йўқ. Бу ерда ёзиш у ёқда турсин, ҳаёл суришга ҳам қўйишмайди. Агар кишлоқда қоладиган бўлса, Горькийдек шам ёруғида ёзишга тўғри келади-ми?.. Мана, у орзу қилган сокин кишлоқ. Йқром ва Соли унинг самимий ва бегубор дўстлари! Ёзиши учун, буюк бўлиши учун барча шароитни муҳайё қилиб берадиган ота-онасининг дарди эса уни уйлантириш. Бошқаси билан ишлари йўқ...

Туриб-туриб ёш ёзувчининг хўрлиги келди. Нега у кишлоққа келса ҳам буюк Толстойга ўхшаб ёзолмаяпти? Нега?! Нега?! Э, ахир Толстой граф бўлган-ку! Мабодо, у граф бўлиб қолса-чи... унга на мол-мулк, на ер-сув, на хизматкорлар керак, фақат ёзишига ҳеч ким ҳалакит бермаса бўлгани. Умрини адабиётга бағишларди... Афсус, граф бўлишнинг бу замонда иложи йўқ...

Эртасига барвақт уйғонди. Стол устидаги ўзидан қолиб чиққан олпоқ қоғозга, қаламга ёқимсиз қараб қўйди. Кейин маълумлигини тан олганча елкасига сочиқни ташлаб тўғри Хўжаарик бўйига йўл олди. Ҳати ботишга улгурмаган тонг юлдузлари милт-милт қилганча зилол сувда чўмилиб юришарди. У сувга термилиб турган бўлса-да, на сувнинг зилолчилигини, на юлдузларни пайқар, кечагина кўнгилда олам-олам мадхиялар тўқиган табиатга бугун бепарво, хиссиз, ҳаяжонсиз боқарди. Унинг жигар-бағри афсус ва надомат ўтида кабобдек қоврилар, кеча ёзолмаганидан, умуман, анчадан буён ёзолмай, қуруқ тўнкадек туйғусиз бўлиб қолганидан ўртаниб ёнарди. Гўё атрофда ҳукм суриб ётган ҳорғин ва ўлик табиат ҳам ундан кулмоқда. Яланғоч дарахтлар гўё жонсиз бир шаклга ўхшайди, ғуж-ғуж ҳазонлардан юзига парда тортиб имиллаб оқаётган анҳор суви гўё кўлмакдек беҳаракат туюлади. Унинг шу каби ўйлари ҳам куз табиатидек толиққан, руҳиятида чарчоклик ҳоким, тасаввурида дилга таскин берадиган заррача учқун йўқ. Нима қилиш керак?.. Гўзал кишлоқда бирор-та гўзал нарса ёзолмади. Дўстларининг суҳбати зерикарли. Ота-онасининг дарди ҳам маълум... У эса шаҳарни

ташлаб келмоқчи... Ўпкасини қўлтиклаб, қишлоқни ижод бўстони билиб. Хўш, келади ҳам. Бу ерда унга кимнинг кўзи учиб турибди. Келиши ўз кўнглига бир ором истаб, сокинлик истаб, илҳом кидириб шаҳардан — кураш майдонидан чекиниш эмасми? Ҳозир нима деб ҳам келади?... Хўп, келгандан нима наф? Бу ерда ҳам бе-кор юриб бўлмайди: ишлаш керак. Қишлоқдаги шароит ҳам энди унга беш қўлдек аён. Яхшиямки келиши ҳақида ҳеч кимга оғиз очмагани... Мана энди кўп нарсаларни — адабиёт билан жиддийроқ шуғулланишни, бу соҳада бирор муваффақиятга эришмагунча иш жойини ўзгартиришнинг ҳожати йўқлигини, ёзувчилик ҳаёлла-растлик эмаслигини, акаларидан бири айтганидек қора меҳнат эканлигини, демак, у ҳам тинмай ишлаши керак-лиги, адабиёт даргоҳига кирган одам ўзининг ташвиш-ла-ри билан, майда-чуйда ўй-хаёллар гирдобида ўралашиб қолиши ярамаслигини, ёзадиган одам булардан анчайин устун туришини, ёзиш учун эса шароит танлаб юрмас-ликни, қороз, қалам ва ақлни ҳамма жойда ишлатса бўлишини, ёзганларини бостириш учун ҳам ноширлар билан тинмай курашиш кераклигини тушуниб етди. Наҳотки, шу оддий кўринган нарсаларни тушуниш унга шунчалик қийин бўлди-я? Кўпига ўзи, феъли айбдор... Ростдан ҳам у пашшадан фил ясаб юрибди. Энди бошқача бўлади, бошқача иш тутади...

У албатта ёзувчи бўлади...

Йигит шаҳарни эслади. Кейин кўз олдида келишган, бўйдор, буғдойранг, зуваласи пишиқ, кўзлари катта-катта, лаблари бежирим, қорасоч бир йигит намоён бўлди. Йигитнинг катта кўзлари сўнгги пайтлар гоҳ ғамгин, гоҳ қувноқ порлаганини шундоққина айтиб турарди. Табас-сумга мойил хушбичим лаблари эса нимадандир ҳадик-сирагандек жиддий, қўлида катта бир попка. У ҳали ун-га бир олам ташвиш ва қувонч келтирадиган хикоялар билан лик тўла. Йигит редакция оstonаларига энди хур-как охудек эмас, ладил қадам қўяди. Бу йигит унинг ўзи — ёш ёзувчи эди...

1979 йил, сентябр, Фарғона

АБИТУРИЕНТ

ҚИССА



Ойнабанд бини пештокида қуёш нуридан ялтираб турган радиокарнайдан бирин-кетин фамилиялар ўкила бошлади. Номи чиққанлар чехраси кундай очилиб, ўзларини ичкарига урди, қолганларнинг эса юз-кўзларида бетоқатлик авж олди. Радиокарнай овози тингач, салкиндаги ўриндик атрофида уймалашиб турган кизлардан бири ўзини тутолмай пиқиллиб йиғлаб юборди, дарахт соясидаги аскар кийимидаги йигитларнинг ҳам хафсаласи пир бўлиб, рангларида қон қочди, ҳатто биттаси ўзидан кетай деб дарахтга суяниб қолди. Кимдир сув келтириб, унинг юзига сепди, кимдир бояги кизга далда бера кетди, икки-уч ўсмир эса кираверишдаги эшик оғзида билакларига қизил латта боғлаб олган болаларга ёпишиб, ичкарига қўйворинглар, деб шовқин сола бошлади. Атроф норози ва аламзада овозларга тўлиб кетди.

— Ўтган йили ҳам мандатдан ўтказишмаганди-я!

— Ўзи ҳақиқат қолмапти бўтга!

— Энди кишлоққа қандай бораман, ахир?

— Шайга¹ кираман дедимми, барибир кираман! Бу иил олишмаса, кейинги йили олишади!

Баходир ҳам тарвузи қўлигидан тушгунча бу норозиликларга нимадир деб қўшилгиси келар, лекин нима дейишини билмай, дам-бадам радиокарнайга умидвор кўз ташлаб қўярди. Аммо соқов қолган карнай қайта тилга кирмади.

— Юра қол, энди!

Баходир бошини кўтариб, дадасини кўрди. Ҳатто ёнида дадаси борлигини ҳам унутасизбди. У унда-бунда латтадай бўшашиб турган абитуриентларга, эшик олдида ҳамон хира пашшадек уймалашаётган жанжалларга қарай-қарай дадасига эргашди. Дамин домла оғзига толқон солгандек чурк этмай борарди: на бир оғиз далдали сўз айтарди, на таъна қиларди. Таъна қилишга эса

¹ Шу ерда

ҳаққи бор эди. Балки ичида «Мен сенга юз марта, минг марта айтдим, гапимга кирмадинг, ўз билганингдан қолмадинг, мана, оқибати нима бўлди? Бу кунингдан баттар бўл!» дея таъна қилаётгандир ҳам. Балки шу гапларни тилимга чиқармай деб атайин жим кетаётгандир? Лекин бир ҳисобда ҳозир шундай жим кетаётгани ҳам яхши. Ўзи бўлари бўлиб, сувга бўккан бўлкадек зўрға келяпти, тасалли ҳам таънадек кулоққа ёкмайди шу топда. Ундан кўра сўкса, урса... Омади келмади, бахт ундан юз ўгирди. Талабаликни, Тошкентда ўқишни қанчалик орзу қилганди-я! Неча тунлар бу орзусининг ушалишини ўйлаб, уйқусиз тонг оттирганди. Орзулари чилпарчин бўлди. Имтиҳонлардан йиқилмай ўтиб, келиб-келиб мандатдан ўтолмаса-я. Ҳаммаси тўрт бўлса ҳам олишмади. Охирги имтиҳондан кейин одам жуда оз қолди, киришига каттиқ ишонганди. Дадасининг мандатга келишини эса сира кутмаганди. Орадаги шунча гап-сўзлардан кейин унинг келишини ким ўйлабди, ахир. Сахар пайти эшик тақиллади, очса — дадаси. Гина-кудуратлар ёзда тушган шабнамдек зумда тарқаб кетди.

— Қалайсан? — дадаси кулимсираганича унга қўл чўзди. — Мундоқ хабарламабсан, мандатни ҳамқишлоқлардан эшитиб қолдим.

— Овора бўлсиз-да.

— Овораси борми, келдим-да, баҳонада Тошкентни ҳам бир кўрай деб.

Мана, Тошкентни ҳам кўрди, ўғлининг нимага кодирлигини ҳам билди. Ўзидан кўрсин. Дадаси «айт» деса, «байт» деди, институтни писанд қилмай, университетни мўлжаллади. Ҳали ҳам дадаси инсоф қилди, индамади. Унинг гапига кирганда балки барчаси бошқача бўлармиди...

Бекатга етгач Дамин домла тилга кирди.

— Сира гапга унамадинг-унамадинг-да... Ўзингдан ўтди.

— Юзимга солманг!

— Юзингга солаётганим йўқ. Қанақасан, сен ўзи?

— Қачон бўлсаям бир мартага барибир қираман! Шайга! — Баходирнинг хўрлиги келди, кўксида қандайдир бир яширин дард кўзғолди-ю, ўзи ҳам истамаган ҳолда кўз ёшга айланиб, қуюлиб кела бошлади.

— Уғил болага ярашмайди... Қани, юр-чи! — Дамин домла уни бир четга етаклади. — Мен бир оз шаҳар айланиб, кечки поездда қайтаман. Сен бориб дамингни ол!

Хужжатларингни олгач, қишлоққа борарсан. Мактабда бирор иш топилаб. — Сўнг дадаси коғозга ўралган бир нарсани унга узатди.

— Ма, чўнтагингга солиб қўй. Пул. Ишлатарсан.

• • •

У кун бўйи хонада чўзилиб ётадиган Султонни эслади-ю, ётоққа оёғи тортмай, талабалар шаҳарчасини ўйчан кезиб юрди.

...Ўқиш хусусида доим дадаси билан фикри айри чиқарди. Минг босиқлик билан гап бошламасин, унинг кайсарлигидан дадаси бирдан тутаклиб кетарди. «Намунча «Тошкент, Тошкент» дейсан?! Нима, Тошкентнинг оғи борми? Қўқоннинг нимаси ёмон? Туппа-тузук пединститутти бор. Жуда яқинда ўқимайман десанг, ана, Фарғонага бор, у ерда танишлар ҳам топилади. Нима қиласан, узоқни орзулаб? Узоқда ўқишни ўзи бўлмайди: бир товукка ҳам дон керак, ҳам сув. Кейин билиб қўй: айда¹ талабгорлар сонмингга, ўнтадан, юзтадан биттани чертиб-чертиб, танлаб олади. Борсанг, боравер-ку, лекин кетингдан чопиб юришга менинг вақтим йўқ. Кирилмай, юзинг шувут бўп қайтсанг, ўзингдан кўр!»

Ота минг қилса ҳам ота экан-да, шундай дейишга дегани билан барибир ўғлим деб келибди. У эса бутунлай бошқача ўйлаганди. Лекин йиқилгани чатоқ бўлди-да. Шу мандат деганни ким чиқарган экан-а? Айтмоқчи, мандатдан ўтмаганлардан бошқа факультетга олишармин дейишасўвди. Э, чули-чули бўп юрадим. Кейин ўзи бу йил ер ёрилиб абитуриент чиқибди, чумолидай ҳамма ёқни босиб ётибди. Бошқа факультетда ўқиб ҳам нима қилди. Яхшиси, хужжатларини қайтариб олади. Хўш, кейин-чи? Кирилмадим, деб дадаси айтгандек, шимилдирини тортиб қишлоққа борадими? Одамлар кулади!..

Хаммадан ҳам асли ўқишининг мазаси йўқ, бирор жойга киришга ақли етмай ҳар қимларнинг гижгижи билан элдан бурун «колхозда қоламиз, қишлоғимизни обод қиламиз, гуллаб яшнатамиз», деб синфни бошига кўтарган ўпка синфдошларига калака бўлишини ўйласа бадинини совуқ тер босади. Улар қишлоқда қолганларига шунақа керилишадики, худди қонлотни забт этган фазогир-

¹ У ерда

дай сезишади ўзларини. Гўё шу пайтгача мактабни битириб ҳеч ким қишлоқда қолмагандай. Қолки унақалар оз бўлса. Ана, юрибди ҳаммаси бир касбнинг бошини тутиб, уй-рўзор, бола-чака дегандай. Улар ҳам шуларга ўхшаган ўқувчилар бўлган бир вақтлар. Улар қилиб ўзгармаган қишлоқ энди булар қилиб бирпасда ўзгариб қолармиди? Ўзгарса-ку майли эди, қанча мақтанишса ҳам. Таъин гуруҳвозлик қилиб ўқишга бораман деганларга «бузувчилар» деб эгри қарашганлари ортиқча. Қизик: газета-ларда ҳам шунақаларни мактаб ёзишгани ёзишган. Ахир ҳамманинг ҳам пешонасига «қишлоқда қоласан» деб ёзиб қўймаган-ку. Ҳар кимнинг кўнглида ҳар хил ўй, орзу. Улар бўлса одамни ҳам инкубатор жўжаларига ўхшатиб, ҳамманинг кўнглидан бир гап қидиради. Эҳ аттанг, киролмаганини эшитса, ана ўша қовоқмия синфдошлари тоза мириқишади-да, оғизларининг таноби қочиб...

II

Барибир Султон ётоқда экан.

— Нима бўлди? — деди у хонага кириб келган Баҳодирга. — Утдингизми?

Баҳодир жавоб ўрнига унга ёқимсиз қараб қўйди. Султоннинг қозоқбашара ясси юзлари, йигит кишига унчалик ярашмайдиган ўсик, бир-бирига тутатиб кетган қалин қошлари жуда хунук кўриниб кетди шу топда. Султон эса унинг эсанкираб туришидан хузурлангандек иршайди.

— Нима, бу дейман, бўримас, тулки бўлганга ўхшайди, а?

Баҳодирнинг баттар қалби келди. Султоннинг иржайганда ўрадек очилиб кетадиган оғзига ижирғаниб тикилди: одамзоднинг ҳам оғзи шунақа беўхшов бўладими? Бу оғзи катта, пакана, маймулбашаранинг шу маҳалда тиржайишига бало борми? Иштони йўқ иштони йиртиққа қулибди! Бир боқласинми... Э, шу тепса-тебранмас тўнка билан тенглашадими? Ўзи бусиз ҳам ҳозир бўлари бўлиб турибди. Барибир бу бола икки дунёда ҳам унга эл бўлмайди.

— Ўтолмадим...

— Э, ана айтмадимми, ҳозир ўқишга кириш учун ё зўр таниш керак, ё «муллажиринг», — деди Султон. Кейин Баҳодир ҳар кунгидек гапини қайириб ташлама-гапини кўриб, дадиллашди. — Биламан, гапим қўпам

сизга ёкмади, лекин бари сиз айтгандекмас-да. Мен нега йиқилдим? Уша имтихон олувчиларнинг таниши кўп, ўшанга биздакаларни биринчи имтихонданок қуритди. Мен-ку майли-я, сиз-чи? Кеча-қундуз бир минут китобдан бош кўтармадингиз, билимингиз зўр, барибир олишмабди. Хўш, айтинг-чи, қани байда ҳақиқат? Э, ҳақиқатнинг ўзи йўқ нарса.

Баходир ортиқ чидаб туролмади.

— Ҳақиқат бор! Кирилмадим, демак кирганлар мендан зўр экан.

— Ол-а! Биламан, шундай деясиз-у, ичингизни ит тирнаяпти.

Э, сенга нима? — Баходир сапчиб ўрнидан туриб, Султоннинг тепасига келди.

— Э, э, сенламанг, — деди Султон ранги ўчиб. — Айтдим-қўйдим-да. Рост-да, мандатдан ўтмайсиз-у, алам қилмайдими, ахир?

— Бахил! Илон!

— Ия, ия, аламни мендан олманг-да!

— Кобра! Заҳарли илон!

— Буни қабул қилмаганларга айтинг, мен — одамман. — Султоннинг кўзларида учқун ялтиради. — Мен ҳам сизга ўхшаган бир омадсиз абитуриентман.

— Сен билан менинг ўртамда ер билан осмонча фарк бор.

— Йиқилганининг фарки бўлмайди.

— Э, садқан одам кет-е! — Баходир зарда билан қўл силтаганча чиқиб кетди.

У йўлакдаги очик дераза олдига борди. Ташқаридан жимир-жимир қилиб ёзнинг иссиқ ҳовури уриб турарди. Пастда ётоқхона ҳовлисидаги дарахтлар соясида абитуриентлар дарс қиларди.

...Келиб-келиб, яна шу Султон билан айтишдими? Кимлиги маълум-ку унинг. Қовоққалла! У билан тенглашиб, нима барака топди? Гапирмаса бўларди. Ахир Султон унинг шу кўйга тушишини истаб, шу кўйга тушганини ўз кўзи билан кўриш учун бу ерда ўралашиб юрибди-ку!. Бўлмаса матфакнинг биринчи имтихонидан йиқилган одамга пишириб қўйибдими бу ерда. У кирса куяман, кирмаса куламан деб юрибди. Э, дунё қизиқ экан-да: ўзи етолмаган бахтни бировга ҳам раво кўрмайдиганлар бўларкан. Ха, Султоннинг ўғри мушукдек уни пойлаб ётиши бежиз эмас. Қирганда у тўғри кишлоққа бориб, дадаси мактаб директори-да — амалдор, пули кўп,

пора бериб ўғлини ўқишга жойлаб қўйди, деб гап таркатар эди. Энди эса, шундоқ амалдорнинг ўғли пул билан киролмади-ю, университетга киришга биздака «пешка»ларга йўл бўлсин, дейиши аниқ. Кейин, албатта, бир ўқитувчи мени четга тўртиб, «мунча берасан», деб пул сўради, мен кунмадим, шунинг учун касаддан йиқитишди, деб қўшимча ҳам қилади. Ахир бошқа нима ҳам важ қилсин. Шаҳарда шунча юриб, нича гап топиб бориш керак-да. Кишлоқдаги баъзи хайбаракаллачиларга худди шуниси керак. Унинг бемаъни гапларини деб у билан канча тўртишди, хатто бир-икки уришиб ҳам қолди... Шунда ҳам Султон йиқилиб келган куни ундан кўра кўпроқ хафа бўлганди. Султон бўлса айбни нукул бошқаларга тўнкайди: ҳақиқат йўқ, замон бошқача... Тўғри, ноҳақлик ҳамма замонда ҳам бўлган. Лекин ўзинг билсанг, билимингга ишонсанг, имтиҳонни қайта топшириш мумкин-ку! Арзингга «қуйи»дагилар тушунмаса «юкори»дагилар тушунишади-ку!

Асли кишлоқ болалари ютказиб юраркан-да. Кишлоқда-ку тенгқурлари орасида гапга қалпоқ кийгазишади, шаҳарга келгач, мум тишлаб, гунг бўлиб қолишади. Домлалар олдида титраб-қақшаб, унча-мунча билганларини ҳам тўкиб-сочиб айтишади. Начора, жавобига яраша баҳо. Шаҳарлик болалар бўлса йўқни йўндиришади, билса-билмаса донолик қилишади, милг мақомда турланишади, тусланишади, талашиб-тўртишади. Кўриб абитуриент эмас, артист дейсиз!

Мана, энди у ҳам киролмади. Йиқилди. Бунга аввало ўзи айбдор. Филология факультетига адабиёт асосий фан эди, ёзмадан «тўрт» олди, оғзакидан ҳам бир оёғи оқсоқ домла «тўрт» қўйди. Ҳолбуки баҳоси нақд «беш» эди. У эса шу «беш»ни ўзиники қилиб ололмади. Мунозара қилишдан чўчиди. Аксига олиб кейинги имтиҳондан ҳам «тўрт» олди. Хуллас, киролмади. Ёзма-ку, майли-я, лекин ҳеч бўлмаса оғзакилардан «беш» олиши лозим эди. Ахир бир ўринга ўн киши тўғри келиб турган жойда «тўрт»лар билан узокқа бориб бўлмаслиги аён эди-ку, талашиш, тўртишиш керак эди, у эса бўшлиқ қилди, ўз ҳақини ажратиб ололмади. Кишлоқчилиги, уятчанлиги, соддалиги пана берди.

— Баҳодир!

У ўгирилиб рўпарасида турган оққўрғонлик абитуриент киз Мавлудани кўрди.

— Қачон келдингиз? Ўтдингизми?

— Ўтолмадим, — деди Баходир бўшашиб.

— Юринг хонага, чой қўйгандим.

Чой сузаётиб Мавлуда унга далда берди.

— Асли омад одамнинг ўзига боғлиқ деймиз-у, мана шунақа пайтларда омаднинг борлигига ишониб кетасан, одам. Баъзан бир ўринга бали тенг бўлса ҳам сени қўйиб, бошқани олишади. Нима ҳам дейсиз бунақа пайтда. Тушуниш қийин. Кўп куйинманг, келаси йили албатта кирасиз — билимингиз кучли. Сиз анави Султондек бахтимни бир синай — бўлса бўлар, бўлмаса йўқ, деб келмагансиз-ку. Кўнглингизни чўктирманг! Биламан, эртага мандатдан мен ҳам ўтолмайман. Юрфакни биласиз-ку, филфакдан ҳам қийин, бошида бир ўринга йигирматадан ҳам ортик эди. Қолганлар ичида медалистлар ҳам, стажлилар ҳам кўп.

— Нега унақа дейсиз, сиз ўтасиз.

— Э, ўзимни ўзим алдаб нима қиламан. Чет тилидан бекор тўрт олдим. Тарихда ҳам тортишиб ўтирмадим, бўлмаса беш олардим. Энди афсусланяпман. Уятчанлигу ортиқча камтарликка бало бормиди. Мандатга келиб кўзим очилди.

Хонага Ўғилой кириб келди. Баходирга кўзи тушиб, чехраси очилиб салом берди. Ўғилой — Мавлуданинг синфдоши, Тўкимачилик институтига топшириб, охириги имтиҳондан йиқилганди.

— Мана, патта ҳам қўлга тегди. — Ўғилой хужжат солинган «дело»ни каравотга ташлади. Кейин Баходирга юзланди. — Табриклагасан бўладими?

— Бахтсизлар иккита бўлдик.

— Э, мен ўзимдан кўра сизнинг ўтишингизга ишонгандим.

— Ишонавер, Баходир келаси йили албатта кираси, — гап қўшди Мавлуда.

— Илоё, кирсин! Сен ҳам кир, Мавлу!

— Сен-чи?

— Отам бошка кўнмайди. Ўзи бу йил зўрға жўнатганди.

Яна узок суҳбатлашиб ўтиришди. Қизларнинг далдасидан Баходир пича ўзини енгил сезди. Султон билан бўлган бояги дилхиралиги ҳам бир оз тарқалди. Мавлуданинг маъноли гапларини қайта-қайта эслаб, унга, унинг коп-қора кўзларига тикилиб ўтирди. Ажойиб киз! Ҳамма нарсаса тўппа-тўғри, қандай бўлса шундайлигича

карайди. Реалист! Унга ўхшаб ҳаслпараст эмас. Эртага йиқилишдан ҳам чўчимайди, бошқалардек чикмаган жондан умид, деб омадга ҳам кўз тикиб ўтирмайди. Унинг ўқишга киролмаганига ҳам ачинди, ҳам янаги йили киришга ишонишини айтди. Султон сингари омадсизликни аллақердаги нарсаларга олиб бориб тақамайди. Ўғилой — чиройли киз. Отаси уни бошқа Тошкентга келишга қўймас экан. Кўп куюнди бечора. Ахир ораунинг бир умр орзу бўлиб, кўнгил тубида тошдек чўкиб ётиши ёмон-да. Армон — висолсиз мухаббатдек бир умр юракни ўртайди. Ҳеч бўлмаса, Ўғилой кирганда яхши бўларди. У билан Мавлуданинг йўриғи бошқа — янаги йили албатта келишади.

Хонада Султон қаёққадир тараддудланиб турган экан.

— Валижон акамларникига кетяпман, борсангиз юринг, — деди у Баҳодир кириши билан. Сўнг жавоб ҳам кутмай жўнаб қолди.

Баҳодир ёлғиз қолгач, ўзини каравотга ташлади-да, хонага кўз югуртирди. Жавон тўла китоб, ҳаммаси биологияга оид — ҳайвонлару ўсимликлар ҳақида. Деворнинг икки томонида Дарвин ва Павловнинг портрети, дераза раҳи эса гултувакка тўла. Бу биолог-талаба Нажмиддин акасининг хонаси. У Султонга ота томонидан, унга эса она томонидан қариндош. Иккови ҳам уни кора тортиб келишган. Нажмиддин акалари ҳам қўлидан келганча мурувватини қилди, иккисини хонага жойлаб, омад тилай-тилай практикага жўнаб кетди. Унинг кетганидан Султон хафа бўлди. Кейин қишлоқ хўжалиги бўйича фан номзоди, шаҳарликка уйланиб Тошкентда қолиб кетган Валижон акасиникига бўзчининг моқисидек катнай бошлади. Унинг уйи ётоққа яқин — университет орқасидаги маҳаллада эди. Бу орада оғзи полвон отаси Тўйчи бакироқ ҳам белига бир даста пулни тугиб шаҳарга — жияниникига келди. Аммо нимагадир жиянидан аразлаб кетди. Султон эса ўйлай-ўйлай, одам камроқ, деб математика факультетига хужжат топширди. Биринчи имтиҳонданок қулади. Кейин дунёда аяж олган адолатсизликдан, ноҳақликдан роса ёзғирди. Лекин ойна олиб, ўзига қарашни ҳаёлига ҳам келтирмади. Мана, ҳозир ҳам унинг «ўтолмагани» ҳақидаги хабарни қўлтиқлаб, Валижон акасиникига чопди. Уни кистаганичи... Ўзи-ку ёз пайти борсам, бирор илтимос билан келибди, дейишидан андиша қилиб бормаганди. Энди пи-

ма деб боради? Бировга ўз дардингни сўзлашдан оғирин йўк.

Бу ёнига нима қилади? Қишлоққа қайтса, барчага кулги бўлади, таъна остида қолади. Ахир ҳар кимнинг ҳам ўзига яраша дўсту душмани бор. Дуч келган «нима бўлди», деб сўраши тайин. «Ўл-а, киролмабсан», демайдими? Ўзи шундоқ ҳам ич-этини еб юргани етар. Шаҳарда қолиб, ишга жойлашиб, тайёрланса-чи? Мустақил яшашни ўрганади. Дадаси мактабдан иш топиб қўяман, деди. Ўн йил ўқитган домлаларининг кўзига қандай қарайди? Яхшиси, бормагани дуруст. Буни дадаси ҳам сезди чоғи, пул ташлаб кетди. Унинг орийат қилишини билган. Ёки ўғлим ўқишга киролмай боргандан бормагани тузук деганимикан бу? Йўк, унда илп хақида гапирмасди.

Баҳодир аста ўрнидан турди. Бугунги омадсизлиги хақида, ҳозирги ўйлаганлари хақида кимгадир айтгиси, ким биландир дардлашгиси келди. Лекин бу ерда кими бор? Ҳамма ўзига ўхшаган абитуриент, ҳар кимнинг дарди ўзи билан. Ошно бўлиб қолган бир-икки тенгқурлари бор-у, бироқ улар нима ҳам дерди? Мавлудаларникига қайта кириш ноқулай. У эртага бўладиган мандат ташвишида. Ҳеч бўлмаса Нажмиддин акаси шу ерда бўлганда эди, жўялироқ маслаҳат берармиди...

Ш

Нажмиддин акаси келди. У ҳам Баҳодирнинг ўзига ташлади. Қолсангиз, пропискани тўғриласак, ишга киришингизда ёрдамлашаман, деди. Хап-пах дегунча орадан бир ой ўтиб кетди. На прописканинг, на ишнинг тайини бўлди. У шу кўйи ҳардамхаёл юрганида дадасидан телеграмма келиб қолди. «Ишларинг нима бўлди? Келсанг, тезроқ кел. Штат омонат».

Баҳодирни яна ўй босди. Борсамми, бормасамми? Бу ерда вақт беҳуда ўтяпти. Йил ҳам физиллаб ўтиб кетади. Ишламаса, стаж бўлмайди, қабулда эса энг аввал меҳнат дафтарчасини суриштиришади. Тезроқ ишга кирганда хаёлини бир жойга тўплаб, ўқишга тайёрланишни ҳам бошлаб юборарди.

Дарвоқе, қишлоққа боришдан нега чўчийди? Киролмаганига андиша қилибми? Кулги бўлишдан кўркибми? Киролмаганини тая олиш керак. Шунга андиша қилиб, бу ерда сарсон-саргардон юравериш шартми? Келаси йи-

ли албатта киради, ўшанда кулганлар ҳам, гапирганлар ҳам уялиб қолади. Майли, нима бўлса-да, йигит номи бор, мард бўлиш керак. Қишлоққа қайтиб боргани бўлсин!

IV

Баходир поезддан тушганда қўш уфқ ортидан мўра-лаб қолганди. Қишлоқ томон йўл оларкан, назарида чамадони оғирлашиб, қўлини узиб юборгудек хис қилди, бу ҳам етмагандай у кўзига жуда беўхшов ва хунок кўриниб кетди. Ховлиларига кираверишда велосипедини етаклаб куча эшикдан чиқиб келаётган дадасига дуч келди.

— Келдингми? — Дамин домла унга спнуққина қўл чўзди. — Чой-пой ич-да мактабга ўт!

Уйда бувиси уни йиғлаб бағрига босди.

— Шунча коп кетадими мусофир юртларда, болам? Соғинтирвординг-ку!

Укалари «акам келди, акам келди», деб баравар буйнига осилишди. Биргалашиб чой ичишди. Чойдан кейин у дадасининг гапини эслади. Лекин қандай бора-ди? Ўзи ўқимаган мактаб бўлса ҳам майли эди. Кечаги-на мактабимиз фахри, ишончи деб юрган, унинг йўлига умид билан кўз тикиб қолган ўқитувчиларига шу ахвол-да қандай кўринади...

Оёғи тортмади. Кунни кўчага чикмай ўтказди. Мол-ларга, қўйларга қаради, ховлини тартибга келтирди. Ўйинқароқ ўғлининг бу қадар сариштали бўлиб қайтганидан Сайдиниса опа аввалига хурсанд бўлди. Кейин ўйлаб қолди. «Нямагадир ўғлим бошқача... ўртоқларини эсламайди ҳам, суриштирмайди ҳам. Ўртоқлари-ку уни сўроқлайвериш эслари кетганди-я. Ўқишга олмаганларидан шашти паст. Ха, хафа бўлса бўлгудай, мактабнинг олди боласи эди, ўқишга бораман деб туну кун китобдан бир зум бошини кўтармасди. Айниқса, ўзиничига ўтганда фикру дарди ўқишга ўтиш бўлиб қолганди. Шундайларни олишмаса кимни оларкан? Дадаси айтгандек, Тошкентда роса элакдан ўтказишармиш. Барибир Баходир ўтиши керак эди. Нима бўлдийкан-а? Ўқишга киролмаганини эшитиб куйганди, ҳа деганда Тошкентдан келавермагач, устига устак бўлди. Мана, келди ҳам, лекин бунақа шашти пастлиги нимаси, болагинамни. Намунча куйинмаса-я, жа ўқимаганларнинг ови юришмай, қорни тўймай қоптими? Жуда ўқиганларнинг ҳаммаси-

нинг ҳам ошири олчи бўл кетаётгани йўқ-ку! Хали ёш, ўқир ҳам. Асли орияти кучли-да, отасининг боласи, кўчагаям чиқмаяпти. Ха, майли, ҳар хил кўз, ҳар турли оғиз бор. Бир-икки кун ўтсин, ўзига келиб қолар...»

Кечқурун дадаси уйга қовоғидан қор ёғиб кириб келди.

— Сенга нима дедим? — деди у Баҳодирга ўшқириб.

— Боргим келмади.

— Нимага?

— ...

— Мен сенга буйруқ чиқариб қўйиб, кутиб ўтирибман-а! Э, Олимжон бойнинг ўғли! Қачон гапга кирасан? Ахир ўқийдиган бўлсанг, бундан қулай иш борми? Кимёдан лаборантлик қилсан, алоҳида хона, тажрибага нарсаларни тайёрлаб қўйиб китобингни ўқийверасан. Сенга бундан ортиқ яна нима керак?.. Эртадан бориб ишга туш! Тушундингми?

Баҳодирнинг боши қотди. Дадасининг гапида ҳам жон бор. Аудитанинг оти кўрқоқ. Уйкатакликдан кимга наф? Мактабда лаборантлик қилса, ростдан бўли вақти кўп бўлади — китобини ўқийверади. Бирок, ўзига кимёдан дарс берган Тўйчиевнинг олдига қай юз билан бориб, ўқишдан йиқилиб келдим, энди бирга ишлаймиз, дейди. Уят! Дадасининг эса бу томони билан яши йўқ.

Эрталаб Дамин домла Баҳодирни ўзи туртиб уйғотди.

— Тур, чойингни ич, мактабга бирга кетамиз.

Мактабда дадаси уни Тўйчиевга топширди. Тўйчиев кимё хонаси ёнидаги ихчамгина тажрибахонага битта стол ва стул қўйиб, унга алоҳида иш жойи қилиб берди. Кейин хонани тартибга солишни айтиб чиқиб кетганча, шу кун қайта қорасини кўрсатмади. Баҳодир эса кун бўйи хонадан чиқмади.

Шу тариқа ҳафта ўтди. Минг ўзини яширганни, минг паналагани билан у барибир ҳамма ўқитувчиларига дуч келиб бўлди. Уни хижолат чекмасин дебми, ҳеч бири ўқиши ҳақида суриштиришмас, тасодифан гап очилиб қолганда ҳам далда берарди, холос. Айниқса, Тўйчиев унинг кўнглини кўп кўтарарди. Баъзан Тўйчиевнинг тасаллилари ҳам унга эриш туюлар, нимагадир бу гаплар замирида ўқишга киролмай дадасининг қаноати остидан нанох топиб юрганига пинҳоний ишора бордек туюлаверарди.

Секин-аста кўникди, одамларга элика бошлади, бора-бора мактаб буфетига ҳам бемалол кириб-чиқадиган бўлди. Аммо ўқитувчилар тушлик қиладиган меҳмонхонага кам борар, айниқса у ерда дадаси бўлса сира кирмасди. Талаба бўлиш орзуси эса кун сайин авж оларди. Мактабда ҳам, уйда ҳам алламаҳалгача дарс қиларди. Адабиёт дарслигини, адабий китобларни қайта-қайта ўқирди. Иншоларни қотириб ёзарди, ўн икки варақли дафтарни сўнгги саҳифасигача ҳеч бир қийналмай тўлдириб ташларди. Иншо режаларини ҳам китоблардаги қотма режаларга ўхшатмай ўзича бошлаб тузарди. Гоҳо миясига келган шеър, хикояларни ҳам билганича қоғозга тушириб қўярди.

Баъзан берилиб дарс қиладиган пайтларида дадаси кириб унинг қайфиятини бузиб чиқиб кетарди.

— Халеб ўқийвермай мундок уй ишларига ҳам қараш-да. Токайгача мол-ҳолнинг тагига мен ёки бувинг кириб юраман. Ўжарлик қилмай Фарғонагами, Қўқонгами борганинга ҳозир талаба бўл юрардинг. Бунақа кечалари кўзингнинг нурини тўкиб ўтирмасдинг! Чирокда кўп ўқима, хали кўз кўп керак бўлади.

Бу гаплардан сўнг, табиий, унинг кўнглини ғашлик кемирарди. Дадасининг Тошкентни эслатгани, қиролмаганига писанда қилгани унга оғир ботарди. Шунда энди-энди кўника бошлаган бу ердаги ҳаёти ўзига ғоят бачкана, туссия кўриниб кетарди. Шартта Тошкентга кетиб қолсам-чи, деган ҳаёлга борарди. Асли келиб, хато қилган эканман, деб пушаймон бўларди.

V

Аксига олиб қиш ҳам эрга тушди. Ноябрь ўрталарида кўзгалган Қўқон шамоли дарахтларда дилдираб турган сўнгги япроқларни ҳам юлқиб, учириб кетди. Ҳаво совиб, эртасига қалин қор ёғди. Ер музлади, челақлардаги сув музлади, тарновларда сумалақлар пайдо бўлди.

Худди шу оқшом Баҳодирларникига унинг икки аммаси ва Иброҳим амакиси келди. Улар дадаси ва буви-сига қўшилиб, ниманидир узок муҳокама қилишди. Баҳодир эса бу пайта одатдагидек дарсхонада эди. Бир вақт катта уйдан укаси Ғолиб чиқиб қолди.

— Ака, ўлдинг! — деди у оstonадан ўтар-ўтмас ҳовликиб.

— Нимага?

— Сенга хотин оберишаркан, — дея Голиб кикирлаб кулди.

— Жим бўл! — Баҳодир уни уришган бўлди, сўнг юмшаб сўради. — Нима дейишяпти ўзи улар?

Шу пайт эшикдан синглиси мўралади.

— Ака, дадам чақиряпти.

Хонадаги сандалнинг тўрт томони банд эди: икки амма икки ёнда, пойгакда бувиси, девор томонда эса ёстикка суянганча Иброҳим амакиси ўтирарди. Дадаси эса хона бурчагидаги сим каравотда оёғини осилтириб ўтирибди. Баҳодир сандалнинг бир четига сукилди. Катта аммаси «бошлайверайми» дегандек даласига бир қараб олди-да, бидирлай кетди:

— Мана, Баҳодиржон, сен ҳам кап-катта йигит бўп қолдинг. Фарзанднинг бўйи чўзилиб, кўзга ташландими, ота-онанинг ташвиши ортади. Биз бир хайрли ишга қўл ураямиз, жияним, ниятимиз бошингни иккита қилиб қўйиш. Мўлжалимиз Қоракўлдаги Одил биргатти кизи. Сожидахонни биласан — синфдошинг, бўйи баста келишган, бир чиройли киз. Шунга нима дейсан?

— Уйланмайман, — деди ҳалитдан буён ғижиниб ўтирган Баҳодир. — Ўқийман.

— Вой, ким сени ўқима деяпти? — аммаси унинг йўлини кесиб чиқди. — Ўқийверасан, бизга ҳозир бир оғиз «хўп» десанг, бас. Тўй кейин сен айтган фурсатда бўлади.

— Ҳа, ҳозирча унаштириб қўямиз, — дея кичик аммаси гапга қўшилди. — Яхши қизларнинг харидори қўп бўлади; эгалик бўп кетмасин деймиз-да. Уйга келин келса бувингнинг оғирини ҳам енгил қилади.

— Уйланмайман ҳозир.

— Нима?! — Дамин домла сапчиб ўрнидан туриб кетди. Сим каравотнинг симлари силкинганча узоқ ғичирлади. — Айтдим-ку мен сизларга, бу — одаммас! Ўлганда бировнинг галига қиради. Менга қара, тошқулоқ, мен кизнинг отаси билан ваъдалашиб қўйганман, қани, гапимни иккита қилиб кўр-чи!

— Қўйинг, ака! — Аммалари барабар чуғурлашди.

— Гапим — гап! — Баҳодир шартта туриб, уйдан чиқиб кетди. Ортидан Иброҳим амакисининг овози эшитилди.

— Ака, нима қиласиз қистаб?

— Э, сен нимани биласан, боланинг қўнглига қараб...

— Қараш керак-да!

Баходир дарсхонасига кирган эди, ортидан бурондек бостириб дадаси келди.

— Сен ўзи қайда ўсгансан?

— Нима қиппан?

— Нега бўладиган ишни йўқ қиласан?

— Ҳозир уйланмайман.

— Қачон уйланасан? Гапир! Ўзбошимчалик қилиб, ўқишга киролмай эл-юрт олдида юзимни шувут қилдинг, энди яна бурдимни кетказмоқчимисан? Ўқишни эпдолмадингми, энди уйланасан! Сен билан пачакилашиб ўтиришга вақтим йўқ. Билиб қўй: бу уйда менинг айтганим бўлади. Ҳаммасини келишиб қўйганман.

Дадаси эшикни қарс ёпиб чиқиб кетди. Баходирнинг ўпкаси тўлиб, йиғлаб юборай деди. «Ота деган ҳам шунака бўладими? Зўмбир! Зуғум қилади-я! Уйланиб бўлман! Ҳозирдан оёқ-қўлимни боғлаб қўймоқчи. Уйлантиргач, Тошкентга борғизмайди. Бу ҳам майли, ахир қандай қилиб севмасдан уйланади? Бу билан иши йўқ. Яна ўқитувчи эмиш. Сожида — яхши қиз, эсли-хушли. Чиройда бошқалардан олдин. Баъзи болалар унга хушомад қилиб ўларди. Лекин орада севги бўлмаса, у билан қандай қилиб оила қуради? Ҳаммасига сабаб — ўқишга киролмаганим. Бўлмаса, бу савдолар қайда эди. Тинчгина ўқишни ўқиб юрардим. Йўқ, мажбурлай олишмайди, мажбурлашса Тошкентга қочиб кетаман! Битта қорнимни тўйғазиб, битта бошимни эплаб оларман. Уйланасан, деб дўклагани-чи, ўқишга киролмаганимни юзимга солиб... Ўз отам элдан бурун юзимга солди-я... Ўқишга аввал кирмасам ҳам энди кираман, ўша — йиқилиб келган филфакка! Ёзгача ҳамма фанларни ёд қилиб ташлайман!»

Томоқ қириб бувиси қириб келди.

— Хафа бўлма, болам. Ўжарлик сенга ярашмайди, оғзингни ховири-я, бир оғиз «хўп» де, сендан нима кетди.

— Сиз ҳам уларга бўлишманг, буви.

— Дадангга тик гапириб яхши қилмадинг-да.

— Ўзи-чи?

— Биз сенга ёмонлик тилабмизми? Ким ўз фарзандига ёмонликни раво қўради? Ахир, уйланиш ҳар йигитнинг бошида бор савдо.

Эртасига тушга якин дадаси уни чақиртирди. Баходир истамайгина директор хонасига кириб борди. Дадаси стол устидаги учма-уч тугилган кийикчага ишора килди.

— Шуни уйга обориб бер, Сероводан¹ хашлаб келдим, канд-курс, булочка-мулочкалар. Бугун амманглар Қоракўлга боради.

— Керакмас! — Баходир тугунни олмай ортига кайрилди. Дамин домланинг фиғони фалакка етди.

— Ярамас! Хали уйга боргин сен!

Баходир лаборантлик хонасини кулфлаб, калитни Тўйчиевга берди-да, мактабдан чикиб кетди. Уйга оёғи тортмай, корни «ғичир-ғичир» қилиб босганча сўкмоқдан юриб тўғри канал бўйига борди. Совуқда канал сувидан буғ кўтариларди. Канал бўйи унинг болаликдан энг севимли жойи. Кунда дарсдан сўнг шу ерда болалар билан мол-қўй боқишарди. Шу баҳонада кечгача ҳар хил ўйинлар ўйнашарди, эртақлар айтишар, кўрган-билганларига лоф кўшиб, бир-бирларига мактанишарди. Бу ердаги ҳаёт ҳам гўё ўзича бир мактаб эди. Факат тергаб турадиган ўқитувчи бўлмасди. Болалар ҳам ҳар турли эди: бири зўр, бири кўркок, бири тортинчок, яна бири чарс. Табиатнинг конуни ҳамма жойда бор экан — кўркоклар зўрлардан чўчирди, тортинчоклар шаддолларга бой берарди. Лекин у ўшанда ҳам на чўчишни биларди, на бировларга бош эгишни, ҳатто ўзидан катталардан ҳам тап тортмаган пайтлари бўларди. Катта — катта-да! Кейин азобини тортарди. Айниқса «пошшо-вазир» ўйнаганларида шундай бўларди. «Пошшо» буйрук берарди, «вазир» слиб-югуриб уни бажо келтирарди, «кетмончи»га жазо йўқ, «ўғри»нинг холига вой эди.

— Пошшойи-олам, «ўғри» тутдим, неча калтак? — дерди «вазир» виқор билан керилиб. «Пошшо» кўкка қараб «ўй» суларди-да, сўнг вазирга юзланиб:

— Нима гуноҳ килти? — деб сўрарди.

«Вазир» оғзига келган «гуноҳ» ни айтарди. Бундан дарғазаб бўлган «пошшо» одаминга қараб жазо белгиларди. Жазонинг энг оғири «негов» эди. Орқага ҳам мушт-

¹ Бағдод тумани марказининг эски номи.

лаб, ҳам тирсаклагани биттага ўтарди. «Ўғри» «вазир»га ёкмайдиган бўлса роса таъзирини ерди. Бирок, начора, ҳар нарсанинг ўзига яраша қонун-қондаси бўлади — ўғри тушдингми чидаш керак, ўйинда йиғлаган «кал» бўлади. Эх-хе, «пошшо»нинг мол-қўйини узоқдан қайтариб келиш, ит бўлиб хуриш, хўкиз бўлиб бўқириш, мушукдек миёвлани, эшак бўлиб ханграш, лабни буратиб «картошка ейман» дейиш, икки қўлни мушт қилиб «ёғли сомса» туширишлар, сочни бармоқ билан оркага тарашу пешонага чертишлар «негов» олдида ҳеч гап эмасди. Қўрксалар «қайтар дунё» деб «пошшо»ликни ҳам уддасидан чиқа олишмасди: «ўғри» ни дарров кечириб қўя қолишарди. Ўзлари «ўғри» тушганда эса калтакдан кўра икки чақиримдан бировнинг молини қайтариб келишни афзал кўришарди.

...Бир гал Мамажон ўпка «пошшо» бўлиб қолди. Мамажон улардан уч-тўрт ёш катта, ўзи ўлгудай бераҳм эди. Ҳеч кимни аямасди. Аммо хушомад унга мойдай ёкарди. Ҳамма ундан чўчирди, айтганини сўзсиз бажарди. Баҳодир ўшанда ўғри тушиб қолди.

— Пошшойи-олам ўғри тутдим, неча калтак? — «вазир» бўлмиш Сиддик сўпок Мамажон ўпкага қараб иржайди.

— Нима гуноҳ қипти? — Мамажон ўпка керилиб сўради.

— Колхознинг қонунпоясидан қовун ўғирлабди.

— Ҳа майли, бу гал кечдим — калтакни қўй!

Ҳамма ажабланиб Мамажон ўпкага тикилди.

— Нечун подшоҳим? — деди сўпок хайрон бўлиб.

— Менинг молимини топиб, қайтариб кела қолсин!

Ўшанда ҳам мана шундай қиш, ҳаммаёқ қалин қор эди, боз устига туман ҳам бор эди. Мамажон ўпканинг моли ҳам ўзига ўхшарди, олдидан борсанг сузади, ортидан борсанг тепади. Шундай аёзда иссик гулханны тарк этиб овора-ю сарсон бўлиб, ўпканинг бадфеъл молини кидирадими?

— Бормайман! — деди у шартта.

— И-я, бормайсанми? — Мамажон ўпка қовоғини уйди. — Мамасиддик, элликта негов! Ёғлисидан! Аямасдан ур! Колхознинг қовунига тушибдими, аяма! Бошқа тушмайдиган бўлсин, ахир, бу домланинг арзандаси.

Сиддикнинг кўзлари чақнади, енг шимариб ишга киришди. Зарбалардан Баҳодирнинг суяклари кирсиллаб, кўзлари жикка ёшга тўлди. Лекин охиригача чидади,

хўнграб юборишдан ўзини тийиб, оёққа турди. Барибир алам килди.

— Шопмай тур, ўпка! — деди Мамажонни «сен»лаб. Кейин молита ҳам қарамай, қишлоққа кетиб қолди. Лекин воқеани ҳеч кимга айтмади. Ўша куни Мамажон ўпканинг гапини икки қилиб, у қолиб чиққан эди. Энди тенгқурлари унга бошқача қарай бошлаган эди.

Калтак-ку аллақачон эсдан чиқиб кетди. Бирок кўнгил яраси-чи... Болалик ҳам, ўйину эрмаклар ҳам — бари ортда қолди. Энди ҳаётнинг ҳақиқий зарбаларига, синовларига дуч келди. Нима қилсин? Ўша ўйиндаги қўркоқлардай иш тутсинми? Бу осон — дадасининг гапига қиради-қўяди. Уйланса, егани олдида, емагани кетида, отасининг даврида ўйнаб-кулиб юради, ёшлик гаштини суради. Ўқишни ҳам сиртдан битириб олади. Йўқ, бу дегани ўз кўнглига қарши бориш, орауларидан кечиш-ку. Ахир бир марта оразусига етиб талаба бўлмаса, севиб уйланмаса, бу дунёда нима қилиб юрибди? Қийналса ҳам, ёлғизланиб қолса ҳам майли, чидайди. Дадасининг дағдағалари ҳам жонга тегди. Кетади! Бу ерда унга кун йўқ экан. Тошкентдаги мулойим муомаласига ишониб келибди-я. Уни тушунмаган, писанд қилмаган, кўнгли билан ҳисоблашмаган одам билан ишлаб, вижиллашиб юрадимиз? Барибир унинг гапини инobatга олмаскан. Бўлмаса кеча бор гапни айтди-ку! Бугун эса яна... Кетганим бўлсин! Аке холда яна уйланасан деб кистайди. Ўзи шу Фарғонанинг баъзи одатлари ҳам галати-да — болаларни тез уйлантиришади. Мундоқ одамни ўз холига қўйиб, қачон кўнглига қараркан булар...

Кечқурун уйга кирса тараддуд катта: тандирдан янги узилган, ховри чиқиб турган иссиқ патирларнинг ҳиди димокни ёради, қозонда довлаб пиширилган қатламалар саватга ёйилган, аммалари дастурхон тузаш билан банд эди. Кечагидек ҳамма уни кўтарди. Фақат бугун улар орасида Иброҳим амакиси кўринмасди. Унинг ўрнига дадаси билан бирга ишловчи қариндошлари Эргаш домла қизил «Жигули»сини дарвоза олдига келтириб қўйибди. Хуллас, совчиликка боришга Баҳодирнинг розилигидан бошқа барча нарса тахт эди. Ҳаммалари бири олиб бири қўйиб роса авранди. Барибир у унамади.

— Кечаги ганим — гап, — деди Баҳодир яна.

Азбаройи жаҳлдан Дамин домла Баҳодирнинг қулоғи тагига шапалоқ тортиб юборди.

— Йўқол! Кўзимга кўринма! Бўлмаса ҳозир уриб аб-
жарингни чиқараман!

— Хайдамасангиз ҳам кетаман!

— Йўқолиб кет!

— Нега урасиз, болани? — Сайдиниса опа чидаб ту-
ролмади. — Дийдасини қотириб.

— Сен туғиб, катта қилган боланг, кўриб кўй —
ўзбошимчани! — Дамин домла энди захрини хотинига
сочди.

— Уйланмаса уйланмас, шунга шунчаликми? Вақти-
соати келиб уйланар. Хотиннинг уруғи Хиротдан келган-
мас. Тенгқурлари бўлмаса, ёшроғи. Намунча, ўпа бри-
гатти қизига ёпишиб олмасангиз? Дунёда бошқа қиз
қуриб кетибдими?

— Бўпти, керагида ўзинг уйлаб оласан, мен бу ишга
бошқа аралашмайман.

— Нега аралашмаскансиз, аралашасиз, отасиз.

— Отанинг гапига кирмаганга оталик қилмайман!

— Қиласиз! Жаҳл чиққанда ақл кетади! Гап деб ҳар
нарсани гапираверасизми!

— Бўлди! Кўн валдираверма!

— Кўйинг, ака, бу дунёда битмаган иш борми? Би-
тар! — гапга аралашди катта аммаси.

— Дунё шошганники! — кичик аммаси оловга ёв
сепди.

Дамин домла қизариб-бўзарганча муштумини туғиб,
уйдан чиқиб кетди. Оркасидан чиққан Эргашвойга
махзун қараб:

— Бўлмайди энди, ука, — деди.

VII

Кетди. Биров йўлига ғов бўлмади.

«Ноловой» курсларга аллақачон қабул тугабди. Ба-
рибир унга кириш учун ҳам йўлланма, стаж керак дейи-
шади. Пуллик курсларда ўқийман деб иш кидирди. Яна
прописка масаласи панд берди. Ётоғи бор заводдагилар,
у соддачилик қилиб ёзда ўқишга кирмокчилигини айт-
гач, бош чайқашди. Нажмиддин акаси ҳам уриниб, бир
иш чақара олмади. Январнинг бошида эса қишлоқдан
бир ойга малака оширишга дадаси келиб қолди. У аҳвол-
ни кўриб:

— Яхияси уйга бора қол, — деди. — Келишимда

бувингнинг мазаси йўқ эди. Совуқда укаларинг билан кийналишмасин.

Бувисининг касаллигини эшитиб, ноилож яна Тошкентдан Фарғонага қайтди. Дадаси келгач, аввалига унга кўпда парво қилмай юрди, кейин-кейин тажанг бўлиб қолди. Ҳатто бир куни пул сўрагани учун уришиб берди.

— Бола деган ҳам шунақа инжик бўладими? Ерга урса, осмонга сапчийсан. «Тошкент» деб у ерда бир ишни уддалолмай, иккала қўлингга бурнингга тикиб қайтинг. Қўқонни, Фарғонани назарга илмадинг. Тайёр ишдан ҳам айрилдинг. На оилага фойданг тегади, на ўзингга. Уйлан деса, бунга ҳам кўнмайсан. Фирт дардисар чиқдинг-ку!

Таъин бир куни мактабдан қайтишда қишлоқ магазинга кирди-ю, у ердан таъби тиррик бўлиб чиқди. Каттадан кичикка ип ўлчаб юрадиган магазинчи Аҳмадкул чўлок магазин тўла одам ичда оғзига куч берди:

— Ўғлингга сендек домулло бўлгани Тошкентга кетти дейишса ишонибман. Энди бир қарасам байда, бир қарасам айда. Қанақа ўқиш ўзи, у?

Шундай дея у барчанинг олдида масҳараомуз тиржайиб қулди. Олтмишга бориб қолса ҳам қуюлмайди-я. Ҳамма қулса ҳам у қулмаса бўларди. Уруш йиллари ҳали ҳеч кимнинг ҳаёлидан кўтарилган эмас. Йигит борки бирин-сирин чакирик ковози олиб ҳарбийга жўнади. У Эрон чегарасида отлик аскар бўлиб хизмат қилди. У пайтлар чегарада ҳам осон эмасди. Урушдан кейин ҳам тўрт йил чегарада қолиб кетди. Нихоят, қайтиб келди. Аҳмадкул эса ҳеч нарса бўлмагандай, магазин очиб олибди. Бир оёғини сал оқсаб, одимини айлаштириб босаяпти. Қўплар уни атайин ўзини майиб қилиб олди дейди. Шу боис энди у оддий Аҳмадкул эмас, Аҳмадкул чўлок. Урушга ҳам бормабди. Ҳеч ким ҳозир буларни унинг юзига очик-ойдин солмайди. Лекин йўгон тортилган, ингичка узилган у қушларни ким унутади? Унга урушдан гапирилса мум тишлайди-ю, яна сувюқмас бўлиб, пасон кийиниб, юзидан мой томиб юрибди. Энди келиб-келиб Баҳодирга қулмаса бўларди. Аввал ўзингга боқ, кейин повора қок...

Дамин домлага барибир алам қилди. Магазиндан тўғри темирчининг олдида ўтди. Уйга асабий қайтди-да, Баҳодирни сўроқлади. Баҳодир уйга кирди-ю, ковоғи солиқ дадасига кўзи тушиб, кўнгли ғашланди.

- Нима кип юрибсан?
- Ҳеч нима...
- Ҳеч нима? Ишсиз, алимсиз-а?
- Ўқиялман.

— Ўқиялман! Энди ўқиб шаҳар оберармидинг? Минг марта айтганман сенга одамга ўхшаб гапга кир деб. Кир-мадинг. Ношуқурчилик қилиб тайёр ишни ҳам расво қилдинг. Ҳозир биров сенга бир тийинни бекорга берадими? Қўрнамак!

— Пулингиз керакмас! Мен сиздан пул сўраялманми?

— Чучварани хом санама! Ҳали пул кўп керак бўлади сенга. Пул-ку майли-я, стаж-чи? Эртага бир жойга борсанг, стаж сўрайди. Бу ёғини ўйлаялсанми?

- Ишлайман.

— Ишлайсан-да! Ўтирасанми сўқимдек боқиманда бўл. Темирчига кетмон буюриб қўйдим — эртага далага чиқ! Қани, бир белинг оғриб нон еб кўр сен ҳам. Уқдингми?

Дарсхонаси қоронғи эди. Баходир чироқни ҳам ёқмай бурчақдаги каравотга ўзини ташлади. «Мактабда ишлаб, тинчгина дарс қилиб юришига дағдағ қиланериб ўзи қўймади-ку! Ҳалиям икки гапнинг бирида киролмаганини, уйланмайман деганини юзига солади. Гапга кирмайсан дейди. Ўзича ўйлашга, ўзича иш кўришга қўймайди. Нима, у кичкина боламиди? Мендан нима истайди ўзи? У чизган чизикдан чикмаса, Тошкентга бормаса-да. Ана энди эртадан кетмонни елкасига тапплаб далага чиқади, ҳаммага кулги бўлади. Ишдан кочмайди-ю, лекин одамларнинг ўқишга ўтолмаганининг аҳволини кўр, деган таъналарига қандай чидайди? Айниқса, бу Қўкон депаранинг одамлари жуда аскиявоз. Бригададаги Соли дев, тракторчи Тошқўзи полвонларнинг роса жағига худо беради-да. Мактабдан кейин далага чиққанда қанчалик эрмаклашарди-ю. Ҳозир ҳам дуч келди дегунча «Ҳа студент», деб кесатишади. Нима қилсин, бунисиям пешонада бор экан-да! Дала бўлса дала-да!

VIII

Эрталаб кетмон кўтариб қип-қизарганча шийпонга кириб борди. Қишин-ёзин чопон кийиб юрадиган Раҳмон бригадир унга хайрон тикилди.

- Ке, қайси шамол учирди?

— Ишлагани, — деди Баходир секни.

— Ха яхши, — бригадир унга синчков қаради. — Унда Булокбошига бора қол, кишилар зовур қовлашяпти.

Булокбошида ҳаммадан бурун унга Соли девнинг кўзи тушиди.

— Ўв-в, қаранглар ким келяпти: домланинг ўғли, ўзимизнинг «студент-ку». Практикагами? Дарров-а! Кел, кела қол, шогирдга зормиз.

Ҳамма ишни қўйиб, Баходирга ҳазиллаша кетди.

— Умрим зовур қавлаш билан ўтсин десанг, Соли девга шогирд бўласан, — деди Абдусалом ака.

— Нима, сенга шогирд бўп нос чекишни ўрганарми-ди? — деди Соли дев унга қараб. Қолганлар ҳам жим турмай уни ўзларича эрмаклашди. Ўз ёғига ўзи қовурилиб юрган Баходирнинг бўлар-бўлмас гаплардан жажли чикди; шартта кетмонни улоқтириб кетворай деди-ю ҳар ёғини ўйлади. Арслон изидан, йигит сўзидан қайтмас. Кулса кулишар, эрмаклашса эрмаклашар...

У биринчи кунданок бўш вақтда ўқийман деб газетага ўраб тўр халтага солиб келган дарсликларни тут каллагига илди-да, зовурчилар қаторида иш бошлади. Зовурга ҳар кетмон урганда зах балчик ҳиди диморига урилар, у бировга билдирмай бурнини жийириб қўярди. Тушликдан кейинги хордиқ чоғида тут каллагигадаги китобларига кўзининг кири билан қараб қўйди. Йўқ, ҳозир олиб ўқиса яна кулги бўлади. Майли, бугун ўқимаса эртага ўқийди. Шунга ҳам ота гўри қозихонами?

Шу кунни даладан шалвираб қайтди. Кечқурун телевизор ҳам кўрмади, дарс ҳам қилмади. Бели, оёқ-қўллари зиркираб оғирди. Каравотга чўзилиб, бугунги кунни ўйлади. Негадир даладагилар ичида Сайдулло ака ортиқча гап қилмади, ҳазиллашмади ҳам.

Сайдулло қўшнилари Баҳри холанинг ёлғиз ўғли. У уйланганда, улар иккинчидами-учинчидами ўқишарди, тўйида роса ўйнашганди. Келин одобли, хушрўй эди. Бир йилдан сўнг гулдай қизалок туғиб берди. Лекин шундай келинни Баҳри хола чиқиштирмади. Келин кетиб қолди-да, бошқа эр қилиб кетди. Сайдулло эса онасига ўчакишиб кўп йиллар ҳар ерларда ишлаб юрди. Энди кампир ҳаммага ўғлидан ёзғирарди. Сайдулло қол-хозга аралашди, лекин қайта уйланмади.

Соли дев-чи... даштда ишлади, чўлда ишлади, қуллаас куч-қуввати борида яхшигина доромад топиб юрди. Элликдан ошиб, узоқнинг донидан яқиннинг сомонини аф-

зал кўриб, бригадага аралашди. Ахир болалари улғайди, оила кенгайди, бошида фарзандларини уйли-жойли қилиш ташвиши...

Абдусалом ва Исоқжон акаларнинг ҳаёти оддийгина: ҳарбий хизмат, уйланиш, колхозда сувчилик....

Хуллас ҳар хил тақдирлар. Ҳаёт шунақа экан-да. Ахир уни ҳам мактабни битириб далага чиқади, деб ким ўйлабди?

IX

Баҳор келиб, экин ташвиши авж олди. Раҳмон бригадир Баҳодир билан Сотволдини Соли девга қўшиб, тракторчи Тошқўзи полвон ихтиёрига бериб қўйди: ўзидан ҳам тили полвон Тошқўзига унча-мунча одам гапда бас келолмайди. У Баҳодирга ҳам тегишавериб тоза жонига теккан эди. Лекин бригадир айтгач, бирга ишламай иложи канча. Қишлоқда киш бўйи уқлиб қолган гўнгни Тошқўзининг тракторига уланган прицепга солиб далага ташиш керак эди. Совуқ тушиб, кузда хайдовдан қолиб кетган ерларни ўнитлаш лозим.

Ўша кун кун ботгунча ишлашди. Аммо на иш бопи Соли дев, на полвон ишни тугатиш ҳақида чурқ этмасди. Баҳодир ҳам, Сотволди ҳам чарчашган, коринлари ҳам роса очқаган эди. Кейин Баҳодирнинг ҳаёли бугун телевизорда бериладиган «Пахтакор»нинг ўйинида эди. Охири унинг сабри тугади.

— Бўлар энди, Соли ака! — деди галдаги прицепни гўнгдан бўшатишгач.

— Яна борамиз. Хали яна уч рейс киламиз. Боя Раҳмон бувангнинг гапини эшитмадингми, эртага бу ерлар ҳайдаларкан.

— Кеч бўлди-ку!

— Кечинг нимаси.

— Шунақа экан, раисдан погрузчик сўрамайдими, ўзи юклаб, ўзи туширарди.

— Погрузчикка қарайдиган бўлсак иш кечикади.

Баҳодир секин бориб Сотволдини туртди.

— Кетамиз, факат сен бошлайсан, — деди Сотволди.

Шартга бешликни¹ гўнгга санчиб кетворса-чи. Лекин бу тили узунларга бир умрга гап топилади-да. Кейин йи-

¹ Паншаха.

гитчиликка ҳам ярашмайди. Чарчагани, очкагани бир нав-а, футболдан қолгани-чи... Тузукрок бир ишни деб шу қўйга тушса ҳам майли эди. Келиб-келиб, шу сассик гўнгни деб... Бригадир ҳам уни атайин шунақа ишларга рўпара қилади-я. Сотволди-ку «колхозда қоламиз», деб мактабда жар солган «герой»лардан. Ушанга сен бошла деяпти.

Баходир ярим кечада оёғини зўрға судраб уйга келди. Ҳамма ёридан қўланса гўнг хиди анқирди. Этигини, уст кийимларини ечиб уйга кирди. Уй ҳам бирпасда бадбўй хидга тўлди. Стол устидаги чикиллаб турган соат уч бўлибди. Соат ёнидаги сопол қосадаги овқат аллақачон совиб қолган. Печкадаги кўмир кулга айланибди. У овқатга қараб, негадир ўзида бояги очликни туймади. Ён-верини хидлаб, пешонаси тиришди. Овқат ейиш ҳам, ариққа чиқиб совуқ сувда ювиниб келиш ҳам жуда малол келди, ўзини таппа қаравотга ташлади-ю, чироқни ҳам ўчирмай, донг қотиб ухлаб қолди.

Эрталаб бувиси уйқотганда у ковоқларини очолмай, уйқусиради.

– Нима?!

– Тур деяпман, ишга кечикасан.

– Ҳозир.

– Мунчавало! этикларинг, кийимларинг ифлос, ҳаммаёқ хид...

– Гўнг ташидик.

– Ярим кечагача-я! Келавермадинг, кута-кута ухлаб қопман. Овқатни емабсан-ку! Атайин сен яхши кўрасан деб угра қилгандим. Тур, сув иситиб қўйдим, ювиниб ол. Чарчаган бўлсанг, бугун бормай қўя қол. Жа сенсиз колхознинг иши тўхтаб қолмас.

Ювинди, овқатланди, кийимларини тозалади, сўнг мудраганча ўйга чўмди. Чикмай қўя қолса-чи. Чарчаган, ҳам бугун якшанба. Айтмоқчи, бу колхозда дам олиш кунининг ўзи борми? Ишдан қолсанг радиога тушасан. «Сабабсиз «прогуль» қилгани учун умумий мажлис қарорига асосан фалон бригададаги Фалончисевнинг иш ҳақидан фалон сўм чегирилсин!» Ажаб... ҳаммаси қонунлаштириб қўйилган. Ҳамма жойда бор дам олиш куни бу ерда йўқ. Ойда бир қолишга ҳам бригадирнинг қош-қоворига қарайсан. У истаса «хўп» дейди, бўлмаса

«хозир задайна пайти» деб икки оёғини бир этикка тикиб олади. Ўзи бу дала иши қачон бекистов бўлган? Кўкламда колхозчининг уйи ҳам дала, ўйи ҳам. Ёз — гўзага ишлов пайти. Гўза ҳам боладек нозик нарса, бир кун бепарво бўлсанг, шунча меҳнатинг чиплакка чиқади. Вақтида сув бериш керак, ўтдан тозалаб, остини чопиб юмшатиш керак, ўғитлаш, яганалаш, чеканкалаш керак. Турли зараркунандалардан химоя қилинмаса яна бўлмайди. Ёз ёруғида атрофида парвона бўлиб бу ишлар қилинмаса кузда ҳосилга кўз тикма. Шундай бўлгач, Раҳмон биргатдан бир соатга жавоб олиб кўр-чи.

У-ку вақтинча ишляпти, ўлмаган аёлларнинг жони — йил ўн икки ой далада-ю, бир оғиз миқ этиб зорланганини кўрмайсан. Берухсат ишдан қолмайди. Кирини ҳам ярим кечада ювади, нонини ҳам ой ёруғида ёпади. У ҳам бувисининг жонига кўп оро кирган. Уйқудан қолиб, қир қозонда сув иситарди, тандирга ўт ёқарди, сигирга бузоғини қўйиб берарди. Бувиси даладан чарчаб келса ҳам ҳаммасига улгурарди, тагин азонлаб далага югурарди. Қишдагина сал тиним топиб, у билан укаларини бағрига босиб ўтирарди. Мана шу кишининг бир оғзи, нари борса икки оғзи улар учун ҳам курорт, ҳам санатория. Бошқа нарса уларнинг етти ухлаб тушига қирмайди. Яна шунча ташвиш устига қурт мавсумида қурт боқишади. Бир ой на кечаси ҳаловат бўлади, на кундузи. Эрта саҳар туриб дадасининг велосипедига мингашади-да, далага боради. Дадаси барг кесади, у уйқусираганча кесилган новдаларни тўплайди. Уйга қайтиб, бир пиёла чой ичиб-ичмай мактабга ошиқади, уйқуга тўймаган кўзларини ишқалаб, уйқуга тўйишни орзулаб. Ўқитувчилар ҳам бундай кунларда кечиккан-у дарсда ухлаб қолганларга индамайди.

У ҳар баҳор бувисига ялинади:

— Буви, бу йил қурт тутмай қўя қолайлик!

Бувисининг эса жавоби битта:

— Бир ой қийинчилик нима деган гап, ўғлим, кўз очиб юмгунча ўтади-кетади. Ахир ҳаммасидан ҳам ўтин-чўпини айт! кесмалдак¹ бўлмаса, қишда нима ёқамиз? Фонги² молга ўт, чиқиндиси ерга озиқ.

Кейин у дадасига зорланади.

— Дада, ҳеч бўлмаса бир йил тутмайлик.

¹ Тут навдасининг барги пўтаб қуртга солинмайдиган қисми.

² Қурт боқиладиган сўкичаққа солинадиган уч қисми.

— Э, мен ҳам шуни айтаман-да, барг етмай барг излаб изғиш жонимга теккан. Бу ёқда сенларга азоб. Лекин бувинг кўпдан қолмайлик дегани деган.

— Элга келган тўй, — бувиси гапга аралашади. — Тутмасак уят! Барибир қуртбургат¹ Зиятали қистайди, сизларникини кимга бераман дейди. Унга ҳам кийин, қурт мавсуми бошланди, кўан жовдираб, уйма-уй ялиниб юради. Йилдан-йил тутмайман деганлар кўпайиб кетяпти. Тагин одамлар ҳам гап қилади: эри директор бўп, булар жа бошқача бўп қопти деб. Кўйинглар шу жанжални.

Яна ҳар йилгидек барча оғирлиги ўзига тушса ҳам бувиси волиб бўлади.

Кўп ўтмай ёз келади, августга бориб қуртнинг пули чикади. Бувиси килосига палон сўмдан тушди, деб олиб келган пулни дадасига беради. Дадаси пулни қайта-қайта санайди, кейин Армиядан қайтишда олиб келган кора чарм папкага солиб, шкафга беркитади. Бувиси секин тилга қиради.

— Чоршанба куни Қўқонга бориб, болаларга у-бу қил кесангиз. Ҳа демай киш.

Бувиси айтса-айтмаса, албатта, дадаси ҳар йилги одати — қуртнинг пули қўлига тегди дегунча уни етаклаб Қўқонга — чоршанба бозорига олиб боради. Унга, укаларига қишга кийим олади, хуллас нима олмоқчи бўлса, гўё катта одамдек, аввал унга кўрсатиб сўрайди.

— Уканга, синглингга этик, ёқадими сенга?

— Ўзингиз биласиз, — дейди у. Барибир дадаси нима олса, яна сўрашини қўймайди. Гўё, бу сен билан бувингнинг, укаларингнинг пешона терларингга келган пул, демоқчи бўлади. Бувисига эса, албатта, бир тоза матодан қўйлаклик олади. Бувисини-ку укаларига олинган нарсаларни кўрибоқ кўнгли тўлади-қолади. Мақтаб-мақтаб ҳаммасига бир-бир кийгизиб чикади, сўнг хафсала билан тахлаб қўяди. «Қишга-да, қишга, қишда кийиб маза қилиб, иссиқ бўп юрасизлар!» Охирида дадаси олиб келган матони атайин қўлга олади, сидирга бўлса ҳам узоқ айлантириб кўради.

— Бу кимга? — дейди ўзини гўлликка солиб.

— Кўйлак, сенга, — дейди дадаси хурсанд.

— Э, нима қилардингиз шул кетказиб, болаларга описиз, бўпти-да.

¹ Қурт бригадири

— Тикдириб, кийиб ол, бўхча қилиб тахламай, — даси жиддийлашади.

— Хўп! — дейди бувиси кўзлари нурланиб. Лекин бу кўйлакни тикдиришга ҳам, кийишга ҳам вақт қайда. Ана-мана деб йил ўтиб кетади.

Ўзи бу қишлоқ аёли жуда ғалати халқ бўларкан. Билгани меҳнат, кўргани меҳнат, болам дейди, уйим дейди, сира ўзини ўйламайди...

Эркаклар-ку қишда меҳмонхонада «гап» еб ўзларига келиб, илигини мойга тўлатиб олишади. Аёллар-чи? Уларни ҳеч ким ўйламайди. Ҳеч ким уларга ҳафтада бир, ҳеч бўлмаса ўн кунда бир «дам олинглар» демайди. Тоқайгача улар бригадирнинг оғзини пойлаб юришади, ойда бир қолишса ҳам таъна-маломат эшитишиб. Эҳ, бир ўқишга кириб олсайди, мана шулар хақида ёзарди. Ёзиш керак! Унга ўхшаб қишлоқда ўсган, ҳаммасини ўз кўзи билан кўрган, жабрини тортганлар ёзмаса, ким ёзади!. Ҳозир ёзса-чи? Э, унинг гапига ким қулоқ соларди. Ўзи — омади юришмаган бир абитуриент бўлса. Лекин бугунги кун учун, гўнга ботиб, оч-наҳор ярим кечагача ишлагани учун, албатта, ўқишга киради. Ақли хуши бут, зеҳни ўткир бир йигит Раҳмон бригадир нима деса «лаббай» деб, гўнг тапиб юриши яхшими?..

...Ўтган йилги дастлабки имтиҳон — адабиёт оғзакисида кўнгли бўшлиқ, тортиноқлик қилиб, оқсоқ Турсуновга осонликча бой бериб қўйди. У Турсуновга жавоб бераётганда хонада хали у, хали бу домланинг олдига келиб нималарнидир уқдириб юрган барваста киши уларга яқинлашди.

— Қалай? — деди у Турсуновга қараб.

— Дуруст, — жавоб қилди Турсунов.

— Фарғоналикмисан? — барваста киши унинг бошидаги калампирнусха Кўкон дўппига кўз югуртирди.

— Ҳа.

— Хмм, — барваста киши пича хаёлга толди, сўнг Турсуновга тайинлади. — Фарғоналиклардан тузукрок сўрайверинг, жуда талабгорлар кўп.

У Турсуновнинг барча қўшимча саволларига ҳам тўтилмай жавоб қилди. Лекин негадир Турсуновнинг қовоғи очилмасди.

— Сизга «тўрт» баҳо, йигитча, — деди у қўлига унинг имтиҳон варақасини оларкан.

— Яна сўранг, — деди у шошиб. «Беш»га билдим-ку,

нега «тўрт» қўясиз?» дейишга эса тили бормади. Аслида шу гапни айтиши керак эди.

— Бояги одам хайъат ранси — Тошхўжаев, «беш» қўйсам, у ҳам сўрайди, билмай қолсангиз, ёмон бўлади.

Баходир нима дейишни билмай қолди. Барваста кишининг совуқ гапини эслаб, бадани музлади. Қасдлашса, барибир йикитади.

Турсунов имтихон варақасини ушлаганча хаёл сурди, негадир айтган баҳосини қўя олмади, кейин оқсаб-оқсаб уни эргаштириб ранс олдига борди.

— «Тўрт»га қўнгиси йўқ, сўрайсизми?

Тошхўжаев жавоб ўрнига Баходирга ғалати қаради.

— «Тўрт» ҳам яхши баҳо, йигитча, қолганларини ҳам яхши топширсангиз, сизни албатта оламин. Ҳозирдан бунақа инжиқ бўлманг!

Баходир бўшашиб қолди. Раис Турсуновга буюрди:

— Қўяверинг!

Турсунов шартта баҳони қўйди, сўнг имзо чекиб, варақани раисга узатди, у ҳам қўл қўйди ва:

— Манг, қолганларидан ҳам омад тилайман, — деди.

— Ха, ғайрат қилинг! — Турсунов раисни қувватлади.

Мана, энди алам қияпти. Жавобда бир оғиз қоқилмади, баҳоси нақд «беш» эди. Бўшлиқ қилди, талашмади-тортишмади, барваста кишининг қасдлашиб, йикитиб юборишидан кўрқди. Нега «беш» эмас, «тўрт» қўясанлар, деб ҳақиқатни очиқ-ойдин талаб қилолмади. Раиснинг салобати-ю, совуқ гапларидан чўчидими? Ғалати одам экан. Бўлмаса, имтихон топшираётган абитуриентнинг тепасига бориб «бундан қаттиқроқ олинг» дейдими? «Ҳозирдан бунақа инжиқ бўлманг», дегани-чи. Қасдлашса, барибир баҳосини пастлатишга баҳона топиларди. У эса сўраб ўтиришни ҳам ўзига лозим топмади. Турсунов эса унинг ённи олмади. Балки раис аралашмаганда иккиланмай «беш» қўйиб берармиди. Раис ўзи нега аралашди, нега у гапларни айтди? Бешариқлик абитуриент Қосим кейинчалик Тошхўжаевнинг ўн йил Фарғонадаги қайсидир институтда декан бўлиб ишлаганини, ишқал чиқариб у ердан жуфтақни ростлаб қолганини гапирганди. Қосим бўш эди, аммо Тошхўжаев раислик қилган имтихондан «беш» олди. Ундан ҳам Турсунов сўрабди. «Анвар акам отамнинг эски кадрдони, Фарғонада ишлаганда тез-тез уйнимизга келиб турарди», деб мактанганди Қосим кейин. Қосимнинг отаси колхоз раиси экан. Бал-

ки Тошхўжаев ўшанака эски танишларининг болаларини деб унга ўхшаганлардан каттикрок олинглар, дегандир. Лекин нима бўлганда ҳам бир чети айб ўзидаям бор — ҳақини дурустрок талаб қилолмади. Шундайку-я, ўша пайтда бир абитуриент нима ҳам қила оларди. Унинг талашиб-торишгани қаерга борарди? Аввало, домлаларнинг ўзига инсоф берсин! Хуллас, омади юришмади-да.

Баходир оёғи тортмай шийпонга борди. Ҳамма жам эди. Уни кўриб Тошқўзи тегишди.

— Бугун келмайсан девдик. Аммо кеча кетвормадинг, койил!

— «Студент»га гўнг ташишдан биринчи разряд берсак бўларкан, — деди Соли дев хахолаб.

— Олий денг, — Тошқўзи девни тузатган бўлди. — Ҳали шахарга борса, бу кунларни қўмсаб юради.

— Соли акангга қўшилсанг, шунака ярим кечагача гўнгга ботиб юрасан, — деди Исоқ ака. Ҳамма котиб-котиб кулди.

Х

Апрелда экиш бошланади. Баходир дам шийпондаги ивигилган чигитларни қоғоз қопларга солиб, далага элтувчиларга қарашар, дам бир вақтгача чигит экаётганларга қўшилиб, далада қолиб кетарди. Уйга келгач, каттик чарчаганиданми, ёки баҳорги «илик узилди» таъсириданми, китоб ўқишга ҳам унчалик холи келмасди.

Шундай кунларнинг бирида ишдан қайтишда Сотволди уни Абдурахмоннинг тўйига борамиз, деб қисди-қафасга олди.

— Қанака одамсан ўзи, уйда тухум босанермай, мундоқ болаларга қўшилсанг-чи. Биз кечқурунлари магазин олдида роса гурунглашамиз, чиқмайсан ҳам. Ҳеч бўлма-са, тўйга бор!

Баходир ўйлаб қолди. Кеча атайин Абдурахмоннинг ўзи келиб куёвнавқарга айтиб кетди. Сипфдошлари ичида биринчи бўлиб у уйланияпти. Ўзининг ҳам биринчи марта куёвнавқарга айтилиши. Энди у ҳам ёш бола эмас, кап-катта йигит. Илгари куёвнавқарларга хаваси келиб юрарди, мана, ўзи ҳам шу кунларга етди. Абдурахмон тузук бола, ғийбатчи, ҳасадгўй эмас. Борса-ю, кўпчилик олдида бирови унинг ўқишга киролмагани ёки ҳозирги юришини пеш қилиб қолса-чи? Бировнинг эрмаклаганига чидолмайди, уришиб кетиши тайин. Улар атайин

китиғига тегниши мумкин. Кейин дадасидан тағин балога қолади. Шуларни деб кўчага ҳам кам чиқади, гурунглари кўшилмайди. Бормаса, Абдурахмон хафа бўлади. Яна хадемай ўқишга кириб кетса, кишлоқ тўйини мундоқ йигит бўлиб стол атрофида ўтириб кўриш қайда! Ўзи шу кунларда тоза чарчаган, нича дам олгани қолади.

Ховлидаги валиш¹ остига стол тузалибди. Тўй қизиган бир паллада ўртакашлик қилаётган адабиёт ўқитувчиси Аҳад домла унга гапирасан, деб қолди. Баходир эътироз билдиргунча бўлмай домла нари кетди. Нима дейди? Сира бунақа давраларда гапириб ўрганмаган. Хамма айтадиган сийқа гапларни такрорлайдими? Хижолат чекиб секин ёнидаги Сотволдини туртди.

— Нима дей?

— Маповини олиб ташла! — Сотволди пиёлада арок узатди. — Ол, жа қизлардек ноз қилавермай. Ичсанг, гап ўзи келади.

Баходир сира ичмаганди. Дадил бўлиш учун пиёлани шартта кўтариб юборди. Ён-веридаги уни қистаб ичиролмаганлар унга ажабланиб қараб қўйишди. Аччиқ, ўткир таъмдан томоғи куйгандек бўлди, димоғи ёқимсиз хидга тўлди. Сал ўтмай юзу кўзлари қизарди. Сўз берилгач, барча катори куёв-келинга бахт, узок умр тилади. Кўнглидаги бир-икки «теша тегмаган» гапларни айтишга эса ийманди. Ахир ўзи омадсиз бир абитуриент бўлса, жимжимага бало борми?

Тонготарга яқин тўй тугади. Сотволди билан етаклашиб кўчага чиқди.

— Канал бўйидан кетайлик, — деди Сотволди.

— Айланиш-ку!

— Юравер, тоза хаво.

Канал бўйида мусаффо хаводан тўйиб-тўйиб нафас олишди. Қишлоқ уйкуда. Аҳён-аҳёнда итнинг ҳуриши-ю хўрознинг бемаҳал кичқириғи қулоққа чалинади. Кўприкка келгач, қишлоққа бурилишди. Сигарет чекиб довдираганча кадам ташлаб келаётган Сотволди учайлишга етганда такка тўхтади.

— Бирпас шошма, — деди-ю қаёққадир ғойиб бўлди. Баходир йўл четидаги катта супатошга ўтириб, анча кутди. Бир пайт Сотволди ҳаллослаганча югуриб келди.

— Қочдик!

— Нега?

-- Кейин...

Аллақаердандир хотин кишининг баққирганими, карғишими эшитилди. Хайрлаша туриб Сотволди уни тўхтатди.

— Туя кўрдингми, йўқ-а?

Баходир эрталабки шовкиндан уйғониб кетди. Ҳовлида бир хотин бувиси билан айтишиб турарди.

-- Болангни тийиб олсанг бўлмайдимми? Кечаси кизимнинг бошига кирди. Хотинсираган бўлса, уйлан-тир — бечакки юрмайди.

— Нималар деяпсиз ўзи, вой-тавба, — бувиси ёқасини ушлади. — Оғзингизга қараб гапиринг! Ўғлим кўй оғзидан чўп олмайди-ю кизингизнинг бошида нима килади?

— Ёлғон айтсам, ана, кўрганлар бор. Менга зарил кептими ўз кизимни ёмонотлик қилиб. Ўғил ўстиргандан кейин тийиб ол-да!

— Сенламай гапиринг!

Баходир ҳеч нарсага тушунмади. Аёл қўшни маҳал-лалик синфдошлари Кариманинг бувиси Шаҳри шақил-док эди.

— Ҳали отаси чўлдан келсин, ўғлингга кўрсатиб қўяди бировнинг бошига боришни, — деди-да тагин бир канча бўлмағур гапларни ҳам қўшиб, Шаҳри шақилдок кўча эшигини тарс ёпиб чиқиб кетди. Бувиси ранги ўчган кўйи мунғайиб туриб қолди. Баходир ҳовлига чиқди.

— Жувармаг, нималар кип юрибсан? — Сайдиниса опа ўғлини кўриб аламини унга сочди. Сўнг йиғлаб юборди. — Мен сендан шуни қутовдимми? Келтирган раҳматингми бу? Кечалари саёқ юриб...

— Тўйга бордим, холос.

— Тўйга? Эшитдингми шақилдок эрталабдан келиб нималар деяпти?

— Эшитдим. Тухмат!

— Тўйга ким билан борувдинг?

-- Сотволди билан.

— Яна ўшанга қўшилдингми? Қачон унга қўшилиб раҳмат олувдинг. Ҳали бу гапларни даданг эшитса, нақд-икқаламизни ҳам ўлдиради.

Баходир бирдан ҳаммасини тушунди. Гап бу ёқда экан-да.

— Одамларнинг маломатига қандай чидайман энди?!

— Ёлгон дедим-ку, буви! — Баходир шу гапни айтди-ю хуноби ошиб чой ҳам ичмай, кетмонини кўтариб, далага жўнади. Ёмон гапнинг каноти бор экан. «Баходир Шаҳри шакилдоқнинг қизининг бошига кирибди» деган гап аллақчон овоза бўлибди. Тошкўзи полвон шунга шама қилса, Соли дев очик-ойдин пичинг қилди.

— Ха, хўроз, ишқинг шакилдоқнинг қизига тушибди-да, а!

Баходир муштини тукканча Сотволдини кутди, кун бўйи ҳеч ким билан гаплашмади. Лекин Сотволди ишга чиқмади. Кечқурун уйларига борди — йўқ экан. Магазин олдидан ҳам топмади. Қайтага болалар уни кўриб, ширага ёпишган аридек ўртага олишди.

— Нима бўлди ўзи, а?

— Шу гаплар ростми?

— Йигитчиликда бўлади-да, энди.

Баходир индамай уйга қайтди. Ўчоқдаги чойдишга ўтин қалаётган бувиси уни кўриб «келдингми» ҳам демади.

— Нега хафа бўласиз, буви?

— Нимагаям хурсанд бўлай? Қанча айтганман сенга бемаҳалда саёк юрма деб. Мана, окибат тухматга қолиб ўтирибсан. Тўй ўлгурдан эртарок қайтавермайсанми? Сотволдиларниқига борсам йўқ экан, сени шу балоларга гирифтор қилиб, қаёкқадир гумдон бўлибди. Шаҳри шакилдоқ уларниқига ҳам борибди. Унинг бувиси ҳам ўз ёғига ўзи қоврилиб ўтирибди.

Шу куни дадаси кеч келди. Хайриятки, ҳеч гапдан хабари йўқ экан.

Баходир кечки овқатдан кейин дарсхонасига кирди-ю, аммо китобга қараш кўнглига сиғмади. Қозонга яқин юрсанг қораси, ёмонга яқин юрсанг балоси юқар. Асли шу Соттига бекор қўшилди. Қилғиликни қилиб кочворибди. Балки қасддан қилгандир? Ахир азалдан ит-мушук-ку у билан. Бир пайтлар оралари яхши эди. Дарсдан кейин биргалашиб мол боқишарди. Бора-бора Сотволдида манманлик пайдо бўлди, нуқул ўзиникини маъқуллайди. У Хўжаарик бўйида мол боқамиз деса, Сотволди кўприк остини танлайди. Хуллас, шу тариқа ораларига совуқчилик тушди. Дадаси ҳам бир-икки Сотволдини яшириниб сигарета чекаётганида тутиб олиб, роса уришди. Шундан кейин Сотволди унга ошқора тиш қайрайдиган бўлди.

Саккизинчи синфдалик пайтларида пахтага чиқиш-

ганда Сотволди ошпаз эди. Шундок ҳам аталадан фарк қилмайдиган макарон шўрвадан унга каторасига уч кун шилдираган сувидаи сузиб берди: на гўшт, на картошка, на макарони бор. Ортидан яна «бопладимми» дегандай мийиғида кулиб қўйди. Ҳеч кимнинг иззат-нафси ерда қолмаган. Охири унинг чапараста жаҳли чиқди. Овқат учунмас, Сотволди уни ажратгани, камситгани алам қилди. Шунда ҳам шайтонга хай берди. Тўртинчи кун яна шу хол. У овқат тўла тулука косани бир ёнига ирғитди-да, Сотволдининг ёқасидан тортиб башарасига бир мушт туширди. Мушт зарбидан Сотволдининг қўлидаги чўмич бир ёнга учиб кетди, ўзи эса гандираклаганча биқирлаб қайнаб турган қозонга тушиб «жизза» бўлишига оз қолди. Навбатда турганлар қий-чув қилиб юборди. Сотволди ўзига келиб, чўғдек қизарганча унга ташланди. Бўлди тўполон, бўлди жанжал. Қайдандир пайдо бўлган Абдуғаффор домла орага тушиб иккаласини ёнғокни икки палласидек икки ёнга айирди-да, ҳар икковининг қулоқ-чаккаси аралаш биттадан тарсаки туширди.

— Ҳе, одам бўлмай ўлларинг, орсиэлар, уятсиэлар! Энаининг моллини талашиёсанларми?

— Ўзи бошлади, — деди Сотволди бурнидан оқаётган қонни кафти билан тўсганча унга еб қўйгудек қараб.

— Сен-а? — деди Абдуғаффор домла унга. — Нима бўлди ўзи?

— Ҳеч нима.

— Уялмайсанми? Директорнинг боласисан!

Баходир ўзини оқлаб ўтирмади. Шу воқеадан сўнг Сотволди унга ҳам овқатни тузатиб қуядиган бўлди. Бўлар-бўлмас хезланаверишини ташлади.

У пайтлар-ку болалик эди. Энди-чи? Яна кўзига чўп суқди: қишлоқда гапга қўйди. Атайин қилган. Бўлмаса, қилғиликни қилиб қўйиб ўзи сувга чўккан тошдек йўқолиб кетмасди. Халиям кўнглида кири бор экан-да. Қуруқ тухматга қолдириб кетди-я... Асли тўйга бекор борибди. Бормаса, жа ундан биров ўпкалаб ётувдими? Хўп, боришга борди, шу Соттига қўшилмаса бўлмас-миди?..

Шанба куни эди. Улар ишлаётган жойга сўкмок ора-
лаб кимдир халлослаганча яқинлашиб келарди. Соли дев
маъноли томоқ кириб қўйди. Келаётган Шаҳри шакил-
докнинг эри Назар қора эди. У тўғри келиб Баҳодирга
ёпишди.

— Кани юр, олдимга туш!

— Нега?

— Негалигини борганда биласан? — Назар қора ун-
га ёмон ўқрайиб караганча жаҳл билан билагидан тутди-
да, бирдан энгашиб бир қўлини этиги қўнжига тикди.
Қиндан суғурилган пўлат пичоқ совук ялтираб кетди.
Назар қора важохат билан пичоқни Баҳодирнинг бўйни-
га такади.

-- Қаллангни салчадек узвораيمي! Э, ўша кечалари
бировникига кирадиган...

Баҳодирнинг бадани музлаб кетди. Ранги оқариб, ти-
ли калимага келмай қолди. Бошқаларнинг ҳам дами ичи-
га тушиб кетган эди. Ниҳоят, Соли дев ўзига келди.

— Назар, ўзингни бос! Ҳаммаси уйдирма. Баҳодир
унақа болаларданмас.

— Ёнини олма, бу хумпарни!

— Бўлмағур гап деялман-ку! Одамларни билмай-
санми?

— Қани юр, сен билан ўша муллавачча отангининг ол-
дида гаплашаман.

Йўлда Баҳодирнинг бир қўнгли Назар қоранинг тум-
шугига боплаб туширсаммикан дерди. Кучи етади. Ахир
ўн етти — ўн саккиз ёшдаги бўз йигитга Назар қора бас
кела олармиди? Лекин бундай қилса, ёлғон чинга айла-
ниши ҳеч гап эмас.

Дадаси уларни кўриб, анграйиб қолди.

— Домла, бир иш билан келовдик, — деди Назар
қора Баҳодирнинг билагини бўшатиб. — Қанча болага
билим берасс?

— Нимайди?

— Олдин манавини тарбиялаб олсангиз бўларди.

— Хўш, бу нима деганинг? — Дамин домла сапчиб
ўрнидан туриб кетди.

— Мана, турибди, ўғлингиздан сўранг.

— Бари ёлғон, — деди Баҳодир дадасига қараб.

— Дехқонбой ўғлининг тўйи куни кечаси мана бу
уятсиз ўғлингиз қизимнинг бошига кирибди. Бугун

чўлдан қайтиб, шу гапни эшиттим-у, бошимни қайга уришни билмай қолдим, домулло!

— Тўйга борганидан хабарим бор, лекин бу ёғини энди эшитишим. Гапир, ростми шу гаплар?

-- Ростмас.

— Унда бу гап қайдан чикди?

— Тўйдан қайтишда уларнинг кўчасидан ўтгандик.

— Ким билан эдинг?

— Сотволди билан.

Баходир Сотволди уни айрилишда ёлғиз қўйиб, анча вақт йўқолиб кетганини айтмади, айтганда ҳаммаси кундай равшан бўларди. Майли, бировни гумонга қўйиш йигитликка ярашмайди. Балки Сотволди ҳам атайин қилмагандир. Кайфи бор эди. Кейин Карима билан севишамиз, бир оғиз йўталсам чиқади, деб тўйда ҳам мақтаниб ўтирганди.

— Эшитдинг гапларини, — Дамин домла Назар қорага юзланди. — Одам деган салга ловулламай иш қилиши керак. Айниқса, қиз боланинг шаъни қийин. Ёмонотлик қилиш осон, аммо уни ювиш қийин. Ҳозир одамлар оғзи билан юрадиган бўлиб кетишган.

-- Шамол бўлмаса дарахтнинг учи кимирламайди, домулло!

— Айби бўлса, исботла! Кейин билганингни қил!

-- Кўрганлар бор экан.

— Бўлса, юзлаштир.

— Керак бўлса юзлаштираман ҳам. Лекин, домулло, билиб қўйинг, ўғлингиз қадамини билиб боссин, йўқса оёғини синдираман!

— Э... енгилтаклик ҳам эви билан-да.

— Енгилтак мен эмас, арзандангиз. Бунақа кечалари дайди иттай санжитмай уйлантириб қўйинг! Ё кучингиз етмайдими? — Назар қора яна нималардир деб тўнғиллай-тўнғиллай чиқиб кетди. Чўғдай кизариб кетган Дамин домла Баходирга ўшқирди.

— Қачонгача юзимни ерга қаратасан, галварс? Сира одам бўлмадинг-бўлмадинг-да. Энди шу Назар қорадан гап эшитишим қолувди.

— Мен кирганим йўқ. Лекин Сотти тўйдан қайтишда учайлишда «кутиб тур» деб анча йўқолиб кетганди.

— Нега шуни боя айтмадинг?

-- Қора тўғри гапга тушунармиди. Қизи ўзи Сотти билан гаплашиб юради.



— Бор! Бундан буён кадамингни билиб бос! Ортикча гап-сўзга менинг токатим йўк. Уқдингни?

У мактаб ҳовлисига чиқканда танаффус пайти эди. Боя уни Назар қора етаклаб келганини деразадан кўрган ва уч-тўрт кундан буён қишлоқ оралаб юрган миш-мишлардан хабардор болалар унга — яқиндагина бу ерда пўрим кийиниб лаборантлик қилган, ҳозир эса бесўнакай кирза этигу далалик уст-бошдаги Баҳодирга ҳайрон қарашарди. Шу топда у Назар қорани бўғизлаб ташлагисин келди. Ярамас! Шартта пичоғини олиб, унинг ўзига тикканда нима бўларди? Йўғ-е! Бургага аччик қилиб... Наҳотки, ҳаётда диёнат билан жиноятнинг ораси шунчалик яқин бўлса...

XII

Вакт ўтиб, баъзи бир тенгқурларининг ҳар замонда ҳазиллашиб туришини демаса, бўлиб ўтган шов-шувларнинг ҳоври пасайди. Лекин беҳуда гап-сўзлар ҳар нарсага болаларча самимий нигоҳ билан, ишонч билан қарайдиган Баҳодирга қаттиқ таъсир қилди. Энди у Сотволди ва унга ўхшаганлардан узоқроқ юрадиган, Назар қорадек оқ-қорани фарқламайдиган пайтавақулоқлардан нафратланадиган бўлди. Тўхмат қанчалик ёмонлигини, озгина ўйламай ташланган қадам киши умрига доғ бўлиб тушиши, покиза туйғуларини-ю орзуларини абадул-абадга маҳв қилиб қўйиши мумкинлигини англади.

Бу воқеалардан кейин даласи билан оралари янада ёмонлашди. Дадаси энди уни бўлар-бўлмасга тергар, ишдан келибоқ қаердалигини суриштирарди. Бу қисди-қафаслардан унинг юраги сиқиларди. Охири даласи билан бир уйда телевизор ҳам кўрмайдиган бўлди. Оқшомлари эса сира кўчага чиқмас, аламини китобдан оларди, дарсликлар ўқиб толиқканда бадний китоб ўқиб хордик чиқарарди.

Бир кун даласи мактабдан ҳуноби ошиб қайтди. Ҳовлига кирди-ю бувисидан уни сўради.

— Нима дейсиз? — Баҳодир дарсхонадан остонага чиқди. Даласи кўлидаги чарм напкани титкилаб ундан бир конверт олди.

— Бу нима қилик? — деди конвертнинг ҳавода ўйнатганча унга кўрсатаркан. — Ким ўзи — Мавлуда? — Баҳодирнинг жавобсиз туришидан бағтар тутокди. — Сендан сўраяпман?

— Абитуриентликда бир ётоқда тургандик.

— Мана кўрдингми? — дadasи бувисига юзланди. — Биз буни ўқишга кетди десак, у қизлар билан дон олишиб юрган экан-ку. Ушан-чун Тошкентдан пешонаси так этиб тошга тегиб қайтган-да. Уйланишга унамайсан, саёк юриб гапга қўясан, энди хатвозлик қилишингга бало борми?

— Нима, хат ёзиш айбми?

— Олдин бир ишни котир, кейин ойимчаларга мухабатнома тўқийсан!

— Бу унақа хатмас.

— Қанақа бўлмаса? Э, ўргилдим ёзишмаларингдан. Юнус чўлок хиринглаб «улингизга» деб қўлимга тутказса, уятдан ер ёрилмади, ерга кириб кетмадим. Йиғилтир, бунақа достончиликини! — Дамин домла аччигига чидолмай хатни парча-парча қилиб йиртиб ташлади. Хавода капалакдек пирпираб ховли бўйлаб сочилиб кетаётган хат парчаларига қараб, Баходирнинг қалбида бир ғалаён уйғонди. Оддий инсонлик ҳуқуқи, кадр-қиймати шу бўлдики ҳали? Тоқайгача хўрланади? Тоқайгача хўрлашади? У бошини азот кўтариб, кўзини дadasига қадади.

— Жоҳил! Тағин директормиш... — деди-ю, югуриб кўчага чиқиб кетди. Ўғлидан илк марта бундай тик гап эшитган Дамин домла бўзрайиб қолаверди.

Баходир туни билан миужжа қокмади. Ота эмиш... Гапига киргизолмаганига энди нуқул қилдан қийиқ ахтаради. Дуч келди — захрини сочади. Бўлмаса унинг кимга хат ёзиб, кимдан хат олиши билан иши нима? Унга оғирлиги тушяптими? Ҳадеб киролмаганини пеш қилади. Тошкентдан кўнглини совутмоқчидир-да. Хатни ўқишга киролмаганига нима алоқаси бор? Баҳона-да! Мактабдан иш бериб ташлаб кетишга-ку ўзи мажбурлаган. Энди бўлса шу оддий хат учун ҳам ҳақорат. Бунақада бу уйда яшаб бўладими? Мабода бу йил киролмасам ариза ёзиб Армияга кетаман. Бу ерда шунча камситилганим етар!

Мавлуда... Мандатдан йиқилган кун келаси йил кирасиз деб кўнглини кўтарганди у. Ўғилой ҳам унинг йиқилганига роса ачинганди. Ўзининг киролмагани учун ўқиб айтган гаплари-чи. Ота-бола ғавғоси ҳамма жойда бор экан-да. У ўғил бола бўлатуриб қанча нари берига боряпти. Қиз болага қийин-да: отасига тик гапиролмаса, хатто кези келганда кўнглидагини айтолмаса... Мавлуда олдинги хатида Ўғилой ҳақида кўп нарсаларни ёзганди.

«Ўғилойнинг қайсар отаси уни мажбурлаб куёвга бермоқчи. Дугонам йиғлаб-сиктаб дардини менга айтди. Отасининг қайсарлиги эса оламни тутди: на бизнинг, на кизининг гапига қулоқ солади. Ўғилой сизни кўп эслайди, хатто хат ҳам ёзмоқчи эди. У институтга кириб ўқишни, ўзи севган йигитга турмушга чиқишни қанчалик истарди...»

Бечора Ўғилой, нима қилсин? Ўғил болага осон, бунақада шартта елкасига чопонини ташлаб, уйдан чиқади-кетади. Нахотки, унинг барча умид-орзулари қалбида пинҳон қолиб кетаверса... Мавлудани-ку ишлари зўр экан. Яна ҳуқуқшуносликка топширмоқчи. Район прокуратурасида ишлаётган экан, бу йил йўлланма ҳам тайин унга. Бу хатида Мавлуда нималарни ёзди экан-а?

Асли хатни ўз қўлимга беринг, деб Юнус чўлоққа тайинлаб қўйса бўларкан. Шунда бу ортикча галвалар бўлмасди. Лекин бу чўлоқ ҳам бир гўр-да, почтальон бўлиб қоғозни ҳазондан фаркламайди. Эшагига миниб, ёлғиз оёғини осилтириб олганча хатни ҳам, газета-журналларни ҳам кўча эшикдан отиб кетаверади. Ернинг қуруқ-хўлига ҳам, шамол-шовкинга ҳам қарамайди. Кўпинча келган хат-хабарлар, газета-журналлар ёмғирда лойга беланиб ётади, шамолда ҳар томонга учиб кетади. Одамлар қанча гапирди, барибир ўша-ўша, хатто кўча эшигида почта қутиси борларда ҳам аҳвол шу. Жанжал чикса фронтовиклигини пеш қилиб, менга ақл ўргатма, деб бақириб беради. Фронтда ганг бўлган, бир оёғидан айрилган, унга ортикча гапириб ҳам бўлмайди, ҳамма ундан чўчийди. Лекин дадаси, ҳеч бўлмаса мактабнинг газета-журналларини вақтида ташла, деб яқинда у билан ади-бадига бориб қолганди. Чўлоқ гапга қулоқ солавермагач, дадаси туман алоқа бўлими бошлиғига телефон қилганди. Бошлиқ бошлиқ-да, чўлоқни сал инсофга келтириб қўйибди. Аммо шундан буён у дадасидан хафа. Бошлиққа «жалоба» кипсиз, деб кўнгли ўксиб юрибди. Юнус чўлоқ бу гал хатни дадасига атайин берган. Илгари газета орасига солиб индамай ташлаб кетаверарди. Бошлиғидан эшитган сўкиш эвазига дадасининг китиғига тегиб бир хуморидан чикмоқчи бўлган-да...

Май ойининг бошлари эди. Баходир бригадирдан рухсат олиб ўртоғи, хўжалик ҳисобчисининг ўғли Абдуқаҳҳор билан районга «Бинокор» ўйинини кўришга борди. Вилоят биринчилигида қатнашаётган туман футбол жамоаси шу кунларда оғизга тушган эди.

Стадионда жинси шим, фикон кўйлак кийиб, магнитофонни яранглатганча уч-тўрт оғайниси билан етаклашиб юрган Султонни учратиб қолди. Султон тиржайганча сўрашаркан:

— Тайёрланаяпсизми? Яна Тошкентгами? — дея бош иргеди.

— Ҳа, — деди Баходир, сўнг ўсмоқчилади. — Сизчи?

— Биззи мўлжал ҳам Тошкентга, ўша гап — гап! Бу йил пишиқрок бўламиз. Яқинда пахан «белни маҳкам қилиб» Вали акамларникига бориб келди. «Сельхоз»нинг агрофагига топширадиган бўлдим. Битирсак, колхозда «шеф» бўп юрамиз. Ўзиям пахан Вали акамга каттик-каттик гапирибди. «Бу йил кирмаса, сендек жияним йўқ, — депти. — Бир тушган иш, қандай қил бўсам тўғирлайсан. Битта жияннингга фойданг тегмаса, шунча йилдан буён Тошкентда нима қил юрибсан!» Вали акам кўнибди. Отамни етаклаб бир оғайнисиникига борибди. У ўғлингиз ёзда келаверсин депти.

— Ўтган йили математик бўмоқчийдингиз?

— Э, кечаги гап бугунга тўғри келмайди-ю. Қайга бўлсаям ҳозир гап киришда.

— Тайёрланаяпсизми?

— Э, раз гаплашгач, қаллани қотириб нима қиламан. Ўзи ўтган йили пахан Вали акам билан тортишмаса бўларди. Эсиз, бир йил умр... Айтмоқчи, ҳалиги кизлар бориydi-ю, оккўрғонликмиди-ей, отлари нима эди? Ҳеч эслолмаяпман. Сиз билан жа қалин эди-ку улар.

— Мавлуда, Ўғилой.

— Ҳалиги чиройлиси ... ха, ха, ўша, Ўғилойининг адресини берсангиз. Жа кетворган эди-да, ўзиям!

— Мавлуданики бор, холос.

— Э, уни кўйинг, ичи тўла ғуж-ғуж ақл, қаллани қоқиб кўлга берарди. Очиғи, унисиникиния биласиз-у айтгингиз йўв-а?

— Ростдан билмайман, — деди Баходир ғижиниб.

— Чиройли эди қурмағур, — Султон бир ютиниб қўйди. — Сизнинг ҳам жигарингиздан урганми дейман, қизғанияпсиэ. Майли, айтмасангиз айтманг. Адресини билганимда хат ёзардим, ёзда қўришайлик деб.

Футбол бошланди. Султон шериклари ёнига кетди.

— Ким у? — деди Абдуқаххор.

— Айтовдим-ку, абитуриентликда бирга яшаганмиз, қариндошимиз деб, қўшни колхоздан.

— Фирт ўпка-ку!

— Жуда! Футболга ҳам қизиқмасди, билмадим, байда нимага ўралашиб қопти.

«Бинокор» ютди. Икки дўст хурсанд қайтишди. Бавдолликлар бешарикликлар дарвозасига бир эмас, учта жавобсиз тўп киритди. Улар қувонмай ким қувонсин!

— Аммо-лекин «гол»лар ҳам бир-биридан чиройли бўлди-да, — деди Баходир.

— Ютук зўр-у, бирок «лекин»и бор-да.

— Қанақа «лекин»и?

— Ўйинчиларнинг кўпи келгинди. Ҳаммаси бирор колхозга ёки таъкилотга бириктириб қўйилган, ўша ердан ойлик олишади. Отам айтди. Бизнинг колхозга ҳам иккитасини беришган экан, аввалига раис унамабди, кейин шахсан ҳокимнинг ўзи аралашибди: «Туманнинг обрўсини кўтариш, донғини таратиш учун керак!» депти. Отам кулади: уларни фақат ойликка келганда кўрамиз, деб.

— Бунинг нимаси ёмон?

— Э, нимаси яхши. Ҳозирча зўр-у кейин чатоғи чиқади-да, четдан келган ўйинчилар барибир кетиб қолади. Ахир шундоқ «Пахтакор»да бу усул нима берди? Жамоанинг ҳозирги аҳволини кўр. Келганларнинг кўпи «Нефтчи»дан экан, тренери билан чиқишолмай, жамоани ташлаб кетган футболчилар. Отам Фарғонага борганда ўз қулоғи билан эшитибди. Ўйнатаман деса, ўзимизда ҳам зўр болалар кўп.

— Шунақа дегин. Ишқилиб нима бўлса ҳам «Бинокор» га кўз тегмасин. Бу йил вилоят чемпиони бўлса, келаси йили республика биринчилигида қатнашади. Кейин иккинчи лигага чиқса ҳам ажабмас.

Уйга келгач, Баходир беихтиёр Султонни эслади. Ҳамон ўша-ўша чучмал фалсафасини сўкиб юрибди-я. Энди агроном бўлмоқчи. Отасининг, Вали акасининг паноҳида. Вали акасининг оғайнилари эса алланималар

илинжида ёз бўйи бу «омадли» абитуриентга қўшилиб, чопиб юради. Султон ўқишга кирса, қишлоқда Султонбек бўлиб гердаяди. «Биринчи имтихондан шундок билетни олдим-у, ўтирмай жавоб қилдим. Беш олдим! Қолганларини ҳам қотирдим. Мана, бу ёғига энди талаба-миз! Йўлини билган одамга ўқишга кириш ҳам чўт эмас экан. Қойилмисанлар?» Қойилман демаганнинг уриб бошини ёради. Унча-мунча одамни менсимайди. Хуллас, бир амаллаб дипломлик ҳам бўлади, сўнг ўзидан амали кичикларни оёқ учида кўрсатиб, катталарга сажда қилиб агрономлик қилади. Мўлжали эса, раислик! Ахир, орзуга айб йўқ. Дунёда раисликни орзу қилмаган бир одам пайдо бўлса, бунинг нимаси ёмон. Бировнинг енгидан кириб, ёқасидан чиқади. Керакли одамни кичик бўлса ҳам ака, эчкини така дейди. Бир кун орзусига эришади. Султонбек — раис! Атрофида одамлар соясига салом бериб, айланиб-ўргилишади, қуллик қилиб бир оғиз сўзига махтал туришади, бу ёғига унинг айтгани айтган, дегани деган бўлади. Кейин режа ва ўз обрўси учун кураш бошланади. Одамлар, тақдирлар иккинчи даражали бир нарса бўлиб қолади. Эҳ, Султон, қаёққа қараб кетяпсан-а? Ахир раислар, ёмон раислар, халқни алдаб қўшиб ёзадиган раислар сенга ўхшаганлардан чикмаса, осмондан тушиб қолмайди-ку!

Ўғилойни ҳам унутмади. Бунақалар чиройлиларни кўздан қочирмайди. Ётоқда Ўғилойга бир-икки шилқимлик қилганда Мавлуда уни ғазаб билан силтаб тапилаганди.

XIV

Ёз келди. Баходир кетадиган куни бувиси ҳафсала билан девзирадан ош дамлади. Ошни дамлаб қўйиб, ўчоқбошига Баходирни чақириб, пича ўпкалади.

— Болам, шу яқин орада ўқисанг бўлмайдимми?

— Йиқилган жойимга қираман!

— Сира шу қайсарлигинг қолмади-қолмади-да. Майли, илоё киргин-да!

Ошдан кейин дастурхонга фотиҳа тортилди. Баходир соатга каради-да:

— Майли, мен бораёй, — деди. Шунда дадасига қараб, бувисининг жахли чиқди.

— Намунча мум типлайсиз? Бирор нарса денг!

— Нима дей? Яхши бор! Омон бўл! Ана, шкафда пул бор — керагини ол! Қараб ишлат! Яна қайтараман! Тошкентда ўнтадан, юзтадан битгани олади, оғзингни очиб, лалайиб юрмай, яхшилаб тайёрлан!

Баҳодир уйдан пул олмади. Ўзига даладан чикқан пулларни йиғиб юрган эди. Дарслик тўла чамадонини кўтариб, вокзалга келди. Ҳар кетувчининг атрофида уч-тўрт кузатувчини кўриб, хиёл кўнгли ўксиди. Ха, майли, халитдан иззатталаб бўлиб нима қилдим. Кетишини ўзи ҳеч кимга айтмаганди. Тантанага не ҳожат. Ўтган йили эса кетар кунни уйларига дўсти Абдуқаҳҳор, яна икки-уч синфдоши келган, биргалашиб ош еб, вокзалгача кузатиб чиқишган эди....

XV

Поезддан тушди-ю, аввалига абитуриентликдаги таниши — бешариклик Қосимни эслади. Ҳозир у талаба. Бир томондан Қосим унга юртдош, иккинчидан кўнгли очик йигит, анча-мунча оғайни бўлиб қолишган. Тошхўжаевнинг отасига танишлиги бор эканини ҳам ундан яширмаганди. Тошхўжаев... унинг бир йилига зомин бўлди-я! Барини Қосимга ўхшаганларни деб қилганда! Қишда келганида ҳам Қосим: «Ёзда келсанг, Анвар акам билан бир гаплашиб кўрамыз, бу йил ҳам «приём»да ишласа керак», деб мактанганди. Борса, шунга келибди, демасмикин? Яхшиси, Нажмиддин акасининг олдига боргани дуруст.

Нажмиддин акасини ётоқнинг таъмирига бош-қош бўласиз деб деканат практикадан олиб қолибди. Ана энди бу йил сизга ҳам ўзим кўз-қулоқ бўлиб тураман, деб уни хурсанд кутиб олди. Эртасига ҳужжатларни топшириб келгач:

— Баҳодир, шу ерда турсангиз ҳам менга халақит бермайсиз, лекин биласиз, ётоқ тўполон, хали таъмирлаш бошланса, шовкин-суронни кўрасиз. Шунга кўнглингизга бошқа гап келмасин-у, бир маслахат бор эди, — деб қолди.

— Тортинмай айтаверинг, — деди у.

— Ёнимиздаги маҳаллада практикага кетган бир курсдошимнинг квартираси бор: соя-салкин, кенг ховли. Яқинда унинг укаси ҳам ўқишга келди. Биргалашиб дарс қиласизлар. Тайёрланишга ўша ер дуруст.

Баходир жон деб рози бўлди. Ётоқнинг тўс-тўполони-ни ўтган йили кўрган. Салкин ховлида хаёлини сочмай тайёрланганга нима етсин. Абитуриентга энг кераги ҳам шу-ку! Ётоқда бўлса, ёш эмасми, барибир хаёл сочилади.

Ўша ерда туриб тайёргарлик машғулотларига катнай бошлади. Бир куни факультетда Қосимни учратиб қолди.

— Нега тўғри менинг олдимга келавермадинг? — ўшқаланди Қосим.

— Ташвишланма, жой топдим.

— Лекин ишлар чаток, — деди Қосим. — Сенга ваъдани бериб қўйиб.

— Нега? — сўради қувлик билан у.

— Анвар акамнинг ўтган йилги «приём»даги ишларидан ишқал топишибди. Роса факультетда текшир-текшир бўлди. Устидан ёзишибди-да. Текширувчилар мени ҳам чақирди. «Уйида бўлганмисан? Қанақа танишсиэлар?» — деб роса тергашди. Яхшиямки, Анвар акам оғохлантириб қўйганди, танишмасмиз, деб битта гапда туриб олдим. Э, хуллас Анвар акам бу ердан кетиб қутулди.

— Ҳақиқат бор экан-ку!

— Ия, бу нима деганинг? Мен сен деб...

— Раҳмат, ўртоқ! Билсанг, ўша Тошхўжаев менга ўтган йили атайлабдан «тўрт» қўйдирган эди, «беш»га билсам ҳам.

— Йўғ-е, шу Анвар акам-а?

— Ҳа! — Баходир «сенга ўхшаган танишларини деб шунақа қилгандир» демокчи бўлди-ю негадир ўзига яхшилиқ қилмокчи бўлган Қосимга бу гапни айтолмади. Одамнинг юзи иссиқ!

Лекин Тошхўжаевнинг думини тугиб, боплашибди, энди бу ердаги муҳит тозаланади. Ким билади унинг мушугини ништ дейишмаганда бу йил тағин қандай хунарлар кўрсатарди. Бир йил-ку, бекор ўтмади-я: яхши-ёмонни кўрди, оқ-корани тузукроқ ажратадиган бўлди. Тошхўжаев унинг фарёналиклигини билиб атайин аралашган экан-да. Ишидан ишқал чиқибдики, кўпга тиргак бўлган. Бирига отаси билан оғайнилиги учун, бирига ким билади, нима эвазига... Балки пора олгандир! По-рахўрлар ҳақидаги гаплар ҳам бекорга тўкилмаскан-да. Аммо ёшлар мактаб партасидан пок-покиза тўйғулар би-

лан, орзулар билан келадиган олий даргоҳга қандай қилиб Тошхўжаевга ўхшаганлар ин қуриб оларкан-а? Яна худди ўшалар бугун таниш-билишлик қилиб, пора олиб, эртага худди мана шу болаларнинг ўзига замон ҳақида, макон ҳақида, ҳақу ноҳақлик, илму нодонлик, э, бордингки, бу қайноқ ва жўшқин ҳаёт ҳақида берилиб лекция ўқийди. Тили бошқа, дили бошқа одамлар! Буларга ўхшаганларни деб Султондек гупирмачиларнинг куни туғади: ўқишга киришда адолат йўқ, ё таниш, ё пул!.. Лекин Қосимга тўғрисики айтиб хафа қилиб қўйдим-да. Э, қачонгача ҳамма гапни ичида сақлаб юради. Ҳақиқат аччиқ, лекин вақтида айтиш керак! Тағин ҳам аяди, киришда ўрнимиз алмашган, деса нима бўларди. Асли ўшанда ё Турсуновнинг, ё Тошхўжаевнинг шартта ёқасидан олса бўларкан. Ха майли, энди бу ёғига пишиқ бўлади...

XVI

Биринчи имтиҳон яна адабиёт оғзақисидан бўлди. Кираверишдаги столда ўтирган қотма киши унинг имтиҳон варақасидаги расмга узоқ тикилди, сўнг:

- Олинг, — деди столдаги билетларга ишора қилиб. Баҳодир олган билетига қараб валати бўлиб кетди.
- Нечанчи?
- Ўн уч.
- Мана қоғоз, бориб тайёрланинг.

Баҳодир саволларга тезда жавоб ҳозирлади. Бояги ҳолатини эслаб, кулгиси қистади: «13» рақами-я! Кейин аста имтиҳон олаётганларга қаради. Шунда чапроқдаги стол рўпарасида ўтирган пастаккина чолни таниб қолди. Ия, Турсунов-ку! Тошхўжаевнинг думи! Унга жин ҳам урмабди-да. Яна бир қур у билан юзма-юз бўлиш пешонада бор экан-да. Ёки бошқа домлага топширсинми? Йўқ, унга, айнан унга топширади, танисин, ўтган йилги қилмишини эсласин!

Баҳодирнинг хаёлчан ўтирганини кўриб, бояги — билет олишга ундаган киши олдига келди.

- Саволлар тушунарлими, сизга?
- Ҳа.
- Унда нега ёзмаяпсиз?
- Ёзиб қўйдим: тайёрман!
- Э-ҳа!

Сал ўтмай бир домла бўшади.

— Кани, ким тайёр? — қотма киши ўтирганларга қаради ва кўзлари Баходирда тўхтади. — Бормайсизми?

— Мен Турсунов домлага топширсам дегандим.

Хамма унга хайрон тикилди. Хамма унинг гапини ўзича тушунди. Бу хайронликларга аниқлик истаб, қотма киши сўради:

— Нега?! Нима фарқи бор? — деганча ёнидаги стулда ўтирган имтихон хайъати раисига маъноли қараб қўйди.

— Ўтган йили ҳам у киши мендан имтихон олганди.

Хамма энди ялт этиб Турсуновга қаради.

— Хмм, — деди қотма киши, — унда ... ихтиёрингиз.

Турсунов олдидаги абитуриент тургач, Баходирга «келинг» деди. Баходир келиб, қаршисига ўтиргач, ниманидир эслади чоғи, бир хўрсиниб қўйди. Баходир Турсуновнинг бошланг дейишини ҳам қутмай, аввал саволни ўқиб, кейин шахдам жавоб бера бошлади. Турсунов факат ҳар саволга жавоб тутаганда «иккинчисига ўтинг», «учинчисига ўтинг», деб турарди, холос. Бир оғиз гапини ҳам бўлмади, қўшимча савол ҳам бермади. Охирида эса:

— Сизни танидим, ўғлим, — деб қўйди.

— Хотирангиз яхши экан, — деди Баходир.

— Фарғоналик эдингиз, чамаси?

— Ҳа, — бош ирғиб тасдиқлади Баходир, сўнг тил учида турган гапни ушлаб қололмади. — Айтмоқчи, домла Тошхўжаев кўринмайдилар?

— Э, уни қўйинг, болам, — деди Турсунов хиёл қизариб. Сўнг ёнидаги ёш домлага юзланди. — Саволингиз бўлса, беринг!

Ёш домланинг икки саволига ҳам Баходир тутилмай жавоб қилди.

— Қойил! — деди ёш домла. — Бу дейман, адабиётни сув қилиб ичворганмисиз? Дадиллигингизда жон бор экан.

— Фарғоналиклар зўр бўлади, — деди Турсунов. — Бахонингиз «беш», йигитча, «аъло!» — Кейин имтихон варақасини олиб раисга қўл қўйдиргани оқсаб-оқсаб ўзи борди ва Баходирни мактади. — Бунақа талантлар кам учрайди.

— Эшитдим жавобларини, — ўрта ёшлардаги раис жилмайиб қўйди. — Ўғил бола деган шунақа бўлса.

Турсунов қайтиб жойига ўтирди, имтихон варақасига аввал ўзи, сўнг ёш домла қўл қўйгач, унга узатди.

— Бошқа фанлардан ҳам омад тилайман. Сиз, албатта, кирасиз.

— Ўтган йили ҳам шунақа дегандингиз, домла!

— Бу йил.... — Турсунов дудукланди. — Бу йил, албатта, кирасиз!

Ёш домла ва хайъат раиси ҳамон унга кулимсираб қараб туришарди.

Баходир имтиҳондан хурсанд чиқди. «Кизик! Хаёт жуда ҳам кизик, — дея ўйларди у. — Турсуновга топшириб, боладим-да. Таниб ранги ўзгариб кетди. Хатто юрак ютиб, қўшимча савол ҳам беролмади. Раисга мактагани-чи. Раис ҳам бир оғиз «шундай талантни утган йили нега пайкамагансиз? демади-да. Ўтган йили у Тошхўжаевнинг новорасига ўйнаганди. Хамелион! Оғма-чи! Зўрга қараб оғади! Тарозининг лапанглаган палласига ўхшаб... Ўтган йили Тошхўжаев кучли эди, энди эса ҳақиқат кучли... Дарров мослашиб ҳам олибди....»

1986 октябр — 1987 феврал,
Ташкент

ФУТБОЛЧИ

ҚИССА



*Футболчи бўлиш орзусида ўтган бола-
лигимга, футболни жон дилдан севган бо-
лаларга ва 1979 иили 11 августда фожиа-
ли ҳалок бўлган «Пахтакор» футболчилар-
и хотирасига бағишлайман.*

I

Кўнғирок чалинди-ю, ҳаммадан бурун Шавкат та-
раддудга тушиб қолди: ховлиққанча китоб-дафтарлари-
ни йиғиштириб парта остига тикди-да, қачон чиқиб кетар
экан, деганча Саксоновга тикилди. Симёғочдек узун,
озғин, ёноқлари бўртик, кўзлари чуқур-чуқур Саксонов
хамон пинак бузмай гапида давом этарди. Шавкат мате-
матикага алоқадор барча одамларни негадир унга ўхшат-
гиси келарди. Саксоновнинг одати ҳаммага маълум:
чиқиб кетишдан олдин ҳам эринмасдан синфга бирров
кўз югуртириб олади, битта-яримтага танбех беради.
Дарс охирида танбех эшитиш кимнинг қулоғига дори?
Лекин баъзи билагонлар на кўнғирокқа, на бошқалар-
нинг бетокатланганига парвосиз қўлларини олабайрок
килиб кўтаришди. Буни кўриб Шавкатнинг жахли
чикди. «Вой, математиклар-ей! Яна савол бор»миш...
ўзларича гўё олим... Ахир кўнғирок нега чалинди: та-
наффус қилинглар, калла бирпас дам олсин деб-да! Ахир
бу бечора бош Саксонов оғзидан қўймай мактайдиган
«ЭХМ» ёки «РОБОТ» эмаски, кнопкасини боссанг бети-
ним варанглаб ишлайверса. Ўша темир-терсақлардан би-
но бўлган «ЭХМ» ва «РОБОТ»ларга ҳам вақти-соати
билан дам берилади. Эзма Саксонов шундоқ ҳам дарсни
сира вақтида тугатмаган, пахса қўллар эса унга тап-тай-
ёр бахона, завқи келиб дарсни истаганча чўзаверади.

Шавкатнинг қовоғидан қор ёға бошлади. Ана, шун-
доқкина синф деразасидан кўриниб турган кафтдек те-
кис мактаб стадионида болалар тўпланишяпти. Ҳозир
футбол бошланади. Яқинда туман спартакиадаси... зўр
тайёрланишлари керак, ўтган йилги ғолибликни бу йил
ҳам саклаб қолишлари лозим. Биринчи бўлиш эса ҳам-
ша кийин, кўп меҳнат, кўп машаққат талаб қилади. Ҳам-

масидан ҳам жамоа ахил бўлиши шарт! Уларнинг асосий ракиблари — туман марказидаги саккиз йиллик интернат жамоаси ҳам анойи эмас.

— Домла, қўнғирок! — деди Шавкат ортик чидаб туролмай.

— Эшитдим, кармасман! -- Саксонов чуқур-чуқур кўзларини унга кадаганча бир ўқрайиб қўйди. Кейин қўл кўтариб турганларга юзланди. — Туширинглар, майли ҳозирча тугатайлик, саволлар хусусида янаги дарсда бафуржа гаплашамиз, — деди-да, қўлига дарсликни олиб варақлашга тушди.

Вазифа бериш ҳам беш минут вақтни олади. Шавкат шартта чикиб кетай деди-ю, базўр ўзини босди. Аммо рус тили ўқитувчиси Фарид Исломовга етадигани йўқ-да, қўнғирокча хаммасига улгуради, гоҳида уч-тўрт минут олдин ҳам чикиб кетади. Ўқитувчи деган шунақа бўлса. Саксонов эса... тагин ўчакишгандек, нуқул катта танаффусдан олдин унинг дарси. Ҳисобдан ўқитади-ю, қирк беш минутнинг ҳисобиини тўғри қилолмайди. Дарс пайтида ҳуда-беҳудага насиҳат ўқийвермаса-ю шунақа бўлмайди-я. Вазифани айтишни ҳам, ҳар доим қўнғирокдан кейин эслайди. Математикани мактагани-мактаган. «Математика — барча фанларнинг отаси, онаси, худоси! У — барча билимларимизнинг калитидир. Математика кириб бормаган бирор соҳа ҳам, хонадон ҳам йўқ».

Қизиқ. У шу зерикарли фан ҳақида намунча берилиб гапирмаса... Алгебра, геометрия, плюс, минус, синус, косинус... квадрат илдиз остида Х, А шаҳардан Б шаҳарга қараб бир вақтда йўлга чиққан икки одам (поезд ва яна алланималар), э, бари каллани ачитиб юборади. Саксонов бўлса, шу нарсалар ҳақида бир қоп тилло топиб олгандек сўзлайди, гуё дунёда у сўзлаганлардан гўзал, у айтганлардан муқаддас нарсалар йўқдек. Ёки ростдан ҳам мўъжиза рўй бериб, анови қўл кўтаришдан эринмайдиганлардан Эвклит, Гераклит, Пифагор ёки Қори Ниёзий чиқармикан? Нима бўлганда ҳам қўнғирок чалин-гач, тезроқ тугатса-да! Жуда қўнгли тўлмаса кейинги дарс бор! Ахир болалар, география домласи айтган ис-сиксевар қушлар эмаски, янаги дарсгача жанубга учиб кетишса. Ўзи-ку сира ҳақини қўймайди: болалар футбол ўйнаб озгина кечикдим, тамом, дунёни остин-устун қилади, доска олдига турғазиб помидордек кизарти-ради...

Умуман, бу Саксонов танаффус завқини биларми-кан? У ҳам бола бўлган, мактабда ўқиган-ку, ахир. Йўқ, билмайди, билса бунақа қилмасди. Танаффус, эҳ, беш минутми, ўн минутми ҳар кимнинг эрки, ихтиёри ўзида, домлалар кўзларини лўқ қилиб, ҳар бир ҳаракатининг кузатиб ўтирмайди, ҳар нарсага жиғибийрон бўлиб, дашном беравермайди. Айниқса, катта танаффуснинг завқи бўлакча-да. Биров мириқиб сув ичгани кранга чопади, биров буфетда бемалол тамадди қилади. Алига ўхшаганларга бўлса кун туғади — навбатчининг «хона шамолласин». деб хай-хайлашига ҳам қулоқ солмай, партага бағрини берганча мизғишга тушади. Абдулла сўтак бўлса бирдан йўқолиб қолади. Кейин оғзидан папиросними-ей, яна нима балоларнинг хидини анқитиб келади. Вали пуфак эса сумкасига уйидан ғамлаб келган бир дунё егуликларига ҳужум бошлайди. Сўнг дарсда «эшикка чиқиб келай» деб ўқитувчиларга ялиниб ўтиради. Қизларга гап сотишу ҳаёлчан кашта тикиш бўлса бас... Лекин, гапнинг сирасини айтганда, буларнинг бари футболнинг олдидан ўтаверсин. Футбол — футбол-да! Майдонга тушиб, рақиблар билан берилиб тўп суришганда ҳамма нарсани унутасан...

Нихоят Саксонов инсофга келди. Вазифа бериб бўлгач, синф журнали ва китоб-дафтарларини қўлтиқлаганича, эшик томон юрди. Сал нарига бориб яна тўхтади. Унинг ортидан эшикни мўлжаллаб ўқдек учишга шайланиб турган Шавкатнинг ҳафсаласи пир бўлди. Э, бу Саксоновнинг мана шунақа бўлмағур одатлари ҳам бор: кетар чоғида муҳим гапни айтиш ёдига тушиб қолади. Бу муҳим гап эса кўпинча кимгадир нохушлик келтиради. Болалар Саксоновнинг оғзини пойлашади.

— Ҳамдамов, дарсдан сўнг менга учрашгин, — деди у айнан Шавкатга қараб. — Мен хонамда бўламан.

Синфдошлари ялт этиб Шавкатга тикилишди. Нигоҳларда «нима гуноҳ қилган эдинг», деган маъно бор эди. Саксонов синф раҳбари, дарсларга бефарқ қарай бошлаган, сабабсиз «прогул», ёки кўча-кўйда «ўқувчи шаънига номуносиб қилиқлар» қилган ўқувчига у ҳозиргидек муомалада бўлар эди. Буни болалар Саксоновни дарсдан кейинги «қўшимча сабоғи ёки яққа прёми» дейишарди, кимки бу «шарафга» муяссар бўлса, ундан саксон хил насихат эшитар, баъзи шўхроқ болалар ҳатто туртки еб ҳам қоларди. Айбдорларнинг қилмиши ҳақида уйдагиларга ҳам хабар бериларди. Шавкатнинг

ён-беридан пичинглар эшитилди. Айшикса, у билан хамиша ит-мушук бўлиб юрадиган Алига худо берди!

— Шавкатвой, бизга жа таъма қилиб юрардилар, — деди атайин «сиз»лаб ачитганча. — Бу дейман ўзлари ҳам «қўшимча сабоқ» боп бўп қолтилар-да, а? Гуноҳлари нима эди?..

Шавкат ортига ўгирилиб Алига хўмрайди. «Тўнка! Тилини бир қарич қилишини... Бировни устидан қулишга сенга бало борми?» Кейин:

— Олдин ўзингга боқ, кейин ногора қоқ! — деганча синфдан чопиб чиқиб кетди.

Али авваллари аълочи эди. Бировга ҳасад қилмасди, бировни ёмон ҳам кўрмасди. Хатто тўртинчида синфком бўлган. Бешинчига ўтди-ю, айниди-қолди. Бадий китобларга ишқи тушиб, бу тахлит китобларни ўқишга шунчалик ўч бўлдики, секин-аста нафакат адабиёт дарсида, бошқа дарсларда ҳам парта остига яшириб ўқийдиган одат чиқарди. Баҳолари барча фанлардан пасайиб кетди, унга дакки бермаган ўқитувчи қолмади. Саксонов ҳам олдиниға кўп насиҳат қилди, жуда бўлавермагач, «тўнка» деб уришадиган бўлди. Шундан сўнг Саксоновни, кейинроқ танбех берган бошқа домлаларни ёмон кўриб қолди. Кузадаги синф мажлисидан кейин эса...

Мажлисда унинг ялқовлигини, билимлари пастлаб кетганлигини, қилган тўполонларини роса юзига солишди. Али бир туки ҳам ўзгармай эшитди. У нима бўлганда ҳам йиғинда директор қатнашмаётганидан хурсанд эди. Кутилмаганда Шавкат сўз олиб қолди: «Илгарилари Алига кўпларнинг хаваси келарди, бешинчигача туппа-тузук ўқирди. Энди-чи?.. Сабаби бадий китобга, саргузаштларга ортиқча ўчлиги. Майли, ўқисин, ҳамма ҳам ўқийди, лекин олдин бу ёкдаги дарсларни қотириб қўйсин-да! У синфимизга дов туширяпти. «А» синф олдида бизни уялтиряпти.»

Бу гаплар Алининг юрагига найзадек ботди. «Вой, насиҳатгўй-ей! Кўрамиз, аъло ўқиб сен киму, мундокрок ўқиб мен ким бўларканман. Сен тўп тепишингни бил!» Шундан бери Шавкатни ҳам жини суймай қўйди. Кейин унга ҳасад қила бошлади. Уни кўп уришадиган директор ҳам шу Шавкатнинг дадаси. Бадий китоб ўқиб қўлга тўшганда ўқитувчилар қанча марта директорнинг хонасига судраб киришган. Бир гал арзимаган айби — синф ойнасини синдириб қўйгани учун мактабдан хайдаб юбораёзганди. Отасининг аламини боласидан олай деб фут-

болда Шавкатнинг оёғига тепмокчи, чалиб, йиқитмокчи бўлади. Лекин ўлган-тирилганига қарамай ўйнайдиган Шавкатга қани югуриб етса. Тўқнаш келганда эса чаламан деб қайтага ўзи йиқилади, ошқора кўполлик қила олмайди — орада ҳакам бор. Ҳакам — домла, у ҳам кўпроқ Шавкатга ён босади, директорнинг ўғли-да! Тағин ўчакишгандай дарсда домлалар бошқа аълочиларга қўшиб шу Шавкатни ҳам унга ибрат қилиб кўрсатишади. Келиб-келиб ундаш ўрпақ олармиш...

Шавкат билан бир партада ўтирадиган Раҳима ҳамон Алининг жағи тинмаётганини кўриб аччиқланди:

— Нима қиласан, подадан бурун чанг чиқариб! Домланинг бирор иши бордир-да.

— Домланинг иши... — Али иршайди. — Тарафқашлик қилмай кўяқол. Биламиз, Саксоновнинг дарсдан кейин қанақа иши бўлишини!

— Билсанг, яхши бўпти, сени кара-ю, — Раҳима ҳам кўл силтаганча эшик томон юрди.

Бурдойранг, кулча юзли, чиройликкина бу киз ўзини Шавкатга яқин олиб юради. Шавкатнинг хаёлида эса факат тўп дарди. Бола деган ҳам шунақа бўладими? Алининг нимасидан кўркади? Бошлаб жавоб қилмайдими? Тўп жинниси бўлиш ҳам йўли билан-да. Унингча, ҳар ким бир нарсанинг жинниси бўлармиш. Яна донолик қилиб «Қиз бола бўлсанг ҳам одамни тушунасан, сир сақлашни биласан», деб уни мактаб ҳам кўяди. Футболчи бўлармиш: «Пахтакор»да ўйнармиш. Бир ҳисобдан орауга айб йўқ. Унга далда бўлишни ҳам, эътироз билдиришни ҳам билмай, нима деса индамай эшитаверади. Шавкат футболни суймаганларни хушламайди-да. Футбол ҳақида гап кетганда, айниқса «Пахтакор» ютганда унинг қўллари ёниб кетади, гўё. Нақ ўзини қўярга жой тополмай қолади. «Пахтакор» — «Пахтакор»да, акаси, бизники», деб кўкрагига уриб кўяди. Шундай бўлгач, унинг олдида футболни ёмонлаб бўладими? Мана, ўзи врач бўлмокчи, биров врачликни ёмон десин-чи... Балки Шавкат ҳам ўзича тўғридир. Бир гал унга кўнглидагини айтганда, «Узимизнинг «Пахтакор»га доктор қилиб олардигу, бироқ жароҳатланган футболчига ёрдам кўрсатиш аёлларга тўғри келармикан?» деб ҳазиллашганди. Ҳар гапни футболга олиб келиб такайди ўзи бу — Шавкат.

Шу куни қолган дарсларда Шавкатнинг хаёли сочилиб, қулогига ҳеч нарса кирмади. Саксоновнинг унда нима иши бор экан? «Якка приём»га лойиқ нима айб қилиб қўйди? Ёки... Тунов куни катта танаффусдан кейин адабиёт дарсига ўн минутча кечикиб кирганини Клара Тожиёвна чаққанми? Йўқ, олайларининг бунақа одати йўқ. Унда нимага чакирди экан? Ёки ўтган ҳафтадаги воқеани...

Ўша куни ҳам мактабдан қайтгач, одатдагидек шошилиб овқатланди-ю тўпни қучоклаганча кўчага отилди. Буниси¹ ортидан қўл силтаганча хай-хайлаб қолаверди. Пакка — Ҳошимбой буваннинг ноки таги, тўп ўйнашга қулай бир жой. Кенггина, кўча юзи. Кейин, Ҳошимбой бува ҳам яхши одам, болажон, юввош. Ўзи уйла кам бўлади. Тонг сахар хуржунига иккита қопни тикиб, белбоғига битта нонни ўраб боғлайди-да, эшагига миниб даштга чиқиб кетади. Даштда эккан сабзи-пиёзига андармон бўлиб, эшагига ўт юклаб уйига кеч қайтади. Гоҳида ойдин оқшомлар ўйин ярим кечагача чўзилиб кетар, лекин шунда ҳам чол сира уларни қойимас, факат: «Бас энди, чирокларим, қоронғи тушди-ку, уйларингга боринглар», ёки болалар гапига қулоқ солавермаса, «Хай шайтонвойлар-ей», деб қойиган бўларди. Тўп девор ошиб унинг ҳовлисигами, чорбоғигами тушса, ҳеч ким тап тортмай бемалол эшикдан кириб олиб чиқаверади. Аммо шу кўчанинг нариги юзида турадиган Роҳат ҳоланинг фёғлини сира тушуниб бўлмайди. Бир қарасанг ажабтовур, болалар билан иши йўқ, бир қарасанг худди ялмориз бўлиб кетади-да. Хайхотдек ҳовлида бир ўзи туради. Биттаю битта ўғли ҳам узокда ишлайди, уйига кам келади. Шунисиям тузук, бўлмаса кампир ўғлига айтиб, болаларни тўп ўйнатмай қўярдими. Ҳовли девори баланд. Гоҳо тўп шу баланд деворни ҳам писанд қилмай ошиб кетади. Агар шу пайтда кампирнинг фёғли айниб турган бўлсам, нақ қиёмат килади, тўпни ёриб ташлайди. Мактаб стадиони беғалва-ю, лекин узок — қўшни кишлоқда, икки чақиримча йўлдан бориб келишнинг ўзи бўладими. Қолаверса, ўқитувчиларнинг кўзи тушиб, «дарсингни қил, ота-онангга ёрдам бер» деб хайдаб юборишади. Хуллас, шу кампирни демаса, «пакка»ларидан зўр жой йўқ!

¹ Ойиск.

Кампирдан энг кўп қарғишни у эшитади; чунки тўп баланд деворни писанд қилмай ошиб ховлига тушганда уни олиб чиқиш Шавкатнинг бўйнида. Кампир эшиқдан қўймайди. Бошқаларга-ку бари бир, аммо у ўйин давом этиши учун девор-ку девор, тоғни ошиб ўтишга ҳам хамиша тайёр.

«Пакка»да Шавкатнинг тенгқурлари кўринмасди. Майдароқ болалар Саиднинг тўпини тегишаётган экан. Шавкат тўпини бир четга қўйди-да, бир оз ўйинга қараб турди, охири сабри чидамади, шартга қўлини кўтарганча ўртага тушди.

— Тўхтанглар! Мен ҳам қўшиламан.

Бир-икки бола норози бўлиб лабини чўчайтирди.

— Сиз каттасиз-у, — деди бири юрак ютиб. Шавкат уларнинг гапига кулок солмай бориб бир томонга қўшилди.

— Силар кучли бўп кеттиларинг, — деди рақиб томондагилар. — Ахир сиз мактаб термасида ўйнайсиз, бизга яна бир киши ўтсин!

— Вой, мишқилар-ей, ҳозирдан фойда-зарарни била-санлар-а, ҳўп сен ўта қол, — деди Шавкат пачакроқ бир болага. Боланинг юзлари тундлашиб нариги томонга ўтди.

— Аммо-лейкин каттик теппайсиз, — деди Саид ҳам унинг қўшилганини унчалик хушламай. — Роҳат хола уйда.

— Вой-бўй, намунча қўркасан, биламан бу ер «Пах-такор» стадиони эмас. Секин-секин ўйнаймиз.

— Шунақа дейсиз-у, нукул сиз...

— Бўлди, бўлди, тўпинга жин урмайди. Қани, бош-ладик.

Ўйин қизиқ кетди. Бир ўйинчи кам бўлишга қарамай, Шавкат томондагиларнинг шашти баланд, уст-устига хужум қилишяпти. Ўйинга берилиб кетган Шавкат кетма-кет химоячиларни алдаб ўтар, «жамоадеш»лари бўлса: «Яшанг, Шавкат ака, бўш кеманг!» деб шовқин солишарди. Голлар ва қийқириқлардан у яна руҳланиб, ўзини телевизорда кўп кўрган моҳир пахтакорчи Абдураимовдек сезар ва чакқонлик билан дарвозага тўп устига тўп урарди. Бир вақт рақиблардан бири Шавкатни чалиб юборди. У гандираклаб, юзтубан йиқилишга оз қолди. Бироқ тезда ўзини ўнглаб олди-да, қоидабузарнинг адабини бермоқчи бўлди. Лекин ўзини босди... тўғри кел-

майди, футбол — бу спорт! Спортнинг ўзига яраша қонун-қоидалари бор. Шартта ўйинни тўхтатаб «жарима» белгилади. Хакам ҳам, тепадиган ҳам ўзи. У тўпни ўрнаштириб қўйди-да, ён-веридагиларни қўли билан четлаб, яна ўша Абдураимовдек ёнлаб югуриб келди-да, зарб билан тепди. Тўп ҳаволаб кетди, кейин у кутган болаларнинг «Ура, гол!» деган қийқириги ўрнига ойнанинг жаранглаб сингани эшитилди. Болалар жаладан қочгандай тумтаракай бўлиб кетишди. Кўча ўртасида Шавкат ва ёнида минғирлаганча Саид қолди. Хаял ўтмай Роҳат ҳоланинг шанғи овози эшитилди. Шавкатнинг юраги орқага тортиб кетди. Ана энди кампирдан балога қолади... Саид рангидан қони қочганча унга қараб йиғламсиради:

— Эттиму каттиқ теппанг, деб. Энди Роҳат хола ёради.

— Ваҳма қилма!

— Ўзингиз обераас...

— Хўп-хўп. Обераман. Қўркаверма! Ёрса меникини оласан.

— Ўзимники яхши.

Роҳат хола бўлса қишлоқни бошига кўтаргудек бўларди:

— Вой, яшшамагурлар-ей, неча марта ҳайдаيمان бу қулоқсизларни, бошқа жой қуриб кетгандай нуқул менинг пешонамга келиб ўйнайди. Бола эмас булар, худонинг балоси.

Аста кўча эшиги очилиб, қомати ёйдек эгик, мушдеккина кампир кўринди. Эгилиб юрганидан эғнидаги чит қўйлагининг этаги ер супуриб келарди. Унинг бир қўлида тўп, иккинчисида узун ошпичок бор эди. Кўча ўртасида шумшайиб турган Шавкат билан Саидга кўзи тушиб, баттар фигони ошди.

— Хув ойнамни синдирмай оёқкинанг сингурлар! Ўйиннингга ўт тушқурлар! Қайси биринг қилган бўлсанг ҳам шу бугуноқ тузатиб берма-чи, нима қилар экамман, ха! Иккалангни ҳам таъзирирнинг бердирмасам Роҳат отимни бошқа қўяман!

— Тўпни беринг, хола, — деди Шавкат айбини бўйнига олгандек аста кампирга яқинлашиб. — Бошқа ўйнамаймиз!

— Беринг, бошқа ўйнамаймиз, — дея секин уни қувватлади Саид орқадан.

— Вой, касамхўрлар-ей, минг марта айтгансанлар бу гапларни. Энди сенларнинг лабзингга ишониб бўпман. Сенларда лабз борми? Кўзинг бойўғлиникига ўхшамай ўлгур Саид, тўп сеники экан-да, а? Энди сен ҳам шу хўкиздай Шавкатга қўшилиб олибсанда, а? Қани, айт, ойнамни қайси биринг синдирдинг? Йўкса ҳозир... — кампир тўпга пичоқ қадади.

— Ёрманг... — ранги боягидан бешбаттар оқариб кетган Саид кўзларига ёш олиб кампирга ялинди. Роҳат хола бир қўлини чаккон бўшатиб, унинг қулоғидан ушлаб олди ва каттик чўзди. Саид ростакамига йиғлаб юборди.

— Айт! Бўлмаса нақ узиб оламан!

— Вой, қулоғим! Қўйворинг!

— Айтасанми-йўқми?

— Оғрияпти...

— Жонинг ширин бўлса, айт тезроқ!

— Шавкат акам...

Кампир қўлини бўшатди. «Мен» дейишга боядан бери юраги дов бермай турган Шавкат пича ўзини енгил сезди. Саид эса Шавкатнинг «сотқин» дейишидан кўрқиб, чўзилган қулоғини ишқалаганча унга чўчиб қараб турар эди. Кампир энди Шавкатнинг устига бостириб кела бошлади. У ортига тисарилди.

— Сен шумтакага қачон ақл киради? Дастингдан ўлиб бўлдим-ку! Экишга тайёр томорқамни тепкилайвериб асфальт қилдиларинг. Узумимни гулидаёқ тўкиб битказасанлар. Иккунда бир ойнамни солиб бер, деб ҳар кимларга ялинавериб жинни бўп кетдим, эсимдан эс қолмади. Энди ўзинг тузатасан! Бўлмаса...

— Хўп! Тузатиб бераман!

— Тузатасан-да, тузатмаям кўр-чи!.. Нима, мени сандиққа босиб қўйган бир қоп пулим бормиди?

— Тўпни беринг! — қизариб кетган қулоғини ишқалаганча Саид орага гап суқди. Кампир унинг қулоғини чўзиб пича ховуридан тушди чоғи, тўпни ёриш фикридан ҳам қайтгандек эди.

— Бу ерда яна қорангни кўрсатасанми? — деди у Саидга ўгирилиб.

— Йук!

— Йўқ эмиш, ёлрондан ҳам кўркмайди булар. Ол, зормандагғи, — кампир тўпни Саиднинг бапарасига қараб отиб юборди. — Лейкигин манави ярамас Шавкат-

ники бўғанда қийма-қийма қилиб ташлардим. Аммо-лейкигин, охирги пайтларда сен ҳам байда жа кўп ўралашиб қолдинг, бу ёрига иккала қулоғинг билан ҳам эшитиб ол: сеникиям қайта қўлимга тушса, облоху акбар, билдингми?

— Билдим.

— Бор, йўқол! Туркингни кўрмай.

Саид беҳос юзига тегиб, анча нарида думалаб кетаётган тўп орқасидан чопиб кетди. Кампир Шавкатнинг бувисини юзхотир қилди шекилли, энди сал юмшаб гапирди:

— Уялмайсанми-а, шу уканг тенги болаларга кўшилиб кўча чангитгани? Бувинг бўлса доим сени мақтаб юради. Уят, уят, қап-катта йигит. Лейкигин қандай қилсанг ҳам ойнамни шу бугунок тузат!

Шавкат ўша кунiek ўртоқлари билан Абдуғаффор устаникидан олмос, ойна, зирамих келтириб, ҳаммасини қойиллатди, кампирнинг алами босилсин, деб ҳатто кечки ўйинни иккинчи «пакка»ларига — Абдурахмон касирнинг уйи олдига кўчирди. Бу ер тинч эди-ю, бироқ тангрок, бунинг устига бир ёнида арик ҳам бор, тўп сувга тушавериб безор қилади. Асли шу Роҳат хола бирор ёққа кўчиб кетганда зўр бўларди-да: кўча ўзлариники бўлиб қоларди, хоҳлаганча маза қилиб ўйнашарди.

Сирасини айтганда, тўп ўйнагани киш яхши — «стадион» кўпаяди. Мол-қўйларини далага кўйиб юбориб, ғўзапоядан бўшаган бўлакларда¹, бедапояларда тўп тепишга нима етсин! Ҳеч кимнинг ойнаси ҳам синмайди, девор ҳам ошилмайди, қулоклари ҳам тинч бўлади.

Демак, шу воқеа Саксоновнинг қулоғига бориб етибди-да. Ким етказдийкин унга? Ё Роҳат холанинг ўзи келиб арз қилдимикан?..

— Турмайсанми?

Шавкат чўчиб тушди. Туртган Раҳима эди. Қараса, ҳамма ўрнидан турган, тарих ўқитувчиси синфдан чиқиб борарди. Охирги соат бўлгани учун бирин-сирин йиғиштирилиб болалар ҳам жўнади. Унинг болаларга хаваси келди, аммо... Гўё буни сезгандек Али ёнидан эрмаклаб кўз қисиб ўтди. Яна баъзилар ҳам ачингандек унга қараб-қараб чиқиб кетди. Шавкат сумкасини олиб хушламайгина математика хонаси томон йўналди. Кўп ўтмай

¹ Дала пайкал.

у Саксоновнинг олдидан қувониб чиқди. Боягина ковок-тумшуғи осилиб математика хонасига ўғри мушукдек пу-сиб кириб боргани қасқда-ю, у ердан гул-гул очилиб чиққани қасқда!

У сумкасини ҳавода айлантирганча мактаб ҳовлиси-даги катта толга суяб қўйилган велосипеди рулига уни илиб, эгарга енгил кўнди-да, стадионга ўтди. Баҳор таф-ти уриб ажриқлари яшил тусга кира бошлаган майдонни велосипедда гир айланаркан, хаёлида Саксонов айтган гаплар чарх урар эди.

— Кеча РайОНО дан хабар келди: баҳорги таътил кунлари вилоятдан «Фарғоналик ёш сайёҳлар» поезди республика бўйлаб сафарга чиқаркан. Бизнинг мактаб-дан ўқитувчилар сени мўлжаллашди. Чет тили ўқитув-чинг ҳам, жисмоний тарбия ўқитувчиси Расул ҳам, ада-биёт ўқитувчинг Клара Тожиевна ҳам. Мен ҳам уларни қувватладим. Математикага озроқ ялқовлигингни айтиб ўтирмадим. Бир Гулливер бўп ке-чи, кейин бу ёғини ҳам тузатарсан-а? Даданг олдиниға унамади, кўплашиб базўр кўндирдик. Энди гап сенда қолди. Борасанми?

— Бораман!

— Унда тайёргарликни кўравер! Таътилга ҳам бир хафта қолди.

— Домла, каерларга обориларкан?

— Самарқандга, Бухорога, Урганчга, Хивага...

— Тошкентга-чи?

— Тошкентга ҳам. Нима эди?

— Ўзим, шундай...

Шавкат катта кўчага чиқди-ю велосипедини елдай учириб кетди. Тошкентга борилса зўр экан. «Пахтакор» стадионини ўз кўзи билан кўради. Олий лига ўйинлари ҳам аллақачон бошланган. Бахтига ўйин куни тўғри ке-либ қолса, бир мириқиб «Пахтакор»га «балет» қилади. Неча марта катта болаларга қўшилиб атайин Фарғона шахрига бориб «Нефтчи»нинг ўйинини кўрган. Гол бўлганда ишқибозларнинг бақиринлари оламни бузаман дейди. Ҳамма бараварига туриб кетади, ким дўпписини осмонга отган, ким танимага ҳам ёнидаги одамни қучиб ўпган... «Пахтакор»да бундан ҳам зўр бўлади, телеви-зорда кўрган...

Дадасининг унагани зўр бўпти. Энди иссиғида режа-ларини тузиб олиши керак. Ҳозирок, уйга бориб, ўтган йили «Ўзбекистон физкультурачиси»дан келган хатни то-

пади. Унда ёш футболчилар тайёрлайдиган Герман Титов номидаги махсус спорт мактаби хакида ёзилган. У, албатта, ўша ерга бориб ўқийди, футболчи бўлади, «Пахтакор»да ўйнайди. Бу ерда эса ҳеч ким унга хайрихоҳ эмас. Футбол — эрмакка чиқарилган тўп ўйини эмиш. Дадаси ҳам, буvisи ҳам, бошқа насихатгўйлар ҳам бир гапни топиб олишган: оёғинг синади, майиб бўласан, ёшинг ўтгандан кейин футбол сенга нон бермайди... Агар ҳамма улар ўйлаганчалик нон топиш дардида касб танласа, ўз соғлиғини, ўз тинчини кўзласа, унда адабиёт опайлари кўп тилга оладиган Чапаев, Кочубей, Павел Корчагин, Абдулла Набиев, Тўйчи Эрийгитов, Мамадали Топиволдиев, Зоя Космодемьянская ва «Ёш гвардия»чилар қахрамонлик кўрсатардими? Ахир Юрий Гагарин ҳам илк бор фазога учганда ўзини ўйламаган-ку! Тўғри, футболчи бўлиш қахрамонлик ҳам, космонавт ҳам бўлиш эмас, лекин ҳамма ўз оёғини, жонининг тинчини кўзлайверса унда футболнинг, ўзбек футболининг ҳоли не кечади? Хўш, булар ҳақда ким ўйлайди, ким бош қотиради? Ахир футбол юлдузи қилиб Пелени оламга танитган, Лев Яшинни, Эсебиони, Круиффни, Жоирзиньо, Ривелино, Марадона, Россияларни дунёга машҳур қилган ҳам шу футбол эмасми? Ўзларидаги Красниқкий, Абдураимов, Пшеничников, Раҳматуллаевларнинг номларини Ўзбекистонда ким билмайди? Хатто чет элларда ҳам билишадик-ку. Ўтган йили — олтинчини битиргандаёқ Тошкентга — спорт мактабига бормоқчи эди. Аввалига дадаси «йўк» деди, директор-да, ҳужжатларини бермади... Кейин бошқа ўқитувчилар ҳам бошида униинг ёнини олишган бўлди-ю, охирида айнишди. Хатто физрук — Расул домла ҳам факат галда бор экан. «Спортни севинглар, болалар! Спорт унақа, спорт бунақа...» Ё дадаси бир нима деб қулоғига шипшиб қўйганми, ўшандап буён Шавкатга нуқул футболни ёмонлаб гапирди... Шартта Ломоносовга ўхшаб уйдан қочиб ҳам кетарди-ю, ҳужжатларини ололмади-да. Энди «Тошкент» сўзини эшитса юраги жизиллайди, кетаётганларга эргашиб жўнаворгиси келади. Дадаси эса бора-бора футбол сўзи овзидан чиқарчиқмас ёкасига ёпиштирадиган бўлиб қолди.

... Бир гал колхоз машина бермади. Йўлкира қилишиб, етмиш-саксон чакирим йўл босишиб, кўпчилик бўлиб Фарғонага «Нефтьчи»нинг ўйинини томошасига боришди. Қайтишда йўловчи машина кутиб, кеч қолиш-

ди. Шунда тўп деса дунёнинг нариги чеккасига ҳам боришдан тоймайдиган Саминжон «қолсак-чи», деб таклиф қилди. Саминжон Шавкатдан уч-турт ёш катта, тўп тегишда энг мохирлардан. Бир томони Шавкатларга қариндош.

— Уйдагилар илҳак бўлади-да, айтмаганмиз, — деди бошқалар эътироз билдириб.

— Дадам уришади, — деди Шавкат ҳам тапвишлашиб. — Бу ёққа келганимни билмайди.

— Йўлини топамиз, — деди Саминжон.

Хуллас, чойхонада тунаб қолишди. Саминжон бирпасда аллақаяга бориб, қишлоққа «сим қоқиш»га ҳам улгурди. Эртасига шаҳар айланиб юриб-юриб, уйга қайиш қорайгандагина кириб келишди. Дадаси Шавкатни оғборхонага қамаб обдон савалади. Бу ҳам етмагандай оғборхона эшигини қулфлаб қўйди. Шу ерда ётган иккита эски яшиқни устма-уст қўйиб, қорақуяга беланганича энди мўридан бошини чиқариб томга ўтмоқчи эди, дадаси кўриб қолиб, қўлига илинган нарсани унга қарата олди. Кўрқканидан ўзини пастга тапплаб юбориб бадани моматалок бўлди. Дадасидан еган калтаклари-ю йиқилиб тушгани бир бўлиб анча кунгача дарсга бйролмай юрди. Шу футболни деб у ҳаммасига чидаб келган, бундан кейин ҳам чидайди. Лекин вақт ўтапти, футболчи бўлиш учун эса ҳозирдан — суяк қотмасдан ҳаракат қилиш керак. Баъзилар, олдин мактабингни битир, футбол қочиб кетмас, деб унга далда бермоқчи бўлади. Йўқ, кейин кеч бўлади. Уларнинг фикрича, футболчиликка ўқишнинг ўзи бир аҳмоқлик эмиш. Гапларининг бемаънилигини... Демак, унинг учун бирдан-бир йўл — Тошкентга борганида ҳаммасини ўзи ҳал қилиб келиши қолган. Худди эртақлардаги қахрамонлардек ўз орзуси, ўз тақдири учун ўзи курашади. Бўлмаса, орзусига етолмайди, ҳақиқий футболчилар қиядиган футболкани киёлмайди, сеvimли командаси «Пахтакор»да бир умр ўйнамайди. Йўқ, у футболчи бўлиши учун қўлидан келган ҳамма нарсани қилишга тайёр, қандай тўсиқ бўлмасин, барини енгиб ўтади. Футбол — унинг ҳаёти, келажаги. Нега буни ҳеч ким тушунишни истамайди? Нега?! Бир оғиз «Борақол, жуда футболчи бўлгинг келаётган бўлса, бориб ўша ерда ўқи, бахтингни синаб кўр», дейишса-ку, олам гулистон-ку! Дадаси ҳам қалати-да, ҳамма нарсани тушуниган ўқитувчи бўла туриб футболга келганда тўнини

тескари кийиб олади. Ўзлари-ку телевизорда футбол бўлса, телевизорнинг тагига ётиб олади. Аслида шу футболга ишқибозлик ҳам дадасидан юққан-ку!

Бувисининг айтишича, дадаси армиядан келгач, колхоз марказидаги мактабда болаларни «раз-два»дан ўқитиб юраркан. Бувиси ҳам дадасини далада ишлаб юрганда мактабга «жин араваси»ни миниб катнаган кезлари кўрган экан. Нукул уларнинг рўпарасига келганда велосипед ё занжир ташларкан, ё «бузилиб» коларкан... Эсини таший бошлаган дамлардан дадаси «опшук йигит, ширин йигит, кора майиш йигит» деб эркалатганларини у ҳамон эслайди. Кейин-кейин дадаси ўша армиядан қайтган йили Ленинободдан миниб келган «ХТЗ» велосипедига (бувиси айтган «жин арава»га) миндириб, уни ҳам мактабига олиб борарди. У стадионнинг бир четида ўтирганча болаларнинг хансираб чоллиларини, турникка осилишларини, тўп ўйнашларини томоша қиларди. Айниқса, ўғил болаларнинг икки тараф бўлиб тўп тепишлари унга жудаям ёқарди. Дилида футболга кизиқиш ўшанда пайдо бўлган бўлса ҳам ажаб эмас; дадаси ҳам унинг кўнглига караб кишлоқда ўша пайтларда хали ҳеч кимда йўқ чарм тўп (бошиқа болаларда тикан кирса тешилиб, дами чикиб кетадиган резина тўп бўлар эди) олиб берди. Болалар унинг чарм тўпини ўйнашга ишқибоз эди: «Бор, Шавкатжон, тўпингни олиб чиқкин», деб унга ялинишарди. Гох олиб чиқарди, гох йўқ. Агар ялинганлар орасида ўзи ёқтирмайдиган битта-яримта бола бўлса, олиб чиқмасди. Катта-катта болалар тўп эгаси бўлгани учун кичкиналардан ҳеч кимни ўйинга кўшишмаса ҳам уни кўшишар эди. Митти бўлсаям чиранчок эди. Уйларининг рўпарасидаги кинотеатр ўрни илгари ажриқзор эди, кўпроқ ўша ерда ўйнашарди. Хатто ойдинда ҳам алламаҳалгача кишлоқ оромини бузиб тўп ўйини тўхтатай демас эдилар. Уйлари яқин бўлганидан Неъмат ўпка уларни сўкар, йўлчи бакирокнинг жағи очилиб қоларди. Болалар парво қилишмасди. Гохида қоронғироқ бурчакка пилдираб кетган тўпши ярим соатлаб излаб эслари кетарди. Баъзиларнинг ота-оналари жиғибийрони чиққанча келиб, бакириб-чакириб, қулоғидан чўзиб, олдига солиб хайдаб кетарди. Мана шундан буён футбол унинг жону дили. Бўш вақтини тўпдан бир қадам нарида ўтказмайди. Лекин мактабларига дадаси келди-ю, ишнинг пачаваси чиқди. Ҳамма ун-

га директорнинг ўғли деб айрича ҳурмат билан қарайдиган бўлиб қолди; бу билан унинг заррача иши йўқ, лекин дадасининг келишини унга фойдасидан кўра зиёни кўпроқ эди. Баҳолари сал пастласа, ёки озгина шўхлик қилса — тамом, ҳамма катори домлалардан сўкиш эшитгани етмай, уйга борганда дадасидан балога қолади. Алига ёки Абдулла сўтакка ўхшаганлар билан ёғиллашиб, ёқаллашиб қолса ҳам дадаси уни уришаверади. Хак-ноҳақ дакки-дашном еявергандан кейин алам қилади-да, одамга! Нима, Али атайлабдан унинг оёғига тепса ҳам индамайсанми?

Аяваллари футболчи бўламан, деганда дадаси: «Хасендан Абдураимов ёки Красницкий чиқади», деб кўнглини кўтарарди. Энди эса «тўнани тескари кийиб» олган. «Мундоқ зехн қўйиброқ ўқи, математик бўласан, пединститутга кириб ўқийсан» эмиш. Э, ундан икки дунёда ҳам Саксоноя чикмас! Ўзи қизиқмаса, юраги жиз этмаса, қандай математик бўлсин! Дадаси ҳам ғалати-да, юрагидаги дардини билатуриб шунақа дейди. Унинг нияти битта: «Пахтакор»да ўйнаш, хужумчи бўлиш, вассалом. У ҳали шундай тўплар урсинки, худди 1966 йилда Австрия терма жамоаси дарвозасига Бишовец «бошидан ошириб» урган тўлдан ҳам чиройли бўлсин, ишқибозлар бир умр эслаб юрсин. Дадасидан бошқа директор бўлганда аллақачон ҳужжатларини бир амаллаб олиб, Тошкентга кетворарди...

Шавкат шу ўйлар билан ҳовлиларига кириб келди-да, велосипедини йўлак деворига суяб қўйиб, сумкасини кўтарганча нарвондан дарвоза тепасидаги болаҳонага кўтарилди. Бу ер унинг дарсхонаси, ҳеч ким ҳалақит бермайди; бувиси чиқишга хафсала қилмайди, дадаси ўзидан ортиб бир ойда бир чикса чиқади, бўлмаса йўқ. Укаларини ўзи йўлатмайди. Хонада бир стол ва бир стулдан ташқари китоб тўла этажерка, мактаб термаси билан у ёқ-бу ёққа футбол ўйнагани борганда қиядиган бир сидра яп-янги футбол формаси-ю, ўтган йили Тошкентдаги физкультура институтида ўқийдиган ҳамқишлоқлари Фозил курашчи келтириб берган олачипор тўпи бор. Бу тўп дадаси олиб берганидан ҳам зўр. Яна аллақанча «Ўзбекистон физкультурачиси», «Советский спорт» газеталари, «Спортивные игры» журнали, турли йилларда турли нашриётлар чиқарган футбол маълумотномалари, машҳур футболчиларнинг суратлари жамлан-



ган иккита альбом ва «Пахтакор» командаси тўғрисида, унинг ўтган йиллардаги ўйинлари ҳақидаги қайдларга, жадвалларга тўла қалин-қалин дафтарлари ҳам бор. Дафтарлардаги ёзувларни у ёд биларди. Билаюнлигидан болалар орасидаги футбол баҳсида доим ғолиб чиқарди. Деворларга эса қайсидир журналлардан қирқиб олинган, дадаси ҳар кўрганда «ёйиштир», деб уришадиган Пеле, Круифф, Бэст, Лев Яшин, Абдураимов, Красницкий, Пушкин (улар Пшеничниковни шундай аташарди), Стрельцов ва яна бошқа қатор машҳур футболчиларнинг ўйин пайтидаги рангли, рангсиз суратлари ёйиштириб ташланган. Китоблар орасида эса Азиз Несиннинг «Футбол қироли» китоби ҳам бор. Хуллас, пастаккина, чоғроқ бу хонада у ўзини улкан бир футбол дунёсида юргандек ҳис қиларди.

Шавкат сумкасини столга қўйди-да, девордаги расмларга узок тикилиб қолди. Одатдагидек, суратлар унинг ҳаёлини олис-олисларга олиб қочди... У секин «Футбол қироли»га қўл чўзди. Китоб қатида Шавкат тез-тез ўқиб турадиган, ҳар ўқиганда дили ёришиб кетадиган, ёлғиз тасаллиси, умиду ишончи, ҳамдарди — Тошкентдан келган мактуб сақланарди. Ҳозир жуда-жуда уни ўқигиси келди.

III

«Ҳурматли Шавкатжон Ҳамдамов, — деб бошланарди машинкада ёзилган ўша хат. — Сиз таҳририятимизга йўллаган мактубни ўқиб чиқдик. Истагингиз футболчи бўлиш экан, бу жуда яхши. Республикамиз, яъни Ватанимиз футбол шарафини ҳимоя қилиш учун ҳамиша таланти ёшлар керак. Бундай талантлар сиз каби ўтюррак, бир сўзли ёшлар орасидан отилиб чиқиши бизни доим қувонтиради. Барча соҳадаги сингари яхши футболчи бўлиш учун кишида хоҳиш-истакдан ташқари талант ҳам бўлиши керак, сезишимизча, у сизда борга ўхшайди. Талантни эса ёшликдан эҳтиётлаб ўстириб бориш керак. Вақтнинг фарқига бормай кўча-кўйда уззукун тўп тепавериш билан мақсадга эришиш кийин. Сиз буни вақтида тушунибсиз: спорт мактабида ўқишга чоғланиб оқилона ҳулосага келибсиз, шогирднинг устоз кўргани яхши, мактаб кўргани яхши. Футбол — улкан спорт, ўзига хос катта бир санъат. Шунинг учун Шавкат-



жон, сизга буларни эслатарканмиз, аҳдингиз хақида яна бир бор пухтарок ўйлаб кўринг, деймиз. Футболга кизикишингиз ўткинчи бир ҳавас эмасми?.. Кўпинча болаликда одам ўт-олов бўлади, саҳродаги сароб чанқаган кишига улкан дарё янглиғ кўринганидек, гоҳида хаёлий шон-шухрат ҳаваси одамни алдаб қўяди. Агар кизикишингиз ўткинчи бир ҳавас эмаслигига қатъий ишонсангиз, астойдил ҳаракат қилинг, албатта, ниятингизга етасиз, бунинг учун бизда ҳамма шароит бор.

Хозир ҳар бир вилоят марказида, ҳатто баъзи туманларда ҳам махсус спорт мактаб-интернатлари мавжуд, табиийки, уларда футбол бўлимлари ҳам бор. Пойтахтимиздаги Герман Титов номли махсус спорт мактаб-интернатида ёш футболчилар ҳам таҳсил олишади: улар малакали устозлар ёрдамида мамлакатимиз ҳамда чет эл футболлида эришилган ютуқлар асосида футбол сирларини, техникаси ва тактикасини ўрганишиб, етарлича жисмоний тайёргарликдан ўтишади. Ўз устида кунт билан ишлаган, машғулотларда ўзини кўрсатган иқтидорли ёшлар мактабни тугатгач, республикамизнинг олий лигадаги асосий жамоалари сафида тўп суришади. Бу мактабни тугатган таникли ўйинчилардан Тўлаган Исоков, Олим Ашуров, Владимир Фёдорон, Михаил Ан, Шухрат Эшбўтаев, Вячеслав Бектошевлар турли йилларда «Пахтакор» шарафини мардонавор ҳимоя қилишганидан ҳабарингиз бўлса керак...

Шавкатжон, биз ҳам сизни кунт билан футбол сирларини ўрганишингизга, келгусида мамлакатимизнинг етук футболчиси бўлиб етишишингизга тилакдошмиз!»

... Улкан «Пахтакор» стадиони томошабинларга лик тўла. Шавкат ҳам пахтакорчилар сафида ўйнаяпти. Ана, тўп унга оширилди, унинг оёғига тўп тегар-тегмас ишқибозлар жонланиб, ҳамма ўрнидан туриб кетди. У кетма-кет рақиб ўйинчиларини алдаб ўтиб, гол урди. Бўлди қарсак, бўлди олқиш. Таблода ёш ҳужумчи Шавкат Ҳамдамов фамилияси ёнди. У қувончдан ўзини қўярга жой тополмас эди. Ишқибозлар тинмай олқишлашарди. Диктор унинг исмини тилга олиб, тўп урганини таъкидлади, яна шовкин кўтарилди. Теварак-атрофдаги дарахтлардан қушлар осмонга учди...

Хат гўё сеҳрли денгиз эди. Ҳар гал ўқиганда у бу сеҳрли денгиз тўлқинларига миниб чексиз олисликлар сари сузиб кетарди. Эҳ-хе, Шавкат не-не қадам етмас



кирғоқларга, сирли оролларга бориб келмади. Айниқса, хатни илк бор ўқигандаги қувончу шодликларини таърифлашга тил оғиз. Хатни олиб ўқигач, уни аввал Раҳимага кўрсатганди. Уйга келгач эса бувисига суюнчиллаганди. Унинг тўп ўйин матмаиначаларидан безори жон бўлиб юрган Хайринисо опа тушлиқдан кейин далага шошиб турган бўлса ҳам, ўғлининг гапларини олдиниға индамай эшитди. Бироқ Шавкат хатни сўзма-сўз ўқиб, тушунтириб бергач, далага кетаётганини ҳам унутди, ранги ўзгариб, ўғлини ёниға ўтказди.

— Қишлоғимизда ҳар бири тиллоға тенг касблардан кўпи йўқ. Қара, Худойназар домланинг доктор ўғли Анваржонға, ҳамманинг дардига даво топиб, эл дуосини олади. Биров ўқитувчи — болаларнинг саводини чиқаради. Биров уста — иморат куради, биров колхозчи — ҳеч кимдан кам жойи йўқ. Кўргин, бу касб-хунарларнинг нимаси ёмон? Ҳамманинг ҳаваси келади. Билмадим, сенға нима жин теккан: келиб-келиб ишқинг шу — оти-жўни йўқ касб — тўп ўйиниға тушганини... Аслида бариға даланг сабабчи, кичкиналигингдан «қора майиз ўғлим, асал ўғлим, тилло ўғлим, ширин ўғлим» деб эркалатиб, талтайтириб юборди. Бошида тийиб олиш ўрниға кўнглингтға қараб қатор-қатор тўп олиб берди. Энди жазосини тортаверсин! Кап-катта одам яқин-яқингача болаларни чоптириб, афандидек ўзи ҳам кўшилиб югуриб юарди. Кўрган аёллар гапиришса номусдан ўлай дердим. Айтсанг, «физкультурачиман», дейди. Даданг, энди ақли кириб физкультурасини ташлаганда, сенинг тўп ўйининг бормиди? Даданг биледи, мен билмайман, уни куйдирсанг бошинг оққан ёкка кетавер, Тошканми, Масковми, Парижми, ўзинг биласан.

Бувиси кетмонини елкаға ташлаб далаға жўнади. Шавкатнинг роса боши қотди. Барибир кечкурун дадаси ишдан қайтгач, юрак ютиб хатни унға кўрсатди.

— Яна шу гапми? — Дамин ака тутокиб кетди, кўзларига қон югурди. — Сенға неча марта айтганман, футболчи бўлмайсан деб. — У хатни очмасданоқ улоқтириб юборди. — Қўл-оёғинг синиб, бир умрға майиб-мажрух бўлмоқчимисан? Бунақа бўлмагур ўйларни каллангдан чиқариб ташла!

— Барибир кетаман!

— Каёкка?

— Футболчилар мактабига.



— Ўзбошимча! — Дамин ака Шавкатнинг юзига тарсаки тортиб юборди. — Кулоқсиз! Бор, йўқол! Кетсанг, hozирок кет!

Шавкатнинг юзлари чўғдек ёнди. Аммо негадир бу гал кўзларига ёш келмади. Бунга кейинчалик ҳам у кўп хайрон бўлиб юрди. Илгарилари дадаси урса, сўкса кўзларидан дувиллаб ёш тўкиларди. Чунки у нактлар бирор айби учун сўкиш эшитарди, калтак ерди. Ҳозирчи? Ахир ўз кўнглингдагини айтиш айб эмас-ку. Шундай бўлгач, тўғрисиини айтди-қўйди-да. Тўғри гапга калтак еди-я! Олдин кетмаса ҳам энди кетади... У бошини маърур кўтарди, ерда ётган конвертни олиб, алам тўла кўзлари билан дадасига илк бор тик қаради. Сўнг ҳеч нарса демасдан шартта орқасига ўгирилди-да, югурганча кўчага чиқиб кетди. Оқшом туша бошлаган эди. Қоронғилашаётган кўчаларда одам кам. Унга шуниси маъқул. Тўғри сўқмоқдан дала томон юрди. Илгарилари чўчиб ўтадиган паскам жойлардан ҳозир кўркмай ўтди. Хўжаарик бўйига келиб кўркинчли, чуқур жарликда йилтиллаб оқаётган сувга тикилганча ажрик устига ўтирди. Ўтирди-ю, бирдан ўпкаси тўлиб хўнграб юборди. «Ота эмиш, золим... Орзуларимга ғов бўлгани-бўлган. Барибир кетаман!» Шавкат секин кўз ёшларини артди. Йўқ, у кадригамас, дадасидан еган тарсаки учун эмас, балки ўзи ҳам англай олмайдиган қандайдир ҳаяжонга дош беролмаганидан йиғларди. Бу ҳаяжонни у илк марта ҳис этмоқда эди, дадаси билан бўлиб ўтган тўқнашув эса унинг юрагида бошланган ғалаёнга бир баҳона бўлган эди. Қоронғида сал-пал оқариб кўринаятган муқаддас Хўжаарик сувига қараб у «Албатта футболчи бўламан!» дея дунёдаги барча муқаддас нарсаларни тилга олиб олт ичди. Энди дадасининг калтаклари, сўкишлари унда нафрат кўзғатарди, холос. Бироқ ишни нимадан бошлаш керак! Кимга бориб арз қилсин! Булар ҳозирча жумбоқ. Лекин энди бир нарса аниқ: дадасидан асло бу йўлда рўшнолик кўрмайди; дадасига тарафқаш ўқитувчилардан қўлини ювиб қўлтиққа урди. Унинг орзулар у ёқда турсин, ўзи ҳам улар учун бир пул экан-ку. Фақат бувисинигина юраги ачинаркан, холос. Боя қизишиб гапирганда ҳам унга бўлишгиси келиб турди. Бор гапни бувисига айтди-ю кетди. Бувиси уни барибир тушунади. Дарвоқе, уни жуда ҳам ҳурмат қиладиган Раҳимага ҳам айтади.

Орзуси йўлида бу ерда уни бошқалар суямас экан, у ҳам бошқалар билан ҳисоблашиб ўтирмайди. Мақсади футболчи бўлишми, бу йўлда оёғи синаркану, ҳатто жонидан айрилса ҳам чекинмайди. Бу ердагиларнинг барининг тили бир, ўйи бир, футболини ҳатто ярим тунда ҳам айикдек ағанаб, мижжа қокмай ҳузур қилиб телевизорда томоша қилишни билишади-ю футболчи бўламан деганини кўришолмайди. «Пахтакор»ми, «Нефтчи»ми ёмон ўйнаса буралиб сўкишади. Яхши ўйинчилар, яхши жамоа қаердан пайдо бўлади, бу ёғи билан заррача ишлари йўқ. Уларга сўкиниш бўлса бас. Шу ерда ҳам футболчи бўлиш мумкин эмиш. Физкультура домласи футбол техникасини ўргатиш у ёқда турсин, тўп тепаман деб ағанаб тушади-ю... Ақалли Физкультура институтида ўқиганда шу камчилигини тузатарди, у эса пединститутнинг тарихида сиртдан ўқиган. Дарс бергач, шу соҳада ўқимайдими? Мактаб, РайОНО раҳбарлари ҳам физкультурани менсимай, дуч келган одамга топширишаверади. Дарсда нукул ўғил болаларни икки катор қилиб, орага тўп ташлаб кўяди: билганларингча талашаверинглар! Қизларга бир умр волейбол ўйнатади. Бунақада бу яқин-орада тузук-рок спортчи чиқармиди. Ахир футбол — юмалоқ тўпнинг орқасидан бир гала бўлиб чопиш эмас-ку! Шунанга, спортни менсисмайди, панжа орасидан қарашади, э, шу физкультура ҳам бир дарс-да, болалар ўқий-вериб зерикиб кетмаслиги учун чиқарилган-да, деб ўйлашса керак-да. Шундай бўлгач, уни ким ўқитгани билан ишлари нима. Хўш, агар футбол ҳам улар ўйлаганчадик жўнгина бир тўп ўйин бўлса, юз боладан тўқсон тўққизтаси футболчи бўлишни орзу қилади, аслида шулардан мингдан бири футболга чинакам лаёқатли бўлиб чиқади. Бунга нима деркин улар?..

Кимдир секин томоқ кирди. Шавкат чўчиб тушди. Елкаси оша кайрилиб, ғира-ширада ўзи томон келаётган бувисига кўзи тушди.

— Шавкатжон, сенмисан? — деди Хайринисо опа яқинлашиб, сўнг ўғлининг елкасига юмшоқ қўлларини охиста қўйди. Шавкат секин бош кўтарди. Тун ғира-ширасида бувисининг офтобда қорайган юзини, хадик тўла кўзларини базўр илғади.

— Даладан кеч қайтдик. Бир этак ўтти ховлига ташлаб, нон тутунни сўрига қўйдиму укаларингдан бўлган

гапни эшитиб, сени излашга тушдим. Хеч жойда йўқсан — қўриб кетдим. Шунақаям бўладими бола деган? Кўнглим қайларга бориб келмади. Зимистонда бу ерда нима қилиб ўтирибсан? Қўрқмаганингни... Юр уйга.

— Бормайман!

— Нега?

— Ўша бор уйга бормайман.

— Қўй, унақа дема... Даданг яхши одам, сени ёмон бўлсин дермиди. Биласан, асли тезоб. Бир довиллайди-ю, ўчади.

— Бормайман дедимми, бормайман.

— Юр, юра қол, болам, тур ўрнингдан, мени кўп кийнама, — Хайринисо опа Шавкатнинг бошини бағрига босганича йиғлаб юборди. — Сени бу ердан топгунимча юзта Шавкат туғвордим. Юра қол, ўзим болаҳонангга жой солиб бераман, ўзим ҳам сен билан ўша ерда бирга ухлайман. Қўй, сал гапга хафа бўлаверма, биласан-ку, даданг ўзи шунақа. Бир кун келиб, сени ҳам тушуниб қолар.

— Гапирманг уни... Тушунинишам керакмас! Сиз йиғламанг, сиз тушунсангиз бўлди.

— Мана, хўп, мен йиғламадим: кул десанг ҳозирок куламан, фақат сен юра қолгин энди. Сени мен тушунмай ўлибманми? Қайси она ўғлини тушунмайди, ахир? Қаерда юрсанг ҳам бошинг омон бўлса бас, бизни унутиб юбормасанг бўлди. Узокда бўлсанг соғинаманда — кўргим келади... — Майли, юр энди. Кетдикми?

Шавкат ўрнидан турди. Хайринисо опа уни излаб не хаёлларга боргандаги нахимадан хануз ўзига келолмай, ўғлини кучорига олиб йўл бошлади. Ўғли маст кишилардек оёғини судраб босарди. Онаизор унинг бир оғиз гапига махтал эди шу топда. Шавкат эса ҳамон ўша оғир хаёллар гирдобидан чиқолгани йўқ. Сени ҳеч ким тушунмай, ёлғизланиб қолишинг қанчалик даҳшат... лекин шундай пайтда ҳам уни ҳамниша тушунадиган бувиси бор экан; бувиси сира уни ёлғизлатаб қўймайди, ҳеч ким унга бувисичалик меҳрибон эмас. Даладан келибди-ю, овқатланиш ҳам эсига келмай, ҳатто иш кийимларини алмаштирмай унинг ташвишида зир югурибди. Ана, бувисидан ажиб бир хид — ҳеч парсага қиёслаб бўлмайдиган, таърифга сирмас она хиди диморига уриляпти. Олдинлари бу табаррук хидни булчалик теран илғамаганди,

энди қасрда бўлса ҳам кўнглида туйиб юради...

Хайринисо опа гуё маҳрум бўлиб қолишдан қўркаётгандек чурк этмай келаётган ўғлини елкасидан маҳкамрок қучди. Ўғли унинг бағрини хувиллатиб кетмоқчи... Бир сўзлиги фирт отасининг ўзи-я, бир туки ўзгасмас. Бу бола бир кунмас бир кун айтганини қилади, уни ҳам, бу кенг даргоҳни ҳам ташлаб, ўша ўзи айтиб юрадиган тўп тепадиганлар мактабига, Тошкентга кетади. Отасининг қилиқларидан боланинг аллақачон уйдан кўнгли совиган. Отаси ҳам бундоқ ўз танида ўйласа бўларди. Энди Шавкатига сира ҳам қаттиқ гапирмагани бўлсин, отасидан топмаган меҳрни ундан топсин...

Онанинг кўзлари ёшланди. Ўғлига билдирмаслик учун тесқари қараб кўйлагининг еши билан ёшини артиб олди. Шавкат эса ҳамон жим боради...

IV

Кимдир чақирди, Шавкат хаёли бўлинганича «хозир» дея қуёшга тесқарилигидан кундузлари ҳам нимқоронғи бўладиган болаҳонанинг кўчага қараган деразасини очди. Пастда қизил гулли чит кўйлак устидан кора бахмал нимча кийиб олган, қирқ кокил қилиб майда ўрилган сочлари ёйилганча Раҳима турар эди. Улар тушдан кейин қўпинча биргалашиб далага — ойиларининг ёнига боришарди.

— Бормайсанми? Кийимларингни ҳам шу маҳалгача алмаштирмабсан, — деди у Шавкатга қараб.

— Бормайман.

— Нега?

— Бугун колхоз командаси вилоят биринчилиги учун ўйнайди.

— Сениям кўшишадими?

— Хали кичкинаман-ку, томошага борамиз, болалар билан.

— Айтмоқчи, тинчликми? Саксонов нима деди?

— Тинчлик ҳам гапми, хушхабар.

— Вой ростданми?

— Бир ҳафтадан кейин саёҳатга кетяпман. «Фарғоналик ёш саёҳатчилар» поездида. Тошкентда ҳам бўларканмиз, — деди Шавкат ва Саксоновнинг айтганларини сўзлаб берди.

— Ўх-ху, ишлар беиш-ку! Мен бўлсам...

- Ўзим ҳам кутмагандим... Дадам кўнибди.
- Ниятингга стибсан-да. Табриклайман!
- Раҳмат!

У Раҳиманинг ортидан узок тикилиб қолди. Оддий кийимлар ҳам кишлоқ кизларига зап ярашади-да... Деразадан кириб келаётган баҳор шабадаси этини жунжиктирса-да, Шавкат парво қилмай олисларга кўз тикди: узокдан тоғ чўккиларидаги қорлар товланиб кўринар эди; кўм-кўк осмонда унда-бунда бесаранжом булутлар кезиб юрар, кирларда, толу терак новдаларида яшиллик туси уриб қолибди. Ана Раҳима, худди мана шу ям-яшилликлар орасида учиб бораётган фариштага ўхшайди... Баҳор! Айниқса, бу баҳор унга жўяли келяпти. Саксоновнинг жон куйдириб жаврашларида ҳам жон бор экан...

Ўтган йили Клара Тожиевна: «Футбол ҳам ўз йўлига, адабиётга тузуксан, тўгаракка қатнашиб олимпиадага тайёрлансанг» деганида Шавкат аввалига кўнгиси келмади. Кейин олайларини жуда хурмат қилгани, дарсни ҳам кизиқарли қилиб ўтгани учун гапини икки қилмай рози бўлди. Дарсдан сўнг хаёли кўпроқ футболга чопса ҳам, ҳафтада икки марта «Ёш адабиётчилар» тўгарагига қатнаб турди. Дадаси ҳам хурсанд эди. Тўғри, адабиёт математика эмас, лекин ҳар ҳолда ўғли шу адабиётни деб зора тўндан узоклашса. Район олимпиадасида қолиб чиқди, вилоятда иккинчи ўринни олди. Клара Тожиевна «менинг шогирдим», деб роса хурсанд бўлди. Район ва вилоят маорифидан фахрий ёрлиқлар беришди.

Спартакиададаги жонбозлиги ҳам бекор кетмабди — Расул домла ҳам унинг тарафини олибди. Инглиз тилини қотириб ўқиши ҳам қўл келибди. Мана яхши ўқининг самараси, у Тошкентга боради. Тошкент — орзуларига бешик бўладиган, уни сеҳрли футбол дунёсига олиб кирадиган шаҳар. Умуман, яхши ўқимаганда, адабиёт олимпиадасида қолиб чикмаганда, спартакиадада ёш бўлса ҳам футболни жон куйдириб ўйнамаганда бу гаплар қаёқда эди. Ана энди Али ҳам гердайиб гапирган гаплари учун уялиб қолади...

Шавкатга бир ҳафта роса имиллаб ўтгандек туюлди. Ниҳоят баҳорги таътилга чиқиш кўни синфда учинчи чорак якуни ўқиб эшиттирилди, кейин мактаб ховлисида йиғин бўлди. Саксонов йиғинда Шавкатнинг саёҳатга боришини ҳам айтиб ўтди.

— Ҳамдамов бу шарафга, — деди у шу жойида овозини кўтариб, — аъло ўқини, намунали ҳулки, адабиёт олимпиадасидаги ютуғи ва спортдаги жонбозликлари учун эришди...

Саксонов яна кўп гапирди. Шавкатга унинг спортни тилига олгани ёқди, бундан ғурурланди. Лекин шодлиги-га путур етди. Уларнинг районидаги борадиган қирк нафар ўқувчига Сулаймон вожатий бошчилиқ қиларкан.

Сулаймон қўшни кишлоқдан қатнаб ишлайди. Ўтган йили ҳарбийдан қайтгач, яп-янги ҳарбий кийимда Шавкатларликка келиб, дадасидан илм сўраган эди. Эски пионервожатий, ўқишга кетиб, ўрни бўшаганди. Шу-шу у мактабда бош пионервожатий. Ўзи кўпол, болаларга сира юмшок гапирмайди: сал тўполонгаям жаҳонга жар солиб бақиради, ховликма, йўлакда тезроқ юриб ёки каттарок, қадам ташлаб қўйишса ҳам «югурма» деб сўқади; эрталаб беш минут кечикишса сўроққа тутгани «Пионерлар хонаси»га судрайди. Бир минут учун бир соат қойийди. Ўта расмиятчи! Бир кун галстук тақиш ё унга салом бериш эсларидан чиқса (ахир одам ўзи ҳурмат қиладиган кишига салом беради-да), дарҳол тутундек бурқсийди. Булар-ку майли-я, аммо футболнинг «ф» ҳарфига тушунмагани ёмон, дунёда тўпга қизиқмаган битта йигит бўлса, у ҳам шу Сулаймон. Йигит одам шунақа бўладими? Футбол орқасидан болаларга кўз очирмайди. Катта танаффусларда ҳам баъзан ҳозир дарсга қўнғироқ бўлади, деб беш минут олдин ўйинбузуқилик қилади. Дарсдан сўнг тўп тепгудек бўлишса, стадиондан қувгани ортикча. Бошқа ўқитувчилар уларга қўшилиб футбол ўйнайди, у бўлса... Бирор мактабга футбол ўйнагани борадиган кун охириги соатдан кетишларига синф раҳбари ҳам, физрук ҳам қаршилик қилмайди-ю, бироқ, шу Сулаймон каттачилик қилади. «Дарсни ташлаб кетишга ҳеч кимнинг ҳақи йўқ!» Ахир футбол олдидан қўлоққа дарс қирадими? Келиб-келиб шундай одамни уларга бошлиқ қилишадими-я. Бу кимдан чиққан фикр экан-а?..

Йиғин тугагач, синфдошлари бирин-сирин табрик-
лаб, унга оқ йўл тилашди. Бопка синфдагилар эса «ана-
ви футболчи бола саёхатга боради-да», деб бир-бирлари-
га уни кўрсатишарди. Аммо синфни оркага тортувчи Али
билан Абдулла сўтакка бу гаплар ёкмади.

— Қоч, қоч, йўл бўшат, машхур сайёх келяпти, —
деди Али Абдуллага синф эшиги олдида.

— Шунга айт, нима бўлсаям директорнинг боласи-
да, — сўтак уни қувватлади.

Шавкат бир депсинди-ю, жаҳлини ичига ютди.
Кўнгли эгрининг гапи ҳам эгри экан-да! Алининг оғзи
полвонлиги учун бир марта мактабнинг орқасидаги
сайхонликда яккама-якка жангда боплаб таъзирини бер-
ган эди. Синф болалари иккига бўлиниб роса жангни то-
моша қилган, Алининг башарасига мушт тушганда ўзи-
нинг тарафкашлари мириқиб кулишганди. Шундан буён
Алининг анчайин ақли кириб, попуғи пасайиб қолган
эди. Занғар, ҳаммасини унутибди-да, бир эслатиб хота-
расини янгилаб қўйсамикан? Лекин ҳозир мавриди эмас-
да, бир гап бўлса везиллаб Саксоновнинг кулоғига ета-
ди, сўнг дадаси эшитади, касрига саёхатдан қолиши мум-
кин. Балки буни билиб, улар атайин жанжал чиқариш
учун жиғига тегишаётгандир. Чучварани хом санашибди.
Майли, жойи келганда тузлайди уларни. Али-ю очик
рақиб-а, лекин анови Абдулла-чи? Ўзи-ку тўнғиздек
қўпол: на ўқишда, на футболда бор, жим турган тўпни
тепаман деб кулаб тушади. Синфдаги ўн етти боланинг
ичида энг овсари, ҳатто Алидан ҳам ёмон ўйнайди. До-
им физкультура дарсида навбатчиликни талашиб синфга
қоровул бўлиб олади. Дарсларда пишиллаб ухлаб қола-
ди. Аммо физика ўқитувчиси Хайдаров қотириб унинг
таъзирини беради-да. Дарсини сўраса мик этмай тураве-
ради. Шунда Хайдаров кулок-чаккасига бир шапалок
қўяди-да: «Ўтир, уч, — дейди. — Сениям, мениям
ҳакимиз колмади, ора очик». Абдулла сўтак юзлари
полғом бўлиб жойига ўтиради. Болаларга бу хўп томо-
ша-да. Ҳамма ўқитувчилар ундан куйган, «аммамнинг
бузоғи», деб қойишгани қойишган... Шавкатнинг саёхат-
га бориши уларга ёкмаётган бўлса ўзларига қийин, алам
қиларкан, яхшироқ ўқимайсанларми...

Шу куни район болалари марказга йиғилишиб, Су-
лаймон вожатий бошчилигида автобусга ўтиришиб
Фарғонага жўнашди. У ерда ҳам катта йиғин бўлди.

Кечга томон Марғилондан поездга ўтиришди. Хар бир район болалари ўзларига ажратилган вагонларга жойлашди. Шаякат боя иш билан Фарғонада қолган ва хозиргина бу ерга етиб келган дадаси билан хайрлашди-да, вагонга чиқди, пастда эса дадаси Сулаймон вожатий-ни бир четга тортиб нималарнидир уқтирарди...

VI

Поезд йўлга тушганда болалар аллақачон ўз ҳоллари-ча купеларга жойлашиб олишганди. Бу Сулаймонга ёқмади, ҳаммани қайта бўлиб, хар бир купега биттадан бўйи тикрок болани бошлиқ қилиб тайинлади. Қолган-лар шу боланинг гапига кираркан. Шавкат боя ўтган йилги спартакиадада танишиб қолган район марказидаги саккиз йиллик мактаб-интернат футболчиси Акрам билан бир купега жойлашиб, ёнларига кириб-чиқиб юрган ик-ки болага ҳам эътибор қилмай, ўтган йилги финал ўйи-ни ҳақида кизғин суҳбатлашиб ўтиришарди.

...Спартакиаданинг саккиз йиллик мактаблар ораси-даги финалида уларнинг жамоалари учрашган эди. Ўшанда Акрам еттинчида, Шавкат эса олтинчида ўқир, жамоадoshiлари ичида энг кичиги эди. Аслида мактаб тер-масига саккизда, қолаверса еттида ўқийдиган болалар олинарди. Шавкат яхши ўйнагани учун жамоага ёзиб қўйилгани билан ҳали кичкинасан деб, доим «запас»да олиб юришар, гоҳи ўйин охирлаганда «замена»га тушар-ди. Бу унга алам қиларди. Лекин у футболда ҳамиша чаккон, тез югуради, тўпни лаҳзада қабул қилиб, аниқ узатади, зарбаси ҳам чаккимас, дарязани ҳам беҳато ни-шонга олади; кейин жон-дили билан берилиб ўйнади; ютукдан бир ҳафта қувониб, мағлубиятдан бир ой ҳафа бўлиб юрарди. Бу таъсирчанлик, бу куюнчаклик ёш фут-болчи учун омад. Буларни Расул домла билар, шунинг учун йил бошида сира иккиланмасдан уни жамоага қабул қилган эди.

Ўшанда финал ўйинигача кўпчиликнинг оёғи жа-роҳатланиб, Шавкат илк марта майдонга ўйин бошидан тушди, одатдагидек чап қанот ҳужумчиси бўлиб ўйнади. Ўйин кескин бошланди, интернатчилар кетма-кет ҳужум қиларди. Чунки улар бир неча йилдан буён сурункасига саккиз йиллик мактаблар орасида район чемпиони, унча-мунча рақибни осонликча ютишарди, лекин сўнгги йил-

ларда Шавкатларнинг мактаби уларга жиддий ракиб бўлаётган эди. Аввалги йилги финал учрашувда асосий вақтда ҳам, қўшимча вақтда ҳам ҳисоб очилмай, ўн бир метрдан тўп тепишда интернат ўйинчилари усталик қилиб қолиб чиқишганди.

Ҳозир эса ўйин кизиб борарди, иккала жамоа ҳам бир-биридан қолишмасди. Хакамлар ҳам, аксарият ишқибозлар ҳам, томошабинлик қилаётган РайОНО муdiriгача интернатчиларга мадад бериб ўтирарди. Чунки улар анча йилчардан буён вилоятда район шарафини ҳимоя қилиб юрар, қайсидир бир йили ҳатто Тошкентга — республика биринчилигига ҳам борган эди-да. Бироқ Шавкатлар ҳам бўш келмади. Хар бир ўйинчи Расул домланинг интернат ўйинчиларининг кучсиз томонлари ҳақида айтган кўрсатмаларига амал қилиб тўп суларди. Иложи борича ҳеч ким ўйин қондасини бузмас, ҳакамларнинг иши ҳам кўп йиллик тажрибадан маълум, бу ҳақда ҳам Расул домла қулоқларига қуйиб қўйган. Биринчи бўлим охирлаган сайин кўпларнинг фикри ўзгара бошлади: «Қишлоқ болалари ҳам чаккимас!» Ўйинчиларидаги дастлабки чўчинкираш ва ҳаяжон ортга чекиниб, ўзаларига ишончлари ортиб борарди. Шу пайтгача интернатчилар тўп ура олишмадими, бу ёғига яна ҳам далилрок ҳаракат қилиш керак!

Лекин ўйиндан ташвишланаётганлар ҳам йўқ эмасди. Айниқса, хар йили район спартакиадасини ўтказишда фаол ташкилотчи — интернат физруги, ҳаммага таниқли Шўҳрат Турсунович бетоқат. Унга қолса, интернатнинг талабасини таъминлайдиган битта гол учун тортишиб Халқаро футбол федерациясига боришдан ҳам тоймас эди. Асли ўйинга ўзи ҳакамлик қилмоқчи бўлди, лекин Расул домла орага тушди: «Ия, Шўҳрат Турсунович, бу ёғи қандай бўларкан, бир томон ўз жамоангиз бўлса... Эшитган қулоққа яхшимас!» Хуллас, ҳакамликдан воз кечишга тўғри келди. Мана энди бир жойда ўтиролмайти. Қани бир мўъжиза юз бериб, бир зум чол Иби Хаттоб бўлиб қолса-ю, бу қишлоқилар дарвозасига унинг ўйинчилари кетма-кет тўп уриб тапласа...

Шўҳрат Турсунович дам майдон бўйлаб зир югурар, дам у ўйинчини, дам бу ўйинчини чакириб уришарди. Бош ҳакам унга дакки беришга мажбур бўлди. Барибир танаффусгача ҳисоб очилмади.

Танаффусда ҳар ким ўз ўйинчиларига керакли маслаҳат берди. Шавкат Расул домланинг куйиниб гапиришига қулок солиб бир четда ўнг қўлини футболкасига ўраб ўтирар, иккинчи қўли билан уни устидан босиб олган эди. Хаёли рақиб дарвозасига тўп уриш-да...

Иккинчи бўлим бошидаёқ арзимаган тўқнашувни деб ҳакам уларнинг дарвозаси томон ўн бир метрлик жарима белгилади. Қоида бузилмаганди, интернат ҳужумчиси жарима майдонида бир ҳимоячи билан тўқнашиб йиқилиб тушган эди холос. Тўполон кўтарилди. Расул домла югуриб келди, барибир ҳакам қароридан қайтмади. Тўпни мана шу Акрам урган эди. Шухрат Турсуновичнинг юзларига кизиллик югурди, аста жойига бориб ўтирди.

Ҳамма ўртоқларидек, ноҳақ жаримадан Шавкатнинг ҳам кайфияти бузилди, лекин руҳи тушмади. Битта гол нима деган гап, ҳали олдинда қанча вақт бор. У ўнг қўлининг бош бармоғини аста силади, оғриқ баттар кучайди. Боя ўйин бошида йиқилганда ўнг қўли билан тираниб қоламан деганда бош бармоғи қирсиллаб кетган, шундан буён оғрийди, айниқса югурганда кучаяди. Буни у танаффусда ҳам ҳеч кимга билдирмади, энди охиригача чидайди. Танаффусда унга кўпроқ ярим ҳимояда ўйнаш тайинланган бўлса ҳам, на Расул домланинг рангининг ўзгаришига, на жамоа сардорининг бақирғига қарамай майдон бўйлаб ҳамма жойда бирдай жон куйдириб ўйнай бошлади. Ҳужум чизигида ўлган-тирилганига қарамай тўп сурди. Ниҳоят унинг жонкуярлиги иш берди, майдон марказидан тўпни эгаллаб жаҳл билан олдинга ташланди, икки ҳимоячини кетма-кет алдаб ўтиб, жарима майдонига ёриб кирди-да, тезлик билан яқинлашаётган барваста ҳимоячи тўпга ташланмай туриб, тўпни зарб билан тепди. Олдинга чиқиб қолган, на у томон югуришни, на дарвозага қайтишни билолмай иккиланиб турган дарвозабон дорда қолди. Тўп дарвозанинг юқори бурчагига урилиб, тўрда силкиниб турарди. Ҳамма бу кичик ҳужумчига тан берди. Шухрат Турсунович нималардир деб ҳакамга кичкирди. Ҳакам энди унга қўл силтади. Сафдошлари катта футболчилардек уни қучиб табриклашди. Расул домла ҳам қувониб майдонга чиқиб кетди. Қўл оғриғи ҳам негадир босилди. Ўйиннинг сўнгги дақиқаларида мўъжиза юз берди: омад тагин Шавкатга қулиб бокди. Бурчакдан тепилган тўпга ёнида-

ги барваста химоячидан қандай қилиб баланд сакраб калла қўйганини ўзи ҳам билмай қолди. Тўғни боши билан урди-ю, ўша барваста химоячининг оёғи остига йиқилиб тушди. Йиқилаётиб бояги қўлини беҳос ерга тираб олди-ю, инграб юборди. Лекин овозини ҳеч ким эшитмади. Майдонни «гол» деган хайқириклар босиб кетди. Хакам ўйин тугаганини билдириб хуштак чалди. Бўлди қарсак, бўлди хайқирик. У буларни ётган ерида эшитди. Уни икки шериги майдондан етаклаб чиқди. Унинг кўзларида ёш қалқди, бу ёш севинч ёши, ғалабанинг мукаддас нашидаси эди. Синган-чиққандан унча-мунча хабари бор Расул домла Шавкатнинг қўлини кўрди. «Чиқибди!» Кун бўйи бекор турган «Тез ёрдам» уни зудлик билан касалхонага олиб кетди...

Ўша ўйин тафсилотини эслаб, ширин суҳбат куриб ўтиришаркан, Акрам Шавкатга қойил қолди.

— Яшавор-ей, чидамингга балли! Лекин сира тушунолмаяман, нега ундок килгансан-а? Ҳеч бўлмаса танаффусда айтмайсанми?

— Шундок ҳам доим «запас»да юришу, «замен»га тушишлар жонга текканди. Ўша куни биринчи марта бошидан ўйнагандим.

— Хўш, шунга нима бўпти? Аввало соғлиқ керак!

— Билишса, ўйнатишмасди. Тағин бошқа сабаб ҳам бор эди.

— Қандай?

— Ўйинни директоримиз ҳам кўриб ўтирган эди.

— Ўзингни кўрсатиб қўй дебсан-да.

— Директор — дадам. Доим: «Футбол ўйнама, қўлинг, оёғинг синади», деб уришарди. Қўлим лат еганини дадамга билдирмоқчи эмасдим.

— Оббо, сен-ей. Оғригандир...

— Чикади-ю оғримайдим.

— Эшитиб ҳайрон қолдим ўпанда. Ҳамма сени гапирди. Аммо ўйинни ҳам котирдинг-да. Сен охирги голни урмаганингда дуранг бўларди, ўн бир метрлик масофадан тепишда аввалги йилгидек биз ютардик. Дарвозабонимиз кучли эди...

Эшик очилиб бояги икки бола билан купега Сулаймон вожатий кириб келди. Қўлида дафтар-қалам.

— Ха, қоракўз, шўттамисан, — деди у Шавкатга қараб. — Нарсаларингни кўтариб биринчи купега ўт, бирга кетамиз.

У индамади. Кейин Акрамга маънодор қараб қўйди. Демак, дадаси бекатда вожатийга бекорга пичирламаган экан-да. Қўз-қулоқ бўлиб бирга олиб юр, деган. Нима, у гўдақмиди?.. Шу жини суймас Сулаймоннинг қошу ковоғига қараб бир купеда унга шатак бўлиб борадими? Ундан кўра Акрам билан футбол хақида мириқиб сўзлашиб кетгани яхши эмасми? Шу ердаям унга ҳукмини ўтказмоқчимиз?

— Шу ер яхши, — деди Шавкат. — Бу ерда Акрам бор — дўстим.

— Унда бирга ўтинглар, у ердагиларни бу ёкка чиқараман.

— Очиғи, хафа бўлмангу сиз билан кетгим йўқ.

Сулаймон олдинига анграйиб қолди, кейин дув кизарди. Вазиятнинг юмшатиш учун зўраки кулди.

— Вой, қоракўз-ей, сени қара-ю, шунақа дегин. Унда билиб қўй: шўхлик қилмасдан, грушадан ажрамасдан юринглар. Бекатларда бечакки тупшманглар, — дея у иккаласининг исм ва фамилияларини ёзиб, бояги қирган болаларнинг тикроғини уларга бошлиқ қилиб чиқиб кетди.

— Нега у сени «қоракўз» дейди? — Акрам қизиқсиниб Шавкатдан сўради.

— Буниям тарихи бор, — деди Шавкат жилмайиб, сўнг бу ҳақда гапириб берди.

...Ўша куни велосипеди панд берди, мактабга боргунча занжир ташлайвериш хунобини чиқарди. Дарсга кечикди. Эшик олдида билагига лента тақиб олган, ундан бир синф юкорида ўқийдиган қиз йўлини тўсди. Шавкат бошқа кишлоқлик бу қизнинг исмини билмас эди.

— Фамилиянг билан синфингнинг айтиб кет, — деди қиз кўрселик қилиб, гердайганча йўлини тўсиб. Шавкат уни четлаб ўтиб кетмоқчи эди, қиз ҳам бўлиб келмади.

— Шошма, олдин айт...

Кечиккани ўзига ҳам алам қилиб турган Шавкат қизга бўйсунгиси келмади.

— Қоч, йўлдан, — деди сенлаб. — Қерак бўлса ўзинг билиб ол!

Қиз бир сакраб унга етиб олди-да, портфелига тармашди.

— Айтмасанг, қўйвормайман.

— Қўйвор, хирапанша!

— Нима? Ким хирапанша? Сени шохинг бормиди, гердаясан. Директорнинг ўғли бўлсанг ўзингга. Кечикдингми, айт-да! Қонун ҳаммага бир.

Шавкат жаҳл билан бир силтаб портфелини бўшатди-да, синф томон юрди.

— Эй, олакўз, қайт оркангга, бўлмаса синфингача кираман.

— Нима дединг? — Шавкат қизнинг рўпарасига қайтиб келди. — Ким олакўз?

— Сен!

Шавкат портфели билан қизни бир туширди. Шу жанжалнинг устига бехосдан Сулаймон вожатий келиб қолди.

— Нима гап, Хадича? — деди у навбатчи қизга қараб.

— Кеч қолди. Фамилияси билан синфини сўрасам айтмаяпти. Тагин уради-я. Безори!

— Вой зумраша-ей, ҳали шунақами, қани бу ёкка юрчи.

Вожатий уни ўз хонасига олиб кириб роса гап билан тузлади. Шавкат айбдор эди, бошини эгиб, сўзини бўлмай эшитди. Айбини юмшатиш учун баҳона қидирди.

— Ўзиям тилини тийсин-да.

— Нима деди?

— Олакўз деди.

Қовоғи солиқ вожатий бирдан кулиб юборди.

— Шунгайм урасанми? Қиз болага қўл кўтариш — уят! Умуман, олакўз дегани ёмон гапмас — кўзлари катта-катта, донатор дегани, шахло кўз деганга яқин. Шахло кўз қанақалигини биларсан? Бор энди, дарсингга кир. Бошқа бунақа кўполлик қилма! Кечикишни ҳам ташла. Айтмоқчи, кетишингда навбатчи қиздан кечирим сўра.

Шавкат кечирим сўрамади, лекин қизга энг кераги — фамилияси билан синфини дадил айтиб кетди. Ҳафта охиридаги «линейка»да Сулаймон вожатий ахлоқдан ваъз ўқиди, тилга олинганлар қатори уни ҳам ўртага чиқариб ҳамманинг олдида ўсал қилди. Шавкатга Сулаймон ўша кунни ўзига роса гапириб, тагин шу гапларни барчанинг олдида дoston қилиб юргани ёкмади. Сулаймондан батамом ихлоси қайтди. Сулаймон эса ўшандан буён уни негaдир «коракўз» деб чақирадиган бўлди.

Саёҳат Самарканддан бошланди. Бу ерга эрталаб етиб келишди. Не-не сир-асрорларга гувоҳ бу қадимий шаҳарнинг кўхна миноралари, юлдузлар илмини ўргатувчи Улуғбек расадхонаси, Темур ва темурийлар яратган яна кўпгина обидалар Шавкатнинг ақлини шоширди. Ўтмишдаги ўзбек маданиятига қойил қолди. Тағинам у даврларда салтанат талаш бўлиб, маданият ривожига салбий таъсир қилган, бўлмаса Самарканд ҳозиргидан ҳам зўр бўларкан-да. Бу ердаги ҳамма нарса улкан бир тарих-а, ҳатто минораларнинг ҳар битта вишти ҳам ўтмишдан сўзлайди...

Кечга томон йўлга чиқишди. Енгилгина шабада эсар, баҳор ёмғири майдалаб ёғиб турарди. Диллар хушнуд эди. Йўл ёқасидаги кўм-кўк қирлар ёмғирда янада яшнаб кетганди. Қирлар... баланд-паст қирлар. Қизиқ. Самарканд ҳам мана шу қирлардек паст-баланд экан. Шавкат Қўқонни, Фарғонани кўриб, ҳамма шаҳарлар ҳам текисликда жойлашган деб ўйларди. Анави йўл бўйларидаги пастак, лой томли уйларнинг томларидан тизза бўйи ўтлар ўсиб чиқибди — гўё томга зангори гилам тўшалгандай. Самарканд баҳори ҳам ўзига хос экан.

Бухоронинг Лабиховузи, Чор минори, Исмоил Сомоний мақбараси, Минораи Калони уни мафтун этди. Айниқса, Ситораи моҳосанинг турфа гуллари, амир Олимхон Арки, боғда юрган — думларига қулоч етмас тустовуқлар худди эртақлардаги Эрам боғларини эслатарди.

Кейинги манзил Хоразм эди. Урганчга яқинлашиб қолганларида Акрам ҳовлиққанча гап топиб келди.

- Шавкат, формаларинг ўзингдами?
- Албатта.
- Хайрият, меникиям ўзимда, — Акрамнинг қувончи ничига сизмасди.
- Урганчда футбол ўйнарканмиз.
- Ким билан?
- Бир мактаб билан. Поездда «Ёш фарғоналиклар» командаси тузиляпти экан.
- Ким айтди?
- Биринчи вагондаги қўқонлик болалар. Уларнинг бошлиғи физрук экан, ўша айтибди.
- Зўр-у, лекин бизни қўшармикан?



— Қўшар, айтиб кўрамыз.

Талабгорлар кўп бўлди, бироқ ҳамма ҳам саёҳатга спорт формасини олмаган эди. Борларидан команда тугзилди. Акрам ҳам, Шавкат ҳам ўйнайдиган бўлди.

Урганч бекатида уларни Хоразм ўқувчилари барабан, горн чалиб, гулдасталар билан кутиб олишди. Қизикарли учрашувлар бошланиб кетди. Шавкатнинг хаёли хоразмликлар билан бўладиган футболда эди. Ниҳоят тушдан кейин футбол ўйналадиган 3-ўрта мактабга боришди. Олдин йиғин бўлди, сўнг урганчлик ўқувчилар концерт кўрсатишди. Футболни ўйлаб бетокат ўтирган Шавкат шундагина сал ўзини босиб олди. Хоразмликлар қўшиқ-қуйга, ўйинга уста экан. Қандайдир ўзига хос, ёқимли, ширин тилда айтилаётган қўшиқларни тинглаб, Хоразм қизларининг шўх-шўх рақсларини кўриб хузур қилди. Айниқса, Гулнора деган ўз тенги қизнинг ашуласи роса ёқди. Қўшиқ тугагач, Шавкат кўлидаги гулдастави қизга тақдим қилди. Концертдан кейин футбол бошланди. Футболни қўмсаб қолишган экан, гарчи Шавкатлар кичик ҳисобда (иккига бир) ютказган бўлсалар-да, роса оёқларининг чигали ёзилди. Ўйин тугагач, Шавкатнинг ёнига ўзи тенги икки қиз ва бир бола келиб галом берди. Формадаги бола хоразмликлар жамоасининг ўйинчиси эди.

— Яхши ўйнаркансиз, — деди қизлардан бири. Шавкат таниди — бояги қўшиқ айтган ва ўзи гулдаста берган қиз.

— Сиз ҳам ишқибозмисиз? — деди Шавкат унга қараб.

— Ховва, — қиз хиёл жилмайди, сўнг ёнидагиларни таништирди. — Булар синфдошларим, сиз билан дўстлашмоқчимиз. Менинг исмим Гулнора, дугонам — Ширин, бу — Ортик, кўрдингиз у ҳам футболчи.

— Мен Шавкатман, — деди у ва шу пайт ёнига келган дўстини кўрсатди. — Бу Акрам.

Янги танишлари билан суҳбат қизиётганда Сулаймон келиб кистовга олди.

— Бўлинглар, автобус кутиб қолди.

Шавкат янги дўстларини оқином чоғи вагон-уйларига боришга таклиф қилиб хайрлашди.

Айтилган пайтда улар келди. Мириқиб гурунқ қилишди. Хайрлашиш олдидан бир-бирларининг манзилларини ёзиб олишди. Дўст орттирганларидан ҳаммалари хурсанд эди.

Эртасига Хивага боришди. Март кунёши кулиб турса-да, Хоразм хавоси совуқроқ экан. Плашларини кийиб олишга тўғри келди.

Узун деворлар билан ўралган Хива қалъасидаги ҳар битта ҳовлининг ўзи бир музей эди. Бу ҳовлиларда ҳозир ҳам одамлар яшашига Шавкат ажабланди. Кечга томон поезд ортга қайтиб Тошкентга йўл олди. Тошкент! Шавкат бутун вужуди билан орзиқиб кутаётган, куну тун хаёлини ўғирлаб, кўнглига ғалаён солаётган шаҳар у. Унинг учун сеҳрли футбол дунёсининг дарвозаси... Шавкат ўринга чўзиларкан, амалга оширмоқчи бўлган режасини тагин бир қарра хаёлида пиширди...

VIII

Тошкентга эрталаб етиб келишди. Раҳбарлар болаларни шаҳарни сайр қилдиргани олиб кетиша бошлади. Тўсатдан Шавкатнинг қорни оғриб ётиб қолди. Бунни эшитиб Сулаймон югуриб келди.

— Нима бўлди, қоракўз? — вожатийнинг кўзлари ташвишли эди.

— Қорним... — Шавкат ётган жойида қорнини ушлади. — Оғрияпти... Кўнглим ғалати бўлиб, бошим айланапти.

— Иситманг йўқми?

— Билмадим, — деди у гапирган сайин дарди кучаяётгандай афтини буриштириб.

Сулаймон докторни чақиртириб келди. Доктор аёл Шавкатнинг иситмасини ўлчади, пешонасини ушлаб, кўкракларини фонондескопда тинглаб кўрди, кейин қоринининг икки-уч жойини босиб, «оғрияптими» деб сўради. Нихоят, дори қутисидан бир неча таблетка ажратиб, қачон ичишни тайинлагач, вожатийга қараб «ҳечқиси йўқ, эртагача отдай бўлиб кетади», деб ўрнидан турди. Сулаймон унга кимирламай дам олиб ётишни уқтириб, болаларни бошлаб жўнади. Шавкат нонуштага вагон-ресторанга ҳам бормади. Акрам улушини келтириб берди. Ксйин дўстининг ахволини кўриб вагонда қолди. Ҳамма шаҳарга жўнаб кетгач, Акрам Шавкатга кўз қисиб кулиб юборди.

— Артист бўп кет-э, ахволингни кўриб ростакамига касалсан, деб кўрқиб кетдим.



Шавкат жилмайганча ўрнидан турди, ўриндик тагидаги сумкасини титкилаб спорт формаларини ажратди, каердандир букловли қоғоз олиб чўнтагига солди.

— Нима у? — Акрам хайрон бўлди.

— Манзил. Кетдикми?

— Вагон кузатувчига нима деймиз? Кейин доктор ҳам йўқлаб қолиши мумкин.

— Юравер, гап топамиз.

Вагондан тушишди-ю, пастда турган вагон кузатувчига дуч келишди. Шоп мўйлов, эллик ёшлардаги киши Шавкатдан ахвол сўради.

— Қалайсан, тойчок?

— Бир оз яхши.

— Қайга? — болаларга синчков тикилди у.

— Анайга, вокзални кўргани, рўпаралаги магазинларга ҳам кирамиз, — деди Шавкат.

— Айга бўлса майли, фақат узаб кетманглар. Галстук такиб юрадиган домлаларинг тайинлаб кетган-а.

Вактни тежаш учун таксига ўтиришди. Шофёр уларга ишончсиз қараб:

— Хўш, — деди салмоқланиб. — Йўл бўлсин, шоввозлар?

Шавкат қўлидаги манзилни узатди.

— Чилонзордаги спорт мактабигами? — шофёр саволига жавоб кутмай машинага газ берди.

Етиб келишгач, суриштириб директор хонасини топишди. Новча, бакувват, елкадор, кўркам киши ийманибгина кириб келган болаларни ўтиришга таклиф қилди.

— Биз... — Шавкат гап бошлади-ю, лекин нимагадир тўхтаб қолди.

— Уялмай гапираверинг, — директор далда берди унга.

— Мен...

— У футболчи бўлмоқчи, — деди Акрам гапни чўрт кесиб. Шавкат кизариб кетди.

— Ростданми? — директор Шавкатга ўтирилди. — Қани, қани, кулоғим сизларда.

Шавкат директорнинг ҳамдардлигини кўриб дадиллашди. Секин-аста бу ерга келиш сабабини, футболни жон-дилдан севишини, кишлокларидаги, мактаб ва уйларидаги шароитни, ўтган йили келмоқчи бўлганда дадаси хужжатларини бермаганини, ҳозир ҳам бу ерга яширин-



ча келганларини сўзлаб берди. Агар қабул қилсаларинг, албатта келаман, деди. Охирида газетадан борган хатни директорга узатди.

Директор анвалига тортинчок кўринган бу болашинг футболга қизиқиши ҳақидаги сўзларини эшитиб қувониб кетди. Қани энди спорт мактабига доим мана шунақа болалар келса: ҳам мактабнинг, ҳам ўзбек футболининг довуғи ошарди. Афсуски, кўпинча адашганлар ҳам ўкиб юради, битиради-ю спортни тарк этади. Бахона кўп: ё отаси қўймайди, ё онаси норози, ё ўзининг фикри ўзгариб қолади. Бу бола ўз мақсади йўлида ҳеч нарсадан қайтмайдиган кўринади. Ҳақиқий талантли футболчилар мана шунакалардан чиқади. Бундай болаларга ёрдам бериш керак!

— Яхши, — деди директор хатни ўкиб бўлиб, чехраси янада очилиб. — Айни бизнинг мактаббон экансиз, қани юринглар-чи.

Директор уларни бошлаб бориб бир хонага олиб кирди. Хонадаги стол тўрида ўрта бўйли қорачадан келган бир киши ёзув-чизув қилиб ўтирар эди. Директор унга тайинлади:

— Бу йигитчалар Фарғонадан экан, мана буниси футболчиликка талабгор, — дея у Шавкатга нишора қилди. — Тошкентга сайёҳ бўп келишибди, вақтлари зик, Марк Борисовични топиб, биргалашиб синаб кўринглар, маъқул келса бирийўла шифокорлар кўригидан ҳам ўтказаверинглар, мен хонамда бўламан.

Қорача киши бир зумда ок-сарикдан келган кишини бошлаб келди. Марк Борисович дегани шу экан. Биргалашиб машк залига ўтишди. Шавкат формаларини кийди-да, айтилган, кўрсатилган машқларни бажара бошладди. Акрам эса унинг кийимларини ушлаганча бир четда кузатиб турар эди. Залдаги машқлар адо бўлгач, стадионга чиқишди. У ерда Шавкатга тўн олиб юриш, мўлжалга аниқ тепиш, тўпни қабул қилиш, узатиш, ҳуллас, футбол майдонида қўл келадиган машқларни бажартириб кўришди. Қорача киши — Карим Жабборович экан. У Марк Борисович билан ўзаро сўзлашиб, унинг машқларини кузатиб ўтирди. Марк Борисович Шавкатни майдон бўйлаб югуртириб кўргач, нафас олини ва томир уришини текширди, сўнг:

— Сизлар залга кираверинглар, мен врачни айтиб юбораман, — деди Карим Жабборовичга қараб. Улар



залга ўтгач орқаларидан оқ халат кийган ўттиз ёшлардаги қотмагина киши ҳам етиб келди.

— Формадагисидир-а, — деди дам Шавкатга, дам Карим Жабборовичга қараб. Кейин кўшиб қўйди: — Пишиккина кўринади.

Доктор уни саволларга кўмиб ташлади. «Қаерда туғилгансан? Ота-онанг ким? Ёшлигингда оғир касал бўлмаганмисан, масалан, чечак, сарик, тиф...» Кишлоқ боласи эмасми, саволлардан Шавкатнинг бир оз жаҳли чиқди, шундай бўлса-да, уларга қисқа-қисқа жавоб қилди. Доктор уни обдон текшириб бўлгач, хулосала-ди:

— Бўлади. Ҳаммаси жойида, лекин бир «но»си бор экан.

Шавкат чўчиб кетди. Ҳаммаси яхши бўлса, яна қанақа «но»си бўлиши мумкин... Наҳотки футболга ярамайсан деса. Йўқ, ярайди, у соппа-соғ. Аста докторнинг оғзини пойлади, Карим Жабборович ҳам докторга саволмуз тикилди.

— Ангинаси бор экан, — деди доктор. — Машқлардан кейин сувга тушганда қўзғалиши мумкин. Карим Жабборович, ўзингизга маълум, ўтган йилги қабул қилинганлардан нечтаси шунақа бўлди. Шунга бу йил...

Шавкатнинг ранги оқариб кетди.

— Бу унчалик ташвишли эмас, олдиради-қўяди, — деди Карим Жабборович. — Ҳозир кўклам, айни пайти, ҳали кунлар исиганча йўқ. Ёзгача бемалол улгуради.

Барибир Шавкатнинг кўнглига чигил тушди. Карим Жабборович билан директорнинг хонасига қайтишди.

— Машқлари дуруст, тўп билан ишлаш техникаси ҳам, югуриши ҳам жойида, тиришчок, ҳаракатчан, хуллас, таланти бор. Марк Борисовичга ҳам маъқул келди. Аммо... бу йигитчанинг ҳам ангинаси бор экан, — деди Карим Жабборович ахборот бергандек.

— Мухими, таланти борлиги... бунақаларни қўллаш керак, — директор Шавкатга қаради. — Ангинани эса олдирасиз.

— Хўп, олдираман, — деди Шавкат шошиб, директорнинг гапидан қувониб.

Директор Шавкатдан райони, мактаби, синфи, исм-фамилияси хақида сўраб-суринштириб ёзиб олди. Нималарнидир эслаб мийиғида кулиб қўйди.

— Шундай қилиб, директорнинг ўғлиман дег, — деди дафтарчасини ёпиб. — Ташвишланманг, хужжатла-

рингизни бу йил албатта беришади, ёзда келасиз, сентябрдан шу ерда ўқийсиз. Агар иложи бўлса ангинани ўзларингда бир ёкли қилинг, жуда бўлмаса кузда шу ерда олдирасиз, факат бу ерда машғулотлардан орқада қолиб кетиш хавфи бор.

Икки дўст спорт мактабидан хурсанд чиқипди.

IX

Поездга қайтиб келишганда вагон кузатувчи ёндош вагонлардаги ҳамкасбларини тўплаб ўз купесидида чак-чаклашиб ўтирарди. Болаларга унчалик эътибор бермади. Улар купега кириб, бир оз хордиқ чиқариш учун чўзилишди. Шавкат ҳамон врачнинг гапларини эсдан чиқара олмасди.

Йўқ, докторнинг важи унинг йўлига тўғанок бўлолмайди. Ҳеч қачон! Лекин директорнинг дангал гаплари ёқди. Ахир ҳозир ангинани олдириш нима деган гал, енгилгина бир жарроҳликда. Қишлоққа боргач, иккиланиб ўтирмасдан шартта олдиради-қўяди. Мактабларидан қанча бола ангиначини олдиргани бориб, касалхонада бир ҳафта ётиб-ётмай тузалиб чиқяпти-ку. Бу соғлиғига ҳам яхши, спортга ҳам. Ахён-ахён хуруж қилиб турадиган томоқ оғриғидан ҳам қутилади. Айниқса, бундай кунларда иситмаси кўтарилгани ёмон. Муҳими, уни тушунди, келинг дейишди-ку. Энди уларнинг айтганини ҳам қилиш керак-да. Умуман, одамлар бир-бирларини ҳамиша тез ва осон тушунсалар қандай яхши! Энди жон дилидан севган футбол мактабида ўқийди. Келажакда кўкрагида оппоқ пахтанинг расми туширилган футболкада машҳур ўйинчилар Абдураимов, Красницкий, Рахматуллаевлар тўп сурган «Пахтакор» стадионида ўйнайди. Кўриб мактабдошлари, синфдошлари, ўқитувчилари хайрон қолади. У урган голлар ўша интернат дарвозасига урган тўпдек узок эслаб юрадиган голлар бўлади. Ҳамқишлоклари «киплогимизнинг бўз босласи эди», деб у билан фахрланишади. Аммо Али-ю Абдулла сўтакларнинг оғизлари очилиб қолади. Қизиқ, Ҳошимбой буна нима деркин?.. «Асли ўзи бу бола тўпдек учкур эди, охири уста тўпурар бўпти-да», дейиши аниқ. Роҳат хола-чи? «Минг бор айтганман унинг қўлидан бошқа иш келмайди деб. Шу тўп тепишни ҳам хунар санаб, уларга ойлик тўлаганларга қойил эмасман-да, эсиз умр, ёш-



гина умр. Ҳайринисо ўғлини не-не орзу-умидда катта килганди-я», деса керак.

Ҳали саёҳатдан қайтгач, Клара Тожиевна уни адабиёт тўғарагига судрайди. Кундалик тутиб юргани шунда аскотади. Лекин уларга Тошкентдаги яширин саргузаштларидан бир оғиз ҳам гапирмайди. Фақат Раҳимага айтиши мумкин. Бошқаларга Самарканду Бухоро ҳақида сўзласа кифоя.

Саёҳат — роҳат, деганларича бор экан. Одам дунё танирган, дўст орттираркан. Тағинам хаёли Тошкенту футболда бўлганидан кўп нарсаларга унча эътибор бермади. Кўрганларига ҳам қўшиб-чатиб айтса болалар калла кўтаришмай эшитишади. Фақат саргузаштга ўч, Жюль Верн китобларини ёд қилиб юборган Акбаргина қоникмаслиги мумкин. Ахир бошқалар кишлоғу туман маркази Бағдоддан ўзга қаерни кўрибди?..

Қани энди, шунақа саёҳатга синфинг билан чиқсанг... зўр бўларди-да. Лекин бунга имкон қасқда? Самарканду Бухоро у ёқда турсин, икки қадам наридаги Қўқонга — Худоёрхоннинг ўрда-музейига олиб боришмайди-ку. Ахир Қўқон ҳам тарихий шаҳар, кўп ҳукмдорларни кўрган, кўп юртларга бош бўлган, Фуркат, Муқимий, Завқий, Нодира каби буюк шоиру шоиралари бор. Оборамиз деганда ё машина бўлмайди, ё бензин, булар бут бўлса домдаларнинг вақти тўғри келмай қолади.

Ўтган йили ёзда бир саёҳатни орзулаб тоза пандеган эди: даштда очилган «колхоз оромгоҳи»га ишкибозлик билан борди-ю, зерикиб кетди. На кино бор, на кутубхона, ёлғиз телевизор ҳам бузук, яхши кўрсатмайди. Тартиб ҳам йўқ. Вожатийлар хўжалик боғидан ўрик тергизавериб, ёнларидаги пайкалга пиёз ўтоққа олиб чиқавериб тоза хуноб қилди. Бир ҳафта ўтяптики кўрганлари даштнинг тоши-ю оромгоҳ биноси (бино ҳам асли дала шийпони), Сарқўрғондан келган оксувга тўлиб турадиган ховузда чўмилишга ҳам вақт йўқ. Ахир тошдан-тошга урилиб келган ок сувда чўмилиш танга даво-ку! Болалар ҳам анойи эмас, охири жанжал кўтаришди. «Нима, биз бу ерга фақат пиёз ўтоққа ёки колхознинг ўрик режасини бажаришга келганмизми? Ишлатадиган бўлса, уйимиздаги бувимиз ҳам ҳеч бир вожатийдан қолишмайди. Қани, мактабларда рўйхат олишда берган ваъдаларинг: ун-

док дам оласизлар, бундок хордик чиқарасизлар». Бирлашса болалар ҳам бало бўларкан. Вожатийларгина эмас, оромгох директориғача кўркиб кетди. Шу куни тушдан кейин ишни қўйиб, тошлоққа экскурсияга олиб чиқишиб ола-була тошлар тергизишди. Бу тошлоқ сафари экскурсия-ю, жазирамада ола-була тош териш мактабларнинг география хонасига коллекция йиғиш эмиш. Уларни ёш бола деб аврашларидан Шавкатнинг ҳам аччиғи келди. Ишлатганлари майли-я, улар кимлоқ боласи — ишдан қочишмайди, лекин ҳамма нарса ҳам эви билан-да, ҳеч бўлмаса паровитни тузатиб қўймайдими? «Ором» дея чиройли ном қўйиб, чиройли гапирган билан иш битармиди. Биринчи кун роса осмондан келишганди. «Болалар, бу ерда жуда яхши дам оласизлар, бунинг учун барча шароит мухайё. Хали Қўконга, Суху Сарқўрғонга, Чўнғирабува, Шохимардон, Ўш, Арслонбобларга саёҳат қиласизлар...» Лофни қарангу! Яна қандайдир учрашувлар, мусобақалар, ансамбллар ҳақида ҳам гап бўлган эди. Локал дурустроқ стадион йўқ, футболни ҳам тошлоқда икки томонга тошлардан «дарвоза» қўйиб ўйнашди, бўлмаса стадионбоп текис ерлар тўлиб ётибди, биров бошқариб, бир кун нақт сарфлашса, ўзини майдони тайёр бўлади. Йиқилганда баданларига тош ботавериш моматалоқ бўп кетди. Яна кечалари чивин чаккани-чи... «Оромгох» ҳам шунақа бўладими? Уни шунақа ташкил қилишадими? Нима, тўртта дарахт орасига каравот қўйиб, устига чойшаб тўшаб, болаларни гурух-гурух қилиб, уларга вожатийлар тайинлаб қўйса, шу жой оромгох бўп қолармиди? Директори бўлса, гуё Америка очган одамдек ховуз бўйидаги сўрини кун бўйи бўшатмайди. Бригадирлару боғбонлар атрофида парвона. Райондан келган текширувчиларни ҳам шу чинор тагидаги сўрида кутиб олади. Болалар билан заррача иши йўқ. Иккинчи ҳафтада ҳамма болалар гапни бир жойга қўйиб, жуфтакни ростлашди; колхознинг ўн икки кишлоғига қалдирғочнинг болаларидек ёйилиб кетишди. Дадасининг охириғача бўл, деб тайинлаганига қарамай Шавкат ҳам жўнаворди. Нима, оромгох турмамиди, муддат кутадиган? Ёқмагач, кетади-да. Ҳамма кетиб, у қолса балога қолади. Вожатийлару директор ўртага олади. «Ким бошлади? Кимдан чиқди бу

фикр? Нега кетишди?» Гўё шу оддий ҳақиқатни билишмагандек. Шунақада, «Э, акалар, биз ҳам Артек хақида биламиз, бошқа оромгохлар хақида эшитганимиз бор, кўрганимиз бор, сизлар яхшиси, чинор соясидан жилиб азоб чекманглар», деб бир боиласангда.

Бунақа жойда, колхознинг бригадирларига яхши кўринишдан бошқасига ярамайдиган кишилар кўлида дам олгандан кўра қишлоқда толқўчани чапгитиб тўп теггани ёки каналда чўмилиб, сув бўйида қумга беланганича офтобда тобланиб юргани афзал эмасми?

Ўшанда ортларидан вожатийлар келиб роса эланишганди, барибир биров қайтиб бормади. Кейинги навбатдагилар эса улардан ҳам ўтказиб юборишди, ёзилганлар ҳам бормади; борганлари икки кун турмай қочиб қолди. Учинчи навбатда раҳбарлар янгиланди...

Саёҳат завқи Шавкатга энди ўзгача туюла бошлади. Кўрган жойларини, янги таниш-билишларини эслаб қувончи ортарди:

— Шавкат, ухлаяпсанми?

— Йўқ, — секин Акрамга ўғирилди.

— Қорин дўмбира чаляпти-ку, ахир.

— Э, қара-я, эсимга келмабди. Тур, овқатланамизми унда.

— Кейин бирор ёққа борсак. Ахир Тошкентга вагонда ётишга келмаганмиз-ку.

— Юр, бўлмаса.

Купеда ҳамон суҳбат авжида эди. Қия очик эшикдан ёш касбдошлари даврасида хангома бериб ўтирган вагон кузатувчиси уларни кўриб қолди.

— Тағин қаёққа?

— Овқатлангани.

— Тўхта. Сахардан буён сени деб доктор безовта, бўйнига галстук таққан домланг безовта, сенлар бўлса эрталабдан тинмайсанлар, боя тез келамиз, деб қаёққа йўқолиб кеттиларинг? Энди бўлса... касал одам жимгина ётмайдими?

— Ахир қорин...

У болаларнинг юзидаги қатъиятни пайқадими ёки ўзи шунчаки гапириб қўйдими, ҳар қалай тез юмшади.

— Боринглар, лекин узаб кетманглар, вокзалда ҳам катор-катор буфет бор.

Қорин тўйгач, ўзларини қушдай эркин сезишди.

— Қаёққа борамиз?

— Қаёкка бўларди, «Пахтакор» стадионига-да! Йўл-йўлакай пахарни томоша қилиб кетамиз, — дея Акрамга жавоб қилди Шавкат.

Қўл ушлашиб йўлга тушишди. Сўраб-сўраб стадионни топиб келишди. Улкан, кўм-кўк майдон бўм-бўш эди. Бир-бир юриб стадионни айланиб чиқишди. Шавкатнинг майдонга тушгиси келарди. Охири табло ёнидаги ўриндикка ўтиришди.

— Сенинг келажагинг, — деди Акрам яшил майдонга ишора қилиб. Шавкатнинг кўзлари чақнади.

— Тезроқ катта бўп, «Пахтакор»да ўйнай қолсам эди, — деди у. Сўнг Акрамдан сўради: — Сен ким бўлмоқчисан?

— Учувчи.

— Учувчи?!

— Ҳа, биласанми, бирор учувчи кийинидаги одамни кўрсам орқасидан эргашиб кетворгим келаверади. Учиб бораётган самолётдан кўз узолмай қоламан. Бу йил саккизни тугатиб, авиация билим юртига бормоқчиман. Кейин яхши битирсам фазогир ҳам бўлишим мумкин.

— Мен нимагадир сениям футболчи бўлади деб ўйлайман.

— Футболниям ташламайман.

— Ташлама. Мен ўзимча футболни яхши ўйнаган бола, албатта, ўз орзусига етишади, деб ўйлайман. Нега шунақа ўйлашимни ўзим ҳам билмайман... Уйингдагилар розими?

— Билишади, — отам ҳам, ойим ҳам. Ихтиёр ўзинг-да дейишади. Лекин ойим доим учувчиликка нозик-роқсан дейди.

— Сенга яхши... — Шавкат ўйга толди.

— Э, қўйсанг-чи, сеникиям яхши бўп кетади.

— Ҳали уйда қанча машмашалар бор... Барибир келаман. Лекин ҳамма нарсани яхшилиқча битгани дуруст-да. Нега мени дадам сеникига ўхшамайди-а?..

— Ҳамма бир-бирига ўхшаса ҳаёт қизиқ бўлмайди-да. Сен ўз орзуингга курашиб етишасан, бунинг нимаси ёмон, қайтага фахрлансанг арзийди.

— Жуда ақлисан-да, Акрам. Одамни сўз билан авраб ташлайсан-а.

Иккаласи ўзларини ортиқ тутиб туролмай яшил майдонга тушиб ўт устида думаланишди. Кўм-кўк майсалар устида ётганларича осмонга тикилиб ҳаёл суришди. Анчадан сўнг жимликни Шавкат бузди.

- Акрам, учинчи синфнинг ашула китобидаги футболчи кўшиғи эсингдами?
- Бўлмаса-чи.
- Кел, шуни бир айтайлик.
- Бўпти, бошладик:

*Бўлганда футбол,
«Яна битта гол»,
Деб ишқибозлар
Силкишарди қўл.*

*Ўшанда мен ҳам
Қувнатиб кўпни
Рақиблар томон
Тепдим-ку тўпни.*

*Хар ёқдан бирдан
Чалишар ҳуштак,
Боқсам, тўп учган
Тепада қушдек.*

*Шиддат-ла тагин
Кургандим жангга
Оҳ, бу галгисин
Тўсди штанга.*

Кайтиб боришганда группа вагонда экан. Пастда йўл кузатувчи ёнида кўзлари олайиб Сулаймон вожатий турар эди. Уларни кўриб тепа сочи тикка бўлди.

— Дайдилар. Қаерда юрибсанлар? Бу тагин касал эмиш, — дея у бакирганча Шавкатга бармок ўқталди. — Биламан, хаммасини сен бошлагансан! Нима, сенларга бу ер катта холангни уйимиди, ўзбошимчалик қилиб хоҳлаган ёкка кетаверадиған. Тошкент катта шаҳар бўлса... Шу ерда ҳам одамни беҳижил юргизмайсанлар-а. Хали қараб тур, қайтгач дадангга айтай, ўшанда алдаш канақалигини биласан! Қани, қаерга бордиларинг?

— Стадионга, — деди Шавкат.

— Бало бормиди, у ёқда? Касалман, деб хаммани алдаб...

— Бирпасда келамиз дейишганди, мен аҳмоқ ишонибман, — вагон кузатувчиси бошини сарак-сарак қилиб орага гап қўшди.

— Бу ярамасларнинг лабзига ишониш керак эмас. Ёлғончилар! Тагин булар пионер эмиш... Ўзбошимчалар!

— Сизлар таълим берган болалар-да, — вагон кузатувчиси Сулаймоннинг жон жойидан ушлади.

— Э, амаки, биз буларга ёмон бўл, ёлғончи бўл демаймиз. Бугун сиз билан мени алдайди бу ярамаслар, эртага кимни алдаркин. — Сулаймон болаларга қараб ўшқирди. — Бор, иккаланг ҳам жойингга чиқ, туркиларингни кўрмай, тутуриксизлар!

— Унга парво килма, — деди Шавкат купега киришгач, — ўзи шунақа ўпка, псих. Ростини айтсак, икки дунёда ҳам группадан бир кадам нарига жилдирмасди. Мактабда ҳам шунақа — салга дуч келган болага «лекция» ўқийверади, ҳамма ундан безор. Комсомол!

— Э, майли, уни қўй, мухими, ишинг битди-ку.

— Шуни айт.

Х

Шавкатнинг саёхатдан кайтганини кўриб энг кўп қувонганлардан бири Раҳима бўлса, кейингиси Клара Тожиевна эди. Келган куниёқ Раҳимага ҳамма гапни айтиб берди. Опайи билан эса мактабда учрашди. Эртасига адабиёт тўғарагидаги йиғин байрам бўлиб кетди. Саёхату саргузашт ҳақида эшитишга ишқибозлар кўп эди. Хонада хатто ўтиришга жой қолмади. Тўғаракда сира қорасини кўрсатмайдиганлар ҳам Клара Тожиевнадан рухсат олиб кириб ўтиришди. Шавкат доска олдида чиқиб эндигина гап бошлаган эди, хона эшигини қиялатиб икки-уч бор кимдир мўралади, охири опай сабри чидамай бориб эшикни очди.

— Кирсак майлими? — Алининг овози эшитилди.

— Киришлар.

Синфга бирин-кетин Али, Абдулла сўтак, катта портфелини қўлтиклаб олган Вали пуфаклар кириб келишди..

«Қизик, — ўйлади Шавкат. — Буларга нима жин тегди экан. Дарсдан кейин мактабда бир минут ҳам қолишмасди. Сўнгги қўнғироқ улар учун тўйдай бир гап эди. Бугун эса... Қуёш қайси томондан чиқди экан-а?»

— Давом этавер! — Опайнинг гапидан Шавкат ўзига келди. Бир оя ўтмай гапга шунчалик берилиб кетди-

ки, ҳатто спорт мактабига борганларини ҳам айтиб юборай деди. Лекин сир очилиб, дадасининг қулоғига етса ишнинг чигаллашишини ўйлаб тилини тийди. Сулаймон вожатий ҳозирча бир одамгарчилик қилиб, ўтган гапларни қўзғамай турибди, шунисига ҳам шукур.

Йигин сўнгида дўлдай ёғилган саволларга Шавкат қўлидан келганича жавоб қилди.

Кунлар физиллаб ўта бошлади. Шавкат тағин аслига қайтди: саёҳатнинг завқли-шавқли хотираларидан кўра кўпроқ футболни ўйлар, спорт мактабидаги учрашувни, директорнинг гапларини эслаганда танаси яйраб кетарди, иложи бўлса ёзни ҳам кутмай шу топдаёқ Тошкентга қуш бўлиб учсам дерди. Врачнинг гаплари ҳам ҳамон ёдида. Ангинани олдириш керак. Лекин қандай қилиб... Раҳимага маслаҳат солди. Акрам билан бир-икки кўришганда ҳар хил режалар тузишди, бироқ ўйлаган на у ўй, на бу ўй тўғри келарди. Шартта бориб касалхонага ётиб олай деса, ҳе йўқ, бе йўқ, бундай қилишига дадаси йўл қўймаслиги аниқ. Жиддийроқ баҳона эса ҳадеганда топилавермасди. Зора томоғим оғриса, деб совутгич музхонасидан муз кўчириб ерди. Томоғи қизариб оғриди, бир оз иситмалади ҳам. Кишлоқ фельдшери дори берди, укол қилди. Олдиришга йўлланма беринг, деганига бепарво қўл силтаб «касаллик пайтида мумкин эмас, умуман бунақа хроник тонзилит кўп болаларда бор, сен ташвишланаверма, жуда безовта қилаверса, кейинроқ олдирасан», деди.

Шу ҳаёллар билан юрганда бахтли тасодиф юз берди: дадаси Тошкентга — ўқитувчилар малакасини ошириш институтига бир ойга кетадиган бўлиб қолди. Бундан у роса қувонди.

Дадаси кетди-ю, ўз ихтиёри ўзида бўлди-қолди. Бувиси эрталаб далага кетганича тушликка ҳам гоҳида келар, гоҳида келмасди. Сурункасига тағин уч кун бувисидан яширинча муз еди. Охири қилмиши уз кучини кўрсатди. Томоғи қайта оғриб, овози ғилпа бўғилди. Ангинаси бўртиб, шишиб кетди. Шу куни тунда иссиғи кўтарилди, томоғи қичишиб тинмай йўталди. Бувиси туни билан мижжа қоқмай, пешонасига хўл латта босиб чиқди, икки-уч бор мажбурлаб қайнок сут ичирди. Эрталаб колхоз касалхонасига олиб борди. Доктор узок кўриб, бош чайқади ва туман марказий касалхонасига ётишга йўлланма ёзиб берди.

Касалхонада бир ҳафтада тузалиб қолди. Даволовчи врач — ўрта яшар, чехраси очик чирой, ширинсухан Карима опа уни кўриб:

— Мана, тузалиб қолдинг, эртага сенга жавоб бераман, — деди.

— Кетмайман!

— Ие, нега! Ёки яна бирор жойинг оғрияптими?

— Йўқ.

— Унда нега кетмайсан?!

— Ангинамни олиб ташланг. Жуда кўп касал бўлман. Оғриганда нуқул иситмалаб, икки-уч кунлаб ётаман. Ахир тунов куни ўзингиз ҳам бир боланинг отасига «Вақтида олдиргани яхши, кейин томоғи оғримайди, сурункали тонзилит ревматизмга олиб келади, кейин эса юракка таъсир ўтказди», дегандингиз-ку.

— Вой, сен-ей, балосан-ку. Мен-ку розиман-а, ҳатто кеча бу ҳақда ойингга айтгандим, дадаси Тошкентда, келгач унга маслаҳат солинг, деди. Шунча тушунтирсам ҳам кўндирилмадим.

— Кўнади, бувимга ўзим айтаман.

Бувиси келганда Шавкат роса авради. У деса бу деди, бу деса у деди. Бувиси аччиғланиб, бор-е, билганингни қил, деб кетвормокчи эди, Шавкат маҳкам ёпишиб олди.

— Кириб Карима опага ўзингиз айтинг. Дадаси ҳам олдирса яхши бўлади, дерди денг, жон буви. Кеча боланинг жони оғришини ўйлаб, кўнмагандим денг. Барибир олдиришим керак, бўлмаса асорати ёмон бўларкан...

— Бир нарса бўлса, дадангга нима дейман? Ундан балога қолайми?

— Ҳеч нарса бўлмайди.

— Сен айтаверасан-да.

— Жон буви... ишномасангиз доктордан сўранг, ангинанинг фойдасидан зиёни кўп.

— Уф, сен боланинг ҳавфосидан қутулмадим-қутулмадим-да.

Бувиси Карима опанинг хонасига кириб кетди. Чиккач, иршайиб турган Шавкатга қовғини солди.

— Нима бало, доктор опанг билан келишиб олганми-сан? Бирам тушунтирадики... Доктор сиз, касалнинг фойда-зарарини биладиган ҳам сиз, шу боламиз кўп озор емай тезрок тузалиб кетса, майли, деб чикдим.

— Вой, бувижонимдан-ей, раҳмат! Сиз ҳеч ташвиш-

ланманг. Палатамиздаги иккита бола ҳам ангиначини олдириб, эртасигаёк, тузалиб кетди.

— Шунака дейсану... Ишқилиб, ўзингни эҳтиёт қил!

Минг қилса ҳам операция кунни чўчиб уйғонди. Операцияда болаларнинг бақирishi ёдига тушди. Хар кунгидек эрта билан ҳовлига чиқиб айланиш ҳам ёкмади. Ўқийтган китобини ҳам қўлга олмади. Шифтга қараб ўй суриб ётаверди. Ҳамшира қизлар келиб, фикрини чалғитиш учун ҳазиллашди, лекин улар чиқиб кетиши билан яна операцияни эслайверди. Бир вақт оппоқ халатли, бошидаги оқ қалпоғи ҳам ўзига ярашиб турган Карима опа кулиб кириб келди.

— Ия, ия, Шавкатжон, бу нима ётиш. Салом қани?

— Салом-м.

— Қани юр-чи, бир кўриб қўяй-чи...

«Кўриб қўяй-чи» эмиш. Чалғитяпти...

«Жаррохлик хонаси»да ҳамшира қиз унинг қўйлагини ечиб олди. Оёқларига оқ мато кийгазди. Сартарошларнинг айланма стулига ўхшаш хайбатли стулга ўтказгач, қўлларини стулга боғлаб қўйди. У олдин роса кўрқди. Пенхонасига ялтироқ доирасимон кўзгуни тақиб Карима опа унга яқинлашди-да, «а-а-а» дегизиб оғзини очириб гапга сола бошлади. Гап орасида томоғига укол қилди. Кейин асбоблари ёрдамида нималарнидир юлиб ола бошлади. Хар юлганда унинг аъзойи-бадани оғриб кетар, бу оғриқ бирпасда миясига чопиб, жон аччиғида «о-о-о» деб бақириб юборарди. Томоғига тикилган тигдан кўнгли айниб, кетма-кет ўқчирди, хар ўқчиганда эса оғзидан отилган қондан Карима опанинг оппоқ халати қизилга бўяларди, хатто баъзан томчилар юзларига сачраса ҳам унинг жаҳли чиқмай, уни овутарди.

— Мана ҳозир бўлади, пича сабр қилгин, сен ўзи жуда яхши боласан-ку, жоним... мана, мана, бўлди-бўлди, сени эсинг кўп-ку, мард йигитсан-ку...

Шавкат зарб билан бир қўлини бўшатди-да, докторнинг қўлларини бир неча бор силтаб, итариб юборди. Карима опа шунда ҳам индамади. Бир оз ўтгач, аста қўлидаги асбобларни столга қўйди. У азоб тугади, деб ўйлаган эди, лекин Карима опа энди томоғининг ўнг томонига укол қилди, яна оғзини боягидек беркитиб бўлмайдиган қилиб қўйгач, бу ёнидан ҳам алланималарнидир шитирлатиб ажратиб ола бошлади. Унинг кўзларидан ёш чиқиб кетди.

— Мана бўлди, — деди Карима опа қонга беланган идишдаги майда-чуйда, кин-кизил ипсимон томирчаларни унга кўрсатиб. — Ангиканг шу!

У секин ўзига келди. Хамшира киз етаклаб палатага олиб кириб ётқизиб қўйди. Хиёл ўтмай янги халат кийган Карима опа хабар олгани кирди.

— Мана, хаммаси ўтиб кетди. Бир-икки кунда тузалиб кетасан.

— Сув... — деди Шавкат ва гапирганда томоғида каттиқ оғрик сезди, кейин ҳатто чуқурроқ нафас олганда ҳам хаво томоғини оғритиб ўтаётганини хис қилди.

— Ҳозир мумкин эмас, бир кун сабр қил, эрталаб сут беришади.

Бир томчи сув унга ҳамма нарсадан азиз кўриниб кетди шу топда. Лекин шу бир томчи нарса унга мумкин эмас. Нега?! Ахир у чанқаяпти, юраги куяяпти-ку. Лоақал бир қултум беришса-чи... мунча сувни қизганишади-я... Бувиси бошқача: бир томчи сув сўраса унга дарёни беришга тайёр. Булар эса... У бувисини жуда-жуда кўргиси келди. Узоқ кўрмагандек соғинди. Қани энди кела қолса-ю, сув берса унга.

Бувиси шу ерда экан. Ҳовлида гир айланиб юрган экан, рухсат берилгач кирди. Шавкатга овқат олиб келибди. Унинг аҳволини кўриб, кўзига ёш олганча икки юзидан чўпиллатиб ўпди, кейин овутди. Бувисининг гапларини эшитиб, сув сўрашни ҳам унутиб ухлаб қолибди. Шу ухлаганча оқшом уйғонди. Чанқоғи ҳамон босилмабди. Бувиси кетибди, қолишига докторлар унамабди. Кечга томон амакиси келди. Нукул унга тегишиб юрадиган ҳазилкаш Иброҳим амакиси.

— Эй шайтон, бу нима қилик, ҳеч кимга айтмай, маслаҳат солмай...

Амакиси кулдира-кулдира кўнглини кўтариб кетди. Эртасига Акрам, Раҳима келди. Шавкат аста тузала бошлади. Иккинчи куни ўрнидан туриб хонада юрди, кейинги куни эса ташқарига ҳам чиқди...

Касалхонадан чиқишидан бир кун олдин ўзи тенги болаларга қўшилиб ҳовлида айланиб юрган эди, Карима опа чакириб, уни кўргани Шамсиддинов келганини айтиб қолди.

— Уларни танимайман, — деди Шавкат хайрон бўлиб. — Ким у?

— РайОНО мудир Тоживой ака-чи.



Палатага кирди-ю, тўладан келган, ҳамиша шляпа кийиб юрадиган кишини кўриб таниди: мактабларига тез-тез бориб турадиган киши. У келадиган куни эрта-лабданоқ тартиб-интизом кучаяр, ўқитувчилар оёқларини қўлга олиб ҳар томонга чошиб қолишар, болаларни ҳам шу куни қаттиқ назорат қилишарди. Бир-икки дадаси билан уйларига ҳам борган. Дадаси у тўғрида: «Қаттиққўл, тўғрисўз, ҳақиқатни деб Маккагача тортишиб борадиган одам, шунинг учун РайОНО мудирлигида йигирма йилдан буён қилт этмай ишлаб келяпти», деганини Шавкат эшитган эди. Уни ўтган йили спартакиада пайтида ҳам кўрганди, кўп ўйинларни томоша қилиб ўтирганди. Футболга ишқибозлигини билиб ўтган йили дадаси ҳужжатларини бермаганда бир кўнгли ёрдам сўраб унинг олдига бормоқчи ҳам бўлган, лекин бир томондан дадасининг «мени устимдан кимларга арз қилиб юрибсан», деб уришишидан чўчиган, бир томондан даданинг таниши бўлгач, унга ён босади-да, деб фикридан қайтган эди. Ҳозир бу қап-қатта, амалдор одамни нима учун келганини тушуна олмади, кейин буни дадаси билан танишлигига йўйиб қўя қолди.

— Ассалому алайкум!

— Салом, салом! Ия, ия, кел, Шавкатжон, қалайсан, оппоқ бўп қолдингми? — Шамсиддинов қатта кишилар билан кўришгандек, ўрнидан туриб у билан қўл олиб сўрашди, пешонасидан ўпди. Кейин у ёк-бу ёқдан гапириб ўтириб бирдан:

— Шунақа қилиб футболчи бўламан дегин, — деб қолди.

— Сиз қаердан биласиз? — Шавкат таажжубланди.

— Вой муғамбир-ей, мен ҳаммасидан хабардорман.

Шавкат Шамсиддиновга ғалати қаради. Ҳа, футболчи бўлмоқчи, лекин бу кишига нима. У ҳам футболчилик ярамайди, деб насихат қилмоқчимиз? Шунга келган экан-да. Дадасининг таниши-да. Лекин РайОНО мудир-ку, ҳаммага тенг қараши керак, ўқувчини тушуниши керак! Балки очигини айтса уни тушунар, ёнини олар, кейин дадасига ҳам гапи ўтади, уларнинг каттаси-ку, ахир.

— Ҳа, футболчи бўлмоқчиман, — деди у.

— Яхши, яхши, билсанг, менинг ўзим ҳам тўпга ишқибозман. «Пахтакор» ўйнаганда ютказиб қўймасин, деб жонимни ховучлаб ўтираман. Ўтган йилги спартакиададаги ўйининг ҳам эсимда, «молодец», — Шамсидди-

нов унинг елкасига кокиб қўйди. — Билсанг, сени суюн-тиргани келдим. — Шавкат ялт этиб унга каради. — Ўтган куни Тошкентдан хат олдим, кимдан дегин, ўша сен бориб учрашган спорт мактабининг директори Абдор Ахроровичдан. У билан армияда бирга хизмат қилганмиз. Сен ҳақингда ёзибди. Оббо сен — Хамдамовнинг ўғли-ей, отанг билан фикринг бир жойдан чиқмабди-да, а? Отангни йўқлигидан фойдаланиб ангинани ҳам олдирибсан-да. Пухтасан. Энди бу ёнига масала хал бўлди. Тошкентга боришинга ёрдамлашаман, тезроқ тузалиб ол-да, ўқишларни бўшаптирмай ўқийвер. Даданг келгач, ўзим гаплашаман. Оббо шоввоз-ей, шунақа қилиб, бизнинг Бардолдан ҳам катта футболчи чиқадиган бўпти-да. Хўп. Бу ёнига бўшапма! Хайр!

Шамсиддинов кетгач, Шавкатнинг вужудини ширин бир хаяжон камраб олди. Спорт мактабининг директори-га учрашиб зўр иш қилган экан...

Дадаси Тошкентдан қайтгач, Шавкат ўзбошимчалик билан операция қилдирганидан бир хуноби ошди. Шамсиддиновнинг олдига бориб келиб баттар дарғазаб бўлди. Шавкат дадаси билан бувиси ўртасидаги гапларни эшитиб қолди.

— Ўзингдан чиққан балого қайга бораё давога.

— Ха, яна пичинг?

— Шавкатингни машамаси Шамсиддиновга ҳам етиб борибди.

— У киши бир нима дедими?

— Деди, жўнатынг, деди. Бунақа қилиш яхшимас, деди.

— Қаерга?

— Қаерга бўларди, биласану унга теккан касални...

— Нима дедингиз?

— Нима дердим. Йўқ, десам бошқача тушуниши мумкин.

— Ўзи сиз ҳам мундоқ ота бўлиб, бошидан шу боланинг кўнглига қарамадингиз. Тўпга ўргатган ҳам ўзингиз. Энди уни бу йўлдан қайтараман, деб қайтага қайсар қилиб қўйдингиз. Халиям бўлса кўнглига қаранг! Болангиз ахир!

— Жиши чиқди ўзи бу бола. Саёҳатга борганда ҳам Тошкентда группадан ажраб спорт мактабига борибди. Кўз-кулок бўлиб юргин, деб Сулаймонга қанча тайинлагандим-а! Сўтак!

– Вой, нима қипти у ёкда?

– Нима қиларди, спорт мактаби раҳбарларига учрашибди-да, сизларга келмоқчиман, лекин отам қўймапти, деган. Директори Шамсиддиновга хат йўллабди. Шамсиддинов ҳам йўлига тўғанок бўлманг, дея роса гапирди. Уф-ф, энди жўнатмасам, номимни бутун Ўзбекистонга овоза қилади шекилли.

Бу суҳбат ҳақида на бувиси, на дадаси Шавкатга оғиз очишди. Орада ўқишлар тугаб, таътил бошланди. Бир куни кун қайтар дамда уйларига қўшни қишлоқлик Замзам доктор катта сумка кўтариб кириб қолди. Тошкентга кетаётган экан. Дадаси Шавкатни чақирди.

– Тез бўл, мана ҳужжатларинг, Замзам аканг билан бориб топшириб келасан. Лекин, ўғлим, бир нарсани билиб қўй, бу ишни мен ўз ихтиёрим билан қилмаяпман. Бор, ўки, урган, уддаласанг футболчи бўл: «Пахтакор»да ўйна. Лекин кейинчалик бир ишқал чикса дадам мени ўз вақтида бу йўлдан қайтармаган экан, деб мендан домангир бўлиб юрма! Сени бу йўлдан қайтармоқчи бўлиб кўп уриндим, ўзинг кўнмадинг...

Дадаси зарда билан гапирса ҳам унинг қўнгли чўкмади. Сскин Замзам акага эргашди. Шунда кўз олдида улкан «Пахтакор» стадиони намоён бўлди, қулоғи остида стадион тўла ишқибозлар қийқириғи янгради. У мана шу ишқибозлар хайқирикларига, қийқириғига тўла яшил майдонда мохир ва машҳур футболчи Шавкат Хамдамов бўлиб тўп суриш учун ошиқарди. Шу топда Акрам билан «Пахтакор» стадионида айтган қўшиғини жуда-жуда айтгиси келарди...

1984 йил, август, Иргали

СҮНГҮИ СЕВГИ ТАРИХИ

ҚИССА



I

Университетни тугатгач, барча курсдошларим ўз ризкини териш ташвишига тушган полапонлардек ҳар томонга таркалиб кетганига ҳам икки йилдан ошди. Битириш кечамизга бағишланган ресторандаги ўтириш ҳамон эсимда: ичкиликдан бир оз сархуш бўлиб олган курсдошлар бир-биримизни кучганча «Эй дўстим, ҳеч бўлмаса, ойда бир кўришиб турамиз-а», деган гапларнинг қанчалик хомхаёл эканлигига ҳам кўникиб қолдим. Бу ўтган икки йил ичида кўп нарсалар ўзгарди, курсдошларимнинг кўпчилиги ишга жойлашгач, бирин-кетин оила қуришди. Лекин мен ҳамон ўша-ўша йўқилмаган таёкдек хунук бўйдоқман. Йигирма тўртга кирдим. Очиги, ўзим асли кимё факультетида ўқиган бўлсам-да, романтиклик «дард»ига йўлиқиб, ёзувчилик орзусида кишлокқа қайтмай, Тошкентда қолганман. Ўзим талабаликда яшаган ётоқхона коменданти билан келишиб, одамтурмас, аслида турли асбоб-ускуналарга мўлжалланган тўртинчи қават йўлаги охиридаги каталакдек хонада тураман, кўпчилик «бакаушка»¹ дейди уни.

Эсимда, хўжандлик ҳамкурсим Соҳиб учинчи курсда «аълочилар стипендианти» бўлиб олгач, биздан икки марта кўп стипендия олгани учунми ёки қизлар билан холи гапланиш учунми (бундай ишларга суяги йўқ эди унинг), ёки бошқа сабабданми, ётоқхонанинг икки-уч кишилик хоналарига сиемай қолиб, худди шунақа каталакдай «бакаушка»да туришни истаб қолганди. Бухоролик бўйи теракдек узун Нурмухаммад ҳам факультет талабалар касаба уюшма кўмитасига бош бўлди-ю, комендантнинг бош-кўзини айлантириб ўзига битта шунақа хоначани «хатлаб» олганди. Улар-ку бу ишларни тўқликка шўхлик деб қилишган бўлса, мен мажбурликдан, бошқа

¹ Русча «бок» — «бикни» сўздан олинган бўлиб, бу хона ётоқхона биносининг ҳар икки учи, яъни бикинида бўлади

ерда бировнинг қош-қовоғига қараб юришга хожишим ва иложим йўқлигидан (нархи чўнтакка тўғри келмаслигидан), энг асосийси беш йил талабаликда умрим ўтган мана шу ётоққа ўрганиб қолганимдан, ихтиёр этгандим. Ўшанда ҳам комендантга ойига нақ ўн сўм бериб туриш эвазига эришгандим бу «бахт»га. Лениннинг расми бор қизил ўн сўмлик... Катта пул эди ўшанда. Кўплар давлат хазинаси бойлиги — олтинлар, мана шу ўн сўмликларнинг муомаладаги қиймати билан ҳисобланади дейишарди. Ҳай майли, лекин мен айтмоқчи гап бутунлай бошқа, сал мавзудан четлаб кетганим учун уэр.

Ўша «бақаушка»га аранг битта қаравот сиғади. Бош томонимдаги қўлбола этажеркада бир дунё китоб. Ўзим кимёгар бўлсам-да, уларнинг кўпи адабий асарлар. Дераза раҳи — ҳам овқат ейдиган, ҳам чой ичадиган жой, вақти келса «ёзув столи» вазифасини ҳам ўтайди. На илож, бир томони мусофирчилик, яна бир томони бойнинг ўғли бўлиб турилмаганим-да; йўқса, ўқишни битиргач, бу каталакда ўралашиб юрмай, аллақачон хоразмлик дўқондорнинг ўғли Райимбойдек уй сотиб олган ва бу ерларни елкамнинг чуқури қўрмасин деб данғиллама ховлида бемалол оёқни узатиб ётган бўлардим.

Тоҳида ёзувчилик ҳақидаги бўлар-бўлмас орзуларимни бир четга суриб қўйиб, бош қашиганча шу пайтгача бирорта кизни астойдил севмаганимдан ғалати бўлиб кетаман ўзимча. Ахволим шу экан-у, лекин учинчи курсдалигимда «каҳрамонлик қилиб» фалсафа фани домласи бурни қизил Ҳикматов берган эркин мавзу — «Муҳаббат муаммоси»да барчани оғзимга қаратиб, маъруза қилишимга бало бормиди? Ўшанда барча ҳамкурсларимнинг севги-муҳаббат борасидаги бир олам фикрларини икр-чикиригача жамлаб ваъзхонлик қилибман-а. Мавзу шунақа қизиқмиди, билмадим, бошқа курслардан, ҳатто бошқа факультетлардан ҳам талабалар келганди тинглашга. Факультетдаги энг катта 220-аудиторияга одам сиғмайдди, кўпчилик орқада тик туриб олаган. Бурни қизил Ҳикматов маърузамни мактаб мени имтихондан озод қилиб, ҳали сессия бошланмасдан ўн кун илгари синов дафтарчамга фалсафадан «5» қўйиб берганди. Кейинроқ билдим — бу баҳонинг «хосияти»ни. Менинг маърузам домланинг қўлидаги бир аспирантнинг номзодлик ишидаги бир бобга тиркалибди...

Қизик-а! Мана шу «нозик» мавзуда «беш» олган йигит, яъни мен ҳамон бўйдоқман, бирор кизга астойдил

кўнгил қўя олмай, итнинг кейинги оёғи бўлиб барчага хунук кўриниб юрибман. Энди «бу кунингдан ўл, файласуф» дейдиган одам ҳам, ҳазилқароқ курсдошларим ҳам йўқ. Хатто фалсафадан «икки» олиб қайта имтихон топширган сўтаклар ҳам аллақачон уйланиб олиниган. Туриб-туриб алам қилиб кетади менга...

Ҳаммасидан ёмони — қишлоққа бордим дегунча уйдагилар ва уларга қўшилиб амма-холаларим ширага ёпишган пашшадек мени — бечора «тошбўйдоқ»ни ўртага олишади. Мавзу — мен бечоранинг бошимни иккита, оёғимни тўртта қилиш. Тенгқурларимнинг боши иккита, хатто уч-тўртта бўлганини, аллақачон оёқлари ҳам бошига мос кўпайиб кетганини қулоғимга қўроғишандай қуийишгани-қуийишгани. Ҳар гал зиммамга туманнинг турли бурчакларидан дадам ўз обрў-эътиборига яраша топган (у мактаб директори эди) оилаларнинг кизларини бориб кўриш вазифаси юкланади. Мабода кизларнинг бирортаси ёкса, дарҳол «ха» дейишим ва шу бир оғиз жавобим билан орзу-ҳанас қила-қила чарчаган ота-онамни қувонтиришим керак. Бу — йигитликнинг бўйнимдаги энг оғир юки эди. Мен эса туман марказига бориб, бир-иккита ўзимга ўхшаган уйбеаори ўртоқларим билан гурунглашиб, отам топган ўша «гўзалларнинг гўзали»ни астойдил суриштирган бўламан ва уйдагиларга мудом уларнинг юрагини олиб қўйган бир хил «бўлмайд» деган жавобни айтаману жуфтакни ростлаб қоламан. Сабабини ижикилаб сўраган ота-онамга ўзим кўрмаган ўша сохибжамоллардан бирининг кўзи кўк экан дейман, бирини орик, бирини семиз дейман, яна бирининг бурни меникидан ҳам катта экан-ку, дейман, бошқасининг сочидан, яна биттасининг оғзидан қийик ахтараман, кўзи ғилайрокми-ей, дейман. (Ёлгонларимни энди Худо кечирсин, ишқилиб...) Жуда кисти-кафасга олаверинса, қулоғини кўринг эди, фирт супранинг астари-ку, деган жойларим ҳам бўлган. Жўлғибийрони чиққан дадам «бировдан мин' топгунча аввал қўлингга ойна олгин-да, ўзингга бок, кейин ногара кок» деб бақирганча қулоқ-чаккамга қўйворишига ҳам бир баҳя қолган пайтлар бўлган, қўлига косов олиб, ховлини тир айлангириб қувган ҳам. «Э, одам ажратмай ўл! Хотин деганининг иккита кўзи, иккита қулоғи, иккитадан қўл-оёғи бўлса

бўлди-да! Бу ярамас эса...» Эҳ, ўша сарвинозлардан бирортасини ҳеч бўлмаса узоқдан кўрмаганимни улар биллишмайди ҳам. Ўша кизлардан ҳам энди ўзим расмана кечирим сўрайман. (Ҳозирда бир этак болаларига бош бўлган «кизгиналар» кечириш у ёқда турсин, мени — ўалари кўрмаган Ошик Ғарибни аллақачонлар унутиб ҳам юборгандирлар. Ахир бўйини бир кўрсатмай дараксиз кетган, кишлоқдан чиққан мен каби шаҳарлик олифгани эслаб юришга уларга зарил келибдими...) Энди очигини айта қолай — бизнинг Бағдод кизларининг гаплари сал тўпорироқ бўлса-да, ўзлари ғоятда хушахлоқ, меҳнаткаш; чиройда ҳам бошқалардан ўтса ўтадики, асло қолишмайди.

Менинг бу йўлни тутишимнинг сабаби эса, боя айтганимдек, битта — ёзувчи бўлиш, холос. Борди-ю, уйлансам, китобларда ёзилгандек, оила ташвишларига ўралашиб қоламан. Унда Бағдоддан ким зўр ёзувчи бўлиб чиқади? Ижод аро йўлда қолсинми?.. Бу ўйлаганларим қанчалик тўғри-нотўғрилигини ўзим ҳам хануз билмайман. Лекин ўша вақтларда мен учун дунёдаги энг тўғри йўл шу бўлгани рост. Ахир бировнинг қизини олгач, олиб шаҳарга эргашир-и-б келгач, унинг ҳам орзу хавасига қараш, кейин боқиш ҳам керак-ку! Истайсизми-йўқми никоҳ ўқиган мулла буни бўйинингизга ўз розилигингиз билан олиб қўйган бўлади. Мусулмончилиكنинг ҳам, шариатнинг ҳам қонун-қоидалари шунақа. Мана шуни айтишади «бўйинга тўрва-халтанинг осилиши» деб. Агар бу ишлар юз берса, бир вақтлар талантлари қатаронларга учраган ўзбекнинг яна битта талантли ижодкори шу дориломон кунларда ҳам тириклайин ўлмасин дейман-да.

Ойим дардчил уф тортганча қолади. Барибир дилидаги захар тилига отилиб чиқади: «бола эмас бу — бир бало, лекин бу гал бўлмаса, албатта, келаси гал инсофга келар, унинг дилига ҳам худойим иймон битар». Дадам эса, боя айтганимдек, мендан-да баттар қайсар одам — алифдек буруқсиб сўкинади, шу алпозда тутиб олса, бўрсиқнинг боласидай дўппослашдан ҳам тоймайди. Лекин мен бу гапларни сал узоқроқдан туриб эшитаман. Шунинг учунми ёки бошқа андишаси борми, бу директор одамга нимадир тутиб олишига, дўппослашни бошлашига ҳалакит беради. Кейин ўша ҳалакит берган «нимадир» тагин жағига куч беради. Ўқишни битириб кишлоққа қайтмаганим бир дард, ўзим осмондаги ой бўлмаганим

икки дард, у кўзлаган таг-тугли оилаларнинг сарвидан сулув кизларининг бирортасига «ха» демаганим яна бир дардлигини айтиб, олий маълумотли бўлсам-да, уйга — катта бир жўжабирдай рўзгорга сарик чакалик фойдам тегмаётганини кўшиб жавраб, фиғони фалакка чиқади. «Бу бола — дардгина эмас, дард устига чипқон! Чипқоннинг ҳам энг ёмони: ёрилмаган яра! Потос!» Жа, унчаликмас-ов! Сал бўлмаса, кечалари ухламай ижод қиладиган, келажакда албатта катта ёзувчи бўладиган мендек талантли ўғлини «оқ» қилиб юборишига бир бахя қолади. Хайриятки, ўнг елкада шайтонга хай бериб турадиган фаришталар бор. Ҳатто мен — қудовига гапқирмас-ни шунчалик хушламай қолганки, баъзан келганимдан кетгунимча чурқ этмайди. Аслида айб мендами? Миямга шаҳар фалсафаси урган-да. Ахир суймаган кизга ҳам уйланадими одам? Нима, киз бола бир кўриб оли-иб кетавериладиган дўкондаги молмиди?... Лекин бу аҳволдан гоҳида ўзим ҳам хижолатдан ташвишга тушаман: умр ўтапти, бу кетишда тошбўйдоқнинг тош кўнгли ростданам тошга айланиб қолмасмикан? Бироқ, ноумид — шайтон. Бизга деган онаси ўнмагани ҳам бир жойларда тургандир, қошларига ўсма кўйиб, кўзларига сурма суртиб, деб ўзимни-ўзим овутаман ҳам. Аслида бирор кизга чин дилдан кўнгил қўя олмаганимга китобийлигим, хаёлпарастлигим сабабмикан?..

...Рости учинчи курсдаги лола сайлида тоғ чўққисига лола излаб қўл ушлашганча етаклашиб чиққан Санамгулга бир боғ тоғ доласини узатаётиб шоша-пиша севги изҳор қилиб, кизгинадан бир оғиз жавобини ҳам кутмай, бир кучиб ўпганим, бироқ у санамнинг жавоб ўрнига кўзлари тўла нафрат билан сўзсиз қараб юзимга туширган тарсакисига эга бўлганим ва бу ишқ достонига нукта қўйганим сира эсимдан чиқмайди... Талабалар қурилиш оғрядига қўшилиб Россияга борганимда ўрисчани яхши билмаганим учун танишганим ўзбекчани тушунадиган чиройли бошқирд кизи Гулноранинг ишқида расмана девона бўлишимга пз қолгани-чи. Поезд жўнаётган-ю кўзларим намчил, дилим дардчил, чамадонимни ерга қўйиб, гўзал Гулноранинг икки қўлидан маҳкам ушлаб олганман, сира айрилтим келмайди, шу ерда — совуқлар макони Сибиргинада қоламан дейман.

Шунда бир дўстим чамадонимни танбурга олиб, ўзимни поездга судраб олиб чиқди. Шунга Тошкентга етиб келгунча у билан «пом» бўлдим. Қизик, булар ни-



ма эди ўзи? Қандай туйғулар эди-а?... Лекин Гулнора билан кўришмасак-да, ўқишни тугатгунча хатвозлик қилганим, унутолмаганим, ҳар эслаганда кўзларимдан ёш чиққудек бўлиб қўмсаганларим-чи... Гўё бутун Ўзбекистонда менга киз қуриб кетгандек... Ростдан ҳам қуриб кетганмикан...

Кейин эса сирдарёлик курсдошим Раҳиманинг олди-га тез-тез келиб турадиган чет тиллари институтида ўқийдиган гўзал ва барно — сарвақомат Хонзоданинг ишқида телба бўлиб юрганларим ҳам бор. Чет тиллари институтида ўша вақтларда чет элликлар ҳам ўқишарди. Хонзода йўлнинг нариги томонидаги беш қаватли ётоқхонада турса-да, бизнинг ўтиришларимизга тез-тез келиб турарди. У бизнинг курсдаги кизларга сира ўхшамасди. Қурмағур, истарали, офатижон, новчагина «модний» киз эди-да, ўзиям. Фикрини ҳам бизга ўхшаб ўраб-чимдаб ўтирмай, чет элликларчасига очик айтарди-қўярди. У менга ёқарди, мен доим у билан кўлимни белидан ўтказиб олиб хаминша чиройига маҳлиё бўлганча минг хаяжонда ўрисчасига танца тушардим. Ҳатто лабларим бўйнига тегиб кетганда ҳам у сесканмас ва кўзлари кулганча сўзсиз жилмайиб қўярди, холос. Аммо унга дашгал кўнгил очолмай, дил изҳоримни дилимда пишириб, рози бўлса уйланишимни айтмоқчи бўлиб юрган кунларимнинг бирида уни талабалар шаҳарчасидаги сокин хиёбонда кубалик лаблари дўрдок, шалпангулок негрсифат қорамтир талаба йигит билан ошкора кучоклашиб турганини кўриб қолдим... Хуллас, талабаликда менга насиб этган севги афсоналари шу бўлди. Кейин мундоқ дўппини ерга қўйиб, яхшилаб бошни қашиб ўйлаб карасам, бу дуруст ҳам бўлган экан: бизнинг Фарғонада ҳеч ким ўзи тенги кизга уйланмайди. Ойим ҳам дадамдан етти-саккиз ёш кичик. Бошқа қариндошларимизда ҳам шунақа. Бегоналарда ҳам... Майли, ўтган ишга салавот. Лекин чин муҳаббат орзуси ҳам соғинтираркан кўнгилни. Гоҳида эса, ота-онанинг бўлар-бўлмас қистовларидан кейин хаёлан соғиниб юрганинг — севгининг борлигига ҳам ишонмай қоларкансан. Бирок кул ичида қолган чўғдек юракнинг қат-қатидаги пинҳоний умид сўнмаскан одамзодда. Бу ўзим учун алдовми, тасаллими, билмайман. Ахир мен истаган томондан ҳам бир кун қуёш чиқар...

Қиссани шу тахлит эзмачилик ва йиғлоқилик билан бошлаганим учун узр. Барчамиз ҳам кўнгил кўчаларидан

ўтганда, туйғулардан, ёшлик йилларидаги қалб катида қолиб кетган ҳеч ким билмас дардлардан сўз очилганда йиғлокироқ бўлиб қоламиз шекилли. Айниқса, очилмаган бахт, чопмаган омад, етишолмаган муҳаббат ҳамини кўзларни тоғ жилғасига, кўнгилни қайнарбулоққа айлантириб қўяркан... Эҳ, менинг жоним-с, деб юборасан беихтиёр.

Шунинг учун энди ширин хаёллардан аччиқ ҳақиқатни устун қўяман. Катта шаҳар шунга ўргатаркан: бу ерда бир орзу, бир ният билан қолдингми, унга эришини, кўпнинг орасидан ёриб чиқиш керак! Сен енгмасанг, сени енгىшади. Аммо мендек кишлоқи бир йигитнинг илҳами ҳам кўпинча тўрт томони бетон ёки гишт билан ўралган деворлар орасида эмас, кўркам табиат қўйнида келади. Шунга, бўш қолдим дегунча уйга — ташвишлар макони Фарғонага эмас, атрофи киру тоғлар билан ўралган Ангренга чопаман. У ерда ўша — Сибирда мени «Гулнорадан айирган» ва Тошкентга қайтарган жонажон дўстим Баҳодир оиласи билан яшайди. Хотини Ўлмасхон ҳам курсдошим, яна бир томондан юртдошим — қўқонлик. Улар мени тушунишади. Бордимми, уч хонали уйнинг бир хонаси меники бўлади, ҳатто ёзиш-чизишимга деб стол-стулларни ҳозирлашиб, стол чирогига ҳам қўйиб беришади. Тошкентда қолғу асбобининг филофидек тор хонада турадиган мендек бечорага бундан-да ортиқ яна нима керак? Тагин уларга ёзган-чизган чала-чулла хикояларимни ўқиб берсам, индамай эшитишади, ёзувчи бўлиш ниятимга етишишимга ич-ичларидан ишонишмасалар ҳам ҳар ҳолда юзаки бўлса-да, далла беришади. Бошловчи қаламкашга бундай самимий даллалар зарур эканлигини кейинчалик ҳўп тушундим. Ҳаётда эса доим акси бўлади. Шундай пайтларда оддий тасаллилар ҳам бир олам қувонч келтиради, худди сен ёзган ва ҳали ҳеч қаерда эълон қилинмаган асарларингга Нобель мукофоти беришганидек...

Хуллас, ўша борганимда декабр ойининг ўрталари бўлиб, қиш қаттиқ келган йил эди. Ангрен тоғолди шаҳри эмасми, қор ҳам Тошкентдагидан кўп ёғади, совири ҳам кучлироқ. Ишхонамдан таътилдан қолган бир ҳафталик ҳордиримни олгандим. Баҳодир ва Ўлмасхон билан талабаликдаги эсламаган гапларимиз, телба-тескари қилиқларимиз қолмади. Албатта ўша — мен дўндириб маъруза қилган «муҳаббат мавзуси» ҳам тилга олинди — тили ўткир Ўлмасхон томонидан.

— Нима, Сиз халигачаям сўппайиб юрибсизми? Ўшанда жа ҳаммага ақл бўлгандингиз! Ё осмондаги ойна оласизми? Шу пайтгачаям-а...

— Ахир барча гўзал ва ақлли кизлар сизга ўхшаб эр қуригандек элдан бурун эрга тегиб олишган бўлса... Мен бечора нима қилай?

— Э, бечора бўлмай ўлинг-е! Ҳазилингиз курсин! Ҳалиям ўша бемазачиликларингиз қолмабди-қолмабдида!

Уни ҳазил билан енгган бўлсам-да, туриб-туриб бу дунёда фақат менинг ўзим сўққабош юргандек тағин алам қилиб кетади...

II

Эртасига шанба куни эди. Уйғонгач, стол устида турган Баҳодирнинг докторларникидан-да хунук илоники хатига кўзим тушди. Зўрға ўқидим. «Биз ишга кетдик. Нима бало, туни билан ҳикоянавислик қилиб ухламадинг чамаси, хонангда чирок ўчмади. Шунинг учун эрталаб уйротгим келмади, тўйиб ухлаб ол! Турсанг, газда чойнак, ошхонадаги музлатгичда ҳамма нарса бор, хуллас, ўз уйингдасидек, бемалол... Мен ишдан вақтлроқ келишга ҳаракат қиламан. Бирор гап бўлса, қўнғироқ қиларсан».

Талабаликдан қолган эски касалим — эрталаб томоқдан ҳеч нарса ўтмайди. Секин ишга ўтирдим ва яқинда катта бир газетанинг адабий ходими кўриб у ербу ерига қалам уриб чиқиб «мен айтган жойларини тузатиб, қисқартириб келсангиз, албатта, босамиз», деган ҳажвиямни қўлга олдим. Бир пайт телефон жириглаб қолди. Гўшакни кўтардим.

— Ало-о, бу Ўлмасхон опамларникими? — деди кимдир. Овоз киз боланики эди. У мендан тасдиқ жавобини эшитгач, «ҳозир» деди овози қалтираганча. Кейин индамай қолди, сўнг элас-элас шўх кулги эшитилди ва алоқа узилиб қолди. Аммо бир оз ўтиб телефон яна жириглади. Овоз бояги қизники эди.

— Ўлмасхон опам уйдадилар?

— Йўқ, ишда эди.

— Сиз Баҳодир акамисиз?

— Йўқ. Ўртоғиман.

— Ия, меҳмонман денг.

— Ҳа. Тошкентдан келганман, — дедим гапни чўзиб

у киз билан пича гаплашим умидида. — Сиз шу ерлик-мисиз?

— Нима эди?

— Ангренликларнинг одати кизиқ экан: мен меҳмонга келсаму улар мени уйга қамаб кетишса, — дедим гапни айлантириб.

— Зерикапсизми? — сўради киз. — Мен зериксам китоб ўқийман.

— Сиз ҳам шундай килинг демокчимисиз?

— Ха-да! Айтмоқчи, hozir нима қияпсиз?

— Сиз билан телефонда гаплашяпман.

— Ундан олдин-чи, демокчийдим.

— Ростини айтайми? — дедим. Тўғриси нотаниш қизга бир мақтангим келиб кетди.

— Айтинг!

— Мақтончок деб ўйламасангиз...

— Ўйламайман.

— Ёзган хикоямни тузатяпман.

— Ия, зўру, ҳали ёзувчиман денг. Чинданми? Чикқанми хикояларингиз?

— Ҳа, ёшлар газетасида, бир-иккитаси босилган.

— Берсангиз ўқирдик, — деди у. Кейин дабдурустан сўраб қолди. Ёшингиз неччида? — Мен аввалига ростини айтгим келмади ва қаердадир қизлар ҳақида айтилган гаплар эсимга тушиб ҳалиллашдим:

— Биласизми, ўрил болалардан бешта нарсани сўралмайди. Биттаси — ёшини, — дедим жиддийлашиб. Кейин изох бердим: — Баходир ва Ўлмасхон опангиз билан тенгдошман.

Гўшакдан ёқимли қикирлаш эшитилди.

— Тўғриси, мен уларни танимайман. — Бу гапга ҳайрон бўлиб тургандим, киз шоша-пиша, «Кечирасиз, врач келяпти, уришади. Кейинрок...» — деди-ю, гўшакни қўйиб қўйди.

Нимагадир шу куни нотаниш қизнинг гаплари таъсириданми парижонлигим ошиб, ишга унчалик қўлим бормади. Тузатган сайин бечора қўлёмалар янада бузилаётгандек олабўжи бўларди. Негадир ҳаёлим ҳали ўзини кўрмаган майин овоз эгасида эди. Ким бўлди экан у киз? Баходирларни танимаса, нега уларникига қўнғироқ қилди? Нега врач келаяпти деди? Демак, поликлиникадан ёки шифохонадан қўнғироқ қилган. «Кейинрок» дегани нимаси, яна қўнғироқ қиламан деганими, унда нега телефон ҳамон жим...

Окшом залда дўстим билан телевизор кўриб ўтирган эдик, Ўлмасхон маъноли кулимсираб кириб келди.

— Ёмонсиз, — деди менга қараб. Сўнг тагин жилмайиб гапига изох берди: — Телефон жиринглаганиди, олсам ёшгина қизнинг овози, «Салом, ёзувачимисиз?» деса бўладими. Гапирсам, индамай гўшакни қўйиб қўйди. Нима бало, дархол бизнинг Ангренда бирортасининг бош-кўзини айлантириб олдингизми дейман?

— Дўстим Ангренга куёв бўлса арзимайдими? — Баҳодир орага гап суқди. — Ёки энди ўзингиз ангреник бўлиб олиб, Ангрен қизларини қизғанияпсизми?

Кулишдик. Лекин уларга ҳеч нарса демадим. Хали ўзим ҳам тузик-қурук билмаган қиз ҳақида нима ҳам дейишим мумкин? Шундок ҳам улар менинг қизлар масаласида омадсизлигимни яхши билишади. Ёзувчилар фақат қороздагина яхши кўришади, деб ҳазиллашишлари ҳам шундан.

Ўлмасхон ҳамшаҳрим эмасми, гарчи ўқишга киргач, Тошкентда танишган бўлсак-да, жуда иноқ эдик. Уни курсимиздаги кўп йигитлар ёқтирарди. Лекин ҳеч бири юрак ютиб унга кўнгил очинга ботина олмасди. У самимий ва жиддий, шаҳлокўз, бўйчангина, ақлли ва андишали, истараси иссиқ қиз эди. У менга ҳам ёқарди, лекин бу ёқтириш хавас ва мухаббатдан кўра нимагадир бошқа нарсага — ака-сингилнинг бир-бирига бўлган хурмату севгисига ўхшарди чамаси, энди билсам. Аммо бир марта Баҳодир мендан ҳам уни рашк қилиб, мен билан очикчасига гаплашиб қўйиш учун ётоқхона рўпарасидаги футбол майдонига етаклаб чиққани ҳамон эсимда. Ўшанда иккинчи курсни битириб, қурилиш отрядига кетишга тайёрланаётган пайтимиз эди. Ётоқхонада кимнингдир туғилган кунини ўтказаётгандик. Билмадим, кайф аралаш Ўлмасхон билан каторасига бир-икки танца тушганимиздан бўлса керак, унинг аччиғи келди ва бир оз ўтгач, қулоғимга пичирлади:

— Дўстим, юр ташкарига чикиб келамиз. Сенда гапим бор.

Стадионга чиққач анчагача гап бошлолмай турди, охири жаҳлим кўзиб ўзим сўрадим:

— Нима гапинг бор эди?

— Сендан бир нарсани сўрамоқчийдим.

— Сўрайвер.

— Хафа бўлмайсанми? — у менга қалати тикилди.

Унинг қотмадан келган чўзиқ юзлари кизариб кетган, бит кўзларида аллақандай катъият бор эди.

— Сен Ўлмасхонни яхши кўрасан-а? — деди у даб-дурустдан. Мен ҳеч қачон ҳаёлимга келмаган бу саволдан ғангиб қолдим. Кейин ўзимни ўнглаб, синаш учун:

— Шунақа бўлса-чи? — дедим атайин. Жавобимдан Баҳодирнинг ранги қув ўчди, кўзларига қалкиб чиққан ошқора нафрат билан менга еб юборгудек қаради, аммо ҳеч нарса демади.

— Сен-чи? — дедим унинг жавобини яхши билсам-да. — Севасанми, уни?

У индамади. Ўз гапим ўзимга ноқулай туюлиб вазиятни юмшатдим.

— Мен уни дўстларча ҳурмат қиламан.

— Мен ўйлабман... — у сал ўзига келди, юзларига қон югурди.

— Агар ўйлаганинг тўғри чиққанда-чи?..

— Ўқишни тапплаб кетардим.

— Бошинг оққан томонгами? — гапни ҳазилга бурдим. — Ниятингнинг бемаънилигини кара-ю, — деганча секин ундан узоқлаша бошладим.

— Тўхта! — Баҳодир бир сакраб йўлимни тўсди. — Кўзимга тик қараб ростини айт: жон дўстим, ёлғон гапирмаяпсанми?

— Кўй-е, эзвординг-ку одамни, — йўлимни тўсганидан аччиқланиб уни қўлим билан итариб нари кетарканман, қўшиб қўйдим: — Агар очигини билмоқчи бўлсанг, билиб қўй — у сени севади...

— Қаердан билдинг? — унинг кўзларида ўт чакнади. Тугилган муштлири ёзилди.

— Сизганман!

Шуларни эсларканман, диванда кизчасини қўлидан қўймай телевизор кўриб ўтирган Баҳодирга «у-бу нарсаларимни тузатаман» дедим-да, ўз хонамга чиқдим. Ишлаш қаёқда. Ҳаёлим телефонда... бир пайт телефон жиринглаб қолди, чопиб чикиб гўшакни кўтарганимни ўзим ҳам билмай қолибман. Ўлмасхон ҳам қўнғирок овозини эшитиб келган экан, қаршимда кулимсираб қараб турарди. Кейин аста нари кетди. У томондан ҳадеганда овоз бўлмади. «Ало-о» дедим секин. Нариги томондан «хайрият-ей, сиз экансиз» деган жавоб эшитилди. Ўша ёқимли ва майин овоз эгаси эди у.

— Боя ҳам кўнғироқ қилганмидингиз?

— Нега трубкани қўйиб қўйдингиз?

— Қўрқиб кетдим. Мен сиз оласиз деб ўйлабман. Лекин сизни сўрашга уялдим. Ўлмас опам «бу қанақа қиз экан» деб ўйламасин деб...

— Чучиманг! У яхши аёл, истасангиз таништириб қўяман.

— Кейин...

— Боя шифохонадан кўнғироқ қилгандингизми?

— Вой, қаердан билдингиз?

Хуллас, шу куни у билан анча гаплашдик, телефонда бўлса-да, оз-моз танишиб олдик. Иسمи Махбуба экан. Бу йил мактабни битириб Ангрен педагогика институти-нинг филология факультетининг инглиз тили гуруҳига ўқишга кирибди. Пахтага чиқишганда тўсатдан касал бўлиб қолибди. Шундан буён шифохонада экан. Шеър-ятга, адабиётга меҳри бор экан. Телефонда шеър ҳам ўқиб берди. Кейин «сиз ҳам шеър биласизми» деб сўради.

— Бир қатор биламан, холос, — дедим ҳазиллашиб.

— Айтинг-чи.

— «Мен қўрқаман севиб қолишдан», — дедим шир мисрасини такрорлаб.

— Ёмон бола экансиз, — у жимиб қолди.

Шартта юрак ютиб таваккалга кўчдим.

— Олдингизга борсам майлими?

У анчагача жавоб қилмади. Кейин аста гапирди: — Биринчи шаҳар касалхонаси, тўртинчи қават, жароҳлик бўлими, — деди-ю трубкани қўйиб қўйди.

Секин залга кирдим. Ўлмасхон яна гап ташлади.

— Ўшами?..

— Ўша... — дедим негадир юрагим бир антикиб.

— Роса айлантирдингизми? Ё у сизни айлантирдимми? Бизнинг номерни қаердан билипти?

— Билмадим. Шифохонадан кўнғироқ қилибди. Тасдиқфан тушиб қолганми?

— Э, хўжайиннинг поччасининг сингиси Жамила у ерда практикада-ку. Биринчиданми? Жамила айтган. Унинг шунақа одати бор, кимга бўлса айтиб кўнғироқ қилдираверади, кейин ўзи гаплашади.

— Ҳамшира қизлар шўх бўлади. Шунга бир мисол айтайми? — суҳбатга Баходир аралашди. — Бир аёлнинг эрини қизлар телефонда кечаси икки-уч бор сўрашибди. Шўринг қурғур эр қўй оғзидан чўп олмаган юн-

вош одам экан. Уларни танимайман деб минг айтсам ҳам рашкчи хотини ишонмасмиш. Охир қўшинисига воқеани айтиб, агар бизга телефон қилса, сизга айтаман, дарҳол шаҳар АТС дан қайси номер билан гаплашаётганимизни сўранг, депти. Аниқлашса, кизлар касалхона навбатчилари — ҳамшира кизлар экан. Эртасига бориб ҳаммасининг роса адабини берибди. Хатто бош врачдан огоҳлантириш олиб берган экан...

Баходир кулди. «Ажаб қипти», дея Ўлмасхон ҳам жилмайди. Мен ҳам зўраки илжайдим.

Ўша куни Махбубани ўйлай-ўйлай уйкуга кетдим. Уйкуга кетиш олдидан эса эртага албатта унинг олдига бораман, дея ният қилиб қўйдим. Хаёлан уни тасаввур этаман: заъфаронмикан, касалликдан ўзини олдириб қўйган, кўзлари чуқур-чуқур ботганмикан, балки чиройлидир, балки... хунукдир. Кўнглимда ҳар хил шубҳа — гумонлар ўрмалайди... Балки у мени алдагандир, лақиллатгандир, зерикиб ўтирганда телефон бир эрмак бўлгандир ва у кўнглига келган гапларни гапиргандир... балки овози майин кап-катта бир хотиндир, мени масхара қилаётгандир. Балки ҳозир барча ҳамхоналарига, «эртага менинг олдимга бир йигит келади, эсимдан чикмайдиган қилиб болаймиз-да», деб тайинлаб ўтиргандир. Ахир бунақа воқеалар ҳаётда сон-мингта-ку! Э Худо, бировларнинг олдида кулги бўлишдан ўзинг сакла! Ахир бу дунёда энг ёмон кўрганним ҳам шу — бировларга кулги бўлиш... Лекин ўзи касал бўлса, алдаб нима қилади, бировни алдашдан унга не наф? Овози ҳам катта аёлларникига ўхшамайди-ку!

Эртасига тушга яқин кўчага чикдим. Қалин қор кўрпаси оёқ остида ғалати ғичирлайди, қор ҳамон майдалаб ёғяпти, кўчаларда мактабдан келаётган болакайлар шовқини оламни бузаман дейди, бири бирига қор отган, қувлашган, сирпанган, йиқилган... Хаёл билан касалхона рўпарасига келиб қолибман. Дарвоза олдида киришни ҳам, кирмасликни ҳам билмай узок туриб қолдим. Балки, ҳуш анави тўртинчи қават деразасидан ўша аёл мени масхара қилиб қараб тургандир... Қалламга келган бу фикрни ўзимдан нари қуволмай шитоб ортимга қайтдим. Гўё кимдир шу асно мени бу ердан калтак олиб қувлаётгандек бўлаверди. Аммо ҳамон юрагим не умидда бегоҳат урар, алдаётганига ишонгим келмасди. Кечгача Ангрен кўчаларини, хиёбонларини, бозорларини беҳафсала кезиб юрдим. Охири дўстимникига қайтдим.

— Намунча, шаштингиз паст? — дея қарши олди Ўлмасхон. — Ёки тобингиз йўқми?

— Кўча совук экан.

— Шу совукда бало бормиди ўзи сизга кўчада. Ундан кўра бирор нарса ёзмайсизми? Ёки мавзу кидириб...

— Ҳа, тоңдингиз. Барча талантсиз ёзувчилар ёзаверадилар-ёзаверадилар...

Баходир кечроқ келди.

— Табрикласак бўладими? — деди у эшикдан кирар-кирмас.

— Нима билан?

— Нима билан бўларди. Кеча ёзмокчи бўлган янги хикоянг билан-да.

— Хикоядан қисса чиқармокчиман. Шунга қалам уриб мавзунини бузгим келмади, — дедим зўраки илжайиб. Ёзолмаган ҳар бир куним ўзимга ҳам алам қиларди.

— Қалам ҳақи каттароқ бўлади дегин. Аммо бугун шу ёзилмаган, аммо ёзилажак қиссанг учун юз-юз отмасак бўлмайди. Жуда совқотиб қайтдим.

— Бизнинг «чол»га қилча баҳона бўлса бўлди, — Ўлмасхон Баходирга қараб пичинг қилди.

— Майли, биринчи қадахни сизнинг совлигингиз учун ичамиз, — дея шўхчан жавоб берди Баходир.

— Ўлақолинг, дарров «подход» қилмай.

Ўша окшом роса валақлашиб ўтирдик. Бир вақт хонамга кирганда стол устида ўқиётган китобим ҳам очиқ-сочиқ ётганига кўзим тушди, ишлаётган хикоям ҳам столнинг бир бурчагида икки кундан буён ўз тақдирига маҳтал бўлиб ётарди. Менинг ҳаёлим эса ҳамон телефонда эди. Аммо у бугун жим эди...

III

Кейинги куни ҳам ҳаёлим сочилиб, ҳеч нарса ёза олмадим. Ниҳоят, тушдан кейин нима бўлса бўлар, дедиму шартта йўлга тушдим. Бугун қор ёғмаётган бўлса-да, изғирин кечагидан баттар эди. Касалхонага совукдан қалтираб кириб бордим. Айтилган бўлимни осонгина топдим ва тўртинчи қаватдаги ёпиқ эшик туйнугидан биринчи учраган оқ халатли паканароқ кизни чақириб сўрадим.

— Синглим, бир минутга, кечирасиз, Жамилани танийсизми?

Қиз менга аввалига синчков қаради, кейин «ҳозир

чиқаман» деганча шитоб юриб кетди-да, сал нари боргач, кайрилиб деди:

— Эшик очик, кираверинг, «дежурка»да кутиб турасиз, ҳеч ким йўқ.

Хаял ўтмай ўзидек оқ халат кийган, бошида оқ калпоғи ҳам бор, кўзлари қуралай, лўппи юзли, ўзидан бир оз тикроқ қизни бошлаб келди. У мени кўриб таажжубини яширмади, елка қисиб, кўзларини катта-катта очганча саломлашгач:

— Мени сўрадингизми? — деди чўзиб.

— Ҳа. Яхшимисиз? Нима десам экан. Баходирларни-кига келгандим, ўртоғиман. Бир оз шамоллабман, бошим ҳам оврияпти. Шунга дори-пори бўлса...

Иккала қиз бирдан шарақлаб кулиб юборишди. Уларнинг телефон воқеасидан хабардор эканликларини дархол тушундим. «Ана, айтмадимми, хакикий шармандалик бошланди».

Пакана қиз хиринглаганча оғзини қўли билан ёпиб чиқиб кетди. Бўлар иш бўлди, дедиму минг хижолатда кизариб Жамиладан сўрадим.

— Сизларда Маҳбуба деган касал қиз борми?

— Бор. И-я, сизмидингиз у куни гаплашган? — У ҳеч нарса билмагандек жавоб қилди. — Менинг ишим кўп эди. Ўлмас опамда бир гапим бор эди, шунга, кўнғироқ қил-чи, уйдамикан, деб унга айтгандим. Ҳозир ўзини чақираман.

Жамила чиқиб кетди-да, тезда қайтиб келди.

— Келганингизни айтдим. Аммо бу ерга келгани уяляпти, — деди жилмайиб. Нима дейишимни билмай ноқулай аҳволда қолдим. Сўнг:

— Маҳбуба талабами? — деб сўрадим, чўчибгина.

— Ҳа, бу йил ўқишга кирган.

Сал кўнглим жойига тушди. Ҳар ҳолда кулги бўлишдан қутулдим. Ахир ёш қизнинг орқасидан келиб кулги бўлсанг алам қилмайди. Пича дадиллашдим.

— Бўлмаса, мен кета қолай.

— Бу ерга келмайди, у жуда уятчан. Ҳув анави жойда — коридор охиридан ўнгга қайрилсангиз, ўша ерда зина бор, бир-иккита стул ҳам бор, у ердан одам кам юради — захира йўл. Мен бориб унга айтаман.

Айтилган жойга бориб кута бошладим. Хаёлга берилиб кетибман. Бир вақт Жамиланинг овози эшитилди.

— Келинг! Келаверинг!

Кизғиш, сарикка мойил гулли қалин ва узун халат

кийган, юзлари чўғдек ёниб турган, уялганидан нима дейишини билмай, қўллари билан Жамиланинг халатини махкам торткилаб, гўё унинг ортига беркинишга ҳаракат қилганча ўн етти ёшлардаги гўзал бир киз рўпарамда ерга қараб турарди. У Махбуба эди. Бир қарра кўзларимиз тўқнашди. Ҳаяжондан юрагим кинидан чиқиб кетди деди. Бекорга уни ўйламаётган эканман. Кўнглим сезганди гўзал ва ажойиб қизлигини. У яна уялиб ерга қараб олди.

— Яхшимисиз? — дедим мен базўр тилга кириб.

У бош ирғади. Кейин Жамиланинг паналаб хиёл қулимсираганча ер остидан шундай чиройли — тасвирлаб бўлмайдиган даражада самимий ва беғубор бир қараш қилдики... Гўё вужудимни аланга олгандай бўлди.

Жамила бир нарсани баҳона қилиб бизни ёлғиз қолдирганча қайтиб кетди. Махбубанинг дона-дона тим қора кўзлари билан яна кўзларим тўқнашди. Иккимиз ҳам нима дейишни билмасдик. У мендан баттар бегаранжом. Унга зимдан тикиламан. Бир-бирига пайваста калин қошлар, ок рўмол билан танғиб ўралган бўлса-да, пешонаси чаккасидан чиқиб турган тутам-тутам қора сочлари унинг бир хуснига ўн хусн қўшиб турарди. Ё товба, киз деган ҳам шунақа сулув бўладими? Мен аҳмоқ бўлсам не хаёлларга бориб юрибман-а? Кеча эса келишга ваъда бериб, кўрқоқлик қилиб киролмай кетганим-чи? Ахир мен кутган ва мен бир умр излаган киз шу эмасми? Гўё ҳаммаси тушимда бўлаётгандек. Ҳамон унинг гўзаллиги олдида довдираб, тилим калимага келмай анграйиб турардим.

— Ўтиринг, — дедим охири ўзимга келиб, стулга ишора қилиб.

— Қандайдир ноқулай, ҳамма бизга қараётгандек... Яхшиси мен кета қолай!

Чўчиб тушдим.

— Ия, ҳали гаплашмасимиздан зериктириб қўйдимми? Телефонда гаплашиш осон экан.

— Шунинг айтини. Тоза бу қанақа киз экан, деб ўйлаётгандирсиз, — деди у ҳамон кўзлари билан ер чизиб. — Умримда телефонда бегона одам билан унақа гаплашмагандим.

— Мен тасодифдан ҳам, телефонни чиқарганлардан ҳам хурсандман.

— Нимага?! — у ўсмоқчилаб сўради.

— Чунки сиз билан танишдим.

— Қўйинг бунака гапларни...

Махбубанинг юзлари янада чўғланди, гапимдан норо-зи бўлгандек киприклари пирпиради. Унинг киприклари ҳам узун-узун эди. Секин-аста гапимиз қовуша бошлади. Мен болалигим, талабалик йилларимдаги қизик-қизик воқеалардан тўлиб-тошиб сўзлай кетдим, у эса эндигина бошланаётган талабалигининг қувонч-ташвишларидан охиста гапириб қўярди. Хуллас, биз бир-биримизга нимадан гапирсак ҳаммаси иккимизга ҳам қизик туюлар, секин-аста иккимиз ҳам қаерда эканлигимизни унутгандек, гўё бу мавжуд оламда эмас, арши-аълога чиқиб сухбат қураётгандек сезардик ўзимизни. Гўё ўзимиздан бошқа дунёни унутгандек эдик. У ҳамон бошини қуйи эгиб ўтирган бўлса-да, боягидек энди ўзини ноқулай сезмас, гапларимни индамай эшитар, аммо ўзи хақида кам сўзларди.

— Кеча келмоқчи бўлдимۇ қўрқдим, — дедим гап орасида.

— Еб қўяди деб ўйладингизми? — у беихтиёр кулиб юборди.

— Йўғ-э.

— «Ёлғончи» деб ўйладим.

— Ўхшайманми?

— Қайдам.

— Ростини айтайми? Очиги, каттароқ бир хотин бўлса-чи, деб кулгига қолишдан чўчидим.

У яна бир чиройли хандон отиб кулди. Унинг садафдек оппоқ тишлари яркираб кетди.

— Бугун-чи? Қўркмадингизми?

— Таваккал қилдим — бир бошга бир ўлим.

— Таваккал қилишдан қўркмайсизми?

— Баъзан. Алдамаганингизга ишонгандим.

— Ҳеч ёлғон гапиролмайман. Ёлғонласам, ўзим биринчи бўлиб кулвораман.

— Айтмоқчи, телефонда ўқиган шеърингиз ажойиб экан...

— Қўйинг, — у гинали қаради. — Ҳадеб телефонни эслатаверманг. Мен сизни умуман қўрмайман деб ўйлагандим-да. Барисига Жамила ошам сабабчи, телефон қилдирган. Кейин ўзини доктор чакириб қолди. Мен эса сизга тушиб қолдим. Айтмоқчи, ҳалиги айтган бешта нарсангизнинг қолганлари нима эди?

— Айтмайман, — ҳазиллашдим мен, гарчи ўзим ҳам

буларни билмасам-да. — Хали ёшсиз, бунақа нарсаларни билишингиз шарт эмас.

— Ҳо, икки ҳафтадан кейин Янги йил, январ ўтиб феврал келса ўн саккизга кираман.

— Унда ўшандан кейин айтаман.

— Ростданми? Сиз билан гаплашиш хавfli экан.

— Нима учун?

У жимиб қолди. У гапирганда ҳам, жимиб қолганда ҳам жуда жозибали эди.

Биз яна узок суҳбатлашдик. Гап орасида баъзан бир-биримизга унсиз тикилиб қолардик. Кўзларимиз тўқнашганда ғалати бўлиб кетардим. Гоҳида бу тўқнашув жуда қисқа бўлса-да, мени тобора аланга ичига отарди. Ичимга чўғ киргандек бўларди...

— Вой ўлмасам, кеч бўп қопти, укол олиш вақти ҳам бўпти, — деди Маҳбуба бир пайт қўлидаги соатига қараб.

— Мунча вақт тез ўтмаса, — деб юбордим беихтиёр.

— Майли, мен бораёй, — деди у.

— Шошманг!

— Хайр! — деди Маҳбуба гапимга қулимсираб.

— Эртага келсам майлими? — унга маъноли тикилганча сўрадим.

— Буни ўзингиздан сўранг...

— Унда қутинг! Албатта, келаман! Хайр!

У сўнгги бор ёқимли жилмайиш ҳадя қилганча мени кузатиб қолди.

Ташкарида совуқ кучайган, кўчаларда ёнган оқшом чироқлари нурида қалин қор кўрпаси ажиб бир жилоланиб кўринар, очик осмондаги чароғон юлдузлар эса гўё менга жимир-жимир қилиб, кўз қисиб сиригнни биламан деяётгандек туюларди. Мен совуқни ҳам сезмасдим, ҳамма нарсага меҳр билан қарардим ва йўл-йўлакай учраган одамларни тўхтатиб, қор ҳақида, ажойиб киш ҳақида, бахт ва муҳаббат ҳақида тўлиб-тошиб сўзлагим келарди. Гўё мен ўз ғалабасидан эсанкираб қолган ёш бола каби шодликдан телба бўлгандек эдим. Ўзимни худди ерда эмас, осмонда — ойу юлдузлар ёнида учиб юргандек ҳис қилардим.

— Қаерларда дайдиб юрибсан? Илҳақ бўлиб ўлдикку! — Бу мен учун эшик очган Баҳодирнинг овози эди. — Қорнинг ҳам тоза очгандир. Соат ўн бирдан ошди.

Унинг гапларига тузукроқ жавоб бермадим ҳам. Фақат у қизчасини ухлатгани кириб кетган Ўлмасхон

чарчаб ухлаб колганини айтиб, ўзи овқат келтиргани эсимда.

— Мунча ширин овқатинг?

— Кайфинг борми? — Баҳодир менга астойдил тикилди. — Совукдан юзларинг, бурнинг кизариб кетибди. Гапларимга жавоб қилмайсан?

— Нима? — дедим унинг гапларини эшитсам ҳам тушунмай.

— Оббў, хаёлпараст жинни-ей! Халиям хаёлпарастлигинг қолмабди-да. Бу хаёл сурганда маст нима-ю жинни нима, гаплашиб ҳам бўлмайди...

IV

Ўша оқшом ҳам қоғозларга қўл урмадим. Хаёлим бугунги учрашув завқу шавқида эди. Ботаётган қуёшни кўп кузатганман: ҳаво очиқ қушлари ғарб осмони кизариб оловланади, лоладек чўғланади, кўкда узок-узокларга сафарга чиққан булутлар кизил-кўнғир тусда чиройли товланиб сузади. Лекин бу нурлар қанчалик жозибали ва борлиқни товлантирувчи, кўзларни қувонтириб, дилтортар бўлса-да, унинг тафти-оташи суст бўлади. Менинг ҳам муҳаббатни орзу қила-қила чарчаган қалбимда самимий туйғуларга — ишқ деб аталмиш кўнгил дардлари борлигига ўзимда ҳам ишонч сўна бошлаганди. Шунча вақт кесакдек ҳиссиэ яшадим, энди севолмасам керак, деб ўйлагандим. Маҳбубанинг гул-гул очилиб кулиб турган чехрасини эсларканман, вужудимни аллақандай кўтаринки бир кайфият эгаллайди. Эсимда, ўша «Муҳаббат муаммоси»да бир кўришда севиб қолиш мумкинми, деган савол ҳам бор эди. Маҳбубани ўйларканман, уни кўргач, бу саволнинг тасдиғига ўрин қолмаганини сездим. Бугунги кун мен учун бахтли тасодиф, менга бахт ва қувонч, қалбимга муҳаббат олиб келган ажойиб кун эди. У жуда чиройли. Менинг шоирона қалбимнинг истаги ҳам мана шу — гўзаллик эмасмиди? Ахир шунга, мана шундай гўзалликка хаёлан интилиб яшамаганмидим, бир кунмас — бир кун Маҳбубадек соҳибжамол қизни учратишни орзу қилмаганмидим?..

Тушимда ҳам уни кўрдим. Яна талаба эмишман. Ётоқхонамиз олдида бир тўп ёшлар йиғилиб, ўйин-кулги қилаётганмиш. Мен ҳам шовкинни эшитиб ташқарига югуриб чиқдим. Даврада қўлларига, билакларига, бўйнига ҳар хил тилла тақинчоқлар таққан, калта атлас

қўйлагу жиякли лозим кийган киз ўртада минг макомда нозланиб ўйнар, бир барваста, мўйлабли йигит бўлса, калласини у ён-бу ёнга силкитганча берилиб тор чертиб ашула айтарди. Бундок қарасам, ўйнаётган киз — Махбуба эди. Югуриб бориб унинг қўлидан ушлаб ўйиндан тўхтатдим.

— Нега бу ерда ўйнаяпсиз? Ахир бу ер кўча-ку! Анави тор чертаётган ким?

— Кўча. Ҳе-хе, кўчамини... Бу менинг ишим, — деди у гўё менинг устимдан кулаётгандек. — Қўшиқчи эса — йигитим.

...чўчиб уйғониб кетдим, ҳамма ёғим жикка кора терга ботган. Тушимнинг барча тафсилотлари аниқ-тиник эсимда қолганди. Тушларим сира бунақа равон эсда қолмасди. Аммо кўрган тушимдан таъбим хиралашди. Балки ростдан ҳам йигити бордир? Кўнглимга юракни кемирувчи гумон оралади. Турганимда соат ўн бирдан ошганди. Стол устида Баҳодир қолдирган хатни ўқидим. «Ўн иккиларга келаман, ҳеч қаерга кетиб қолмагин. Бир жойга борамиз!»

Мен Махбубага берган ваъдамни эсладим. Апил-тапил чой ичдим-да, кейин шифохонага қўнғирок қилиб, Махбубадан бир оғиз ахвол сўраб, бородмаслигимни айтиб қўймоқчи бўлдим, лекин телефон рақамини билмаслигим эсимга тушиб, ҳафсалам пир бўлди. Билганимда ҳам барибир ноқулай, хали тушлик бўлмай докторлардан касални чакиртириш... яна киз болани...

Баҳодир айтилган вақтда келди.

— Тайёрмисан? — деди уйга кира солиб. — Кетдик. Катта поччамларникига борамиз. Туркистондан меҳмонлар келинган.

Баҳодир асли туркистонлик. Отаси, оналари ва поччалари келган экан. Катта поччаси эса Ангрен биқинидаги Дукент кишлоғида турарди.

Кун бўйи меҳмондорчиликда қолиб кетдик. Махбубага берган сўзимнинг устидан чиқолмаганимдан роса қийналдим. Лекин у ердан чиқиб кетишнинг ҳам иложи йўқ эди.

Эртасига шифохонага бордим ва одатдагидек ҳамшира кизлардан Махбубани чакирттирдим. Лекин негадир у ҳадеганда чиқавермади. Кута-кута охири чиқмаслигини билгач, бир ахволда ортга кайтдим. Кўнглимга чирок ёқса ёришмасди. Нега чиқмади? Нега чиққиси келмади? Ахир ҳамма айб ўзимда. Кеча келишга ваъда бериб

келмадим-ку! Ёлгон ваъда берган одам кимга ҳам ёкарди? Аслида меҳмондорчиликдан воз кечсам бўлар экан. Кейин беҳос ўтган куни кўрган тушим эсимга тушди. Ростдан йигити бормикан? Ахир шундай гўзал қизнинг севгани бўлмайдими?..

Юракни кемирувчи мана шу каби минг хил ўйлар гирдобиди қай аҳволда Баҳодирларникига қайтиб келганимни билмайман...

Кейинги кун Баҳодир ва Ўлмасхон ишга жўнаши билан мен ҳам ортиқ сабр косам чидамай шифохонага йўл олдим.

Хайриятки, Махбуба узок куттирмади. Аммо унинг қайфияти йўқ эди. Хол-аҳвол сўрашгач, ўша хилват бурчакка бориб стулларга ўтирдик. Нима деб ўзимни оклашимни ҳам, нима деб гап бошлашни ҳам билмайман. Орага қандайдир ноқулай сукунат тушди. У бир-икки менга қараб қўйди-ю, лекин мендан бурун гап бошламади.

— У куни келолмадим, узр, — дедим ниҳоят айбимни тан олиб. — Мени ёлғончига чиқариб қўйгандирсиз?

— Энди умуман келмасангиз керак дедим...

— Нега?!

— Қайдам, ўзим шундай, — у дардчил гапирди. — Кеча куни бўйи хонадан чиқмай ўтирдим. Ўша куни сиз билан кўп гаплашиб юборибмиз. Йўлакка чиқсам ҳамма менга қараётгандек... Бу ерда бир-иккита бизнинг маҳаллалик аёллар ҳам бор, ўшалардан тоза уялдим...

— Ўзи баъзан шунақа туюлади. Бошқалар худди сен тўғрингда гапирётгандек, сени ҳаммага кўрсатаётгандек бўлаверади. Кўпам бунга аҳамият берманг. Ҳаммада ҳам бўлади бундай ҳол.

— Айтмоқчи, — у сўзимни бўлди. Кейин бир оз ўйга чўмди, салгина қизарди, сўнг дераза томонга имлади. — Қаранг!

Қарадим. Очiq ҳавода шаҳарнинг шимолий-шарқ томонида тоғлар оппоқ қорга ўранганча викор билан бўй чўзиб турарди.

Қандай гўзал манзара — қорли тоғлар...

— Уларни айтмаяпман, — деди у, сўнг қўли билан кўрсатди.

-- Анави тўрт қаватли уйларни кўраяпсизми? Ўшаларнинг ортида, Тошкентдан шаҳарга киранишдан чапда томонда тоғ этагида бир қишлоқ бор. Номи Қорабор.

-- Эшитгандайман...

-- Ўзингиз у ерда бўлмаганмисиз?

-- Йўқ.

-- Ростини айтсам хафа бўлмайсизми?

-- Қизлардан хафа бўлишни ўн саккиз ёшимда ташлаб юборганман, — дея ҳазиллашдим. У кулмади ва жиддий деди:

-- Ўша куни сиз билан гаплашиб ўтирганимизни кўшни хонада ётган тўққизда ўқийдиган қорабоғлик бола ҳам кўрган экан. Кетганингиздан кейин «У ким?» деб роса тақичилаб сўради. Кейин «Мен уни танийман» деди. «Қаердан биласан?» десам, «Мен уни Ангренда кўп кўрганман. Нукул хиёбонда бир қиз билан етаклашиб юради», деди. Мен сизни тошкентлик десам ҳам у сўзида туриб олиб, мени енгди. Мен аслида унга кўринишдан ҳам уялиб, хонадан чиқмадим. Кеча мени чакиришни ҳам ҳамшира келиб-келиб унга айтибди...

-- Кеча шунга...

-- Кўйинг, эслатманг! — у яна гапимни бўлди. — Ўзи шундок ҳам ўйламаган ўйим қолмади.

-- Менам кеча...

-- Кечиринг! Майли, ўтган ишга салавот, ҳисоб тенглашди, — унинг салгина чиройи очилди.

-- Сизнинг ёшингизда одам ҳамма нарсага ишонади.

-- Бу ёмонми?

-- Ўша бола айтгандақаларга ўхшайманми? — унга ўпкалаганнамо тикилдим.

-- Ўхшамайсиз чиқар...

-- У бола-чи?

-- Қайдам. Балки у ўхшаш чиқар, — унинг кўзларидан, юзларидан жилмайиш ўрмалаб ўтди. Бу онийлик кулги ўк овозидан чўчиб учиб кетган бир тўда қушлардек зумда орага тушган ғуборни тарқатиб юборди.

-- Келганимга бугун қирк кун бўлди, — деди у бир маҳал яна маҳзун тортиб. — Қасалхонаси ҳам жонимга тегиб кетди. Зерикдим.

-- Қаерингиз оғрийди?

-- Грижаман. Кўричакни олдирганимдан кейин ўрнида қандайдир ўсма қолибди. Шунини даволашяпти...

Бундай хасталиклар ҳақида ҳеч нарса билмасдим.

— Яхши бўлиб кетасиз, — дедим хайрлашаётиб. — Мен яқинда кетсам керак. Албатта, хайрлашгани келаман. Манзилингизни ёзиб берарсиз-а, ўшанда?

— Кўрамиз, — деди у чиройи очилиб.

— Нега бунақа мужмал жавоб қиласиз?

— Ҳамма нарсани олдин ўйлаб кўриш керак...

— Йўғ-е. Ҳамма нарсани ақл бошқарса, ҳаётнинг унчалик кизиги қолмайди, баъзан кўнгилга ҳам караш керак, — дея ҳазил аралаш билагонлик қилдим. — Ахир ўйчи ўйига етгунча... деган гаплар ҳам бор.

У бу гапимга эътироз билдирмади. «Барибир ёмон бола экансиз» деди-да, кейин «Хайр!» дея бошини хил-ёл бир ёнга эгиб, заиф жилмайганча биринчи марта менга қўлини узатди. Унинг кафти иссик эди. Ундан ўтган ҳарорат бутун вужудимга ёйилди. Маҳбубанинг қўлини сира ҳам қўйиб юборгим келмасди. Узок ушлаб турдим. У ҳам қўлини тортиб олмади. Гапсиз, сўзсиз, унга тикиламан... Охири у қўлини тортиб олди ва секин:

— Одамлар қараяпти, борақолинг! — деди ён-атрофимизда ҳеч ким бўлмаса-да.

V

Шундай қилиб, менинг тинчгина — орзулардан чарчаган ҳаётимга Маҳбуба кириб улгурганди. У билан бирга мен узок кутган ва ҳақиқатга айлланиши кийин кечган ҳаёлотимга ёруғ нур кириб келган эди.

У билан яна кўришдим. Мана, ҳозир ҳам тўғри унинг олдидан келган бўлсам-да, яна кўргим келар, мусаффо осмондаги юлдузлар мисол чакноқ ва сал маънос шахло кўзларига, уялганда доладек кизариб кетадиган юзларига термулганча у билан тўйиб-тўйиб суҳбатлашишни истардим. Ёзмокчи бўлган ва ишлашга мухтож чала-чулпа ёзганларим уни кўриш, ўйлаш истаги олдида ҳеч вақога айланганди. Ёзувларимга қарамай қўйдим. Ишим ва бошқа икир-чикир ташвишлар ўрнини ҳам фақат Маҳбуба ҳақидаги ҳаёллар камраб олганди. У яқинда ўн саккизга киради. Уни ёктириб қолдим. Бу гулғунчадек маъсума киз кўнглидаги ишончини мендек ҳаётда бирор нарсага ариша олмаган ҳаёлпараст бир йиғит оклай олармикан? Менинг ёлғизликка кўника бошлаган ўй-ҳаёлларим билан бу навпиҳол, покиза қалбнинг жўшқин туйғулари жаранги ҳамоҳанг келармикан?..

Унинг қўлини ушлаганимда бутун баданимга ёйилган илиқлик нима эди? Телба эхтирос оташими ёки чин мухаббат сеҳри... Борлигимни мана шунга ўхшаш китобий гаплар коплаб олганди.

VI

Эртасига Баходир мени кузатиб қўяман деди. Кўнмадим. Кўчага чиққанимизда у қаршилигимга қарамай чўнтагимга анчагина пул солиб қўйди. Ёлғиз қолгач, тўғри касалхонага йўл олдим. Боргач, Махбубани чақиртириб, ўша илк бор кўришган жойимиз йўлак охиридаги пиллапоя ёнида кута бошладим. Юрагим ҳаяжондан дук-дук урарди.

— Салом! Келинг! Яхшимисиз? — деди у мени кўриб. Мен нимагадир шу топда шундок сўрашиш камлик қилаётгандек беихтиёр қўл узатдим. У ҳам шаштимни қайтармай қўл чўзди. Хол-ахвол сўрашдик. Кейин у:

— Китоб ўқиб ётгандим, — деди паришонхотир.

— Қанақа китоб?

— Эртақ. Ўзбек халқ эртақлари. Болалигимдан яхши кўраман эртақларни.

— Нахотки, халиям-а? — мен ҳазиллашиб кулдим.

— Кулманг! — у жиддий эди. — Ёмонми? Бунинг нимаси ёмон?! Менга барча эртақлар ёқади, ҳаммаси ростдек туюлади. Болалардек ўйлаганимдан кулманг! Ахир эртақларнинг охири ҳамиша яхшилик билан тугайди-да. Шунақамасми? Шундай бўлгани яхши эмасми! Ҳаётда эса... бошқача... — у маҳзун гапирарди. Мен бунга парво қилмай яна ҳазиллашдим.

— Қачонгача эртақ ўқийсиз? Ўн саккизга киргунчами?

Гапим жавобсиз қолди. Уни ҳафа қилиб қўйдимми деб чўчиб тушдим. Шу пайт Махбуба «вой, ўлмасам» деди-ю чўндай қизариб кетди. Зинадан қўлида тугун, узун кўкиш пальто кийган, айни унга ўхшаш чиройлиқкина бир қиз чиқиб келаётганди. Бундок қарасам, Махбуба зумда ғойиб бўлибди. Бояги қиз аввалига менга ғалати қаради-ю, кейин саломлашиб ёнимдан ўтди ва йўлакдан юриб Махбубанинг хонасига кириб кетди. Мен кетишимни ҳам, туришимни ҳам билмасдим. Ярим соатлар чамаси вақт ўтгач, улар биргалашиб хонадан чиқишди.

Менинг олдимга келгач Махбуба баттар қизариб, минг хижолатда бояги қизни менга таништирди.

— Опачам Руқия, — деди-да, кейин мени ким деб таништиришни билмай баттар оловланди. — Танишим, Аҳмад ака, — деди базур. Опаси «уришиб қоласан, пастга тушма» дея шу ернинг ўзида у билан ҳам, мен билан ҳам хайрлашиб, зинадан тушиб кетди.

— Ноқулай бўлди-ю, — дедим иккимиз қолгач.

— Опачам яхши қиз, мени тушунади, — деди у. — Кейин у хакида батафсил гапириб бераман...

— Бояги саволим жавобсиз қолди, — дедим мен гапни улаш учун узилиб қолган суҳбатимизга қайтиб.

— Нимаиди ўзи?

— Қачонгача эртақ ўқийсиз, деб сўрагандим...

— А... Билсангиз, баъзан эртақлар ҳақиқатдан яхшироқ бўлади. Эзгулик, меҳр-муҳаббат, орзу-умидлар тантанаси бор уларда...

— Нафрат ҳам, ёвузлик ҳам бўлади-ку!

— Хар ким ўзига керагини топиб ўқийди-да! Лекин барибир эртақлар охирида ёмонлик устидан албатта яхшилик, тушкунлик устидан умид ва хом ҳаёл устидан орзулар ғалаба қилади-ку, ахир!.. Ёвузлигу ёмонликнинг умри қисқа бўлгани яхши. Менинг ҳаётим ҳам бир умр эртакка айланиб қолса дейман. Ажабмас! — Унинг кўзлари намланди. — Эртақ! Ҳаёт ҳам эртақ, ҳаёл ҳам... меники айниқса...

— Хафа бўлманг, ҳаммаси яхши бўлади. Тузалиб кетгач, бу кунларни кўрмагандек бўлиб кетасиз. Ахир ким ҳам касал бўлмаган, дейсиз?

— Умр — эртақ. Ҳаёт — эртақ. Ўтмишу келажак — эртақ. Ҳаммаси — бир эрмак! — у кўзларидан дув-дув оқаётган кўз ёшларини халатининг енги билан енгилгина артди. — Агар катта ёзувчи бўп кетсангиз бир илтимосим бор эди.

— Айтинг!

— Ўшанда фурсат топиб мен — ангрелик бечора бахтсиз қиз хакида ҳам ёзинг. Бир эртакдек, бир чўпчакдек қилиб ёзсангиз ҳам майли. Мени эртакдаги фаришта-ю малоикаларга, айти ўша кўз кўрмас малоикаларга ўхшатиб ёзинг!.. Хар кун келиб кўнглимни кўтарганингиз учун сизга раҳмат! — У қафтларини юзларига босганча хўнграб хонаси томон чолиб кетди. Нима қиларимни билмай анчагача туриб қолдим. У қайтиб чиқмади. Фақат ҳамшира қиз ёнимга келиб, қўлимга бир парча қовозни бериб кетгандан кейин ўзимга келдим...

«Аҳмад ака, келганингиз учун раҳмат! Билмайман, нимагадир сизга ўрганиб қолятман... Телефонда гаплашганимиздан буён ҳали ўзингизни танимасдан туриб нимагадир келишингизни кутгандим. Келиб хаста кўнглимни кўтарганингиз учун яна бир бор раҳмат! Негадир сизни яқинда кўриб таниган бўлсам ҳам, гўё сизни аллақачонлардан бери билгандекман. Нега бундайлигига ўзим ҳам ҳайронман.

Яқинда янги йил. Аввало мана шу байрам билан сизни олдиндан табриклайман! Уйланмаган бўлсангиз яхши жойлардан ато қилсин! Бахтли бўлинг! Мени — давосиз дардига шифо излаб юрган бир бечора касал синглингизни эслаб юринг!

Янги йилга жавоб берамиз дейишяпти. Қандай яхши — янги йилни уйда, оила даврасида ўтказиш! Илоё, янги йилни уйда ўтказиш насиб этсин.

Янги йилдан кейин Тошкентга даволанишга бораман. Шифокорлар шундай дейишяпти. Манзилингизни қолдириб кетсангиз, ўзим қачон боришимни хабар қиламан.

Энди хайр!

Ҳаммаси учун Сиздан яна бир бор миннатдорман!

Одобсизлик қилиб, олдингиздан кетиб қолганим учун уэр. Шунақа бўп қолди. Кўнглим бўшаб кетди.

Ангренлик бахтсиз синглингиз

Маҳбуба!»

... декабр 198... йил.

Ўшанда унинг кўп сирли эртақнома айтган гапларини ҳам, хўнграб йиғлаб кириб кетиш сабабини ҳам, хатдаги баъзи сўзлар маъносини ҳам дурустроқ тушуна олмадим. Факат ўша қоғоз орқасига «Нима бўлганда ҳам мен бир нарсани тушундим: мен Сизни севиб қолдим, Маҳбуба! Бунга ўзингизга айтмоқчи эдим, айтолмадим, аммо айтмасдан Ангрендан кета олмас эканман.

Хайр! Ўзингизни эҳтиёт қилинг! Тошкентда албатта сизни кутаман, боргач, тезда хабар беринг!» деб, остига манзилимни ёзиб, унга киритиб юбордим.

Ташқарида ҳамон қиш, оппоқ қор, изғиринли ҳаво, осмон ҳаддан ташқари мусаффо эди. Фақат у ер-бу ердаги баргсиз шохларига қор қўнган дарахтларнинг олабула мунғайиб туришларигина кўзимга галати бўлиб кўринарди.



Тошкентга қайтибманки, тинчим йўқ. Хар дақиқада Махбуба билан боғлиқ хотираларни — у билан қандай танишганимни, телефондаги сўзлашувларимизни, илк учрашганимиздаги Жамиланинг ҳалатидан тортиб юзлари дув кизариб унинг ортига беркинганча тим қора шахло кўзларини мўлтиллашиб туришларини, опаси келганда уялганидан дув кизариб кетган ёноқларини ўйлаганим-ўйлаган эдим. Борай дейман, ахир Ангрен нима деган жой, унинг олдига деса дунёнинг нарига бурчагига ҳам учиб боришга тайёрман. Аммо эрта-индин Янги йил, уйга жавоб беради деган. Қани энди тезроқ Янги йил ўта қолса-ю уни кўрсам...

Нихоят Янги йил ҳам ўтди. Бир куни ишдан қайтсам менга хат келибди. У Махбубадан бўлиб, қискагина эди.

«Ассалому алайкум, Аҳмаджон ака! Янги йилни яхши кутиб олдингизми?»

Менга ҳам жавоб беришганди, уйда кутдим.

Ҳозир Тошкентдаман — Тахтапулдаги 1-шаҳар шифохонасининг 1-жарроҳлик бўлимида. Кўришгунча!

Уша Махбуба!

... январ, 198... йил.

Кеч бўлиб қолган бўлса-да, эртани кутишга ҳам сабрим чидамади. Унинг олдига қушдек учдим. Келганимни эшитиб, у тезда чиқти. Қўл узатиб, қуюқ сўрашдик. Кейин узоқ гаплашдик. Соғиниб, гапларимиз ҳам роса йиғилиб қолган экан. Чамаси бу дунёда биз сўз юритмаган мавзу қолмади, хойнахой. Қанча суҳбатлашмайлик, камлик қилаётгандек туюларди гўё. Тўғриси, суҳбат бахона дийдор ғанимат эканлигини иккимиз ҳам дилдидан сезиб турардик. Охири журъат қилиб хаёлимда минг бор айтишга ҳозирлаб қўйган, лекин келганимдан буён айтолмаган сўзларни айтдим.

— Махбуба Сизни учратганимдан буён мен ҳам ўзимга нима бўлаётганини билмайман. Ўшандан буён сизни ўйлаганим-ўйлаган...

У чурк этмай одатича ерга қараб олди. Мен дадиллашдим.

— Сизни яхши кўриб қолдим, — дедим хаяжондан чўғдай кизариб. Кейин Махбубанинг қўлларини секин қўлимга олдим ва беҳос уни ўзимга тортиб, лабларидан ўпиб олдим. У авватига нима бўлганини билмагандек қаршилиқ қилмади, сўнгра ўзига келиб, бирдан хушёр



тортиб йиғлаб юборди-да, бошини секин елкамга қўйди. Нима деб овутишни ҳам билмай, аста сочларини силадим, кейин кўз ёшларини бармоқларим орқаси билан аста артдим.

— Нега йиғлайсиз? Нега хафа бўласиз? Ёки...

— Мен... умримда биринчи марта бунақа гапларни эшитишим... аммо... мени севманг! Мен ёмон қизман!

Ғалати бўлиб кетдим.

— Нега унақа дейсиз, Махбуба?

— Мени, мени ҳеч ким севishi мумкин эмас.

— Мен-чи?

— Сиз ҳам... — унинг кўз ёшлари дарё бўлиб қуйилди. — Сиз яхшисиз. Сизга ёлғон ваъда, ёлғон бахт ато қилолмайман. Яхшиси мени севманг! Унутинг! — У шу гапларни айтаркан, мендан ўзини олиб қочмас, аксинча ҳамон бошини кўксимга қўйганича унсиз йиғлар эди. Мен эса унинг гапларини қандай тушунишни ҳам, унинг кўнглида аслида нималар кечаётганини ҳам билолмай гаранг эдим. Мени севманг дейди-ю... Тагин нега бунақа гапларни айтади?!

Хайрлашаётганимизда яна унинг ёнча янглив лабларидан охиста ва узок ўпдим. У энди боягидек гапларни гапирмас, менинг эркалашларимга ҳам ортиқ қаршилиқ қилмасди, аммо ҳамон унсиз кўз ёш тўкишини қўймас ва бунинг сабабини менга очик-ойдин айтмасди.

Кетаётганимда у шундай деб қолди:

— Яна хафта-ўн кун шу ердан. Келиб турсизми?

— Албатта! Хар куни келаман! Ахир мен Сизни, севгимни, узок қутган муҳаббатимни излай-излай энди топдим-ку! Ахир, Махбубани, ўз Махбубамни топдим-ку!

— Илтимос сиздан, жон Аҳмад ака, бунақа гапларни гапирманг! Менга келиб турсангиз бас! Шунинг ўзи менга катта бахт, ҳаёт берган катта инъом, катта мукофот! Тақдирнинг қилган катта эҳсони!

— Кейин-чи?

— Кейинини кейин биласиз, — у оппоқ, узун-узун бармоқларини яна савол бериш илинжида жуфтлаётган лабларимга охиста босди. — Фақат илтимос, севгим-муҳаббат ҳақида бошқа гаплашмайлик... Ажралишимиз олдидан у якин келиб юзимдан чўли этиб ўпди-да, қўлларимда турган қўлларини силлик суғуриб олганича индамай югуриб кетди.

Мен шу кундан бошлаб севгининг, хакикий мухаббатнинг илк бўсалари оташидан маст-аласт эдим. Хар куни ишдан чика солиб Махбубанинг олдига ўқдек учардим. Оқшомлари яна борардим. Шунда биз икки севишганлар бир-биримизнинг пинжimizга суқилганча бу дунёдаги бору йўқ барча гаплардан эхтирос ила узок-узок гаплашардик. Нима хакида гаплашмайлик бунинг биз учун ахамияти йўқдек эди. Хаммаси ажойибу фаройиб гаплар бўлиб туюларди улар иккимизга ҳам. Аммо мен юрак ютиб унинг хакикий дарди хакида тузукрок сўрай олмасдим, ўзи ҳам бу хакида чурқ этмасди. Мен эса унинг нозик-нихол калбига озор бериб қўйишдан чўчиб сўрашга, бу ҳақда сўз очишга хайиқардим. Хайрлашиш онлари яқинлашганда эса иккимизнинг қўлларимиз ҳам гўё бир-бирига чирмашиб кетган печакгуллар каби ажралишни истамас, мана шу кафту бармоқлардан ўтган тафту харорат ҳам кўз қарашларимиздаги оташин тафтга қўшилиб, вужудларимизни киздириб, пайваста килиб борарди. Мен, айниқса, бу онларнинг, яратганининг ўзи бизга тухфа қилган бу онларнинг узок давом этишини жудажуда истардим. Ва албатта Махбубанинг тузалиб кетишга ва менга келгусида вафодор ёр бўлишига ҳам, куннинг ёруғлиги қандай рост бўлса, шундай ишонардим. Бошқача бўлишини — ойнинг ўн беши ёруғ бўлса, ўн беши қоронғи бўлишини, бу чароғон кунлар ҳам тез орада қора тунларга алмашишини ўшанда тасаввуримга ҳам сиедира олмасдим. Ахир бахт ва мухаббат оғушида, севги чаманзориди мастона кезиб юрган мендайин ошиқ йигит учун бошқача ўйлар не ҳожат эди ўша тобларда?! Не илож, Оллохнинг бандаси эканмиз, зоримиз бору зўримиз йўқ. Бу фарахли онлар ҳам, кунлар ҳам биз танишган киш кунларидек қисқа экан. Аслида пешонамга мухаббатнинг лаззатли болидан кўра унинг аччик захрини тортиш битилган экан.

Сўнгги кўришганимизда унинг ранги сал бошқача, рухи ҳам синик эди. Ҳеч унинг олдидан кетгим келмасди. Уни ўзи ҳам хар галгидек «кетинг, энди кеч бўлиб колди» ҳам демасди. Унинг шу куни айтган гаплари эса ҳамон қулоғим остида жаранглаб туради.

— Ахмад ака, хаммаси учун раҳмат. Эртага келмасангиз ҳам майли. Мен Ангренга — она юртимга, она тупроғимга қайтаман.

Шунда ҳам мен нодон, мен галварс, хом сут эмган банда, ўз севгисидан телба шодон бир худбин нима гаплигини ҳам дурустрок англамабман, сўраб-суриштирмабман. Ва бунинг ўрнига эса мен ахмоқ бемаврид ҳазил қилибман:

— Ангрен узок эмас, барибир Сизни топаман, Махбуба.

У зўраки бўлса-да, кулди. Аммо кўзалари жикқа ёш эди...

— Илтимос, мени ортиқ изламанг, Аҳмад ака!

IX

Эртасига ишдан кейин ҳар галгидек касалхонага бордим. Унинг палатасидан менинг олдимга у эмас, ўша Ангрендаги шифохонада дуч келган Махбубанинг опачаси Рукия чикиб келди: сочлари тўзиган, ўзи бир алфозда, йиғидан шишиб кетган кўзалари кип-қизил... Мени кўриб кафтини юзларига босганча хўнграб юборди. Юрагим орқага тортиб кетди.

— Операциядан... Энди у йўқ. Жигаргинам, менинг жондан азий синглим энди йўқ! Нима кўрди бечорагина бу дунёга келиб... Хали ўн саккизга ҳам тўлмаган эди бечора, синглим!

Вужудум тош қотди. Кейин бошимни чангаллаганча мен ҳам хўнграб юбордим. Кўзларимдан дув-дув ёш оқарди. Фариштадек беозор Махбубам... Менда, мен ахмоқда не-не орзу-умидларни уйғотиб, юрагимга илк муҳаббат уруғини сочиб, мени ташлаб вужудимни қақшатиб қайларга кетдинг-а? Наҳотки, Тошкентга шу ният билан — мению ўзингни адои тамом қилгани келгандинг? Наҳотки, дардинг шунчалар оғир, бедаво бўлса? Ахир шунча кун ҳасратлашиб, дардлашиб бир овиз ўз дардингдан, бу дунёнинг ёшгина вужудингга солган жабру ситамларидан бир овиз чурқ этмадинг! Наҳотки, шунча катта шаҳарнинг катта докторлари ҳам дардингга даво тополмаган бўлса? Энди мен нима қиламан?...

Телбалардек йўлак бошида куппа-кундуз куни йиғлаб турарканман, Рукия «ҳозир» деди-ю, Махбубанинг хонасига кириб кетди ва бир оздан сўнг қайтиб чикиб, қўлимга бир конверт тутказганча «Махбубадан» дея йиғлаган кўйи ортига қайтди. Махбубани чиндан йўқотганимга ишонмай, довдираганча унинг ортидан палатага кирдим. Бурчақдаги у ётган темир каравот бўм-бўш эди...



Хўнграганча юзларимни чангаллаб у ердан отилиб чиқиб кетдим. Ғамбода қалбимга хатни очиб ўқиш ҳам сизмади...

Факат ётокка келгандагина конвертни очдим.

«Ассалому алайкум, Аҳмад ака!

Ушбу хатни саломдан кўра видолашувдан бошласам ҳам бўларди...

Лекин, билсангиз, бошингизни баланд кўтариб мағрур тутадиган вақт ҳам етиб келди чиқар.

Улиб кетиш нима? Кўзингни чирт юмасану беихтиёр «пуф» деб сўнги нафасни чиқарасан... Бироқ ўз ўлимингни билиб яшаш, ўтган ҳар бир кунингни, дақиқаларни бир-бир санаб яшаш ва булар ҳақида бетиним ўйлашнинг ўзи қанчалик даҳшат! Лекин мен не аҳволда бўлсам-да, Сизни ўйлаганларим-чи...

Дардимни сизга ошкор этолмадим. Журъатсизлигим учун узр! Энди очиқ-ойдин гаплашишимга рухсат берсангиз. Ўлим ҳақ экан. Пешона-да. Бу эса ҳамманинг бошида бор. Шунинг учун бундан кўп қайғурманг. Мен бир нарса қувонтиради: мен бахтлиман, чунки Сиздек йигитнинг севгисига муносиб бўлдим, сизнинг муҳаббатингизга сазовор бўлганимга ва ҳаётимнинг сўнги кунларида бу шикаста қалбимга Оллоҳ муҳаббатдек улуг неъматни инъом этганига мингдан минг шукроналар айтиб кетмоқдаман бу дунёдан. Одамзод дунёга йиғлаб келиб, йиғлаб кетади дейишади. Мен шу қисқа умримда оз бўлса-да бахтиёр бўлиб кетяпман бу дунёдан. Бу бахтни менга Сиз бергандексиз гўё.

Ҳаммаси учун Сизга раҳмат!

Бу ёғига мен Сизга битмас-туганмас бахт ва бахтли ҳаёт тилайман. Мен етишмаган орзу-умидларга сиз етишишингизни истайман. Менинг ўлимимдан кўп қайғурманг, Оллоҳнинг иродаси шу экан, фақат бу ишлар энди Сизга, сизнинг чинакам бахтли бўлишингизга ёрдам берсин!

Ишонаман, сиз албатта бахтли бўласиз!

Бахтли бўлинг, илойим!

Дунёда яхши қизлар кўп. Кўнглингиз чопган бирортасига ўйланing. Сиз ҳар қандай қизни бахтиёр этасиз.

Мана шундай бахтиёр кунларингизда мен бахтиқаро Маҳбубангизни ҳам ҳар замонда ошкора бўлмасам-да, пинҳона юрагингизнинг бир четида элга олиб ўтинг.

Сўнгги илтимосим, ўша орамиздаги эски гап, лозим кўрсангиз, мен ҳақимда ҳам ёзарсиз... Балки у вақтларга келиб менинг ҳам касалимнинг давоси топилаган чиқар...

Алвидо!

Маҳбуба – Маҳбубаниз!

Бу хатни сақламай, йиртиб ташланг!

Конвертда иккига букланган алоҳида яна бир варак ҳам бор эди. Устига «Ёзувчига» деб ёзиб қўйилибди. Унга қуйидаги сўзлар илова қилинганди:

«Аҳмад ака!

Қиз боланинг кўнгли қанақалигини биласизми?

Билмасангиз билиб қўйинг.

1. Йигит олдида ёноқлари гул-гул ёнса, қиз севган бўлади.

2. Сизни кўрганда уялиб ерга қараса, билинги, бу сизга бўлган меҳру муҳаббатидир.

3. Қиз бола ҳеч қачон севдим деб айтмайди...

4. Қўлини ушлаганда тортиб олмадими — бу ҳам муҳаббатдан дарак.

Бундай тартиб билан ёзилган -- Маҳбуба ўз кўнгли сирларининг ошкор этган сатрлар яна анча давом эттирилган, аммо улар негадир сиёҳли ручкада ўкиб бўлмас қилиб ўчириб ташланган эди.

Бир ҳафта ўтгач, касалхонага бориб билдим — Маҳбубанинг касали саратон экан. Ўшанда илк операция бўлганида ва грижасини олдирганда врачлар унга билиб билмай тиг тегизиб қўйишган ва шундан кейин бу ўсма авж олиб кетибди. Сўнгги чора — операция ҳам ёрдам бермабди...

Эй, бевафо дунё, гоҳида бировга яхшилик қилишни билмайдиган ёмонларга юз йил умр берасан. Менинг шунча йил орзулай-орзулай излаб топганим, хали ўн гулдандан бир гули очилмаган Маҳбубанинг не гуноҳи бор эди? Эй, парвардигор, нахотки шу гулдек беозор, кўнгли зилолдек тиник қизгинанинг жони керак бўлиб қолган бўлса Сенга?!

Энди мен нима қиламан?..

198... – 2006 йиллар, Тошкент – Ангрен

МУНДАРИЖА

ХАЁТ ВА ЎЛИМ (<i>Роман</i>).....	5
БЕГУНОҲ СЕВГИ (<i>Қисса</i>).....	99
ЁШ ЁЗУВЧИНИНГ ХАЁТИДАН САҲИФАЛАР (<i>Қисса</i>).....	145
АБИТУРИЕНТ (<i>Қисса</i>).....	205
ФУТБОЛЧИ (<i>Қисса</i>).....	251
СЎНГИ СЕВГИ ТАРИХИ (<i>Қисса</i>).....	303

АДҲАМ ДАМИН

САЙЛАНМА

РОМАН ВА ҚИССАЛАР

«Шарқ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
Бош таҳририяти
Тошкент — 2006

Мухаррир *Ақбар Баҳромов*
Бадий муҳаррир *Михаил Самойлов*
Техник муҳаррир *Диана Габдрахманова*
Саҳифаловчи *Лидия Цой*
Мусаххиклар *Жамила Тоирова, Юлдуз Бизаатова*

Босишга рухсат этилди 20.09.2006. Бичими 84x108 1/8.
«Петербург» гарнитураси. Офсет босма. Шартли-босма табири 17,64.
Нашриёт-хисоб табири 17,2. Буюртма №2784. Адади 4000 нуска.
Баҳоси келишилган нархда.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонаси,
700083, Тошкент шаҳри, Буюк Туран кўчаси, 41